



Sharq yulduzi


- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN'AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK
- SAN'ATSHUNOSLIK





Ҳамид ОлимҶон
1909 – 1944

*Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон,
Достонларда битган гулистон.
Ўзбекистон дея аталур,
Уни севиб эл тилга олур...*



ШАРҚ ЮЛДУЗИ

Адабий-бадний, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Муҳаммад Али	Абдулла Орипов
Эркин Воҳидов	Умарали Норматов
Кенгесбой Каримов	Хайриддин Султонов
Наим Каримов	Сирожиддин Саййид
Тўра Мирзаев	Тўра Саидов
Иқбол Мирзо	Энахон Сиддиқова
Минхожиддин Мирзо	Йўлдош Солижонов
Абдувахоб Нурматов	Шухрат Маткаримов
Бахамдулло Нурабуллаев	Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир — Улугбек Ҳамдам
Назм бўлими мудири — Икром Отамурод
Наср бўлими мудири — Орзиқул Эргаш
Масъул котиб — Саъдулло Қуროнов
Адабиётшунослик бўлими мудири в.б. — Раъно Ҳакимжонова



АЛАНГА

Хотира романдан боблар

Мен ҳам, синглим ҳам онамиз тирилиб келганига қаттиқ ишондик. Фақат Турғун акам ишонмади. Уни Турсун акам тўй куни онамнинг қабри устидан топиб келибди. Янги онам келиб, уйимиз чароғон бўлиб кетди. Ош-овқатларимиз пишириғлиқ, ўрин-жойимиз тўшалган. Онам кийимларимизни ювиб, сочларимизни ўриб, қўшниларнинг айтишича, "гулдек қиз" қилиб қўйибди.



Шонг боғи обилган қумуш гунда

Шеърлар


*Сен борсан. Мен учун шунинг ўзи бас.
Кафтимда турибди юрагим, мана –
қай тарафга юрмай яна ва яна
фақат сен томонни қўрсатар компас.*



Қадрдон набирам, ўқиб ёд ол!

Мия – бу шундай компьютер-ки, у ҳамиша сен билан, унинг имкониятлари машқлар натижасида кенгая боради, столинг устидаги компьютернинг эса давомли фойдаланишдан сўнг тезлиги пасаяди ва бир неча йилдан сўнг бошқасига алмаштиришни талаб этади. Миянг эса сенга 90 ёшгача хизмат қилиши ва машқ қилдириб турсанг, тўқсондан кейин ҳам ҳозиргидан кўп нарсани эслай олишинг мумкин.





Кўнгилки бор, ўзи бир "Чўли ироқ"

Дунёда "Чўли ироқ" битта. Турсуноӣ Содиқованинг ҳам ўз "Чўли ироқ"и бор. Бу "Чўли ироқ" дунёсида унинг кемтик тишли, жамалак сочили болалиги, кўзи ва юрагига суратланиб қолган ота-онаси; кўли игна тутишга ўрганаётган чоғларда тикмоқчи бўлган дўппи ва дастрўмолчаларнинг чала қолган ранго-ранг тагдўзлари; толпоуклар билан безанган ҳалинчаклар бор.



Мусаффо ранларга ўраним келди

Шеърлар

*Нелар унут бўлар,
Нелар ёдда қолар,
Япроқлардай учиб тушар не юраклар,
Малакларнинг муддаоси кўкда қолар,
Кўкда кишилар ҲАҚни кўзлаб не буруқлар,
Сезаманки, сазоворлиг тонгги отар.*



"Муаллиф ўлими"га сиз ҳам овоз берасизми?

Глобализм "Муаллиф ўлими"га розими?

Бугунги тезкор ахборий жараён ва унинг кўпайтирув воситалари ижодкорни асл асар қайғусидан йироқлаштириб қўймайдими? Агар у ҳақиқий маънодаги ижодкор бўлса, албатта, йўқ. Узининг чиркин ва худбин мақсадларини замон берган имкониятлардан фойдаланиб амалга ошироқчи бўлса, аслида ўша ҳолатнинг ўзи "муаллиф ўлими"га олиб келади.

МУНДАРИЖА

ПУБЛИЦИСТИКА

Муҳаммад Али. Жаҳоний эътироф олган боболар	5
НАСР	
Алишер Мирзо. Каллахоналик йигитча. Роман-эссе	10
Мақсуда Эргашева. Аланга. Хотира романдан боблар	33
Иброҳим Ғафуров. Нафис сўз ёди	47
Адах Дамин. Бу дунёнинг дардлари. Қиссадан боблар	53
Суннатулла Анорбоев. Ассалом. Бадиа	143
Чингиз Айтматов. Биринчи муаллим. Қисса. Охири.	85
Ғайзулла Салаев. Тўлов. Ҳикоя.	103
Маъруф Менгли. Ким. Ҳикоя.	131

НАЗМ

Азим Суюн. Йироқлардан тоғлар жимирлаб боқар. Шеърлар.	28
Икром Искандар. Тоғ чои очилган кумуш гунча. Шеърлар.	31
Гузэл Бегим. Исмингиз шуъласидан қамашар кўзим. Шеърлар.	49
Ҳабиб Абдуназар. Бу дил – кун ишқи. Шеърлар.	51
Озода Бекмуродова. Мусаффо рангларга ўрангим келди. Шеърлар.	66
Мунаввара Қурбонбоева. Вафо гули. Шеърлар.	99
Шаҳрону. Сен бир кун келасан, Шеърлар.	101
Абдураҳмон Муҳаммаджонов. Утмоқда бир-бирин ортидан йиллар. Шеърлар.	34
Баҳриддин Садриддинов. Лаҳзалар бир лаҳза тўхтамас.	36
Собир Ҳақимов. Олисларда қолган малагим. Шеърлар.	1
Ҳабибулла Хотамкулов. Ҳаёлимга мангу чизилган. Шеърлар.	163
Муҳайё Рустам қизи. Васлинни истаيمان муттасил. Шеърлар.	165

БАРҲАЁТ МЕРОС

Гегель. Эстетика. Давоми.	68
--------------------------------	----

БАҲС

Ҳамидулла Болтабоев. "Муаллиф ўлими"га сиз ҳам овоз берасизми? Глобализм "Муаллиф ўлими"га розими?	79
---	----

ҚОДИРИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 120 ЙИЛЛИГИГА

Наим Каримов. Абдулла Қодирийнинг Қозон сафари.	114
Улуғбек Ҳамдам. Шеъриятимизда Қодирий аъёналари.	118
Санобар Тулаганова. Абдулла Қодирий қомуси: муаммо ва ғажиблар.	123
Марҳабо Қўчқорова. Холид Саид ҳаёти ва фаолияти: "Утган кунлар" озар тилида.	127

МУЛОҲАЗА. МУҲОКАМА. МУНОЗАРА

Фуад Кўпрулу. Бугунги адабиёт.	138
-------------------------------------	-----

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Навоий ёшлари ижодидан. Шеърлар.	176
---------------------------------------	-----

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Нилуфар Дилмуродова. Ворисийлик ва иқодий аъёналар илдизи.	150
Рустам Умурузқов. XX аср ўзбек қисса-чилигида бола образи.	154
Гулноза Бобобекова. Лирик кечинма ва поэтик образ муносабати.	157

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ТАҲЛИЛ КЎЗГУСИДА

Муҳаммаджон Ҳолбеков. Кортасарнинг романнавислик маҳорати.	167
---	-----

БОЛАЛАР ДУНЁСИ

Дилшод Ражаб. Бог тебраниб гувранади. Шеърлар.	171
---	-----

МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Ойбек Қўчқаров. Навоий шеърятинда қош тасвири.	173
---	-----

МУТОЛАА

Бахтиёр Назаров. Кўнгилки бор, ўзи бир "Чўли ироқ".	185
Ҳилола Болтабоева. Ўлдузли лаҳзалар қадри.	190

БУ БЎСТОН САҲНИДА

Хаёла. Лутфингиздан дарак йўқ. Ғазаллар.	192
---	-----

ЁДНОМА

Асад Асил. Чақмоқдек чақнаган ҳаёт.	195
--	-----

ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ МАНЗАРАСИ

Сальваторе Квазимодо. Буй кўрсатар вақт кўз ўнгимда. Шеърлар.	199
--	-----

АДАБИЙ ПОРТРЕТ

Ҳафиз Абдусаматов. Янги асримиз тонгини олқишлаган шоир.	201
---	-----

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Нормурод Нарзуллаев. Меҳр бўлиб тўкилар ҳислар. Шеърлар.	204
---	-----

МАҚТУБ

Умберто Эко. Қадрдон набирам, ўкиб ёд ол!	206
---	-----

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

2014

4-сон

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри тахририят фикри деб қабул қилинамасин.
Тахририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

* Обунага монелик кўрсатилса,
Тошкент – 100000,
"Амир Темури" тор кўчаси, 2. Республика
"Маъбуот тарқатувчи"
акциядорлик
компаниясига мурожаат қилинсин.
Обуна индекси – 911

Манзилимиз:

100127, Тошкент шаҳри,
"Ўзбекистон" кўчаси, 16-а уй.
Телефонлар:
227-00-81, 245-22-99, 245-27-87
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi1931@mail.ru

Боснига рухсат этилди
12.06.2013 йил.
Қоғоз бичими 70x108 1/16
Офсет босма усулида тип.
№ 1-қоғозга босилди.
Босма тобоғи 11.
Шартли босма тобоғи 15,4.
Нашриёт ҳисоб тобоғи 17,2.
Адади 2560 нусха.
Буюртма № 182-14

Журнал Ўзбекистон Маъбуот ва ахборот агентлигида 0562–рақам билан рўйхатга олинган.
"Ўқитувчи" НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,
Янгишаҳар кўчаси, 1-уй.

Журнал икки ойда бир марта чоп этилади.

Журналнинг янги муқоваси
Николай Попов томонидан
тайёрланди

Мусахҳих:

Дилфуза Маҳмудова

Copyright © "Шарқ юлдузи"



ПУБЛИЦИСТИКА

Муҳаммад АЛИ

1942 йилда туғилган. Ўттиздан ортиқ шеъррий, насрий асарлар, эсселар, публицистик мақолалар ва таржима китоблари эълон қилинган. “Машраб”, “Гумбаздаги нур” каби дostonлар, “Боқий дунё” шеъррий романи, “Сарбадорлар” тарихий дилогия ҳамда “Улуғ салтанат” номли роман-тетралогия муаллифи. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.



ЖАҲОНИЙ ЭЪТИРОФ ОЛГАН БОБОЛАР

“Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривождаги роли ва аҳамияти” халқаро конференциясидан кейинги ўйлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қароридан, аввало, биз танлаган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий йўл экани ҳақидаги ҳақиқатни юртимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, уларнинг қадр-қимматини чуқур англаш бугунги кунда олиб бораётган маънавий-маърифий фаолиятимизнинг асосий маъно-мазмунини ташкил этиши кўрсатиб ўтилган. Мамлакатимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб, ўзига муносиб ўрин эгаллаб олаётганини кенг ёритиш вазифаси қўйилган. Тарихан қисқа даврда биз қандай улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганимизни баҳолашда “Ким эдигу ким бўлдиқ?” деган ҳаётий ҳақиқатни асос ва бош ғоя сифатида белгилашга алоҳида эътибор қаратилсин, дейилган. Ватанимиз фахру ифтихори бўлган кўҳна ва навқирон Самарқандда шу йилнинг 14-15 май кунлари Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “дунёда камдан-кам бўладиган анжуман” ўтказилиши ҳам ана ўша “Ким эдигу ким бўлдиқ?” деган асосий ва бош ғоя ифодасидир, дейишга тўла ҳақлимиз.

Чиндан ҳам, “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривождаги роли ва аҳамияти” конференцияси, бу — камдан-кам учрайдиган анжуман! Кўҳна ва навқирон шаҳар яна ҳам обод бўлиб кетди. Буюк аждодларимизнинг руҳлари шаҳар узра кезиб юрарди, назаримда... Самарқанд оқшомида осмонни бошдан-оёқ тўлдирган порлоқ юлдузларни томоша қилиш ғоят мароқли эди. Ҳа, улар башарият юлдузлари эдилар, Ватан осмонини безаган улўғ боболаримиз, буюк аждодларимиз юлдузлари...

Мазкур халқаро анжуманда, уларни сифатлашга “буюк” сўзи камлик қилаётган Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек сингари қомусий олимлар, Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа бадий сўз устала-

рининг илмий-бадий мерослари таҳлиliga алоҳида аҳамият қаратилди. Ватанимиз ва хорижлик машҳур олимларнинг ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари илмий фаолиятига доир маърузаларида IX-XI ва XIV-XV асрларда Марказий Осиёда бўй кўрсатган илмий-маданий Ренессанс хусусиятлари гоята кенг қамраб олинди.

Авалло, Муҳтарам Юртбошимизнинг конференция очилиш маросимида сўзлаган оташин нутқи ҳақида. Ҳа, бу оташин нутқ эди. Нутқ ўзининг самимийлиги, равлонлиги, теранлиги, сермазмун мулоҳазаларга, доно, кишини ўйлатадиган фикрларга бойлиги билан барчани мафтун этди. Бутун анжуман аҳли бир вужуд, бир қулоқ бўлиб тинглади, десам муболага бўлмас. Бу нутқ эмас, балки ўз халқи тарихини севган, ардоқлаган, унинг учун куйиб-ёнган, буюк аждодлари билан чексиз фахрланган, бутун кучини, савий-ҳаракатини уларни дунёга тарғиб этишга, шунинг баробарида миллатни улуғлашга бағишлаган содиқ Ватан фарзандининг дунё олимлари билан қурган дўстона, дилкаш суҳбати эди! Айтиш кераки, мазкур Нутқ ва бошқа олимлар маърузалари янграганда, бутун анжуман давомида киши ўз-ўзидан беихтиёр ғурурланиб кетганини сезмай қоларди.

“Шарқ, хусусан, Марказий Осиё минтақаси IX-XII ва XIV-XV асрларда бамисоли пўртанадек отилиб чиққан икки қудратли илмий-маданий юксалишнинг манбаи ҳисобланиб, – деди Муҳтарам Президентимиз. – жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги Ренессанс жараёнларига ижобий таъсир кўрсатган Шарқ уйғониш даври – Шарқ Ренессанси сифатида дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган.”

Дунё афкор оммасига қарата айтилаётган бу сўзлардан ғурурланмай бўладими? Юртимиздаги Уйғониш жараёнлари Европа Ренессансига замин ҳозирлагани жаҳон олимлари томонидан тан олинаётгани кишида мамнуният туйғусини уйғотади.

Нутқда Шарқ Ренессансининг келиб чиқиш манбалари, ўзбек заминининг қадимдан ривожланган маданият ўлкасига айланган эканлиги, улуг алломалар шундай ўлкада туғилганлари бежиз эмаслиги ишончли далиллар билан асослаб берилди. Буюк аждодларимиз илмий фаолиятлари чуқур таҳлилдан ўтказилди. Ал-Хоразмий, номи дунёнинг ҳамма тилларида “алгоритм”, “алгебра” деган машҳур атамалар билан улуғланадиган, ўнлик позиция ҳисоблаш тизимини яратиб, ноль белгисини биринчилардан бўлиб асослаб, амалиётга татбиқ этди, умуман, жаҳон фани тараққиётида буюк бурилиш ясади... Бу кишига ғурур бағишламайдими?

Оламнинг тузилиши, Ер ўлчови ҳақида дастлабки маълумотлар, унинг шарсимон экани тўғрисидаги далиллар жамланган Ал-Фарғонийнинг “Астрономия асослари” китоби буюк географик кашфиётлар даврида Колумб ва Магеллан сингари буюк сайёҳларнинг ёнида олиб юрадиган китобига айланган, уларнинг кашфиётларига асос бўлиш асносида, саккиз аср давомида, яъни XVII асргача Европа университетларида астрономия бўйича асосий дарслик сифатида хизмат қилган эди.

Геодезия фанига асос солган Ал-Беруний Ер радиусини ҳисоблаб чиқди, Колумбдан беш юз йил олдин Атлантика океани ортида қитъа мавжудлиги ҳақида қарашларни олға бурди. “Халқ сўзи” газетасининг жорий йил 5 июль сонида шу мавзуда турли фикрлар билдирилган ажойиб мақола босилиб чиқди. Мана, алломанингни ўзи “Ҳиндистон” китобида бу ҳақда нималарни ёзади: “Ернинг одамлар яшайдиган қисмини шундай тасаввур қил: шу қисми Ернинг шимолий ярмида бўлиб, бу эса ярмининг ярмини ташкил этади. Демак, Ернинг тўртдан бир қисмида одамлар яшайди. Шу қисмини Мухит деб аталадиган денгиз Ғарб ва Шарқ томондан ўраб туради. Юнонлилар бу денгизнинг ўз вилоятлари бўлган Ғарбга ёндош қисмини уқёнус (океан) деб атайдилар. Бу денгиз Ернинг шу қисми билан ўзининг нариги томонида бўлиши мумкин бўлган қуруқлик ёки одамлар яшайдиган қитъа орасини Ғарб ва Шарқ томонларидан ажратиб туради. Ҳавонинг қоронғилиги, сувнинг қуюқлиги, йўлларнинг нотинчлиги, хавф-хатарнинг улуғлиги ва борилганда қайтиб келишлик йўқлигидан денгизнинг у томонига сафар қилинмайди”.

XI аср бутун дунёдаги табиий фанлар тарихчилари томонидан “Беруний асри” деб аталгани Нутқда алоҳида таъкидланди. Бундай фахру ифтихордан кўнгиллар ғурурга тўлиб-тошмайдими?

Шайх ур-раис Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари” номли дунё хазинаси дегулик бебаҳо фундаментал асари билан кейинги бир неча юз йиллар учун тиббиёт фанлари тараққиётининг асосий йўналишларини олдиндан белгилаб бергани, Леонардо да Винчи, Микаланжело, Фрэнсис Бэкон сингари ва бошқа кўплаб олимлар авлоди унинг асарларини ўқиб ҳайратга тушганлари айтиб ўтилди... Буни бошқа олимларимиз мисолларида ҳам кўриш мумкин.

Чунончи, буюк италян шоири ва мутафаккири Данте Алигьери ўзининг оламшумул асарларини ёзишда Ал-Фарғоний, Ибн Сино асарларига тез-тез мурожаат қилади. “Базм” асарида Ал-Фарғоний фикрларидан иқтибослар келтиради, уни бошқа мунажжимлардан баландроқ қўяди, фикрларини ҳақиқатга яқин ҳисоблайди. “Илоҳий

комедия"ни ўқисангиз, ундаги осмон жисмлари, ёритқичлар, уларнинг ҳаракатлари ифодалари, тасвирлари, масофалар ўлчовлари Ал-Фарғонийнинг юқорида тилга олинган "Астрономия асослари" китобида олигинани кўрасиз.

"Илоҳий комедия"нинг биринчи қисмида (IV қўшиқ, 142-терцина) Данте Ибн Синони башариятнинг маънавий камолга етишида қиёси топилмаз хизматлар қилган буюқ алломалар Ҳомер, Демокрит, Суқрот, Афлотун, Эвклид, Птоломей, Гиппократ, Гален, Ибн Рўшдлар сағига киритади. "Барча алломаларни номма-ном санаб чиқишга имконим йўқ", дейди шоир, лекин буюқ бобомиз Ибн Синони қатордан қолдирмайди. Бу жаҳоний эътирофдир.

Нутқдан: "**Хивада ташкил этилган Маъмур академияси ва "Байт ул-ҳикма", яъни "Донишмандлик уйи"** деган ном билан шуҳрат қозонган Бағдод академиясида, шунингдек, XV асрда Самарқандда шаклланган Мирзо Улуғбекнинг илмий мактабида самарали меҳнат қилган бир гуруҳ олимлар бутун дунёга донг таратдилар..." Бунга гурурланмай бўладими?

Дарҳақиқат, ҳайратланадиган ҳодисалар... Бу XXI аср – билим ва интеллектуал тафаккур асрида бўлаётганини ўйлаш кишига бемисл қувонч бағишлайди.

Конференция қатнашчилари ўз юртларига қайтганларидан сўнг, анжумандан олган ҳайрат-таассуротлари ҳақида жўшиб мақолалар ёзишмоқда, "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбирларига интервьюлар беришмоқда. Барчасида, шундай улуғ алломалар юртига келиш насиб этганидан, бундай анжуманни жаҳоний андозаларга мос равишда юксак даражада ташкил қилинганидан ҳайратланиш, миннатдорлик туйғулари уфуриб туради.

"Ўзбекистон Беруний ва Ибн Сино сингари алломалари билан фахрланмоғи керак, чунки улар шу тупроқда туғилдилар, шу заминда илм олиб, олим бўлиб дунёга танилдилар". Буни Бельгиядан келган олим Юль Янссенс минбардан туриб гапирди. У барча иштирокчиларнинг фикрини ифода этди, десак, адашмаган бўламиз.

Мен конференция материаллари билан танишиш мақсадида, "Жаҳон" ахборот агентлиги сайтини қидириб топдим. Доим шундай қиламан. Сайтда анжуман ва унинг қатнашчилари ҳақида ажойиб маълумотлар бериб борилмоқда. Мана, қаранг:

Конференция иштирокчиси Маҳмуд ул-Ҳасанхон юртига қайтгач, Покистоннинг "Денгиз ортидаги покистонлик дўстлар" журналида босилган "Ўзбекистон умумтафаккур ва инсоният закосининг маркази" деган мақоласида ўзбек заминининг дунёга улуғ алломалар етказиб бергани, Ўзбекистоннинг чиндан ҳам, цивилизация ва маданиятлар кесишган чорраҳаси экани ҳақида ёзаркан, унинг улкан илмий салоҳият (потенциал)лар маркази эканини таъкидлайди.

"Самарқанддаги анжуман, – дейди "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида Сингапур менежментни ривожлантириш институти Бош котиби Рама-натан Тейвандран анжуман ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашар экан, – ўзбек халқининг буюқ аждодлари бой тарихини яна бир бор кашф этиб берди..."

"Ўзбекистон алломалари дунёда тарихий аҳамиятга эга бўлган қудратли илмий ғояларни шакллантиришга мадад кўргиздилар..." – дейди австралиялик профессор Барри Купер.

Ўзбек халқи буюқ фарзандларининг замонавий цивилизация ривожланишига қўшган ҳиссаларини юксак баҳолаган ЮНЕСКО Бош котиби ўринбосари Хуберт Гизен (Франция), Ўзбекистон Президенти нутқини тинглагандан сўнг, руҳланиб, Навоий, Бобур ва бошқа ўзбек шоирлари асарларини венгер тилига таржима этишга қатъий бел болаган Бенедикт Пери (Венгрия), Президент Ислоҳ Каримовга ажойиб анжуманни қойилмақом қилиб ташкил этгани учун миннатдорлик изҳор этган "Авиценна-Франция" ассоциацияси президенти Марк Боннель (Франция), Самарқандни мангу шаҳар, деб атаган Фолкер Нееф (Германия), ўзбек халқининг буюқ аждодлари илмий меросини ўрганиш ва уларнинг цивилизация тарихидаги ўрни ва аҳамиятига бағишланган Самарқанд анжуманини олқишлаган Юль Янссенс (Бельгия), меъморий жиҳатдан мукамал бунёд этилган, буюқ сулола тарихини яқол кўрсатиб бера оладиган экспонатларга бой Теурицийлар тарихи давлат музейи кўнглимга жуда ўтириб қолди, дея самимий дил сўзларини изҳор этган Лаоде Камалуддин (Индонезия), Ўзбекистоннинг иқтисоддагина эмас, балки мамлакатда таълим ва фан соҳасида ҳам катта ишлар олиб борилаётганидан мутаассир бўлган Парвиз Морвиз (АҚШ), Самарқанд инсониятнинг қадимдан юксак заковат (интеллект), билим ва салоҳият намоён этадиган марказларидан бири эканига ургу берган Буэно Рафазель (Испания), Ўзбекистон Президентининг халқаро конференция очилиш марсимидаги нутқидан қаттиқ таъсирланган Пак Чун-Бэ (Жанубий Корёя), Юрис Салакс (Латвия), Омайи ал-Сувайхел (Қувайт), Эммануэль Дюпоки (Франция), Ли Цзиньсю (Хитой), Николай Боголюбов (Россия)... Улар кўп. Биз анжуманда жаранглаган барча маърузалар жам бўлган китобни интиқлик билан кутаётирмиз. Уйлайманки, бу китоб миллатини, халқини, тарихини севган ҳар бир одам учун бестселлер каби ардоқли бўлиб қолади.

"Самарқанддаги учрашувлар рамзий ва баёхо аҳамиятга эга", деган яқдил фикрга

келишди жаҳон олимлари.

“Интеллектуал тафаккур соҳиблари Ватани, бу – Ўзбекистон!”, “Самарқанд ўзининг “Шарқ маърифат маркази” деган шарафли номини қайтадан тикламоқда”, “Ўзбекистон – жаҳон цивилизациясининг қадимий ўчоқларидан бири!”, “Шундай улуг алломаларнинг шу заминда туғилгани бежиз эмас. Рост, Ўзбекистон қадимдан ривожланган маданият ўлкаси-да!”, каби кўнгилни кўтарадиган, руҳни эркалайдиган сўзлар жаранглари джаск минбардан туриб ўқилган маърузаларда, ўзаро суҳбатларда...

Бугун ҳамма тилларда Ўзбекистон номи жаранглаётганини, ҳамма элларда буюк аждодларимизга бағишланган суҳбатлар, анжуманлар бўлиб ўтаётганини тасаввур қилмоқ бағоят фарахлидир.

Нутқдан: **“Бу улуг зотларнинг илм-фан соҳасига бахшида этган ҳаёти, улар эришган ва бугунги кунда бутун маърифатли инсониятни ҳайратга солиб келаятган ютуқлари – бу, ҳеч шубҳасиз, ҳақиқий маънавий жасорат намунаси, деб айтишга барча асосларимиз бор ва биз бундай жасорат олдида бош эгиб таъзим қиламиз”**.

Бундан гурурланмай бўладими?

Давлатимиз раҳбарининг куйидаги сўзларига диққат қилайлик: “Ана шу бебаҳо илмий меросни янада теран тадқиқ этиш ва оммалаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларга туртки бериш, (Таъкид бизники – **М.А.**) Шарқнинг улуг алломалари томонидан амалга оширилган кашфиётлар замонавий илм-фан ва тараққиёт учун нақадар долзарб ва зарур эканини очиб беришнинг аҳамияти ҳам шунчалик муҳим, деб ҳисоблайман...”

Бебаҳо сўзлар! Бу сўзлар олимлар, зиёлилар, интеллектуал тафаккур соҳиблари қатори, биз – адибларга, қалам аҳлини бағоят руҳлантириб юборди. Сермазун Нутқ ва халқаро конференцияда янграган маърузалардан хулоса чиқарган ҳолда, биз адабиётимиз олдида турган муҳим вазифаларни белгилаб олиш замон талабига айланаятганининг шохиди бўлиб турибмиз.

Ҳўш, буюк алломаларимиз, буюк сиймоларимиз меросини, қизгин ҳаётини қаламга олиш, уларнинг тўлақонли бадий образларини яратиш борасида адиб ва ижодкорларимиз қандай ижодий режаларини удаладилар? Қанчалар шижоат кўрсатдилар? Улуг сиймоларга бағишланган, кўпчилик, омма ўқий оладиган, Шахс ҳаёти манзараларини ёрқин кўрсатиб берган ва бу билан олис аждодларимизнинг ўлмас руҳларини халқимиз руҳига эш қилиб юборадиган ҳаётбахш асарларга халқимиз ҳаммиша муҳтожлиги кундай равшан.

Адабиётимиз хирмонига назар ташлаб кўрайлик-чи.

Устоз адиб Ойбекнинг “Навойи”, Одил Ёқубовнинг “Улугбек хазинаси”, “Кўҳна дунё”, Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони”, “Шоҳрух Мирзо ва Гавҳаршодбегим”, Бўрибой Аҳмедовнинг “Амир Темура”, Эркин Самандаровнинг “Султон Жалолиддин”, Мақсуд Қориевнинг “Ибн Сино”, Саъдулла Сиевнинг “Ясавийнинг сўнги сафари”, Омон Мухторнинг “Ишқ ахли”, Асад Дилмуроднинг “Маҳмуд Торобий”, Мирза Каримнинг “Моҳларойим”, Наби Жалолиддиннинг “Хайём”, Тўлқин Ҳайитнинг “Баҳоваддин Нақшбанд” романлари, Миркарим Осимнинг “Алжабрнинг туғилиши”, “Жайхун узра булутлар”, “Зулмат ичра нур”, Хайридин Султоновнинг “Бобурнинг тушлари”, Фулом Каримийнинг “Маҳмуд Кошғарий” киссаларини, Пирмат Шермухамедовнинг Ал-Беруний, Ал-Хоразмий, Ал-Форобий, Маҳмуд Замахшарийларга бағишланган маърифий асарларини айтиб ўтиш жоиз.

Мақсуд Шайхзоданинг “Жалолиддин Мангуберди”, “Мирзо Улугбек”, Уйғун ва Иззат Султоннинг “Алишер Навоий”, Уйғуннинг “Абу Райҳон Беруний”, “Абу Али ибн Сино”, “Зебуннисо бегим”, Туроб Тўланинг “Қувваи қаҳқаҳа”, Абдулла Ориповнинг “Соҳибқирон” драматик асарлари, Тўлан Низомнинг Бобур, Машрабга бағишланган дostonлари ўқувчилар кўлига етиб борди.

Бир қараганда, ишлар жойидагидек, асарларимиз кўп, романлар ҳам бор, драмалар ҳам, дostonлар ҳам. Лекин, очиқ айтиш керак, улар буюк тарихимиз саҳифаларини ёритишда, улуг аждодларимизнинг бадий сиймоларини яратишда ҳали камлик қилади. Масалан, ҳалигача бизда буюк бобомиз, оламшумул сиймо Муҳаммад ал-Хоразмий ҳақида тўлақонли бадий роман яратилмагани ачинарли ҳолдир. Романда алломанинг ёшлиги, унинг илмга кириб келиши, илк кашфиётлари, инсоний фазилатлари, севги-си, изтироблари тасвир этилса, юртимизнинг ўша даврдаги манзараларини ёрқин бўёқларда чизиб берилса, қанийди. Роман миллионлар қалбига кириб бориш қудратига эга бўлган санъат асари. Албатта, ёзувчиға уни ёз, буни ёз, деб буюриб бўлмайди, ҳар қандай ижодий ният ёзувчининг тафаккурида туғилади, унга тинчлик бермай қўяди, уйқусини ўғирлайди. Ўшандагина ижодкор қалбининг амри билан кўлиға қалам олади ва етуқ, баркамол асар яратди... Юқоридаги фикрни Имом ал-Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Ал-Фарғоний, Абу Исо ат-Термизий, Ал-Форобий, Ал-Беруний, Ибн Сино (гарчи Одил Ёқубовнинг “Кўҳна дунё”, Мақсуд Қориевнинг “Ибн Сино” романларига эга-

миз), Юсуф хос Ҳожиб, Абдухолиқ Ғиждувоний, Маҳмуд Замахшарий ва бошқа кўп сиймолар ҳақида ҳам билдириш мумкин.

Улуғ сиймолар ҳақида, буюк боболаримиз ҳаётини ёритиш тўғрисида гап кетганда, жаҳон адабиёти тажрибаларини ҳам эсдан чиқармасдан, улардан унумли фойдаланишимиз керак. Европа адабиётида жуда кенг қўлланиладиган биографик роман ёки романлаштирилган таржимаи ҳоллар жанрида гўзал намуналар яратилган. Уларни бадиийлашган тарих деб ҳам айтиш мумкин. Масалан, австриялик адиб Стефан Цвейгнинг "Магеллан", "Бальзак", "Роттердамлик Эразминг парвози ва фожиаси", француз ёзувчиси Андре Моруанинг "Прометей ёҳуд Бальзак ҳаёти", "Олимпий ёхуд Виктор Гюго ҳаёти", "Лелия ёҳуд Жорж Санд ҳаёти", "Уч Дюма", немис адиби Эмиль Людвигнинг "Гёте" (Хёте эмас!) каби асарлари ана шундай китоблар сирасига киради.

Романлаштирилган биографияларни худди асил романдай кўлдан кўймай ўқийсиз, тарихга ошно бўласиз. Немис ёзувчиси Лион Фейхтвангернинг испан рассоми ҳаётига бағишланган "Гойя", Жан Жак Руссо ҳақидаги "Тентакнинг донишмандлиги", Юрий Тиньяновнинг "Пушкін", Анатолий Виноградовнинг Стендаль ҳақидаги "Замоннинг уч ранги", "Паганининг жазоланиши", "Байрон" сингари романлари катта қизиқиш билан ўқилади. Америкalik ёзувчи Ирвинг Стоуннинг Микаленжело ҳақидаги "Изтироблар ва қувончлар", голланд рассоми Винсент Ван Гогга бағишланган "Ҳаётга ташналик", Америка адиби Жек Лондон ҳаётини тавсиф этган "Эгардаги денгизчи" номли романлари ҳам бу жанрнинг марғуб намуналари ҳисобланади. Булар айрим мисоллар, холос.

Буларни келтиришга ундаган нарса, бизнинг улуғ боболаримиз ҳақида ҳам ёзилмайдиган етук бадиий романларни, юқоридагидек китобларни кўриш истаги, холос. Токи бу романлар кўпчилик ўқий оладиган бадиий асарлар бўлсин. Айни шундай йўл билан, **меросни теран тадқиқ этиш ва оммалаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларга туртки бериш** имконларига эришамиз. Айни шундай асарлар, "Ким эдигу ким бўлдиқ?" ғоясига "лаббай" деб жавоб берадиган, уни тарғиб этадиган асарлар бўлади, бунга ишончимиз комил. Буюклар ҳақидаги бундай асарларни хорижий тилларга таржима қилиш, ёйиш, юртимиз ҳамда жаҳон жамоатчилигига етказиш заруриятга айланади. Айтиш керакки, бунга имконлар етарли!

Бундан келиб чиқадиган хулоса: ёзувчиларимиз фаол ҳаракат қилишлари керак! Фаол ёзувчиларимиз кўп. Афсуски, айрим қалам соҳибларимиз жуда суст, уларда фаоллик етишмайди, маҳоратларини ошириш устида ҳам ишлашадиган, ёзардим-у, китоб чиқариш қийин, деган баҳона билан ўзларини овутишади. Шунини таъкидлаш жоизки, яхши асарга ҳамиша йўл очиқ, уни ёзувчилар уюшмаси ҳам, нашриётлар ҳам доим қўллаб-қувватлайдилар. Фақат бир шарт: фаол бўлиш керак, бадиий юксак савияли асар ёзиш керак!


Фаол бўлишнинг намунасини устоз Ойбек мисолида кўришимиз мумкин. Ҳали тарихимиз ҳақида илмий муомалада барқарор хулосага келинмаган бир даврда, Алишер Навоийни сарой шоири деб (қайда бўлса ҳам, аввало мезон ангад ҳисобланади-ку!), ҳатто айримлар уни таржимон, тақлидчи, дея асил моҳиятни англамай ноҳолис фикрлар билдириб турганда, устоз ўзининг фуқаролик, адиблик бурчини адо этди: юрак қони билан ёзилган "Навоий" тарихий романида (1944) халқни ўйлаган, буюк шоир ва мутафаккир, комилликнинг бетимсол сиймоси бўлган мўътабар ва фидойи инсон образини яратди. Бадиий асарнинг кучи шундаки, юксак мантиққа қурилган роман ўзбек халқининг буюк фарзанди ҳаётини ва ижодини бутун дунёга намойиш этиш баробарида, Ватанимизнинг расмий тарихини тиклашда, тиниқлаштиришда тарихчиларга кўмак ҳам берди.

Тарихий мавзуда ижод қилмоқ – икки қарра ёзувчи бўлмоқ, демакдир.

Бу – аксиома. Тарих билан фахрланмоқ, ғурурланмоқ керак, айниқса ёшлар бунинг фаҳмига етмоқлари жоиздир.

"Мен ёшларимизга мурожаат қилар эканман, уларга доимо: "Биз буюк аждодларимиз билан фахрланишимиз, ғурурланишимиз керак", деб айтаман, – дейди Муҳтарам Юртбошимиз. – Айни вақтда, "Фақат ғурурланишнинг ўзи етарли эмас, келинлар, ўзимиз ҳам, худди улар каби, мана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшайлик!", – деб тақрорлайман".

Муҳтарам Президентимизнинг бу сўзлари гарчи ёшларга қарата айтилган эса-да, том маънода биз ёзувчиларга ҳам тегишлидир: келинг, тарихимизни ўрганайлик, ҳаётга фаол аралашайлик, келажақ орузосида яшайлик, халқимизни улуғлайлик, шу бебаҳо меросга биз ҳам ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозимлигини чуқурроқ англаб етайлик! Ушанда "Ким эдигу ким бўлдиқ?" деган саволга муносиб жавоб топишимиз осон бўлади.



НАСР



Алишер МИРЗО

Ўзбекистон халқ рассоми. 1948 йилда туғилган. Беньков номидаги Рассомлик билим юртини, кейинчалик Суриков номидаги Москва Давлат бадиий институтини тамомлаган. Хорижий мамлакатларда бир нечта шахсий кўргазмалари ташкил этилган, тасвирий санъат муаммоларига бағишланган қатор халқаро анжуманлар иштирокчиси.

КАЛЛАХОНАЛИК ЙИГИТЧА

Роман эссе*

I

Биродарлар! Ўзиям нақ пешонаси ялтираган йигитман-да. Бўлмаса, айти Наврўз шодиёнаси куни бу ёруғ дунёни бошимга кўтариб, яқинларнинг бир қувончига ўн қувонч қўшармидим! Ўзи дала ҳовлимизда ишқомлар оралаб юрган қулоғи уйимиз томонга динг турган қиблагоҳимиз бўлмиш Тўлаган афандига Содиқ амакимнинг қизлари Қари-ма опа “Суюнчи, ўғил!” деб югурармиди?!

Туғилишга туғилдим-у, менга исм қўйиш оғир кечди, чоғи. Қулоқ қилиб олис Сибирияга бадарга қилинган қиблагоҳлари Мирзамухаммадбойнинг қисматидан ташвишда юрган ва қама-қаманинг янги “сезон”и бошланиб қолишидан хавотирда бўлган отам Тўлаган Мирзаев каминанинг исмини Абдулла ёинки Саидваққос қўйсалар, маҳалла “ёзувчиларидан” бирортаси ана, халқ душмани бўлмиш фалончининг исмини танлади, дея гапни чувалатишдан тоймаслиги эҳтимолдан йироқ эмаслигини ўйлаб, бир неча антиқа исмларни мўлжаллаб оладилар. Антиқа исмлар қандай бўлади, дерсиз? Бир чеккадан айтаман: Мэлс, Максим (Горький), Октабржон ва ҳатто Маркс (Маркс Мирзаев)... Бир Худо асрагани шулки, қиблагоҳимизнинг зиёли-табиатлиги, қолаверса, жўмардлиги зўр келиб, таваккалига Алишер деган исми қўядилар, вассалом! Бу ёғини сўрасангиз, айти жаҳон муҳорабаси кезларида ўтказилмай қолган Навоий бобомизнинг таваллудига бағишланган мўътабар анжуман 1948 йилнинг февралда ташкил этилган, бир чеккаси, отамиз шул воқеадан руҳ олган бўлишлари анчайин ҳақиқатга яқин. Зеро, анжуман шукуҳи тарқамай туриб, яъни орадан бир ой ўтар-ўтмас – мартнинг йигирма бирида таваллуд толган ўғилчага ушбу муборак исм раво кўрилган. Айтишларича, ўша йиллардан бошлаб ушбу исм халқ орасида расм бўлган. Шу боисдан катта холаминиз яшайдиган Чувалачидаги тўқсонларни қоралаб қолган татар ўғлони Алишер абзийни хисобга олмаганда, ўзимдан катта Алишерни учратмаганман...

* Журнал варианты.

* * *

Вой, биродарлар-ей! Ҳали атак-чечак оёқ босиб улгурмасимдан лақаблик бўлдим. Думбоққина қип-қизил бола бўлганим учун мени Шолғом дея атай бошлашди. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Негаки, Каллахонода истиқомат қилувчи жумлаи мўмин борки, бари лақаблик! Масалан: Қосим шақилдоқ, Шу-Шу домла, Пайзи Чакай, Хури Пошшо, Қора ялоқ, Холгаранг, Раҳим патак, улуғлардан эса Орип ўрис, Маркис, Абдуфаттоҳ Румий, Чапаев ва ҳоказо. Разм солинса, лақабда ўзига яраша ҳикмат йўқ эмас. Аксаран лақаблар узукка кўз кўйгандек “эга”сининг шахсиятига, феълига чунонам ярашиб тушади. Дейлик, Қосим шақилдоқ қотмадан келган киши, шанғиллашидан қулоқ қоматга келади. Унинг “Пахтакор”нинг ашаддий мухлиси эканлигини айтмайсизми? Футбол ўйини чоғидаги стадионни бошига кўтариб бақирешлари ўз йўлига, илло у ўйиндан кейинги кунлар ҳам ҳеч кимни ҳоли-жонига қўймай, маҳаллани бошига кўтариб футболдан вайсагани-вайсаган.

Кунларнинг бирида Чапаев лақабли мўйловдор уйғур мантипаз амакидан, “Сизни нега Чапаев деб қақришадими?” – деб сўраб қолибман. Сўрашга сўрадим, хо-о-зир олдига солиб кувади деб турсам, йўқ, амаки, чап мўйлаби билан ўнг мўйлаби паст-баландлашдию, вазмин тортиди, сўнгра мулоимлик билан:

– Э-э, болам-ей, насибамизга шу ёзилган экан-да... Ўзи, қара, Каллахонода лақаб кўйилмаган одам қолганми? – деди жилмайиб.

Шўх, сўзга чечан бола бўлиб, думалаб-думалаб улғая бошладим. Ҳамма тенгқур болалар қатори музқаймоққа ўч эдим. Додамдан чақа ундириш пайида, гапни “Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм”дан бошлар эдим. Яъни, шундай:

– Савол берсам, майлими?

Отам мамнуният билан:

– Ҳа, – десалар бас, дарҳол мақсадга кўчиб:

– Маражнийни иложи борми? – дер эдим ва муддаомга эришардим.

Бир кун арзимаган буюмни додам билан обдан талашиб қолдим. Инжиқлигимдан додам жаҳл билан:

– Менга қара, ҳамма нарса меники деяверасанми! Библиб қўй, уй ҳам, ҳовли ҳам, мол-ҳол ҳам, сен ҳам меники! – десалар пинагимни бузмай:

– Ёлғон, сизники эмас, бунинг барчаси Худоники! – дедим. Шу пайтда тўрт яшарлик йигитчани.

Уйларимиз Паст (Чорсу) бозорнинг ёнида бўлгани учун барча олди-берди билан банд. Мендек зумрашлар ҳам олди-сотдидан четда қолмаймиз, олти-етти ёшлигимиздаёқ бошимизга чамбарак кўйволиб, мўъжазгина саватда ширмойи, патир, “ёпган” нон кўтариб Каллахонодан бозорга, бозордан маҳалламизга бўзчининг мокисидай қатнаганимиз-қатнаган. Онамиз кафтдеккина ҳовлимиз саҳнига шивит, кашнич, редис, кўк пиёз экиб, кунига икки маротаба саватимга йигирма-ўттиз боғ кўкати чиройли териб, бозорга жўнатади. Мен саватни кўтарганча бозор оралаб Махсидўзлик кўчасидан физиллаб ўтиб Эски Жўва майдонидаги ҳайкал пойида жойлашган бедатни гуллатаман. Ўйинқароқликни ҳам унутиш йўқ, албатта. Маҳалла болалари билан ланка тепаман, чиллак, соққа ташлайман, зу-зу ўйнайман.

Соққа ташлашда менга тенг келадигани оз. Тимни тагида чуқурча қовлаб, дўппимга ёнғоқ тўлдириб отаман, чуқурчада қолиб кетган ёнғоқлар санокда жуфт чикса, рақибим менга шунча ёнғоқ товон тўлайди.

Чиллак отишда нўноқроқман. Бу ўйин чаққон, эпчилларники. Одатда ориқ, гипча болалар чаққон, эпчил бўладилар. Мен эса дўмбоқман, ҳаракатларим ҳам шунга яраша.

Додам Мирзамухаммадбой замоннинг зайли билан камбағаллашиб қолган, бир куни боғ ҳовлимиздан чоққина тоғорада тоғолча териб бериб, бозорга тушиб сотишни, пулига эса қалам-дафтар олишимни уқтирди. Мен бозорда пешингача қолиб кетдим. Тоғолча оламан деган бирорта харидор учрамади. Чунки бозор тўла сархил мева. Улар ҳам сариқ чақага сотилапти. Кун пешиндан оғди, бир пайт рўпарамда рус аёли пайдо бўлди, издиҳомда боши айланиб қолганми, тоғорачага ишора қилиб: “Что это?” деб бурнини жийирди. Харидор топилди, деган хаёлда шошганимдан “Эта, эта тагал-чуу-уу!” – деб юборибман.

Савдо-сотикда омадим келавермади. Нон сотиб, харидор пойлаш ўрнига тиззамга китоб кўйиб ўқиб ўтирибман. Бир пайт барваста амаки келиб, растага терилган патири у ёқ-бу ёғини ўгириб, қараб кўрди-да, ёқмади шекилли, гўё зарда қилгандай итқитиб кета бошлади. Сариклим тугди. Жаҳлим чиқди. Ранжиганимни яширмай-нетмай, амакини таниган бўлсам-да, тап тортмадим.

– Менга қаранг, амаки, – дедим дангалига, – Фафур Фулом бўлсангиз ўзингизга, нон-

ни унақасига иргитмай, жойига қўймайсизми, – деб юбордим.

Растадан икки қадам узоқлашиб улгурмаган Ғафур Ғулом таққа тўхтаб орқага ўгирилди, тиззамдаги китобга ишора қилиб:

– Ўғлим, нимани ўқиясан? – деб сўради.

Мен бояги важоҳатда:

– Толстойнинг “Холстомери” – дедим авзоимни ўзгартирмай.

– Ия, болам, русча ўқийсанми? – сўради Ғафур Ғулом меҳрибон оҳангда.

Русча мактабда ўқисам, русча ўқимай немисча ўқийми? – дедим бўш келишни истамай.

Эртаси куни ЗИМ машинасидан тушган бир киши, икки қўли тўла китоблар, нон рас-тасини оралаб, “Алишерни кўрган борми?” деб сўроқлаб келди. Китобларни менга узат-тар экан:

– Ғафур ака сенга ўзбекча китоблар бериб юбордилар. Салом айтдилар, – деди.

Шундагина кеча йўл қўйган қўполлигимдан ҳижолат чеқдим, донгдор шоиримизни ранжитиб қўймадимми деган истиҳоладан анчагача изтироб чекиб юрдим. Ушбу бозор фаолиятимни бошлаб юборганимда эски шаҳардаги тўлиқсиз рус мактабининг бешинчи синф фаолларидан эдим.

Онажоним янги ёзувда саводлари бўлмаса-да, табиатан доно аёл эдилар, бинобарин, оқ-қоранинг фарқини, аҳамиятини яхши тушунар эдилар. Шулар сабаб, Алишертой Каллахоначининг юқори қисмидаги Культиваторний кўчасида жойлашган русча мактабга ўқишга қатнай бошлайди.

Мактабга қабул “имтиҳон”ларида русчасига бир амаллаб ўнгача санаб бердим, ёши катта яҳудий амаки – Қалантаров деган директор: “Теперь считай пальцами” деса, ҳеч нимани тушунмай, кўзимни ёғлай қилиб туравердим.

Ўрисчада икки ой ўқидим, чоғи. Қалантаров мактабга бизнинг кўчадан қатнар эди, бир куни йўлагимиз бошида аёллар билан арунглашиб турган онамни қўриб, мендан гап очади. Нима эмиш, онажонимнинг арзандаси русчадан қийналаётганмиш, шунинг учун ҳали ҳам кеч эмас, ўзбек мактабига учирма қилинса, айна муддао бўлар эмиш. Онам аввалига директорнинг маслаҳатига индамай қулоқ солибди, сўнгра шу қадар жўшиб гапирибдики! Директор янглишаётгани, қолаверса, ғирт сиёсий хатога йўл қўяётганини чулчутнинг тўққиз пулидек қилиб тушунтирибди. Ҳатто ўзбек фарзанди улғур рус тилини ўрганиши, билиши миллат учун муҳимлигини ҳам ўхшатиб қўшиб қўйибди. Бундай жўшқин сиёсий нутқни ўзбек аёлидан қутмаган директоримизнинг пешонасидан мошдек-мошдек тер чиқиб, хатосини бўйнига олиб, ўз йўлига равона бўлибди.

Юз берган воқеадан мен ўзимча чўчиб, хавотирда юрган эдим, аксинча, ҳаммаси ижобий ҳал бўлди-қўйди, бунинг устига, Исроил Натанович қаерда каминани кўрса, албатта бир зум тўхтатиб, мулоимлик билан, “Онажонингга мендан албатта салом айтгин, Мирзаев”, – дейдиган бўлди.

Рус мактабида, бармоғида ўнгача санай олмаган Алишержон, иккинчи, учинчи синфга бориб ўзга тилда анча-мунча тили чиқиб қолди. Нафақат сўзлашиш, балки қуй-лай ҳам бошладим.

Мусақа муаллимимиз Виктор Ивановичнинг таъбири билан айтганда, каминанинг “слуши” яхши эмиш. Албатта, яхши бўлмай-чи! Йўрақда ётган кезларимданоқ деворимиз орқасида янграган Маъмуржон ҳофизнинг нолаларидан баҳра олганларим зое кетмаган, албатта. Онамнинг айтишларича, бешиқда уйқуга кетишим учун ҳам мусақа қўйиб беришган экан, унча-мунча мусақа эмас, фақат мумтоз – мақом оҳанглари бўлиши керак, аллалару яллаларга қулоқ солмаган эмишман. Деворимиз ортидан атоқли ҳофизнинг машқлари ҳар доим ҳам янграб турмагани боис (оналар нимага қодир эмас!), бошқа бир девор-дармиён кўшнимиз Абдуфаттоҳ шинавандадан, девор орқасидан бўлса-да, Маъмуржон акага тақлид тарзида ўхшов-беўхшов бўлса ҳам “Э, сабо”-ними ёки “Савти сувора”-ними хиргойи қилиб юборишни сўраб эканлар.

Хуллас, мактабда устоз ўргатган аксари сиёсий қўшиқларни авж пардалари ила бемалол қойилмақом ижро этишни ўргандим.

Кунлардан бир кун нуфузли катта беллашувда “Хотят ли русские войны” қўшигини (каминадан олдин ижро этган Бернес Маркмиди) ижро этадиган бўлдим. Устозим Виктор Иванович репетициялар чоғида ушбу қўшиқ матнини ёд олдириб “Спросите у жены моей...” ўрнига “Спросите у сестры моей...” деб ижро этишимни бир неча бор уқтирди, нима сабабдан бундайлигини тушунтириб ҳам ўтирмади.

Ҳашаматли концерт зали. Залда бўш ўриндиқлар қолмаган. Бутун Тошкент шаҳридан мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилар томоша кўриш, маданий ҳордиқ чиқариш ниятида келишган. Танлов концертида саҳнага Виктор Иванович гармонини кўлтқиқлаб, омонатга олинган уст-бошда, биринчи бор бўйнига капалакнусха бўйинбоғ таққан каминани олдиға солиб савлат билан чиқиб борди.

Аммо бу ёғи чатоқ бўлди, нега бундай бўлганини кейин, кеч тушундим.

Хуллас, кўшиқ айни авжиге етганда, "Хотят ли русские войны, спросите у сестры моей"нинг ўрнига баралла хўроздай қичқириб: "спросите у жены-ы-ы моей!" – деб юборибман.

Ҳамма кулиб юборди. Кулги аралаш қарсақбозликни айтмайсизми! Очиғи, каминана оломоннинг бемаврид кулиши ғалати туюлди, илло қарсақлари ёқиб тушди.

Бироқ мен йўл қўйган "сиёсий хато" қимматга тушди, охир-оқибат кўшиқ ижроси чоғидаги ўзбошимчалигим учун мактаб саҳнасидан батамом бадарға қилиндим ва ўша кўшиқнинг ўрнига ўзимизнинг "Жонон бўламан деб ҳаммани куйдирасанми..."ни хир-гойи қилиб юравердим.

Ўзим зиғирдайман-у, бир талай касбнинг бошини тутиб қўйдим. Муштдай бошимга қўйволиб саватда ширмой ташидим, кабопбазга шогирд тушдим, мурч сотдим, чойхонада дастёрлик қилдим. "Кеб қолинг, қайноқ нон!", "Бўрсилдоқ тандир нон!", "Кеб қолинг, кўй гўшtidан думбали кабоп!", "Гатоб!", "Қора мурч – чёрный перец!" ...Бу каби ҳайқириқлар ёд бўлиб кетди, азбаройи тушларимда ҳам уйқу аралаш бақириб қолар эканман.

Чойхонани айтмайсизми, чойхонани!

– Ҳў, бола, кўк чой!

– Ҳў-ў, жиян, иккита памил чой опке!

– Яхнасидан опке. Томоқ қақраб кетди!..

Чойхўр мингта, дастёр битта. Бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Шом яқинлашди дегунча, оёқлар зирқирайди. Издихом сийраклашганда нафас ростлайман деган хаёл... ҳа, ҳали ҳордиқ чиқариш қаёқда, дам олиш ҳақидаги ҳалдан сармаст бўлиб турганимда чойхоначи амакининг "Ҳа, бўлақол"и авжиге чиқади.

Кунига камида юзта, айрим кунлар эса икки юзтагача чойнак ва пиёлани кул билан обдан ишқалаб ювиб тўнкариб қўйишим керак. Кейин Худонинг берган куни чойхўрлардан ортан-қолган бир қоп бурда-сурда нонни орқалаб "Қайдасан, Самарқанд дарвоза", дея йўлга тушаман. Чойхоначи устоз – Фармон шоирнинг ҳовлиси ўша томонда...

Чойхонамининг кунда-шундалардан бири, бу – раҳматли Фулом чўлоқнинг маишатчи ўғли Саидваққос.

Тирик жон борки, нафси бор. Илло, нафсда ҳам меъёр бўлиши керак-да, шундай эмасми? Саидваққос ҳазратим эса қиттак-қиттак кўринса, бу ёруғ дунёни унутадиган хилидан. Шу йў-хаёлда чойхонани иккинчи уй қилиб олди. Онаси бизнинг остонага келиб, арзандасини чақиргани-чақирган:

– Саидваққос! Кеч бўлиб кетдию жувонмарг, уйға қачон кирасан?

Нариги сўрида мудраб ўтирган Саидваққос кўзини ишқалаб:

– Ойи! Кеч бўлган бўлса, ҳа, соат бир бўлгандир, икки бўлгандир, – деб жавоб берди. Оппоқойим соддалигига бориб:

– Ҳа, ўқимаган, бир-иккини бойлаб қўйибдими санга? Ўн дегин, ўн бир дегин! – дея зарда қилади.

Қараса, онаси бўш келмаётир, уйға, ўттизларни қоралаб қолган арзандаси онаси олдиға чайқалиб тушиб боради.

Ўғлининг афти-ангоридан ичганини сезган она койишни давом эттиради:

– Яна ичдингми, бетавфиқ?

– Ойи! – дейди дўриллаб болажон.

– Нима ойи, дард ойи, бало ойи!

– Намунча, ойи? Ҳа, ичган бўлсам, юз грамм-икки юз грамм ичгандурман, – дейишиға бўш келмаган онаизор бор кучини йиғиб:

– Юз, икки юз грамм ичиб нима қиласан? Ичсанг, атиги бир кило ич. Икки кило ич!

Онаси, барибир, ҳеч вақони тушунмаган Саидваққосни жавраб-жавраб олдиға солиб олиб кетади.

Китобға ўч бўлдим. Мактаб кутубхонасидан тўртталаб, бешталаб китоб ташидим.

Рус адабиётидан дуч келганини ўқийвердим. Кутубхоначи иштахамни кўриб, жилмайди. "Вот молодец. Хороший мальчик!" – деди. Сўнг энсаси қотадиған бўлди. Китоб беравери чарчади, чоғи.

Барини ўқиб битирдим. Пушкиннинг "Шоҳ Салтан", Чеховнинг "Каштанка"си, Толстойни "Холстомер"ини ҳам бош кўтармай ўқидим. Баъзиларини ўқиб таъсирландим, ўпкам тўлиб, йиғладим.

Кутубхоначи Алия опа китоб бермай кўйди. "Син каллахоналиқдан ташқари тиги малайларни ҳам грамотаси чиқсин", – деди.

Бахтимга бозордан чиқаверишда, Каллахонага кираверишда, илгари қулоқ бўлған бойнинг уйида кироатхона очилди.

Болалар кутубхонаси иккинчи уйимга айланди. Кўлимдан ёзув-чизув, расм чизиш келгани боис, кутубхоначининг дастёрига айландим-кўйдим. Менга ишониб муҳим вазифаларни топширишди. Каллахоналиқ китобхон болалар адашиб кетишмасин, деб ҳар бир китоб жавонига "Русская литература", "Зарубежная литература", "Узбекская литература", "Фантастика", "Поэзия", "Отдел фолианта", "Прочая литература" каби сўзларни чиройли, нақшинкор, рангли ҳарфларни соялик қилиб ёзиб бердим.

Кутубхоначи Ёқут опа бамисли ёқут топиб олгандек мени бироз жаҳлдор Арофат опа деган бошлиққа рўпара қилиб мақтади. Эриб кетдим. Менинг расмларимдан, ёзувларимдан кутубхона деворларида соғ жой қолмади, ҳисоб. Меҳнатимни ҳурмат қилиб, ичкарига, ҳеч ким кўйилмайдиган фолиант нашрлар бўлимига кириб туришга ҳам рухсат беришди.

Бу масканга қаноат қилмай, назаримни бозор ичигади "Октябрь" (Турон) кутубхонасига қаратдим. Чунки барча рус ва чет эл адиблари асарларини шу ердан топиш мумкин эди. Менга Худо берди: роса кўп китобларни ўқиб туширдим, Жек Лондон, Майн Рид, Эрнест Хемингуэй асарларининг мағзини чақдим. Ҳатто XIX аср рус адабиёти қаҳрамонларига тақлид ҳам қила бошладим.

Тез кунларда кутубхонанинг "Полк ўғли"га айландим. У ерда ишлайдиган яхудий опалар мени ўғилларидек кўра бошлашди. Тасвирий санъатга оид альбом, каталог ва журналлар кўп эди ул даргоҳда. Рухсат бор. Китоб хазинасига кириб, нарвонларга чиқиб, рассомлар ҳақидаги ҳали босмахона бўёгининг ҳиди кетмаган альбомларни варақлаб завқ оламан. Янги китоблар ҳиди маст қилади. Режалар тузаман.

II

Ижодий фаолиятимга пойдевор Лабзак кўчасида жойлашган ўқувчилар саройида кўйилган.

Рассомчилик тўғрисида бўлган ихлосим шу қадар катта эдики, кичкина этикчаларимни кийиб олиб, қишин-ёзин, дўл ёғса ҳам, тош ёғса ҳам саройга қатнайман. Саройга ета-етгунча Лабзак кўчаси бўйлаб еттита баланд тепаликни босиб ўтишим керак. Мен учун булар тепалик эмас, тоғ. Орта қолган тоғларни санаб бораман. Йўлнинг адоғи йўқ. Баъзида бахтимга кўша отли "Абдуқашқ" арава ўтиб қолади. Аравага тармашаман. Аравакашни хипчини етмайди менга, етса ҳам арава тагига осилиб беркиниб оламан. Бу маҳоратим келажакда, трамвай ва троллейбусларда осилиб, куён бўлиб юришларимда роса асқотди.

Йўл паст-баланд, бора боргунча Лабзаксой гоҳ шаршарадек қуйилиб, гоҳ сокин жилвираб, гоҳ жўшиб оқади. Орамизда пойга бошланади, сой мендан ўзаман дейди, мен сойдан.

Олтинчи тоғдан сўнг еттинчи – сўнги тоғ орқасидан мен севган сарой дарбозаси кўринади. Манзилни кўриб юрагим уйнайди. Оёқни қўлга олиб чопаман, жонли одамни – онажонимни соғингандек соғинаман. Тезроқ етиб боргим, дарбозадан ўзимни ичкарига ургим келади.

ИЗО тўғрисида аъсосиман. "ИЗО" – бу "тасвирий санъат" дегани. Мактабимизда осилган эълонни ўқиб кўшним Раззоқ билан биринчи бор ушбу даргоҳга қадам ранжида қилганмиз.

Раззоқ Манноповнинг отаси "Городежда"нинг директори. Маннопдан ташқари оилада яна ака-ука, опа-сингиллардан тўққизтаси бор. Уларни Гуручариқда дала ҳовлилари бўлиб, ҳар шанба-якшанба кунлари, ўнта бола, отаси бошчилигида шаҳар чеккасига равона бўлишади.

Раззоқнинг адаси Шопур аканинг кайфияти яхши бўлганда, мен ҳам ўн биринчи бола бўлиб машинага чиқаман. Қўштутда ҳаммамиз биттадан музқаймоқлик бўламыз.

Баъзида музқаймоқни охиригача ялаб-юлқаш менга насиб этмайди, ярим-ёрти бўлмай Раззоқ олиб кўяди. Дўстим ҳисоб-китобга, олди-бердига жуда пухта. "Мараж-

ний адамни пулига келган", дейди. Шу хавотирда Ачаободга етгунча музқаймоқни гум қиламан...

Тўғаракка қатнашимни эшитиб дўстимнинг онаси Хатира опоқи бебошроқ арзанда-сини менга қўшиб ижод этиб келишга жўнатадиган бўлди.

Машгулотда чизиш учун янги натюрморт қўйилган. Натюрморт қаҳрамонлари – қандайдир қуш тулупи, олма ва энг қизиги, оддий товуқ тухумига ўн баробар келадиган, гипсдан ясалган катта оппоқ тухум.

Тўғарак аъзоларига давлат томонидан бир варақдан қоғоз, бўёқ, чўтка берилади. Чизишни қўрқмасдан рангда, сув бўёқни оқизиб-оқизиб бошладим.

Қуш учи кетишга тайёрдай жонли, олма еб қўйишга тайёр дум-думалоқ чиқди. "дода" тухумни ўхшатиш меҳнат талаб қилди, тер тўкишга тўғри келди. Тухум оқ эмас-ми, ўхшатиш қийин, рангни нозик, бўёқни суюқ, сояни қуюқ бердим. Бинойи чиқди.

Раззоқ менга эргашди, бироқ у тухумни ўхшатолмади – қовун туширди. Нозик ранглар ўрнига жигаранг ва қора ранглари аямади, жундор қоп-қора кир тухум чиқди.

Домламиз Роза Ҳафизовна Сафина барчанинг расмларини кўриб маслаҳат бериб, бизга яқинлаша бошлади.

Раззоқнинг чизган тухумига ишора этиб: "Ўласан!" дедим, вазиятнинг қалтислигини тушунган кўшнимизнинг арзандаси, отни қамчилаб: "Ёзилиб келсам, майлими?" деб қўл кўтарди. Домла янги бола бир балони бошлаб қўймасин дея, ўша заҳоти рухсат берди.

Раззоқ минга қўйиб, қуёни ростлади, Каллахона томон ошиқди. Рассомлик фаолиятига яқун ясалди.

Тўғаракда қиши билан қумғон, обдаста, палак, чойшаб, дўппи, гипсдан ҳар хил разеткалар ва қушлар тулупларидан натюрмортлар чиздик. Расмда ушбу буюмлар "материальный" чиқсин, яъни қумғон мисдан ишлангани, разетка буюмларнинг гипсданлиги билинсин, қушларнинг патлари парпираб момиқдек чиқсин, гипс оқ бўлганлиги сабаб соялари нозик чиқмоғи керак, деди. "Хўп", дедик.

Ёз ва куз ойларида қовун, тарвуз, хандалак, узум, олма, шафтоли, нок, олхўри, гипс ва қовоқларни натюрморт қилиб чизамиз.

Бир куни ҳўл мевалардан чиroyли палакнинг фонидан натюрморт чиза бошладик. Натюрмортни бирварақайга чизиб тугатиш мушкул иш. Вазифани адо этишни эртанги кунга қолдирдик. Эртасига қўлларни ишқалаб илҳом билан хонамизга кириб келдик-у, ҳайкал бўлиб қотдик. Расм чизишга мўлжалланган мольбертлар (дастгоҳлар) кўчага олиб чиқиб ташланган, натюрмортдан эса асар йўқ.

Бу аҳволни кўрган устозимиз тангиб қолди. Кейин "қидирув" ва "тергов" ишлари бошланди. Фаррош Озода хола кўрсатмалар берди. Масала ойдинлашди.

Биз кетгандан сўн янги тайинланган фаррош опа хонамизга ўз ишини бажаришга кириб, биз чизиб тугатмаган натюрмортни, болаларим менга илинибди дея, паққос туширибди. Қолган меваларни увол бўлмасин дея, халтага солиб олиб кетибди.

Темир жиҳозларга (мольберт) келсак, саройга янги тайинланган (собиқ полковник) директор бу лаш-луш, темир-терсақларнинг дастгоҳ эканлигини англамай, ташқарига олиб чиқиб ташлашга буйруқ берган экан.

Ёз кунлари тўғаракка бормайман. Эски шаҳардаги чакана ишларда бандман. Умуман, дам олиш куни йўқ. Бизнинг Эски шаҳарда дам олиш яхши фазилат ҳисобланмайди.

Сентябрни кутаман. Лабзак кўчасини, ўқувчилар саройи дарвозасига зиналардан кўтарилиб кириб боришни, этюдлар чизадиганим сарой паркни қўмсайман.

Ишдан қайтсам, онам хат узатиб, "ўқи", деди. Ўқидим. Ифодали ўқидим, таржима қилиб ўқидим.

Во-ей, ўртоқлар-ей, кўзимга ишонмадим, қайта-қайта ўқидим. Республика кўриктанловида мукофот олибман. Машилкада ёзилган чиroyли хатда болалар ижодиёти декадасида "Она Ватан" асарим учун биринчи даражалик диплом ва мукофот билан тақдирланибман. Хатни тагида бир эмас, уч одамнинг имзоси бор, бироз хирароқ урилган тамғаси ҳам бор.

"Қандай мукофот?" дерсиз. Голиб бўлганим шарофати билан мени бир гуруҳ менга ўхшаган омади келганлар билан узоқларга олиб кетишармиш, самолётда олиб кетишармиш, бир ойга!

Кавказортга, Қора денгизга, Сухуми, Батуми, Сочи, Новороссийск, Керчь, Ялтага борар эканмиз. Ҳатто "Артек" деб бутун дунёга ном чиқарган болалар лагерига ҳам ташриф буюрар эканмиз.

Ах-ей, ах-ей! Мана энди каминани менсимай юрган кабобчи, ўртакаш, чойхоначи, энг алам қиладигани "Алишер новвой" деб мазаҳ қиладиган Раҳим патакка ҳам, бойвачча Раззоққа ҳам, Қосим шақилдоқнинг ўғли Шокир шангига ҳам алам қилсин! Бир кўриб кўйишсин!

Самолётда Ватан узра учушимни, Қора денгизда кемада сузишимни, Артек тоғларида Аю-тоғ, Ай-Петри чўққиларига чиқишимни тасаввур қилдим.

Саёҳатда чизган расмларим билан қайтгач, "Свердлов" да шахсий кўргазма қиламан, асарларим олдида камтарона туриб бераман. Синфимиздаги Шарифа деган қиз кўриб қўйсин. "Вой, бу ўзимизни Алишерми?" деб, оғзини очиб қолсин, "ҳай-ҳай, зўр-ку!" – десин.

Кавказ тоғларида драма тўғарагидаги артист қизлар билан қувлашиб юрсак, энг чиroyли артист қизнинг рўмолими, шарфими шамолдан учса, бамисли ҳинд фильмлари "Сангам", "Садоқат" қахрамонларига ўхшаб мен уларни тутиб олсам! Сўнг... Денгизга калла ташлаб, кўркмасдан узоқларга сузиб кетсам... Сузиб кетатуриб орқага қарасам, узоқда қирғоқда бир қатор қалдирғочдек қизлар хавотирда, баъзилари кўзида ёш билан туришса...

Гуруҳдаги артист ва раққоса қизларга раҳмим келди. Орқага бурилиб сузишга аҳд қилдим. Қулочни катта отдим.

Ҳа, сузишни биламан-да! Ким, бўлмаса, холамникига, Тешикқоққага борганда Кайковуз сувида нақ Тахтапулдан Қумлоққача бир неча кўприк тагидан оқиб ўтиб, сузиб келган? Мен-да!

Ана, уйга ҳам қайтяпман. Самолётдан кузатаман, ана "Тошкент" деган ёзув, аэропортда карнай-сурнай садолари янграяпти. Тумонат одам!.. Бутун мактабимиз, бутун Каллахона, ана бор-э, бутун Эски шаҳар мени кутиб олишга чиққан, ўртада онам, кўзларида қувонч, соғинч ёшлари, кўлларида даста гул билан турибди.

Хуллас, таъсирландим, ғурурландим.

Бироз ўзимга қараб олай, дедим.

Қўлим билан пионер богичимни тўғрилаб қўяй десам, бўйнимда галстук йўқ. И-и-и, галстуксиз "Артек"ка бориб бўладими? Кўзим очилгандай бўлди. Осмондай ерга тап этиб тушдим.

Рўпарамда онам ҳовлимизда кўлларида чўлтоқ супурги, менга ғалати қараб турибди. Тез ҳушимни йиғдим. Ҳали ҳовуримдан тушолмай мулойимлик билан: "Ойи, хатга нима дейсиз?" – дедим. Онам қисқа қилиб: "Бор, ишингни қил!" деб қўя қолди.

Онам айтган бир оғиз жумланинг остида "Сенга ким кўйибди, болам?" деган ўқикларга тўла маъно ётганини кейин қилдим. Пешона шўр экан. Кўргилик экан. Саёҳатга менинг ўрнимга танловда иккинчи ўринни олган Валера Дергачёвни жўнатишди. Валеранинг ижоди, бўлажак истиқболи матбуотда зўр ёритилди. "Ленин учқуни", "Пионер Востока" газеталари, "Гулхан", "Ғунча" журналлари ва ҳатто "Қизил Ўзбекистон"да ҳам "аюҳаннос" солишди. Валерага "Оқ йўл" тилашди, "Ой бориб, омон қайт", дейишди.

Мен эса... менинг борар-келар жойим Эски шаҳар бозори билан Каллахонадан нарига чиқмади, турли касбларни эгаллаб юравердим.

Портрет чизишни Шопайзи амакидан бошладим. Нега энди келиб-келиб айнан Шопайзи амакининг қиёфасидан?

Маълумки, менга ўхшаган ёш расомлар қарияларни чизишни хуш кўришади, чунки уларни юзларида маъно, мусаввирлар тили билан айтганда, шакл ўйини бор, харитани эслатувчи чизгилар кўп, ўнқир-чўнқирлар бисёр бўлиб, расмни эгасига ўхшатиш осон кечади.

Ёш одамнинг нимасини чизасиз? На соқол бор, на мўйлов, бет сип-силлик, кўсага ўхшаса. "Майсаранинг иши" спектаклидаги Ҳидоятхонга ўхшаганларнинг пичоққа илинадиган нимаси бор?

Чизсанг обрўли, ёши катта одамларни чизмоқ керак.

Шопайзи амакининг нуруний қиёфаси ижод завқимни кўзғатди. Амакининг эски чопони ўрнига бухороча зар чопон кийгизсангиз борми, нақ Алишер Навоийнинг ўзгинаси.

Ул зот менга деярли устоз.

Маҳаллада ўтадиган анжуманларда катта ошпаз Мўмин акадан сўнг кичик 30-40 килолик ошларни дамлайди, ёнларида ўзим ўчоқ қазийман, ўт ёқаман, дуо оламан. Устоз-шогирд ҳазиллашиб ҳам тураман.

Қосим шақилдоқ уйидаги маърақада ошнинг ер ўчоғини ўз қўлим билан қазидим.

Ушбу юмушни маҳалла йигитлари ичидан устоз фақат менга топширади, гавдага қараб бўлса керак-да...

Устознинг ёмон одати бор. Ўчоқ кавлашни бир бошлаб тугатмагунимча нафас олдирмайди, тепамда энгашиб оёқларини кериб олиб "Ҳа! Ҳа!" деб тураверади. Уша куни мен, шўрпешона, тўхтамай иккита ўчоқ қазишимга тўғри келди. Сабаби, биринчи ер ўчоқни тугатиш арафасида икки-уч кетмон қолган тупроқни сидириб чиқариб ташлаётсам, кетмон бир нарсага тақ этиб урилди. Юқорида кузатиб турган устоз тақиллаган водопровод қувури эканлигини билиб:

— Алишер полвон, бу ўрани ташлаб бошқа ердан қазинг, ҳа, айланайин полвонимдан! — дея тоза энсамни қотирди.

Қазимай қўйгим келди. Бироқ ориятим йўл қўймади. Қовоғимнинг пешайвони тушиб кетди.

Бунинг устига, иккинчи ўчоқни қўйлар боғланган оғилхона ёнидан қазиб қўйибман. Устоз ёғни доғ олдириб гўшти ташлагунича оғилхона меҳмонлари — қўй жониворлар бири олиб-бири қўйиб маърайверишди. Маъраганда ҳам оғилхона тахта деворига чакларини қўйиб олиб бўзларига.

— Алишер, жониворларга у-бу нарса ташлаб қўй, зора тинчиса, — деди устоз тоқатсизланиб. Ўзимниям асабим қақшаб турганди, бу гапдан қувватланиб, ҳалиги бефаҳмларга ўра қазиган белкурагимни отдим.

Уша кезларда ҳукумат тўй-маъракаларни қисқартириш борасида фармон чиқарди. Амалий ишлар олиб борилиб, кўп ошпазлар, ўртакашлар, бир қайнови ичида чой дамловчи самоварчилар, отарчи ҳофизлар, карнай-сурнайчилар ва ҳатто тўйларга чорловчи ҳангилар ишсиз қолди. Хадрадаги чойхонанинг олдида ҳақ деб тўй-томоша бошлаганларни пойлаб ўтирувчи карнай-сурнайчилар кўпайгандан-кўпайди. Илгари карнай-сурнайчиларнинг борлигини белгилаб, дарахт танасига биттагина доира осиларди, энди барча шохларга доира осилди, дарахт шўрлик кўзга узоқдан доира дарахти бўлиб кўринади.

Устига-устак, "гадонинг душмани гадо бўлади", деганларидек, Шопайзи устозни ҳам Худо урди — Каллахонанинг ёмонлари ош пишираётган қозонларига бир парча димиққан думба ёғ ташлаб, кўпчиликнинг ошини бузишди ва устоз ошпазликдан қўл силтаб, иморат устачилигига юз тутди.

Катта ош дамламаганларидек, Шопайзи уста ушбу соҳада ҳам ҳаваскорона чаканачукана юмушларни бажариб юрарди.

Каллахонадаги кичик шаҳар ҳовлимизда бир туп олма дарахти, бир туп узум ва бир пол кўкат ўсади. Бошқа ўсимликларга жой йўқ. Ҳовли ҳам мўъжазгина, дастрўмолдек келади. Сув қувури ҳам йўқ. Бутун Каллахондан ҳовлима-ҳовли ўтиб келадиган ариқлар кўмилиб кетган. Зарурати қолмагач, ҳамманинг ҳовлисида бўлган ҳовузчалар ҳам ўз-ўзидан кўмилиб йўқ бўлди.

Сув бўлмагандан кейин ҳовлининг шўрхоки чиқиб, жазирамада бечора ўсимликлар зўрға жон сақлайди.

Ҳовлидаги аҳволни кузатган онам ғайрат қилиб кўчадан водопровод олиб кирди. Йўлак қўшнилар пойлаб тургандек, қувурлаб ўзларига учирма қилиб олишди. Сўнг "устозингни чақир, заказ бор, узумга сўри керак", — деди.

Амаки билан ишни бошладим, устознинг ҳаракатларини астойдил кузатдим. Устачилик касбидан сабоқ ола бошладим, ўргандим. Устозга миҳ узатиб турдим, у эса ҳар миҳ қоқишдан олдин тешани бир ёққа қўйиб олиб, қўл очиб узундан-узоқ дуо қилади, сўнг бисмилло деб, тешанинг орқаси билан миҳга ура бошлайди.

Ҳар урилган уч миҳдан иккитаси эсон-омон қийшайди, миҳ боёқши Г ҳарфига, баъзида Л ҳарфига ўхшаб қолади, омбур керак бўлади. Узатаман. Қийшайган миҳни чопиб бориб йўлакдаги харсанг тошда тўгрилаб келаман.

Иш қизигандан-қизиди. Қош қорайганини ҳам сезмай қолибмиз. Устоз мўъжазгина сўричанинг тепа қисмига чиқиб олиб рейка ташлайди. Унг ва сўл томонларидан аста секин қотира бошлайди. Зеҳн ила устозни кузатаман. Эътибор ила кузатаман.

Бир маҳал устози азим менга ожизона қараб: "Алишер, афандининг ишини қилиб қўйибмиз-ку", — деди, қафасга тушган ўғри мушукдай аланглаб.

Разм солсам, кеч кириб қолиб чарчаганлариданми, сўрни орасидан белларигача юқорига кўтарилган ҳолда, икки ёнларидан ингичка тахтача қоқиб, ўзини ҳибсга олиб ўртада қолиб кетибди устози азим.

— Омбурни олиб чиқиб, мени қамоқдан қутқазинг, полвон, — деди.

Бу — кечга бориб, устозни менга ишониб топширган биринчи мустақил вазифаси эди.

Манзара чизишга қизиқишимга XIX асрнинг катта рассомларидан Саврасов сабаб бўлди. Таниқли ижодкорнинг ҳаёти бир текисда ўтавермаган экан. Китобда ўқиганим бор: гарчи бу рассом ичкилик оқибатида забун бўлиб, ушбу гўзал дунёни тарк этган бўлса-да, унинг "Дала йўли", "Гўнқарғалар келди" асарлари менга хуш ёқади.

Унга тақлид қилдим, нусха кўчирдим, завқландим. Бўёқлар ёрдамида шу рассомдек табиатда бор нозик ҳолатларни айнан "живой" кўрсатишга ҳаракат қилдим.

Каллаҳонанинг бариси шаҳар ҳовли эмасми, кенгроқ манзара қидириб, нарвон кўйиб, томга чиқдим. Ғир-ғир шабада. Енгил тортдим. Чуқур-чуқур нафас олдим. Томга чиқсангиз бир хид бор – юракни ўйнатади, руҳиятни кўтаради, ажиб бир ҳолатга кириб борасиз. Томсувоқдан чиқар эди ўша ис.

Томга чиқиб расм чизишни одат қилдим. Ўз томимдан манзара чизиб бўлиб, ўзга томларга ўтдим, лекин эгилиб, пусиб ўтдим. Кўшни ҳовлиларга назар солгим келди, аммо қаролмадим – уят-да, аёл бор, қиз бор дегандек. Бундан ташқари, аларнинг отаси, акасидан кўрқдим. Эски шаҳар аҳли чалани халқ. Улар билан ҳазиллашиб бўлмайди.

Ижод қурмагур, нозик нарса-да, эркинликни талаб қилади, лекин ишни қонун расамади билан олиб бормасангиз, нақ халқнинг назаридан қоласиз-да.

Томда туриб узоқларни кузатдим, чиздим. Каллаҳона масжиди орқасига қипқизил оловдек бўлиб ботаётган куёшни чиздим. Эгилиб олиб томдан ўсиб чиққан лолақизгалдоқни осилиб турган ғунчалари билан чиздим. Чап қўл Каллаҳона томонда Ишқивот маҳалласи орқасида савлат тўкиб турган Кўкалдош мадрасасини чиздим, Хўжа Аҳроп масжидини чиздим.

Табиат манзараларидан этюдлар чизишга ўзим қатнайдиغان ўқувчилар саройининг парк қўл келди. Шийпонга жойлашволиб, бозордаги устозлар ўргатгандек "бисмилло" деб оппоқ қоғозга бўёқ чаплаштира бошладим. Қўл келиб қолган эмасми, боғни туманли ҳолатини бошлаб тасвирлай бошладим.

Табиатга ўйчан қарадим, кўзимни қисиб қарадим, орқага-олдинга бориб-келиб қарадим.

Ҳали суви қуримаган асаримни тўгарак раҳбаримиз Роза Сафинага кўрсатиб, мақтовни пойладим.

Берилган баҳо кутганимдан ҳам зиёда бўлди-ёв. Домла қимматли фикрларини аниқ ва қисқа ифодалади:

– Малайим, син хакинда художиствинний училише скучат ита! – деди.

Қаноат ҳосил қилдим. Мени кутиб турган даргоҳга боргим келиб, синовларга тайёрлана бошладим.

Ёмғир шивалаяпти. Мактаб ҳовлисидаги шийпончадан ердаги қўлмақларни, уларнинг биқир-биқирлаб қайнашини кузатиб турибман. Орқамдан расм ўқитувчимиз Раиса Мечеславовна келиб:

– Хўш, рассом бола, нима қилаяпсан? – деса, рассомлигимдан ғурурланиб:

– Эҳ, была-бы сейчас бумага с красками, написал бы я эти лужи, как в картине, у Саврасова "Проселок!" – деб юбордим.

Жавобимдан устоз тўлқинланиб кетди, оналарча меҳр билан пешонамдан ўпди.

Айни саратон кунлари қўлда чўмилишни қайси бола ёқтирмайди.

Онам Каромат опанинг уйида тарбия масалалари жиддий кўйилгани боис Бешёғочдаги ўша машҳур қўлга бориб чўмилишга ҳар доим ҳам рухсат берилавермайди.

Ундай жойларга боришга рухсат сўрашни ўзи бизнинг хонадонда бемаънилик. Агар рухсат сўралганда ҳам қисқагина: "Бор, юмушингни қил!" деган жавоб олинади.

Керак бўлганидан сўнг ижозат сўрашининг минг хил усулини ўйлаб топаман. Рухсат олиш илинжида уй ишларига киришиб кетаман. Дастрўмолдай ҳовли бўлгани билан лой ишлари, дурадгорлик, турли хил таъмир юмушлари етарлидан ортик.

Ишлар бошлаб бажарилади.

Ахир, кун бўйи қилинган меҳнатдан сўнг чўмилиш керакми?

Афсуски, ҳовлимизда душ, мўрча йўқ, ювиниш, тараниш дегандек, инсон ўзига қараши керак. Ювиниб-тараниш баҳонасида ҳаммомга рухсат олиб равона бўламан.

Эски шаҳарда учта ҳаммом бор – икитаси эскидан қолган, еттита-саккизта гумбаз-

¹ Эҳ, ҳозир қоғоз билан бўёқ бўлсам, шу қўлмақларни худди Саврасовнинг "Дала йўли" картинасидек чизган бўлардим.

ликлари. Бири Чорсудагиси, иккинчиси бозор ўрталиғида, Махсидўзликда жойлашган, учинчиси – замонавий ҳаммом, у узоқда, Себзор даҳасида жойлашган.

Менга ҳаммомга боришга бир шарт билан рухсат берилади. Қўлимда бир бўлак кир совунни ёки Фарғонада чиқадиган атир совунни майда катакли оқ сочиққа ўралган ҳолда, кўлтиғимга кистириб кетишим шарт.

Албатта, уйдагиларга Чорсудаги эски ҳаммомга кетяпман, узоқ қолиб кетаман, навбат кўп, дейман, ўзим эса тўппа-тўғри Чорсудан 1-тромбойга ўлтираман. Қарабсизки, камина Чақар орқали Бешёғочга келиб турибди-да!

Авал уйдан чиқаман. Йўлак тугаб “катта” кўчамиз – Қизил тутга бурилишим билан Хури Пошшонинг қийшайган уйи келади.

Ҳар гал кўлтиғимдаги совунни шу уйнинг лойсувоқ томига улоқтираман. Чунки кўлда совундан фойдаланиш ман этилган. Ахир, у ер маданий ҳордиқ чиқазадиган маскан-да!

Агар Пошшонинг томидан совун деган матоҳ ўсиб чиқадиган бўлганда эди, каминанинг ул ерда экиб кетган совун бўлақларидан икки хил ўрмон ўсиб чиққан бўлур эди. Бири атир совун, иккинчиси қора – кир совун ўрмони.

Бозордаги мўрчага бормаслигимнинг сабаби – биринчидан, жуда ҳаммом иссиқ, иккинчидан, навбат катта, ҳар ярим соатда ҳаммом ходимининг “Келинг, битта!” деган наърасини пойлайвериб кунингиз ўтади, учинчидан ҳаммом бўйича қулоғи тешилмаган бутун тоғора анқонинг уруғидан камёб. Энг қизиғи, номигагина осиб қўйилган, жуҳудларнинг артелида яратилган омонат қулфни четга суриб жавончадан жомакор кийимнинг тинч турмай “қуён” бўлиш одати ҳам йўқ эмас.

Бешёғоч кўлида эса яхши, баданга совун сурмайсан, сув муздаккина, қулочни катта очиб эски шаҳарчасига чапиллатиб-чапиллатиб сузасан. “Оҳ-ей, воҳ-ей” деб сузасан. “Оромижон” деб сузасан.

Бешёғочдан нон заводининг бир тарафи кўл томонга чиққанлиги сабаб у ердаги савобхўр ишчи ўрис опалар чўмилавериб кўкариб кетган биздайларга синган ойна дарчаларидан иссиқ нон улашишади. Бўлка нонни дарча тешигидан бўлак-бўлак қилиб узатишиб, қиқир-қиқир қулишади. Бўлка ноннинг исини, мазалигини айтмайсизми? Биз болаларнинг назаримизда, Чорсунинг ширмойи ҳам, Бешқайрағочнинг ёпган нони ҳам, Чигатоийнинг патири ҳам “серий буханка” билан беллашолмайди.

Биз ногора қоққан қорнимизни тинчлантирамыз, кўлдан келганча опаларни дуо қиламыз, “испасиба”ни аямаймыз.

III

Чорсу бозори – Эски шаҳарнинг юраги, унинг қоқ ўртасида, Эски жўва ва Чорсу орталиғида жойлашган. Худди чуқурликдаги патнисни эслатади.

Бозор атрофидан унга Чақичмон, Сағбон, Қорасарой, Себзор, Махсидўзлик, Уйғур, Лабзак, Қизил тут, Самарқанд дарвоза кўчалари оқиб келади, бозорда одамлар чумолдек, ўрамани ташкил қилгандек қатнашади.

Бозорнинг талайгина номлари бор – Октябрь бозори, Паст бозор, Картошка бозор, Кўк бозор, Чорсу бозори, Эски жўва бозори.

Менга қолса “Паст бозор” дейман. “Паст бозорга тушиб чиқ”, “Пастга тушиб чиқ”, “Пастдан нон олиб чиқ” дейиш осон-да!

Бозоримиз Каллахонанинг кунчиқар томонида жойлашган, бизнинг маҳалламызга девор-дармиён кўшни. Ундан тонг қоронғисидан то шом қоронғисигача шанғиллаган овоз эшитилади.

Мўйсафид бозоримиздан яхлит, мумтоз мусиқа эшитиладигандек. Ушбу шовқин баҳайбат ҳайвоннинг уф тортиб хириллашини эслатади. Азонда ўрнингдан бисмилло деб турсанг ҳам, Худога шукур дея ётаётганингда ҳам шу аҳвол. Саҳнада ўрисларнинг машоқлари қатор-қатор ўтириб чаладиган симфонияга ўхшайди. Мусиқанинг кўлами кенг туюлса ҳам, ҳеч вақони тушунмайсан.

Бизга бу бемаъни шовқин халақит бермайди, аксинча, хуш ёқади.

Каллахонани ҳам тинч жой, деб бўлмайди. Маҳалламызнинг дастрўмолдек келадиган ҳовличаларида ҳаёт қайнайди. Бу ернинг ҳаёти бозор билан чамбарчас боғланган – новвойлар, қассоблар, сомсачилар, кабобчилар, сандиқчи-бешикчилар, ҳаммоллар, от арава, эшак арава эгалари тирикчилик билан банд.

Ёнимиздаги бойнинг уйида жойлашган “обшежит”да эса татарлар, ўрислар, жуҳудлар истикомат қилишади. Барчаси ўзбек тилида, эски шаҳарчасига сувдек гаплашишади.

Уйғур биродарлар ҳам талайгина. Катталарнинг гапи бўйича улар Хитойдан келиб, тўппа-тўғри бизнинг бозор атрофи маҳаллаларига жойлашиб олиб ўзларининг

хунарлари бўлмиш лағмончи, сомсачи, мантипазликда устаси фаранг бўлишган экан.

Қаюм охун, Турди охунларнинг қатламали, қовурға гўштли, пармуда сомса ва хонимларини татиб кўрган хўрандалар ошхоналарнинг арзонгина йигирма тийинлик сомсасини емай қўйди. Бозорнинг қаерига борманг, уларнинг: "Манти ва!", "Сомса ва!", "Хоним ва!" деган ҳайқириқлари эшитиладиган бўлди.

Шовқин-сурони билан бозор маҳалла ичига кириб кетгандек. Паст гувала деворлар ортида панжани панжага уриб савдолашишлар, қассобларнинг маъратиб кўй сўйишлари, бир ёқда Чақичмон масжиди, яна бир ёқда Каллаҳона ва Маҳқама масжидларидан азон товушлари, машхур ҳофизларнинг машқлари, севишганларнинг "Ўлдим-куйдим"лари, чақалоқларнинг чинқириб тугилишлари, муроса келолмаган эр-хотиннинг жанжаллари, болохонадор сўкишлар жаранглаб эшитилади.

Каллаҳона ва бозор гўёки бир жойда яшайдиган Ҳасан-Ҳусан мўйсафидлар. Қўлни чўзсанг, бозор ичидасан. Барча нарса қўл остимизда. Харажатни қилиб олиб ҳаммол, эшак аравани ёллаш ҳам шарт эмас. Тромбой, толлейбусга осилишнинг ҳам ҳожати эмас. Таксичи билан кира нархини савдолашиб кунингиз ҳам ўтмайди.

Овқат тайёрлаётган онамга бир боғ кўк пиёз керак бўлса, қўшни хонадан олиб чиқиб бергандек, бозордан бир дақиқа ичида ҳозир қиламан.

Бундай дастурчиликдан эринмайман, оёғим чаққон. Ҳар қандай матоҳнинг бозорда қаерда жойлашганини ёдлаб олганман. Кўзимни юмиб ҳам топиб бера оламан.

Пешонасига қийқча боғлаб, ятак кийиб олган бўлса ҳам, олибсотарни деҳқондан ажратиб оламан. Савдолашишга келсак, сотувчининг тинқасини қуритиб бўлса ҳам, матоҳни арзонга харид қиламан. Бозорда сувга тушган балиқдек эркин ҳаракат қиламан.

Мен учун бозор ўйингоҳ, у ерда зерикмайсан. Бола бўлиб бирорта ўйинчоқ ўйнамаганман, бирорта уч гилдиракли бўлса ҳам, велосипед ҳайдамаганман. Бозордан ортмаганман.

Бутун дунё ўз муаммолари билан, бою камбағали, ўғриу тўғри, яхшию ёмони билан шу ерда кўноқ топишган.

Бозор сайрига маҳалладан, қулочимни ёйиб самолёт бўлиб чопиб учиб тушишдан бошлайман. Чопқиллаб тушмасликнинг иложи йўқ. Йўл қиялик, қиялик бўлганда ҳам, қишин-ёзин маҳаллага от, эшак араваларнинг эгалари араваларни чоптириб чиқишга мажбур. Неча отлар майиб бўлиб, аравалар ишдан чиққан.

Бозор сайрини, маҳалладаги устоз акаларим ўргатганларидек, бисмилло дея ўнг қўлдан бошлайман.

Беш-олти ёш бўлганимда, шу ерларда, бозор чегарасидаги катта йўлда, Сағбон кўчасидан кириб келаётган беш-олти туялик карвонни кўрганим бор. Карвон бозор марказида жойлашган карвонсаройга кириб кетган.

Ўнг қўлда Каллаҳона билан тутшиб кетган Ишқивот маҳалласи жойлашган. У ерда мен билан мактабда бирга ўқийдиган дўстим Баҳром Дадамухамедов яшайди. Баҳром менга қадрдон дўст, у билан бозорда кунимизнинг ярмиси ўтади.

Отаси эски шофёрлардан. Эски шаҳарда бир одат бор. Қиз бор жойга совчилар келса, бўлажак кувёнинг касби аравакаш бўлса – шофёр, ошпаз бўлса – шеф повар, темир йўлда проводник бўлса – вагрес бошлиғи, яъни вагон ресторан бошлиғи, деб таърифлашади. Шунинг учун бўлса керак, Баҳромнинг отаси икки бор уйланишга улгурган.

Ишқивот маҳалласининг доврўғини Тошкентга ёйган – маҳалла кўмитасининг раиси Махсум отанинг оиласи. Махсум ота – машхур инсон, иккита ўғилларидан бири рентенолог – академик, иккинчиси олим – профессор.

Ёши саксондан ошган бўлса ҳам, ота ўртача бўйли, соқол-мўйлаби йўқ, оқ-сарикдан келган ҳаракатчан киши. Махсум ота эскичадан, янгичадан хабардор.

Кези келганда, маҳалладаги худойи, ақиқаларда имом, қорилар билан дину диёнатдан баҳслашиб ғолиб чиққан. Илҳомлари келганда кўпини ер тишлатган. Янгичага келсак, замонавий ёзувда бироз камчиликлари йўқ эмас. Бир вақт менга қандайдир справка ёзиб бературиб фамилиямни Мирзаюл, таваллуд кунимни эса 21нчи марит деб ёзган.

Сўнги йилларда Каллаҳона ва Ишқивотга ташқаридан келиб кўноқ топган уйгур ошпазлар, майда савдогарлар, олибсотарлар жойлашиб олишгани боис, маҳалланинг асл зиёдилари янги ҳовлилар қилиб кўчиб кетишган. Махсум отанинг икки машхур ўғли бизда ибрат билан тилга олинади.

Ишқивот билан бозор оралиғида Маҳкама масжиди жойлашган. Бу ер файзли жой. Файзлилиги, биринчидан, масжид Ишқивот маҳалласининг бурчагида савлат билан бозорга қараган. Масжид тағидан Ишқивотга қиялик кўча кўтарилади. Тошкентнинг ушбу қадимий кўчасини номи ҳурмат ила Переславская деб қайта номлашган. Масжид рўпарасида машхур булоқ оқиб чиқади. Булоқ атрофи мусулмон ғишлар билан ҳовузча қилиб ўралган. Сувда аксингиз қуринади. Ҳовузча тубига зиёратчилар тангалар ташлашган.

Тўғарақдаги домлам Роза Ҳафизовнанинг ибораси бўйича масжиднинг пештоқи, чиройли мезанаси катта тут дарахти остида жуда “живописний” кўринишга эга.

Бир вақтлар Ленинграддан келган ўрис рассомлар ушбу манзарани чизаётганини кузатиб рассом бўлгим келган, мойбўёқларни чаплаштириб матони қоплагим келган, атрофдаги мўйсафидларнинг “ҳай, ҳай”ларини, “бинои, бинои” дейишларини, “ўзимизнинг каллахоналик бола-ку” дейишларини эшитгим келган.

Мен ҳам кўп маротаба шу кўринишни акварель ва қаламда чиздим, Свердлов концерт залини даҳлизларида кўргазма бўлди. Мукофот беришди. Диплом беришди.

Намоз ўқиш учун масжидга атроф маҳаллалардан обрўли, тақводор отахонлар, бозордан завмаг, бойвачча амакилар ташриф буюришади.

Масжид биқинида бешикчи, тароқчи, тунукачиларнинг дўконлари бор. Барвақт намозга келган амакилар ушбу дўкон эгалари билан бир пиёла чой устида ундан-бундан суҳбат қуришади.

Айниқса, кўшнимиз Жўрабой чархчи амакининг атрофи гавжум. Томоша бор-да, томоша!

Жўрабой амаки супачанинг устига чордана қуриб олиб, олдида гир айланадиган чархда пичоқ чархлайди. Пичоқ эгаси (албатта, эркак киши бўлади) уста рўпарасида оёқларини кериб ўлтириб, икки чарм камар арқон ёрдамида қўлларини олдинма-кейин ҳаракатлантириб чархни чирпирак қилиб айлантиради.

Пичоқ билан чархнинг орасидан шиғиллаган овоз билан учкунлар чиқади. Мен учун ана шуниси томошанинг қаймоғи.

Кўшнимизни хуш кўрмайман. Дум-думалоқ хиралашган кўзойнақлари остида, бароқ қошлари билан қўшилиб, кўзлари тешиб юборай деб ўкраяди.

У жаҳлдор. Урушда қатнашмаган бўлса ҳам, қўлларидан иккита бармоғи йўқ. Қай аҳволда улардан айрилган, билмайман.

Жўрабой амакини ёқтирмаслигимга сабаблар бор. Бири, хотинлари бўлмиш Умри амман мунтазам “Гўринга ғишт қўяй!” дея тор ҳовлиларида қулаб, етти маҳаллага эшитарли қилиб болохондор сўкиши. Иккинчиси, бир пайтлар уйидаги ҳужрадан кўзада оқ ёғ йўқолгани баҳона лўли фолбинни чақиртиргани ва “ҳақиқатпараст”нинг ўғрини кўрсатиб берувчи қандайдир асбоби ўзларининг уйи томонга бурилганда, ўша асбобнинг кўрсаткичини калта бармоқлари билан бизнинг ҳовли томонга суриб, қуруқ тўхта билан ойижонимни қон-қон йиғлатгани.

Маҳкама масжид бузиларкан, деган гап тарқалди. Қариялар кўл жуфтлаб бу бало-азимни қайтаришни Худодан сўрашди. Бўлмади.

Юқоридан буйруқ бўлибди, эскилик “сарқити” экан бу масжид. Ул даргоҳга, асосан, қариялар кириб-чиқиб тургандан сўнг қарилик эскилик бўлса керак-да.

Бузиш бошланди. Лекин бу номақбул юмушда маҳаллий аҳоли қатнашмади. Шунда четдан келган мардикорлар ишга солинди. Биринчи куниёқ мачитни бузаётган шўринг кургуларнинг бир нечтаси майиб бўлди. Шунда пиёниста ишчилар ишга солинди.

Масжид ўрнида қуп-қуруқ қутини эслатадиган дорихона барпо этилди. Номини “Саккизинчи” деб қўйишди.

Собиқ масжид ўрнининг файзи кетди. Хунармандлар кўчиб кетишди, жумлаи мўмин кўринмай қўйди, рассомлар расм чизмай қўйишди, азон айтилмай қўйди.

Чорсу томондан бозорга қараб, икки томони эскича қурилган иморатлар жойлашган. Чап қатор дўконлар ўртасида, шифти ярим думалоқ, туйнук орқали пастга тушади-ган зина бўлиб, тўппа тўғри “Дом деҳқонга” олиб тушади.

“Дом деҳқон” – боғ бўлиб унда лўлиларни жамоаларидан ва хуфиёна соққа тепади-ган қиморбозлардан бошқа инсонлар кўринишмайди.

Бир пайтлар сиёсат йўлида “ҳашар” қилиниб, халқ “ёғилиб”, шу савил боғни барпо этганмиш. Бозорга узоқлардан келган мусофир деҳқонлар шул даргоҳда тунашганмиш, сайиллар ва сайловлар ўтганмишми-ей...

“Дом деҳқон” лигини кейинроқ билдим. Ёшу қари бу ерни “Дўндиқон” деб аташади. Дўндиқон пастқам сой бўйида жойлашган. Соининг қийшиқ “Пулсирот” кўприги ҳам бор. Бу пастқам, нообод ерни кўпинча четлаб ўтаман.

Юқорини хуш кўраман. Юқоридан узоқ-узоқлар кўринади, юқоридан расм чизсанг яхши, юқори баҳаво бўлади.

Бозор кўчасининг ўнг томонида, дўконлар ортида менга катта тоғ бўлиб кўринадиган баландлик бор. Ушбу тоғнинг тепасида. Эски шаҳарнинг кўрки бўлиб Хўжа Аҳрор масжида ва Кўкалдош мадрасаси савлат тўкиб туради. Хўжа Аҳрорнинг гумбази баландроқ жойлашган. Кўкалдош эса ялтираган орқа пештоқи ва ҳовлисидаги бир-иккита дарахти билан пастроқ кўринади.

Каллаҳонанинг лойли томларидан неча маротаба ушбу ажабтовур манзарани чизавериб бу ерлар менга ёд бўлиб кетган.

Мени ана шу чўққига чорлайдиган яна бир жой бор – бу шундоққина Хўжа Аҳрор масжида тагидаги қовун бозори. Тўғарагимиз раҳбари Роза Ҳафизовнанинг ибораси бўйича бу жуда “живописний, бир яхши жой”.

Қовун-тарвузларнинг ранг-баранг уюмлари, деҳқонларнинг олачалпоқ чопонлари илҳомни қитиқлайди, ижодга чорлайди.

Бу ажойиб манзарани хаёлдан чиза оламан, натурадан чизолмайман. Сабаби, расм чизадиган уч оёқли дастгоҳим йўқ, фақат қоғоз-қаламда, тиззамга фанер бўлагини кўйиб чизаман. Туриб чизганга нима этсин. Туриб чизсанг, қовун бозор кафтингда жойлашгандек бамисли палак бўлиб кўринади.

Қовун бозор ижодимни илҳомлантириш билан бирга нафсимни ҳам қондиради. Каллаҳонаник мол-ҳоли бор болалар бу ерда пўчоқ йиғишади. Пўчоқ йиғишдан осон иш йўқ, бир парча клеёнка дастурхон билан қийшиқ пичоқ бўлса, бас.

Чидолмай нафси жўш урган амакижонлар йигитларнинг дастурхон пичоқларини ижарага олиб, бозорнинг ўзида қовун-тарвузни сўйишади, “Оҳ-оҳ” лашади, “Вой-во-ей, мунча асал” дейишади. “Яратганга шукур” дейишади. Деҳқон бувани эслашмайди ҳам. Полиз экинлари билан ошқозонлари тўлгандан сўнг тарвуз-қовундан бизга ҳам улашишади. Ижара ҳақи – амакиларнинг базмидан қолган тарвуз-қовун пўчоғи ва бир-икки тилим билан сийлашгани.

Қовун бозорни хўп айланаман, ҳар бир қовун-тарвуз уюмидан сўнг янги, илҳомни кўзгатувчи кўриниш, домламининг иборалари бўйича “мотив” туғилади.

Бу ерда сандироқлайвериш полиз неъматларининг босволди, кўкча, обиновот, мирзачўл, бўриқалла, қирқма, қизил уруғ, қора тарвуз, кўзибой турларини бир-бирдан ажратиб олишни ўргандим, уларни пўстидан, шаклидан ажратаман, қайси бири пишиб етилган, қайси бири думбул, сапча, бир қарашда биламан.

Савдолашишга келсак, менга тенг келадиган кўча боласи йўқ. Савдолашавериб, деҳқоннинг қўлини силтайвериш, бор-барақалла деявериш, миришкор бобо деҳқоннинг тинкасини қуритаман, Тошкентнинг Эски шаҳарига қовун олиб келганидан пушаймон бўлиб қолади.

Қовун бозорни рангли бўёқларда тасвирлаб юбордим-ов. “Алишер бойвачча, қовун бозор билан боғлиқ озорларингиздан сўз очинг”, – дейдиган одам йўқ.

Уф, эслагим келмайди, ҳали ҳам қулоқларим шолғом бўлиб лўқиллаётгандек туюлади.

Ҳаммасига қовун бозорининг ўртасида, ердан топиб олинган ўн сўм пул сабаб бўлди. Букланиб ётган пул кўзимга чўғ бўлиб кўринди. Бироз томоша қилиб қолдим ва тезда қирқинчи патинкам билан, биров кўриб қолмасин дея, босиб олдим. Сўнг орқалдимга қармай, ушбу ганжни ердан олиб чўнтакка урдим-у, бозорни тез тарк этишга шошилдим.

Нақ ўн сўм пул-а! Бир сўм, икки сўм бўлса ҳам бундай ҳаяжонланмас эдим.

Пул эгаси, мелиса Бурунбой ва Семизбойлар билан мени таъқиб этишаётгандек, тоғдан қўшдек учиб тушиб бир-р этиб уям бўлмиш Каллаҳонага кириб кетдим. Каллаҳонага киришдан олдин Ишқивот ва Сассиқ ҳовуз жин кўчаларидан мени таъқиб қилаётганларни чалғитиб, адаштириб ортада қолдиргандек бўлдим.

Пул қоғозга меҳр ила қарадим, узоқ тикилдим, тепамда таажжубдан оғиз очиб турган Гулнафис опамни сезмай қолибман.

– Пулни қаердан олдинг? – дея мулоимлик билан сўз очди.

Қулиб турганларига жавобан тўғриси айтиб қолдим, содда бўлмай ўлай.

– Ҳай-ҳай, катта пул, – деди.

– Қуллуқ! – дедим мамнунлик билан.

Опам бисотимга шерик бўлмади, капиталимни туя қилмади, секин чиқиб кетди. Топилмамнинг гаштини сура бошладим.

Ўн сўм пулга нима олса бўлади? Кийим олсаммикан? Уст-бош олиб, куёвлардек Каллахонога кириб келсам, йўғ-е. Кийимим, Худога шукур, бор, ўзим қирқиб найча поча қилиб олган тринка шимим, олди нақшли жужун кўйлагим, бошимда соябонли аэродром – ўрисча шапка, оёғимда футбол тўғарагидан қолиб кетган, менга не балоларни ҳада этган 39-размерли кетам ҳам бор.

Арқонни узоққа ташлаганим келди. "Тўхта, Алишер, ўйла Алишер", – дедим. "Ке, расом бўлмоқчи экансан, этюдник ол, Навоий театри ортидаги дўкондан мой бўёқ, чўтка ол. Қолганига эса бир нечта картон олиб, менга ушбу бойликни тортиқ этган қовун бозорининг суратини чизиб қўй", – дедим.

Тузган режамдан мамнун тиржайганимни ўзим ҳам сезмай қолибман. Мени кутлаган опажоним, мулојимлик билан, кўзда айёрона қараш ила онаизорим йўқлаётганликларини айтиб, мени ширин ижодий хаёллардан уйғотди.

Бир балони сезгандек бўлдим. Назаримда, қўлимдаги олтин маъбудадан айрилиб қоладигандек бўлдим, чунки онам кўшни опокўйилардек болалари билан мулојим айланиб, ўргилиб муомала қилмасликларини билардим.

Тарихдан ўқиганим бор – "спартан тарбия", дейди буни. Онам ана ўша спартанча – сиқиб сувини оқизадиган тарбия тарафдори. Ади-бади айтишиш маросими бўлиб ўтмади. Ҳаяжон ва ифодасиз бойликни орттирганим ҳақида сўради.

– Қовун бозоридан, – дедим.

Астма касаллигига учраганига қарамай, онам секин ўрнидан турди. Пойгақда қашларини оёқларига илиб, мени олдига чорлади. Ҳеч нимани тушунмай бордим.

Чап қулогимдан маҳкам ушлади.

"Вой-дод!" Қулогим "Спартак" стадионидаги кураш тўғараги полвонларининг қулоқларига ўхшаб, қирсиллаб чиройли шаклини йўқота бошлади. Ана шу аҳволда йўлагимиздан чиқиб кўчага бошлади.

Олдин, қулогимни ловуллатиб Каллахонадан бозорга тушдик, ўнгга бурилиб бозор оралаб қовун бозор жойлашган тоққа яқинлашдик.

Қулогим ҳамон исканжада. Мени судраб онаизорим ҳансираб тепага чиқа бошлади.

Йўлимизда жойлашган тароқчилар, бешикчилар, заргарлар дўконларига киё боқмай тепадаги манзилга етиб олдик. Йўлни босиб ўтиш осон кечмади. Онам ҳансираб қолди, ранги ўчди.

Онамга пулни топиб олган жойимни кўрсатдим.

– Пулни қўй жойига! – деди.

Онамнинг амри бажарилди. Шундан сўнг қисқагина:

– Ердан бировнинг нарсасини ола кўрма! – деб шолғомга айланган қулогимни қўйиб юборди.

Қовун бозоридан ҳафсалам пир бўлди. Катта бозоримизнинг бошқа ерларини гуллатгим келиб, ўртадаги нон бозорини танладим. Нон бозор гир айлана доира шаклида. Ўзиям Чорсу бозорининг қоқ марказида!

Минг хил нон сотилади – оддий ёпган нондан тортиб, ширмой патир, қашқарча лўппи, седанали ширмондан тортиб, пиёзли, жиззали нонгача. Лочирадан тортиб, гиждагача бор бу айлана бозорда.

Нон бозор атрофида ўрисча нон дўкони ҳам бор. Пештоқида "хлеб" деган сўз зикр этилган. Бу ерда турли буханкалар, булкалар, булочкалар тахлаб ташланган. Дўконнинг орқа эшик томонида биқинига "хлеб" дея ёзилган машиналарнинг кети узилмайди.

Эски шаҳар аҳли бу дўконга яқинлашмайди. Чунки миллий нонларни хуш кўради, қизариб, кўмирда пиширилган тандир нонни, таги сингиб пиширилган нонни, тандирда етилган юзи қулиб турадиган нонни хуш кўради.

Ушбу дўконга ҳам қуллуқ қилган кунларим бўлди.

50-йилларнинг иккинчи ярми, Хрушчев даври эди. Ун топиш қийин кечди. Каллахоно новвойларига қоплаб ун ташийдиган от арава ва ҳаммолларга иш қолмай, тириқчиликлари касод бўлди. Араваларнинг ўқлари осмону фалакка қараб тарвақайлаб қолди. Айлана нон бозор ҳам хувуллараб қолди.

Барча ўзини ўша "хлеб" магазинига урди. Аҳоли хаамири огир, гижда нонларни сотиб ола бошлади. Мағзи пиймаган хом нондан жиғилдон, зарда қайнайди. Лекин инсон чидар экан, инсон сабрли экан.

Онам касал. Гижда нон емай қўйди. Оқ нон анқонинг уруғи. Фақат эрта тонг "Хлеб" да бироз вақт оқ булочкалар сотилади. Ким зўр бўлса, ўшандан олади. Қолганига – тошдек огир гижда.

Чети кўк хошияли дастурхонимизни қўлтиқлаб, сахарда “хлеб” дўконида навбатга учинчи бўлиб қўшилдим. Совуқда тўрт соат ер тепиниб турдим. Ноумид шайтон.

Соат саккизда дўконнинг дарчалари очилди. Навбатда турган, турмаганлар ҳаракатга кириб, тўполон бошланди. “Ит эгасини танимай қолди”.

Бир маҳал қарасам, ширин хаёллар билан учинчи бўлиб турган Алишержон навбат деган бевафо қурилманинг ўттиз-ўттиз бешинчиси бўлиб қолибди.

Беш тийинлик оқ булочкалар савдоси бошланди. Қарасам, қуруқ қоладиганман.

“Ҳаракат қил, Алишер, отни қамчила, Алишер!” дедим. Тенгкур болалардан бир калла катта эмасманми, “Ё, Али!” дея икки бақувват тирсагим билан навбатда турганларни чапга, ўнга суриб ташлаб дарча томон ошиқдим.

Прилапка устига дастурхонимни ёзиб пулни узатишимни биламан, дув этиб ўттизта оқ булочкалар ёғилди. Дастурхонни тўрт чаккасини гижимлаб кўтариб нончаларни эсон-омон оломон ичидан олиб чиқдим.

Шу кун онамни оқ нон билан сийладим. Қўл очиб дуо қилди.

Гўшт бозори юқорида – Чақиқмонда. Бозор марказидаги тошқин сув у ерга етиб боролмайди.

Ёмғир шивалайдими, жала қуядими гўшт бозорида савдо авжида.

Ҳар бир қассобнинг кўлида қўзи ожизларнинг кутубхоналаридан ундириб олинган, пайпаслаб ўқиш учун махсус майда тешикчалари очилган қалин қоғозга ўралган гўшт. Хоҳлаган ҳажмдаги – бир киломи, икки, икки ярим киломи, ҳатто ярим килолик гўшларни, кўлида бўлмаса, кўлтиғидан, керак бўлса, оёғи орасидаги латта сумкадан ҳозир нозир қилиб беришади.

Гўштни таърифига эса гап йўқ. Бу бозорда қўлда боқилган, албатта, ҳалол сўйилган, исталавойнинг чқиндиси билан боқилмаган, далама-дала сандироқламаган жониворларнинг гўшти бўлади.

Гўшт харид қилувчи қандай гўшт олаётганини билиши керак. Қўйнинг олд оёғи билан сон гўштини фарқламайдиганлар кўп. Учар амакилар – Фафур қассоб, Раҳмон қассоб, Шодмон қассоблар уларни бир зумда калака қилиб чўнтақларини пуч ёнгоққа тўлдириб юборадилар. Ул зотлар қанчадан-қанча одамларни гипноз қилиб сеҳрлаб қўйганларига гувоҳ бўлганман. Сеҳрлашдан мурод битта – гўштнинг остига амакиларнинг муштидек келадиган мол суяқларини кўйма қилиб, уриб юбориш.

Лекин мендекларни алдай олишмайди. Гўштни фарқига бораман. Масалан, сарпанжа – қўйнинг олд оёғи қисми, қоғозга бир, бир ярим кило қилиб ўралади. Миён қовурга нимтанинг энг ширин жойи, жониворнинг биқин қисми, шунинг учун ярим ва бир кило қилиб ўралади. Чойхонанинг шодигул палови учун тўқли ва ошиқлик сон олингани маъқул. Ушбу гўштор – лаққа қисмлари икки, икки ярим кило қилиб ўралади.

Каллахона бойваччалари сонги гўштра қўшиб тўшни пешноб қилиб олишади. Пешноб бу – тўшни бўйин гўшти билан шилиб олингани, шунинг учун тўрт, тўрт ярим, беш кило, баъзида олти кило тошни босади. Қўйнинг салобатига қараб, албатта.

Эски ёки қари молнинг гўшти бир оз қорайган, кўримсиз бўлади. Ёш молнинг гўшти қизил ранга тортган бўлади. Жайдари қўй уйда боқилган, думбаси катта бўлади. Баъзида оппоқ думба ёгда қизил тангачалар шаклида доғлар кўзга ташланади. Бу бармоқ излари, думбанинг вазини билиш пайтида, қассобларнинг икки кўллаб кўтариб қўришганлиги оқибати.

Ҳисори қўйнинг гўшти қиммат юради. Мазаси жайдари қўй гўшtidан ширин. Гўштни энг арзони – малиш думли оқ қўй гўшти. Аслида, бундай қўйлар жун олиш учун боқилади, гўшти ширин бўлмайди.

Умуман, қўлда сотиладиган гўшт ҳар жиҳатдан сифатли – янги сўйилган жониворнинг гўшти бўлади. Гўшт дўконларидаги гўшлар захирадан, аниқроғи уруш захираларидан келтирилган, яхлаган бўлиб, бундай гўшларни мазаси йўқ. Ошпаз қанчалик моҳир бўлмасин, бу гўшлардан мазалик таом тайёрлай олмайди.

Айниқса, Австралиядан келтирилган кафанли қўйларнинг гўшти бемаза. Кафанли гўшлар “обшепит” ресторани ошхоналарига тарқатилади. Шунинг учун бўлса керак, ресторан ўрнига хўранда Жардаги уйғур Холисхон опанинг лағмон, кабобларини маъқул кўради. Қийишқ Жар кўчасида чўккалаб олиб бўлса ҳам, мазали таомдан баҳраманд бўлади.

Сотувчи амакилар баъзида сирли қилиб, чет тилда савдолашишади. Мактабда инглиз тилига ҳушим бўлмаса ҳам, қассоб даллолларнинг лаҳжасини ўзлаштирганман.

Савдо устида “Қана Носир” сўзи айtilса, нархнинг устига 200 сўм қўшилган бўлади.

“Пиёз кам” дейишса, икки юз сўм камига розиман дегани. “Сари ками” юз сўм кам дегани. “Панжоб” дегани атиги 50 сўм дегани. Бу лаҳжа, асосан, даллолларга таалуқли бўлиб, гўшт бозордан кўра кўпроқ мол бозорда, гўшт бозорга келтирилувчи нимта гўшлар ҳали тўрт оёқлаб чопкиллаб юрган жонивор шаклида бўлганда зикр этилади.

Гўшт бозорнинг ҳам тили бор: эчки бозор тилида Макарон ёки Абдукарим дейилади. Қўй гўшлари ҳам турлича: қора кўчқорнинг гўшти, қоракўл қўй гўшти, малиш думли қўй гўшти, солиҳ гўшт, жайдари қўй гўшти.

Гўшт бозор қорамол, қўй, эчки, от гўшларидан ташқари декабрь, ноябрлардан бошлаб куён, курка гўшлари ҳам сотилади. Калла-поча сотувчи опоқиларга ачинаман. Ёмғир тагида бўке-е-ёб ўтиришади. Бошларига ўраб олишган момиқ рўмоллари ёмғир тагида сотувга қўйилган терининг юнгидан фарқи йўқ.

Қаторлаштириб қўйилган қўй каллалари ғалати тиржайиб қарайди. Барчасининг тили тишланган. Ерда ичаклар нақшинкор гажак қилиб тортилган. Қўй туёқчалари бир қатор чиройли тахланган. Туёқчаларнинг юқорисига қарамасангиз, афсонавий тулпорлар туёқларини эслатади.

Ушбу матоҳлардан ташқари бу ерда қорин-чарви, буйрак, ўпка, калла-поча каби қўйнинг “запчаст”лари ҳам сотилади. Қўй ва мол гўшларини чиройли чопиб, қалин қозғоларга ўраб, кўзлари ола-кула ёш йигитчалар сотишади.

Мелисаларнинг облавасидан, таъкибидан қочишга сотувчиларнинг оёқлари чаққон бўлмоғи керак. Юрагини ҳовусчанган сотувчи бечоралар Каллахона томонга тумтарақай бўлишади. Чунки Каллахонада яширинадиган жин кўча ва йўлақлар бисёр. Хонадонга Каллахона томондаги эшикдан кириб, қўшни Ишқивот маҳалласидан чиқиб кетиш мумкин.

Баъзан облавачи мелисалар шўринг кургур қассобларга етиб олиш хавфи пайдо бўлса, охириги имкониятни ишга солишади шоввозлар. Яъни, қозғога ўралган гўштни зўр бериб, бирин-кетин Ҳури пошшо, Ҳожинисо хола хонадони томига ёки бизларнинг томларимизга улоқтиришади.

Облава тугагач, нарвон қўйиб, сомон сувоқли лой томимиздан лаҳим гўшларни териб олиб, терлаб, ҳаллосланган эгаларига қайтараман. Мукофотга ярим кило бўлса ҳам, гўштни миннатдор бўлиб раво кўришмайди. Гўшт сотувчилар савдолашавериб ҳар мисқол гўшт устида пишиб, қурумсоқ бўлиб кетишган-да. Мендек ёш болани мукофотлашармиди?

Яна “Томга чиқиб қара, битта-яримта гўшт қолиб кетмабдими” дейишига ўласизми. “Ҳа, гўшт қолиб кетса, униб чиқиб кўринар эди-ку”, – дейман уларнинг жигига тегиб.

Мирободдан катта бувим келган кунлари уйимизда гўшт қолмаганди. Онам ҳолвайтар пиширди. Бувим норози оҳангда:

– Мен ўлганмидим, онанг ҳолвайтар пиширади. Ордона қолсин! – дейди.

Бувимга ҳайронман. Уруш даврини ўз кўзлари билан кўрган, ейишга нон, сотиб олишга ҳемириям бўлмаган-ку. Энди... ҳолвайтар еса ебди-да!

Ўша куни ташқарида облава бўлаётган эканми, бир маҳал том оша ҳовлига бир неча бўлак гўшт тап-тап этиб тушди. Ўралган қозғолари осмонда ипи узилган варрақлар бўлиб томга қўнишди. Онам ошхонада қозондаги ҳолвайтарнинг қирмочини қириш билан овора. Бувим аввал чўчиб тушиб, “Ло илоҳа”ни бир неча бор ўқиб ташлади. Сўнг ўзини ўнглаб олгач, онамни қақирди.

– Мана, Каромат, Худойимнинг марҳамати, ғойибдан гўшт тушди, Худойимдан ўргилай! – дея чапак чалиб қолди.

Асп аҳволни минг тушунтирмайлик, фойдаси бўлмади. Бувижоним ҳолвайтарни ялаб, “ғойибдан, ғойибдан” дейишдан тўхтамади.

Катта бола бўлиб қолганман. Еттинчи синфда ўқийман. Гўшт бозорда тирикчилигим ҳам бор, Худога шукур.

Оёғим чаққон, гавдам ёшимга нисбатан йирик эмасми, устоз қассоблар менга ўз молларини ишониб топширишади. Тошкент атрофидаги мол бозорлардан жониворларни қассобларнинг кўраларига, тўппа-тўғри “кунда” тепасига ҳайдаб келаман. Хафа қилишмайди.

Абай ёки Сарюғочдан ҳайдаб берилган битта қўйга ўн беш сўм. Кўк терак, Шўро бозордан бироз камроқ – ўн сўм беришади. Чуқурсой ва Ҳастимом бозорларидан мол ҳайдаган кунларим ҳам кўп бўлган.

Бир қўлимда толдан синдириб олинган хивич, иккинчи қўлимда бир челақ тухум. Тухумларни, мол бозорнинг четида, атрофлардан келган қозоқ шешелар “айланайин, айланайин, ширагим”, дея сотишади. Донасига беш-ўн тийиндан сўрашади. Тухумларнинг кўриниши ачинарли. Бефаросат товуқлар дуч келган жойга тухум ташлаб кетаверганими, кири чиқиб ётади.

Ҳа, энди бозорда савдо қилгандан сўнг биров тадбиркор, биров чаққон бўлмақ керак-да!

Тадбиркорлигим уйдаги ошхонамиздан бошланади, яширинча озроқ сирка олиб бир литр сувга кўшиб аралаштираман. Сўнг челақ тўла тухум устига қуяман. Қарабсизки, тухумлар оплоқ-да!

Тирикчилик авжига чиқиб, гулдай яшнаб турган бир пайтда ишимга кўз тегди.

Бозоримиздаги Бурунбой мелиса, Семизбой мелиса, юзи хунук Юсуф мелисаларнинг мендеклар билан иши йўқ. Илло, Қодир мелиса ёмон чиқди. Уша менга кўз тиккан экан. Мени кўлга туширган ўша киши. "Безформа" экан. Мени гапга солса, лаққа тушиб ўтирибман. Алдаб-сулдаб, бозор четидаги мелиса бўлимнинг ҳибсхонасига жойлаштириб қўйди.

Савдогарсан, деган айблов қўйишди бўйнимга. Ёш экансан, атиги ўн беш сутка ётасан, дейишди. "Нурилла мелиса менинг ён кўшним" дедим. "Етимман" дедим, "Ойимни соғиндим" дея йиғлаб кўрқитдим. Бўлмади. Ҳийла-найрангим ўтмади.

Тақдирга тан бердим. Аммо воқеадан хабардор шерикларим бўш келишмабди.

Мол бозордан қўйларни ҳайдаб Чиғатойдан ўтардим. Гузардан ўтаётиб, учраган мўйсифид зотиға саломимни қанда қилмас эдим.

Муҳиддин ота деган ота бўларди. Мен билан қуюқ сўрашиб, елкамга қоқарди, "баракалла" дерди.

Отам йўқ эмасми, дўстларим ўша отага воқеани айтиб нажот кутишибди.

Отанинг мавқеи зўр, қўли анчагина узун экан, қамалган кунимнинг эртаси Муҳиддин ота мелисахонага келиб мени озод этди. Мелисалар отани ҳурмат қилишаркан, отаболани икки букилиб қузатиб қўйишди.

Онам билан пакетчилик – ҳалтачилик касбини ўзлаштирдик. Бунга Ниғматжон исми катта почма сабабчи бўлди. У киши саксон тўртинчи заводда шофёр эмасми, арзонроқ қилиб бизга, сарғишдан келган, катта рулонда пакет қоғоз олиб келадиган бўлди. Онам билан қоғоздан пакет ясаб тикамиз, сўнг бозорга олиб чиқиб сотамиз.

Замон нотинч. Қоғозни уйга тушириб бўлмайди. Матоҳни чап қўл Каллахонада яшайдиган Акбар аканикига туширадиган бўлди. Акбар ака эски бойнинг ўғли бўлгани боис, мустаҳкам уйи ва баҳайбат дарвозаси бор. Поччажонимнинг қоғоз ортилган юк машинаси бемалол ичкарига киролади. Акбар аканинг оналари Руқия хола онамнинг қадрдон дугонаси, тутинган опа-сингил улар. Холамлар ўғиллари билан ўзларини хавф-хатарга солиб бўлса ҳам, савоб ишга қўл уришади, бизнинг матоҳимизни сақлаб беришади.

Серсавоб поччажон зудлик билан мошинани кетига тиралган икки тахта устидан қоғозни юмалатиб ичкарига туширадилар сўнг ўша заҳоти дарвоза тавақасини ёпишни ҳам насия айлаб, мошинага ўлтириб жуфтакни ростлаб қолади. Шу қочганча пулни ҳам олмайди, раҳматни ҳам хазм қилиб улгурмайди.

Қўлимда ўтқир пичоқ, ғилдирак-ўрам қоғозни ўртасидан қирқишга киришаман. Қирқилган қоғозларни ўн беш, йигирма килоли қилиб ўраб Акбар акани ертўласига олиб тушиб саржин тахлагандек териб чиқаман.

Сўнг бир ўрам қоғозни чойшабга ўраб ҳовлининг этагидаги ўнг қўл Каллахонага чиқадиган туйнук орқали чиқиб кетаман.

Онам қоғозларни ёйиб бичади. Ҳалтачалар ҳар хил ҳажмда бўлмоғи керак. Каттаси – беш тийинлик, ўртанчаси уч тийин ва кичиги икки тийинлик бўлади. Бичилган қоғозларни буклаб четини тикиб чиқамиз.

Дўстларимга айтмайман, пакет тикиш менинг зиммамда. Ушбу юмуш аёлларникида. Начора, тирикчилик-да. Гулнафис опам узатилганларидан сўнг бу фаолият менга мерос бўлиб қолди.

Аввалига ишим юришмади. Букланган қоғозларни икки томонидан Г ҳарфи шаклида тикиш ўрнига П шаклида тикибман. Қарасам, мен тиккан ҳалталардан фойдаланиб бўлмайди. Тўрт томони ёпик.

Онам бечора антиқа пакетларни учинчи томонини қирқиб чиқди. Ҳалтачалар муомаладаги стандартдан қириб кетгани учун кўтарасига беш тийинлиги – тўрт ярим тийин, уч тийинлиги – икки ярим тийин, икки тийинлиги эса бир ярим тийиндан сотилди.

Қоқилиб, қоқилиб "йигит кишига қирқ хунар оз" деганларидек, тез кунларда тикув ишларининг устаси фарангига айландим.

Алмисоҳдан қолган тикув машинамизга мотор ўрнатдик. Моторни ванғиллатиб иш-

латдим, техникани жиловы ўз қўлимда. Ишим юришиб кетди, ўзимизнинг халталардан ташқари бошқа пакетчи опаларнинг ҳам мушкулини осон қила бошладим. Чақонлигим шу даражага етдики, кўзимни юмиб олиб ҳам, элликтадан юзтагача халтачани бемалол тика олардим.

Отадан етим бўлсам ҳам, қорним тўқ, эгим бут. Ҳа, айтгандай, бироз каттароқ бўлганимда, ул мукофотни пулига уйланиб олармидим. Э, бор-ей, хаёлинг кўчаларига қурт тушсин!

Пакет савдосидан ортган пулларимга Келес автостанцияси яқинидаги УзГиз китоб дўконидан ақлимни пешлаш дардида нашрлар харид қила бошладим.

Китоб кошонасининг мудирини Қори ака деган, тўладан келган кўк дўппили киши.

Дўконнинг чап томонида ўзбек адабиётига оид китоблар тахланган, ўнг томонида эса менга анча маълум бўлиб қолган рус адабиёти классик намуналари. Ўзбек ёзувчиларидан Абдулла Қодирий, Миркарим Осим, Ҳамид Фулом, Мирмуҳсин, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодировларнинг асарларини мутолаа қилдим.

Рус адабиётидан баҳраманд бўлиб, китоб қаҳрамонлари Денис Давидов, Рахметов, Каштанканинг эгаси Лука Александров, мардикор Балда қиёфасидан чиқиб, хаёлан Шарқ адабиёти қаҳрамонлари қиёфасига кирдим. Отабекка тақлид қилиб севиш, севилиш ҳақида ўй сурдим, сўнг Худойберди Тўхтабоевнинг қаҳрамони бўлмиш “Беш болали йигитча”га айланиб бир изтироб чексам, бир қулдим.

Чет эл ёзувчиларидан Майн Рид, Жек Лондон, Эрнест Хемингуэйларнинг асарларини ўқиб туширдим. Айниқса, Жек Лондонни “Ҳаёт учун кураш” ҳикояси руҳиятимни остин-устин қилди. Қаҳрамонга ҳамдарад бўлдим, ҳатто асарнинг авж кўринишини қора қаламда тасвирладим.

Хона ўртасида, йўл азобида, бармоқлари совуқ уриб кесилган, боши эгик, хаёли паришон Жон. Олдида, харидорлар қайтариб берган, ўнта-ўнта қилиб кесилган тухумлар. Хонанинг иссиғидан, совуқ уриб, сўнг сасий бошлаган тухумлардан бадбўй хид кўтарилаётир. Боши берк кўчага кириб қолган инсон.

Раҳим келди Жонга. Кўзимга ёш олдим. Ҳикоядаги ҳарорат суратга ўтган бўлиб кўринди кўзимга.

Асаримни “Гулхан” журнаliga жўнатдим. Жавоб хатида: “Асарингиз бизга маълум, лекин бизга бахтли келажақ образи керак. Қуйидаги мавзуларни қоралаб беришингизни хоҳлардик. Қримдаги Артек лагерида дам олаётган бахтли сафдошларингизни образи керак. Ёш қаҳрамон пионер Павлик Морозов образи. Шул вазифани бажарсангиз, бизнинг журналимиз зарварақлари сиздек қобилиятли ёш мусаввирга мунтазир”, деган сўзлар битилган эди.

Қори аканинг УзГиз китоб дўконидан кўп фойда олдим. Гўёки дунё кездим. Америка ҳиндуларидан Ўткир кўзни танидим. Навоийнинг Мажнунини, Ойбекнинг Йўлчисини, Қодирийнинг Отабегини танидим. Пушкиннинг “Дубровский”, “Капитан қизи” асарларини ўқидим. Гарчи шоир бўлса ҳам, Пушкин ушбу қиссаларни боплаб ёзган. Мароқ ила ўқидим. Фақат “Капитан қизи”нинг бир жойига тушунмадим.


Асар қаҳрамонининг севгилисидан айбсиз Гринёвнинг ёнини олиб, нажот сўраб Петербургда – саройгача боради. Малика билан учрашиб илтимосини ҳаяжон ила, аммо собит, вазим оҳангда тушунтиради. Малика... ёрдам беради.

Шу вақтгача мактабда подшо, маликалар қораланиб, жоҳил, меҳрсиз инсон деб ўқтирилди, бу асарда эса ёзувчи ижобий қаҳрамон сифатида тасвирлабди.

Жавоб излаб адабиёт ўқитувчимиз Лидия Степановнага мурожаат этдим. Ул зот қисқа қилиб “голову не морочь!” (“Бошимни қотирма!”) деди-қўйди.

Шундай қилиб, савол савил қолди.

Давоми келгуси сонда



НАЗМ



Азим СУЮН

1948 йилда туғилган. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. "Менинг осмоним", "Зарб", "Замин тақдири", "Хайлот", "Зиё йўли", "Жавзо", "Олис тонлар", "Куйганим-суйганим", "Сарбадорлар", "Қора кўзинг сенинг", "Ўзлик", "Шарқ ҳикмати", "Эй, дўст", "Ватан фасллари", "Муҳаббат ҳайратлари" китоблари нашир этилган.

ИЙРОҚЛАРДАН ШОҒЛАР ЖИМИРЛАБ БОҚАР

Соғинч

*Қиш чўзилиб кетди.
Зерикдим жуда.
Соғиндим кўкламни, сўлгиндир руҳим.
Дераза ёнига
бориб беҳуда
Қор суқунатига тикиламан жим.*

*Чинорлар тек қотган,
тик қотган терак.
Арчалар шохини эгган оқ залвор.
Ҳовузча муз қотган.
Менда муз юрак.
Руҳсиз шивирлайман: "Қайдасиз, баҳор?.."*

*Баҳор келсин, келсин,
кетгум тоғларга,
Чарчоқ ҳаётимни кетгумдир ташлаб.
Юзларимни ювгум
оқ булоқларга,
Унда ўтирмайман кўзимни ёшлаб.*

Қиш чўзилиб кетди...

Гужум остида

Гужум ости лойсуна,
ёзилган гулдор кигиз,
гурунглашар устида
ўтиришиб бир тўп қиз.

Орзулар инжа-инжа,
кўзларда сувратланар,
дил тубидаги сўзлар
тилларда куртакланар.

Ёнда паҳса деворлар,
улар оша тирмашиб,
қовоқлар гуллаб ётар
ошиқлардек чирмашиб.

Офтобнинг иғулалари
гулларида ўйнайди,
қизларнинг нигоҳлари
қараб-қараб тўймайди.

Фақат улар биттаси
кўшилмайди гуруннга,
кўлрўмолча тикади
ҳеч ким билмайди, кимга.

Нега гапирмайсан дер,
бунча писмиқ бўлмаса,
ҳой, қизлар қитиқлаймиз,
агар сирин айтмаса.

Шаддод қизлар, иғў қизлар,
қитиқлаб кетар уни.
Писмиқ қиз астагина
айтиб кўяр сирини.

Гужум ости лойсуна,
ёзилган гулдор кигиз,
бирдан жиддий тортади
ўтиришган гала қиз...

Самовий

Самовий жисмлардан
сақламоқ бўлиб ерни,
Кўкка қанча олимлар
тикмишидир нигоҳларин.

О, балли, балли! Фақат
унутмасинлар, гоҳи –
ер томон ҳам қаратиб
турсинлар нигоҳларин...

Кимдан?

Кимдан вафо топдим,
дўст-ёронданми,
Юрагим ўғриси – ёримданми ё?
Бугдой дониданми
ё сомониданми,
Билмайман, ўзинг айт, эй, маккор
дунё?..

Шафақ

Товуснинг нар-патлари,
Қирғовул қанотлари,
Елтиғич қат-қатлари,
Шом шафағида жам.

Қир-адир чечаклари,
Гулбоғ капалаклари,
Чашма ниначилари,
Шом шафағида жам.

Кузги зардолзорим,
Самарқандий гулзорим,
Қонталаш – юрак зорим,
Шом шафағида жам.

Тоглар

Саҳролардан, боғлардан кечдим,
Бургут каби баландлаб учдим,
Чўққилардан чўққига кўчдим,
О, бунчалар гўзал бу тоғлар?!

Дараларга очиб кенг қучоқ,
Кўчоғида яйрадим узоқ,
Кўкида ой – чашма ярқироқ,
О, бунчалар гўзал бу тоғлар?!

Ҳаволарда ажиб-ажиб ҳол,
Наъматаклар қояда хушҳол,
Ранглар зилол, оҳанглар зилол,
О, бунчалар гўзал бу тоғлар?!

Какликлари билан эллашдим,
Туздоналар билан тиллашдим,
Андизлари билан сирлашдим,
О, бунчалар гўзал бу тоғлар?!

Булоқларда ювдим юзимни,
Ойдинлатди хира кўзимни,
Чарақлатди тун, кундузимни,
О, бунчалар гўзал бу тоғлар?!

Ёз чилласи

Елкадор адирлар...
 Қирқим қирлар... Даит...
 Офтобўт ҳовури ёйилиб оқар.
 Тоққа бораятман,
 отим ёяр тўши,
 Йироқлардан тоғлар жимирлаб боқар.

Бари олда ҳали...
 Жизилловуқлар
 "Жиз-з-жиз-з..."идан бошиқа бунда йўқ бир сас.
 Жизганак ётибди
 кўзиқулоқлар,
 Тўрғайлар томоғи булкилар, холос.

Тўп-тўп гулхайрилар
 гулқосасида
 Семиз говзанбирлар гимирлар... Учар...
 Юмронлар қайдандир
 пайдо гоҳида,
 Хаёлим чатнайди: "Қайдан сув ичар?.."

Қирларнинг тўшида
 сурув ётоғи
 Бир-бирин пинжсида кўйлар, эчкилар.
 Бир шохдор серканинг
 гоҳ кўнгирогои
 (Сўна чақдимикин) илкис жириглар.

Чу, жонвор, чанқам,
 ҳорима отим,
 Ана, кўринмоқда тарвуз пайкали.
 Йўлбарстус тарвузлар
 думалаб ётар,
 Юракка ўхшаркан улар барглари.

Оққуврай ўралган
 чайла ичида,
 Қарагил, кимлардир борга ўхшайди.
 Отимни бураман.
 бир чолу камтир
 мени кутиб олар... Шолча тўшайди.

Тарвуз келтиришар...
 Урунчоқ камтир
 чолига сўйинг деб қилади имо.
 Бир эртак сингари
 гурунг бошланур,
 Бутқул унут эрур ортдаги дунё...

Елкадор адирлар...
 Қирқим қирлар... Даит...



НАЗМ

Икром ИСКАНДАР

1972 йилда тугилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаган. “Бир даста гул”, “Баҳорни излайман”, “Бугунги нақллар”, “Ёмғирли фасл”, “Ҳангома ва нақллар”, “Яшил хиргойи” китоблари нашр этилган.



ШОНҲ ЧОҒИ ОЧИЛГАН КҶМҲШ ҒУНҶА

Гоҳи қуриаб қоронғи ўйлар,
гоҳ кўнгилини ёритиб нурлар,
оқаришган сомон йўлида
хасдай тўзиб борар умрлар.

Учраганга ҳатто қўл силкиб
қўймоқнинг ҳам топмай иложин,
не макону замонлар оша
ошиқади қайга бу очун?

Ёниб турган юлдузлар аро
тин билмасдан, билмам, қай сори
аравадай тортиб ер шарин,
елиб борар вақтнинг тулпори?..

Ё ака ёки ука
ёки тенг-тўшми бўлдим –
бир муддат уч азамат
теракка қўшини бўлдим.

Кўксиди ҳаво тўла,
адл эди бўйлари,
тун-кун бетин шивирда
акс этарди ўйлари.

Сўздан қайтиши йўқ, деб онт
ичган бўлса керак-да,
бир хил шивир-шивирга
содиқ эди тераклар.

Қушларнинг нагмасига
назар ҳам солмас эди,
на-да шамол аҳдидан
қайтара олмас эди.

Ҳатто багрин ўйса ҳам
ёмғирнинг найзалари,
асти йўлдан қайтмасди,
борарди орзу сари...

Баъзан турфа туйгулар
эзар экан юракни,
эсга оламан ногоҳ
уч азамат теракни.

Туни бўйи тин билмай томда
бир маршини машиқ қилади ёмғир,
билмам, қайга отланар тонгда?

Дарё айтар эди ирмоққа: Болам,
тўғри юр – денгиздай бахтга етасан,
бегона ерларга улоқиб кетма,
сахрода ўйнама, чўкиб кетасан.

Очилиб бу заррин гул қопқаси,
таралар хуш исли қаҳқаҳаси,
тонг била уйғонган нозин кўринг,
бонг ила уйғун бу созин кўринг –
булбулни куйлатган ҳам ўшадир,
кўнгилни суйлатган ҳам ўшадир –
ошкора этибман суйганимни,
ишқиди ўт-отаиш куйганимни,
кўзимни йўлида нақш этганим,
жонимни кўйида бахш этганим,
вале, бир дод-фигон этмаганим,
вале, бир васлига етмаганим,
дилимнинг қатига кўмганларим
суйлабман, сел бўлиб ўмганларим,
очилар қачон, деб, дарвозаси,
келар, деб, гунчадай овозаси –
дардимга малҳамдай эмиш шунча,
тонг чоғи очилган кумуши гунча.

Ташиши долгаланиб гоҳи денгиздай,
ўйинг қамраганда гарқ гулгуласи,
олисларда қолган болалик ёқда
милтиллаб кўринар умид шуъласи.

Хушимни олдимни нозу нагмаси,
дардимни айтганим унга нимаси,
қанча паривашу юзида оро,
қанча пардоз бўлса, шунча бепарво –
сенинг тоифангдан гул ҳам, чамаси.

Осмон тўлиб қушлар учар,
Чаман ичра гуллар рақси.
Куюш кўкдан салом йўллар,
Жилга узра нурлар баҳси.

Қайдин келур бунча севинч,
Бунча гўзал баҳор фасли?
Юрак шодлик ила тепар,
Насиб этмиш сенинг васлинг.

Ё кўнгил тинчидан тўйгану
Билмам, жафо чекмоқми истаб,
Юлмоқда яна ярасини?
Ё унга бургут қорасими,
Раҳна солаёттир олисдан –
Ў, қошига ўсма кўйган У?

Сен борсан. Мен учун шунинг ўзи бас.
Кафтимда турибди юрагим, мана –
қай тарафга юрмай яна ва яна
фақат сен томонни кўрсатар компас.


Мен буни дилимга солмадим атай,
билмам, изҳор қилиб бўлмас бу ҳисси
қандай изҳор этай, нима деб атай,
юрагимда эсган севги – шамолнинг
суратини қандай чизиб кўрсатай?!.

Куюш қамашмасин қароқларингдан,
тутилмасин қошинг қасдига қамар,
гулгун юзларингни кўриб гулларим
сўлмасин ўзин хор сезиб, бесамам.

Гузалларни раишқнинг ўтига солма,
уларнинг севисин асра, майлими,
қайсики ҳаётга андармон юрган
минг-минг Қайсни тагин Мажнун айлама.

Ошиқиб ошиқлар сонин оширма,
мени-да, бир мушқул савдога кўйма.
Чиқма, остонангдан бир қадам нари,
чиқма, оламини ҳам гавгога кўйма.

Кетдинг. Кетатуриб қайрилдинг, нега
тошдай жонсиз қотдим уйбу ҳолдан мен?
Ғижим рўмолингдай кафтингда турган
юрагимни ногоҳ кўриб қолдим мен...



НАСР

Мақсуда ЭРГАШЕВА

1951 йилда туғилган. Фаргона Давлат педагогика институтини тамомлаган. “Баҳорни ахтариб”, “Эзгу сўз”, “Дийримга кўзинг тегмасин” шеърый китоблари нашр этилган. 2013 йилда вафот этган.



АЛАНГА

Хотира роман*

Ўн саккиз фарзанд ҳикояти

Биз ғилдиракли улкан аравада чайқалиб-чайқалиб борардик. Арава аллақандай тўқ яшил олам кўйнидан чиқиб, кулранг ва қизғиш олам кўйнига шўнғиди. Чўққилари юксак ва ола-була хилқат бирдан қизғиш тусда порлай бошлади. Мовий осмон аро баркашдай олов ланғиллаб, оламни олтин шуълаларга белади.

Мен онамнинг иссиқ кучоғида, аллақандай ним қоронғилик ичида тебраниб бораман. Биз тушган араванинг кетига кўйми-эчкими боғланган. Қўқон араванинг баланд ғилдираклари айланган сари жонзот ҳам силкина-силкина кетиб боради. Ора-чора унинг мунгли, юмалоқ кўзларини илғаб қоламан. Қаердадир қизғиш ва чағир тошлар аро ўша жонзот ётқизилди. Унинг бўғзида узун ва ялтироқ асбоб порлаб кетди. Чағир тошлар устига тизиллаб қон сачради. Унинг бўғзидаги ялтироқ нарса ҳам қизил рангга бўялиб чиқди. Бу хотирот менинг мурғак тасаввуримга қаерда муҳрланиб қолган?

Мен ота-онамнинг ўн еттинчи фарзанди эдим. Уларнинг биринчи фарзандлари Тожали айни суйгунчак бўлганида, саккиз ойлигида қизамиқдан ўлган. Дадам унга орзу-ҳавас билан жуда кўп кийимлар, уйинчоқлар олиб берган экан. Бола ўлгач, онам унинг кийимларини бағрига босиб, ўйинчоқларини суйиб йиғлайвергани учун ҳам кейинги фарзандларига сира янги кийим олиб бермас экан...

“Мана бу тойчоқ – Тожалижоннинг тойчоғи, уни “хўппа” қилиб минади”, “Мана бу ўғилчамнинг тўнчаси, у боламга шундоқ ярашарди! Еқалари мундоқ турарди”, – дея тўнчасини кучоқлаб бўзлар эди.

Кейин яна бир ўғил туғилди. Бу бола ота-онасига йўлдош бўлсин, дея уни йўлдошали атадилар. Лекин уни ҳам бир ёшга етганда зотилжам “олиб кетди”. Учунчи ўғил Эргашалини “гулмомо”, яъни “чечак” касали урди. Ота-она эса, боламиз акаларига эргашиб кетди, бекор исмини Эргашали қўйган эканмиз, дея армон қилдилар. Уларнинг бормаган мазор-машойихи, қилмаган назру ниёзлари қолмади.

* Журнал варианты.

Отам мани, онам мани
 Машаққатлар билан боққан.
 Азиз бошим ниёз айлаб
 Мозорларга чироқ ёққан.

Бу кўшиқни мунгли овозда кўп хиргойи қилар эди Мастура олам. У гулчечакдек нафис тугилган бўлса-да, яшаб кетди. Исторабону йил аро фарзанд кўради, лекин тақдирнинг бир совуқ шамоли эсади-ю, чақалоқни комига тортиб кетади. Бири чала туғилади... бири туғилаётганда киндик ипига ўралиб қолади... Улар негадир олам юзини кўрибоқ ундан юз ўғирар эдилар. Уларнинг кўрган ўн бир фарзандларидан фақат биттаси – Мастурагина омон қолди.

Исторабону ўн иккинчи фарзандни ваҳима ва таҳлика аро кутарди. Ой куни яқинлашгач, қайнонаси Ойдинбувишнинг ёнига, ўгай қайнотаси Жўракулбобонинг уйига кетиб қолди. Унинг тахминича, ўз уйида бир бало бору ўша фарзандларини ютаётгандек. Файзиободда паҳлавондек қорамғиз чақалоқ туғилди. Ойдинбувиш момо тинмай чақалоққа парвона бўлади, айланиб-ўргилади. Унинг болани сақлаб қолиш учун қилган биринчи ирим-сирими – чақалоқни қирқ кун давомида онасига кўрсатмаслик бўлди. У келиннинг кўзини боғлаб қўйиб, болани эмиздиргач, уни нариги уйга қақариб кўяди. Унинг фикрича, Исторабону фарзанд йўқотавериш, “кўзи оч” бўлиб қолган, ўз боласига ўзининг суқи кириб болалари нобуд бўлмоқда. Бечора она кўшни хонадан чақалоқ “инга”сини орзиқиб кутади, ногоҳ овози чиқса, еру кўкка сиғмай севиниб кетади.

Ойдинбувиш момо болани тирик сақлаб қолиш учун яна бир ирим-сирим амалини бажарди. Бола етти кунлик бўлганда, етти дона кулча ёпди. Чақалоқни ва кулчаларни кўтариб, етти эшикка бош суқди.

- Ҳожархону Ҳожархон!
- Ҳув-в! – дея овоз беради, атрофига райҳон экилган супада чой ичиб ўтирган Ҳожархон.
- Турсунми-турсин?
- Вой, Турсунбой далага кетувди.
- Йўқ, қўлимдаги мана бу чақалоқ дунёда турсинми?
- Вой, айланай, Ойдиной, сизга Худо берибди-ку!

Турсуно-турсун,
 Кўчалари тўлсин.
 Чақалоқнинг исми
 “Турсунали” бўлсин.

Ҳожар момо шошганидан кавушини пойма-пой кийиб, бир парча мато олиб чиқади. Ойдинбувиш битта кулчани боланинг бошидан уч марта айлантириб, матога алмашади. Бу каби савол-жавоблари, “Турсунми-турсин” нидолари етти эшикда тақорланади. Етти кулчага алмаштирилган етти хил матони йғиб, Ойдинбувиш момо эшикдан кўшиқ айтиб киради:

Турсунали турсин,
 Кўчаларни тўлдириб юрсин!

Ойдинбувиш момо етти хил матодан Турсуналига тўнча тикиб беради. Бола уни етти ёшгача қияди. Қирқинчи куни Исторабонуга боланинг юзини кўрсатадилар. Ота хотини ва ўглини эшакаравага солиб, Оқбўйрага эсон-омон олиб келади.

Соҳиббахон ҳикояти

Улар Турсуналидан сўнг яна учта қиз кўрдилар. Сабохон тўққиз ойлик, Патилахон олти ойлик бўлганда, она бағрини ҳувуллатиб, сут тўла кўкракларини зирқиллатиб, у дунёга қўшчалардек “учдилар”. Ота-она Соҳиббахонни кафтларига қўйиб “пуфлаб” юриб, бир ярим ёшга эсон-омон етказиб олдилар, лекин...

Исторабону саҳар туриб сигирни соғди, ҳовли-ҳарамни тинчитди, сўнг далага йўл олди. Бошида беланчак асбоблари тугилган тугун, қўлида бола, елкасида кетмон.

Мастура бир халта бугдойни бошига қўйиб, уч қақирим наридаги Зилха қишлоғидаги тегирмонга йўл олади. Тегирмон гавжум. Қизалоққа навбат келгунча кун оғади. Айримлар бироз бугдойга бир бурда нон алмаштириб ейдилар. Тегирмончининг хотини бугдойга алмаштиш учун ҳар куни бир сават нон ёпиб олиб чиқади. Мастура, бугдой камайиб қолмасин, дея бундай қилмайди. Кечга томон бир сиқим унни халтага тугиб,

оч-наҳор ҳолда уйга келади. Айвонга ёнбошлаган қари тутдан тўйиб-тўйиб ейди. Кейин хамир қориб, ота-онасига чавати нон пиширади. Ундаги сабр-қаноат ва иймон шунчалик кучли эдики, ота-онаси даладан келгунча бир тишлам чаватини оғзига солгани Худодан кўрқади. Фақат арзанда укаси Турсуналига бир бурда чавати беради. Ука эса бу нонга тўймай, орасини бўралаб сўкиб, тошбўрон-кесакбўрон қилади.

Исторабону кўёш чиқмай туриб далага етиб олди. Тугундан узун аргамчи олиб, икки тол оралиғига боғлади. Мовика булоқ бўйидаги улкан толларга атайлаб беланчак боғлаш учун қозиқ-михлар қоқилган. Эски қолдан беланчак ясаб, икки томонига эри беҳи ёғочидан нақинкор қилиб ясаган уч қаричча келадиган беланчак ёғочини кистирди. Шу пайтда қамчисидан қон томиб "герой" бригадир Низом келиб қолди. У ҳамма аёлларни подадек ангор ичига ҳайдаб кетди. Кексагина Боғдавуш хола бувакларни беланчакка солиб, белидан маҳкам боғлади. Соҳиббахон ўзи тенги бир бола билан беланчак ёғочини ушлаб, оёқ остида эмаклаб юрарди. Унинг пешонасига тушган гажаклари жуда ярашган, чуқур кулгичларини ўйнатганча, шеригига қараб қиқирлаб кулади. Боғда хола кичикларни ўз беланчакларига жойлағач, навбат "эмакловчи"ларга келди. Бу вақтда Соҳиббахон эмаклаганча ҳовуз лабига келиб қолганди. Ҳовуз ичида гужгон ўйнаётган билакдек-билақдек балиқларга бироз қараб турди. Кулгичларини ўйнатиб яна кулди ва чапак чалди. Бу вақтда нақ ҳовузнинг лабида ўтирар эди. У яна бир ҳаракат қилиб балиқларга қарамоқчи бўлганди, шўлп этиб ҳовузга тушиб кетди. Аввал билқ-билқ этиб пуфакчалар чиқиб турди. Кейин қизил кўйлақчаси елкандек шишиб, сув юзига қалқиб чиқди. Болаларнинг вағир-вуғури ичида Боғда хола сувнинг шалоплаганини ҳам эшитмаган эди. У қараса, Соҳибанинг беланчаги бўш... У ҳамма ёқни изиллаб қидирди. Бирдан юраги ҳаприқиб кетди-да, ҳовуз бўйига келди. Ҳовузда аввал ям-яшил новдалари солланиб турган толларнинг ва четида очилиб турган сафсар гулларнинг акси кўринди. Эътиборини сув юзидеа шишиб турган қизил мато тортиди. У югуриб бориб, ўчоқ бошидан илмоқли ёғоч топиб келди, кўйлақни ёғочга илиб, ўзига тортиди.

Боғда хола дала четига югуриб бориб, тиззаларига шапатилаганча:

– Истора-ю Истора! Боланг ўлди, Истора, уйинг куйди, Истора-а! – дея қичқира бошлади. У сув ичидан боланинг жасадини тортиб олгандаёқ, эсидан оғиб бўлганди.

Соҳибанинг бўйнига ва билакларига сариқ-яшил ширмонмунчоқларга аралаш кўзмунчоқ тақиб қўйган эди онаси. У тугунчасида кичкинагина доирача олиб келар, тушлик пайтида доирачани чалиб Соҳибани ўйинга соларди. Қизча ўтирган жойида мунчоқларини шикирлатиб, жажжи бармоқчаларини ўйнатиб, "ялли-ялли"га ўйинга тушарди. Исторабону чилдирмачани олди-да, ухлаётгандек кулимсиб ётган Соҳиббахоннинг бошида мотам қўшигини бошлади:

Ўлим деганлари ўт экан,
Юрак-бағирларга тушган қурт экан.
Ўзинг кетдинг тўтига-я, вой болам,
Мени қўйдинг ўтинга-я, вой болам.

Сани дунёга келтирмай
Отанг ўлсин, вой болам.
Сани калхатга олдирмай
Онанг ўлсин, вой болам.

Доирачани даранглатиб юриб, сақраб-сақраб йиғлаётган онанинг ҳолини кўрганлар, ақлдан озди, дея ўйлашар эди. У айвондаги сўрида сочларини ёзиб ўтириб "ювғичи" аёлга ялинади:

– Соҳиббахоннинг кўзмунчоқларини ечмай кафанга ўранглар-а! Боламга у дунёда фаришталарнинг ҳам суқи кирмасин!..

Шоҳимардон сафари ҳикояти

Соҳиббахондан сўнг Исторабону яна бир ўғил кўрди. Унга ўзидан ўн ёш катта акаси Турсуналига қофиялаб Турғунали деб исм бердилар. Чиллақдек чиллашир бу боланинг яшаб кетишига ҳеч ким ишонмас эди. Икки ўғил орасидаги ўн йил ичида ота-она не кунларни кўришмади. Йил ора она қурсоғида ҳомила, ота юрағида эса бола йўқотмоқлик ваҳми турарди. Қаҳратон қиш кунларида болани бешикка беламай, отасининг қорнига йўрғаклаб ётқизадилар, отанинг ҳарорати болага уриб турсин, дея. Дадасининг тана ҳароратидан бахра олиб, Турғунали эсон-омон қишдан чиқиб олди ва бир ёшга тўлди. Илк бор сочини олаётганларида Шоҳимардон пиримга атаб "кокил" қолдирдилар. Энди

ўша “кокил”ни Шоҳимардонга бориб, жонлиқ сўйиб, кестириб келиш керак эди. Бола эса беш ёшга кирса ҳам, ҳали юриб кетолмаган, нимжон, озгинлигича қолмоқда. Ингичка бўйни устидаги соққа бош худди чўпга суқилган картошкага ўхшар, лекин худди дадасининг ёшлигидек қорақош-қорақўз, суомли болача эди. Уни қандай даволашни билолмай, гоҳ бедананинг тухумини пишириб беришадди, гоҳ оёғига илик ёғи суришадди. Ваҳоланки, ундан кейин туғилган ўн еттинчи фарзандлари (ўшбу сатрлар муаллифи) аллақачон бир ёшга етмаёқ югургилаб кетганди. Балки, унга Шоҳимардонга атаб қўйилган кокил “оғирлик” қилаётгандир... Бир амаллаб қўй ҳам тоғдилар, арава ҳам. Энди Шоҳимардонга жўнаймиз, деб турганларида совчилар эшик қоқиб келишди.

Ҳикоятларимизнинг аввалроғида “Қорақўз” от воқеасида танишганимиз Бувобекнинг ўғли Турдибек эсингиздадир. Унинг қизи Ҳамробиви Марғилонга, “Ўрдатаги”нинг қоқ ўртасига келин бўлиб тушганди. Унинг Муҳаммадхон ва Рўзиматбой исмли ўғиллари, Тожиҳон ва Орифаҳон деган қизлари бўлган. Мастураҳонга ана шу Муҳаммадхоннинг ўғлидан совчилар келган эди. Унга энг аввал куёвнинг опаси Маҳфузахоннинг ишқи тушди. Уша пайтларда ҳамма шаҳарлик аёллар “ё ўқисин, ё ишласин” деган фармон ҳукумат томонидан бўлганди. Маҳфузахон ҳам ипак фабрикасига ишга кирган. Ишчилар пахта теримига сафарбар этилгач, унинг эри Раҳматхон пахтага юбормай, қишлоқдаги холаси Зебунисо отининг уйига яшириб, ташлаб кетди. Мастураҳон у пайтларда чучмомадекина қиз бўлиб, кўзга кўриниб қолганди. Маҳфузахон қишлоқда зерикиб, ҳар куни пастак девор оша уни қақиради. Ёки ўзи чиқади. Икковлашиб рўмолча четларига гажим тўқишади, сочиққа гул тикишади. Мастураҳон хулқию хусни унга шундай ёқиб қолдики, шаҳарга қайтгач, холаваччасининг қизига совчи юборади. Улар она томондан ҳам қариндош бўлиб, Маҳфузахоннинг онаси Хайринисо Хуринисо оиймининг набираси бўлар эди. Хайринисо йигирма саккиз ёшда вафот этиб, Маҳфуза саккиз ёшда, Аминжон беш ёшда, кичик укалари Исоқжон икки ёшда етим қолган эдилар.

Тор кўчадан тугун-тоғора кўтариб келган Ҳалимаҳон ая бошлиқ совчилар кичкина ҳовлини чиннидек ярақлатиб, онасининг орқасидан энди далага бормоқчи бўлиб турган Мастураҳонга дуч келишди. У совчилар билан кўришгач, нима қилишни билмай қолди. Гулдек юзлари ёниб, рангдан-рангга кирди. Тиззасига урган кокилларини силкитганича, Зебунисо момосиникига қочиб қолди. Бир зумда кўни-қўшнилари йиғилди. Даладан ота-онани ҳам топиб келишди. Хуллас, марғилонлик совчиларга “оқлик” бериб юбордилар. Бу унаштирув хабари эртасига бутун қишлоққа ёйилди. Унаштирувдан бошлаб тўйгача бу оила бошига не балолар келмади, дейсиз. Бу ҳақида ҳали кўп ҳикояларимиз бор...

Тўй ўтгач, Турғуналининг кокилини кестиришга навбат келди. Дадам аравани миниб, онам мени, Мастура олам Турғун акамни кучоғига солиб, бир қўйни арава орқасига боғлаб, Шоҳимардонга йўл олдилар. Ҳозир Шоҳимардонга, нари борса, икки соатда етиб борилади. Улар аравада нақ тўрт кун деганда етиб бордилар. Уша ҳикоямиз бошида айтганим тўқ яшил олам, ола-була тоғлар Шоҳимардон йўллари бўлиб, мен ҳис этган ним қоронғилик эса чимматнинг ичи экан. Мен онамнинг кучоғида, чиммат ичида узоқ юрганим туфайли олам кўзимга нимқоронғилиқдан иборат бўлиб кўринган. Қурбонлик қўйнинг бўғзига ялтираган пичоқ... чағир-қизғиш тошларга тизиллаб сачраган қон... Бу — мен ҳаётимда илк бор кўрган “жон олиш” маросими эди.

Буни кейинчалик Мастура опамдан сўраб билиб олдим. Унинг тўйи ва Аминжон поччамнинг ҳарбийга кетган йилларидан ҳисобласам, бу воқеалар 1952-1953 йилларга тўғри келади. Демак, мен ўшанда бир ярим ёшда эканман.

“Ҳоҳладим”дан ўтиш ҳикояти

Урушдан кейинги оғир йиллар. Қишлоқда ишчи кучи етишмайди. Техника йўқ ҳисоби. Қолхозда иккитагина темир гилдиракли трактор бўлиб, унинг тешадек темир тишлари юрган йўлини ўйиб кетади. У тракторларни Симда ўқиб келган Сиддиқ тоға билан Олим тоға бошқаради. Фарғона шаҳри ўша вақтларда “Искобил” ёки “Сим” деб юритилган. У тракторларнинг бири баланд, нақшинкор мачит ичига ўрнатилган “ўттегирмон”ни юргизади. Қишлоқда ҳамма нарса йўқ бўлиши мумкин, лекин тегирмонсиз сира мумкин эмас. Сув кам бўлиб, “сувттегирмон”лар ишламай қолса, “ўттегирмон”да бўғдой тортилади. Дадам ҳам бир қанча вақт ўттегирмонда ишлаган. Унга ҳар куни иккита нон олиб бораман. У менга бир сўмлик сариқ пул беради:

— Оққанд олиб энг-а, буви, укангизга ҳам олиб боринг.

Бир сўмга етти дона оққанд келади. Уни сувга ботириб, маза қилиб шимиб ейман. Укамга жуда қолса, бир-икки дона оққанд олиб бораман. Баланд мачитнинг гулкор шифтлари оппоқ ун чангига ботиб ётади. Дадамнинг дўпписидан тортиб қошу киприкларигача оппоқ — қорбогага айланиб қолган. Кейин ўттегирмонни юргизадиган трактор Олим тоғага берилди.

Мастураҳоннинг Марғилонга узатилаётгани хабари раиснинг тепа сочини тикка қилиб юборди. Ахир, бу дегани – битта ишчи кучини йўқотиш дегани. Шунинг учун қишлоқдан ҳеч бир қиз ташқарига узатилмас эди. Бу ёзилмаган қонун эди гўё. Айниқса, Мастураҳонга ўхшаган салт-сувай қиз-жувонлар Фарғона каналидан чўл томонга қайиқда олиб ўтилар, ҳафталаб у ерда ётиб ишлар эдилар. Зеро, колхознинг номи бекорга “Қаҳрамон” деб аталмаган. Канал ортидаги бўз ерларни ўзлаштирган бир эмас, учта “Меҳнат қаҳрамони” етишиб чиққан. Колхознинг номи ҳам ўша “олтмиш центнерчи” қаҳрамонлар шарафига қўйилган. Бир гектардан олтмиш центнер пахта олиш, аслида, афсона. Чўлдаги бепоян ерларга истаганча пахта экиб, одамларни истаганча ҳўрлаб ишлатиб етиштирилган бу “олтмиш центнер” ҳосил. Ўн гектарга экилган пахтани бир гектар деб қоғозга ёзар эканлар улар, дадамнинг айтишича. “Кўшиб ёзиш” деган иллат ўша даврлардан бошлаб илдиз ота бошлаган эди. Қишлоқда қолган колхозчилар эса кундузлари далада ишлаб, кечалари “ҳашарга” ҳайдаб кетилади. Колхоз идораси, ферма биноси ва катта клуб биноси, “қаҳрамон” бригадирларнинг дабдабали дала шийпонлари кечалари гишт қуйиб, лой тепкилаган колхозчилар меҳнати туфайли бино қилинган.

Ноябрнинг охири, декабрнинг бошларида далада кўсақлар очилмай, музлаб қолади. Колхозчилар кундузи далада кўсақ узсалар, кечаси колхоз клубида кўсақ чувийдилар. Барча бригадаларга узилган кўсақлар араваларда колхоз идораси олдидаги майдонга келтириб тўкилади. Кечаси кўсақ चुвиб, пахтасини топшириб нормасини бажарганларгина уйига кетиши мумкин. Бўлмаса, эрталаб тўғри шу ердан далага ҳайдалади. Одамлар уйларида, сандалда ўтириб биров исиниш ва мизғиб олиш учун ўлиб-тирилиб бола-чақалари билан кўсақ чувийдилар. Раҳбарлар эса навбат билан уларнинг тепасида туриб, озроқ пахта чувиганларни ёки ухлаб қолганларни ҳақоратлаб турадилар.

Шундай кунларнинг бирида Мастураҳон кўлида кўсақ билан ўтирган кўйи ухлаб қолди. Буни кўрган бригадир (исмини ёзмадим, оқ-сарик киши бўлгани учун лақаби “оқ ит” эди. Яна бир зolimнинг лақаби эса “қора ит” эди. Одамлар “оқ ит, қора ит – барибир, ит” дер эдилар) унинг кўлидаги кўсақни олиб, ёниб турган гугурт чўпини ушлатиб қўйди. Чўп ёниб бориб қизнинг кўлини куйдирди. Уйкудаги бечора қиз бирдан фарёд солиб, ҳушидан кетди. Уни кўсақ ташийдиган аравада уйига ташлаб кетдилар. Шундан кейин отаси уни оммавий кўсақ चुвишга чиқармай қўйди. Марғилондан келган совчилар уни шундай оғир меҳнат ва зулмдан озод қилгучи “нажот фаришталари” эди.

Совчилар хабарини эшитган раис Сиддиқ тоғани идорага қақиртирди. Бу хабардан олдида кўйилган бир коса пиёва ҳам томоғидан ўтмай қолди. Идорага ҳеч ким бесабаб қақирилмас, фақат “гуноҳдор”ларгина қақирлиб жазоланар, ўлғудай калтакланиб, чалажон ҳолда уйига ташлаб кетилар эди.

Улкан толлар соя солган идора олдида яна бешта йигит турарди.

– Сиддиқ тоға, сизни ҳам раис қақиртирибдими? – сўради баланд бўйли хумбош йигит.

– Ҳа, шундай, сизларни-чи?

– Қандай “гуноҳимиз” борлигини билмадик. Бизни ҳам қақирибди, ишқилиб, Бўқоннинг қўлига тушмасак бўлди.

Раиснинг “гуноҳдор”ларни калтакловчи бир азамат одами бўлиб, уни “бўқон” лақаби билан сийлашар эди.

Улар бирин-кетин идорага кириб келишганда, раис ҳўмрайиб турар эди. Девор ёнида қатор қорсилар турган бўлса-да, ҳеч ким ўтирмади, тўғрироқ, ўтиришга тақлиф этилмади. Ҳалиги бешовлон йигит тракторчи тоғага қандай алоқалари борлигини биллолмай ҳайрон эдилар. Айниқса, паст бўйли, бир елкаси доимо осилиб турувчи Сайфи дудуқ қалт-қалт титрайди.

Раис столга ўтириб, бир силкиниб қўйди-да, тоғага қараб:

– Гап шу! Қизингни марғилонлик куёвдан ажратасан. Мана шу бешов йигитдан хоҳлаганингни куёвликка танла!

Томдан тараша тушгандек бу буйруқдан Сиддиқ тоға тошдек қотди. Ҳалиги бешов бўз йигитлар эса, “қиз қай биримизга насиб этаркан?”, дея кўзлари йилтилғай бошлади. Раис сўзи ҳукм эканлигини улар жуда яхши билишарди. Кийимлари қорамойдан ялтираб кетган Сиддиқ тоға нима дейишини билмай, яғир дўпписини олиб қоқди, яна кийди...

Гўё бу ҳаракат билан биров дадилланди.

– Ҳўш, нима дейсан, ҳўкиз? – раис бу орада столни айланиб ўтиб, унинг кўксига нуқиди. Шундоқ тумшугининг тагида хезланиб турган раиснинг юзига эмас, хол-хол гулли галстук таққан ялтирибдош доҳийнинг суратига қаради. У бу одамни барчани баробар камбағал қилгани учун эмас, ҳаммани Худосиз қилгани учун ёмон кўрар, бу жуда катта дажвол, дея атарди уни.

Ўқувчи болалар:

Ленин бобомлар,

Менинг бобомлар, – дея ашула айтишганда, “Ленинга қайси знангни бергансан, у сенга бобо бўлсин?” – дея гудраниб қўярди у. Ниҳоят, кўзини дохий суратидан узиб, раисга тик боқди. Унинг қалбида бир арслон уйғонганди ҳозир.

– Йўқ, ажратмайман. Фотиҳа – Худонинг мухри, мен уни бузолмайман.

– Хоҳ-қо-о! Тилинг марғилонликка қуда бўлиб, узайиб қолибди-да! Менинг сўзим-чи, у муҳр эмасми? Менинг гапим ерда қолаверадими? Энди шу қишлоқда қандай яшашни ўйлаяпсанми, сен ҳўкиз?

Раиснинг бу гапидан қўрққулик эди. У истаса, уйига “сурма” тракторни солиб сурдириб ташлаб, ўрнига пахта экиши ҳам мумкин эди.

Сиддиқ тоға яна ягир дўпписини қоқиб кийди-да:

– Мен ҳўкиз эмасман, сиз ҳам Худо эмассиз. Қўлингиздан келганини қилинг!

Эшик қарсиллаб ёпилганда ҳалиги беш йигитнинг ранги бирдек оқариб кетди. “Энди тоға ўлди!” – деб ўйлашди улар.

Тоға ўлмади. Лекин ўлимдан ҳам баттар кунларга қолди. Энг биринчи жазо шу бўлдики, кечаси трактор ҳайдаётган ерига Бўқонни юбориб, оғзидан қон келгунча сава-латди. Бўқон ҳар телганида:

– Энди қизингни ажратасанми? – деб сўрайди.

– Йўқ, – деб жавоб беради у қон туфлаб.

“Ушанда қандай тирик қолганимга ўзим ҳам ҳайронман”, – дер эди у кейинчалик ўша воқеаларни эслаб.

Кечаси билан ухламай, отаси Мирзакаримбойни қўрбошилар тунда олиб кетишганини, тонгда унинг қонга ботган жонсиз танасини олиб келганларини эслаб ваҳимага тушган Исторабону саҳар вақти дарвозани очиб, оғзида қон қотиб қолган чалажон эрини кўрди. Уни раиснинг шотирлари аравада олиб келиб, дарвоза тагига ташлаб кетишганди. “Худоё, сизни шу кўйга солганлар ҳам оғзидан қон келиб ўлсин!” – дея алам билан қақшади Исторабону.

Шу ўринда яна бироз чекиниш қилсам. Худонинг амри билан, уларнинг иккови ҳам кейинчалик церроз касалига учраб, қон туфлаб ўлдилар. Бўқон бемор ётганда дадам эл қатори бориб, ҳол-аҳолини сўраб турди. Лекин жанозасига бормади. Уша куни меникига келиб, ўғлим Умиджонни қучоқлаб ўтириб, юм-юм йиғлади:

– Қара-я, шундай одам ҳам ўлар экан-а? Кеча бориб кўрганымда, юзига кўнган пашшани ҳам қўролмай ётганди. Мана, энди Худонинг ёнига, қилмишлари учун жавоб бергани кетди.

– Жанозага бормадингиз, ҳеч бўлмаса, эртага фотиҳага борарсиз. Қўни-қўшни, маҳалла-қўй... ҳар қалай, тенгдош жўрангиз, – дедим мен.

– Йўқ, қизим, Шохимардонга айлангани кетяпман. Уч-тўрт кун туриб қайтаман, – дея Шохимардонга жўнаворди.

Сиддиқ тоға ўша “катта калтак” воқеасидан кейин бир ой ётиб тузалгач, қишлоқдан бош олиб чиқиб кетди. У бошқа шаҳарларда мардикорлик қилиб юрди. У уйга жуда кам келар, келганда ҳам тунда яширинча, болалар уйқудалигида келарди.

Аслини олганда, у колхозга жуда керакли одам эди. У кетгач, битта трактор бутунлай бўш қолди. Ҳеч ким бу “темир от”нинг тилини билиб юргиза олмади. Кейин раис шаҳарга одам юбориб, уни топдириб келди. Лекин бу, уни кечирди, дегани эмас эди. У хотини, қизи билан учовлашиб, тинмай далада меҳнат қилади, лекин уларга на бир чақа маош, на бир сиқим дон берилади. Ҳар ўн беш кунда кассир далага маош таркатгани келади. Исторабону ҳамма маош олиб бўлгунча умидвор бўлиб қараб туради.

– Опа, сизларнинг иш ҳақингизга “қизил қалам” тортилган, – дея кассир қоғозларини йиғиштиради. Иш ҳақи устидан “қизил қалам” тортиш ҳам жазонинг бир усули эди. Раҳбарларнинг бирортасига, хусусан, бригадир ёки раисга ёқмай қолган кишиларнинг иш ҳақи устидан қизил қалам тортилади. Йил охирида колхознинг даромади ҳисобидан одамларга озми-кўпми бугдой берилади. Сиддиқ тоғанинг оиласи “йиллик отчёт” ҳисобидан ҳам қуруқ “қизил қалам”га эга чиқади, холос.

Даладаги энг оғир ишлар ҳам Исторабону билан Мастурахонга буюрилади: “тинг” ерни чопиш, дейсизми, елкада гўнг ташиш, дейсизми... Агар тоғанинг трактори бирор ерда бузилиб қолса, яна қамчиланади. Хотини унинг қамчи изи тушган елкаларига кепак қиздириб босади. Шу туфайли тракторнинг бузилган қисмини қолга солиб, туман марказидаги МТСга, ўн беш чакиримга пиёда олиб боради. Тонггача тузатиб, бузилган мурвати ўз жойига қўйиб, тракторни юргизади.

Ишқилиб, не бўлса ҳам, фотиҳа бузилмади. Бу борада шаҳарлик қудалар пишиқ чиқиб қолишди. Келин-куёвни тўйдан аввалроқ “хоҳладим”дан, яъни ЗАГСдан ўтказиб қўймоқчи бўлишди. Агар келин-куёв бир-бирини “хоҳладим”, деса, давлат уларга қоғоз

ёзи берар эмиш, яъни никоҳ гувоҳномаси, шунда раис ҳам тўйга тўскинлик қилолмас экан. Хуллас, холаси Баҳринисо Мастураҳонни ясангириб, Олтиариққа “хоҳладим”га олиб кетди. Кечга томон ҳориб-толиб қайтиб келишди. Келиннинг ёши ЗАГСга етмабди. Шаҳарлик куда Муҳаммадхон тоға ЗАГС мудирасига бир кийимлик саккиз тепкилик атлас ва бир чорси pista-бодом, совға-салом қилиб олиб бориб, келиннинг ёшини тўғрилаб келди. Баҳринисо яна келинни “хоҳладим”га тайёрлади. Келин шўрлик кўрқанидан дағ-дағ титрайди.

– Мен у ерда нима дейман? Ҳозирдан эсимдан чиқиб қоляпти.

– Хоҳладим, дейсан, жувонмарг, мунча қалтирамасанг.

Ниҳоят, ЗАГС қирқилди. Никоҳ ҳужжати олинган, раиснинг дами ичига тушди. Лекин тўй қилиш учун келиннинг сепи тайёр эмасди. Қаердан ҳам бўлсин, йил давомиди бутун оила ишлаб, “шимилдирик”қа ҳам эга бўлмаганди. Исторабону кундузлари далада ишлаб, тунлари “Зингер” машинасида чеварлик қилиб, қизига сеп йўғади. У эски-туски матолардан мойчиқроққа пилик тикишдан тортиб, пахтали фуфайкагача, ёстиқ жилдларига атиргул тикишдан тортиб қирғизларнинг отига отёпқичгача тикар эди. Ёнгиналаридаги колхоз отхонасида бир неча қирғиз оилалари яшар, улар қачон ўғил тўйи қилсалар, от ясашиб, унга отёпқич тиктиришар эди. Исторабонуга қўйлагу камзул, кўрпаю тўшак тикиш ҳеч нарса эмасди. Лекин отёпқич тикиш жуда машаққатли иш. Катта қизил чойшабга турли қийқимлардан нақш тикиш учун у узоқ қиш кечаларида ухламай чиқарди. Сиддик тоға яна қишлоқдан чиқиб кетиб бирдикорлик қилиб, бироз пул топди.

Ниҳоят, “хоҳладим”дан кейин ярим йил ўтган, олтин ёзнинг ойдин оқшомларидан бирида тўй бўлди. Куёвнавкарлар қишлоққа изовша келдилар. Бу ҳали қишлоқда бўлмаган ҳодиса эди. Отаравнинг икки томонига оёқларини осилтириб олган қизлар ёр-ёр айтиб, Марғилон томон жўнадилар. Ўртада ўтирган келин отларнинг чилдирма садоларига мослаб қадам ташлаганларига ҳайрон эди.

“Куйган ёр” ҳикояти

Турсунали акам Доғистонга, ҳарбийга жўнаб кетгач, онам негадир ўзгариб қолди. Мен билан ҳам, акам билан ҳам сира иши йўқ. Фақат синглим Маҳбубани бағрига бошганча, устунга суяниб ўтириб, бир сўзни тўтидек такрорлайди:

– Энди нима қиламан? Энди нима қиламан-а?.. Энди нима қиламан?..

Менга яна онамни кучоқлаб, аввалгидек муаттар бўйини ҳидлаш истаги чидаб бўлмас хоҳиша айлиниб боради. Астагина, кўрқиб-писиб пинжига суқилсам:

– Тур, йўқол! – дея итариб юборади. Мен онамдан тирик туриб айрилиб қолганга ўхшар эдим. Онамнинг ёнгинасида туриб, уни чексиз азоб билан соғина бошладим. Ҳамма ўйинларимни тарк этиб, маъюсланиб қолдим.

Бир кун бошим қизиб, ҳаммаёғим қалтирай бошлади. Қизил лентачали резина кўғирчоғимни кучоқлаб, ёғоч сўри четига бориб ётдим. Назаримда, кўғирчоқ ҳам мендек совқотаётган, онаси кучоғини кўмсаётган эди. Оғзимдан олов чиқиб, устимга катта-катта тошлар қўлай бошлади. Онам рўпарамда укамни кучоқлаб, “энди нима қиламан”ни такрорлаб ўтиради. Менга парво ҳам қилмасди. Шу пайт онамнинг беҳуш кўзлари менга тушди. Қорачиқлари ичида қоп-қора аланга ловуллаб турарди. Аста ўрнидан туриб ёнимга келди, пешонамни ушлади.

– Вой, ёниб кетяпсан-ку! – дея кўғирчоғимни ҳам бирга кўтариб уйга олиб кирди. Яна онажонимнинг муаттар бўйини туйдим. Кучоғидаги меҳрдан, кўзларидаги сеҳрдан бошим айланди. Оҳ, касал бўлиш қандай яхши экан!!!

Акам ҳарбийга кетган дастлабки кунларда онам анча яхши эди. Доғистон деган юртдан келган акамнинг хатларини Турғун акам ҳижжалаб ўқиб берар, онам ҳам бир ой ичида рус алифбосини ўрганиб, “Доғистони қурсин ўшал, юрагимга доғ солди!” – дея хатлар ёза бошлаган эди. Лекин адоқсиз соғинч, қолаверса, олдинда турган ўч йиллик ҳарбий муддат уни ақлидан айира бошлаганди. Онам емайди, ичмайди... Ҳатто бизга овқат ҳам пиширмайди, нон ҳам ёпмайди. Дадам далага бормаса, сира илож йўқ. Биз учта гўдак дадам келгунча кўчага қараб, оч ўтираемиз. Энди дадам ишдан келгунча, Баҳринисо холам бизга қараб турадиган бўлди.

Раис ҳамон Мастура онамнинг Марғилонга узатилгани аламини олади. Дадамни оғир ишларга, узоқ ерларга юборади. Андижонда, “Куйган ёр” деган жойда тўғонми, ГЭСми қуриллаётган экан. Дадамни ўша ёққа ишга юбормоқчи бўлишди. Кейинчалик, бир гуруҳ ижодкорлар сафида Фарғона канали бўйлаб сафар қилиб, ўша Куйган ёр қишлоғини ўз кўзим билан кўрдим. Катта Фарғона канали ўша ердан бошланар экан.

– Она, – деди дадам Баҳринисо холамга. – Мен кетсам, Исторага бир бало бўлади. Қоринни қаранг-а, ўроқ билан тилиб-тилиб ташлабди. Ҳамма ўткир нарсаларни, пичоғу болталарни яшириб қўйгандим. Фақат ўроқ оғилда қолган экан.

Холам уйга кириб, суратдек бўлиб, фақат бир сўзни такрорлаб ётган онамнинг кўйлагини кўтарди. Унинг қорнида ҳар бири икки қаричдан келадиган бир неча чизик-яралар бор эди. Яралар бироз қотиб, худди жигарранг ип чокларидек узук-узук ҳолга келган эди. Чамаси, ўроқнинг учи билан қорнини ёрмоқчи бўлгану, чуқурроқ санчгани оғрик йўл бермаган.

– Куйган ёрга борманг, мен бу куйдирги хотинингиздан қўрқаман! – деди у алам ва изтироб билан.

– Ҳимматда ихтиёр бўлса, болаларни шу эсини еган хотинга ташлаб, бир қадам ташқарига чиқаримдими, опа? – дея пешонасига шapatiлаб, останага ўтириб қолди отам.

Февраль куёшининг совуқ ва аччиқ ёғдулари бу мискин хонадонга ҳам ёғила бошлади. Саҳарлаб саккиз чоғли идора ходимлари дадамни Куйган ёрга олиб кетгани келишиди.

– Хотиним касал, учта гўдакни ташлаб мен у ёққа боролмайман.

– Бораса-ан! – деди раис, – қани олдимга туш. Машина идора олдида кутиб турибди. Шу пайт уйдан онам отилиб чиқди. У бежо кўзларини раисга қадаб:

– Уни олиб кетмайсизлар! Боламни Доғистонга олиб кетганларинг ётмайдим, буни Куйган ёрга жўнатасизлар?! Вой-дод! Доғистондан доғ бўлиб, Куйган ёрдан куйдим-ку, вой-дод! Дод! – дея ерни муштлаб, бор овози билан қичқира бошлади. Онамнинг фарёдига девордан қўшнилар мўралай бошлашди.

– Нега бормайди? У урушга эмас, ишга кетяпти. Бир ойда қайтиб келади.

– У кетса, мен болаларни боқолмайман.

– Нега боқолмайсан? Ҳамма кетяпти-ку!

Онам нима дейишини билмай, кўзлари яна бежоланди. Чамаси, у “боқолмайман” эмас, “болаларга қаролмайман” демоқчи эди. Бироз дудуқланиб:

– У-уйда у-ун йў-ўқ! – деди у ўтирганча ерга муштлаб. Биз останада мусичалардек мўлтираб, бу манзараларни ваҳима билан кузатиб турардик. Раис бир югурдагини юборди. Бир зумда бир қоп буғдой муҳайё бўлиб, онамнинг олдига гупиллаб тушди.

– Юр энди, олдимизга туш!

– Куйиб турибсизлар, мен кетсам, бу хотин бир бало бўлади.

– Ҳа, эрсиз бир кун яшолмайсанми, сен қанжиқ? – энди раис дадамни қўйиб, онамга юзланди.

Дадамнинг юзи бирдан бўзариб кетди. Онамга бир хўмрайиб қаради-да, шахдам қадамлар билан арбобларнинг олдига тушди. Онам югуриб бориб, дадамнинг қора чопонининг этагига осилиб, ўтириб олди:

– Кетмайсан! – деди у дадамни сенлаб. – Сен Куйган ёрга кетсанг, мен ҳам сени куйдириб, ўзимга ўт қўяман!

Дадамнинг соясига кўрпача солиб, бир кўлида қумғонда иссиқ сув, бир кўлида сочиқ билан кутиб оладиган сертавозе онамни бу ҳолда биринчи марта кўриб турар эдим.

– Юрсанг-чи, ҳезалак! Шу жинни хотиннинг чизигидан чиқа олмайсанми ё?

Дадам яна бўзарди. Онамнинг кўлидан пешини бир силтаб тортди-да, торкўчадан отилиб чиқиб кетди. Орқасига қайрилиб қараб ҳам қўймади. Онам юзтубан ерга йиқилди. Колхоз арбоблари бу можародан ҳингир-ҳингир қулганларича чиқиб кетишди.

Ўшанда февраль ойи бўлса-да, тутларнинг новдасида қатор-қатор куртаклар бўртиб, ён-атрофдаги боғларда ўриқлар алланечук қизаришиб қолганди. Зеро, бу пайтларда Орол ҳали қурмаган, унинг устидан ўтган булутлар кўкка ўрлаган сув буғларидан илиброк келар, эҳтимол, совуқ ҳаволар ҳам Орол устига келганда бошқа ёқларга бурилиб кетар эди.

Эрталаб мактабга боргим келмади. Кечаги воқеалар менга жуда ёмон таъсир қилган, худди дадам қайтиб келмайдигандек, онам ўлиб қоладигандек ичим гаш эди.

– Бор, мактабингга! – ўшқирди онам қандайдир бегона овоз билан.

– Бормайман-ан! – дея йиғлаб юбордим.

У урмоқчи бўлганди, торкўчага қочдим. Онам ортимдан китобларим солинган қизил халтани отиб юборди.

Мактабга боргач, ҳамма нарсани унутдим. Ҳисоб дарси эди. Қорага бўялган дарс-тахта ёнига мисол ечгани чиққандим. Уқитувчим нималарнидир ёзар, болалар мен ишлаган мисолларни кўчирмоқда эдилар. Бирдан синф эшиги қаттиқ-қаттиқ тақиллай бошлади. Уқитувчим чўчиб тушиб, эшикни очди. Ким биландир пичирлаб гаплашди. Қайтиб киргач, менга:

– Сен китоб-дафтарларингни йиғиштириб, уйингга бор, меҳмонлар келибди...

Устознинг кўзида қандайдир аянчли маъно бор эди. Бундан мен ҳам гашландим. Ташқарида Рисолат опам мени кутиб турарди.

– Вой, Мақсу-у! Онанг ўзига ўт ёқиб юборибди. Куйиб, кўмирга айланиб ётибди.

Күз олдимга кўмирга айланган онамнинг гавдаси келди. Кўзимга ёш келмас, оёқларимни ҳам қаерга қўяётганимни билмас эдим. Уйимиз тўс-тўполон. Ҳамма боғ ўртасида. Чамаси, онам эгнига керосин қуйиб, гугурт чаққану, кийимлари ёна бошлагач, боғ этагидаги зовурга сувга юрган. Махбубани сал олдинроқ: “Бор, кўчага чиқиб қарагин, даданг келяптими-кан?” – дея чиқариб юборган. У торкўчанинг бошига етгач, онасининг кийимлари ёниб, узумбоғ ўртасида югуриб кетаётганини кўрган. У чучук тили билан:

– Буйим қуйиб кетаяпти! – дея додлаган. Тилла момо югуриб чиқиб, осмонга ўрлаётган тутунни кўриб, кўчага чопган.

– Одам бўлсанг, келавер! Исторанинг уйи ёняпти!

У Махбубанинг “бувим ёняпти” деган сўзларини янглиш эшитган эди. Кўчадан ўтиб кетаётган икки эркак югуриб кириб, устига тўшак ташлаши билан аланга ўчган. Онам боғ ўртасида, устига тўшак ташланган ҳолда ётар, мен тасаввур этганимдек кўмирга айланмаган эди. Юзлари қип-қизариб кетган, кўзларининг қорачиғида аллақандай қоп-қора аланга ёнарди. Шу пайтда юзларини тирнаб қонатганча Бахринисо холам келиб қолди.

– Мурғак болаларингга раҳминг келмадим, нодон синглим!!! – дея тиззаларига муштар эди у. Онам холамга қараб хиёл кулди ва кўзларидан учқунлар сачратиб деди:

– Э-энди келдизми, опа?

Холам дадам Куйган ёрга кетиши билан бизникига келиб ётган, эрталаб уйдан хабар олиб, бизга нон олиб келишга кетган экан. Бахринисо холамнинг уйи бизникидан икки ҳовли нарида эди, холос. Чамаси, ярим соатгина қаровсиз қолган онам шу ҳолга тушибди.

Бир зумда онамни кўрпага ўраб, касалхонага олиб кетишди. Бахринисо холам у билан бирга кетди. Тўтинисо холам эса худди ўликка йиғлагандай, айтиб-айтиб йиғларди:

Қибладан келган шамолга
Рубарў бўлган, вой, укам.
Бемаҳал келган ажалга
Мубтало бўлган опанг куйсин, вой, укам...

Менга бу айтимлар жуда ёмон туюлди.

– Нега йиғлайсан, онам ҳали тирик-ку! – дея унинг сонларига муштлай бошладим.

– Вой, бу Луқмони Ҳакимни қаранглар, тўғри айтяпти, тирик одамга нега йиғлайсиз, ёмон шукурни бошлаб, Тўтинисо? – деди кимдир.

Ҳамма жим бўлиб қолди, ғала-ғовур босилди. Қуёш қип-қизил қон денгизига шўнғигандек, уфқ ичра йўқолди. Шохимардон томонлардан эса уюр-уюр қора булутлар бостириб кела бошлади. Бирданига момақалдирак гумбурлаб, катта-катта ёмғир томчилари ғамбода ҳовлининг ўчоқларига, тандир бошларига томчилай бошлади. Осмоннинг бу гулдур-гулдурларига торкўчадан соч ёзиб келаётган Бахринисо холамнинг фарёди қўшилди:

– Вой-до-д, мусулмонлар, Исторадан айрилиб қолдик!

Онамни олиб келиб, ёғоч қаравотга ётқиздилар. Биз болаларни Зебунисо отининг уйига киритиб қўйишди. Тонг сахарда йиғи-йўқлов овозларидан чўчиб уйғондим. Ажабки, бу овозлар ичида дадамнинг “Вой, гулим, гулимо-о, гулим”, – деган овози аниқ-тиниқ эшитиларди. Демак, у Куйган ёрдан қайтибди-да.

Оёғимга катта қалишни судраб, уйимизга чопдим. Ҳаммаёқ шалаббо, ҳамон ёмғир қўймоқда. Онам ётқизилган уй ичи тиззагача сув, бемалол ўрдак сузса бўлади. Бўйра ёпилган шифтдан ўтаётган чакка ташқаридаги ёмғирдан сира қолишмайди. Онамни оппоқ матога ўраб қўйишибди. Юзлари ҳам оппоқ, деярли оқ матодан ажратиб бўлмайди. Тингшаб қарагач, онамнинг юзини илғадиму, ура қочдим. У менинг онаммас, менинг онам бундай эмасди...

Ёмғир эса ёғаверди, ёғаверди... Шу ёққанча етти кун тинмади. Бу 1959 йилнинг феврал ёйи эди. Мен ҳали биринчи синфни тугатмагандим.

Онам қачондир бир қаричгина сочимни майдалаб ўриб, учини оқ ип билан тикиб қўйганди. Янги ўрилган сочларимни сиқимлаб:

Кунда тутам-тутам,
Ойда қулоч-қулоч,

Ўса қолгин, қора соч! – дея пастга қараб тортиб-тортиб қўйганди. Онамнинг “қирқ”и ўтгунча ҳеч кимнинг мен билан иши бўлмади. Ҳамма кичкина Махбубани қўлдан-қўлга олиб, овутиш билан овора эди. Сочим учидида оқ ип кирдан қора ипга айланди. Бошимга тангадай-тангадай яралар тошиб, сочларим патақдай бир-бирига киришиб кетди. Кечаси ётган ёстигим қон бўлиб қолганини Доғистондан қақриб олинган Турсун акам кўриб қолди. Мастура онам онам ўз кўллари билан ўрган сочларимни қирқиб ташлаб, бошимга солидоп суртиб, рўмол билан тангиб қўйди. Бошимга тушган бу яралар етимликнинг илк жароҳатлари эди. Ҳали бундай жароҳатлар қалбимни ҳам босиб кетишини ўшанда англаб етмагандим.

Ипак бозорида сотилган қизча ҳикояти

Онамнинг маросимлари ҳам ўтди. Бу маросимларга кетадиган барча харажатларни Аминжон поччам кўтарди. Ҳатто уйимизда меҳмонларга чой узатиш учун пиёла ҳам йўқ эди.

Ҳамма уй-уйига тарқалди. Мастура опам нима қилишини билмайди. Кетмай деса, у ёқда рўзгори, учта боласи... Кетай деса, бу ёқда дадаси, кичкина укалари қаровсиз қолади. У Марғилонга кетадиган куни бизни онамнинг мазорига олиб борди.

Қабристондаги қамишлар бўйим баробар ўсиб қолибди. Опам қабр тепасида куйиб-ёниб, айтиб-айтиб йиғлади:

Даладаги кўзичоқлар
Етакласам юрмайди-я, вой, бувим.
Сиздан қолган болалар
Етимликка кўнмайди-я, вой, бувим...

Мақсудахон, Маҳбубахон,
Булбул бўлиб сайрайди, вой, бувим.
Онажонимнинг уйларида
Бегоналар яйрайди-я, вой, бувим...

Онам десам ўхшайди, вой, бувим,
Танамда жоним қақшайди, вой, бувим.
Онажонимнинг ўлганлари
Рост бўлганга ўхшайди-я, вой, бувим...

Уйимизни хувуллатиб опам ҳам Марғилонга, оиласи бағрига кетди. Тириклик сабаб, дадам далага чиқ бошлади. Турғунали акамни Фарғонадаги мактаб-интернатга жойладилар. Уйда тўрт ёшли синглим иккимиз ёлғиз қоламиз. Онам Маҳбубани жуда яхши кўрар, ҳатто, ўша ақлу ҳушидан айрилган пайтларида ҳам уни сира кучогидан қўймасди. Чунки шу кенжа қизчаси туфайли жуда кўп азоб тортганди.

Қоп-қора ғажаклари пешонасига тушган, қошлари қайрилма, узун киприклари пастга қараганда лўппи юзчасининг деярли ярмини ёпади. Мунчоқ кўзларининг ичида худди онамникидек қора аланга ёнади. Барча кўргиликлар бола саккиз ойлик бўлгандан сўнг бошланди.

Дадам билан онам даладан шому ғарибонда қайтишади. Бири ўчоққа ўт ёқиб қозон осади, бири масаллиқ тайёрлайди. Турғун акам иккимиз пиширилажақ овқатдан умидвор бўлиб, илҳақлик билан термиламиз.

– Ол пиёзингни, тўғраб бўлдим.

Онам қозондаги қаймоқ куйиб кетмасин, дея шоша-пиша ташқарига йўналади. Укам онамнинг орқасидан қарамоқчи бўлиб, ўчоқ ёнидаги тахта супадан орқанчасига йиқилади. Унг оёғи қўймучидан чиқиб кетади. Бола туни билан қулундай қичқириб чиқади. Тонгда қарашса, боланинг оёқлари шишиб кетибди. Олиб бормаган табибу синиқчи, бахшию қушноч қолмади. Фарғонадаги касалхона дарвозаси олдида эр-хотин уч кун ётдилар. Ҳеч ким “итмисан-эшакмисан?” демади. Бир ўрис дўхтир болани кўрди, лекин касалхонага қабул қилмади.

Улар уйда биттагина “қозиқбоғи” бўлиб турган бузоқни сотдилар. Пулини белга туғиб, мени Турсун акамга ташлаб, шифо истаб чиқиб кетишди. Шу кетганларича, қирқ кун деганда озиб-тўзиб, қизчанинг оёғини саланглатиб, уйга кириб келишди. Улар боланинг дардига ҳеч ердан даво тополмаган эдилар.

Уша кунларни эс-эс биламан. Акам оқ эчкимизни соғиб, менга мажбурлаб ичирар, кейин Турғун акамга ташлаб, кун бўйи ўртоқлари билан ўйнаб юрарди. Кечки пайт чўзмаотар билан беш-олтита чумчуқ отиб келади. Чумчуқларнинг патини юлиб, чой-идишда сув қайнатади. Кейин олма гулли катта чинни чойнакка чумчуқларни босади. Туз солиб, устидан қайноқ сув қўяди. Чойнакнинг чумагига пахта тиқиб, ўчоқдаги кўрга кўмиб қўяди. Ушанда ичганим – чумчуқшўрванинг мазаси ҳамон оғзимда.

Маҳбуба юриб кетди. Лекин битта оёғи бироз калта бўлиб, оқсаб юрадиган бўлиб қолди. Онам эса унинг тирик қолганига шукур қилди.

Ана шу онасининг бағридан бир қарич ҳам узилмаган қизалоққа мен опачаси – она ўрнида бўлиб қолдим. Дадам сахар туриб чой қайнатади ва ўша олма гулли чойнакка чой дамлаб, чўққа кўмиб қўяди. Кейин эркалатиб мени уйғотади:

– Тўйинг, буви, соат саттиз яйим бўлди, мактабга кеч қоласиз, – дейди атайлаб менга тақлид қилиб тилини яссилаб.

Ноилж ўрнимдан тураман. Укамни уйғотиб, бирга чой ичамиз. Уни холамникига

ташлаб мактабга кетаман. Мактабдан келгач, уни холамникидан олиб келаман. Иккимиз кечгача ўйнаб овунамиз. Кеч кириши билан мени ваҳима босади. Ҳовлининг ҳар буржидан турли қиёфадаги ажиналар чиқаётгандек. Уйимизнинг ичига умуман қадам босолмаймиз, худди оқ кийимли онамнинг арвоҳи бордек. Тор кўча бошидаги супада дадамнинг ишдан қайтишни кутиб ўтираемиз. Дадам қоронги тушганда келиб, овқатга унайди. Овқат пишгунча биз ухлаб қоламиз. Дадам бошимизда ўтириб ялинади:

– Туринглар, она кизларим, овқат пишиди. Ширин кизларим, катон кизларим!

Мен “она қизим” деганига тушуаман-у, “катон қизим”га тушуолмайман. Бу сўзни умр бўйи эслаб юрдим ва охири Навоийдан топдим. “Катон” сўзи туркий тилда “танноз” деган маънони билдирар экан. Дадам биз ғариб қизчаларини, “танноз қизим”, дея эркататаркан.

Одатдагидек, кўча бошида дадамни кутиб ўтираемиз. Бир вақт олдимиздан бой қўшниларимизнинг қизлари ўтиб қолади. Уларнинг оёғида “Тоҳир-Зухра” кавушчалари ғарч-ғурч қилади. Биз даладан ҳориб-толиб келаётган дадамнинг елкаларига икки ёндан осилиб:

– Бизгаям “Тоҳир-Зухра” кавуш оберинг, – дея хархаша бошлаймиз.

“Тоҳир-Зухра” кавушча қанақа, дейсизми? Тусдек қоп-қора, ялтирайди, қарасангиз, юзингиз кўринади. Кавушчага яшил ипак билан бир-бирига қараб турган иккита кушнинг сурати тикилган. Кўзлари ва қанотларига пистон қадалган. Биз кавушча ишқида ёниб, дадамни ҳол-жонига қўймай турсак, Тилло момо қўчиб келади.

– Мунча, укажон, шу кичкина болаларнинг кўзини жавдиратиб кеч келмасангиз? Шомдан буён кўзлари йўлингизда нигорон-а?

– Нима қилай, опа? Бригадир Зайнаб очикни биласиз-ку! Куёш бутгунча ҳеч кимни пайкалдан чиқармайди. Этигимни судраб пиёда етиб келгунимга шу маҳал бўлди.

Зайнаб очик бутун туманга донги кетган “олтмиш центнерчи” бригадирлардан. Унинг “очик” лақаби остида минг хил маъно бор. Бунинг устига, у аёллардан чиққан ягона бригадир.

Эртаси кuni дадам ишга бормади.

– Қани, бувижонларим, туринглар, сизларга тилло кавушча олгани борамиз.

Биз бу сеҳрли сўзлардан дарров уйғондик. Ташқарида қуёш чарақлаб, бизнинг ғариб қулбамиздаги барча нарсада олтин шуълалар ярақлаб турарди. Айниқса, бу шуълалар укамнинг қора сочларида, лўппи юзларида ўзгача жилваланади. Уни бир зумда Баҳринисо холамникига ташлаб келдим. Дадам сандикни очиб, онамдан қолган “ғижимқосим” рўмонли буклаб-буклаб менга ўратди. Узидан ғўзалпўчоқ шаклида гул чиқариб тўқилган бу ипак рўмоннинг попуклари бўйим билан баробар.

Дадам қолни орқалаб, мен унинг тўнидан ушлаб йўлга тушдик. Ниҳоят, усти очик бир юк машинасига чиқдик. Мен шундоқ кабина орқасига тик туриб олдим. Шамол юзларимни силайди, рўмолимнинг узун попукларини учиради.

Мана, қадимий Марғилон. Айниқса, қўчалари ажойиб. Йўлнинг икки томонидаги дархтларга танда боғлаб, атласни гуловорлайдилар. Аввал атласнинг ҳар бир бандини алоҳида боғлаб, “абрбанд” қилинади. Абрбанд ўзига хос турли рангга бўялгач, унинг бандларини ечиб қуритилади.

Ранго-ранг ипак тортилган дархтлар...

Машина тезлиги туфайли атласнинг ранглари чаплашиб, йўл бўйлаб рангин нур дарёси оқаётгандек.

Мана бозор... Одамлар ғиж-ғиж. Дадам қора чопонининг пешини қайириб, белига ёстиқча қилди-да, мени орқасига кўтариб олди. Энди мен ҳаммадан баландда. Пастга қарасам, турли-туман эркак-аёл башаралар ўтмоқда. Ниҳоят, “Тоҳир-Зухра” кавушчага ҳам етишдик. Дадам яна алланарсалар харид қилди. Қоп тўлиб, энди менинг ўрнимга қолни орқалади. Мен йўқолиб қўлишдан қўрқиб дадамнинг пешидан маҳкам ушлаб олдим. Одамлар ўрмони аро туртина-суртина юра туриб, барибир, “йўқолиб қолдим”. Рўмолимнинг узун попуклари бир жуҳуд хотиннинг тугмаларига ўралиб қолди. Қўрқувдан тошдек қотдим. У вақтларда болалар орасида “жуҳудлар одам ейди”, – деган афсона юрарди. Семиз аёл менинг қўрқиб кетганимни кўриб, мулоиймига жилмайди-да, попукини тугмасидан ажрата бошлади. Унинг бир қўлтиғида товۇқ бўлгани учун анча фурсат ўтиб қолди. Унгача дадам одамлар ичига сингиб кетганди.

Мен додлаб йиғлай бошладим. Бошига катта оқ рўмол ёпинган аёл мени четроққа олиб чиқди:

– Йиғламанг, – деди у ифорли рўмолчаси билан юз-қўлларимни артиб. – Ҳо-озир дадангиз келиб қоладилар. Шу ерда мен билан кутиб туринг. Вой, айлиниб кетай сиздан! Мунча ширин экан-а, бу қиз?!

Марғилонча бу хуштакаллуфдан ва нафис овоздан эсим оғиб, йигини ҳам унутдим, юзига жавдираб қарай бошладим. У оқ рўмолининг икки четини бир қилиб тишлаб олган, фақат ўсма тортилган қошлари ва сурмали кўзларигина кўриниб турарди.

Паранжи ташланганига анча вақт бўлиб, ўзбек аёллари “очиққа” чиққан бўлсалар-да, маргилонлик мастура аёллар ана шундай юзларини яшириб юрар эдилар. Ноилож юпаниб, атрофга аланглай бошладим. Аёлнинг ипак кўллари кўлимнигина эмас, бутун вужудимни ҳам илтиби турарди. Шундоқ ёнгинамда қатор ўтирган аёллар олдида ранг-баранг ипаклар ёйилган: оқ, пушти, қизил, сариқ, яшил, гулнор... демак, бу ер ипак бозори экан-да. Четроқда бир пахмоқ соқолли қоп-қора киши ўтирибди. Унинг кучоғида икки ёшлар чамасидаги озгин бола. Олдида яна бир тўрт-беш ёшлардаги шўхтой болакай. У атрофга қизиқиб қарайди. Афтидан, ўзи кўраётган бу ажойиботлардан хурсанд эди. Унинг ёнида эса мендан бироз тикроқ қизча ҳам бўлиб, унинг кўйлаги жуда узун, этаги тўнидан икки қарич чиқиб турибди. Қизил докашол рўмолини бўйнидан ўтқазиб орқасига боғлаган. Унинг юзлари ярқирайди, ияклари янги чиққан ойга ўхшаган.

Пахмоқ соқол ҳар замон-ҳар замонда:

– Ҳой, мусулмонлар, ичингизда фарзандталаблар борми? Мана бу етимларни фарзанд қилиб олинглар! – деб кўяди.

Менинг кўлимдан тутиб турган аёл ҳалиги киши билан сўзлаша бошлади. Уларнинг суҳбатидан шуни англадимки, болаларнинг онаси худди менинг онам каби ўлиб қолибди. Яна тўртта каттароқлари уйда қолибди. Ота болаларни боқолмаётган эмиш. Уларни етимхонага топширади деса, у ерда болалар бутунлай “ўрис” бўлиб кетармиш. Ота уларни фарзандталабларга бериш учун бозорга олиб келибди.

Ҳалиги ҳимоячим бўлиб турган жувон билан бир кексароқ аёл келиб кўришди, менинг кимлигимни сўради.

– Қишлоқдан келишган, шекилли, дадасини йўқотиб қўйибди. Савобгарчиликка ушлаб турибман. Бола йўқотган одам, албатта, шу ерга келади.

Кейин ёнимиздаги пахмоқ соқолнинг ҳикоясини айтиб берди. Ҳалиги аёл болаларга бир зум қараб турди-да:

– Қизчаси ширингина экан, менинг Рашидахонимга ҳам мана шунақа дастёр керак эди. Бечора нақ ўн уч йил деганда ўғил кўрди. Уни боқишга ёлғизкўллик қилиб қийналяпти. Ҳеч бўлмаса, қақалоқнинг йўрақларини ювса қандай, супур-сидир қилса қандай! Болага пул-мул ҳам бериш керакмикан? – паст овозда сўради аёл. Уларнинг суҳбатини жон қулоғини тикиб тинглаётган пахмоқ соқол:

– Йўқ-йўқ! Етимчанинг бошини силасангиз бўлди, – дея гапга кўшилди. – Ҳа энди, бирор қоп унга етгулик пул берсангиз ҳам бўлади, аҳволларини кўриб турибсиз, – деди яна пастроқ овозда. Отангнинг боғу чорбоғи билан қолгунча, онангнинг пилта-савати билан қол, деганлари юр-да! Агар онаси тирик бўлганда, ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам тишида тишлаб юриб боқарди буларни.

– Ҳа, нимасини айтасиз, “аналик гул етим, оталик шум етим”, дейдилар-ку! – деди маҳсисининг кўнжидан анчагина пул олган аёл. Бир қисмини санаб, пахмоқ соқолга узатди. У “Кўйинг, кўйинг...” деб бироз тисарилиб турди-да, барибир, кўлини пулга узатди.

Ҳалиги аёл юзлари ярқираган, ияклари янги чиққан ойга ўхшаш қизчини етаклаб кета бошлади. Қизча орқасига қараб-қараб бироз юрди-да, шартта тўхтаб қолди. Холанинг кўлидан чиқиб орқасига қайтди. Олдин опачасини қайга кетаётганини билолмай турган шўхтой болани кучоқлади. Кейин ўтириб, пахмоқ соқолнинг кучоғидаги озгин болани ўпди. Юзини юзига қўйиб бир зум туриб қолди. Бола ижирғаниб йиғлади. У ўрнидан турди-да, пахмоқ соқолга термилиб қолди. У ўтирган кўйи кўлини узатиб, қизчанинг пешонасини силади-да, алланималар деб дуо қилди. Ҳалиги аёл қизчани етаклаб одамлар ичида йўқолди. Менинг чиройли аячам ифорли рўмолчаси билан кўзларини артаркан, аллақандай газалми, маталми, айтиб қолди.

Ўлимнинг элчиси келди,
Қочайлик боғу бўстонга.
Қочган билан қутулмайсан,
Томоша қил гўристонга.

Менинг назаримда, пахмоқ соқол “дада” эмас, онам айтиб берган эртақлардаги дев эди. Бирдан мени ваҳима босди: дадам ҳам укам иккимизни сотиб юборса-я! Яна ҳиқиллаб йиғлай бошладим. Шундай йиғладимки, ҳатто нафасим чиқмай қолди. Чиройли аячам яна мени айланиб-ўргилиб юпата бошлади:

– Анаву одамларга қараб туринг, агар йиғлайверсангиз, дадангиз ўтиб қолса, кўрмай қоласиз.

Мен дадамни кутишдан бошқа иложим йўқлигини тушундим ва умидвор бўлиб, ғужгон ўйнаётган одамларга қарай бошладим. Шу пайт қоп орқалаган дадамнинг юзи кўринди.

– Да-да-а-а! – чинқириб юбордим мен. У қопни ташлаб юбориб, мени бағрига босди. Кўзёшидан ҳўл бўлган соқоллари юзимга тегди. Дадам мени қоп устига ўтқазиб

яна орқалаб олди. Менга дадамнинг елкасига чиқишимга ёрдамлашган чиройли аячам орқамиздан хиноли бармоқларини силкитиб қолди. Унинг сурмали кўзлари қалбим тубига мангу муҳрланди.

Яна ҳаммадан баланддаман. Пастда эса турли-туман, эркак-аёл башаралар оқмоқда. Хотирамнинг олис бурчакларида эса ҳамон юзлари ярқираган, ияклари янги чиққан ойга ўхшаш қизчанинг тақдири ҳақидаги ўйлар симиллаб қалбимни оғритиб туради.

“Янги она” ҳикояти

Бир куни уйимизга бир қанча аёллар йиғилишди, турли-туман ош-овқатлар пиширилди. Шом пайти яна бир тўп меҳмонлар келишди. Онам ўлгач, гўристондек хувуллаб қолган уйимиз яна гавжум бўлиб қолгани мени кувонтирди.

- Онанг келди, – деди кимдир менга шипшиб.
- Тирилибдими?
- Ҳа, тирилибди.

Мен уйга отилдим. Бир уй хотинлар орасида, бурчақда бир аёл катта рўмол ёпишиб ўтирар, укам Маҳбуба эса унинг кучоғида, мунчоқ кўзлари севинчдан чарақлаб турарди. Аёлнинг юзлари худди онамникидек нурли, бўйи бастлари ҳам худди онамдек. Фақат овози бошқача, қандайдир хирқироқми-ей. Унинг исми ҳам бошқача, Сарвинисо экан.

– Тирилиб келдингизми?! – дедим елкаларига осилиб. Чунки онам айтган эртақларда ўлганлар ҳам тирилганини бир неча марта эшитган эдим.

- Ҳа, тирилиб келдим.
- Нега исмингиз Исторахон эмас?
- Менга фаришталар бошқа исм кўйдилар.

Биз онамизнинг исмини ўзгартирган фаришталардан бироз хафа бўлдик. Мен ҳам, синглим ҳам онамиз тирилиб келганига қаттиқ ишондик. Фақат Турғун акам ишонмади. Уни Турсун акам тўй куни онамнинг қабри устидан топиб келибди.

Янги онам келиб, уйимиз чароғон бўлиб кетди. Ош-овқатларимиз пишириғлиқ, ўрин-жойимиз тўшалган. Онам кийимларимизни ювиб, сочларимизни ўриб, қўшниларикини айтишича, “гулдек қиз” қилиб кўйибди. У бирор ёққа борса, бизни ҳам етаклаб олиб кетарди. Файзиободга етгунча онамизнинг икки ёнида сакраб, йўл четидаги ёввойи гуллардан териб, яйраб кетардик. Сарвинисо онамиз икки марта турмушга чиққан, туққан фарзандлари турмаган экан. У сира бизни сўкиб-силтамас, қушдек эркин эдик. Яна “Жамила життак”, “Райҳон пучук” каби ўйинларимизни бошлаб юбордик.

Янаги йилга Сарвинисо онамиз чақалоқ туғди. Бизга ҳамроҳ бўлсин, дея унга “Ҳамроҳон” дея исм кўйдилар. Дадам уни жуда кичкиналиги учун “Ҳамроча” деб суярар. Лекин бу севинчларим ҳам узоқ давом этмади. Мени Баҳринисо холам уйига олиб кетди. Онам ўлаётди: “Мақсудани сизга топширдим”, – дея васият қилган эмиш.

Баҳринисо холам чиройли, боғчали ҳовлида, нақшинкор уйда бир ўзи турарди. Ўғли Мирзаомон ака шаҳарда ошпазлик қилади. Хотин-болаларини ҳам у ерга олиб кетган. Нега онамнинг васияти у ўлгач, икки йилдан сўнг холамнинг эсига тушиб қолди? Чунки мен бу вақтда учинчи синфга ўтиб, анча дастёр бўлиб қолган эдим.

Кичкина, бежирим дарвозаси олдида бир туп оқ ўрик бор. Дарвозадан то айвонга етгунча кичкина йўлакча. Йўлакчанинг икки томонига райҳону жамбиллар экилган. Орасира қип-қизил хино гуллари чўгдек товланади. Йўлакчадан ўтган одамнинг этакларига гулу райҳонлар суйкалиб, орқангиздан тебраниб қолади. Бир уй ва даҳлиздан иборат, олди айвонли баланд иморатнинг барча хари ва вассаларига ранг-баранг нақшлар солинган. Ажойиб қайрилма қошга ўхшаш тоқчаларга турли-туман биллур ва чинни идишлар терилган. Холам доимо ҳовлини ёғ тушса ялағудек қилиб ярақлатиб ўтиради. Айвоннинг олди узумзор. Ҳовлининг ўртасидан кичикроқ ариқ ўтган. Айвондан тушиб, узумзор ўртасидаги йўлакчадан борсангиз, ариқча лабидаги сулчачага борасиз. Шу ерда ариқчага қўндаланги қилиб тахтача қоқилган. Тахтача устидан шаффоф сувлар ойнадек ярқираган шовва ҳосил қилиб оқади. Шовванинг сувига қўлимни тутсам, “ойна” синади, қўлимни олсам, яна ўша ойна пайдо бўлади. Мен бу ариқча бўйида ярқироқ сувларга маҳлиё бўлиб узоқ қолиб кетар ва холамдан дашном эшитардим. Ариқнинг хар икки томонида ним пушти, тукли шафтолилар пишади. Куз келганда эса нақ чиннидек келадиган олтин тусли беҳилар сувга қараб эгилади. Мевалар қаторига экилган жаннат бўйларини таратувчи қизил гулларнинг сояси зилол сувлар соясига афсонавий бир чаман пайдо қилган.

Ана шу чиройли ҳовлида мени каттакон бабоқ хўроз кутиб олди. Эгнимдаги қизил кўйлагимни кўриб, менга ташланди. Уришқоқ хўрозлар қизил матони кўрса, қонни кўмсаб, ғазабланар экан. У учиб келиб, икки оёғи билан кўксимга бир тепган эди, райҳонлар ичига йиқилдим. Хўроз устимга чиқиб олиб, юзу кўзларимни чўқий бошлади. Холам тинмай ҳой-

хойлаб хўрозни урар, у парво ҳам қилмай, мени чўқилашда давом этарди. Оппоқ булутлар ўрлаган мовий осмон остида, гулзор бир ҳовлида хўрознинг мен билан жанги қанча давом этди, билмадим, кичкина дарвозадан дадам ҳаллослаб кириб келди. У аҳволни кўрди-ю, шартта ёнидаги жанақуш пичоғини чиқариб, хўрозни ушлади-да, калласини узиб отиб юборди. Калласиз хўроз худди тирикдай елпигич қанотларини ёзиб, йўлакча бўйлаб бироз учиб борди-да, сабзипояга бориб тушди. Дадам мени кўтариб, ариқча бўйига олиб борди. Юз-кўзларимни ювди. Холам хўроз чўқиган ерларимга қозонкуя босди.

Дадам холам билан узоқ тортишди.

– Менинг шу гўдақлардан бошқа садарайхоним бормиди, опа? Оқмозорга оқ чироқ, кўкмозорга кўкчироқ ёқиб буларни зўрға топганман.

Холам эса:

– Истора менга васият қилган. Мақсуда – сизга, деган. Унинг арвоҳини чирқиллатманг! Ўшанда раисдан кўрқиб Куйган ёрга кетмаганингизда, у ўлмас эди! – дея бобиллаб, дадамга сўз бермади.

Ниҳоят, дадам нимани ўйлади, билмадим, рози бўлди. Кетаётиб мени кўтариб ўпди-да: – Уйимизга тез-тез бориб тулинг, бувим, – деди. Дадам мени ҳам укамни ҳам “бувим” деб суярди.

– Нега бизни қизим демай, “бувим” дейсиз? – деб сўрасам,

– Мен онам тирик бўлса-да, унинг меҳрига тўя олмаганман, – дер эди у.

Дадам кетгач, Баҳринисо холам мени умуман уйимизга юбормади. Укаларимни соғиниб, уйимизга бораман, десам, холам мени кўрқитди:

– Сен у ерга борма. Даданг сени Ориф девонанинг онасига қиз қилиб берар эмиш.

Мен даҳшатга тушдим. Сочлари елкасига тушган мажнуннамо девона йигитни кўча-кўйда кўриб қолсам ҳам кўрқардим. Онамнинг қабрига Мастура опам олиб борганда, кичкинароқ қабр устида “Яхшисини олиб, ёмонини кўясанми, Худо?” – дея шаккоклик билан йиғлаётган аёлни кўргандим. Унинг ақлли ва чиройли қизи уч кун қорни оғриб ўлибди. Холамнинг айтишича, мени ўша ўлган қизнинг ўрнига қиз қилиб берармишлар. Гўдак бўлмасам, шу гапга ишонаманми, шундай меҳрибон дадамни йиғлатаманми? Шу воқеани эсласам, ҳали-ҳали дилим қонайди.

Дадам даладан вақтли қайтиб, атайлаб мени кўргани келибди. Дарвоза олдида турган эдим. Мени кучоқлаб кўтариб олди-да:

– Нега бизникига бормаяпсиз, бувим? – деди.

– Сиз мени Ориф девонанинг онасига қиз қилиб бериб юборар эмишсиз-ку!

– Сизга бу гапни ким айтди?

– Холам, – деб жавоб бердим.

Дадамнинг кўзларидан ёш қуйилиб, соқолларидан силқий бошлади. Мени етаклаб холамнинг олдига олиб кирди. Роса бақир-қақир қилишди. Лекин дадам мени олиб кетмади. Бу вақтда холам қаттиқ бетоб бўлиб қолганди. Дадам жуда инсофли-иймонли киши эди. Холамини бетоб ҳолида ёлғиз қолдиришга виждони йўл қўймади.

...Олти ой ўтгач, холам эллик уч ёшида оламдан ўтди.

Рўза чиққач, тезда биринчи ҳайит келди. Лекин мени иккинчи ҳайитгача ҳам олиб қолдилар.

Бир кун чархпалак ёнида катта пақирга сув тўлдирётган эдим, дадам келиб қолди. Сув ташийвериб уст-бошим шалаббо эди.

– Қизим, шунча сувни нима қиласан?

– Бочкага қуяман.

– Қани ўша бочка?

– Ана!

Дадам мўйлабини тортқилай бошлади. У, одатда, асабийлашса шундай қилар эди. – Ҳаҳ, аттанг! Мен мактаби тугаса келади, ўқитувчиси жавоб бермапти, дейишса, ишониб юраверибман-а! Йиғиштир нарсаларингни!

Ниҳоят, 1962 йилнинг баҳорида 4-синфнинг охири чорагида ўзимнинг мактабимга қатнай бошладим. Қандай яхши! Ўзимнинг қишлоғим, ўзимнинг кўчаларим, ўзимнинг уйим, ўзимнинг мактабим, ўзимнинг синфим, ўзимнинг синфдошларим, ўзимнинг ўқитувчиларим, ўзимнинг сарвиқомат теракларим, ўзимнинг бадбуриш толларим, ўзимнинг бўтана сувлар оқувчи анҳорим...

Инсоннинг ҳаёти тўқис бўлиши учун Ватан керак, Ватанжон керак! Мен бу ҳақиқатни тўқиз ёшимдаёқ англаб етганман.

НАФИС СЎЗ ЁДИ

Шоиранинг насрий достони

1987 йил қайта қуриш деб аталган давр айна қизиган паллага кирган эди. Атоқли адиб Одил Ёкубов раҳбарлигида чиқаётган, эл-юртда доврўқ қозонган “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталик газетаси пахта йиғим-терими охирилаган пайтга тўғрилаб фарғоналик шоира, муаллима ва журналист Мақсуда Эргашеванинг ўша пайтларда қишлоқда ўзбек хотин-қизларининг аҳолига бағишланган бир ихчам мақоласини хат шаклида босиб чиқарди. Мақола ўт-олов тилида ёзилган, ҳар бир сўзи ёлқинланиб турарди. Ҳеч ким ўзбек хотин-қизларининг ижтимоий, маданий, маиший аҳоли ҳақида бунчалар куюниб, алам-изтироб билан ҳаққоний бор гапни ёзмаган эди. Юраги куйган оғзидан ўт пуркайди дегандай, гўдаклигидан бу турмуш-турмушининг ичида бўлиб, унинг алам-изтиробларини ўз бошидан кечириб келаётган Мақсуда инкор этиб бўлмас ҳақиқатларни ўртага ташлаган эди. Унинг алангали сўзлари ночор ҳолларнинг илдизларини очди. Бу чинакама юрт фарзандининг жасорати эди. Табиийки, ўша замонларнинг зўравон ва макор мафқураси бу аччиқ ҳақиқатларни қабул қилолмади: муаллиф аёвсиз ҳужумга дучор бўлди, аммо мақола жамоатчилик ўртасида анча кучли акс-садо берди.

Мақсуда ёрқин иқтидорли муаллима – болаларни, уларни ўқитиш, тарбиялашни гоятда севар, унинг синфларидан истеъдодлар куртак отиб чиқишар, муаллиманинг илҳомбахш сўзларидан умидлари ўсар, чин инсон бўлишига ваъдалар бериб ҳаётга йўл олишарди.

Мақсуда ҳали гўдакликдан хўрлик, етимлик нима – барини бошидан ўтказган, шунга ўхшаши ҳолларни эл-юртда ҳам кўплаб кузатганди.

Мақсуданинг юрагидан жудода эрта шоир уйғонганди: ҳаётдаги қийинчиликларнинг ҳаммасини шоир нигоҳи билан кўрар, шоир ҳаяжонлари билан юрагидан ўтказарди. Унинг шеърларида бадиий тўқима ёки уйдирма деган нарса бўлмасди.

Мақсуда шеър шаклларига сизмаган ҳаётини насрда баён қилиб берди. У ўз ҳаёти воқеалари асосида роман ёзди. Бу романга ҳаётининг кейинги йилларини тўла бахш этди. Унинг шоир қаламидан чиққан бу роман худди насрий достон каби ўқилади. Бу – шоир қалбдан кечган шоирнинг ҳаёт манзаралари...

Мақсуда Эргашева ўзининг гувоҳлик беришича, ўз бошидан ўтказган кўрган-кечирганларини оппоқ чиқиқсиз қозоғга ёзини болалик чоғлариданоқ орзу қиларкан. Фарғоналик одамлар... фарғоналик аёллар... уларнинг борлиги... Мақсуда уларни шоир нигоҳи билан қайтадан худди бир номалўм қитъани очгандай кашф қилди. Қисмат айланаси, толе чархпалаги бизни ёруғ дунёга келиб кўз очганимиздан бошлаб қанчадан қанча турфа сиёқли, турфа феъл-атворли, турфа ниятли ранг-баранг одамларга дуч келтиради. Мақсуданинг назарида, у дуч келган одамларда шунчалар кўп ибрат мужассамлашган эдики, бу ҳақда ёзмасликнинг сира иложи йўқ эди. Буни Мақсуда ўзининг одамлар ва яна ҳам аниқроқ айтсак, юртдошлари олдидаги масъулиятини улар ҳаётининг маърифати ҳақида ёзишда деб билди. Мабодо, ёзмай ўтса, ёруғ дунёга келиб ўз зиёли, маърифий вазифаси ҳамда бурчини бажармай ўтган бўлиб чиқарди, юраги эл-юрт муҳаббати билан тўлган шоира албатта ҳеч қачон бунга йўл қўя олмасди. Бу хотира роман неча ўзлаб юраги қон, юзи гулун, қўли қалбидай чевар, зевар қизлар, аёллар тиккан палакка ўхшаб кетади шаклий томондан олганда. Катимлари ипаклари қон рангида, зардоб рангида, қаҳрабо рангида ва қатимларидан гўё етишилмаган орзуларнинг кўзёши томчилари оқиб ётади. Аёлнинг қисмат кўниги шундай-да, кўзёшиларга қорилган-да. Роман саҳифаларида ўқувчига дардланиб, қимтиниб, ҳаётинг залворидан нафис тортиб чиқиб келадиган не-не аёл тақдирлари ҳаётда, турмушда эгаллаган ўринлари ва адо этаётган ранг-баранг вазифаларига кўра ёз кечаси тун қоронғисидан алангалаган ўт атрофида харосон гирдиқалак учган парвоналарга мензаб кетадилар. Лекин Мақсуда парвоналарнинг бошқаларга кўрмоқлик муяссар бўлмаган ноёб ўта шоирона томонларини очади. Очганлари бадиий кашфиёт даражасида: бадиий ва умуман, ҳар қандай кашфиёт аҳамияти

ва моҳиятига кўра жуда залворли нарса: залворли деганим, у одамлар ҳаёти ва руҳониятига таъсир ўтказади: ўзгаришларга сабабчи бўлади: қисмат парвоналари деганим эса, ўз қисматидан қочиб кетолмайдиган, паймонани тўла ва охиригача ичадиганлар деганим.

Мақсуда XX асрнинг 50-80-йилларидаги аёл ҳаёти манзараларини тарихий вазият ҳаққонияти билан баён этапти. Бу ҳолда тушкунлик, қийинчиликлар олдидан қўл қовуштириб ўтириш йўқ. Бу ҳақда гап ҳам бўлиши, балки мумкин эмас. Мақсуда ўзи ноҳақликка қариши курашчан эди: у қашшоқлик, ҳуқуқсизлик ва ҳамон қонлардан чиқиб кетмаган мутелик исканжасга олган аёлни кураш тўлқинларида кўрсатади. Бу аёллар ҳатто омонсиз синган чоғларида ҳам, охиригача курашиб синадилар. Инглиз драматурги Бернард Шоунинг “Юраклар вайрон бўладиган уй” деган ўткир ошлавий драмаси бор. Асар гоёси шу номнинг ўзиде тўла мужжасам. Мақсуда Эргашеванинг хотира романида ҳам бошидан-оёқ шундай инсон юраклари адолатсиз муносабатларда доимо чилпарчин бўладиган уй-хонадонлар ҳақида ҳикоя боради. Бундай шароитларни одамларнинг ўзлари жоҳилликлари, тубанликлари, замонани тушунмасликлари, саводсизликлари туфайли ундан ўз ўринларини топа олмаганликлари, турли урф-одамларни нотўғри тушунишлари, жасамиятнинг янги муомала мезонларига амал қилолмастиклари туфайли яратадилар. Қанчалар ночор шароитларда яшамасинлар, уларнинг юрак маънавиятларида мараздан кўра оққўнгиллик, самимият, ишонувчанлик кўпроқ, кучлироқ юзага чиқади. Улар аксаран иймон саломатлигини қадрлайдилар ва шулар замирида ранг-баранг психологик кечинмалар портлаб туради.

Адиба турли инсоний, ҳаётий муаммоларни ечишда ўз қаҳрамонлари билан бирга қатнашади ва ўзи ҳам асарнинг жонсарақ, жигарпора қаҳрамониға айланади. Бунда, иложси борича, уйдирмалардан қочади, самимият мезонларини маҳкам тутади. Бундай туғма самимиятни одам камдан-кам асарларда учратади. Ойбекнинг “Болалик”и, Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртаклар”и, Ўткирнинг “Дунёнинг ишлари”ни эслайсиз.

Бу китобни нақ ҳаётнинг ўзи ёзган, ҳассос шоира қизининг қўли билан ёзган. Чин ёзувчи бундай асарни умрида бир марта ёзади. Бир марта ёзилиб одамлар доим ўқиб юрадиган китобға айланади. У оилаларда, хонадонларда магзини чақиб ўқиладиган китоб. Умр дафтари. Шоирнинг дардли изҳори. Қалб ҳақиқати. У ўзига яқин кўнгилларда акс-садо топади. У Мақсуданинг охирги кўшиги. Бизга ишонган сири. Энди унга сизу бизнинг кўзимиз билан боқади. Эрта баҳорнинг майсасидай илк шеърлари билан танишиб қанчалар қувонган эдик, у доим бизни шеърининг оҳанрабоиси билан сийлади. Бу энди олтмиш йиллик ижод ёниқликларида кечган умрнинг охирги нодирликлари... Пок руҳи ҳамшиша шод бўлсин чин шоиранинг.

Иброҳим ҒАФУРОВ



НАЗМ

Гўзал БЕГИМ

1974 йилда туғилган. ЎзМУнинг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Сукунат жсаранги”, “Учаётган яроқ сояси” тўпламлари чоп этилган. VI Тошкент шеърят очиқ фестивали, III МДХ ва Болтиқбўйи давлатлари таржумонлар анжумани қатнашчиси. “Ғунча” журналида ишлайди.



ИСМИНИҒИЗ ШУҒЛАСИДАН ҚАМАШАР КЎЗИМ

Эй дунё
умримнинг ипак кенглиги
ўрқининг шохига илинган кўнглим
кулгим чечагидан кўтарилган чанг
бир дунё
бир рўё
ортимда карахт
кўлимда кўнглимнинг олтин калити
кўзимни чимчийди олмос изтироб
кетиб кетолмайман қайтиб қайтмайман
бир дунё
бир рўё
ортимда гулжон
бошимда осмон бор мовий бошпана
оёғимда ернинг баргли ковуши
чопилган соямнинг жсароҳатида
бир дунё
бир рўё
рақс тушар хандон
чўкмаган шифти йўқ чоксиз чодрамнинг
ҳидини кўтариб қочар жайронгул
мен кириб бормаган рўмол куйида
бир дунё
бир рўё

силкинар қуроқ,
соат милларини ортга ўгириб
қўлларим шўрига тиззалаб чўкиб
"мен бахтли титроқман" ёрлигин
тутиб
бир дунё
бир рўё
жислмаяр аччиқ
қаламтир гулидан гулдаста олиб
исириқ тутатиб гам шдизига
ортига қарамай кетган баҳордай
бир дунё
бир рўё
яшил кўзёшли...

* * *

Қарғиш қарғаб турар бўғзимда мени
юрагимга қарар кўзи қизариб
ерга тушиб турган қора кўзимни
сўзимни қонаган лаблари
бармоғимни ортга қайтаётган
тирноғимни синиққан сувда
сочларимдан тўзғиб қочган шуълани
ҳовридан қайтмаган қора ёзларни
ёвқур умидларни
ёр пушаймонни
пиёлада ичмай қўйилган куйни
нолани
титроқни
нафратни
сўнги урфдаги
ортига қайрилган инжа губорни
сени кўраётган кўргиликни
сени кўрмаётган қудуқни
етиб келмаётган тахир тўлқинни
лабларимда пишган қатикни
ва ёнбошлаб кетган шодликни
сени
соянгни
атрофида айланган нурни
сендаги
ўзимни
қарғаб кетаятман

* * *

Йўловчи гудранар
иланг-биланг йўл
кўзида кўзголон кўтарар тўзон
майин ҳисларининг қовурғаси йўқ
айланиб ўргилиб учар кўргилик


* * *

Қайдадир тун сиёҳ кокилин эшар.
Абдували ҚУТБИДДИН

Қайдадир овозинг оқар шарқираб
қайдадир гуллайти гулсиз гулзорлар
қайдадир синади чинни сувратинг
қайдадир айрилиб тушар белгилар
қайдадир бармоғим тўла ип узук
қайдадир кипригим учар солланиб
қайдадир ой хуркиб ичига туфлар
қайдадир юракка тутгим тирговуч
қайдадир исмингни ҳидлаб тўймайман
қайдадир панд берар умид дарслари
қайдадир кўзинг бор жоннинг рўмоли
қайдадир кўзингсиз кўзикар қуртак
қайдадир кўёшининг ҳовучи бўм-бўш
қайдадир осмон бор сенинг бошингда
қайдадир ер бордир айлана шодлик
қайдадир сочимнинг келар хўрлиги
қайдадир ичккан ифорни ичғум
қайдадир баҳорнинг эшигин қоқиб
қайдадир кузакка кўнглимни таққум
қайдадир нафасинг соат чиқ-чиқи
қайдадир ойнинг чанг босган юзи
қайдадир кўнглимга қуриб қасрлар
қайдадир юракка тутдинг ҳассалар
қайдадир
қайдадир
қайдадир

* * *

Исмингиз шуъласидан қамашар кўзим
қарайман ҳар бир ҳарф иродасига
ўзимга чап бериб юрабошлайман
энг гўзал алфавит қорачигимда



НАЗМ

Ҳабиб АБДУНАЗАР

1968 йилда тугилган. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. “Манзара”, “Анжир гули”, “Гулларини кўмсаган оғоч”, “Дил меҳроби” каби шеърӣ тўпламлари нашр этилган. Айни пайтда, Чўлпон номидаги наشريёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири лавозимида ишламоқда.



БУ ДИЛ ~ КҲН ИШҚИ

Осмон, замин...
Ва унда сен – кўнғил қароғи.
Қайта-қайта кўчирилган кун –
Ишиқ – юракнинг яшил бўёғи.

Қайта-қайта айтилган кеча,
Ой кўксига олди бўзингни.
Осмон орзу ортида туриб,
Тун шамолга берди сўзингни.

Нурлар йиғдинг, руҳи санамлар,
Дилга тушиб чорлади ҳар кез.
Бир сўз айтмоқ бўлди дарёлар,
Айтолмади, сен – айтилган сўз.

Сен – синигим, гул хаёллардан
Аста тортдинг иссиқ кўлингни.
Мен – вазифа, шам ёруғидан
Олиб бердим севги – гулингни.

Тун ва кун синади сабримни,
Рухимни қайирди бу гардун.
Жонимга боғланди гапларим –
Қирқ афсун.

Қирқ малак айлағиб бошимда
Қирқ йўлга солдилар оҳимни.
Юварми қалбимни бу тупроқ –
Ай-й гуноҳимни?

Сен бордек турибди хаёлим,
Сен бордек юрибди одамлар.
Онажон, санайди қайғумни –
Рухсиз қадамлар.

Рухсиз дил, юракка чирмашиб,
Қарайди йўл – соғинчли кўча.
Тун – ганимга айланган бу йўл –
Дўст каби кеча.

Дўст каби ой, осмон каби дўст...
Бир дўст эмас, йўқ, айтар бўлса –
Мендек ўғил, гариб дил дардин
Айтади ҳамма.

Бир бўлагим
Қушининг тумшугида.
Бирини чақирдим,
Дилтоғга кўчиб кетган эди.
Бирини юлиб олдим чумоли оғзидан.
Бири балиқ... Бири бўри...
Ҳайдадим барини
Жарлар ёқалаб. (Чўпони ўзим.)
Паст-баланд умрлар.
Паст-баланд йиллар...
Умр – тун қўбизин чалади чўпон,
Ҳей-й-й...

Далада ёлғиз қолган ой,
Ойда ёлғиз қолган кўнгил,
Галасидан ажралган бўри...
Кўзигул истаклар –
Дашту далаларда йўқолган куним
Ва йиглаб уйига қайтмаган бола –
Бир бўлагим...

Бу дил – лаҳза.
Бу дил – кун ишиқи,
Унинг учун ясадим сувнай.
Само сўзи томчи – товушлар,
Толиқади тун санай-санай.

Томчилайди юмалоқ кулги,
Тиниқ сувда сузар бўсалар.
Бир ҳовуч тонг, кафтига олиб
Юзларини ювар майсалар.

Сувнай билан очилар чашма,
Унда ўйнар зар кокилли тош.
Кўзларингда ёнган олов сўз –
Соч – белиннга урган дарё бош.


Сув ва олов ўртасида жим
Турган маъво қолар ўксиниб.
Томчи хаёл томар лабиннга,
Юрак сувдек кетар тўкилиб.

Довули ором вақти,
Тўлишди ором...
Дардим улканлашди:
Осмон сояси довур,
Ер сояси довур...
Йилларга қорилиб кетди, адашди,
Бармоқда мен санаб юрган бу қунлар.

Довули ором вақти,
Гуллаган ором...
Оловда гулади бу иссиқ нонинг,
Дард билан гулади юрагим
Қиш, баҳор довур,
Ёзу куз довур...
Чегара билмади
Фақат бу йўллар...
Маънисиз туюлди қуёш тигида
Кўрган туш – кундузда қолиб кетган
тун...

Довули ором вақти...

Қуёш –
томларга,
деразаларга,
кўзларимга
тушган бу қуёш
юрди ҳаёт томирлари бўйлаб,
Катта-катта одимлар билан.
Бу йўлларда учратди сени
Юрак – ишқим меҳроби.
У ерда энг қадим,
энг дилкаш севгининг
ҳидларин туйиб,
йиглади кўнгил:
“Севасанми?..”
Аммо севги кетган эди юрак уйидан
Соғинч – болаларин етаклаб тонгда.



НАСР

Адҳам ДАМИН

1951 йилда туғилган. Тошкент Давлат университетининг кимё факультетини тамомлаган. “Журъат”, “Футболчи”, “Мен сизга айтсам”, “Богдодчасига қулганда”, “Беғуноҳ севги”, “Ҳаёт ва ўлим”, “Мона Лиза” билан олишув” каби китоблари чоп этилган.



БУ ДУНЁНИНГ ДАРДЛАРИ

Қиссадан боблар

Онам Сайдинисо Мирзабек
қизи хотирасига бағишлайман

1

– Сталин ўлган йил эди. Маҳалламизда Асқарбой ўғлига катта суннат тўйи қилди. Замон минг ўзгаргани билан бойга жин урмас экан – бой бойлигича қолар экан. У кишини ҳамқишлоқларимиз бекорга “бой” деб улуғлашмасди. Қўшничилик – елпиштовокдек дастурхонни бошимга қўйиб, сени бағримга босганча уйимиздан уч-тўрт ҳовли наридаги бойнинг уйи томон йўл олдим, – дея ичидаги бор гапларни тўнгич ўғлига тўкиби соларди она. У бу гапларни кўп марта айтган. Ўғли эса онамнинг кўнглига ботмасин, деб ҳар гал индамасдан, эътирозсиз тингларди бу ҳикояларни.

– Уша куни майда ёмғир эзгилаб ёғарди, – ўз гапида давом этарди она. – Тор, зўрға бир от-арава сифадиган қишлоқ йўли чилп-чилп лой, кўчага орқа ўгириб пала-партиш солинган уйларнинг орқа деворлари тагидан ўтувчи ёлғизоёқ сирпанчиқ йўлак ёмғирли кунда ойнадек ялтирар эди. Тор кўчанинг нарёғидан ўтган ариқ суви қувурларга хас-хашак тикилиб қолганидан кўчага тошиб чиққан. Бундай намгарчиликда кўчада юрган кўли бўш одам ҳам ҳар қадамини ўйлаб босади, деворни ушлаб зўрға одимлайди. Мен бўлсам, бир кўлим бошимдаги товоқда, бир кўлим билан сени бахмал тўнимга ўраб-чирмаб, кўтариб олганман.

Фалокат – оёқ остида, деганлари рост экан. Шундоқ Асқарбойникига туташ мулла Кенжа буваннинг уйи ёнидан ўтаётганимда қияликда оёғим тойиб кетди. Э, нима бўлса бўлар, дедим-да, беҳосдан иккала кўлим билан сени қучоқлаб олдим. Бошимдаги товоқ учиб кетиб, кўча лойига қорилди, ўзим бўлсам, мувозанатимни йўқотиб чалқанча йиқилдим. Бошим бир нарсага қаттиқ урилди. Узим шу қўйи қора ердаги лойда ётибман-у, сени ўйлайман. Хайриятки, сенга ҳеч нарса қилмади, кўксим устида митти кўзчаларингни жавдиратиб қараб турибсан. Йиғламайсан ҳам. Сени бу

аҳволда кўрдиму сал ўзимга келдим. Аста қимирлаган эдим, аъзойи баданимда қаттиқ оғриқ сездим. Ичимдан нимадир узилиб кетгандек эди гўё. Туришга мадорим етмади, чамаси, пича куч ййгай деб кўзимни юмдимми ёки хиёл эс-ҳушим бошимдан учмади, билмайман, кўзимни очсам, ғира-шира тасаввуримда кимдир тўйхона томондан лой кўчанинг ўртасидан бизга қараб ҳаллосланганча югуриб келаётгандай кўринди. Кўзларимни каттароқ очиб, илғадим – даданг экан. У етиб келиб ҳансираганча шитоб энгашиб, сению мени кўшиб даст кўтарди-да, уй томон юрди. Мен бўлса, шундаям кўча ўртасида лойга қоришиб ётган дастурхонимни ўйлайман...

Шу-шу ўнг биқимни ўқтин-ўқтин оғриб кўяди. Дўхтирлар тузуқли бир нарса дейишмайди. Нималиги ўзимга ҳам қоронғи. Лекин қаттиқмас, симиллаб оғрийди. Энди-энди, ёш ўтгач, билинапти.

Даданг раҳматли, хўп югурди ўшанда. Дўхтирларга қаратди, табибларга кўрсатди, дори-дармон килди, ўт-ўланлар қайнатмаларидан ҳам армонсиз ичирди. Ўзи муаллим бўлса ҳам, менинг кўнглим учун яширинча эскичасигаёям ўқитиб кўрди. У пайтларда бу ишлардан ҳам қийиқ топадиганлар бор эди-да. Барибир, дардим нималигини аниқ билполмадим. Гоҳ-гоҳ ўнг кўкрагим остидаги оғриқ ўзини билдириб туради.

Ўшанда сен кўлимад, ҳали икки ёшга тўлиб-тўлмаган палапондек дуркун чақалоқ эдинг. Мана, Худой таоло шунча умр берди, ўнта фарзанд ато қилди. Ўратган Эгамга минг қатла шукур. Ҳаммангнинг тўйингни кўрдим, уйлаб-жойлаб, чиқариб, қутулдик. Бу ёйга энди шу кенжатоим Бехзоднинг тўйини кўрсам, ўтган умримдан рози бўлиб, бу дунёдан тинчгина оёқ узатиб кетардим. Даданг раҳматли шугинанинг тўйини кўролмай кетди-я. Сен тўнғичимсан. Ичимдаги дардимни сендан бошқа кимга айтаман? Мени шундан бошқа ҳою ҳавасим қолмади, болам, бу фоний дунёда...

Онанинг бу маҳзун ҳикоясини аллақачон қишлоқдан Тошкентга кетиб, у ерда ўқиган ва кейинчалик шаҳарда ишлаб қолган, келинини ҳам ўзи топиб, ўзи суйиб уйланиб олган тўнғич ўғли Анвар тинглар экан, ҳар гал ўзича нималарнидир гудурлаб онаизорига далда берган бўлар, аммо унинг дарди ҳақида нима деб таскин беришни билмай, ўй босарди.

Она эса бошқа фарзандларига на ўтмиш хотиралардан сўзлар, на ичидаги дардидан ёриларди. Очиги, салкам қирқ йил бир ёстиққа бош кўйган эригаёям мана шу – пинҳон ич-этини еб юрган дарди бедаводан авваллари хўп сўзлаган бўлса-да, бора-бора ошқора ёзғирмай кўйганди. Дард – бошқа, ўлим – бошқа, деганлари ҳақ экан. Ундан бурун соппа-соғ юрган эри ўлиб кетди, касалланди-ю бирдан...

Тўнғичи ҳар гал унинг дардларини эшитиб, ўзича у кутган гапларни айтмаганидан бир кўнгли хайрон бўларди. Яна бир кўнгли – ўйга толарди. Ахир, бола бечора нима ҳам десин?! Дўхтир деганлари-ю, табиб деганлари очик-ойдин тополмаган дард ҳақида у нима дейди? Аммо она шундай ўйласса-да, дилининг бир четида негадир айни мана шу – шаҳар кўрган, ақлли ўғли йўл кўрсатишини, нимадир дейишини жуда-жуда истарди... Бор умиди ундан эди. Тўғри, ўғли дўхтир ҳам, табиб ҳам эмас, аммо-лекин эсли-хушли, гаплари бинойидек, ҳар балого ақли етади – мияси кучли, шаҳарда катта одам бўлмоқчи, бирда буни ўзи ҳам айтгандек бўлувди, ахир, катта шаҳарга қишлоқдан бориб ҳаммаям ишини, ўз ризқини, бахтини топиб, рўзгорини эплаб кетолмайди...

Буларнинг бариси эса унинг ўғлига айтмаган, айтолмаган дилидаги гаплари эди.

2

Ирголи қишлоқдагилар Асқар бойнинг ўтмишини ҳамон афсус билан сўзлашади. Эл ичида оғиздан-оғизга кўчиб юрган бу гапларга биров ўзидан кўшиб кўпиртиради, биров ўзига эп кўрмаган жойларини олиб ташлаб, қимтиб сўзлайди. Нима бўлгандаям айтилган гап-сўзларда жон бор, вақт оқар сувдек ортга қайтмас экан, аммо шўро зулмидан эл-юрт бошига тушган ташвишлар, одамларнинг чалкаш ва аянчли тақдирлари, сарсон-саргардонликлари ҳеч кимнинг ёдидан кўтарилмайди.

Минг тўққиз юз ўн еттинчи йилги олатасирлардан олдин ҳам, кейин ҳам қишлоқдаги энг бадавлат одам мана шу Асқарбойнинг отаси Қамбарбой эди. Қишлоқда дангиллама кўш ҳовлиси, молхонасию кўтонда қатор-қатор кўйлар, бисотида беҳисоб бойликлари бор одам ҳам у бўлган. Шунинг учун эндиликда Асқарбойни кўплар ҳурматлаб Асқар Қамбар ҳам дейишарди. Бир пайтлар отасининг даврида уларникида қишлоқнинг неча-неча норғил йигитлари қарол бўлиб ишлаган. Икки-уч йил деганда, ўрислар юртида бошланган тўполоннинг бир учи бу депараларга ҳам етиб келди, замонлар ўзгариб кетди, йўқсилдан чиққанлар ғайридинларга кўшилиб, ғайридинларга сотилиб, ҳамма ерда билса-билмаса хўжайинлик қила бошлашди. Янги хўжайинларга йўл-йўриқ кўрсатувчи, ўз фикрини ўқтириб, измига юргизувчи, аллақерлардан келиб бу ерларда пайдо бўлиб қолган раҳнамолар ҳам кўп эди. Шундай кунларнинг бирида туман марказидан келган уч киши қишлоқда “ёт унсуллардан тозалаш тадбири” ўтказиб,

рўйхатга тушган бойларнинг мол-мулкени тортиб ола бошлаганда Қамбарбой рўйхуш бермади – бор-йўғи ўз ҳақини талаб қилди. Ахир, ким ҳам ўз қўлидаги бойлиқни, пешона тери билан топган давлатини, отасидан қолган уй-жайини осонликча бировга бериб қўяди! Шу куни келганларнинг бари дарғазаб бўлганларича мушт тугиб, дардини ичига ютиб, ошқора ковок уйиб аламзада қайтиб кетди. Аммо эртаси куни ўша одамлар қизил шапка кийган, елкасига узун милтиқ осган оқ-сарикан келган икки аскарни бошлаб қишлоққа қайтиб келди. Келганлар орасида қолхоз райсига чақимчилик қилиб юрадиган Тусмол киссавур ҳам бор эди. У қўлидаги қоғозга қараб аввалига Қамбарбойнинг кўш ҳовлиси, тагин нечта мол-қўйи, ҳатто нечта товугу хўрози, нечта от-араваси борлигига битта қўймай ўқиб берди. Шундан кейин келганлар ичидан шинель кийган, ўзбекчани чала-чулпа биладиган, новча малла киши шартта чўнтагидан кишан чиқариб, Тусмол киссавур томон юзланди.

– Ма, ол, қўлларига сол! Халқ душманига эл орасида ўрин йўқ!

Тусмол киссавур бироз иккиланиб тургач, кўзлари олазарқ ҳолда бўлаётган ишларни узоқ-яқиндан қараб турган ҳамқишлоқларига ҳадиксираб қараб қўйди. Шунда шинелли киши унга қаҳрли тикилиб ўшқирди:

– Нима, сен шу бойвачча қишлоқдошинга ачинапсанми? Ёт унсурга-я! Ёки сен ҳам унга шерикман?..

Тусмол киссавур устига бир челақ муздай сув қўйгандек сесканиб тушди. Кейин шошиб бориб шинелли кишининг қўлидан кишанни олди-да, Қамбарбойга юзланди. Кўзлар тўқнашди. Қамбарбойнинг чақноқ, ўтли нигоҳлари унга ўқдек қадалди. Буни кўриб турганлар киссавур мол-қўй саногидан нечун англишманини пайқашди. Тусмол киссавур унинг қарашларига дош беролмай, япалоқ юзларини, бит кўзларини четга бурди. Аммо, барибир, шинелли одамнинг газабидан кўрқидими, ерга қараганча бориб Қамбарбойнинг қўлларини олдига жуфтлаб кишан солди.

– Мараз! Ювиндихўр! – деб унинг юзига туфлади Қамбарбой. – Ҳали вақти келиб сенга ўхшаган сотқинларга барча лаънат ўқийди. Авлодинг исноддан бош кўтаролмай қолади. Аблаҳ! Ярамак! Худо урган банда!

Тусмол киссавур бойнинг башарасига мушт солгудек важоҳатга минди. Лекин шинелли раҳнамосининг истеҳзоли жилмайиб бош қимирлатиши уни тўхтатди.

Ушанда бу воқеаларни ойисининг этаги орқасига беркинганча кузатиб турган тўққиз-ўн яшарлик Асқарбойнинг кўнглида Тусмол киссавурга нисбатан бир дунё нафрат ўйғонди. Бироқ бу нафрат унинг бола кўнглидан күзэшлари бўлиб сизиб чиқа олди, холос.

Отасини олиб чиқиб кетишар экан, уйда хотин-халажнинг қий-чуви, дод-войи оламни тутиб кетди... Ахир, қишлоқдан беайб олиб чиқиб кетилганларнинг бирортаси қайтиб келмаган – бедарак кетаётган эди-да.

Қамбарбой ҳам бедарак кетди. Суриштириб ҳеч ким аниқ бир нарса билолмади. Ёлғиз ўғли Асқар эса у вақтлар ҳали кичкина эди, оқ-қорани яхши ажратмасди, аммо кўз ўнгида юз берган зўравонлик бир умр хотирасида муҳрланиб қолди.

Бойнинг бор бойлиги мусодара қилинди, ерлари тортиб олинди, қўшалок ҳовлининг ҳам биттаси қўлдан кетиб, ҳамма қатори ёлғиз ҳовли қолди. Асқарбой ҳам ноилож замона зўридан қолхозга кирди. Эс-хуши жойида эмасми, ишлаб юриб кўпга бош – бригадир бўлди. Бироқ кўнгли чироқ ёқса ёримасди... Охири қолхозда ишлашга юраги чопмади. Бола-чақасини қишлоққа қолдириб, Наманганнинг тоғли бир қишлоғидаги овзаси кетган табибга бориб шогирд тушди, тоғдан доривор гиёҳларни териб, дори-дармон тайёрлаш сирларини пухта ўрганиб, икки йил деганда уйга қайтди ва энди у Асқар табибга айланди. Секин-аста табиблик довуғи қўшини қишлоқларга ҳам тарқалди.

Ёш келин – Ойдиннисо Асқарбойнинг бу аянчилик қисмати тарихини қишлоққа янги келин бўлиб тушганда эшитганди. Аммо унинг табиблиги ўз ҳаётида асқотиб қолишини етти ухлаб тушида ҳам кўрмаганди.

...Ўша тўйга бораётиб йиқилгандан кейин кўрпа-тўшак қилиб анча ётиб қолди. Дўхтирлар берган дорилардан наф йўқдек эди. Охири дард бир кўзгаганда юрак ютиб, кўнглини эрига ёрди.

– Дадаси, Асқарбувага ҳам бирров кўрсатсакмикан-а, нима дейсиз?

Эри унга хўмрайиб қараб қўйди-ю, индамай уйдан чиқиб кетди. Сал ўтмай Асқар табибини бошлаб келди. У томирларини ушлаб-ушлаб узоқ текириб кўрди ва: “Ҳечқиси йўқ, ички эт ва аъзолар нича лат еган, мен уйдан икки-уч хил дахлама тайёрлаб чиқараман, шуларни кунинг уч мартадан бирор ой ичиб турасиз. Кейин ҳеч нарса

кўрмагандай бўп кетасиз, келинпошшо”, деди.

Шундай ҳам қилди. Ушанда дард унут бўлиб, оғриқлар ортага чекинди. Бироқ кўнглининг бир четида турган тугун ечилмагандек туюларди унга. Нимагадир дили хира, сабабини ўзи ҳам билмасди. Қаттиқ оғриқ ошқора хуруж қилмаса-да, қишнинг совуқ кунларида ўша ўнг биқинининг тангадек жойида ва яна кўрагининг шундоқ остида нимадир бордек, нимадир бўлгандек сезилаверарди унга. Қишлоқчилик, тагин аёл киши эмасми, андишага бориб, бора-бора дарди ҳақида ҳеч кимга чурқ этмай қўйди. Лекин ёши ўтган сайин бу хижиллик тез-тез ўзини эслатиб турар, аммо оғриқ тез ўтиб кетгани учун эндиликда бунга унчалик парво ҳам қилмай қўйганди.

Тўнғичи Тошкентга ўқишга кириб келганда, у ич-ичидан роса хурсанд бўлганди. Тошкентнинг дўхтирларини ўтқир, дейишади. Балки, ўғлига кейинроқ айтса, олиб бориб кўрсатар... Бироқ минг ўйлагани билан у вақтида айтолмади. Ҳали ёш, танасида қуввати бор эди-да...

Эрига айтишга эса энди батамом истиҳола қиларди.

3

Ёлгон эмас, бирда жонидан ўтиб кетганда айтган: ботиниб, шарта-шарта.

– Намунча тошмехрсиз? Тонг саҳар ишга кетасиз, ярим кечада қайтасиз? Сенинг кўнглингда не бор, юрагингда не дард бор, демайсиз... Шу ишингиз ҳам куриб кетсин!

– Ҳа, яна нима гап? – Маъруф домла унга синчков тикилди. – Айт! Тагин ўша дардми?

– Ҳа! – дея у секин бош эгди.

– Дўхтирхонага ёт десам, ётмайсан.

– Болаларнинг менсиз нима қилади? Сизнинг юришингиз бу бўлса.

– Болаларнинг бир куни ўтиб қолар. Сен тузалиб ол! Хўп десанг, шу бугуноқ олиб бораман. Истасанг, районгамас, шаҳарга обориб текширтираман. Керак бўлса, Тошкентга обораман.

– Кўйинг-е, ваҳма қилмай. Жа, ўладиган жойдаманими?

– Бўлмаса...

– Кўнглим бўшаб айтдим-қўйдим-да, – деди у секин.

– Қизиқсан-а? Айтасану қайтасан! Дард бўлса, уни довалатиш керак. Бундай бепарво юриш ярамайди, ўзинга зиён. Мен келаси ҳафта ўқишга – Фарғонага малака оширишга кетаман. Қайтиб келиб, ўзим обораман дўхтирга.

Қайтгач, эри бир-икки гапирганда “кўйинг-э, отдайман-ку, ҳаммаси яхши” деб унамади. Турмуш! Тирикчилик! Рўзғор ташвиши... Болаларни деб... Аёл кўнглидаги дард... у ҳам гўё денгиз соҳилидаги қоятошларга тинимсиз уриладиган тўқинларга ўхшайди – шитоб келиб дард билан қоятошга урилади-да, кейин гўё дарди, кучи сўниб яна ортага қайтади, сўнг бироз тин олгач, тагин жунбишга келиб, бу телбанамо ишини такрорлайверади, нияти нима – қоятошни емиришми ёки ўзининг пинҳоний ёввойи кучини кўрсатишми, ўзи ҳам билмайди.

Аёл эмасми, бора-бора айбни ўзидан санаб, дардини ичига ютиб бу ҳақда кам эслайдиган, бировга оғиз очмайдиган бўлди.

4

Асқарбойнинг хотини Рисолат хола билан ҳам ораларида унча-мунча яқинликлари, кирди-чикдилари бор эди. Бўйчангина, кўрқамгина мөхридан аёл эди Рисолат хола. Худди лўлиларга ўхшаб, кафтига қараб, ўзича узоқ пичирлаб, унинг серфарзанд бўлишини ҳам мана шу кайвони кампир Рисолат хола башорат қилганди...

Кампирнинг фоли чин чиқди, Худойим уни болалардан қисмади. Аммо “ўнча бўлса, ўрни бошқа”, деганларича бор экан. Фарзандларининг тўрттаси – тўнғичи, учинчиси ва сўнги иккитаси ўғил. Катта ўғиллари ва кизини дадасининг ўзи бош бўлиб ўқитиб, маълумотли қилди, уйлаб жойлашди. Уларнинг ташвиши билан бўлиб, кейингиларига бепарвороқ бўлишди, ўқитиша олмади, ўзлари эса бирин-сирин катта ўқишларни орзулашиб, шаҳарга бориб ўтолмай келишгач, ўқишдан кўнглилари совида, қайта боришни орзулашмади. Кенжасидан олдингиси Қобул ҳам уйланди. Ҳарбийдан қайтиб келди-ю, ота-онанинг гапини икки қилмай, улар топган келинга кўнди. Фақат кенжатоё Бехзод қолди уйланмаган. Нима бўлгандаям, шу кенжатоёнинг тўйини кўриб қолса, майли эди. Қизлар-ку, бировнинг хасми экан, ҳаммасини эга-эгаларига топширишди. Энди ўзлари билан ўзлари овора. Келиб туришади. Келишганда ҳам кўпинча эрлари билан ораларида “ола мушук” ўтганда ота ҳовлисини кўмсаб, пинҳона ўқсиниб, дарди ичларида келишади. Ўз дарди билан келганга дардиндан гапиролмас экансан. Иккинчи ўғли Фолибжон жўжабирдай жон, қаторасига тўртта ўғли бор, хотини ишламайди, доим рўзғору болаларининг ташвишида елиб югургани-югурган. Унга ёзғириб, шундоқ

ҳам бошидан ошиб-тошиб ётган ташвишларини орттиришни истамайди.

Тўнғичи эса бир сўзли, дали-ғули, айтганини жойидан кесади. Унга юрак ёрса бас, дарҳол тадоригини кўриши тайин. Бироқ у олисда – Тошкентда. Уч-тўрт ой деганда бир келади. Она унга гапиришга ҳам истиҳола қилади... Бир гал ҳамма андишаларга қўл силтаб, юрак ютиб айтмоқчи ҳам бўлганди. Ушанда ўғли янги уйланган, ўзи ётоқхоналарда яшай-яшай эндигона ижарага уй топиб, кўчиб чиққан пайтлари эди. Анварнинг ўзи тўсатдан гап очиб қолди: "Буви, бизникига борсангиз. Ўзим олиб кетаман. Поездда кетамиз, уринмай, чарчамай, дам олиб кетасиз. Ўзимники бўлмаса ҳам, ҳовлида турибман. Зериккунингизча турасиз. Телевизорда кўрган Тошкентнинг энг гўзал жойларини айлантириб кўрсатаман. Бир шаҳар айлиниб, ёзилиб қайтасиз". Онаизорнинг кўзларидан ёш чиқиб кетай деди. Ушанда бунақаси ё тушда бўлади ёки эртакларда: мушқули осон бўлди-қўйди. Унга Тошкентни томоша қилишнинг қизиғи йўқ. Ўғли иложини топиб катта дўхтирларча кўрсатса, бас. Дардини аниқлаб берса, у ёғига Худо पोшо.

Бироқ ўғлининг бировларникида ижарада туришини билиб кўнмади, бўлар-бўлмас важларни рўқач қилди. Ахир, ижарада туриш азобини ўзи кўрган... Бировнинг қошқовоғига қараб яшашдан ёмони борми бу кенг дунёда...

5

Минг тўққиз юз эллик биринчи йил. Ҳали Сталин деганлари тирик эди. У бир йил бурун келин бўлиб тушганди бу хонадонга. Ушанда Фарғона қишлоқларида удум бўлган чуқур айвонли, икки ёнида биттадан хонаси бор ва бу хоналар олди чўзиқ пешайвони бўлган ҳовлида туришарди. Кўп ўтмай, катта қайниси уйланадиган бўлиб қолди. Уларга каттагина ҳовли-жойнинг олд томонидан – кўчага яқин еридан уй қуриб олинглар, деб тўрт сотих келар-келмас ер ажратиб беришди. Янги рўзгор, уй қуришга маблағ қайда? Эри ўшанда 40 сўм ойликка қўшни қишлоққа қатнаб муаллимлик қиларди. У эса, тўнғичига иккиқат. Уйни бўшат, деб инжиқ қайнота ҳар куни зуғум қилади. Ноилож эри узоқ қариндошлари, лекин девордармиён қўшнилари Теша Абзалнинг олдига бошини эгиб маслаҳатга чиқди. Уйлари кўп эди унинг. Ўзига тўқ яшарди. Қатор-қатор мол-қўйлардан ташқари саман оти ва қўқонараваси ҳам бор эди. Ҳар ҳолда, йўқ демади, дарвозадан кираверишдаги кунгай қилиб солинган бир уй-бир даҳлизни уларга бўшатиб берди. Сомонсувоқ бўлса-да, тахтаполли, тоқчалари сероб, қўш тахмони бор синчли уй эди. Теша Абзал ижара пул талаб қилмади, эр-хотинга қараб "рўзгор ишлари ва мол-қўйларига қарашиб турсаларинг, бас", деди. Кўнишди. Кўнмай қаёққа боришсин? Ўз отасининг уйига сифмаган одамларга бошқалар жой бериб тургач... Шунинг учун у ерга кўчиб ўтишга, сал қўли бўшади дегунча келинбуви, Теша Абзалнинг хотини Зубайда аянинг уй юмушларига қарашар эди: сигир соғиш борми, мол-қўйларга ем тайёрлаш борми, ҳовли супуриш борми, бари унинг зиммасига ўтди, баъзан ҳатто уй эгаларига кечлик овқатни ҳам қилиб берарди. Эри ҳам ишдан кела солиб, эски кийимларини киярди-да, мол-қўйларнинг тагини тозалар, ем-хашакларни жодида майдалар, киш кунлари совуқ сувда терт увитарди, гоҳида "хўжайиннинг кўрсатмаси бўйича" саман отини қашлашдан ҳам жирканмасди. Кейин бу оиланинг катта ҳовлисидagi валиш токни хомтоқ қилиш, томорқасига қараш ҳам эрининг зиммасида эди. Эри ҳам мактабдан ҳориб-чарчаб келганига қарамай, оғриниб ўтирмасдан астойдил ишга тушиб кетарди. Кечалари эса алламаҳалгача уйқутираб консепт ёзарди... Хуллас, эр-хотин ижарада яшаш эвазига яхшигина хизматкорга айлиниб қолишганди. Етишмовчилик кунларида Теша Абзалникида уларга палов ёки чучвара пишириб бериб, ўз уйига чиққач, эр-хотин бир-биридан уялганча ерга қараб, қаттиқ нон кемирган кунлари канча бўлган. Лекин уларнинг бу аҳволи билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Қайнотаси Воҳид қассоб эса, аллақачон уйини бошқа қилиб олган ўғлининг ойлиги чиққан кунни уни тортиб олиб қўйиш пайига тушарди, уларнинг не ҳолда яшаётганлари билан заррача иши бўлмасди. Уни қолмаса, қайнотасиникидаги хум тўла ундан косада ўлчаб, овсинидан қарзга олиб чиқиб нон ёларди. Ҳатто нон ёпишга кетадиган бир боғлам гўзапояни ҳам пулга бичиб олишарди катта ҳовлидан. Эри эса бу аҳволдан қутулиш учун кўнглидаги дардни сир тутиб, сал буш вақт топди дегунча, ҳайҳотдек ҳовлининг отаси кўрсатган жойига уй солиш билан овора эди. Ахир, қачонгача Теша Абзалникида қаролдек яшашиди? Танаси бошқа дард билмас, деганлари ҳақ экан. Ахир, эрига қишлоқнинг энг олди одами – муаллим бўла туриб, бировнинг мол-қўйлари тагини тозалаб қориши маълум келмайдими? Узи-чи! Ҳомилдорлигига қарамай, бировнинг сигирини соғиб, бир пилла сут ичишга зор бўлиб юрса-я... Шунга эри ойлиги чиққанда, унинг бир қисмини рўзгорга сарфласа, қолганига янги уй учун тош, шағал, ёғоч, тахта олишга йўгарди. Отаси ўғли сўнгги пайтларда пул бермай қўйилганидан тез-тез улارникига чиқарди-да, осмонни бошига кўтариб жанжал қиларди, ҳатто ўғлига "оқ қилиб юбораман" деб

дағдага қиларди. Золим эди қайнотаси Воҳидбой. Ўзи қассобчилик қиларди, лекин уларга бир чимдим этни бекорга берганини эслай олмайди. Пулсиз берганда дафтари-га катта ҳарфларда қарз қилиб ёзиб кўярди. Керагида ошириб оларди.

Мана шундай ҳаётнинг оғир-енгли кунларини кўрган аёл ижарада туриш аҳволини — бировнинг қош-қовоғига қараб яшаш заҳматини билмайдими, ахир! Боласи эндигина уйланиб, ётоқхоналарда яшаш ташвишидан қутулиб, ижарага чиқибди. Тошкентдек шаҳри азимда ижарада туриш заҳмати ҳам осонмасдир. Ҳа, майли, бо-ришни бир орзулаганди-да. Буням вақти-соати келиб қолар. Ҳали ўғлининг пешонаси ярақлаб шаҳарда ўзининг уйи-жойи бўлар, ўшандай кунлар келганда борса, ярашади, бировга огири тушмайди...

6

Минг тўққиз юз эллик биринчи йил баҳори эди. У, кўнгли алланималарни тусаса-да, бунга унчалик эътибор бермас, янги уйга кўчиб чиққанларидан боши осмонда эди. Сомонсувоқ, ҳали пол қилинмаган, қалин похол тўшаб, устга кигиз ёйиб, унинг усти-дан қават-қават кўрпачалар солинган катта хонага кирганда сувоғи қуримаган уй де-ворларидан намчил, ердан эса зах ҳиди анқиб турса-да, у буларга парво қилмасди, қайтага кўнгли кесакка ўхшаб, таркибида бу дунёнинг барча маъданларини жам этган шўртоброқ нарсаларни егиси келарди. Буни бир куни эрига айтганда, у мириқиб кул-ганди.

— Ҳамма аёллар энг тансиқ егуликларга бошқоронғи бўлса, сени қара-ю...

— Кулманг! Кўнглимда борини айтдим-кўйдим-да!

Шундан кейин эри қишлоқда артезиан кавлаётган ўрис ишчиларнинг олдига бориб, бир халта “гулута” — сарғиш ёпишқоқ нарса олиб келиб берганди. Уни ҳаммадан яши-риб кўнгли тусаяганда еб оларди. Оз-оздан қоғозга ўраб, нимчасининг чўнтағига солиб, далага ҳам олиб кетарди. Пахта терими авж палласида эди. Янги уй ташвишлари деб-ми ёки лича уйга ёрдам бўлсин дебми, пахта теримида бериладиган уч-тўрт танга нақд пул учунми, ой-кўни яқинлашганига қарамай, ҳар куни далага чиқарди. Тушлик вақтида дугоналарига ниманидир баҳона қилиб четроққа чиқарди-да, “гулута”дан ошалаб-оша-лаб оларди. Теримга чиқмаса бўлмасди. Эри эса тонг саҳар велосипедини миниб, уч-тўрт қақирим наридаги мактабига кетар ва энди кўпроқ пул топиш гирувида икки на-вбатда ишлаётгани учун уйга оқшомда, гоҳида ундан-да кеч қайтарди. Ҳориб-чарчаб келгач, бор-йўқ биринчи гапи шу бўларди:

— Нима овқат қилдинг?

Уйда ҳеч вақо қолмай, овқат қилмаган пайтларида гўё бунга ўзи айбдордек, секин сўрарди:

— “Чойоқлов” қилиб бера қолайми?

Домла дарҳол буни тушунарди. Эртасига ишдан қайтишда қишлоқ гузаридидаги бит-таю битта аралаш моллар дўконидан қора сумкасини тўлатиб, уни велосипед рулига илиб қайтарди.

“Чойоқлов”нинг шарофати эди бу. Чойоқлов — қаттиқ нон тўғралган косага бир қошиқ қаймоқ ва туз солиб, устидан қайноқ сувдан қуясиз, вассалом — овқат тайёр. Ошқозонни алдаш ва нафсни қондиришга бундан осон йўл борми? Ҳали дунё дунё бўлиб бундан-да осон овқатни кўрмаган бўлса керак. Лекин камбағалнинг шўрвасига шўр тўкилган ўша пайтлардаги қишлоқ хонадонларида “йўқчиликка — тўқчилик” деб умоч, жўхори шўрва, атала, ёвғон ва қатлама, пиёзли патир, ошқовоқ сомса каби арзонгаров егу-ликлар роса урф бўлганди. Қайнотасиникида эса овсини Севарахон ҳар куни гўштли антиқа таомлар пиширар, гоҳида катта ҳовлидан анқийётган бу овқатлар ҳидига кўнгли кетиб, уларнинг қозони осилган девор ортида кўзлари жиққа ёшга тўлиб, ўқсиб ўтирган кунлари оз бўлмаган.

Яна баъзи нарсалар эсида. Ўша йилнинг ўн тўққизинчи октябри эди. Бошида бир ту-гун ўт билан (ўзларида ҳали мол-қўй бўлмаса-да, катта уйга олиб келарди, акс ҳолда, ўша куниёқ Воҳид қассоб жанжал кўтарарди, кейин бу мол-қўйга деб қилинган ўт эва-зига овсини оз-моз сут-қатик, қаймоқ бериб турарди) боши гаранг, кўнгли не алпозда ўзларининг толқўчаларига аранг етиб келди-ю, эшикка ҳам етиб бормай кўнгли беҳузур бўлиб, боши айланиб деворга кўли билан суяниб қолди, бошидаги бир тугун ўт ерга дуп этиб тушди, ўт орасидаги далага олиб борган сопол чойнак-пиёла поқ этиб син-ди. У буларга парво қилмай, вой-войлаганча қорнини ушлаб ўтириб қолди. Кўз олди қоронғилашиб кетди. Худди шу пайт пасткам дарвозадан кўлида челақ кўтариб сувга Зубайда ая чиқиб қолди. У кўзи хира тортиб, аяни дарҳол танимади ҳам. Ая челақни ташлади-ю, югуриб келиб уни қўлтиғидан олди ва “Вой-вой, Худойим-ей, келинпошшо, сизга нима бўлди?” деб уни суяб-суяб ҳовлига олиб кирди.

Эри ҳали келмабди. Кўпни кўрган Зубайда ая дарҳол унинг дардини билди. “Эҳ,

ёшлар, ёшлар-а, шу туришига далада бало бормикан, падарига лаънат шу ишларига ҳам, колхознинг куштүймас берган пулларига ҳам" дея кимларнидир қарғай-қарғай уни ичкари уйга олиб кириб, жой қилиб ётқизди. Кейин ҳовли деворидан бақириб, Севарахонни чақирди ва уни маҳалладаги доя кампир – Баҳри энаникига югуртирди. Баҳри эна ҳассасига таянганча каловланиб етиб келди. Учовлашиб уни дарддан ҳалос этишди. Доя кампир боланинг киндигини кесар экан, унинг қулогига шивирлади. "Ўғил, кўчқордек ўғил, отасининг ғирт ўзи, оғзи ангишвона, кўзу қоши қоп-қора. Маъруф домлагинамнинг ғирт ўзи, ҳали отасидан-да катта одам бўлади, биргад бўлади, раис бўлади! Эл-юртни сўрайди, бу бола!" У бу гапларни элас-элас илғади-ю, хиёл кўзини очди, доя кампирга миннатдорчилик билдиргандек оҳиста жилмайди, сўнг яна беҳолланиб кўзларини юмди...

Сал оёқча турғач, чақалоқни йўрғақлаб олганча киши билмас пайт топиб Кенжа буванкига киришди. У чақалоқнинг қулогига азон айтди, сўнг бобоси Воҳид, отаси Маъруфжон, дея бу отларни эски китоблардан топиб, тавсиф қилиб чиқди, кейин чақалоқ туғилган кун, ой, йилларни юлдузу қуёш буржларига солиштира-солиштира унга муносиб исм топди.

– Анвар бўлади бу боланинг исми! Анвар нурли, нурафшон, бахтли, толеи баланд дегани. Қаерда бўлса ҳам, нурдай учқур ва ёруғ бўлсин, қаерда юрса ҳам, ризқи улуг бўлсин! Уз ризқини ўзи териб юрадиган мустақил ва эркин бўлади бу бола, катта одам бўлади ҳали бу бола, – деди мулла Кенжа бува. Кейин яна қўшиб қўйди: – Унинг пешонасига бахтли, ёрқин тақдир битилган...

7

Эртасига эри қишлоқдаги ёлғиз юк машина – "политурка"ни минадиган Шароф шўпирнинг вақтини топиб салкам йигирма чақирим наридаги Бағдоднинг чўл қишлоғи "Қаримбува"га бориб, ойиси – Санам холани олиб келди. Уз аҳволи ўзига маълум Санам хола бу сафар ёнига қизи Мукаррамойни ҳам олволди.

Ойисининг "кўз ёрган" қизига кўмакка келиши қадимдан бор одат. Аммо Санам холанинг бу келиши роса маҳаллада қизиқдан-қизиқ гаплар кўзгади. Чунки у қизига ва чақалоққа қараб ўтириб, орадан уч кун ўтмай ўзи ҳам туғиб қўйди. Уз оти билан туғилган қизалоққа Меҳмоноий исми қўйилди. Доя Баҳри энагага ҳам бу ҳовлида хўп иш топилди-да. Санам хола бўлса, бўлиб ўтган ишлардан бир уялар, бир куларди. Ахир, бунақаси ҳар доим ҳам бўлавермайди-да.

Энди иккала чақалоқни кўрганни кўни-қўшнилар қолиб ҳатто "Қаримбува"дан ҳам қариндошлар қаторлашиб келарди. Ойиси ҳам бекорга синглиси Мукаррамойни бошлаб келмаган экан. Кўш чақалоққа қараб, унинг эси кетарди, қўли-қўлига тегмасди...

Кўкламнинг бошида туш кўрди. "Ойдиннисо, қара, қарамайсанми", деяриш ҳадебу унга кимдир. Чўчиб уйғониб кетди. Бешиқда олти ойлик паллапондек ўғли Анвар пишиллаб ухлаб ётарди.

Ташқарига чиқди, нимага қараш кераклигини билмаса ҳам ҳовлига, унда кўтарилган валишларга, торгина ҳовлини ўраб турган деворларга назар солди, ҳеч нарса ўзгармаган. Худди шу пайт бир жуфт қалдирғоч уларнинг уйи айвони томон пастлаб қанотларини қимирлатмай учиб келди ва уй шифтидаги тўсин ёнига чаплаб лойдан кура бошлаган ини ёнига кўнди. Коса шаклида қурилаётган уйнинг ярми битай деб қолганди.

"Қалдирғоч ин қурган уйга бахтсизлик келмайди!"

"Қалдирғоч ин қурган уйга бахт-саодат келади".

"Қалдирғоч ёмон одамларниқига сираям ин қурмайди".

"Қалдирғоч ин қурган уйда хору зорлик даримайди".

У бир вақтлар отаси Мирзо Карвондан эшитган бу гапларни ғурурланиб эслаганча кўнгли яйраб уйга қайтиб кирди ва оҳиста энгашиб ширингина ухлаб ётган бодомқовоқ ўғилчасининг лўппи юзларидан беозоргина ўпди. Кейин қаравотда ётган эрини туртиб уйғотди:

– Анвар, ҳо Анвар, турун, ташқарига чиқиб қаранг, айвонга қалдирғочлар ин қурибди! Қандай яхши-я, дадаси!

Мана шундай қийинчилик кунлари туғилгани учунми ёки бошқа сабабданми, тўнғичига нисбатан аллақандай бўлақча меҳр бор-да. Буни сўз билан ифодалаб, би-

ровга айтиш қийин...

Она кўнглида бундай пинҳоний туйғулар – сир-синаотлар кўп бўлар экан ўзи бу дунёда. Шунгами, бор умиди ундан...

Кейин Сталин ўлган йилдан бир йил ўтиб, баҳорга яқин қизи Азизага кўз ёрди. Орадан уч йил ўтиб, минг тўққиз юз эллик еттинчи йилда учинчи фарзанди – ўғли Голибжон туғилди. Етти ойлик бўлиб туғилгани учунми касалмандроқ бўлиб ўсди. Кимларнингдир гапига кириб шугина ўғлини деб дадаси молбозордан соғин эчки сотиб олди. Юнглари энасиники каби оппоқ улоқчаси ҳам бор. Эчки сути минг дардга даво эмиш. Ўғлига эчки сути ичира бошлашди.

Бир гал ўзи қаттиқ оғриб қолиб, касалхонада узоқ ётиб, уйларига келган кунларнинг бирида уй ортидаги чоғроққина чорбоққа ўтиб, кесақдевор ёнидаги дарахтга ҳолсиз суяниб тургани, девор ортидан – қайнотасининг ҳовлисидан эшитганлари шундоқ ҳам эзилган юрак-бағрини тиглади. Девор орти қайнотасининг катта ҳовлиси эди.

– Ўғлим, сенга бўлар гапни очик айтиб қўяй. Дунёга одам бир марта келади. Одамга ўхшаб яшайман десанг, шу боши касалдан чиқмайдиган чиллашир хотинингни кўй. Кеча кўзим тушгани, ранги сомонга ўхшайди, турқи – ажинага.

Овоз Воҳид қассобники эди.

– Ота, мени ўз ҳолимга қўясизми-йўқми? – буниси энди эрининг овози эди. Гап ўзи ҳақида бораётганини билиб, ич-эти титраб кетди. Шунда ўз ҳолига қарамай, шартта девор оша тушиб, бу бекадр қайнотасининг соқолидан тутамлаб, бўғиб ташлагиси келди.

– Кўзинг вақтида очилсин дейман-да, аҳмоқ. Ўтаверасанми умрингни хазон қилиб, шу чиллашир билан...

Эри жавоб қилмади, чоғи. Лаҳза ўтмай катта дарвоза гичирлаб очилди, кейин ўзлариникига кирадиган чоғроқ от эшикнинг пружинаси гичирлади ва эшик тарақлаб ёпилди.

У деворга суюнганча карахтланиб қотиб қолди. Одам деган ҳам шунчалик тубанликка борадимми? Бераҳм қассоб! Қон кўрган одам-да, ҳайвонгагина эмас, инсонгайм меҳр йўқ! Кўнгли ўқсиб, кўзларидан дув-дув ёш оққанча деворга бош тираб қанча турди, билмайди. Кўзёшларини артишга ҳам ҳоли келмас, аъзойи баданидан дард бўлиб оқаётган кўзёшлари тинай демасди. Кўз олди қаронгилашиб, ҳеч нарса кўринмасди.

Бир вақт кимнингдир шарпасини сездди. Иссиқ қўллар унинг деворга гўё елимдек ёпишиб қолган совуқ қўлларини ва унга тираниб қолган бошини оҳиста бўшатди.

– Юр уйга, бу ерда нима қилиб турибсан?

– Отам тўри айтяпти! Бошқага уйланинг, мен розиман! – деди-ю хўрлиги келиб, хўнграб юборди. Эри унинг бошини елкасига босиб сочларини силади, кафтининг орқаси билан унинг кўзёшларини артди.

– Юр уйга, жиннивой. Менга ишонмайсанми? Мени билмайсанми? Мен сени яхши кўриб олганман-ку, ахир!

– Отам...

– Отам бекорларнинг бештасини айтибди. Ма, кўзёшларингни артиб ол! – эри унинг кўлига дастрўмолча тутқазди.

У йиғлашдан тўхтади, эри узатган рўмолчани олиб кўзёшларини артди, бўйниларига, кўкракларига оқиб тушган ёш томчиларига аста рўмолча босди. Кейин кўп дардларни ичига ютган аёл эмасми, буларни ҳам миқ этмай ичига ютди, Яратганга пинҳона илтижо қилиб барчасини Худога солди!

Голибдан кейин ҳар икки-уч йилда навбатма-навбат қизлари ва охирида яна икки ўғли туғилди. Дала ши, уйнинг сира адоқ бўлмас юмушлари, бола туғишу уларни катта қилиш ташвишлари оворасида йилларнинг қандай ўтиб кетганини ҳам унчалик сезмай қолди. Фақат эри телевизор кўриб ўтириб айтганлари сал-пал ўша йилларни, ўша йил воқеаларини эсларди, холос.

Голиби туғилганда қишлоқда “Осмонга бизникилар ракета учиршибди, у ер шарини айланбди. Бу ракетанинг ичида лайча итлар бор экан, ўлмабди, қайтиб тушибди”, – деган гаплар оралаб қолганди. Орадан икки йил ўтиб (минг тўққиз юз эллик тўққизда) қизи Гулнора дунёга келди.

Тагин шунақа самолётми-ей, ракетами-ей ичида одами билан учган йили кузакда қизи Мўътабарга кўз ёрган эди.

Кейинги қизалоғи туғилган минг тўққиз юз олтмиш тўртинчи йил ҳам ёдида.

8

Анвар Тошкентдан бир келганда май ойининг сўнги тароватли кунлари эди. Ўғли бу гал жуда хурсанд эди, нимадандир оғзи қулоғида, бир гапириб икки кулади. Сабабини кейинроқ билди. Анвари шаҳардан икки хонали уй олибди.

Ўғли шодлиги ичига сиғмай, ҳали у она сифатида унинг дийдорига, суҳбатига тўймасидан кўчага ўртоқларини дараклаб чиқиб кетди.

Охири айтганини қилибди-я. Шаҳардан, барибир, уй оламан дерди. Дадаси эса уни шаҳарда қолиб кетишини сира-сира истамасди.

– Мен айт десам, бу байт дейди-я, – дея бақириб берганди бир сафар. – Сени шаҳарда олифта пўрим бўп кийиниб, гўдаиб институтда ишлашингдан, олим бўлишингдан бизга нима фойда? Тезроқ боласи-да, мағрурлиги оламни тутди. Пулни қаердан топди экан-а? Ҳа, майли, ишқилиб ниятига етиб уй олибдики, уники ўрал, қарз-ҳавола қилгандир-да...

Кейин билди, ўшанда ўғли мана шу – ҳозир олган уйининг дастлабки бадали учун отасидан пул сўраб келган жойи экан. Аммо отасининг подадан бурун чанг чиқариб айтган гапларидан кўнгли ўқсиб, қовоғидан қор ёққанча чиройи очилмай, ноумид, дарди ичиде қайтиб кетганди. Қишлоқ боласи-да, мағрурлиги оламни тутди. Пулни қаердан топди экан-а? Ҳа, майли, ишқилиб ниятига етиб уй олибдики, уники ўрал, қарз-ҳавола қилгандир-да...

Мана энди, Тошкентга – ўғлиниқига тортинмай борса бўлар. Борганда ўғлига секин дардининг учини чиқаради, маслаҳат солади. Уқимишли боласидан жўяли бирор фикр чиқар. Барча умиди ундан! Ёки шу кетишида биргалашиб борсамикан? Ўзиям бирда келганда “Тошкентга юринг” деб роса кистаганди-ку. Йўғ-е, ҳали янги уй, янги рўзгор бўлса... Сал-пал ўзини ўнглаб олсин, ана унда борса ярашар.

Ўғли кўчадан қош қорайганда қайтди. Юришларидан, гапиришларидан салгина сархушлиги биланиб турарди. Ўртоқлари билан ўтирибди-да. Ўзи ҳам келмаганига анча бўлганди...

Анвар дадасининг мирзатерак остига қўйилган каравотига келиб ўтирди. У сал берида – айвондаги сўрида тирсагини ёстиққа қўйиб, муштига бошини тираганча ўйчан ўтирган эди.

– Биласизми буви? – дея гап бошлаб қолди ўғли каравотда ўтирган жойида. – Дадам менга Тошкентда юриб сира одам бўлмайсан, дейди. Бўламан вақти келиб. Мана, уй олдим – Тошкентга борганимга ўн беш йил деганда. Талабаликда бошқача эди ётоқда туришлар. Яна ҳар қилларникида ижарада турдим, – ўғли гапида тўхтаб қолди. Унинг юзлари, кўзлари қизарган, қизарган кўзлари эса дардчил эди. – Дадам “қишлоққа кел” дейишдан бошқасини билмайди. Уй олдим ўн беш йил деганда. Шунча умрим эса кўчада ўтди ҳисоб. Оберса бўларди илгарироқ, жа ўлар жойда камбағал эмасди. Пул ҳам бермади. Энди ўзим олдим – ўртоқларимдан қарз олиб. Майли, бир кун тўларман. Аммо...

– Қўй, хафа бўлма, ўғлим, – дея ўғлини гапини бўлиб таскин берди у. Кейин сўридан тушиб келиб, ўғлининг ёнига – каравотга ўтирди.

– Буви, сиз шаҳар шароитини билмайсиз. Дардим ичимда. Гадоё ҳам ўн беш йил кўчада ётмайди!

– Биламан, болам, биламан!

– Уй олдим, уй! Энди қолгани “чепуха”. Лекин дадам...

Она индамай ўғлини бағрига босди, секин юз-кўзларини силади. Қўллари нам бўлди. Боласи йиғлар, унсизгина йиғлар эди. Йигит йиғларди... Ётоқхоналарда ўтган умрига ачиниб йиғларди. Отаси уни тушунмаганидан куйиниб йиғларди... Итнинг кейинги оёғи бўлиб яшаганидан куйиниб йиғларди... У, онаизор, бу ҳаммадан ҳам яхши кўрадиган тўнғичига нима деб далда беришини билмасди. Секин, суяб-суяб каравотга ётқизиб қўйди, туфлисини ечди, устига тўшак ёпди ва шаҳарда уйли бўлишини орзу қила-қила ўз орзусига етишган ўғлининг пешонасини силади. Ўғли кайф аралаш яна нималардир деб минғирлаганча ухлаб қолди.

Ўғлининг айтганлари ҳаёлини олиб қочди. Дадасининг феъли курсин. Шугинанин кўнглига қарамади-я. Уқишни битириб Тошкентда қолганидан норози бўлиб, унга ханузгача совуқ муомала қилиб юрибди. Ҳа, майли, бечора болам, охири ўз айтганини қил уй олибди-ку, бегона жойда қават уйда турса ҳам ватанлик бўлибди-ку! Шу уй учун қанчалик юрак-бағри эзилди болагинасининг. Энди қолгани бир гап бўлар. Ўғли нима деди? “Чипиха” дедими? Бу нима дегани экан?.. Ҳа-да, қарз узилар. Ахир, улар ҳам қараб турмас. Бу ёғига, ишқилиб, дадасига ҳам инсоф берсин-да!

9

Қош қорайган пайтда эри ишдан қайтди. Уни сўрида қоронғида ўтирганини кўриб гап қотди:

– Намунча ҳаёл суриб кетибсан? Чироқни ҳам ёқмабсан, – деди-ю, айвон тўрига

ўтиб, чирок ёққич тугчасини кўтарди. Лампочка қизариб ёнди.

– Ҳа, ўзим шундай. Яхши келдингизми?

– Яхши, — деди эри одатдагидек беларво. Кейин чирок ёруғида ўзининг каравотида узала тушиб кимдир ётганига кўзи тушиб, жажли чиққанини яширмай зардали овозда сўради:

– Ким у?!

– Ўғлингиз Анвар эрталаб сиз кетганингизда келганди, — деди у ва дилидан тошиб турган хушхабарни ичига сигдиролмай, гапни улади: — Шаҳардан икки хонали уй олибди. Кўчага чиқувди, ўртоқлари билан пича ўтиришган, чоғи. Ё йўлдан чарчаб келганигами... — Айтарини айтиб бўлгач, эрига чўчибгина қараб қўйди.

Домла индамади. Сурининг қирғоғида оёғини осилтирганча анча вақт ўтирди, шунда ҳам чурқ этмади. Пешонаси тиришди. Ўнг қўлининг бош бармоғи тирноғини бир-икки тишлаб, ерга тулурди. Сўнг каравотда ётган ўғли томон қараб:

– Барибир, ўз билганидан қолмабди-да, — деди-ю, секин туриб бориб, уй эшигини очаркан, кўшиб қўйди. — Овқатни ичкарига кирита қол!

У “ҳаво яхши-ку, сўрида ўтира қолсангизчи”, демоқчи бўлди-ю, деёлмади. Ўғли қилган ишдан — уй олганидан эрининг хурсанд бўлган-бўлмаганини ҳам билолмади. Кейин бесабрлик қилиб, кўчадан келган одамга томдан тараша тушгандек янгликни суюнчиллагани учун озгина ўзидан ўпкаланди.

Аммо эрининг ранг-рўйидан уққандек бўлди: кўнгли юмшади-ёв. Ахир, неча ойдан буён зориқтириб уйга келган ва ҳали отаси билан кўришмай, бу кўйи ётган ўғлини кўрган серзарда муаллим ҳозир бориб ўғлининг устидаги кўрпани тортиб олиб, “тур, ўрнингни топиб ёт, аҳмоқ, бу нима ётиш”, деб дўқ-пўписа қилиб, жанжал кўтариб қолишидан қўрққанди. Яна уйга кириб, ёлғиз ўтиришни истаяпти. Нималарнидир чуқурроқ ўйлагиси келса, асаби бузилганда, холисанилло хулоса чиқаришни истаса, мана шунақа танҳоликни кўмсаб қолади. Ўрганиб кетган эрининг бунақа одатларига.

Ўғли қишлоқда уч-тўрт кун турди. Аммо унинг кетар кuni отасининг унга қилган муомаласидан таажжубланиб ёқа ушлади. У девзирадан ош дамлади. Сўрида ўтириб ошни еб бўлишгач, фотиҳа қиларкан: “Омин, Оллоху Акбар! Хўжаихизир бувам баракасини берсин! Ҳар ким ҳам ўз муроду мақсадига етсин! Сен ҳам яхши бор! Янги уйинг муборак бўлсин, ўғлим! Бу уйингда кўп-кўп тўйлар кўргин!” — деб юборди хиёл тўлқинланиб.

Эрининг гапларидан ҳаммадан бурун унинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

Фотиҳадан сўнг туришга ҳозирланган ўғлига қараб, дадаси уни тўхтатди.

– Шошма, борасан-да, поездга ўзим кузатиб қўяман. Мошин айтиб қўйганман, — деди Маъруф домла. Сўнг сўрини тўлдириб ўтирган болаларига буюрди. — Қани, сизлар уйга қиринглар, телевизор кўринглар.

Учалалари ёлғиз қолишгач, орага пича ғалати жимлик чўқди. Нимагадир ҳеч ким гап бошлай қолмаётганди. Жимликни яна домланинг ўзи бузди.

– Барибир, айтганингдан қолмабсан-да, ўғлим...

Анвар даст бош кўтариб, отасига норози қиёфада қаради.

– Майли, мен розиман. Тошкентдан уй олишининг ўзи бўлмайди...

Энди Анварнинг юзига сал ёруғлик югурди.

– Айтмасанг ҳам биламан. Уй бекорга келмайди, яна кооператив экан. Биласан, уйда икита шахматнусах гилам бор эди. Улар Самарқанддаги Жуман тоғаннинг омонати эди бир вақтлар. Кейин бизга берган. Бунинг тарихи узун, мавриди билан биларсан. Тоза мол. Биттасини синглинг Азизага берганмиз. Биттаси қолган, шуни олиб кет! Аслида, буving уй тўйингга атаб, аллақачон сенга ўтказиб бўлган. Ахир, шаҳар-шаҳар-да, уйингга келган одам туриш-турмушингга қарайди, разм солади, баҳо беради. Қишлоқда шолчаю кигизда ёки эски якандозда ўтирсанг ҳам биров кулмайди. Хўп десанг, шуни опкет! Биздан янги уйингга кўрманам!

Анвар индамай туриб қолди.

– Опкетиш ташвишини қилма. Поездга ўзим чиқариб қўяман.

– Раҳмат, дада! Яхши-ю... Аммо... — Анвар бошлаган гапини охирини айтолмай чайналди.

У она бўла туриб ота-бола ўртасидаги бу гапларга аралашини ҳам, аралашмасликни ҳам билолмай гаранг эди.

– Бўлмаса, жавонда рўзгордан орттирган олти юз сўм пул турибди. Уни ол! Қарзларингга берарсан. Дунёда энг ёмон кўрганам — қарз. Буни кўп айтганман сенга.

Анварнинг кўзлари чарақлаб очилди. Она буни яққол сезди: ўғлининг қувончи пулга ўчлигидан эмас, отаси айтгандек ҳарна бўлса-да, ўша уй учун бировлардан олган

қарзларидан тезроқ қутилиш нияти борлигидан...

– Майли, пулни берақолинг. Қайтараман бир кун, – деди секин.

– Битта ота ўнта болани боқа олади. Лекин ўнта бола битта отани боқолмайди, деган нақл бор, – деди домла ҳазилтепа қилиб хиёл жилмайганча. Сўнг қўшиб қўйди. – Аввало, қарзга эмас. Аслида, бу пуллар укаларингнинг ризқи. Майли, биз бир иложини қилармиз, – дея Маъруф домла ичкари уйга ўтиб газетага ўралган бир даста пулни олиб чиқди. Ҳаммаси қизил ўн сўмлик ва йигирма беш сўмликлар эди. Уша пайларда шаҳардаги олий маълумотли одам ўртача бир юз эллик сўм маош оларди. Шунга қиёсланса, отаси бераётган пул оз эмасди.

Ўғли отасидан миннатдор бўлиб кетди. Аслида, эри бу пулни унча-мунчага сарф этмай анчадан буён тўглаб, кўз қорачиғидай авайлаб юрганди, сал ёз ёруғига чиқайлик, далаларда ўт кўпайсин, ўшанда соғин сигир олиб бераман, қишлоқда туриб болалар сут-қатиқсиз қийналиб кетди, деб юрганди. Мана энди... Ўғлига насиб этди. Майли, шунинг ўзи унга қувонч, сут-қатиқ. Бу ёғига Худо пошшо...

10

Азизаси қишининг сўнгги куни – йигирма тўққизинчи февралда туғилган эди. Шунинг учун у “менинг туғилган куним тўрт йилда бир келади, ҳаммадан ёшман” деб кулиб-кулиб гапириб юради. Акаси ўнинчини битириб Тошкентга ўқишга кираман деб кетган йили у ҳам саккизинчини битирганди. Хайрият, у акасига ўхшаб узоқни орзуламади, дадасининг мактаб, муаллим ва болаларнинг ўқитиш ҳақидаги чиройли гапларига кўниб, қишлоқдан ўн беш чақирим наридаги Қўқонга бориб муаллимлар тайёрлайдиган ўқишга (педагогика билим юртига) ҳужжат топширди. Уша йили ўғлику қизи ўқишга кириб, талаба бўлиб қишлоққа ёруғ юз билан кириб келишди. Э, болаларнинг шодлигини-ку қўяверинг, дадасининг қувонч оламини тутиб кетди. Кўринганга сўрамаса ҳам ўзича суюнчилайди. “Анвар Тошкентга университетга кириб келди, қизим – Қўқонга!” деб оғзини тўлдириб айтади. Гапига қулоқ солиб илиқроқ гап айтган одамни уйга бошлаб кириб меҳмон қилади. Домларига мактабда, мағалладошларига уйда девзира гуручдан ош дамлаб, ўтириш қилиб берганчи? Гўё фарзандлари эмас, ўзи қайтадан ёшариб ўқишга киргандек. У эса она эмасми, ўғли ва қизининг ўқишга ўтганидан суюнса-да, уларнинг бағридан чиқиб мусофир жойларда юришларини ўйлаб юраги уюшиб кетганди. Энди ўғли беш йил, қизи эса тўрт йил уйдан узоқда яшайди. Унинг тўпоригина, тўгрисўз қишлоқи болалари тўс-тўполон шаҳарга қандай қилиб кўниқиб кетишаркан? Уларнинг нон-чойи, овқати нима бўлади? Кир-чирларини ким ювади? Тагин узоқ жойнинг ўзига яраша қанча ташвиши бор...

У бировларнинг табригига “қуллук” дея миннатдорчилик билдириб турса-да, аслида дилидаги бу ўйлар уни сира тарк этмасди.

Тўрт йил ҳам бир пасда ғизиллаб ўтиб кетди. Азизаси ўқишни битириб, ўзи ўқиган мактабга – дадасининг ёнига муаллима бўлиб келди. Худди ўзи болагига дугоналари билан “мактаб-мактаб” ўйнаганидек, “опай”га айланиб, бошланғич синф болаларини ўқита бошлади. Шаддодгина қизи шаҳардан сипо, ҳар гапини ўйлаб гапирадиган, сермулоҳаза бўлиб қайтганди.

Аммо акаси бошқача чикди. Узоқнинг иши шунақа бўларканми ё? У ўқишни битириб келса, уйлантирамиз деб орзу қилишганди. Анвар эса уларнинг бу дарду ўйлари билан ҳисоблашиб ўтирмай, ўқишни битиргач, Тошкентда ишлайман, илм қиламан, деб икки оёғини бир этikka тикиб туриб олди. Уйланишга ҳам кўнмади.

Азиза иш бошлаган йилнинг баҳорига чиқиб унинг тўйи бўлди. Минг тўққиз юз етмиш тўртинчи йил эди, чамаси. Акасига хабар беришди, аммо у ишидан ортиб келолмади.

Қишлоқда қизига илк бор тўй бераётгани учунми ёки чизган чизигидан чиқмай, ота касбини танлагани учунми ёки ўғлининг уйланмаганига ачиқ қилибми, эри ўша Жуман тоға инъом этган қизил гулли гиламининг биттасини унга бериб юборганди.

– Нима қиласиз, ҳеч ким қилмаган бидъатни қилиб, – деб жаҳли чиққанди ўшанда.

– Ҳали олдинда ўғилларингизнинг тўйлари бор, ахир. Қиз бола бировнинг хасми.

– Э, сен ниманиям биласан, – деб бепарво қўл силтаганди эри. – Худо ҳаммасигаям ўз ризқини беради. Ташвишланма! Боракан – беряпман. Бўлмаса, нима қилардик? Ке, кўй энди, шу дўнгешона қизинг ҳам хурсанд бўп юрсин!

У бошқа индамади. Майли, эр киши бир нарсани билмай қилмас. Қизининг ҳам борган жойида тили узун бўлади. Эҳ-ҳе, унинг ўзи қандай келин бўлганди бу жойларга... олтита кўрпа-тўшагу олтита ёстиқ ва битта кигиз, палоси шолча билан келмаганмиди. Эрининг бунақа нарсалар билан иши йўқ-ку, аммо кўни-қўшни хотинлар ва

қайнсингиллари бу ҳақида орқаворотдан гапирганларини кўп эшитган. Эл оғзига элак тутиб бўлмас экан. Уша вақтларда – урушдан кейин, йўгон чўзилиб, ингичка узилиб турган пайтларда одат шунақа эдими ёки? Ёки ўзлари ўртамеёна яшаганлари учун... қўллари калталик қилиб... Майли, қизнинг сепи бут бўлди. Ахир, Азизаси ҳам кимсан, қишлоқнинг энг олд зиёлиси Маъруф домланинг қизи-да. Гап молу дунёда эмас-у, лекин уларнинг кўрмаганларини қизлари кўрсин, ҳеч нарсадан зорикмай бахтли ҳаёт кечириб кетса, бас!

12

Ҳар нарсанинг ибтидоси-ю, интиҳоси бўлади. Кузақда сарғайиб, шохдан узилай-узилай деб турган барглр ҳам ахир эрта баҳорда куртак бўлган, куёшу она замин тафтидан барг ёзган ва ям-яшил либосга бурканиб, баҳору ёз бўйи кўзларни қувонтирган, шабадаларда силкиниб эрканланган. Тез орада кеч қуз келишини билармиди улар, йўқми, номаълум. Бироқ одамзод, бунинг акси. Кеч қуз келишини билади. Билса-да, дабдурустан тан олгиси келмайди, елади, югуради, бу беш кунлик дунёда омонат экани эсига ҳам келмайди, митти жонини гўё дунё тургунча туради деб уйлайди. Эй, одамзод, одамзод-а, хом сут эмган бандалармиз ҳаммамиз...

...Минг тўққиз юз саксон биринчи йилда ҳали ўзича касалликни тан олмай, бир аср яшайман деб юрган Воҳид қассоб қаттиқ оғриб Чуваланчи қишлоғидаги янги касалхонага тушиб қолди. Оёқлари зир-зир оғриб, негадир шишиб кета бошлаганди. Бир ой ётди, аммо дори-дармонлардан сира наф бўлмади, қайтага авваллари ҳеч олмаган уколлари ёқмай, оёқларидаги шишлар баттар авж оларди. Ўғиллари ҳар тарафга зир югуришди, ноёб дорию уколларни топиб келишди. Дўхтирлар қилмаган муолажа қолмади. Охири уйга жавоб беришди, касаллик – қарилек асорати, дейишди. Чолнинг дарди нима эканини, оёғи шамоллаш орқасидан шу ҳолга тушганини ёки туз йиғилганиданми, буни ҳеч ким тушуниб етмади. Уйга келгач табибга кўрсатишди, муллага ўқитишди. Барибир, аҳволи ўзгармади.

Кўзларининг нури сўниб, танасидан тафт кета бошлаган, негадир бу дунёдан кетишини ҳамма билиб турган, ўзи ҳам калима келтириб ажалга тан бериб турган бир паллада Воҳид қассоб қизи Хуршидага шивирлаб шундай деди:

– Бор, қизим, келин бувинг – Ойдиннисони чақир...

Келини киргач, Воҳид қассоб ётган қўйи бошқаларга қараб, ўнг қўлини ҳаволатди ва бармоқларини ортга силтади. Ҳамма бу ишорани тушуниб, хонани тарк этди. Фақат унинг ўзи қолди.

– Ойдиннисо, қизим, – деди чол илк марта уни ўз оти билан атаб. – Кечир мени! Мана неча кундирки, жон азобидаман. Азроил нақ тепамда қараб турибди. Қийналиб кетдим. Сен мени кечир! Сенга қанча зулм қилдим. Орқаворотдан сен ҳақингда билиб билмай Худога хуш келмас гапларни гапирдим. Меҳнатларингни кадрламадим. Сен бир оғиз кечирдим дегин! Мана шу – қондай шишиб азоб бераётган оёқларимни тинчгина узатиб ўлай! – чолнинг кўзлари ёшга тўлди.

У қайнотасининг кўзида илк бор ёш кўрди. Бу бемехр, тошжорак чолга нисбатан аллақачонлар юраги тошга айланган бўлса-да, шу топда бир ҳисобдан раҳми келди.

– Нималар деяпсиз, ота? Ҳамма нарса Худодан. Парвардигорнинг айтгани бўлар экан!

– Рози бўл! Бандасига боғлиғи ҳам бор. Хом сут эмган банда эканмиз. Беш кунлик дунёда... – Чол беҳол қўлини унга чўзди. У ранги қочиб, совиб бораётган чолнинг қўлларини ушлагиси келмади. Шу пайт ногаҳон бир пайтлар қайнотасининг қилган қилмишлари кўз олдидан ўтди, уша Ғолиби туғилган минг тўққиз юз эллик еттинчи йилда касалхонада узоқ ётиб чиққанда чорбоғдаги девор ортида эшитганлари эсига тушди. Ушанда бу берахм одамнинг соқолидан тутамлаб, томоғидан хиппа бўйиб, ўлдириб қўя қолиш истағи ҳамон сўниб улгурмаганини, тошдай қотиб кўнглининг бир бурчағида турганини ич-ичидан ҳис этди. Лекин шу маҳал ўзининг муслима аёл эканлигини ҳам ўйлади, ахир ажал билан олишиб, жон бераётган одам эрининг отаси, унинг қайнотаси... бундай онларда айтиладиган гаплар беихтиёр шуурига келди ва бундан ўзи ҳам ҳайрон қолди.

– Мингдан-минг розиман! Сиз ҳам биздан рози бўлинг, ота!

– Келин... қизим, – чол яна нимадир демоқчи бўлди, лекин лаблари пичирласа-да, овози чиқмади. Кейин кўзлари катта-катта очилгандек бўлди, сўнг бошини девор томонга ўтирдирди-ю, охира "пуф" деди, боя унга томон чўзилган совуқ қўллар кўрпа устига шилқ этиб тушди.

У кўриб кетганидан томоғига бир нарса тикилиб қолгандек "отам, отам" деганча ташқарига ўқдек отилиб чиқди. Остонадан ўтишда туртиниб кетиб йиқилиб тушишига бир баҳя қолди. Чолнинг барча ўғил-қизлари бу воқеа юз беришини билиб туришса-да,

бу дунёда сира кутилмаган тасодиф юз бергандек, уйга бараварига ёпирилиб киришди. Аёллар дод солиб, айтиб-айтиб йиғлашиб отасининг устига ўзларини ташлашди. Эркаклар ҳам кўзларида дув ёш билан совий бошлаган тана томон интилишди. Чолнинг бу дунёга тўймаган кўзлари очиқ қолганди. Катта қизи Атикахон йиғлаган кўйи секин отасининг пешонасидан ўпаркан, кишибилмас юзларини силаган бўлиб, кўзларини ёпиб қўйди.

Саксон еттига кирган Воҳид қассоб сўнги нафаси чиқар чоғида болаларининг ҳеч бирини ёнига чорламай, уларга дурустроқ васият ҳам қилмай, бир вақтлар қилган айблари, оғзига бўлар-бўлмас эрк бергани учун келинидан узр сўраган кўйи жон таслим этганди.

Ўшанда ҳатто қайнотаси Воҳид қассобнинг азаси кунда ҳам ўғлини уйлантириш ҳақида гаплар бўлиб ўтганди. Маъраканинг уч кун итиб, узоқ-яқиндан фотиҳага келувчилар салгина сийраклашган, ўғлига уччала аммаси уч ёндан ҳужум қилиб, роса ўртага олишганди.

Аслида, ўғлининг шаҳардан уй оламан деб юришларига ҳам, барча қариндош-уруғ жўр бўлишиб уни уйлантириш ташвишига тушганларига ҳам оламжаҳон вақт бўлганини у бир онаизор сифатида жуда яхши билади. Эҳ-ҳе, бу борада ўғлини не-не қистовларга олишмади, аммо ўғли ўз сўзида муқим туриб олди. Боласи тушмагурнинг иродаси метиндан экан. На дарғазаб отасининг дўқ-пўписаларини писанд қилди, на қариндош-уруғларнинг, айниқса, гапга чечан аммаларининг ўртага олиб аврашларига “ур-тўқмоқ, сур-тўқмоқ” қилиб гап билан савалашларига эътибор қилди, ҳатто унинг оналарча ялиниб-ёлворишларию тўккан кўзёшларига раҳми келмади. Қаерда ўсиб қолган экан-а, ўзи бу бола деб ҳайрон бўларди гоҳида. Наҳотки, мана шу бир сўзли, меҳри метиндан қаттиқ боласини тўққиз ой ўз бағрида сақлаб юриб туққан бўлса? Буларни эслаган сайин ҳайронлиги ошади. Аммо қайнотаси қазо қилиб, маъракаси ўтган кунларни ёдга олганда, аввало, Воҳид қассоб ҳаётининг сўнги лаҳзаларида у билан қилган ёлғиз мулоқоти беихтиёр ёдига тушаверади. Эслаганда эса бадани жунжикиб кетарди.

Ўшанда ростдан ҳам жуда кўрқиб кетган экан. Чолнинг ўлиmidан кейин қаттиқ касал бўлиб ётиб қолди. Умрида ўлим тўшагида ётган, жон таслим қилаётган одамга сира бундай тўқнаш келмаганди-да. Кўнгли на овқат истар, на бировни кўргиси келарди. Кундан-кунга озиб-тўзиб борарди. “Арвоҳ урган” дейишди бахшилар, яхшиямки, чол кўлини узатганда ушламабсиз, бўлмаса, бундан баттар бўлиши мумкин эди, дейишди яна бошқа бировлар. Хуллас, ҳафта ўтгач, кимларнингдир маслаҳатига кириб, қайнотасининг билан мазорга бориб, қайнотасининг қабри устида Қуръон тиловат қилиб, мазор яқинидаги шайх хонадонидан ис чиқариб қайтишди. Кейин қишлоқдаги катта эшонбувага назр бериб, дуои фотиҳа ўқитишди. Шундан сўнги секин-аста ўнглиниб, оёққа туриб кетди...

Бироқ бу кўргилик не сир-синоат эканлигини билмади, билолмади...



Озода БЕКМУРОДОВА

1974 йилда тугилган. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Шоиранинг “Дилрабо оқ шомлар”, “Юрак зарблари” каби шеърий тўпламлари нашр этилган.

МУСАФФО РАНИЛАРГА ЎРАНИМ КЕЛДИ

* * *

Мен билмайман,
Бу чарх қандай айланади,
Бу ғам сели қачон,
Қандай бойланади?!
Фалак қандай сувлар сочар билмагайман,
Бу кўшиқлар унда қандай куйланади?
Биламанки, сазоворлиг тонгги отар.
Балки, эрта,
Балки, ҳозир, бир нафасда,
Бир ишора, бир илтижо, битта сасда,
То билмадим ҳаловатим, аҳволимни,
Гарчи жисмим уни деган нур қафасда,
Англайманки, сазоворлиг тонгги отар.
Нелар унут бўлар,
Нелар ёдда қолар,
Япроқлардай учиб тушар не юраклар,
Малакларнинг мурдааси кўкда қолар,
Кўкда кишнар ҲАҚни кўзлаб не буроқлар,
Сезаманки, сазоворлиг тонгги отар.
Бу оғриқлар,
Бу андуҳлар жонфизодур,
Йўллар узра ёнаётган кўш, ойдур,
Чин саодат водийсидан гуллар терсак,
Шодумонлик манозили порлагайдур,
Сўрайманки, сазоворлиг тонгги отар.

* * *

Осмон, сенга келмайди қурбим,
Узалсам, қўлларим муаллақ.
Сенга етар юрагим нури,
Қарогимга жим чўқар фалак.

Осмон, сенга етади лабим,
Сарҳадинга умрим етмайди.
Гарчи, мангу муҳаббат доди,
Гарчи, ҳижрон ману кетмайди.

Яшил осмон бунча сарринсан,
Кўксингда юлдуздай унсам, кўкарсам.
Ёғду териб сомон йўлидан
Икки дунё рўшнолик кўрсам.

Яшил осмон...
Ям-яшил осмон...

* * *

Бир дўстим бор эди,
Ғамим йўқ эди.
Беилож, беҳуда дамим йўқ эди.
Дўстим чораларни кафтда тутарди.
Андузим йўқ эди,
Камим йўқ эди.
Орзуларим аниқ кўкка учарди,
Уйласам, ўйимдан тоғлар кўчарди.
Совгалар жасунатсам кўксим ўтидан
Осмон эшикларин сўзсиз очарди.
Қанчалар бутун ва бисёр эдим,
Тонгларнинг исмига дўсту ёр эдим.
Битта зарб ва битта ихтиёр ила
Истасам, энг ва энг бахтиёр эдим.
Ўзидан ҳам кўпроқ менга сўрарди,
Оқмаган дарёсин менда кўрарди.
Менам заррасини тўтиё қилсам
Фалак тоқларида учиб юрарди.
Бир дўстим бор эди,
Бағрим бут эди.
Қушлар орасида шоҳ бургут эдим,
Ишонинг, лашкарим минг-минг лак эди.
Ҳар қандай бўронда ўчмас ўт эдим.
Она-ма,
Она-ма, онам бор эди...
Бир дўстим бор эди, бисёр эдим...

* * *

Ёруғ тушларимга суяниб турдим,
Тонгларнинг кўзига боқдим мунаввар.
Кўёшини гул билан кутиб ўлтирдим,
Оптоқ ҳисларимни чорладим такрор.

Беёзук, беғуноҳ гўдакдек гулгун
Мусаффо рангларга ўрангим келди.
Дунё кўзларинга тик боқиб бузун
Ҳақиқат ҳақида сўрагим келди.


Узлуксиз маҳв этдим ўзимни-ўзим,
Йўлларда ютқаздим ҲАҚ ҳисларимни.
Эргашиб келмоқда ортимдан изим,
Бабурдлар сугурди илдизларимни.

Ишонмоқ истадим, ёнмоқ истадим,
Бир лаҳза қўнглимга қўнмоқ истадим.
“Ишонмогим учун одам зотиға”,
Юрагинг қонига қонмоқ истадим.

Сарсон оҳангларнинг кир соясида
Мен яна аёллик қилдим, қизидим.
Кўзларингнинг шаффоф ҳур қоясида,
Тўзидим саҳрода, қумдай тўзидим.

Ёлгон туйғуларнинг номсиз шонида
Қанчалар умримни ёқмоқ истадим.
Гулхан ҳисларингнинг қаҳқашонида
Бунчалар ўзимни беҳуд қистадим?

Ёруғ тушларимга суяниб турдим,
Тонгларнинг кўзига боқдим мунаввар...



БАРҲАЁТ МЕРОС



ГЕГЕЛЬ

(1770-1831)

Немис файласуфи, илоҳиётшунослик фанлари номзоди.

Файласуфнинг “Эстетика”, “Тарихи фалсафаси”, “Мантиқ илми”, “Ҳуқуқ фалсафаси” номли асарлари машҳур.

ЭСТЕТИКА

Идеалнинг муайянлиги*

Идеални умумий тушунча тарафидан қараб чиққанимизда биз учун уни тушуниш анча қулайроқ бўлган эди. Бироқ идея сифатидаги бадий гўзаллик ўзининг умумий тушунчаси билан чекланиб қолмайди, шу билан бирга, унга ботиний муайянлик ва хусусий кўриниш бахш этади, воқеликда гавдаланади, чегараларини тарқ этади. Бу ерда идеалнинг ўз характерига кўра ташқи ва чекли, яъни ноидеал ҳодисаларга айланиши ва бошқа томондан, қандай қилиб чекли мавжудлик санъат гўзаллигининг идеал шаклига кириши мумкин, деган савол пайдо бўлади.

Шу жиҳатдан биз қуйидаги масалаларни кўриб чиқишимиз керак:

Биринчидан, идеалнинг муайянлиги;

Иккинчидан, тараққиёт давомида ўзининг алоҳида моментларини ботинан табақалаштирувчи ва уни амалга оширувчи муайянлик. Уни биз, умуман, хатти-ҳаракат тарзида ҳам белгилаб олишимиз мумкин;

Учинчидан, идеалнинг зоҳирий (ташқи) муқаррарлиги.

1. Идеалнинг муайянлиги

1. Бирлик ва умумийлик сифатидаги илоҳий ибтидоий асос. Юқорида кўрдикки, санъат, энг аввало, ўз тасвирлари учун илоҳий ибтидоий асос қилиб олиши лозим. Бироқ илоҳийлик ўзи учун бирлик ва умумийлик сифатида фақат тафаккурга англашилари дир, қандайдир ўз-ўзича маънисизлик эса бадий фантазиянинг предмети бўла олмайди. Яққолроқ мушоҳада қилиш мақсадида Худонинг ҳиссийлик чегарасидан четга чиқмаган образини чизиб яхудий ва мусулмонларга ман қилинади. Бу ерда жонли ва конкрет образлар орқали ифодаланишга эҳтиёжманд бўлган тасвирий санъатга ўрин берилмайди ва фақат лирика Худога мурожаат қилиб, унинг қудрати ва улғворлигига ҳамду сано ўқиши мумкин.

2. Илоҳий ибтидоий асос – маъбудлар давраси. Бошқа томондан, бирлик ва умумийлик сифатидаги илоҳийлик жиддий муайянликка ҳам эга. Абстрактлашувдан холи

* Давоми. Бошланиши олдинги сонларда.

бўлган илоҳийлик образлар дунёси ва мушоҳадалар оламида ўзини қандайдир намоеъ этиди. Фантазия орқали илоҳий ибтидонини тушуниш, муайян образларда уни гавдалантириш мақсадида муайянликнинг ранг-баранг шакллари юзага келади ва айна шу ерда идеал санъатга замин қўйилади.

Чунки, биринчидан, ягона илоҳий субстанция юнон санъатидаги политеизмга ўхшаб мустақил, эркин маъбудларга ажралиб, бўлиниб кетади; насронийлар тасаввурдаги Худо эса ўзининг ботинан соф маънавий яхлитлиги билан дунёвий ва табиий муҳитда умр кечирувчи чин инсоний қиёфа касб этади. Иккинчидан, илоҳий ибтидоий асос ўз муайян воқелиги ва умуман фаолияти билан инсон ақли, ҳис-туйғуси, эрки ва хатти-ҳаракати га сингиб кетади ва юзага чиқади. Бас, шундай экан, идеал санъатнинг энг муносиб мавзусини тўлақонли илоҳий руҳият билан яшовчи табаррук ва жафокаш, дарвишнамо ва тақводдор одамлар ташкил қилиши мумкин. Бинобарин, илоҳий ибтидоий асос алоҳида ҳолда оддий дунёвий тус олади ва, учинчидан, шу йўл билан инсоний борлиқнинг ўзига хос муҳим белгиларини, инсон қалбини ўта тўлқинлантирувчи кучлар таъсирини намоеъ қилади, ҳар қандай ҳис-туйғу ва эҳтирос, ҳар қандай теран диққат-эътибор, яъни конкрет ҳаётийлик санъатнинг бутун жонли материални ташкил этадики, оқибатда идеал унинг тасвири ва ифодасига айланади.

Ақсинча, ботинан соф рух сифатидаги илоҳий ибтидоий асос фақат фаол фикрловчи ақл предметини қарор топтиради. Фаолиятда моддий тус олувчи рух инсон қалби билан уйғунлашиб, санъатнинг моҳиятини ташкил қилади. Шунга қарамай, бу ерда хусусий манфаат ва интилишлар, муайян характерлар, уларнинг турли кўриниш ва ҳолатлари, умуман ташқи шароитлар билан қоришиш юз беради, шунинг учун бундай муайянлик билан идеаллик ўртасидаги алоқадорликни тавсифлашга эҳтиёж туғилади.

3. Идеалнинг барқарорлиги. Илгари айтиб ўтганимиздек, идеалнинг олий мусоф-фолиги бу ерда ҳам фақат тақводдор, дунёвий, у билан бевосита боғланмаган шодиёна осойишталикдан мамнун, кураш ва зиддиятлардан холи ҳодисалар хуружидан озор чекмаган маъбудлар, Исо Масих, ҳаворий ва ҳудожўйларнинг тасвири юзага келишида кўзга ташланиб туради. Шу маънода ҳайкалтарошлик билан рассомлик яқма маъбудлар, айниқса, халоскор Исо Масих, ҳаворий ва тақводдорларнинг идеал образини кашф этади.

Бу ерда ҳақиқат ўз чегарасидан оғиш ва унинг чексизлик шартларини бузиш эмас, балки фақат ўзи билан ўзи мутаносиблашувчи борлиқ орқали тасвирланади. Бу ўзи-ўзида пайвастанувчи тасвир алоҳида белгилардан холи бўлмаса-да, ўзаро номувофий хусусий моментлар бундай зоҳирий ва чекил мавжудликда поклик ва оддий муқаррарлик касб этади, айна пайтда мутлақ ташқи куч ва ташқи шарт-шароит таъсирдан ҳам холи бўлолмайди.

Масалан, ҳатто Гераклнинг тасвирида ҳам идеаллиқни ўз муайянлиги билан шундай сусткашлик, шундай абадий соқинлик, шундай осойишталик ташкил этади. Маъбудлар ҳатто ташқи ҳодисаларга аралашган таъдирда ҳам бу ерда ўзларининг дахлсиз буюклигини сақлаб қолиши керак. Масалан, Юпитер, Юнона, Аполлон, Марснинг фаолияти ташқи оламга йўналтирилган бўлишига қарамай, бошқанин ўзларида эркин турғун кучларни гавдалантиради. Асосий гап идеалнинг муайян чегараларида алоҳида белгиларнинг юзага келишида эмас, шу билан бирга, бундай эркинлик орқали ўз-ўзича маънавий эркинликнинг яхлит намоеъ бўлиши, хусусий белгиларнинг тўлақонли имкониятларини кўрсатишдан иборатдир.

Субстанционал мазмуннинг қуйи, дунёвий ва инсоний борлиқда ибтидоий асоснинг куч-қудратига чулганган субъектив хусусий белгилари инсонни фавқуллода ўзига буйсундиришда ҳам идеал намоеъ бўлади. Шунга кўра, ҳис-туйғу ва хатти-ҳаракатларнинг хусусий жиҳатлари тасодифдан холи бўлади, айна пайтда уларнинг ботиний ҳақиқати га мос келувчи конкрет белгилар юзага чиқади. Инсон қалбидаги олижаноблик, улғуворлик ва мукамаллик субъект ахлоқий куч-қудратининг ифодаси – маънавий асос ва илоҳийликнинг ҳақиқий субстанциясини намоеъ қилади. Шунинг учун ботиний эҳтиёжларини қондиришда инсон фақат мана шу субстанционал ибтидоий асосга ўзининг жонли фаолияти, ирода кучи ва манфаати, эҳтироси ва шу кабиларни бахшида этади.

Бироқ идеалда руҳнинг муайянлиги ва униг ташқи ҳодисалари алоҳида маҳдудланиб қолишига қарамай, тараққиёт ва шу тариқа қарама-қаршиликларнинг тафовут ҳамда курашлари билан борлиқнинг алоҳидалик принциплари бевосита боғланиб кетади.

Бу нарса идеалнинг ботинан табақалашган муайянлигини ривожланувчи жараён сифатида қараб чиқишни тақозо қилади. Биз эса умуман бу муайянликни хатти-ҳаракат тарзида белгила олишимиз мумкин.

II. Хатти-ҳаракат

Муайянлик, идеалнинг характерига кўра, осмон руҳларининг поклиги ва маъсумлиги, ҳар қандай фаолиятдан холи сукунат, ўз ҳолича ихтиёрий кўним топган кучларнинг

қудрати, шунингдек, ибтидоий асоснинг қатъияти ва мукамаллигига хос нарсадир. Бироқ ҳар қандай ботинийлик ва маънавийлик фақат фаол ҳаракат ва ривожланиш тарзида рўй беради, лекин бирёқламалик ва боши қовушмаганлик йўқ жойда бундай ривожланиш юзага чиқмайди. Ўз хусусиятидан келиб чиқиб иш тутувчи тўлақонли, яхлит руҳ ҳар томон тарқалиб, сукунати тарқ этади, дунёвий борлиққа киради ва ўзини ўзига зид қўяди. Бундай бўлиниш оқибатида энди у бевосита чеклилик билан боғлиқ ночорлик ва мусибатдан ҳам холи бўлолмайди.

Бу оламда ҳатто политестик динларнинг боқий илоҳлари ҳам абадий эмас. Улар турли йўналишлар яратиши, мазҳаблар тузиши, зиддиятли манфаатлар ва интилишлар исканжасида ўзаро кураш олиб бориши ва тақдирга тан бериши лозим. Таҳқирловчи бундай азоб-укубат, руҳий азобланиш ва шармандали ўлимдан ҳатто насроний илоҳи ҳам қутила олмади ва у "О, илоҳим, о, илоҳим! Мени нега ёлғиз қолдирдинг?" дея хитоб қилишга мажбур. Ҳолбуки, унинг онаизори озмунча руҳий азоблар тортмади, дейсиз, умуман инсон ҳаёти нифоқлар, кураш ва ғам-ғуссалардан иборат. Чунки улугворлик билан куч-қудратнинг ҳақиқий мезони руҳнинг ўз ботиний бирлигига қайтишида, у бартараф этувчи зиддиятларнинг салобат ва шиддатига боғлиқдир. Унинг ранг-баранг реал муҳитга кириши, енгилмас қарама-қаршилиқларга дуч келиши билан субъективлиқнинг ғайрат-шижоати ва теранлиги ботинан намоён бўлади. Идеянинг куч-қудрати, идеаллик таъсири айни мана шу ўз-ўзини юзага чиқаришда офода топади, бинобарин, ўзликни инкорий тарзда сақлаб қолиш куч-қудрат манбаини ташкил қилади.

Идеалнинг бундай ривожланиш асосидаги конкретлашуви хусусийлик тарзида юзага чиқади, лекин идеаллиқни гавдалантириш, реаллик билан тушунчанинг эркин мувофиқлашуви ўрнига бу олам қутилмаган ҳодисаларга ҳам дуч келиши мумкин. Ташқи оламга биз идеалнинг бу муносабатини кўриб чиқишда муайянликнинг бу ерда қай даражада идеаллиги ёки идеаллиқнинг бевосита гавдаланиш даражаси ёки унинг қандайдир маънода айни шундай намоён бўлишга қодирлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Шу маънода уч муҳим жиҳат батафсил қараб чиқилмоғи лозим.

Биринчидан, индивидуал ҳаракат ва унинг асосида турувчи оламнинг умумий ҳолати; Иккинчидан, хатти-ҳаракатта олиб келадиган тартибсизлик билан кескинлиқнинг субстанционал бирлик ҳолати, муайянликнинг ўзига ҳослиги, яъни ситуация ва унинг конфликтлари;

Учинчидан, субъективлик ва руҳий таъсирланиш (реакция) оқибатида тўқнашув ва конфликтларни юзага келтирадиган ситуация, аниқроғи, хатти-ҳаракатни тушуниш.

1. Оламнинг умумий ҳолати. Идеал субъективлик хатти-ҳаракат, умуман ўзгариш, фаол жонли субъект тарзида ўз мазмунини рўёбга чиқариши лозим, шунинг учун ўзини кўрсатишда теварак олам воқелигига нисбатан зарурият сезади. Шу муносабат билан ҳолат тўғрисида сўз борганда, маънавий воқелиқнинг барча ҳодисаларини бирлаштирувчи субстанционал ибтидоий асоснинг умумий характери назарда тутилиши лозим. Шу маънода, масалан, таълим, фан, диний туйғу, шунингдек, молия, кemasozlik, оилавий ҳаёт кабиларнинг ҳолати тўғрисида гапириш мумкин. Лекин буларнинг барчаси воқелиқда фақат битта руҳ, фақат битта мазмунни тажассум этувчи ва рўёбга чиқарувчи шаклларни ташкил қилади.

Модомики, бу ерда ҳолат оламнинг маънавий мавжудлик усули тариқасида тушунилар экан, уни фақат эркинлик тарафидан қараб чиқиш лозим бўлади. Чунки руҳ эркинлик орқали юзага чиқади ва воқелиқнинг субстанционал алоқалари билан бевосита боғланган ироданинг фаолият характери, ахлоқийлик, қонун яратиш тушунчасининг намоён бўлишида ва биз умуман адолатпарварлик, деб атаган жами нарсаларда кўзга ташланади. Шундай экан, бу умумий ҳолат идеаллиқнинг индивидуаллигига мувофиқ келиши учун қандай бўлиши керак, деган масала келиб чиқади.

а) Индивидуал эркинлик: қаҳрамонлар асри. Юқоридагиларга асосланиб, давтавал куйидаги ҳолатларни белгилаб олишимиз зарур.

Идеал ботиний бирлик расмий ва зоҳирий эмас, балки мазмуннинг ботиний сабабий бирлигидан иборатдир. Юқорида биз бу ягона ботиний субстанционал мустақиллиқни идеалнинг ўз-ўзича қобиллиги, осудалиги ва роҳат-фароғати, деб атаган эдик. Тушунганимиз даражасида бу хоссани энди эркинлик тариқасида белгилаб оламиз ҳамда унинг идеал образни оламнинг умумий ҳолатида эркин гавдалантиришини талаб қиламиз.

"Эркинлик" икки хил маънога эга.

Аслида, субстанционаллик моҳият ҳамда бирламчи сабаб бўлганлиги учун одатда уни абсолют эркинлик деб атайдилар; биз ҳам бу субстанционал асосни илоҳийлик ва ўзига хос абсолютлик деб эътироф этишимиз лозим. Бироқ умуман шундай ва фақат субстанция сифатида қаралувчи эркин ибтидоий асос аслидаям субъектив бўлмай, ўзининг барқарор зиддиятлари билан конкрет индивидуал қиёфа орқали тўқнаш келади. Бироқ ҳар қандай қарама-қаршилиқда юз берганидек, бу зиддиятда ҳам ҳақиқат умуман эркинликни барҳам топтиради.

Шунингдек, расман бўлса-да, биз фақат ўз-ўзига ҳисобли в жиддий субъектив характери индивидни эркин деб аташга одатланганмиз. Афсуски, ҳақиқий ҳаётий мақсадлари бўлмаган субъект шундай қилиб, бу кучлар ва субстанцияларнинг барчаси, ундан ташқарида мустақил мавжуд бўлмайди, унинг ботиний мазмуни ташқи борлигига бегона бўлган бундай субъект ҳақиқий субстанционал ибтидоий асосга қарама-қарши, тўлақонли эркинликдан ва ўзига хосликдан маҳрумдир. Ҳақиқий эркинлик бу – индивидуаллик билан умумийлиكنинг уйғунлиги, уларнинг ўзаро мутаносиблашуви, бинобарин, умумийлик фақат алоҳидаликка конкретлашади, якка ва алоҳида субъект эса фақат умумийлик доирасида ўз асоси ва ҳақиқатини топади.

Шунинг учун оламнинг умумий ҳолатидан талаб қилинувчи эркинликнинг шакли бу ерда қуйидагича изоҳланиши лозим: субстанционал умумийлик бундай ҳолатда эркин бўлмоғи учун алоҳида субъектив шаклга кириши, онгимизда шаклланган тафаккур эса айниятни гавдалантиришнинг биринчи воситаси бўлиши лозим. Чунки тафаккур, бир томондан, субъектив, бошқа томондан, умумийликни ўз маҳсули сифатида тушунишнинг умумийлик билан субъективлиكنинг эркин бирлигидир. Бироқ санъат билан бадиий гўзалликда тафаккурга хос бўлган бу жиҳатлар умумий ҳолатни ташкил қилмайди. Бундан ташқари, ўз хатти-ҳаракати ва амалий ишлари билан алоҳида индивидуаллик кўзга ташланиб турганидек, табиатнинг қиёфа ва белгилари ҳам тафаккурнинг умумийлиги билан уйғунлашмайди, шундай экан, субъектнинг конкретлиги асосида фикрловчи моҳият бўлган субъект ўртасида нифоқлик юзага келади ёки келиши мумкин.

Умумийлиكنинг мазмуни ҳам ана шундай тафовутлар билан тавсифланади. Фикрловчи субъектларнинг барқарор реаллигидан чин ва ҳақиқий мазмун ташқарида қолса, оқибатда объектив воқеада умумийлик ўзидан бошқача воқеликдан ажралиб чиқади, турғунлиги ҳамда мавжудлиги билан унга таъсир ўтказиши. Бироқ субъективлиكنинг эркинлиги билан ихтиёрийлиги идеалга хос бўлиб, алоҳида индивидуаллик билан субстанционал асослар унда ўзаро қоришиб кетмоғи, субъективлик билан индивидуалликдан ташқарида ҳолат ва шарт-шароитлар эса муҳим объектив аҳамият касб этмаслиги лозим. Идеал индивид ботинан маҳдудланган бўлиши, объективлиги субъектларнинг индивидуаллигидан олган ҳолда юз бериши керак, чунки ақ ҳолда, субъект реал мавжудлик билан қиёс қилинганда, қандайдир кейинги ўринга суриб қўйилади.

Шу маънода умумийлик индивидда қандайдир унга хос мавжудлик сифатида, боз устига, субъектнинг фикрлари эмас, балки унинг характери ҳамда ҳиссиётига тегишли хоссалар сифатида гавдаланиши керак. Бошқача айтганда, умумийлик билан индивидуаллик ўртасида бирликни қарор топтирувчи восита ва тафовутларга зид ўлароқ табиийлиكنинг тафаккурга хос бўлган шакли талаб қилинади, шундай қилиб, зарурий эркинлик табиий мустақиллик касб этади.

Бироқ бундай эркинлик билан тасодиф ўзаро боғлангандир. Бинобарин, маънавий ҳаётга бутунлай синган умумийлик эркин индивидларнинг бевосита субъектив ҳиссиёти, табиий қобилиятлари тарзида намоён бўлса, шаклланишида бундан ўзгача кўринишга эга бўлмаса, бу нарса ирода билан амалиётнинг тасодифийлигини кўрсатади. Умумийлик бундай ҳолда ўша индивидларнинг ўзига хос фазилати, ақлий қизиқишларидан ташкил топади ва шахсий ютуқ сифатида уларнинг ўз-ўзига йўл топишида куч ва зарурий саналмайди. Бу ерда умумийлик субъектнинг ёлғиз ўз-ўзи, ҳиссиёти, иқтидори ва қобилияти, куч-салоҳияти, устамонлиги, малакаларига суянувчи талабларни адо этиши, ҳал қилиши ёки улардан ихтиёрий воз кечиш тарзида кўзга ташланади; лекин бу нарса ўзи учун қатъий белгиланган умумий йўл билан амалга оширилмайди.

Тасодифларнинг бу турлари биз идеал манбаи ва унинг гавдаланишида талаб этувчи ҳолатнинг муҳим жиҳатларини ташкил этади.

Санъат учун энг қулай бўлган воқеликнинг характери янада аниқроқ гавдаланиши учун биз борлиқнинг қарама-қарши усулига назар ташлаб кўрайлик.

Бу усул тажрибада ахлоқий тушунча, адолат ва унинг мақсадга мунофиқлиги эркинлик тарзида қонуний ишлаб чиқилган жойда амал қилади, ташқи олам бунда руҳ ва характернинг қонуний индивидуал белги ва субъектив хусусиятларига боглик бўлмайди, балки ботинан ўзгармас заруриятни гавдалантиради. Бу нарса кишиларнинг турмуш тарзи уларнинг давлат тушунчасига мос ҳаётий фаолиятида намоён бўлади, ваҳоланки, кишиларнинг ҳар қандай ижтимоий иттифоққа бирлашуви, ҳар қандай патрархал бирлик ҳали давлат эмасдир. Ҳақиқий давлатда эркинликнинг умумақлга мувофиқлигини эса қонунлар, урф-одатлар, ҳуқуқлар ташкил этади, шу умумийлик орқали улар таъсир кўрсатади, аксинча, характернинг ихтиёрий ҳамда хусусий белгилари тасодифлардан ҳолидир. Онг, белгилаб олинганидек, тартиб ва қонунларни умумийлик тарзида мустақил, қатъий тартибларга мос зоҳирий воқеликка айлантиради, бордию индивидлар қонунга бўйсунмасалар бошбошдоқлик қилсалар, улар устидан очиқчасига зўравонлик ўрнатишга тўғри келади.

Бундай ҳолатда ақлнинг амалдаги қоидалари билан ахлоқ ҳамда адолатнинг субстанционал, жиддий мазмуни индивидларнинг фақат ҳиссий ва ақлий интилишлари билан юзага чикувчи ва бевосита амал қилувчи ҳаёт ўртасида аниқ чегара бўлишини назарда тутлади. Давлат ривожланган шароитда ҳуқуқ билан адолат, шунингдек, дин билан фан ёки ҳеч бўлмаганда, диний ва илмий тарбияни уюштириш умумхалқ ҳокимияти ишига айланади.

Алоҳида индивидларнинг давлат миқёсидаги мавқеи уларнинг бундай қоидалар билан бевосита алоқада бўлиши ва уларга бўйсунушини талаб қилади, шундай экан, индивидлар ўз характери ва маънавий тузилмалари билан энди ахлоқий кучларнинг ягона борлигини ташкил қилмайди. Аксинча, субъектив фикр, мулоҳаза ва ҳиссиётнинг айри хусусиятлари рисоладаги давлатлардаги сингари қонунлар билан бошқарилиши ва уларга мувофиқлаштирилиши лозим бўлади.

Давлатнинг субъектив ўзбошимчалиқдан холи бўлган бундай объектив ақлга мувофиқлик билан бирлашуви ё умумэтироф этилган ва шунчаки қудратли ҳуқуқ, қонун, муассасалар зўравонлигига бўйсунуш ёки борлиқнинг эркинлиги ва ақлга мувофиқлигидан келиб чиқади, шундай қилиб, субъект объектив оламда яна ўз ўрнини топади. Бироқ алоҳида индивидлар бу сўнгги ҳолатда ҳам объектив олам билан ўзаро алоқада бўлади ва ботинан давлат фаолиятдан ташқарида мустақил субстанционаллик бўла олмайд.

Субстанционаллик энди у ёки бу индивиднинг фақат ҳусусий фазилатлари ифодаси бўлиб қолмайди, балки алоҳида мавжудлик тарзида ўзининг энг кичик зарраси қадар умумий ва зарурий жиҳатдан ривож топади. Якка шахслар умумманфаат ва ривожланиш йўлида қанча ҳуқуқий, ахлоқий, қонуний ишларни амалга оширмасинлар, уларнинг эркинлиги ва муваффақиятлари ўзлари янглиғ аҳамиятсиз ва ўткинчи, айримлик тарикасидаги хатти-ҳаракатлари эса якка ҳодисани англатади, холос.

Ҳуқуқ билан адолат алоҳида шахсларнинг хоҳиш-истакларига мутлақ боғлиқ эмас, ҳуқуқ ўз кучига таяниб шахсларнинг ниятларига зид амалга оширилиши ҳам мумкин. Тўғри, ҳамма учун умумий бу мажбурий қоидалар алоҳида шахсларнинг шундай фаолият курсатишидан манфаатдор, бироқ ҳуқуқ билан ахлоқ индивидлар келишувчанлиги оқибатида ўз таъсир кучини йўқотиб қўйиши ҳам мумкин. Умумий тартиблар алоҳида шахслар томонидан қўллаб-қувватланишга муҳтож эмас ва улар қоидалар бузилганда кишиларни жазолаш учун куч ҳам, имкон ҳам топа олади.

Нихоят, ривожланган давлатларда якка шахслар тобелиги яна шунда қўринадик, алоҳида ҳар бир индивид бир бутун яхлит фаолиятга фақат муайян ва чекли даражада улуш қўша олади. Савдо-саноат соҳаларида рисоладаги давлатда юз берганидек, фуқаролик жамиятида умум фойдасига ишлаш гоят ранг-баранг шаклларда амалга оширилади, шундай экан, давлат моҳиятан якка индивиднинг конкрет хатти-ҳаракатига эмас, умуман алоҳида шахс ўзбошимчалиги, зўравонлиги, жасорати, мардлиги, куч-қудрати ва фаҳму фаросатига ҳам асосланиб қолмаслиги лозим.

Давлат ҳаётини ташкил этиш билан боғлиқ зарурий ишлар ва фаолиятлар шу даражадаги сон-саноксиз шахслар гарданига юклаб қўйилиши лозим. Масалан, жиноятчи-ни жазолаш эндиликда у ёки бу шахснинг индивидуал қаҳрамонлиги ва олижаноблиги эмас, аксинча, турли-туман ҳолатлар, фактларни тергов қилиш ва мантиқий баҳолаш, суд ҳукми ва унинг ижроси кабилар билан боғлангандир. Боз устига, яна бу асосий моментларнинг ўз навбатида ихтисослик билан боғлиқ томонлари ҳам мавжудки, уни амалга оширувчилар фақат конкрет ҳолатлар билан шуғулланади. Қонунлар ижроси алоҳида шахсга боғлиқ бўлмайди, балки кўп қиррали ҳамкорлик маҳсулидир. Бундан ташқари, ҳар бир алоҳида шахс фаолиятида фойдаланиши зарур бўлган муҳим моментлар белгилаб қўйилади, бу фаолият, ўз навбатида, олий ҳокимият томонидан баҳоланади ва назорат остига олинади.

Ҳуқуқий давлатда бундай муносабатлар доирасида оммавий ҳокимият ўз индивидуаллигини йўқотади. Уларда ўз яхлитлиги билан бир бутунлик сифатидаги умумийлик қандайдир индивидуал ҳаётни истисно қилувчи ёки иккинчи даражали ва эътиборсиз нарса тарикасида асосий ўрин эгаллайди. Биз бундай ҳолатда ўзимиз истаган эркинликка эриша олмаيمиз. Шу боис ахлоқнинг кучи фақат ўз шахсий эрки, куч-қудрати ва характери билан ўз муҳитидан устувор турувчи эркин индивидуаллик шаклланишида зидиятларни келтириб чиқаришини талаб қиламиз. Адолат амалдаги ахлоқ қоидаларини бузадиган бўлса, шахсий ишга айланади ва уларни жавобгарликка тортувчи ҳамда жазолловчи оммавий ҳокимиятга эҳтиёж сезилмайди. Ўзига хос жонли характерлар, ташқи тасодифий шарт-шароитлар ва шу кабилар фақат индивидуал қўриниш олиб, бунда ўзини шундай гавдалантирувчи ботиний зарурият ҳуқуқи амал қилади.

Жазо айна шу жиҳати билан қасосдан фарқ қилади. Қонуний жазо ҳуқуқни умуман ва қатъиян жиноятга қарама-қарши қўяди ва ўзини оммавий ҳокимият органлари, жазолашнинг тасодифий элементлари – суд ва судьялар фаолиятида умумий меъёрлар би-

лан амалга оширади. Ўз-ўзича ўч олиш адолатли бўлиши мумкин, лекин у фақат ҳуқуқи топталганлар ўрнини босувчиларнинг субъектив иродасига суянади, кўпинча улар қалб ва ақл даъвати ҳуқуқидан фойдаланади, адолатсизлик учун ўч олади. Масалан, Орестнинг¹ қасд олиши адолатли эди, лекин уни суд ҳукми ва қонуний йўл билан эмас, балки фақат шахсий саховатпешалиги билан амалга оширади.

Биз бадиий тасвирдан талаб этувчи бундай ҳолатда ахлоқ билан адолат индивидларга фавқулодда боғлиқлигини, уларда жонли ҳамда ахлоқий тус олиши билан ўз индивидуаллигини сақлаб қолиши лозим. Яна шуни эслатамизки, четдан қараганда тартиб-интизом яхши йўлга қўйилган мамлакатларда инсоннинг ташқи борлиги дахлсиз бўлади, мулки муҳофаза қилинади, фақат субъектив кайфият унинг ўзиники ва ўзига тегишли бўлади. Ҳали давлат мавжуд бўлмаган шароитда эса ҳар бир индивид ўз ҳаётини ва мулкни бир ўзи таъминлайди, бойликлари ва уларни муҳофаза қилишда фақат ўзининг куч-имконияти ва жасурлигига суяниб иш кўради.

Биз бундай ҳолатлар қаҳрамонлар асрига хос, деб ҳисоблаймиз. Ривожланган давлат ҳаётими ёки қаҳрамонлар асрими, ҳозир бу икки ҳолатдан қай бирининг афзаллигини изоҳлашнинг мавриди эмас. Биз бу ерда фақат санъат идеали ҳақида бош қотиришимиз, маънавий борлиқнинг бошқа ҳодисаларида умумийликнинг индивидуалликдан бундай узоқлашуви қанча зарур бўлса-да, санъатда юқоридагидек гавдаланмаслигини ҳам таъкидлашимиз керак. Чунки ўз шаклланиши билан санъат ва унинг идеали мушоҳадага мўлжалланган умумийликни гавдалантиради ва шу боис уларнинг бутун ҳаёти хусусий ҳодисалар билан узвий боғлиқлик кетган бўлади.

Бу нарса қаҳрамонлар асри деб аталган, юнончасига ахлоқий хатти-ҳаракат асослаб берилган пайтда амалга оширилади. Шу маънода бу ерда биз юнонча “ахлоқийлик” билан римча “эзуг иш” сўзларини бир-биридан фарқлашимиз лозим. Римликлар ўз шахарлари ва муассасаларига жуда қадимдан бошлаб қонуний эгалик қилишган ва умумий мақсад сифатидаги давлат олдида шахсий интилишларидан воз кечиши лозим бўлган. Ўз шахсий субъективлигини фақат абстракт римлик бўлиш билан, фақат рим давлатчилиги билан, ватанининг буюклиги ва қудрати билан бирга тўлақонли тажассум этиш римликларнинг эзгулик пафоси ва фазилатлари саналган.

Қаҳрамонлар эса бутун ташвишларни ўз характеридан келиб чиқиб эркинлик ва ирода ҳукми ила ўз зиммасига олган индивидлар бўлишган, эркинлик билан ҳақиқат уларнинг индивидуал ихтиёрийлигини намоён этган. Юнонларнинг саховатли ишларида субстанционал асос билан индивидуал интилиш, майл, ирода табиий бирликини ташкил этган, шундай экан, бу индивидуал ўзлик мустақил тартиб, қарор ва ҳукмга бўйсунмас қонун ҳисобланган. Масалан, юнон қаҳрамонлари ё қонунлар бўлмаган даврларда фаолият кўрсатишган ёки уларнинг ўзлари давлатнинг асосчилари бўлишган, наинки улар яратган ҳуқуқ ва тартиб, қонун ва одоб қоидаларини бажариш индивидуал иш саналган.

Қадимги юнонлар Геракл²ни шундай қаҳрамон сифатида мадҳ қилган ва у қаҳрамонликнинг ибтидоий идеали бўлган. Унинг адолатсизликка қарши шахсий эркини уйғотган, одам ҳамда ҳайвон қиёфасидаги мудҳишликка қарши курашга даъват этган хислатлар ўз даврининг умумқадрияти эмас, балки фақат унинг ўзига хос фавқулодда фазилатлар эди. Шунга қарамай, бир кечада Теспей³нинг элликта қизи Гераклдан бирданига ҳомиладор бўлиши унинг кўпма ибратли қаҳрамон бўлолмаслигини кўрсатади. Шунингдек, агар Авгий⁴ отхонасини ёдга олсак, Геракл аристократлардек назокатли ҳам бўлган эмас, аксинча, ўз эрки ва иродасини чексиз қийноқ ҳамда заҳматларга гирифтор этган, ҳақиқат ва адолатни ҳимоя қилган фавқулодда мустақил куч-қудратнинг тимсоли бўлган. Тўғри, у ўзининг баъзи жасоратларини Еврисфей⁵га хизмат қилган даврда ва унинг буйруғи билан амалга оширган, бироқ бу тобелик фақат қатъий қонун ва қоидаларга асосланмаган абстракт алоқадорликни эмас, балки унда индивид сифатидаги мустақил ҳаракатчан кучларни бартараф этувчи тўсиқни англайди.

Гомер қаҳрамонлари ҳам худди шундай эди. Олий дохийлари умумий ҳисса-да, уларнинг иттифоқи аввалдан қонунарни ва бевосита уларга бўйсунувчи муносабатларни англамаган. Улар ҳозир биз билган маънода монарх бўлмаган Агамемнон⁶ ортидан ўз ихтиёри билан эргашади; ҳар бир қаҳрамон унга ўз-ўзича ақл ўргатмоқчи бўлади, ниҳоят, ғазабланган Ахилл бутунлай Агамемнондан узоқлашади, аслида-ку, улар бир-бири би-

¹ Орест – Эсхилнинг “Орестея” ва “Эвменидлар”, Эврипиднинг “Ифигения” трагедиялари қаҳрамони – тарж.

² Геракл (Геркулес) – қадимги мифология қаҳрамони.

³ Қадимги юнон мифологиясидан.

⁴ Юнонистон подшоҳи Авгийнинг 30 йил тозаланмаган отхоналари ҳақидаги афсонага ишора – тарж.

⁵ Еврисфей – қадимги юнон мифологияси образи – тарж.

⁶ Агамемнон – қадимги юнон мифологияси қаҳрамони.

лан яқинлашиб ҳам, узоқлашиб ҳам кетмайди, улар Агамемнон истаса, ўзаро кураш тушишларини тўхтатишга рози бўлади. Қадимги араб поэзияси, шунингдек, Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асаригада паҳлавонлар ҳам қатъий тартибларга бутунлай бош эгмаган ва бу тартибларнинг заррачасига айланиб қолмаган иродали қахрамонлар эди.

Лен муносабатлари билан рицарлик христиан Фарбида ҳам эркин қахрамонлик билан ўзига ишонган индивидуаллик асосини ташкил қилган. Агамемнон атрофидагилар сингари, буюк Карл⁷ хузурида уюшган “юмалок стол” рицарлари, шунингдек, қахрамонлар эркин баҳодирлар бўлишган ва буюк Карл уларни бир хилда жиддий назорат қилмаган: вассаллар ҳатто шовқин-сурон кўтарганда ҳам улар билан доимо бамаслаҳат иш кўрган, инжиқлиги ва эҳтирослари, шунингдек, уни бутун корхоналари билан ташлаб кетганларида ҳам, ташвиш ва таваккалчилик йўлида қалтис саргузаштларга берилганини кузатганда ҳам ўзини хотиржам тутган, ҳеч бўлмаганда, Олимпдаги Юпитерга ўхшаб бақир-чақир қилмаган ва норозилик билдирмаган.

Биз йўлбошчи билан рицарлар ўртасидаги бундай муносабатнинг мукамал намунасини Сид образида кўришимиз мумкин. Иттифоқ аъзоси сифатида қиролга тобе бўлган Сид вассалликни сидқидилдан бажо келтиради, лекин бу иттифоққа унинг шахсий иззат-нафси, улугворлиги, олижаноблиги ва шон-шўхрати бутунлай қарама-қарши эди. Бу ерда қирол фақат вассаллар билан келишиб ва уларнинг розилигини олиб адолат ўрнатиши, қарорлар қабул қилиши, уруш олиб бориши мумкин эди. Акс ҳолда, вассаллар қирол билан талашиб-тортишиб ўтирмасди, ўзлари билганча мустақил иш туттилар эди. Сарацинлик паҳлавонлар фаолиятида ҳам ўжарликнинг шундай кўринишларини учратиш мумкин. Ҳатто “Рейнике-Лис”⁸да ҳам бундай ҳолатлар кўзга ташланади. Тўғри, шер – шоҳ ва султон, бироқ кенгашда хоҳласа бўри, айиқ ва бошқалар алоҳида мажлис чиқаришади. Ўзларича Рейнике ва бошқалар мустақил иш туттиларди, лекин унга нисбатан масала шикоятга айланса, фирибгарлик макр тўла ёлғонга айланади ёки шоҳ билан маликани ўз тарафида ағдариш учун жиддий ҳаракат қилган.

Субъект жамиятнинг қахрамонлик ҳолатида ўз эрки, хатти-ҳаракати ва қилмишига жавобгарлиқни ўз бўйнига олади. Биз-чи, биз, ўзимиз ҳаракат қилсак ёки бошқалар фаолиятига баҳо берадиган бўлсак, индивиддан ўз қилмиш-қидирмишига жавоб беришни талаб қиламиз. Агар фаолият мазмундан ўзгачароқ бўлиб, объектив шарт-шароитлар индивид ўйлагандан бошқача хусусиятларни гавдалантирса, замонавий инсон бутун қилгуши учун жавобгарлиқни ўз бўйнига олмайди. Шароитни билмаслик ёки уни нотўғри тушуниш натижасида фаолиятнинг айрим соҳаларида қутилмаган оқибатлар учун индивид масъулиятни ўзидан соқит қилади, фақат аниқ ва билиб қилган ишлари учун жавоб беради.

Бундай чегараланишга эса қахрамонлик характери йўл қўймайди, аксинча, у бутун индивидуал борлиги билан ўз хатти-ҳаракатига жавоб беради. Эдип⁹ бунга мисол бўлиши мумкин. Худонинг хоҳиш-иродасидан каромат ва башорат қилувчи қоҳин яшовчи ибодатхона томон бораётиб, Эдип йўлда қандайдир бир одамни учратиб қолади, ўртада рўй берган аризмас жанжал оқибатида уни уриб ўлдирди. Олишув пайтида бу хатти-ҳаракат жиноят эмасди: Чунки Эдип ўлдирган кимса унга зўравонлик қилмоқчи бўлганди. Афсуски, Эдип ўлдирган одам унинг ўз отаси эди. Воқеалар ривож топиб оқибатда Эдип шохойимга уйланади, тақдирни қарангки, шохойим унинг онаси бўлиб чиқади. Ўз отасини ўлдиришни ва онасига уйланишни мутлақо ҳаёлга ҳам келтирмаган, олдиндан мудҳиш жиноятга қўл ураётганини сезмаган Эдип, барибир, гуноҳи учун жавобгарлиқни бўйнига олади, отасининг қотили ва онасига уйланган бахтсиз инсон сифатида ўзини қаттиқ жазолайди. Мустақил, кучли ва тўлақонли қахрамонона характер ҳеч қачон бировга айбни ағдармайди ва субъектив ниятларнинг объектив хатти-ҳаракат ҳамда уларнинг оқибатларига мутлақ зид эканлигини англамайди, бизнинг замонамизда эса ҳар қандай хатти-ҳаракат чигал ва мураккаб муносабатлар исканжасида рўй берадики, оқибатда ҳеч ким айбни ўзига олишни истамайди, аксинча, бошқаларга тўнкаш, имкон қадар уни ўзидан соқит қилишга интилади. Модомики, субъектив томон, эзгу ишни рўёбга чиқарувчи шарт-шароитдан бохабарлик ва эзгуликка ишонч-эътиқод, шунингдек, ботиний хатти-ҳаракатнинг мақсадлари ахлоқда асосий роль ўйнар экан, шу маънода бизнинг қарашларимиз ахлоқийроқдир. Бироқ қахрамонлар асрида индивид моҳиятан объектив оламга суяниб иш тутади, ундан ажралмайди, у билан яхлит бир бутунлиқни ташкил этади, шу боис қилмиши учун масъулиятни чуқур ҳис этади, ўзини барча ҳодисаларнинг ягона айбдори, дея ҳисоблайди.

⁷ Буюк Карл – Корнелнинг “Сид” трагедияси қахрамони.

⁸ “Рейнике-Лис” – Гёте поэмаси.

⁹ Эдип – Софоклнинг “Шоҳ Эдип” трагедияси қахрамони.

Бундай яхлитликда қахрамон индивид ўзини фақат субстанционал бирлик орқали англайди ва ўзининг ахлоқий бirlигидан жуда оз даражада узоқлашиши мумкин. Ҳозирги замон тасаввурларига кўра эса манфаат ва муносабатларимиздан келиб чиқиб, шахс сифатида ўзимизни яхлитлигини бу мақсадларидан ўзимиз узоқлаштирамиз. Индивид ҳар бир ишни ўзи учун шахсий ва жонли зот тарзида амалга оширади; шунинг учун ўзи мансуб субстанционал яхлитликка эмас, балки фақат ўз фаолияти учун жавоб беради.

Биз, масалан, шахс билан оила ўртасида тафовутлар бўлишини эътироф этамиз. Афсуски, бу нарсга қахрамонлик асри учун бутунлай бегона эди. Ота-боболар айбини ювиш бу ерда неваралар гарданига тушади ва биринчи гуноҳкор хатоси учун бутун бир авлод азоб чекади; айбдорлик ва ноўрин хатти-ҳаракатлар тақдирни бир авлоддан иккинчисига мерос бўлиб қолади. Машъум тақдирга бундай кўр-қўрона, мантқиқсизларча қурбон бўлишлик биз учун адолатсизликдир. Боболарнинг жасорати бизда фарзандларни олижаноблаштирмагани сингари, улар ўтаган жазолар ҳам авлодларни уятга қолдирмайди ва улар субъектив қиёфасининг оз бўлса-да булғанишига олиб келмайди. Боз устига, замонавий фикрлашга кўра, ҳатто оилавий мулкни мусодара қилиш ҳам жиддий субъектив эркинлик принципини бузиш бўлиб, жазоланишга маҳкумдир.

Индивид қадимги пластик бир бутунликда қандайдир алоҳида ажралган ёлғизлик эмас, балки ботинан ўз оиласи, ўз зотининг вакили сифатида намоён бўлади. Шунинг учун оиланинг фазилати, фаолияти ва тақдирининг ҳар бир аъзосининг шахсий иши саналади, ҳар бир инсон ўз аجدодининг фаолияти ва тақдиридан ажралиб қолмайди, балки уларни шахсий қадрият тарикасида астойдил химоя қилади. Бу олий қадриятлар фақат шу алоҳида инсонда ўрин топади, ҳолбуки, бу инсон азоб-уқубат чеккан ва жинояткорона умр кечирган аждодининг ўзгинасидир.

Биз бундай муносабатни шафқатсизлик деб ҳисоблаймиз, шундай бўлса-да, масъулиятни фақат бир ўзи зиммасига олиши, шу боис субъектив эркинликка эришиши шахсининг абстракт мустақиллигини ҳам англатади. Қахрамонона индивидуаллик эса расмий эркинлик ва ботиний чексизлик билан қаноатланмайди, балки маънавий муносабатларни жонли воқеликка айлантирувчи субстанционал мазмун билан сўғорилганлиги учун идеалроқдир. Бинобарин, унда субстанционал ибтидоий асос бевосита индивидуаллашади, шу боис индивид ўз-ўзида субстанционаллашади.

Шунга кўра, санъатдаги идеал образлар энг қадимги даврлар, умуман бадий инъикоснинг ёрқин манбаи бўлган мифологик замонлар билан боғланган бўлади. Буни шундай изоҳласа бўладики, агар поэтик асарнинг материални ҳозирги замондан олинган бўлса, тасаввурларимизда кундалик воқеа материалнинг ўзига хос шакли ҳар томонлама акс этади; шоир рад этолмаган ўзгаришлар эса қандайдир сунъий ва юзаки кўринишга қиради. Зеро, ўтмиш фақат хотираларга тааллуқли, шунинг учун хотира характер, воқеа ва хатти-ҳаракатларни хусусий, зоҳирий ва яқка тасодифий белгиларга боғламай туриб, умумийлик либосида бера олмайди. Боз устига, хатти-ҳаракат ёки характерларнинг ҳақиқий рўёбга чиқишида бу тасодифлар билан ўзаро боғланган шарт-шароит ва ҳолатлар, ранг-баранг воқеа ва таъсирлар хотирадан учиб кетиши ҳам мумкин.

Санъаткор вазият, тарихий ҳодиса ва характерларни кўҳна замонлардан танлаб олар экан, тасодифий ташқи белгиларни эътибордан соқит қилади, хусусий момент ва бадий воситаларга нисбатан ўзини кўпроқ эркин тутади ва шу боис кенг имкониятларга эга бўлади. Тўғри, унинг қаршида мазмунни қайта ишланиши ва умумийлик шаклини олиши зарур бўлган тарихий эсдаликларнинг бой хазинаси туради. Бироқ юқорида айтганимиздек, умуман ўтмиш қиёфаси фақат рамзий маънодагина устувор бўлиши мумкин, бадий асарда фактлар тарикасида гавдаланган кўплаб алоқа, шарт-шароит ва муносабатлар эса санъаткор индивидуаллигини таъминловчи омил ва таянч нуқталар ҳисобланади. Бир қадар ривож топган кейинги шароитлардан қахрамонлик даврининг устунлиги шундаки, бу даврда субстанционал, ахлоқий ва ҳуқуқий асослар яқка характерларга ва умуман индивидларга қонуният тарикасида зид қўйилмайди ва шу боис шоир қаршида бевосита идеал нарсалар намоён бўлади.

Масалан, Шекспир воқеаларнинг ҳали тўла ривож топмаган кўринишидан то қатъий ифодаланишигача ҳикоя қилувчи йилнома ёки кўҳна новеллаларни ўз трагедияларига материал қилиб олган. Индивиднинг қарорлар қабул қилиши ва уларни бажаришидаги жонли ташаббускорлиги бу ерда устувор асос ҳисобланади. Шундай бўлса-да, Шекспирнинг тарихий драмалари унинг трагедияларига қараганда кўпроқ ташқи хусусият касб этади, индивидуал характерларнинг қатъий мустақиллиги ва ўзбошимчалigidан машҳур ҳолат ва хатти-ҳаракатлар келиб чиқса-да, бу ерда улар идеал тасвирий усулдан анча узоқда эди. Тўғри, бу характерлар ўз мустақиллиги жиҳатидан расман фақат ўз-ўзига таянади, қахрамонлик характери эркинлигида эса биз унинг мақсадни рўёбга чиқаришда воситачи мазмунига ҳам юксак баҳо беришимиз зарур.

Бу сўнгги мулоҳазалар идеалнинг энг муҳим манбаи идиллистик ҳолат бўлиши ке-

рак, деган тасаввурларни инкор этади, бинобарин, унда қонуний ва зарурий қоидалар билан жонли индивидуаллик ўртасида ўз-ўзича мутлақ иккиланиш, қовушмаганлик мавжуд бўлмайди. Идиллистик вазиятлар нечоғлик содда ва ибтидоий бўлмасин, уларни шоирлар маънавий борлиқнинг оддий чигаллигидан узоқлаштиришга ҳаракат қилмасин, бундай одмиллик ўзининг ҳақиқий мазмунидан шунча кам манфаат топади, демак, у идеалнинг ҳақиқий асоси ва манбаи бўла олмайди. Бинобарин, қахрамонлик характерининг ватан, ахлоқ, оила ва уларнинг ривожланиши билан боғлиқ энг муҳим мотивлари бу манбада тўла акс этмайди, ҳолбуки, идиллиянинг мазмуни кўйдек юввош одамнинг йўқолиб қолиши ёки маъшуқа қиз севгиси билан тенглаштирилади. Шунинг учун кўпинча идиллия ҳориган руҳнинг ўзини асраб-авайлаши ва ором топишида овунч бўлиши керак, деб ҳисоблайдилар. Боз устига, идиллия Геснер¹⁰ ижодида кўзга ташланиб турганидек, чучмал ва нозик табиатга ҳам эгадир.

Бизнинг ҳозирги ҳаётимизда ҳам идиллистик ҳолатлар оқдинги ўша-ўша соддалик, ўша-ўша оила ёки кишлоқ муҳитидаги оддий ошиқ-мошиқлик ёки соф ҳавода ичилган қаҳвадан роҳатланиш каби ўта мароқсиз қусурлардан холи эмас, чунки кишлоқ руҳонийлари турмушидан олинган чигал лавҳалар ва шу кабиларда акс этган муҳим ўзгаришлар, сермазмун мақсад ва муносабатлардан шоир бутунлай ажралиб қолади. Аммо даҳо Гёте бизни бу соҳада ҳам ҳайратга солмай қўймайди. У "Герман ва Доротея" номли эпик поэмасида бундай ҳолатнинг ҳозирги ҳаётдаги айрим ҳодисалар мисолида тўлақонли бадий тафсилотини бера олган. Афсуски, у идиллиянинг ривожланувчан манзараси ва муҳит қиёфаси орқали инқилоб ва ўз ватани манфаатларини акс эттиради, ўз-ўзича чекли сюжетларни муҳим, улкан оламшумул воқеалар билан боғлаб тасвирлайди.

Умуман ярамаслик билан ёвузлик – уруш, жанг, қасос ва шу кабилар идеал соҳадан чиқариб ташланмайди ва кўпинча улар афсонавий қахрамонлар даври мазмун ва манбаига айланади. Бу даврлар ҳуқуқий ва ахлоқий элементлар билан етарли чулғаб олинмаса, кўзга янада шафқатсиз ва ваҳший бўлиб кўриниши мумкин. Масалан, жабрдийдалар ва адолатсизликка учраганларга кўмак беришга аҳд қилган жаҳонгир рицарларнинг ўзлари ҳам кўпинча ваҳшийлик ва ўзбошимчаликка йўл қўядилар, шундай экан, ситамгарларнинг диний қахрамонлик даври ваҳшийлик ва шафқатсизликлар даври ҳамдир, деган таҳминга бориш мумкин. Бироқ руҳнинг теран қаъридан жой олган насронийлик идеали ташқи шарт-шароитларга анча лоқайд муносабатда бўлган.

Санъат ҳам идеал оламнинг муайян даврига мувофиқ келгани сингари шу муҳитнинг устувор тоифаси – шоҳлар табақасидан ўз образларини танлаб олиб яратиши мумкин. Санъат буни аристократизм ва киборлар манфаати эмас, балки подшолик ҳақидаги тасаввурларнинг мақсад ва муддаолари асосида амалга оширади. Масалан, қадимги трагедиялардаги жаҳудозлик (хор) муайян хатти-ҳаракатларни ифодаловчи ноиндивидуал кайфият, тасаввур ва ҳис-туйғулар учун умумий манба бўлиб хизмат қилган. Шунинг учун халқ ҳукмдорлари, шоҳ оилалари вакилларига хос индивидуал фазилатлар хор ижросида шарафланган.

Мазлумларга чекли ҳаётий фаолият юргизиш тақдир эканлиги сабабли биз ҳамиша уларнинг қиёфасида тушкунлик асоратларини кўрамиз. Бинобарин, улар кейинги даврнинг ривожланган шароитида мутелик ришталари билан ҳарчанд ўраб олинди, танг ҳолатга солинди ва фақат асоратга тўла ташқи муҳит таъсирида шахсий интилиш ҳамда манфаатлари билан чекланиб ҳаёт кечирди. Ҳатто фуқаролик жамиятида қонун билан ҳам зодагонлар ўзбошимчилигини чеклаб қўя олмайдиган ноқобил куч уларнинг гарданидан босиб турарди.

Муайян шарт-шароитлар таъсирида рўй берувчи бу танглик ҳар қандай мустақилликни йўққа чиқаради. Шунга биноан бундай тоифа кишилари ҳаёти ва характерлари кўпроқ комедия, умуман, кулги соҳасидан ўрин олади. Чунки комик тасвир предмети ташкил қилувчи бундай шахслар истаганича кибрланиши, муте бўлганлиги учун эркинликни ўзлари ҳақидаги тасаввур, ният ва фикр-мулоҳазаларда нафақат ботинан, шу билан бирга, зоҳиран йўққа чиқаришлари мумкин эди.

Бундай сохта эркинлик асосан ташқи вазият ва шахсларнинг унга муносабати оқибатида таназзулга юз тутиши мумкин. Бундай шарт-шароитлар кўпроқ ҳукмдор ва шоҳларга эмас, балки қуши табақа вакилларига таъсир кўрсатади. Шиллернинг "Мессинлик келин" асаридаги Дон Цезарь ҳақиқатда "менга олий ҳакамнинг кераги йўқ" деб хитоб қилади, бордию жазоланмоқчи бўлса, ўз устидан ўзи ҳукм чиқариши ҳам, уни ижро этиши ҳам мумкин бўлади. Тўғри, Шекспир трагедияларидаги ҳамма образлар ҳам шоҳлар табақаси вакили ёки афсонавий эмас, балки тарихий заминда ҳаракат қилувчи шахслар бўлган, шунинг учун ижтимоий тартиблар, заиф қонунлар

¹⁰ Геснер Соломон (1730-1788) – швейцариялик шоир ва rassom.

ёки фуқаролар уруши барҳам топган даврлар манзарасини ўз қиёфаларида тажассум қилади. Шунинг учун бу образлар идеалнинг қатъий талаби ҳисобланган мустақиллик ва эркинликни қайта қўлга киритади.

б) Бугуннинг оддий ҳолати. Биз оламнинг ҳозирги ҳолатини ривож топган ҳуқуқий, ахлоқий ва сиёсий шарт-шароитлар билан биргаликда қараб чиқар эканмиз, идеал образлар яратиш имкониятлари бугунги воқелигимизда ўта чегараланган, деган ишончли хулосага келишимиз мумкин, ҳолбуки, алоҳида шахсларнинг эркин ва мустақил фаолият кўрсатишлари учун жамиятнинг имконият доираси ва кўлами ўта аҳамиятсиз даражададир. Шу маънода ҳозирги замон асарлари учун оилапарварлик ва одамшинавандалик, шунингдек, ҳалол-пок эркак-аёлларнинг идеаллари бош мавзу бўла олади. Модомики, ҳамон унинг истак ва ҳатти-ҳаракатлари эркин фаолият доирасидан четга чиқмас экан, яъни нимаики рўй берса, ихтиёрий индивидуаллик ифодачиси бўлган индивидуал субъект қиёфаси орқали юз кўрсатар экан, демек, у айни нарсанинг ўзи, шундан ўзга нарса эмасдир.

Афсуски, бундай идеалда мазмуний теранлик етишмайди ва фақат ақлий йўналишдаги субъектив жиҳатгина ўз аҳамиятини сақлаб қолиши мумкин. Ваҳоланки, юксак объектив мазмун фақат жиддий муносабатларда акс этганлиги боис унда индивидлар, уларнинг ботиний субъективлиги, ўзига хос ахлоқий хусусиятлари ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Масалан, судья ва монархларнинг идеаларини бизнинг давримиз мазмунидан асло чиқариб ташлаб бўлмайди. Мабодо, шахс суд маҳкамаси хизматчиси сифатида ўзининг бурчи ва эгаллаган лавозими даражасида тутатилса, шу асосда фаолият кўрсатса, мажбуриятларини ҳуқуқ ва қонунга мувофиқ адо этган бўлади. Буни давлат хизматчилари фақат ўз индивидуаллиги, масалан, хушмуомалалиги, хушёрлигидан келиб чиқиб бажарсалар, бу асосий нарса эмас, бу субстанционал мазмуни ифодаламайди, балки бир қадар лоқайдликни, иккинчи даражали хусусиятини аналтади.

Замонамиз монархлари ҳам конкретлиги билан энди ботинан афсонавий давр қаҳрамонлари сингари юксак яхлитликка эриша олмайди, балки ўз-ўзича мустақил ривож топган, қонун ҳамда муассасалар ҳуқуқи асосида тикланган у ёки бу абстракт мўътадилликдан иборат бўлиб қолади. Бинобарин, улар ҳукмронликнинг муҳим соҳаларини қўлдан бой бериб қўйишди, адолат ўрнатишга қурби етмай қолди; молия, фуқаро хавфсизлиги ва тартиблари улар махсус шугулланувчи соҳа бўлмай қолди; уруш ва тинчлик, ташқи сиёсат уларнинг шахсий раҳбарлиги ва иродасидан ташқаридаги умумий талабларга мувофиқ олиб бориладиган бўлди. Фақат пировард олий қарор қабул қилиш, хусусан, бу қарорларнинг мазмуни давлатнинг барча ишларида уларнинг индивидуал иродасига тегишли бўлиб қолди. Шундай қилиб, давлатнинг мавқеи, монархнинг субъектив иродаси умумий ва жамоавий ибтидоий асос учун фақат расмий нарсага айланди.

Тула маънода бу нарса давримиз генерали ва қўмондони тақдирига ҳам тааллуқлидир. Катта ҳокимият соҳиби сифатида унга улкан мақсад ва манфаатларни амалга ошириш масъулияти юклатилган жиҳатдан фаолияти натижалари узоқни кўра олиши, жасурлиги, қатъияти ва ақлига боғлиқдир. Бироқ бунда унинг субъектив характериға хос бўлган шахсий фазилатлари арзимас роль ўйнайди. Бир томондан, унинг олдида аввалдан индивидуаллиги эмас, ҳукмронлигидан ҳам холи бўлган муносабат ва вазиятларга асосланувчи мақсадлар туради. Бошқа томондан, бу мақсадларни рўёбга чиқариш воситаларини унинг ўзи эмас, балки ташқи муҳит тайинлайди, шундай экан, улар қўмондон шахсиятига бўйсунмайдиган ҳарбий истеъдоди таъсирдан четда қолади. Шундай қилиб, бизнинг ҳозирги ҳолатимизда субъект у ёки бу соҳада фақат кучига асосланиб фаолият кўрсатади, бироқ қанчалар уюмаланмасин алоҳида инсон, барибир, мавжуд ижтимоий тузум маҳсулидир, жамиятнинг мустақил, яхлит ва индивидуал жонли қиёфаси эмас, балки фақат унинг яқка азъоси ҳисобланади. У жамиятдаги шарт-шароитлар ва бу қиёфанинг манфаатиға боғлиқ ҳолда ҳаракат қилади, шунингдек, унинг мақсад ва фаолияти фавқулодда хусусий характерға эгадир.

Чунки ҳамма нарса охир-оқибатда бу шахснинг тақдири, мақсадға эришуви, фаолиятида тўсиқлар бўлиш-бўлмаслиги, тасодифий ва зарурий шарт-шароитларнинг ютуқларға олиб келиш-келмаслиги кабиларға бориб тақалади. Агар субъект тариқасида руҳий кечинма ва хусусиятлари билан ҳозирги замон шахси ҳатти-ҳаракатда, азоб-уқубатда, тартиб-қоида, ахлоқий, ҳуқуқий низом ва шу кабиларда чексиз даражада ўзини ифода этадиган бўлса, бу умуман қаҳрамонлар давридан фарқи ўлароқ, ҳуқуқ, урф-одат, қонуннинг ҳақиқий амал қилиши, деган эмас. Қаҳрамонлар давридаги сингари алоҳида шахс энди бу кучларнинг соҳиби ва уларнинг ягона ҳақиқати бўла олмайди.

в) Индивидуал эркинликнинг тикланиши. Биз фуқаролик ва сиёсий ҳаётни самарали ва оқилона ташкил этишнинг шарт-шароитларини қанча эътироф этмайлик, унга эҳтиёж сезмайлик, бу билан индивидуал яхлитлик ва ҳаётий эркинликка ҳеч қачон чек

қўя олмаймиз. Биз шу маънода ёш Гёте билан Шиллернинг поэзияда барҳам топиб кетган образлар эркинлигини янги шароитда қайта тиклашга бўлган уринишларидан қойил қолмай иложимиз йўқ.

Модомики, шундай экан, Шиллер илк асарларида бу уринишни қандай тарзда амалга оширган, деган савол қўйиб, Шиллер бунга фақат фуқаролик жамиятидан нафратланиш йўли билан эришган, деб айтиш мумкин. Амалдаги тартиблар ва уларни суистеъмоқ қилувчилардан ноўрин ранжиган Карл Моор¹¹ ҳам шунга ўхшаб қонунлардан четга чиққан эди. Карл Моор жасорат билан қатъий чекловларни енгиб ўтади, шахсий қахрамонликнинг янгича ҳолатини вужудга келтиради, ҳуқуқ ҳимоячисига айланади ва қонунбузарлик, адолатсизлик, жабр-зулмлар учун қасос олишга бел боғлайди. Афсуски, яроқсиз бир шароитда унинг шахсий ўч олишининг зарурий воситалари ҳам арзимас ва тасодифий эди. Бошқа томондан, ўч олиш адолатсизлик ҳисобланганлиги учун бундай қасос фақат жиноят қилишга олиб келиши ҳам мумкин эди. Карл Моор танлаган йўл фожиали, ҳалокатли эди, қароқчиликнинг бу идеали фақат болаларнинг ҳавасини келтириши мумкин эди, холос.

Худди шунингдек, "Макр ва муҳаббат" да тасвири берилган жирканч шарт-шароитлар остида жабрланган персонажлар ҳам ўзларининг арзимас манфаат ва интилишлари учун азоб-уқубатларга гирифтор бўлади, фақат "Фиеско" ва "Дон Карлос" да субстанционал мазмун ифодаси бўлган ватан ҳалоскорлиги ва диний эътиқодлар эркинлигини акс эттирувчи олижаноб қахрамонлар юксак мақсад учун ўзларини қурбон қилишга тайёр курашчилар бўлиб кўзга ташланади.

Валленштейн¹² эса янада жиддийроқдир. У армия бошқарувчиси сифатида сиёсий муносабатлар назоратчисига айланади, бу муносабатларнинг куч-қудрати ўзининг шахсий қуроли – армияга боғлиқ эканлигини яхши тушунади, лекин ҳарбий раҳбарлик соҳасидаги мақсад билан бурч ўртасида иккиланади. Шунингдек, қатъий тартибларга бўйсунувчи бу қуролнинг бузилиб, парчаланиб кетаётганлигини ўз кўзи билан кўради, базўр унинг олдини олишга эришади. Чунки уларни боғлаб турган нарсаси юқори лавозимдан миннатдорлик эмас, кўмондонликнинг шон-шухрати эмас, балки ҳарбий бошлик ва генералларнинг ҳокимият ва ҳукумат олдида бурчи, давлат бошлиги, Австрия императорига қасамёди эди. Оқибатда, у нафақат якка-ёлғизланиб қолади, нафақат рақиблардан мағлубиятга учрайди, шу билан бирга, мақсадга эришувчи барча воситалардан ҳам жудо бўлади. Жангчилар уни ташлаб кетади, оқибатда, ҳалокатга учрайди.

Гёте "Гец"га зиддиятли бўлса-да, шунга ўхшаш муҳим жиҳатларни асос қилиб олган эди. Гец билан Франц фон Зикенгин яшаган даврнинг эътиборли томони шундан иборат эдики, юзага келаётган янги объектив тартиб ва қонунларнинг вакиллари рицарлик ва дворян мустақиллигига бутунлай барҳам беради. Гёте қахрамонликнинг ўрта асри билан ҳозирги замоннинг қонунлаштирилган ҳаёти ўртасидаги бу зиддиятларни илк драматик асарга мавзу қилиб олганки, бу унинг улкан заковат соҳиби эканлигини кўрсатади. Бинобарин, ўз шахсияти, қобилияти ва адолатпарварлигининг соф туйғуларига таянган Гец билан Зикенгин даврнинг кенг ёки тор муҳитини эркин бошқаришга интилувчи қахрамонлар эди. Шундай бўлса-да, тугилиб келаётган янги тартиблар Гецни ҳам адолатсизлик қилишга ундайди, оқибатда, ҳалокатга дучор қилади.

Ўрта асрларда бундай эркинлик заминини рицарлик билан лен муносабатлари ташкил этган эди. Қонунларга итоаткорлик ривож топиб, тўла ҳукмронликка эришгач, айрим саргузаштпараст рицарларнинг эркинлиги бутунлай ўз маъносини йўқотади. Мободо, бу эркинлик, ҳамонки, ўзини муҳим деб ҳисобласа, ҳамонки, рицарлик руҳида адолатсизликка қарши кураш олиб борса, эрксизларга ёрдам қўлини чўзса, бу фақат кулги уйғотиши мумкин, холос. Бунга Сервантес тасвирлаган Дон-Кихотнинг кулгили ҳолатга тушиши яққол мисол бўла олади.¹³

Бундай коллизиялар доирасида алоҳида шахслар дунёқараши билан улар хатти-ҳаракатлари ўртасидаги антогонизмни кўриб чиқар эканмиз, юқорида қайд этганимиздек, бу билан биз оламнинг умумий ҳолатини ситуация сифатида қатъий белгилаш ва фарқлаш масаласига янада яқинлашиб келган бўлаемиз.


Рус тилидан Маҳмуд Абдуллаев таржимаси

Давоми келгуси сонда

¹¹ Карл Моор – Шиллернинг "Қароқчилар" асари қахрамони

¹² Валленштейн – Шекспирнинг шу номли трилогиясида олинган образ.

¹³ Сервантес Саведра Мигель (1547-1616) – испан ёзувчиси. Дон Кихот унинг шу номдаги романи қахрамони.



“МУАЛЛИФ ҲИМИ” ГА СИЗ ҲАМ ОВОЗ БЕРАСИЗМИ? (ёки асл ижод соғинчи)

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ

1954 йилда туғилган. Тошкент Давлат университетининг филология факультетида таҳсил олган. Халқаро Эстетика ва эркин санъат ижтимоий академияси (Россия ФА) аъзоси.

“Истеъдод ва услуб”, “Ўз сўзини излаб...”, “Наср ва услуб” (турк тилида), “Қатагон қилинган илм”, “Абдурауф Фитрат – адабиётшунос”, “Фитратнинг илмий мероси”, “Мумтоз сўз қадри”, “Ислоҳ тасаввуфи манбалари”, “Шарқ мумтоз поэтикаси”, “Фитрат ва жадиҳчилик” китоблари муаллифи.



ГЛОБАЛИЗМ “МУАЛЛИФ ҲИМИ”ГА РОЗИМИ?

Ҳар бир миллий адабиёт ўз тилида, ўз шакли ва анъаналари бағрида яшар экан, у доимо тараққийтга интилади, бошқа адабиётлардаги илғор қарашларни ўзига сингдириш орқали ўзлигини янада мустаҳкамлайди ва жаҳон адабиёти аталмиш улкан маънавий уммонда ўз ўрнини тайин қилишни истайди. Табиийки, сўнгги икки аср давомида инсон омили ривожланиш баробарида бир-бирига тобора яқинлашди. Ҳар қанча урушлар, айирмачилик, талончилик ва забт этишлар бўлмасин, ниҳоят, мана шу улкан планетани ўзининг умумий уйи эканлигини ҳис қилди, уни асраб-авайлаш ҳам шу “хонадон” вакилларининг зиммасидаги вазифа бўлганини англаб етди. Адабиёт ва санъат мана шу англатиш жараёнига бош бўлди, инсоннинг ўзаро ҳамжиҳатликда яшаш тараққийтнинг бош омили деб қабул қилинди. Асрлар давомида ўзаро душманлик кайфиятида яшаётган динлар, этниклар толерантликка йўл берди, ҳар бири ўз устиворлиги учун ҳеч нарсани аямай қурашаётган “икки тўлқин” – антогонистик тизим барҳам топди, ғоя, мафкура йўлида ўз миллатини иккига айирганлар (“ҳар бир миллатда икки миллат”, “ҳар бир маданиятда икки миллий маданият” деганларни эсланг) бирлик ғоясига яқинлашдилар. Миллат эрки, истиқлоли ҳар бир моддий нарсадан азиз, ҳар бир улуғ ғоядан мустаҳкамроқ эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади. Инсон ягона бир фазовий, биологик, информациян, гео- ва экохудоудда яшаётган экан, унинг софлигини сақлаш, тараққийтбардорлиги баробарида келажакка хиёнат қилмаслик, бир миллат, гуруҳ ёки мафкура манфаатини юқори қўйиб, иккинчисини тан олмаслик, унинг ҳам мана шу “умумий уй”да яшашга ҳақли эканлигини унутмаган ҳолда иш қўриш каби таомилларни урф билди. Айниқса, ахборий асрда инсон омили ўзаро яқинлашиши билан чекланмай, бир-бирисиз яшаш ҳам мумкин эмаслиги азалий тажаллий (диалектик) қонунга айланди.

Миллий адабиёт мустақиллигини ҳар қанча ўжарлик билан тарғиб қилмайлик, у жаҳон адабиётининг жонли бир аъзоси эканидан, унинг умумадабий муштарак

хусусиятларидан кўз юмиб бўлмайди. Шунинг учун қайсидир бир миллий адабиётда урф бўлган ҳодиса бугун бизга кириб келаётган ёки ўз даврида мумтоз адабиётимиз бошдан кечирган жаҳоний ўзгаришларга айрим миллий адабиётлар постмодернизм туфайли эришаётган экан, бу табиий ҳол сифатида қаралиши керак. Матбуот ва матбаанинг вужудга келиши адабиёт тараққиёти учун қанчалар хизмат қилган бўлса, компьютер ва интернет юзага чиқishi билан адабиёт шунчалар тараққиётга юз тутганини қабул қилмаслик мумкин эмас. Айни мана шу замонавий интерфаол технологияни адабиётга кўчириш орқали дунёнинг бир четида “хужра” ўтириб ёзилаётган асар ҳали сиёҳи қуримай оммага маълум бўлмоқда. Ёки қачонлардир, қайсидир бир миллий адабиётда маълум бир вақт урф бўлган адабий қаҳрамон ёки ҳодисалардан бугунга келиб хабар топаётган эканмиз, бу ҳам мана шу мўъжиза туфайли эканлигини ҳис қиламиз. Лекин ҳамма гап ана шу замонавий технократик воситалардан нима мақсадда фойдаланишда ва унинг натижасида нимага эришаётганлигимизда. XX асрни атом асри деганлари барчага аён бўлса-да, адабиётни атомга қиёслаш биргина ўзбек адабининг тафаккури меваси бўлди. Атом қудратидан эзгу мақсадда ақл билан ўзбек фойдаланилса, инсон камолотга эришуви, унга бузғунчилик мақсади билан ёндошилса, бир кунда дунёнинг кулини кўкка совириш мумкинлиги ҳам ҳаммага маълум. Дунё яралишининг сабаби ва илк мўъжизаси бўлган СУЗга муносабатда ҳам шундай. Мен асаримни интернетда эълон қилсам ёки унинг электрон вариантини тарқатсам, менинг китобимни кўчириб олишдаги ва менинг муаллифлигим йўқолади, деган ҳадик билан ўз ижоди маҳсулини тарқатмаслик ўз асарининг туғилмаслигига, алаоқибат ўша асар муаллифининг “ўлими”га сабаб бўлиши ҳам мумкин. Бу бир вақтлар ўз ишсизлигининг сабабини дастгоҳ ва ускуналарнинг янгиланишида кўриб, уларни синдиришга жазм қилган “чартистлар ҳаракати” ёки “пролеткульт”чилар ҳақидаги воқеалар бугун эртакдай туюлиши мумкин, бироқ не қилайлики, ўша эртакнамо ҳодисот инсон омилнинг кечаги кунни, уни хотирадан ўчириб ёки йўқотиб бўлмайди. Ва бугун унга ўхшаб ҳодисаларни такрорлашга ҳаққимиз йўқ.

Ҳар доим яхши суҳбатга чорлаётган нашримиз “Шарқ юлдузи” йилни “муаллиф ўлими” ҳақидаги баҳсдан бошлади. Баҳснинг асл мақсади француз структуралисти Р.Бартнинг “кўпол сўзи” (М.Маҳмудов), яъни “муаллиф ўлими” эмас (замонавий адабиёт назарияларида “муаллиф таназзули”), балки адабий жамоатчиликни баҳсга тортган адибни ўйлантирган “асл ижод соғинчи”дир.

Дарҳақиқат, бугунги тезкор ахборий жараён ва унинг кўпайтирув воситалари ижодкорни асл асар қайғусидан йироқлаштириб қўймайдими? Агар у ҳақиқий маънодаги ижодкор бўлса, албатта, йўқ. Ўзининг чиркин ва худбин мақсадларини замон берган имкониятлардан фойдаланиб амалга оширмақчи бўлса, аслида ўша ҳолатнинг ўзи “муаллиф ўлими”га олиб келади. Бундай “муаллифлар” билан тоза адабиёт ҳар доим, ҳар қандай вақтда курашиб ва енгиб келган, уларни ўлимга маҳкум этган. Бунинг учун Ролан Барт ҳам, Улуғбек Ҳамдам ҳам айбдор эмас. Ҳамма гап бугунги адабиётда бўй кўрсатаётган “...каби салбий ҳодисалар”да!

Ҳамонки, “муаллиф ўлими” мунозара бошига чиққан экан, унга мавзу берган француз структуралисти Ролан Барт (1915-1980) мақоласига эътибор қаратайлик. Улуғбек Ҳамдам адабиётдаги “интертекстуаллик” ҳодисасини шарҳлаш учун “Адабиётшунослик лугати”га мурожаат қилади. Луғатдаги фикрларни қабул қилган ҳолда, “интертекстуаллик ...табиий равишда “субъект ўлими” (Фуко), “автор ўлими” (Р.Барт) концепцияларига боғланади”, деган якуний жумла воситасида Р.Бартнинг “Муаллиф ўлими” мақоласига юзланади. Таассуфки, мақоланинг фақатгина ўзига хос зачини ҳисобланган Бальзакнинг “Сарразин” новелласи ҳақидаги бошланмани келтириш билан қиёёланади (эҳтимол, айни мақола таржима қилиниб, журналхонларга тухфа қилинса, адабий жараёндаги кўп ҳодисаларга аниқлик киритилиши мумкин эди. Аслида, Р.Барт мақоласи Бальзак новелласи ҳақида ҳам, интертекстуаллик ҳақида ҳам эмас. 1968 йилда чоп этилган ихчам мақола (“Избранные работы. Семиотика. Поэтика”. Москва, 1989. С.384-391) француз шоири Стефан Малларме (1842-1898) нинг тил ва муаллифлик масаласига бағишланган чиқишини шарҳлаш учун ёзилган. Мақола муаллифи “янг танқид” тарафдорларининг фақат “муаллиф индивиди” ҳақидаги концепциясига таяниб иш кўришларига қарши мунаққидлар диққатини бадиий матн структурасига бурмоқчи бўлган. Айтиш мумкинки, мақола биз тушунган маънодан ташқарида адибнинг ўз қаҳрамониға муносабати, қаҳрамон овозининг илк манбадан ажралиб унинг матнга кўчиши, тилшунослик назаридаги “ёзувчи субъект”, аслида ижодкор шахс эканлиги, у муаллифлик бўлгунга қадар ҳам яшагани, изтироб чеккани ва адибнинг дастлабки нияти бадиий ижод маҳсулига айлангунга қадар ҳам мавжуд бўлиб, унинг матн остидаги иштироки ҳар доим китобхон тасаввурларини бошқариб келиши ҳақидаги, мунаққид бадиий асарга муносабатда матн ортидаги ўша адиб ўй-

фикрлари ва туйғуларини шарҳлаш орқали асарни тушуниши ва тушунтириши ва ниҳоят, ҳозирги кунда рецептив эстетика сифатида қабул қилинаётган профессионал китобхон маҳорати ҳақидаги қарашларни қамраб олганки, “Адабиётшунослик луғати”даги талқинлар ҳам, Р.Барт мақоласи ва уни У.Ҳамдам томонидан шарҳланишию бундан М.Маҳмудовнинг Ролан Барт Бальзакни танқид қилган деб гумон қилиб, айтган сўзлари (“Роллан Барт “муаллифининг йўқолиши” назариясини Сукрот ва Арастудан олган, аммо хато кўчирган... Р.Бартининг матнда “муаллифининг ўлими” ҳақидаги фикрлари асосида поэтик санъат табиатини тушунмаслик ётади. У илоҳий илҳом нималигини ҳам тушунмайди” кабилар)дан анча йироқда. Шунинг учун ҳам биз айна ҳолатда Ролан Барт мақоласидан бир зум узоқлашиб бўлса-да, ўз адабиётимизнинг маҳаллий муаммоларига нигоҳ ташлайлик.

Улугбек Ҳамдам мақоласининг учинчи қисмида адабий муштараклик ва ҳамкорликнинг ўн тўрт жиҳатига диққат қаратади. Бу жиҳатларни тасниф қилар экан, салбий ҳолат ташиган *тақлид*, *кўчирмакашлик*, *атайинлик*, *чалкашлик*, *таъсирланмиш* ҳақида эслатиш маълумотларини бериб, адабий жараёндан мисоллар ахтаради. Улардан дастлабкиси *тақлид*, лекин Арасту ҳақим назарда турган *мимесис* (“табиатга тақлид”) эмас.

Табийий, илк ижод тақлиддан бошланади, ижодкор бу дастлабки босқич орқали ўзлигини топишга, ўз сўзини айтишга ва ўз овози билан ифода қилишга ўта олиши керак. Агар у шу босқичдан ўта олмаса, доимо тақлидан ёзиб яшаса, у муқаллид сифатида нимагадир эришиши мумкин, бироқ муаллиф сифатида ҳеч нарса бўлолмайди. Умр бўйи улуг бир ижодкорга тақлид қилиб, унинг руҳини шод қилиши мумкин, лекин ўзи ижодкор сифатида нолга тенг бўлиб қолади. Бунинг мисолини улуг адиб тили билан айтганда, “ҳамакличига қолиб кетади” (А.Қаҳҳор).

Агар бу ҳол *атайинлик* касб этиб, асосий машғулота айланса ва ўз хунарини энди бирор мақсад ёки манфаат сари йўналтирилса, адабиётнинг зараркунандасига айланади. Мана шундай зараркунандаликнинг олий кўриниши плагиатликдир. Бу юмуш қонун билан ҳам, ахлоқ билан ҳам қораланади, бироқ унинг таг-томири билан юлиб ташлашга кўп-да журъат қилолмаймиз, турли андишаларга йўл берамиз. Бу ҳолни қоралаган ҳолда кўп гаплар айтамыз-у, мисол келтириш зарур бўлганда, муаллифнинг номини яширамыз.

2000 йилларнинг бошларида олий таълим тизимида ўқитилиш сифатини яхшилаш мақсадида ўтилаётган фанлар бўйича маъруза матнларини тайёрлаш вазирилик томонидан йўлга қўйилди. Ҳар бир маърузачи-ўқитувчи китоб, дарсликлардан фойдаланиб ўзи ўтаётган фандан матнлар тайёрлади. Фурбат ўтиб, уни ўқув юрти доирасида фойдаланиш учун нашр қилиниши мақсадга мувофиқ деб топилди. Ўз маъруза матнлари нашрга тайёр эмаслигини билганлар ўзини ортага ташладилар, инсоф қилганлари нашр қилинса, кўчирилган жойлар билиниб қолишини ўйлаб, таътил пайтида уни нашрбоп қилиб янгилашга киришдилар. Янги ўқув адабиётларига эҳтиёж кучайган бир пайтда бу жараён талабаларга фанни ўзлаштиришда анча кўмак берди. Бироқ талаб бўйича маъруза матни тайёрлашга “имкони бўлмаган”лар осон йўл туди, бошқа олий ўқув юртлари томонидан тайёрланган қўлланмаларни ўзиники қилиб кўрсатишга уринишди. Мисолга мурожаат қилсак, “Ҳозирги адабий жараён” фанидан Низомий номидаги Тошкент Педагогика университетида ўқув қўлланмаси тайёрланган (2008 йил), университет ички фаолиятида фойдаланиш учун чоп эттирди. Бундай тайёр материалдан фойдаланишнинг янги йўлини ихтиро қилган “муаллифлар”, қўлланманинг кириш мақоласи ва айрим ўринларни ўзгартириб, янги дабдабали ном ва фан доктори, профессорнинг маъсул муаллифлигида нашриёти кўрсатилмаган ҳолда бошқа вилоятда чоп эттирди (2010 йил, 500 нусха). Бу ҳам етмагандай, тақризчи сифатида менинг номини қўйишдан тортинмадилар, фақат нашр қилувчи бу номдор муаллифлардан тақризни сўрашга тортинди. Шундай усул иқтисодий самара берди шекилли, орадан бир йил ўтмай айна китоб, пойтахт нашриётларидан бирида 1000 нусхада чоп этилди. Пойтахтда ҳар қалай озми-кўпми талаб бўлгани учун энди тақризчиларни республиканинг номдор олимларига ўзгартирилиб, қайта нашр қилинди ва энди бир вилоят доирасида эмас, мамлакат бўйлаб сотувга чиқарилди. Бундан хабар топган “Ҳозирги адабий жараён” китобининг асл муаллифи тегишли муассасаларга мурожаат қилди. Натижада, бу китоб йнги олинандиган, уюшманинг Адабиётшунослик бўлимида муҳокама қилиниб, матбуотга мақола тайёрланадиган бўлди. Ана энди бу ишни ёпиш учун “изланишлар” бошланди. Натижада, муҳокама тўхтатилди, тайёрланган мақола матбуот юзини кўрмайдиган бўлди. Шунда ҳамма тинч ва рози бўлар эмиш. Нимага? Муаллиф “ўлими”га! Қайси муаллифининг “ўлими” ҳақида сўз боради, энди бу ёғи бошқотирма: китобнинг асл муаллифини ўчириб, ўрнига ўзларининг номини ёзишган “муаллифлар”ми? Нашрга тавсия этган номдор

тақризчиларнинг номини айтмаслик орқали “ўлим”га маҳкум этилганларми ёки китоб ва бу ўйинлар ҳақида мақола тайёрлаган, лекин матбуотга чиқмаган мақолани муаллифлари “ўлими”ми? Бундай “муаллифлар ўлими”га ким овоз беради ва ким аза тутади? Таассуфки, бу биргина мен гувоҳи бўлган ҳолат, холос. Бунга ўхшаш ҳолатлар юз бермаганига ким гувоҳлик бера олади?

Матбаа ишларининг модернизацияси туфайли китоб босиш жараёни тез ривожланиб бормоқда. Бироқ бу тезкор жараёни ўз манфаатига қараб бураётганлар, асл адабиёт орзусида қўлига китоб ушлаганларни сариқ матбуот мевалари билан “сийлаётганлар” қанча? Шуни кўриб, билиб туриб кўпинча кўрмаганга оламиз, шундай “ясама” китоблардан ўқувчиларимиз сўз очсалар, осонгина уни “ўқимадим” деб қўя қоламиз. Бир куни нафақадаги бир олим қўлзма кўтариб, бизнинг нашриётда чоп этилишини истаб келди. “Шу вақтга қадар 12 китобим чиққан, энди бу нашриётни ҳам бир кўриб қўяй, дедим” дея ўзини таништирди. Қўлзма билан танишиб, бир ҳафтадан кейин қароримизни айтишни билдирди. Бироқ муаллиф тезда гапни нашр ҳаражатида кўчириб, маблагни 100% олдиндан тўлашга рози эканлигини билдирди. Шунга қарамай, бир ҳафта кутиш кераклигини зўрга уқтирдим. Муаллиф бўлса, “шунча кутиш нимага керак, пулини олиб, қичариб беравермайсизми?” деган зарда билан узоқлашди. Нимага айна шу нашриётни танлаганини билмадим-ку, лекин йўқлигимда менинг китоб чиқишига розилигимни айтиб, ходимларимга маблагини ҳам қолдириб кетибди. Асар оддий имло қоидаларига мутлақ мос келмайдиган, ҳар саҳифада ўнлаб услубий ва қўзлаб имло хатоликларига тўла эди. “Муаллиф”нинг қаққонлигини сезиб, унинг пулини қайтариб беришни ходимлардан талаб қилдим. Шукрки, ходимлар ҳафтини кутмай, муаллифнинг маблагини қайтариб беришибди. Белгиланган муддатда муаллиф келиб, китоб босилиши кераклигини талаб қила бошлади. Мен оқсоқолга бу “асар” нашрга тайёр эмаслигини тушунтирдим, у эса нега 12 та нашриёт (улар оқсоқолда номдорларини ҳам санади) китобини чиқаради-ю, сиз чиқармайсиз”, деб ўдағайлаб кетди. “Пулини аллақачон бериб қўйганман”, деб баланд келди. Суриштирилгандан кейин ходимлар маблагни у кишига қайтариб берилганини айтишди. Мен ходимлар менсиз маблаг олганлари учун узр сўрадим, ҳар эҳтимолга қарши қўлзманинг қизил қалам билан безалган саҳифаларидан нусха олдим-да, қўлзмани эгасига қайтардим. Ана энди телефонлар ишга тушди, менинг ходимларим муаллифга кўпол муомала қилганлари, мен эса китобни узоқ вақт “олиб ётиб” қайтариб берганлигимни, унга қиммат нарх айтилганини ва бошқаларни баҳона қилиб, муаллиф прокуратурага мурожаат қилибди. Яхшики, прокуратура ходимлари ишга киришишдан аввал мендан нима бўлганини сўрадилар, мен воқеани тушунтирдим. Жавобимни асосли билдилар, шекилли, бошқа безовта қилишмади. Бояги “муаллиф” вазиятни ўнганмаганини билгач, энди ошқора ҳужумга ўтди ва янада юқорироққа чиқишини айтиб, дўқ қила бошлади. Бу кишининг қанчалик “муаллиф” эканини билдик, бироқ бизга қадар китобини нашр қилган нашриёт ходимлари нега энди устоз Абдулла Қаҳҳор маслаҳат бергандай унга “бошқа иш қилинг, ўша касбда муваффақият тилайман”, дейишга ботинмади эканлар. 12 китоб муаллифининг 13-сига келганда “ўлими”ни қандай баҳолаш керак? Таассуфки, бундай “муаллифлар” тез-тез учраб турибди. Ҳатто “китоб ёзадиган одам топиб берса, ҳақини ўхшатиб беришга розилиklarини айтишдан ҳам тортинмай қолишди. Айрим муаллифликни ҳавас қилганлар бир йўла нашриётда иш битиришликни маъқул кўриб, муҳаррирлар билан савдолаша бошладилар. Бундай беандишаликларнинг сабаби нимада? Устоз шоиримиз Эркин Воҳидов “Дил тубига чўккан лаҳзалар” китобини шундай устомон кишилар билан учрашувини қайд этишдан бошлаб, кичик ҳангомага “Мен айтиб тураман, сен ё!”, деган сарлавҳа қўйибди. Демак, бу касаллик бугуннинг ёки кечанинг гапи эмас, кишиларимиз табиатига аввалроқ ўрнашиб улгурган экан.

Яқинда яна бир ошқора эълони кўрдим: Талабалар шаҳарчасида компьютер, ёзув ишлари, ксерокопия қилиш билан чекланмаган шовбузлар “Реферат, курс иши, битирув ишлари ва магистрлик диссертациялари” тайёрлаб бераман, ҳамма мавзуларда”, деган эълон беришибди. Эҳтимол, эълонга яраша иш ҳам топилгандир. Бироқ уларнинг олдига бориб нима иш қилаётганини суриштира бошлаганимда, эълон берганлар “қарийб бир йилга яқин у осигилқ турганини, энди сезон бошланганда олиб ташлаймизми?” дея норози бўлишди. Ҳа, биз бозор шароитида яшаяпмиз, бу дегани ҳамма нарсани бозорга солиш дегани эмас-ку! 80-йилларнинг ўртароғида рус адаби Юриј Трифонов “Обмен” деган қисса ёзиб, мамлакатдаги сохтагарчиликларни фош қила бошлаганда, айна асар ҳақида “Меняю советь на что-нибудь материальное” (“Виждоними моддий нарсага алмаштираман”) деган тақриз билан чиққани китобхонлар ёдидан кўтарилмаган бўлса керак (Мунозарар бошловчиси “...воқеаларни эслаб кўринг-а. Чунки сиз ҳам шу каби салбий ҳодисаларга дуч келган бўлишингиз мумкин” дея чорлагани учунми, менга қадар З.Исомиддинов бундай самимий “эсдаликлар”дан келтиргани учунми, ҳар қалай,

, хотираларга эрк бердик. Бироқ бу “салбий ҳодиса”лардан тезроқ қутилишимиз, улар фақат хотирага айланиб қолишинигина истаймиз).

Ҳамон гап бугуннинг асари ва китобхона ҳақида гап борар экан, бугунги глобализм шароитида “асл асар қисмати” соҳага алоқадор ҳар кишини ўйлантириши, табиий. Ҳар қандай муаллиф ҳам ўз бадий нияти китобхонларга тезроқ ва тўғрироқ етиб боришини истайди. Бу йўлда турли замонавий воситаларга, фикр ифодасининг виртуал жиҳатларига ҳам эътибор қаратади. Матн куруқ сўздангина иборат бўлиб қолмаслиги учун унинг ёнига турли шакллар, чизиқлар ва расмлар жойлаштириш, интернет орқали матн узатишда эса аудиовизуал усулларга кўпроқ мурожаат қилиш кучаймоқда. Ҳатто иш шу даражага бориб етдики, тасвирдаги кўшимча воситалар, расмлар, овозу клиплар асосий матннинг ўқишлишига халақит бермоқда. Тасаввур қилинг, сиз интернет орқали бирор асар билан танишмоқчисиз. У агар бошқа тилда бўлса электрон луғатлар, википедия ва интернет қўлланмалари сизга ёрдамга келади. Ҳатто ўша асарнинг ўзингизга маъқул жойини топиб, компьютер-дафтарча (нетбуок)нигизга “юклаб” оласиз. Уни бошқаларга тавсия этиш, соғинганда қайта-қайта ўқиш имкониятига эга бўласиз. Бу бир жиҳатдан яхши. Ишингиз тезлашади, изланишларингиз ортиқча оворагарчиликсиз самара беради. Бироқ айна имкониятдан фойдаланиш бошқа, унинг “имконияти даражаси”да янги “асар” яшаш бошқа иш. Таассуфки, интернет саҳифаларида пайдо бўлаётган “адабиёт материаллари” ана шундай кўчирмакашликларга тўлиб ётибди. Бу жараёни тўла назорат остига олишнинг имконияти йўқ. Фақат, шоир айтмоқчи, “чегарадир инсоф ва виждон”. Энди кўчирмакашликка йўл берар экан деб интернет сайтларга ҳужум қилиб ҳам бўлмайди. Нафақат ижтимоий сайтлар, балки хусусий сайтлар орқали ҳам шундай чала асарлар, рефератлар, тайёр диссертациялар савдоси авж олмақдаки, бу жараёни қандай қилиб тўхтатиш борисида бутун адабий жамоатчилик ўйлаши керак. Ҳатто очиқ матбуотга чиқмайдиган иғво ва “дув-дув” гаплар ҳам шунчалик тез тарқалмоқдаки, оқ қоғоз билан юзма-юз ўтирган адиб ўз виждоний бурчини қанчалар ҳис қилса, аср мўъжизаси ҳисобланган интернет қаршисида ҳам ўзларини шундай тутишлари керак.

Модернизация туфайли саноятда, ишлаб чиқаришда ва ҳаётнинг ҳар жабҳаларида рақамли ускуналар фаол қўлланилиш даврига кирди. Бу маълум маънода механик дастгоҳлар ва ишлаб чиқаришнинг анъанавий усулларидан воз кечишни талаб қилади. Рақамли ускуналар тез ва сифатли тарзда юксак самара бермоқда. Мана шу имкониятлар ҳам маълум маънода ёзилаётган асарнинг китобхона етиб боришини тезлаштиради, ҳатто журналда бирор асар нашрга тайёрлангандан кейин у чоп этилгунга қадар матбаа воситалари орқали китоб ҳолида тезроқ ўқувчига етиб бораётгани ҳам сир эмас. Бироқ бу тезроқ жараён ҳам бадий ижоднинг азалии талабларини айланиб ўтиб, ёки нусхакашлик, атайинлик (У.Ҳамдам ижобий маънода қўллаган бу сўзни. Мен бировга буюртма бериб ёздиришлик маъносиди қабул қилиб, унга қарши курашга барча соф адиб ва мунаққидларни чақирмоқчиман) каби иллатларга бўйин бермаслик керак. Бугунги тезкор замоннинг хусусиятларини санаганда файласуфлар нарса, буюм ва бошқаларни таъмирлагандан кўра янгисини олиш ҳам самарали, ҳам арзон бўлишини аниқлаганлар. Шундай шароитда бир марталик рўзгор буюмларидан тортиб техник воситаларгача турмушимизга кириб келди. Бироқ бир марталик устивор бўлган шароитда, адабий асарнинг тақдири ҳам бир марта ўқишлик бўлиб қолмаптими? Бу ҳолат адабиётда бугунги *бир марталик* давридан ҳам аввалроқ бўлган, бўлиб келган. Бир марта ўқишга зўрга етадиган, китобхонни мажбурият юзасидан “китоб ўқишга боғлаб” турган омиллар бор, лекин эрки ва шу билан бирга, соғинганда ўн, юз ва ондан кейин қайта-қайта ўқишга арзирли асарлар борки, уларни ҳар сафар қайта мутолаа қилинганда янги фикр топасиз, янги руҳ оласиз, ҳеч бўлмаганда, соғинч туйғуларини янгилаб оласиз (муаллиф “ўлими” эмас, ҳақиқий муаллиф соғинчи, Улуғбек Ҳамдам ният қилгандай, *асл асар соғинчи*). Мисоллар келтиришга шошилмайман. Агар бугунги иқтисодий (бозор) шароитдан келиб чиқиб, мана шу жиҳат адабиётга ҳам кириб келса борми, Худо кўрсатмасин, бир марталик романлар, шеърлар, драмалар, бир кўришлик фильм, саҳна асари, ижро йўллари... адабиёт ва санъатнинг таназулга олиб борадиган йўл шу бўлади. Бир пайтлар “роман ўлими” (кейинроқ Ш.Холмирзаев мақоласида кўтарилган “адабиёт ўладими?”) муаммолари маълум маънода сўнги даврга тегишли бўлиб, у Ролан Барт мақоласида айтилган “муаллиф ўлими”га қариндош муаммолардан саналади. Бадий адабиёт учун матн бирламчи, унинг халққа осонроқ ва таъсирлироқ етказиш учун куйга солинади, ижро этилади, ижрода бир овозлилик камлик қилиб, кўповозли мусиқа ускуналаридан фойдаланилади, кўришлик бўлиши учун клип тайёрланади, унга машхур кишилар ёки актёрлар жалб қилинади, ижро шакли ва усуллари танланади, няхот маҳсулот ҳолида ўқувчи ёки тингловчига етиб бориши давомида яна қанча савдоларга дуч келадими, ўша дастлабки матн ва унинг

муаллифи нафақат қабул қилувчи (реципиент) томонидан, балки синчи мунаққидлар томонидан ҳам илғаб олинмайдиган даражага етади. Энди ижро усули ва аудиовизуал воситаларнинг иштирокига қараб ўша "асар"га баҳо берилади. Бу жараёнда муаллиф ва унинг матни қанча фоизни ташкил қилади, бу ёғи энди ёлғиз Яратганга аён. Шу ҳолат мавжуд экан, ундан воз кечиш ҳам бўлмайди, ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳам ўша ижодкор (матн муаллифи)га нисбатан камида ҳурматсизлик бўлади. Бу тўғрида кўп ёзилган, ёзилапти, аммо натижа...

Яқинда эл севган шоирлардан бирининг китоб тақдимоти бўлди, ҳар жиҳатни ўйлаб, жуда мукамал тарзда ташкил қилинган тақдимотга санъаткорлар ҳам жалб қилинган. Табиийки, агар санъаткор мавзуга мос равишда ўша шоир ижодидаги асарлардан бирини янғича ижро билан айтса, нур устига нур, ижоднинг сирқирра жиҳатлари бир-бирини тўлдирган бўларди. Санъаткорга навбат берилгандан кейин аввалига секингина бир-икки кишига эшиттириб, сўнгра микрофондан баралла "нега шундай зиёли давра ўз хонандасини олқиш билан кутиб олмаяпти", деган гина қилди. Ҳали ижро этилмаган "асар"га баҳо, яъни олқиш сўраяпти. Ёнимдагилар буни "ижро учун пул берилмайди, ҳеч бўлмаса, қарсак билан ҳақини тўланглар" маъносида талқин қилишди. Начора, эл оғзига элак тутиб бўлмайди, бироқ шундай беўхшов гап чиқишига, менимча, санъаткорнинг ўша ноўрин лўқмаси сабаб бўлди.

Асар муаллифи бизнинг истагимиздан қатъи назар, нисбатан парда орқасига ўтаётган экан, бу жараёнга "овоз бериш" эмас, балки муаллифни бу турли "ўлим"дан кутқариш керак. Бунинг учун барча зиёлилар, муаллиф, ижрочи, китобхон, тингловчи ва бошқалар иштирок этиши керакки, улардан бирортасининг иштирокисиз бу мураккаб жараённи яхшилик йўлига ўнглаб бўлмайди.

Дунёда "Ҳамлет"нинг икки юздан ортиқ расман тан олинган саҳна талқинлари ва таржималари мавжуд. Бадиий ва анимацион фильмлардаги талқинлари эса беҳисоб. Унга тақлид қилган муқаллид драматургларнинг асарлари сонини билмаймиз. Бироқ Шекспирнинг муаллифлиги шунча талқин ва таҳдидлар орасида йўқ бўлиб кетмайди. Ёки Ҳазрат Навоий асарлари неча юз йилдан бери юз хил талқинда ўқилади, ҳатто симфоник оркестр ёрдамида "Хамса"ни ўқишга киришилгани маълум. Бироқ Навоий яратган қуйма матн ўз бутунлигини сақлаб турибди, айримлар уни нотўғри талаффуз ёки ижро этсалар, устоз санъаткорлар уни тўғрилаб туришибди. Чунки бунда муаллиф даҳоси асарнинг умрбоқийлиги ва турли талқинларга бардошлилигини таъминлаб турибди. Шу ўринда мунаққид Улуғбек Ҳамдам келтирган нарцисс гули ёдга келади. Бу гулнинг "бақувват дарахтлар танасидан униб чиқиб, унинг шираси билан озикланиб кўкка бўй чўзиш" қисмати экан, қандай "шира" билан озикланиши, қандай "тана"га ёпишиш (таяниш)га ҳам кўп нарса боғлиқ. Агар ижодкор нияти некинби, мақсади покиза бўлса, у озикланадиган азамат дарахтлар талайгина. Фақатгина ўша нарцисс гули бошқа тана ва шира ҳисобига яшаётганини ўзи биларми экан? Мунаққид ва фаол китобхоннинг вазифаси ана ўша бирламчи манбани эслабди туриш, муқаддас заминдан илдизи узилгани ҳамон унинг "ўлиши" ҳам муқаррар эканини унутишга йўл бермаслиги керак.

Мана шу каби мулоҳазалар гирдобиди фикр илк бадиий матн жозибаси, кучи, фикрий қуввати, маънавий-руҳий қудрати, яъни ижодкор истеъдоди табиатига бориб тақалади. Матн ва ижрода муаллиф кўринмаслиги, парда ортида қолиши мумкин. Бироқ мунаққиднинг вазифаси ана шу саҳна ортидаги муаллифни саҳнага чиқариш, "кўринмас" матн ичидан асл муаллифни аниқлашдан иборат. Ирланд олими Терри Иглтоннинг "Адабиёт назарияси" китобининг "Сиёсий танқид" бўлимидаги шу сўзларни ёдда тутаман: "Биламизки, арслон унинг ўргатувчи (дрессировшиқ)сидан кучли, буни арслон ўргатувчи ҳам билади. Муаммо шундаки, арслон ўзининг ундан кучли эканини билмайди. Сир эмаски, адабиёт арслонга ҳақиқатни англашга ёрдам бериши керак". (Иглтон Т. Теория литературы. Введение. М.: Изд.: "Территория будущего", 2010. С.257). Йўқса, арслоннинг қуввати арслон ўргатувчининг найранглари олдида кўринмай қолаверади, у ўз қудрати ва "хунари"ни "эгаси" кўлидаги қанди олиб яшашга сарф қилаверади.

Ягона экоопамни тоза сақлаш учун, шу оламдаги барча жонзотлар ва уларнинг энг ақллиси ва мўътабари – планетада яшаётган инсон масъул бўлгани каби ҳозирги ягона инфорацион ҳудудда адабий олам – миллий адабиёт софлиги учун ҳам шу оламда яшаётганлар ва ишлаётганларнинг барчаси (муаллифлар, ношир, мунаққид ва китобхонлар) баравар масъулдирлар.



ҶАСР

Чингиз АЙТМАТОВ

1928 йил Қирғизистоннинг Шекер қишлоғида туғилган.

Адабиёт майдонига “Юзма-юз” қиссаси билан кириб келган. “Жамила” қиссасининг аввал француз, кейин рус тилида наишр этилиши уни жаҳонга танитди. “Бўтақўз”, “Момо ер”, “Алвидо, Гулсари!”, “Оқ кема”, “Соҳил бўйлаб чопайтган олапар” қиссалари, “Асрага татиғулик кун”, “Қунда”, “Чингизхоннинг оқ булути”, “Кассандра тамеаси” романлари муаллифи. Адиб 2008 йилда вафот этган.



БИРИНЧИ МУАЛЛИМ

Қисса*

Қоронғи тушиб қолган, муаллимимизнинг келган-келмаганидан ҳамон хабарсиз эдим. Ушанда у бўлисга жўнаб кетган, уч кунда қайтиб келаман, деб ваъда берганди бизга. Шу боисдан ўзимни кўярга жой тополмасдим. Дуйшэннинг ҳали бирон марта ваъда қилган кунига етиб келолмай қолганини эслай олмайман. Балки, дафъатан тоби қочиб қолган бўлса, ҳолдан тойиб секин-аста келаётгандир ёки бўронда қолиб, тунда даштликда адашиб кетган бўлса-чи, дея турли хаёлларга бориб, ўзимга-ўзим далда берардим. Ишим қовушмасди, ипни йигирмоқчи бўлардим-у, қўлим қалтираб, у қайта-қайта узилиб кетаварди. Буни кўриб турган янгамнинг эса жазаваси кўзирди.

– Сенга нима бўлди, жин ургур? Қўлинг синганми? – дея еб қўйгудек ўқрайди. Сўнг тоқати тоқ бўлиб: – Ўҳ, оғзингдан қонинг келгур, ёмонга ўлим йўқ дейдилар! Тур ўрингдан, ундан кўра Сайқал кампирнинг қопини элтиб бер, – деди яна дағдаға билан.

Бу мен учун айни муддао эди. Қувонганимдан ўрнимдан сакраб туриб кетишимга оз қолди. Ахир, Дуйшэн ўша Сайқал кампирнинг уйида яшарди-да. Сайқал кампир билан Қартанбой отанинг она томондан менга узоқ қариндошлиғи бор эди. Олдинлари уларникига тез-тез бориб турардим, гоҳида ҳатто тунаб ҳам қолардим. Янгамнинг эсига шу нарса тушиб қолдими ёки Худо ёрлақадими, ҳарқалай, қўлимга қопни тутқазганча яна кўшиб қўйди:

– Сен бугун жонимни ҳалқумимга келтирдинг, касофат. Қани, жўнаб қол, кўзимга кўринма, рухсат этишса, ўша ёқда тунаб қолавер...

Мен сакраганча ҳовлига чиқиб кетдим. Забтига олган шамол нола тортиб ўқирарди. Сўнг эса қор учқунлари кўққисдан ҳамла қилиб, нафасни бўғиб, қизиқ турган юзларимга тиканак санчилаётгандай туюларди. Қопни кўлтиғимга қисиб олдим-да, эндигина отлар из қолдириб кетган йўлдан овулнинг нариги томонига югуриб кетдим. Хаёлимда эса “Ўқитувчимиз қайтиб келганмикин?” деган ўй ғимирларди.

Чолганча етиб бордим, қарасам – у йўқ. Нафасим бўғзимга тикилиб, остонада донг

* Охири. Бошланиши олдинги сонда.

қотиб турганимни кўрган Сайқал чўчиб кетди.

– Сенга нима бўлди. Мунча югурмасанг, бирон кўнгилсизлик юз бердимми?

– Йўқ, шунчаки ўзим. Мана, қопингизни олиб келдим. Бугун сизларникида қолсам, майлими?

– Вой, қоқиндиқ, сен ётиб қолай дейсан-у, мен йўқ дермидим. Сал бўлмаса, юрагимни қинидан чиқараёздинг. Куз тушибдики, қорангни кўрсатмайсан. Қани, ўтир, исиниб ол.

– Ҳой, кампир, сен қозонга гўшт ташла, қизимизни меҳмон қил. Унгача Дуйшэн ҳам етиб келади, – деди дераза ёнида эски кигиз этикни тикиб ўтирган Қартанбой. – Аллақачон келиши керак эди, ҳа, майли, қоронги тушгунча келиб қолар. Тойчоғимиз уйга қайтарда илдам юради.

Аста-секин деразалар қоронғилашиб, тун ҳам кириб келди. Юрагимни ҳовучлаб, бутун диққат-эътиборимни бериб, эшикка кўз тикиб турар эканман, овулда итларнинг вовиллаши ёки одамларнинг овози эшитилиб қолганда бехосдан сескиниб тушардим. Дуйшэндан эса ҳамон дарак йўқ. Яхшиямки, Сайқал буви ундан-бундан гапириб, вақт ўтганини ҳам сезмай қолибмиз.

Ярим тунга бориб ҳолдан тойган Қартанбой ота:

– Қани, кампир, ўринни сол. Кеч бўлиб қолди, энди келмайди. Бошлиқларнинг иши бошидан ошиб ётибди. Бирон иш билан тутилиб қолгандир, бўлмаса, аллақачон етиб келган бўларди, – деди-да, ётишга ҳозирланди.

Менга тўшакни печканинг нариги томонига, бурчакка солиб беришди. Бироқ ухлай олмадим. Чол дам-бадам йўталиб, у ёқдан бу ёққа ағдарилиб, калима келтиргандай алланамаларни пичирлаб ётди, сўнг эса безовталангандай:

– Отгинамнинг ҳоли не кечди экан? Шаҳарда пулла ҳам ем-хашак топиш амри маҳол, – дея пўнғиллаб қўйди.

Қартанбой отанинг кўзи энди илинай деганда, кучли шамол туриб, унинг тинчини бузди. Телбаланган довул дағал панжалари билан том бўғотларини ойнакларни тимирскилаб-тимдалаб, ҳамма ёқни остин-устин қилиб юборгандай бўларди.

Қартанбой чолнинг сўзлари беором кўнглимга таскин бермади. Гўё ўқитувчимиз бугун албатта етиб келадигандай, қор босган кимсасиз даштликда ҳоли не кечди экан, деган хаёл бутун вужудимни қамраб олган эди. Қай маҳал кўзим уйкуга кетган экан, билмадим, дафъатан нимадир ёстиқдан бош кўтаришимга мажбур этди. Атрофда ёқимсиз увлаган товушлар таралиб, ҳавонинг қайбир ерида музлаб қолгандай эди. Бўриларнинг овози-ку! Улар кўпчиликка ўхшайди. Қашқирлар даштликнинг турли томонидан бир-бирларини оғоҳ этиб, жўр бўлишиб, гоҳ олисдан, гоҳ яқиндан шамол аралаш газабнок увлашиб, тобора овулга яқинлашиб келаётгандай эшитилиб турарди.

– Отинг ўчгурлар, ёвуз бўронни қақришяпти, – пичирлаб қўйди кампир.

Чол бир фурсат сукут сақлаб турди-да, сўнг ўрнидан ирғиб туриб кетди:

– Йўқ, кампир, қашқирлар бекорга увлашмаяпти! Улар, чамаси, отними, одамними, ниманидир қувлаб, қуршаб олишяпти. Эшитилганми? Яна бизнинг Дуйшэн бўлиб чиқмасин. Уни ўз паноҳингда сақла, Худойим. Ахир, у унча-мунча нарсалардан тап тортмайдиган тентак-ку! – Қартанбой саросимага тушиб, қоронғида пўстинини ахтарарди. – Чироқ, чироқни ёқ кампир. Худо ҳақи, тезроқ бўл!

Кўрқувдан қалтироқ босиб, биз ҳам ўрнимиздан туриб кетдик. Бу орада Сайқал чироқни топиб, уйни ёритганда бўриларнинг дарғазаб увлаши туйқусдан жимиди-қолди.

– Қувлаб етишди, лаънатилар! – дея Қартанбой ота бақириб юборди-да, кўлига ҳассасини олиб, эшик сари хезланган ҳам эдики, итларнинг вовиллаган овози эшитилиб қолди. Аллақим дераза ёнидан ғарч-ғурч қор босиб чолганча ўтиб кетди-да, сабрсизлик билан эшикни қаттиқ қоқа бошлади.

Хонага қор тўзони аралаш изгирик ёпирилиб кирди. У тарқалиб кетиши билан кўз ўнгимизда Дуйшэн пайдо бўлди. Унинг ранг-рўйи ўчиб кетган, оғир хансираб остона ҳатлаб ўтди-да, гандираклаганча деворга суяниб қолди.

– Милтиқ! – деди саросимага тушган Дуйшэн аранг нафас олар экан. Биз унинг нима деяётганини англаёлмай ҳайрон бўлиб турардик. Кўз ўнгим қоронғилашиб, чол-кампирнинг:

– Қора қўй, оқ қўй бошингдан садақа радди бало! Муқаддас Баҳовуддиннинг руҳи сени қўллаб-қувватлабди, болам, – деган марсиянамо сўзлари қулогимга чалинарди, холос.

– Милтиқ, милтиқни беринг! – тақрорларди Дуйшэн, яна эшик томон юлқиниб.

– Милтиқ йўқ, қаёққа бормоқчисан, шаштиндан қайт, – дея қариялар Дуйшэннинг бўйнига осилиб олишди.

– Сўйилни беринглар!

– Нима қилмоқчисан, кўзимиз тирик экан, ҳеч қаёққа бормайсан. Ундан кўра бизни

ўлдириб кўяқол! – дея қариялар яна ялиниб-ёлборишарди.

Баногоҳ аъзои баданам бўшашиб, ун чиқармай аранг тўшаққа кириб ётдим.

– Улгуролмадим, уйга энди етиб келай деганимда, улар ўраб олишди, – дея Дуйшэн энтикиб ҳансираганча қамчисини бурчакка улоқтириб ташлади. – От йўлда келаётгандаёқ мажолу қуриган эди, сўнг устига-устига бўрилиқ қувлаб қолгандан сўнг овулга аранг етиб келдию гул этиб қулаб тушди. Шу заҳотиёқ ҳаммалари қузғунлардек унга ёпирилишди.

– От бўлса, садқаи сар. Муҳими, ўзинг омон қолибсан. Агар от йиқилмаганда, улар сени ҳам омон қўймасди! Яхшиямки, сени Баховуддин пирим ўз паноҳида сақлабди. Қани энди ечин, оловда исиниб ол. Кел, этигингни тортиб кўяй, – дея бечора Қартанбой суюнганидан гирдиқалалак бўларди. – Қани, кампир, бирон нарсанг бўлса исит.

Улар оловга яқинроқ ўтиришаркан, Қартанбой бир хўрсиниб кўйди-да, бамайлихотир:

– Бўлар иш бўлди, тақдирда битилганидан қочиб қутулиб бўлармиди? Ўзинг ҳам йўлга мунчалик кеч чиқмасанг? – деди.

– Бўлискомда мажлис чўзилиб кетди, Қараке.

– Хўп, шундай экан, бугун тунаб қолиб, эртасига эрталаб етиб келганимда ҳеч ким ёқангдан тутмас эди-ку.

– Болаларга бугун етиб келаман, деб ваъда берган эдим, эртага эрталаб дарсни бошлаймиз, – жавоб қайтарди Дуйшэн.

– Эҳ, нодон-е! – дея ҳатто ўрнидан салпчиб туриб кетди Қартанбой ва ғазабланганидан бошини сарак-сарак қилганча: – Эшитяпсанми, кампир, у болаларга, шу мишиқи тирраңчаларга ваъда берган эмиш! Агар бирон фалокат юз берганда нима бўлар эди? Нима деяётганингни тушуяпсанми ўзи?!

– Бу менинг муқаддас бурчим, жонажон ишим, Қараке. Бу ҳам ўз йўлига. Ҳар гал бўлиса пиёда бориб, пиёда келар эдим, бу гал нима бўлдию, шайтон йўлдан уриб, отингизни сўраб олдим қашқирларга ем қилиб келганимни айтмайсизми...

– Ҳа, қўйсанг-чи, ўша рамақижон, от бўлиб қаерга борарди. Азиз бошинг омон бўлсин, садақаи радди бало! – деди жаҳли чиқиб Қартанбойни. – Умрим бино бўлиб отга ёлчимадим, бу ёғи ҳам бир гап бўлар...

– Ҳақ гапни айтдинг, чол, – ҳамдардлик билдирди Сайқал момо ўпкаси тўлиб юзи кўпчи йиғламсираган овозда. – Алҳамдулилло, бошинг омон бўлса от топилар, совимасдан овқатингни ич, болам...

Орага жимлик чўқди. Бироздан сўнг тезак чўғини титкилаб ўтирган Қартанбой хаёл аралаш сўз қотди:

– Биламан, эсли-хушли, ақлли йигитсан, мактабни деб, шу гўдақларни деб жонингни жабборга бераётганимга ҳайронман. Ёки бошқа иш топилмай қолдими сенга? Ундан кўра бирорта чўпонга ёлланганимда уст-бошинг бут, қорнинг тўқ бўлармиди...

– Менга ачиниб гапирётганингни тушуниб турибман, Қараке. Фараз қилайлик, агар шу норасида болалар ҳам мактабни, ўқишни нима кераги бор. ўқиб ким бўлардик, деб туришса, унда ҳукуратимиз иши, келажакимиз нима бўлади? Мен учун ўқитувчилик кўргилик эмас, Қараке, қанийди қўлимдан келса, болаларга яхшироқ билим берсам, асосий орзу-ниятимга эришган бўлардим.

Шу йўсинда уларнинг суҳбатини тинглаб ётиб, аста-секин ҳушимга келгандай бўлдим. Бошда ҳаммаси тушда кўрилгандай туюлганди. Анча вақтгача Дуйшэннинг шикастланмай, омон-эсон қайтиб келганига ўзимни ишонтиролмай ётдим. Сўнг эса тасалли топган қалбимга илиқлик югуриб, қувончим ичимга сиймай, кўзёши тўкиб, нафасим бўғзимга тикилиб, хўнграб йиғлаб юбордим. Эҳтимол, ҳали ҳеч ким менчалик қувончга тўлмаган бўлса керак! Ушбу лаҳзаларда мен учун қарияларнинг паҳса деворли қулбаси ҳам, ташқарида ўқираётган бўронли тун ҳам, изғишиб юрган бўри галалари ҳам, овул чеккасида тилқаланиб ётган Қартанбойнинг ёлғиз оти ҳам кўзимга кўринмай қолди! Бутун қалбим, вужудим, фаҳм-фаросатим билан нур каби тенги йўқ бахт-саодатга мушарраф бўлганимни ҳис этган ҳолда йиғи овози эшитилмасин учун оғзимни юмиб, кўрпага бурқаниб олдим. Бироқ Дуйшэн дафъатан сўраб қолди:

– Ҳой, печка ёнида ҳиқиллаб йиғлаётган ким?

– Ҳа, бу Олтиной, ҳалиги воқеадан қаттиқ чўчиб кетган эди, ўшанга йиғлапти, – деди Сайқал кампир.

– Олтиной? У бу ёрга қандай келиб қолди? – Дуйшэн ўрнидан иргиб туриб, ёнимга келиб тиз чўкиб ўтирди-да, секин елкамга туртиб: – И-е, Олтиной, сенга нима бўлди? Нега йиғлаяпсанг? – деб сўради.

Мен бўлсам, девор томон ўгирилдим-да, яна баттарроқ хўнграб йиғлаб юбордим.

– Ҳа, ёқимтой қиз, кап-қатта бўлиб мунчалик қўркмасанг. Қани, менга бир қара-чи...

Дуйшэннинг бўйнидан қаттиқ кучиб олдим, кўзёшларим билан ювилиб лангиллаб турган юзларимни унинг кўксига босиб, ўзимни тутолмай, ҳиқиллаб йиғлайвердим.

Суюнганимдан қалтироқ босиб, ўзимни тинчлантиришга ожизлик қилдим.

– Ҳа, юраги қинидан чиққанми, дейман! – хавотирлана бошлади Қартанбой ва у ҳам ўтирган ўрнидан туриб кетди. – Қани, кампир, бир дуо ўқиб юбор, тезроқ бўла қол...

Баноғоҳ уларнинг ҳаммаси бесаранжом бўлиб қолишди. Сайқал момо пичирлаганча куй-суф қилиб дуо ўқиб, юзимга гоҳ совуқ, гоҳ иссиқ сув пурқаб, дам-бадам елкаларимни қоқиб, ўзи ҳам менга кўшилишиб йиғлай бошлади.

Эҳ, қанийди улар ўшанда ички кечинмаларим тугён уриб, юрагим буюк олий бахтдан баҳра олиб “ўз ўрнидан кўзгалганини” билишса эди, ҳолбуки буни ҳикоя қилиб беришдан ожизман, бу кўлимдан ҳам келмайди. Тиниб-тинчиб уйкуга кетмагунимча Дуйшэн ёнимдан жилмай, қизиб турган пешонамни совуқ кўллари билан оҳиста-секин силаб ўтирди.

Қиш оёқлаб қолди. Борлиқ узра баҳор нафаси кеза бошлади, адирларга майса гиламларини ёйиб эрувгарчиликдан нам тортиб кўпчиган текисликларни илиқ ҳаво оқимига чулғаб, ўзи билан бирга гўё кўпирган янги сут хидини олиб келарди. У тоғлардаги ястаниб ётган қор уюмларию музликларни эритиб, силжитиб, суриб ўзига йўл очиб, жилғалар сари шариллаб оқиб тушар, сўнгра эса йўл-йўлакай янада қудратли куч касб этиб, жарлик қирғоқларини ўпириб шиддат билан шарқираб оқарди.

Бу, эҳтимол, менинг илк ёшлик баҳорим даракчисидир. Ҳарқалай, нима бўлганда ҳам, у назаримда ҳар баҳорга нисбатан ҳам кўркамроқ туюларди. Мактабимиз ўрнашган тепалиқдан табиат нурга йўрилгандек янада наъшали, янада гўзаллик кашф этгандек кўзга ташланарди. Аллақаерларда мовий кўл мавжланиб ётган, аллақаерларда пағалага булутлар узра саф тортган турналар таронаси олис сафарга чорлаётгандай кишига ўзгача ҳузур бағишларди.

Баҳор келиши билан биз болакайлар ҳам қувончимиз ичимизга сиғмай ғимирлашиб қолардик. Турли-туман ўйинларни ўйнаб, севинчимиздан хандон уриб кулишардик, дарсдан сўнг эса мактабдан то овулга қадар бир-биримизни қувлашиб, шўх-шодон қийқаришиб борардик. Буни кўрган янгамнинг ҳар гал жини кўзиб, захрини сочмагунча кўнгли таскин топмасди:

– Ҳой, эси паст, мунча ирғишламасанг. Қиладиган ишинг йўқми, қари қиз бўлиб қолмоқчимсан? Сен тенги қизлар аллақачон турмуш қуриб, қариндош-уруғ бўлиб яшамоқда, сен-чи... Мактаб баҳона, тараллабедод қилиб, вақтни бекорга ўтказиб юрибсан, мактабинг бошингдан қолсин. Ҳали шошмай тур, таъзирингни бериб қўймасан сени...

Очигини айтганда, янгамнинг дўқ-пўписаларини ўзимга унчалик қаттиқ олмасдим: унинг дому дашнонларига кўникиб кетган эдим. Ўзим ҳақимда эса, айтиш керакки, қари қиз бўлиб қолди, дейиш мутлақо адолатсизлик эди. Тўғри, бу кўкламда бироз бўйга тортганимни айтмаганда, ўша-ўша қизалоқман...

– Сен сочи пахлоқ малла қизсан, – деб қуларди Дуйшэн.

Унинг сўзларига ҳеч қачон ранжимасдим. Гарчи сочларим пахлоқ бўлса-да, ҳарқалай ўзимни у даражада малла деб айтишга тилим бормасди. Бўйга етганимда шундай кўхлик қиз бўлайки, ана ўшанда гўзаллигимни кўриб янгам ҳайратда қолсин. Дуйшэн, сенинг кўзларинг юлдуз каби чақнаб, юзларингдан нур ёғилади, деб айтиб юради-ку!

Бир маҳал мактабдан югуриб келсам, ҳовлимизда иккита бегона от боғлоғлик турибди. Уларнинг эгалари тоғдан келган кўринади. Олдинлари ҳам улар бозордан ёки тегирмондан қайтаётганларида, йўл-йўлакай кириб ўтишарди.

Остонага яқинлашар эканман, янгамнинг алланечук гайритабиий хоҳлаб қулган овози эшитилди:

– Эй, жиянча, кўпам қайғурма, камиб қолмайсан. Ҳали жазманингга етишганда, тўғри айтган экан, деб эсларсан, мени. Ҳи-ҳи-ҳи!

Унга жавобан бошқаларнинг ҳам яйраб кулишлари эшитиларди. Эшиқдан кириб келишим билан эса ҳаммалари сув сепгандек жимиб қолишди. Намат устига ёзилган дастурхон ёнида юзлари қизариб бўртиб кетган, гўё тўнкани эслатувчи бесўнақай одам ўтирарди. У тер босган пешонасигача бостириб кийиб олган қозондай тулки телпаги остидан менга кўз қирини ташлаб, яна томоқ қоққанча ерга боқиб ўтирди.

– Э-э, келдингми, кела қол, жон қизим! – Янгам мени шу зайлда дабдурустан эркалаб, тилёғламалик қилиб мийиғида қулганча кутиб олди.

Наматнинг бир чеккасида ўтирган амаким менга нотаниш бир киши билан қарта ўйнаб, ароқ ичишиб, бешбармоқ еб ўтиришарди. Иккаласи ҳам ҳар гал қарта итқитганларида аллақандай ғалати ҳаракатлар қилиб, бош ирғаб қўйишарди.

Кулранг мушугимиз дастурхонга яқин келган эди, ҳалиги қизил юзли кимса уни

мушти билан бир урган эди, бечора мушук жон талвасасида миёвлаганча лип этиб ўзини четга отди-да, бурчакка бориб биқиниб турди. Боёқиш шўрликкинамнинг роса жони огригандир! Бу ердан қандай қилиб чиқиб кетишимни билмай турган эдим, янгам мушқулимни осон қилди:

– Қизим, – деди у, – қозонда овқатинг турибди, совимасдан олиб ея қол.

Мен остона ҳатлаб чиқдим. Бироқ янгамнинг бундай тил учигаги нунофиқона муомаласи менга мутлақо ёқмади, гашим келиб, кўнглим беихтиёр хушёр торта бошлади.

Орадан икки соатлар чамаси ўтиб, келган кишилар отларига минишиб тоққа жунаб кетишди. Янгам бўлса, худди шу заҳотиёқ, одатдагидек, яна ҳақоратли қарғишларини ёғдирга бошлади. Мен бўлсам, ҳалиги сўзлари “Демак, мастлик устида айтилган гаплар экан-да”, деган хаёлда кўнглим таскин топгандай бўлди. Шундан сўнг сал ўтиб, бизниқига қандайдир бир юмуш билан Сайқал кампир келиб қолди. Мен ҳовлида у-бу ишлар билан машғул бўлиб юрган эдим, унинг айтган сўзларини эшитиб қолдим:

– Кўй, болам, Худо хайрингни берсин, уни жувонмарг қилма, уволига қоласан!

Янгам билан Сайқал нима ҳақдадир бир-бирларига сўз бермай бобиллашганча бахслашиб қолишди, сўнгра кампир уйдан ғазабланган ҳолда чиқиб, менга зарда қилгандай, айна чоғда ачингандай бир ўқрайиб қаради-да, ҳеч нарсга демай чиқиб кетди. У менга нега бундай қаради, яна қайси қилигим унга ёқмай қолди? – дея кўнглим ғаш тортиб юрди.

Эртаси куни мактабда Дуйшэннинг руҳи тушиб, нимадандир ташвишланаётганини, аммо бизларга сир бой бермасликка ҳаракат қилаётганини, айна чоғда у негадир мен томонга қарамаётганини ҳам дарҳол сезиб қолдим. Дарсдан сўнг биз галалашиб мактабдан чиққаннимизда, Дуйшэн мени қақриб қолди:

– Тўхта, Олтиной, – муаллим ёнимга яқин келиб, диққат билан кўзимга тикилди-да, елкамга қўлини қўйиб, – сен уйга бормагин. Тушундингми? – деди.

Кўркүвдан донг қотиб қолдим. Фақат шундан кейингина янгам менинг устимдан нималар қилмоқчи эканини фаҳмладим.

– Сенинг учун мен ўзим жавоб бераман, – деди Дуйшэн. – Ҳозирча эса бизниқига яшаб турасан. Мендан узоқлашмагин, хўпми?

Рангим ўчиб кетган бўлса керак, Дуйшэн иягимни кўтариб, ўзига қаратди-да, кўзимга тик боқиб, меҳрибонлик билан жилмайиб қўйди.

– Кўрқма, Олтиной, – деди у, одатдагидек, жайдари кулиб қўйди. – Мен ёнингга эканман, ҳеч нимани хаёлимига келтирмай аввалгидек эмин-эркин ўқишингни ўқиб юравер. Ахир, сенинг кўрқоқ эканлигингни ўзим ҳам билар эдим-ку... Ҳа, айтганча, кўпдан бери сенга бир нарсани айтмоқчи бўлиб юрган эдим. – Афтидан, аллақандай галати бир нарсани эслаб яна қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

– Ёдингдами, анови куни Қартанбой ака эрта саҳарлаб туриб, қаергадир гойиб бўлган эди. Бир маҳал қарасам, биласанми кимни – сенга дам солиб қўйсин деб, Жайноқнинг ҳалиги жодугар эмчи кампирини бошлаб келяпти. “Нега”, деб сўрасам, лабини қимтинганча, “Олтинойнинг юраги кўркүв сабаб қинидан чиққан кўринади, бир эмлаб қўйсин”, дейди. Мен бўлсам: “У жодугарни бу ердан тезроқ йўқотинг, акс холда, у битта қўйдан камига рози бўлмайди. Бизнинг эса унга берадиган қўйимиз йўқ, ночор яшаймиз, биргина отимиз ҳам бўриларга ем бўлган”, деб уни ҳайдаб юбордим. Сен бу маҳал ҳали уйқуда эдинг. Қараке бўлса, “Сен мени кексайган чоғимда уятта қолдирдинг”, деб бир ҳафтагача гаплашмай хафа бўлиб юрди. Ҳар қалай, нима бўлганда ҳам, улар меҳр-оқибатли, ажойиб қариялар-ку. Қани, энди кетдик, – дея Дуйшэн мени ўзи билан бирга уйига бошлаб кетди...

Муаллимнинг дилини бекорга ранжитмайин деб, ўзимни қўлга олишга ҳар қанча ҳаракат қилмайин, барибир, ташвишли фикрлар менга тинчлик бермасди. Ахир, истаган маҳалда янгам бу ерга бостириб келиб, мени куч билан олиб кетиши мумкин эди. У ерда эса ёвуз ниятли кимсалар менинг устимдан хоҳлаганларини қилишарди. Овулда эса уларни ҳеч ким тергай олмасди, мен бўлсам, мусибатни кутиб, тун бўйи мижага қоқмай чиқдим.

Дуйшэн қай ахволда эканлигини яхши тушунарди, албатта. Шунинг учун ҳам бўлса керак, у эртаси куни кўнглими кўтармоқ учун мактабга иккита ниҳол кўчат олиб келди. Ўқиш тугаши билан у менинг қўлимдан етаклаб нарига элтди-да:

– Ҳозир, иккалаимиз бир иш қиламиз, Олтиной, – деди у ўзича севингандай менга кулиб қараб. – Мана бу кўчатларни сенга атаб олиб келдим. Иккалаимиз буларни экамиз. Улар ўсиб, кучга тўлиб вояга етгунча, сен ҳам ҳавас қилса қилса арзийдиган ажойиб қиз бўлиб етишасан. Сен қалби пок, зехни ўткир қизсан. Сен ҳали, назаримда, ўқиб, камол топиб, катта олима бўлиб таниласан. Ҳа, бунга ишончим комил. Ҳали айтди дерсан, бу менга худди пешонангга битиб қўйилгандек кўнглимдан ўтиб турибди. Сен ҳозир ёшигина қизсан, худди мана шу кўчатлар сингари навниҳолсан. Қани, кел, Олтиной, бу кўчатларни яхши ниятда ўз қўлимиз билан ўтказайлик. Илоҳим, ўқишдан бахтинг

очилсин, қақнаган юлдузчам.

Буйим баробар ниҳоллар кўкимтир теракчалар эди. Мактабимиз яқинига тепаликка экиб кўйилган бу теракчаларнинг илк бор маржондек тизилишиб ўсиб келаётган япроқчаларига қирдан эсаётган енгил шабада гўё биринчи бор жон ато этаётгандай туюларди. Теракчалар тебраниб, япроқчалар шивирлашарди...

– Кўряпсанми уларнинг кўркамлигини! – деди Дуйшэн, – орта тисарилганча уларга разм солар экан. – Энди бу ерга ана у булоқдан ариқ қазиб, сув келтирамиз. Улар тепаликдан худди икки ака-укалардек салобатли кўришиб туришади ва уларни кўрган кишиларнинг баҳри дили очилиб, кўзлари яшнайди. Ана унда ҳаёт ҳам ўзгаради, Олтиной. Ҳамма эзгу ниятлар ҳали олдида...

Дуйшэннинг олийҳимматлигидан беҳад таъсирланганимдан эс-хушимни йўқотиб, унга тикилганимча тураверибман. Буни ҳозир ҳам сўз билан ифодалашга ожизман. Мен унинг қуз-кўзидан ёғилиб турган раҳмдиллиги меҳрибонлигини, қалбларга ҳузур бахш этувчи бегубор, жозибали табассумию кучли ва чапдаст кўлларини гўё биринчи бор кўриб тургандай ҳис қилардим. Аллақандай янги, нотаниш, эҳтиросли ҳис-туйғулар тўлқини қалбимни қамраб олиб ғўжгон урарди ва мен: “Муаллим, сиз шундай одам бўлиб яратилганингиз учун раҳмат... Сизни кучиб ўлгим келяпти!” демоқчи бўлдим-у, уялганимдан бу сўзларни айтишга юрагим бетлай олмади. Балки, айтиш керакмиди... Ушанда эса биз тепаликда, очиқ осмон остида яшил рангга чулганган баҳорги қир-адирлар кўйнида ҳар биримиз ўз орзу-ниятларимиз билан банд эдик ва ўша дақиқаларда кўнглимни гаш қилиб турган раҳмат-хатарни бутунлай унутиб, эртанги кун мени нималар кутаётганини ҳам, негадир, икки кундан бери янгам мени излаб келмаётганини ҳам бутунлай ўйламай кўйган эдим. Улар мени унутишдими ёки ўз ихтиёрига кўйиб турарлиқ деган фикрга келишдими, билмадим. Аммо Дуйшэн бу ҳақда ўзича ўйлаётган экан.

– Сен кўпам қайгураверма, Олтиной, иложини топамиз, – деди у овулга қайтаётганимизда. – Эртдан кейин бўлисга бориб, сенинг ҳақингда ҳам гаплашиб келаман. Сени шахарга юбориб ўқитиш ниятидаман, балки бунинг имкониятини топарман. Сен буни истайсанми?

– Сиз нима десангиз, шу бўлади, муаллим, – дедим мен.

Гарчи, шахар қандай бўлиши ҳақида тасаввурга эга бўлмасам-да, Дуйшэннинг сўзларидан кейин менда у ёққа бориб ўқиш орзуси тинчлик бермади. Гоҳ мен учун бегона бўлган юрда ҳолим не кечар экан, гоҳ яна йўлга ҳозирлик кўрсаммикан, деган ваҳимали ўй-хаёллар бутун вуждимни чулғаб олган эди.

Эртасига мактабда ҳам нуқул шу ҳақда ўйлаб юрдим: шахарда кимниқанда туриб, қандай яшайман. Агар бирорта оила бошпана берса, буюрганини қиламан – ўтин ёраман, сув ташийман, қир-чирини юваман, нимани амр этса, ҳаммасини удалайман. Дарсда ўтириб шулар ҳақида ўйлар эканман, омонатгина турган мактабимизнинг деворлари ордидан от туёқларининг дупур-дупури эшитилиб қолди. Бу тўсатдан юз бериб, отлар елдек учиб келардики, мана ҳозир мактабимизни яқсон қиладигандек туюларди. Биз ҳаммамиз кўрқувдан қотиб қолдик.

– Чалғимасдан, дарсингизни давом эттираверинг, – деди Дуйшэн шошилинч равишда.

Аммо шу пайт эшик шарақлаб очилдию останада янгам пайдо бўлди. У ичи қоралик билан сурбетларча тиржайиб турарди. Дуйшэн эшик томон яқин келди-да, секин овозда:

– Хўш, сиз нима юмуш билан келдингиз? – деди.

– Нима юмуш билан келганимнинг сенга дахли йўқ. Қизимни узатмоқчиман. Ҳой, сўққабош! – Янгам жон-жаҳди билан менга ташланди, бироқ Дуйшэн унинг йўлини тўсиб қолди.

– Бу ердагилар – ўқувчи қизлар, турмушга узатиладиган қизимиз йўқ, – деди Дуйшэн қатъий ва бамайлихотирлик билан.

– Нима деяпсан, ҳали унинг бор-йўқлигини сенга кўрсатиб қўямиз. Қани, йигитлар, ушланглар у қанжиқни, қўл-оёғидан тортиб судранглар!

Янгам отлиқлардан бирини имлаб чақирди. Бу ўша тулки телпақли қизил юзли киши эди. Ундан сўнг қўлларида сўйил ушлаган яна икки киши отдан тушиб келишди.

Дуйшэн эшик олдида кўзгалмай тураверди.

– Нима, сен дайди ит, бировнинг қизини ўз хотинингдек тасарруфинга олмоқчимисан, йўқол, бу ердан!

Қизил юзли киши айиқ сингари Дуйшэн томон важоҳатли йўналди.

– Бу ёққа киришга ҳақингиз йўқ, бу мактаб! – деди Дуйшэн эшик кесақисига маҳкам ёпишиб олганча.

– Айтмовдимми! Жазмани бу қанжиқни кўпдан бери йўлдан уриб тузоғига илинтириб юрибди деб, – жазаваси тутиб чинқирди янгам.

– Мактабинг билан қўшмозор бўл! – қизил юзли одам қамчисини кўтариб бўкириб юборди. Аммо Дуйшэн унинг қорнига чапдастлик билан тепган эди, у оҳ деганча қулаб тушди. Шу заҳотиёқ сўйил ушлаб турган икки киши муаллимга ташланди. Болалар қий-чув кўтаришиб олдимга югуриб келишди. Муштлашиш зарбидан ёғоч эшикнинг тит-пити чиқиб кетди. Қўрқувдан менга ёпишиб олишган болаларни ҳам ўзим билан бирга бошлаб муштлашаётганлар томон югуриб бордик.

– Муаллимни қўйиб юборинглар! Уни урманлар! Мана, мени уринглар. Муаллимни тинч қўйинглар!

Дуйшэн менга ўгирилиб қаради. Унинг ҳамма ёғи қонга беланиб, юзлари даҳшат ва ғазабга тўлган эди. Ерда ётган тахта парчасини олиб қаттиқ қулочкашлаб силкитиб қичқиради:

– Болалар, қочинглар! Овулга қочинглар! Қоч, Олтиной!

У шунчалик бақириб гапирганидан овози бўғилиб қолганди. Шу аснода Дуйшэн синган қўлини кўксига боғлаётганларида Дуйшэн ерда юзтубан ағанаб ётарди. Рақиблар бўлса, қутурган буқалардек ҳимоясиз ўлжасига ташланиб, уни яна дўппослай кетдилар:

– Ур! Ур уни! Бошига сол! Улдир!

Қутуриб кетган янгам қизил юзли киши билан сапчиганча ёнимга келиб, сочимни бўйнимга ўраб, эшикка судраб чиқишди. Мен бўлсам, жон-жаҳдим билан сирғалиб чиқишга уринар эканман, қўрқувдан донг қотиб қолган болаларнинг дод-фарёди аралаш девор ёнида қонга беланиб ётган Дуйшэнга кўзим тушиб қолди.

– Муаллим!

Бироқ Дуйшэн менга ёрдам берадиган ҳолатда эмас эди. У муштумзўрларнинг калтаги зарбидан худди маст одамадай каловланиб аранг оёқда туришга ҳаракат қилар, улар бўлса, ҳадеб уни дўппослашарди. Мени эса ерга йиқитиб, икки қўлимни чилвир билан орқамга боғлаётганларида Дуйшэн ерда юзтубан ағанаб ётарди.

– Муаллим! – деб қичқирганимни биламан, улар оғзимни ёпиб, отга ўнгаришди.

Отда ўтирган қизил юзли киши мени зилдай қўлларию бесунақай гавдаси билан босиб турарди. Дуйшэнни дўппослаган ҳалиги икки киши ҳам отларига сакраб минганча биргаликда жуфтаки ростлаб қолишди. Янгам ҳам мени савалаганча отлиқлар билан ёнма-ён югуриб бораркан:

– Қалай, муддаонга етдингми! Итдек ҳайдаб чиқараётирман сен ярамасни. Қилмиш-қидирмиш дейдилар, қилмишинга яраша бўлди. Ишонган муаллимнинг ҳам соб бўлди...

Бироқ бу ҳали охири эмас... Тўсатдан орқа томондан:

– Олтин-ой! – деб бақирган фарёд эшитилди. Отда осилиб қолган бошимни аранг кўтариб қарасам, ортимдан чалажон қилиб қонга беланган Дуйшэн қўлида каттакон тош ушлаганча югуриб келяпти. Унинг орқасидан эса дод-фарёд кўтарганча синфимиз болалари чошишарди. "Тўхтанглар, ҳайвонлар! Тўхтанглар! Қўйиб юборинглар уни! Олтиной!" – деб бақирарди у жон талвасасида, бизга яқинлашиб келар экан.

Зўравонлар тўхтаб қолишди, у иккаласи эса Дуйшэннинг атрофида отда гир айланишарди. Дуйшэн синган қўли халал бермасин учун енгини тишлаб олиб, ёвузларни кўзлаб тош отди, лекин тош мўлжалга бориб тегмади. Шу пайт ҳалиги икки киши Дуйшэнни сўйил билан уриб кўлобга йиқитишган эди, кўз ўнгим хиралашиб кетди, фақат болаларимизнинг ерда ётган муаллимнинг тепасига югуриб келишиб, донг қотганча туриб қолганларини аранг кўришга улгурдим.

Улар мени қаяққа ва қандай олиб келганларини эслай олмайман. Ҳушимга келиб, мундоқ қарасам, ўтовда ётибман. Ўтовнинг очик турган туйнуғидан эса юз берган воқеадан беҳабар, осойишта тонгги юлдузлар мўралаб туришарди. Аллақаерда, ёнгинамизда дарёнинг шовуллаб оқишию кўйчивонларнинг ғудуллашган овозлари эшитилиб турарди. Олови ўчиб қолган ўчоқ бошида бадқовоқ, қора юзи унникиб, чўп-устихон бўлиб кетган бир кекса аёл ўтирибди. Мен бошимни ўгириб бошқа томонга қарадим... О, қани энди, қўлимдан келсаю, бир нигоҳ билан уни асфаласофилнга жўнатсам!

– Ҳой, қорачўри, уни ўрнидан турғиз, – деб буюрди қизил юзли киши.

Қора хотин ёнимга келди-да, дағал, таёқдек қўллари билан елкамдан силкиб тортиди.

– Эгачингни нима бўлса-да, кўндир. Акс ҳолда, барибир, ҳоли вўй бўлади!..

У ўтовдан чиқиб кетди. Қора хотин бўлса, ҳатто ўрнидан ҳам қўзғалмади, лом-мим деб оғиз ҳам очмади. Балки, у соқовдир? Унинг совиб қолган кулни эслатувчи нурсиз кўзлари, калтак еган итнинг думи қисқик келади, деганларидек, ҳали кичкиналигиданок нокас кишиларнинг ҳадеб уриб-ҳайдайверганларидан безиб қолган ва бунга аста-секин кўникиб қолган итнинг термилиб туришини эслатарди. Мен бўлсам, худди қоронғи гўр тубига тушиб кетгандай ўлик ёки тирик эканлигимни билмай, ўтирган жойимда сўппайиб

ўтиравердим. Бироқ унинг ўта совуқ ва зулматни эслатувчи қайгули қарашларидан дахшатли манзарани ўқиб олиш мумкин эди. Қора хотиннинг сўниқ кўзларига яна назар ташлар эканман, мен ўзимни ҳаётдан кўз юмиб, қабрда ётган кишидек хис этдим. Агар сойдан оққан сувнинг шовуллаган овозини эшитмаганимда, мен бунга ишонган бўлардим. Сув шовуллаб, қиялқилан акс садо берганча эркин оқиб келарди...

Минг лаънат, сендай тошбағир янғана! Илоҳим, умр бўйи оққан кўзёшлариму тўкилган қонларимнинг уволи тутсин сени!.. Бу кеча ўн беш ёшимда мени зўрлаб бадном қилдилар. Бу балога грифтор этган йиртқичнинг болаларидан ҳам ёш эканман...

Орадан икки кун ўтиб, учинчи тунга ўтар кечаси эс-хушимни йиғиб олиб, йўлу чўлда адашиб кетсам, орқамдан қувлаб бориб ушлаб олсалар ҳам, барибир, нима бўлганда ҳам, қочиб кетиб, муаллимим Дуйшэн сингари сўнги нафасим қолгунча курашиб ўлганмен яхши, деган қарорга келдим.

Қоронғида аста-секин эшик сари бориб пайпаслаб кўрсам, қил арқон билан муштақам боғлаб қўйишибди. Устомонлик билан тангиб қўйилган арқон тугунларини эса қоронғида ечишнинг иложи йўқ эди. Шу босиc ўтов девори остидан бир амаллаб сирғалиб чиқиб кетишга уриниб кўрдим. Бироқ қанчалик уринмайин, ҳаракатларим зое кетди – ўтов сиртки томондан ҳам арқон билан ерга маҳкам боғлаб қўйилган экан.

Фақат қандайдир бир ўткир нарса топиб, эшик арқонларини кесишдан бошқа иложим қолмади. Қоронғида, наридан-бери, атрофни титкилай бошладим, қўлимга ёғоч қозикдан бошқа ҳеч нима илинмади. Ноилож, шу қозик билан ўтов остини қовлай бошладим. Бу уринишларим ҳам, албатта, беҳуда кетишига кўзим етиб турган бўлса-да, ноумид шайтон деганларидек, умидсизликка тушмадим. Миямда фақат биргина фикр чарх урарди – ё ўлиш, ё қолиш – бу зулмат қафасидан қочиб қутулсам-у, ана у тўнғизнинг пишиллашио хуриллашини эшитмасам, эрк учун таслим бўлишдан кўра курашиб ўлмоқ афзал! – деган тушунча бутун вужудимни қамраб олган эди.

Тўқол – иккинчи хотин! Эҳ, отинг ўчғур бу сўзни жинимдан баттар ёмон кўраман! Уни ким, қайси замонда ўйлаб топган экан-а?! Ҳам жисми, ҳам қалби менчалик қулликка гирифтор этилган одам зоти бормикан бу оламда? Тур, гафлатдан, бахти қаро гофил бандалар, инсоний ҳақ-ҳуқуқлардан маҳрум этилган жафокаш аёллар. Зулмат дунёсини ларзага келтир! Буни мен, орангиздан ушбу тақдирни сўнги бор хатлаб ўтаётган аёл айтаяпти!

Бу сўзларни ўша машўм тунда нима учун айтганимни ўзим ҳам билмайман. Ортиқ даражада асабийлашиб кетганимдан жон-жаҳдим билан ўтов остини тирнаб қазийвердим. Бироқ тошлоқ ер экан, қўлларим шилиниб, бармоқларим қонаб кетди. Эндигина кўл сиғадиган тешик очганимда тонг отиб, овул уйғонгандай итларнинг вовиллашио одамларнинг гангир-гунгур овозлари эшитила бошлади. Шу аснода дупурлашиб, йилқи уюрларию кўй сурувлари физиллаганча сувлик сари ўтиб кетишди. Шундан сўнг кимдир – биров ўтовга яқинлашиб, унинг сиртдан чандиб боғланган арқонларни ечиб, кигизларни тушира бошлади. Бу ўша индамас қора хотин эди.

Демак, овул кўчишга ҳозирлик кўрмоқда. Дарвоқе, кеча кечкурун довон ошиб янги манзилга кўчиб кетиб, ёз бўйи ўша ерда кўним топиш ҳақида гаплашаётганлари қўлогимга чалинган эди. Қочиб қутулишим ўн чандон мушкуллашар экан-да, деган ўй-хаёл яна кўнглимни беҳузур қилди. Ўтов остини қовлаган еримда жилмай ўтиравердим. Нима ҳам қила олардим? Барибир, ўтовнинг таги қовланганини қора хотин кўрган бўлса ҳам, ҳеч нима демасдан ўз юмушини давом эттираверди. У ўзини дунё ишларидан мутлақо холи, оламни сув босса тўпигидан келмайдиган ҳиссиc бир кимсадек тутарди. У ҳатто пўстини билан бошини кўрпага буркаб айиқ сингари хуррак отиб ётган эрини, ҳой, турсангиз-чи, йўлга отланяпмиз, ёрдам беринг, деб уйғотишга ҳам журъат этмади.

Ҳамма кигизлар йиғиштириб олиниб, ўтов яп-яланғоч бўлиб қолган эди, мен бўлсам, ҳамон қафасдаги қушдек, қимирламай гужанак бўлиб ўтирадим. Соининг нариги томонидан одамлар ҳўкизлари отларга кўч-кўронларни ортмоқда. Шу маҳал аллақакдан уч отлик пайдо бўлди-да, ҳалиги одамлардан ниманидир суриштиргач, биз томон кела бошлади. Дастлаб булар кўчиришга келишган бўлса керак, деб ўйладим, кейин разм солиб қарадим мусаросимага тушиб қолдим. Уларнинг бири Дуйшэн, қолган иккитаси – қизил ёқали милиционерлар эди.

Ўлигимни ҳам, тиригимни ҳам билмай мажолсиз ўтираверибман. Ҳатто бақирай десам, овозим чиқмайди. Ногаҳон муаллимимизнинг тирик эканлигини кўриб, қувончим ичимга сиғмай кетди! Бироқ айна дамда таҳқирланиб, бадном этилганини эслаганимда қалбим озурда бўлиб фарёд чекарди...

Дуйшэннинг боши бинт билан тангиб боғланган бўлиб, шикастланган қўли бўйнига осиб қўйилганди. У отдан сакраб тушиб, эшикни зарб билан тепди-да, ўтовга югуриб кириб, қизил юзли кишининг устидаги кўрпасини итқитиб ташлади.

– Тур, ўрнингдан! – деди у газабнок овозда.

У қутилмаганда бошини кўтариб, кўзини ишқалаганча Дуйшэнга ташланмоқчи

бўлган эди, тўппонча ўқталиб келаётган милиционерларни кўриб, турган жойида серрайиб қолди. Дуйшэн уни ёқасидан ушлаб, ўзига силтаб тортди.

– Ярамас! – деди у қони қочган лаблари билан пичирлаб. – Энди борадиган ерингга борасан!

У итоаткорона нари сурилди. Бироқ Дуйшэн уни яна елкасидан ушлаб шартта ўзига силтаб тортди-да, титроқ овозда юзига тик қоқиб:

– Сен уни ҳали ўн гулидан бир гули очилмасданоқ пайҳон этдим, деб ўйлаялсанми? Билиб қўй, энди сенинг ҳам кунинг битди ҳисоб!.. – деди.

Қизил юзли кишини этигини кийгизиб, икки кўлини орқасига боғлаб, отга ўнгарганча милиционерларнинг бири тизгиндан ушлаб етаклаб, иккинчиси унинг ортидан ҳайдаб олиб кетишди. Мен Дуйшэннинг отида, у эса ёнимда пиёда борар эдик.

Энди йўлга чиққанимизда, ортимиздан аллақандай фарёдли чинқириқ овози эшитилди. Мундоқ қарасам, ортимиздан ўша қора хотин югуриб келаяпти. У худди ақлдан озган кишидек, эри томон юлқиниб чиқди-да, унинг тулки телпагига тош билан тушира бошлади.

– Қонимни зулукдек сўриб, умримни хазон қилдинг, одамхўр! Сен кўлимдан тириклайин қутула олмайсан! – дея зор қақшаб бақирарди у. Қирқ йилдан буён қалбида йғилиб қолган сабр-бардосу дард-аламлар энди туғён ура бошлаганди. Унинг қулоқни қоматга келтирувчи чинқириқ овози дара қояларига урилиб, акс садо берарди. У гоҳ у томон, гоҳ бу томон елиб-юғураб, қўрқувдан ҳадиксираб букчайиб қолган эрининг устига гўнг, тупроқ сочиб, тош, кесак, хуллас, кўлига илинган нарсани улоқтириб, дод-фарёд кўтарганча лаънатларди.

– Босган ерингда ўтлар унмасин! Илоҳим, суякларинг дала-дашларда чириб, кўзларингни қарга-қузғунлар чўқисин, бошимга не кунлар солмадинг, Худо урсин сени, йўқол кўзимдан, йўқол, одам қиёфасидаги махлуқ, турқ-атворингни бошқа кўрмайин, йўқол! – дея қийқирдио бирдан жимиб қолди, сўнг у яна шамолда тўзиб кетган сочларидан чўчигандай қичқирганча нариги томонга югуриб кетди.

Шу воқеа устидан чиқиб қолган кўни-кўшнилар унга етиб олмоқ учун от чоптириб қувлаб кетишди.

Ёмон туш кўриб босинқирагандай бошим гувулларди. Руҳан эзилиб адои тамом бўлган мен бечора отда, жиловни тутган Дуйшэн сал олдинда борардик. У бинт билан ўраб боғлаган бошини кўйи солганча сукут сақларди. Орадан анча вақт ўтиб машъум дара ортада қолиб кетди. Милиционерлар ҳам илгарилаб кетган эди. Дуйшэн отни тўхтатди-да, ҳорғин кўзлари билан биринчи бор менга назар ташлади.

– Олтиной, мени кечир, сени бу балолардан сақлай олмадим, – деди у. Сўнг кўлимни олиб, юзига босди-да: – Сен мени кечирган тақдирда ҳам, мен ўзимни бир умрга кечира олмаган бўлардим...

Мен уввос тортиб йиғлаганча отнинг ёлига ёпишиб олдим. Дуйшэн бўлса, йиғлаб кўнглимини бўшатиб олгунча, ёнимда сочларимни силаб, сукут сақлаб турди-да:

– Тинчлан, қани кетдик, – деди у ниҳоят. – Гагимга қулоқ сол. Уч кун аввал бўлисда бўлдим. Сени шаҳарга юбориб ўқитамиз. Эшитяпсанми?

Кўёш нурида товланиб шарақлаб оқаётган зилол сув буйига етиб келганимизда:

– Қани, энди отдан туш, Олтиной, – деди Дуйшэн. Кейин киссасидан бир бўлак совун олиб узатар экан: – Истасанг, мен у ёққа бориб отни ўтлатиб турай, сен эса бўлиб ўтган воқеаларнинг ҳаммасини хаёлингдан чиқар! Ол, Олтиной, енгил тортасан. Маъқулми?

Мен хўп, дегандай бош ирғадим ва Дуйшэн нари кетгандан сўнг ечиниб, аста-секин сувга тушдим. Ярқираб оқаётган сув остидаги оқ, кўк, яшил, қизил рангдаги тошчалар камалак янглик жилваланиб менга боқишарди. Шитоб билан оқаётган мовий сув оқими тўпигимга келиб урилиб, нималарнидир бижирларди. Мен ундан ҳовучлаб олиб кўрагимга сепдим. Муздек сув танимга югуриб, ҳузур бахш этди. Мен шу кунларда биринчи бор қувонганимдан беихтиёр қулиб юбордим. Қулишга нима етсин! Яна, яна устимга сув сепдим-да, кейин ўзимни оқимнинг чуқур жойига отдим. Шиддатли оқим мени яна саззликка чиқариб қўяр, мен эса ўрнимдан туриб, яна ўзимни шариллаганча кўпиклианиб оқаётган оқимга отардим.

– Эҳ, ҳаётбахш сув, сенга минг қатла шукурлар бўлсин, бу қаро кунларнинг барча нажасларию разолатларини оқизиб кет! Мени ҳам ўзинг каби тоза, мусаффо эт! – дея пичирлаб қулардим ва нима учун қулаётганимни ўзим ҳам билмасдим...

Қани энди одамларнинг босган излари эсдалик белгиси сифатида ўнмасдан умрбод сақланиб қолса! Агар мен ҳозир Дуйшэн билан тоғдан тушиб келаётган ўша ёлғизоёқ йўлни тополсам, ерга тиз чўкиб, муаллим босган изларни ўпган бўлардим. Бу сўқмоқ мен учун ҳамма йўллардан ҳам ардоқлидир. Худонинг марҳамати билан мени янги ҳаётга, янги ишонч, янги орзу-ниятларга қорлаган ўша кун, ўша сўқмоқ йўл хайрли ва нурафшон бўлсин... Ўша кунги порлаган қуёшга, саховатли еру заминга тасанно!..

Икки кундан кейін Дуйшэн мени кичик темир йұл станциясыга олиб борди. Бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеалардан сўнг овулда қолишни ўзимга эп кўрмадим. Янги ҳаётни янги манзилда бошламоқ зарур эди. Овулдошлар ҳам менинг қароримни маъқуллашди. Сайқал буви билан Қартанбой ота безовта бўлишиб, ёш болалардек йиглаб-сиқтаганча менга аталган халтаю тугунчаларни кўтаришиб йўлга кузатиб қўйишди. Мен билан хайрлашгани бошқа кўни-кўшнилар, ҳатто жанжалкаш Сотимқул ҳам пайдо бўлган эди.

– Худойим ўз паноҳида сақласин сени, – деди у, – Дуйшэннинг панд-насихатларидан чиқма, шунда ҳаётда қоқилмайсан. Бизлар ҳам анча-мунча нарсаларни тушунадиган бўлиб қолди. Журъатли, жасоратли бўл. Йўлинг чарогон бўлсин, болам!

Мақтабимиз ўқувчилари анчагача кўлларини силкитиб, арава орқасидан югуриб боришди. Мени Тошкентга, етим болалар уйига бораётган бир нечта болаларга қўшиб кузатишди. Станцияда бизни чарм курткали бир рус аёли кутаётган эди.

Кейинчалик мен тоғ даралари орасида, тераклар билан қопланган ушбу кичик темир йұл станциямиз олдида неча бор тўхтамай ўтиб кетдим. Гуё юрагимнинг ярмини абадий ўша ерда қолдириб кетгандай бўлдим.

Оч бинафша рангдаги баҳор оқшоми хайрлашаётганимни худди сезиб тургандай хомуш тортиб, аллақандай юракни зирқиратарди. Дуйшэн озор чекиб, дили вайрон этилганини пинҳон тутишга қанчалик ҳаракат қилмасин – уни яшира олмади. Муаллимнинг юрак дардини ич-ичимдан сезиб турардим; бундай оғриқ менинг ҳам томоғимга тикилгандай эди. Дуйшэн менга разм солиб, меҳрибонларча юз-кўзларимни, сочлариму ҳатто кўйлагим тугмачаларини силаб ўтирарди.

– Олтиной, менга қоқса, сени, бир зумга бўлса-да, ўз бағримдан чиқармаган бўлардим, – деди у. – Лекин ўқишинга халал беришга ҳақим йўқ. Ахир, ўзим ҳам унчалик саводли эмасман-ку... Сен ўқишга борсанг, албатта яхши бўлади. Эҳтимол, ҳақиқий ўқитувчи бўлиб, болаларга сабоқ берарсан, ўшанда қадрдон мактабимизни эслаб роса куларсан ҳам... Айтилган орзу-ниятларим илоҳим рўёбга чиқсин...

Бу орада олисдан дарани янгротиб келаётган паровоз кўриниб, одамлар юкларини кўтарганча гимирлашиб қолишди.

– Мана, ҳозир жўнаб кетасан, – деди Дуйшэн титроқ овозда, кўлимни сиқиб. – Бахтли бўл, Олтиной. Энг муҳими – ўқиш ва яна ўқиш, буни унутма...

Мен бўлсам, бирон нима дейишга мажолим келмай, пол бўлиб қолган эдим. Дуйшэн:

– Йиғлама, Олтиной, – дея кўзёшларимни артаётиб, иттифоқо, алланарса эсига тушиб қолди: – Ана у сен билан бирга эккан теракчаларни ўзим парвариш қиламан. Сен комил инсон бўлиб қайтиб келганингда улар ҳам буй чўзиб, қанчалик чирой очганини кўриб, қувончга тўласан ҳали.

Шу маҳал поезд келиб, вагонлар шарақ-шуруқ этиб тўхтади.

– Қани, энди хайр-хўшлашамиз! – Дуйшэн мени қаттиқ кучиб олганча пешонамдан ўпа бошлади. – Соғ-саломат бўл, сафаринг бехатар бўлсин, хайр, оқ йўл сенга... Чўчима, жигарим, ҳамиша журъатли, жасоратли бўл!

Мен вагон зинапоясига сакраб чиқдим-да, орқамга ўгирилиб қарадим. Дуйшэннинг синган кўлини бўйнига осиб, хиралашиб қолган кўзларини узмай менга томон талпинаётгани сира-сира кўз ўнгимдан кетмади. Шу маҳал поезд ўрнидан кўзгала бошлади.

– Хайр, Олтиной! Хайр, қароғим! – қичқирди у.

– Хайр, қадрдон устоз! Хайр, меҳри дарё муаллим!

Дуйшэн вагон билан ёнма-ён югуриб бораверди, кейин ортда қолиб кетди. Сўнг яна олға ташланди-да:

– Олтин-ой! – деб ўкириб юборди.

Менга у худди эсига тушиб қолган аллақандай муҳим бир гапни, гарчи кеч бўлса-да, айта олмаганидан ўкиниб бақиргандек туюлди.

Поезд туннелдан ўтиб, тўғри йўлга чиқиб олгандан сўнг, тезликни ошира бориб, мени қозоқ даштлари орқали янги ҳаёт сари элтарди...

Хайр, муаллим, хайр, менинг биринчи мактабим, хайр, болалик чоғларим, хайр, менинг ҳеч кимга изҳор этмаган биринчи муҳаббатим...

Ҳа, мен Дуйшэн орзу қилган катта шаҳарда, деразалари катта-катта, чарогон мактабларда ўқидим. Сўнг рабфакни тугатгач, мени Москвага институтга юборишди.

Узоқ йиллик ўқиш давомида илм-фан сир-асрорларини эгаллашда қанчадан-қанча қийинчилиги синовларни бошимдан кечириб, неча бор тушунлиққа тушган энг оғир дамларда, ҳар гал, хаёлан биринчи муаллимимга мурожаат этардим, у эса мени ҳамиша чекинмасликка, олға интилишга даъват қиларди. Одамлар бир ўқишдаёқ ўзлаштирадиган нарсаларини мен катта машаққатлар эвазига ўқиб ўзлаштардим. Чунки ўтилган дарсларнинг барчасини ибтидосидан бошлашга тўғри келган эди.

* * *

Рабфақда ўқиб юрган кезларимда муаллимга севишимни ошқора изҳор этиб, мактуб йўлладим, бироқ, афсуски, у хатимга жавоб қайтармади. Шу билан ўзaro ёзишмаларимиз тўхтаб қолди. Чамамда, муаллимим ўқишимга халал бергиси келмади ва буни ўзига ҳам хуш кўрмади. Балки, у тўғри қилгандир... Эҳтимол, қандайдир яна бошқа сабаби бордир? Ушанда мен турли ўй-хаёлларга бориб, озмунча азоб-уқубатлар чекмадимми...

Биринчи диссертациямни Москвада ёқладим. Мен учун бу катта ва жиддий ғалаба эди, албатта.

Шу йиллар мобайнида ўқиш билан банд бўлиб, овулимизга боришга имкон тополмадим. Бу орада уруш бошланиб қолди. Кеч куз пайти, Москвадан Фрунзегга эвакуация қилинар эканман, муаллим кузатиб қўйган ўша станцияда тушиб қолдим. Омадим келиб, ногаҳон, овулимиз орқали совхозга кетаётган бричка-арава йўлиқди.

Оҳ, жонажон ватаним, биз учун оғир уруш йилларида, сени йўқламоқ насиб этди менга. Янгидан-янги овуллар пайдо бўлиб, янгидан-янги йўллару кўприклар бунёд этилиб, бутун атроф янги қиёфага кирганини кўриб қанчалик кўзим қувонмасин, лекин, барибир, урушни ўйлаб, дилимга қил сифмасди.

Овулга яқинлашганимни сари, мени ҳаяжон босарди. Узоқдан янги, нотаниш кўчаларга, янги уй ва боз-роғларга йўл-йўлакай назар ташлаб келардим. Сўнг ўша тепалиқда турган мактабимизни кўришим билан нафасим ичимга тушиб кетди – тепалиқда икки улкан терак шамолда салобатли тебраниб турарди. Шу маҳал бутун умрим бўйи “муаллим” деб атаб келган кишимни, оддийгина, ўз исми билан:

– Дуйшэн! – деб пичирлаб айтдим. – Менга қилган барча яхшиликларинг учун раҳмат! Демак, ёдингда эканман, эсдан чиқармабсан... тасанно. Бу нақадар сенга хос хислат-фазилат!

Кўзёшларимни кўрган аравакаш йигитча безовталаниб:

– Нима бўлди сизга? – деб сўради.

– Ўзим, шунчаки. Бу овулда бирон кишини танийсизми?

– Албатта. Бу ердагиларнинг ҳаммаси ўзимизнинг одамлар.

– А, Дуйшэн дегани-чи, муаллим бўлар эди-ку?

– Дуйшэними? У, ахир, урушга кетган-ку. Уни ўзим мана шу аравада военкоматга олиб бориб қўйган эдим.

Овулга киришда мен йигитчадан тўхташни илтимос қилдим ва аравадан тушиб, нима қилишимни билмай, ўйланиб қолдим. Шу ташвишли кунларда уйма-уй юриб, таниш-билишларимни излаб, мени танияпсизларми, мен сизларнинг ҳамқишлоқларингизман, деб айтишга юрагим бетламади. Дуйшэн бўлса, аллақачон урушга жўнаб кетган экан. Қолаверса, янгам билан амаким яшайдиган манзилга ҳеч қачон қадам босмасликка онт ичгандим. Одамларнинг кўп гуноҳларини кечириш мумкин, бироқ бундай ёвузликни, ўйлашимча, ҳеч ким, ҳеч қачон кечирмайди. Ҳатто янгам билан амакимнинг овулга келишимдан хабар топишини ҳам зинҳор истамасдим. Йўлдан бурилганимча тепалиқка – қўш тераклар томон одимлаб кетдим.

– Эҳ, тераклар, қадрдон тераклар!

Ҳали сизларни ёш навниҳол эканларингизда экиб, вояга етказган одамнинг айтганларию қилган барча орзу-ниятлари эрта бир кун рўёбга чиқди! Сизлар эса нега хомуш кўриниб, мунгли шовуллайсиз! Ёки қиш яқинлашиб, шамол япроқларимизни узиб ташлайди, деб нолияпсизларми? Ёки халқ дард-аламлари танимизни зирқиратаяпти, деб қайғураяпсизларми?

Ҳа, ҳали қиш келади, қахратон совуқлару қор бўронлари бўлади, лекин баҳор ҳам келади...

Кузги япроқларнинг гувўллашига узоқ муддат кулоқ солиб турдим, улар ўз тилида роз айтишиб шувўллашарди. Тераклар ёнидан ўтган ариқ-атрофларини кимдир яқиндагина саришта қилиб қўйибди: ҳатто ҳали кетмон излари ҳам кетгани йўқ. Ариқ тўла тўлқин уриб оқаётган зилол сув теракларнинг сарғимтир япроқларини қалқитиб борарди.

Тепалиқдан менга янги мактабнинг бўялган тунука томи кўриниб турарди. Эски мактабимиздан эса асар ҳам қолмабди.

Кейин тепалиқдан тушиб, йўлимиз бир бўлган ҳамроҳ билан бричка-аравада станция сари кетдим.

* * *

Уруш тугаб, ғалаба кунларига ҳам етиб келдик. Халқ бу орада қанчадан-қанча мудҳиш кунларни бошидан кечирмади, дейсиз: болакайлар оталарининг сумкаларини кўтаришиб, мактабга югуришар, хизматдан қайтиб келган эркаклар яна меҳнат билан машғул бўлар, бева қолган аёллар тақдирга тан бериб, сукут сақлаганча кўзёши тўкишарди. Ахир, хизматга кетганларнинг ҳаммаси ҳам ҳали қайтмаган эди-да. Мен ҳам шулар қатори, Дуйшэннинг ҳоли не кечганини билмасдим. Шаҳарга келган ҳамқишлоқларимнинг айтишича, у бедарак

йўқолган эмиш, қишлоқ кенгашига шундай қоғоз келган эмиш.

– Ким билсин, балки ҳалок бўлгандир, – деб тахмин ҳам қилишди улар. Вақт ўтиб боряпти, ундан эса ҳамон дарак йўқ.

“Демак, муаллимим қайтиб келмас экан-да, – деб ўйлардим ўзимча дам-бадам. – Станцияда хайрлашган ўша унутилмас кундан бошлаб бошқа учрашиш насиб қилмади бизга...”

Гоҳида ўтмишимни эслар эканман, қалбимда қанчадан-қанча дарду аламлар тўпланиб қолганлигини хаёлимга келтирмабман.

Қирқ олтинчи йилнинг кеч куз пайти. Томск университетига илғим командировкага бордим. Сибирь ерлари бўйлаб биринчи юришим эди. Сибирь ўша киш олди кезларида қандайдир мунгли ва қахрли кўринарди. Дераза ортидан асрий ўрмонлар қоронғи девор янглиғ ўтиб борар, кичик ўрмон орасида жойлашган қишлоқчалардаги қора томли уйларнинг мўриларидан буруқсаб чиққан оқ тутун милтиллаб кўзга ташланиб турарди. Аёзли далаларга биринчи қор тушганди. Тепада эса хурпайган қарғалар учиб юрарди. Осмоннинг авзои бузуқ эди.

Аммо поездда вақтим чоғ, эмин-эркин борардим. Купедаги кўшниларимиздан бири – собиқ жангчи, қўлтиқтаёқли ногирон қизиқчи йигит ҳарбий ҳаётга доир воқеа-ҳодисалару латифалар айтиб, бизларни кулдиргани кулдирган эди. Мен унинг ўйлаб толган битмас-туганмас уйдирмаларининг, бир қарашда, оддийлиги ва бегаразлиги остида чин ҳақиқат ётганлигини ҳис этиб, ҳайратланардим. Вагондагиларнинг барчаси уни жуда ёқтириб қолишганди.

Поезд ўрnidан кўзгалиб, юришини тезлаштирди-да, станция бекатига қарашли ёлғиз уй деразаси олдидан сузиб ўтди, стрелкага етганда ортимга тисарилиб деразага қарадим ва яна ойнага ёпишиб олдим. У ерда Дуйшэн турганини кўриб қолдим! У будка ёнида кўлида йўл байроқчасини ушлаб турарди. Шунда нима бўлганини ҳам билмай гангиб қолдим.

– Тўхтанлар! – дедим бутун вагонни бошимга кўтарганча, нима қилишимни билмай, вагон эшиги томон югуриб кетдим. Шу лаҳзада кўзим стоп кранига тушиб қолди-да, унинг пломбасини куч билан шартта узиб олдим.

Вагонлар бир-бирига урилиб, зарб билан тўхтади ва яна худди шундай кескин орқага тисарилиб тўхтади. Полкалардаги юklar ағанаб, идиш-товоқлар шарақлаб юмалаб кетди, болалару хотин-қизларнинг қий-чуви, кимнингдир:

– Поезд одамни босиб кетибди! – дея ҳайқирган бўғиқ овози эшитилди.

Мен эса вагон зинапоясига келиб, жаҳаннамга ташлангандай, ўзимни ерга отдим, ҳеч нимани кўрмасдан, пайқамасдан эс-ҳушимни йўқотиб, гарангисиндай стрелкачи будкаси томон, Дуйшэн сари югуриб борардим. Ортимдан кондукторнинг ҳуштаги янгради. Пассажир-қатновчилар ҳам вагонлардан сакраб тушиб, улар ҳам орқамдан югуришар эди. Поезд билан ёнма-ён чопиб, бир зумда унинг нариги бошига етиб бордим. Дуйшэн ҳам пешвоз югуриб келарди.

– Дуйшэн, меҳрибоним, муаллимим, – дея қичқирардим, ўзимни унинг қучоғига отганча.

Стрелкачи ҳайрон бўлиб тўхтаб қолди-да, менга юзланди. Бу ўша, юз-кўзлари кўйиб қўйгандай Дуйшэннинг ўзгинаси, лекин илгарилари мўйлаб кўйиб юрмасди, анча-мунча кексайиб ҳам қолибди.

– Сизга нима бўлди, синглим, тинчликми? – деди у, ҳамдардлик билан, қозоқ тилида. – Сиз мени бировга ўхшатдингиз, ҳойнаҳой, мен йўл стрелкачиси Жонгазин бўламан, исмим Бейнев.

– Бейневмисиз?

Қайғу-аламдан, ор-номусдан овозим борича дод-вой солиб юбормаслик учун қандай қилиб жимиб қолганимга ўзим ҳам ҳайронман. Нима иш қилиб қўйдим? Қўлларим билан юзимни беркитиб, бошимни қуйи солдим. Қанийди, ер ёрилсаю, ерга кирсам. Стрелкачидан узр сўраб, халойиқдан кечирим сўрашим керак эди, мен бўлсам, дамимни ичимга ютиб, тош қотиб турардим. Югуриб келган йўловчилар ҳам, негадир, чурқ этишмасди. Ўзим эса улар ҳозироқ бақаришиб, сўкишиб, роса таъзириمنى беришса керак, деб қутиб турардим. Мана шу мудҳиш сукунатда аллақандай бир аёл хўрсиниб йиғлаганча:

– Боёқиш, эрига ёки акасига ўхшатган бўлса керак, бечора, янглишибди, – дейиши билан одамлар ҳаракатга кела бошлади.

– Шунақаси ҳам бўлар экан-да, – дея луқма ташлади кимдир.

– Урушда нималар бўлмайди, дейсиз, – жавоб қайтарди бир аёл, гапни шартта бўлиб.

Стрелкачи қўлларимни юзимдан олиб, деди:

– Юринг, совуқда турманг, сизни вагонга кузатиб қўяман.

У мени қўлтиғимдан ушлаб олди, иккинчи қўлимдан қандайдир офицер тугган эди.

– Юраверинг, граждандка, ҳаммасини тушунамиз, – деди у.

Одамлар йўл беришди. Гўё мени дафн маросимига кузатишаётгандек эди. Биз олдинда секин одимлаб борардик, бошқалар ҳам худди шу зайлда боришарди. Биз томон келаётган йўловчилар ҳам чурқ этмасдан тўдага қўшилишарди. Кимдир тивит рўмолини елкамга ташлади. Купедаги кўлтиқтаёқли ҳамроҳим ёнимизда эди. У оқсоқлаганча илгари ўтиб олди-да, бирдан юзимга қаради. Хушчақчақ, ҳазилкаш, меҳрибон ва довурак бу йигит негадир йиғлаётгандек кўринарди. Уни кўриб мен ҳам йиғладим. Вагонлар бўйлаб саф тортганча борар эканмиз, тепамизда телеграф симларининг шамолдан ҳуштак чалиб гувуллаши менга мотам маршидек эшитилди. “Йўқ, мен уни энди ҳеч қачон кўрмас эканман-да”.

Вагонимиз ёнида бизни поезд бошлиғи тўхтати. У менга бармоғини бигиз қилиб бақирарди. Суд жавобгарлигию жарима ҳақида нималарнидир айтиб пўписа қиларди. Бироқ мен лом-мим демасдан туравердим. Энди менга барибир эди. У менга қоғоз узатиб, имзо қўйишимни сўради, менинг эса қўлимга қалам олишга мажолим йўқ эди.

Шу пайт ҳалиги мен билан купеда келаётган кўшним кўлтиқтаёғи билан унга яқин бориб, қўлидан қоғозни тортиб олди-да:

– Уни тинч қўй! Мен имзо чекаман, стоп-кранни мен узганман. Ўзим жавоб бераман! – деб кичқирди.

Сибирь денгликларидан кечикиб келаётган поезд елиб борарди. Қўшнимнинг гитараси эса тун бағрини тилиб, ғамгин сас таратарди. Бева қолган рус аёлларининг даҳшатли урушдан эсдалик бўлиб қолган мотамсаро чўзиқ ашула садоларини ўзим билан бирга олиб кетаётгандай ҳис этардим.

Йиллар ўтди. Ҳаммаси ортда қолди. Турмуш яна изга тушиб, янги жўшқин ҳаётнинг қатта ва кичик ташвишлари абадий юз кўрсатиб, ҳамиша келажақ сари чорларди. Ёшим улғайиб, бир ерга етганда турмушга чиқдим. Умр йўлдошим оқкўнғил инсон, болаларимиз, оиламиз бор, инюк яшаяпмиз. Мана, энди фалсафа фанлари докториман. Тез-тез сафарга чиқишга тўғри келади. Кўпгина мамлакатларда бўлдим. Овулимизга эса бошқа келолмадим. Бунинг кўпгина сабаблари бор, албатта. Бироқ бу билан ўзимни оқламоқчи ҳам эмасман. Ватандошларимдан узилиб қолишим яхши эмас – буни кечириб бўлмасди. На қилай, тақдиримда ёзилгани шу бўлса. Мен ўтмишни унутиб юборганим йўқ, унута олмасдим ҳам, фақат ундан, қандайдир, узоқлашган эдим, холос.

Тоғларда шундай булоқлар бўладики, янги йўл тушиши билан бу чашмаларга элтадиган сўқмоқ йўлларни аста-секин яплиз ёки маймунжонлар босиб, унутилиб кетади. Шу йўсинда йўлдан бурилиб, саратоннинг жазирамасида чанқоқни қондириш учун чашмани эслаб бораётган йўловчиларнинг сафи ҳам тобора сийраклашиб қолади. Кимдир унутилган ўша жойни эслаб топиб, буталар орасидан уни авайлаб очади-да, таассуфдан секин уҳ тортиб юборади: кўпдан бери ҳеч ким томонидан лойқалатилмаган муздеккина булоқ сувининг тинчлигию чуқурлигини кўриб хайратда қолади. У булоқ кўзгусида ўзини ҳам, қуёшни ҳам, осмону фалакни ҳам кўради... Кўрадида бундай жойларни билмаслиқ гуноҳ, бошқа ошна-оғайниларни ҳам бундан хабардор қилиш керак, деган фикрга келади. Уйлайдию ўзи ҳам яна бу томон йўли тушмагунча уни унутиб юборади.

Ҳаётда ҳам баъзан шундай бўлади. Ҳаёт деганлари шу бўлса керак...

● Мен яқинда овулга бориб келганимдан сўнггина кўзи беркилиб бораётган бундай булоқлар эсимга тушиб қолди.

● Сиз, албатта, ўшанда менинг Гуркуровдан бирдан жўнаб қолганимга таажубланган бўлсангиз керак.

● Мен сизга ҳозирги гапириб берганларимни ўша пайтда, ўша ернинг ўзида одамларга айта қолсам бўлмасмиди? Йўқ, албатта. Ушанда кўнглимга қил ҳам сизмасди, уятга қолган эдим, ўзимдан ўзим номус қилардим, шу боис дарҳол жўнаб кетишга қарор қилгандим. Дуйшэн билан учраша олмаганлигимни, унинг юзига ботиниб қарай олмаслигимни тушунардим. Шунинг учун ҳам айтмоқчи бўлган барча фикр-мулоҳазаларимни бир жойга жамлаб, уларни овулдошларимизгагина эмас, балки бошқа кўпчиликка ҳам етказиш учун ўзимни тинчлантириб, хотирлам бўлиб олишим керак эди.

● Қолаверса, ўзимни айбдор санашимнинг яна бир сабаби шундаки, янги мактабнинг очилиш маросимида барча иззат-икромлар менга эмас, балки бошқа бир табарруқ инсонга қаратилиши ва фахрли ўринга мени эмас, балки уни ўтказиш керак эди, деб ўйлайман. Бунга аввало, овулимизнинг биринчи муаллими – қария Дуйшэн сазовор эди. Ваҳоланки, аксинча бўлиб чиқди. Биз байрам дастурхони атрофида ўтирибмиз. Бу ажойиб инсон эса, мактабни тамомлаб кетган собиқ талабаларнинг табрик телеграммаларини тантанали маросимга етказишга ошиқарди. Бу биринчи мартаба содир бўлаётгани йўқ, албатта. Бундай воқеаларни неча бор кузатганман. Шу боисдан ҳам ўз-ўзимга савол бераман: биз

оддий кишиларни иззат-хурмат қилиш оdatини қачондан бери унутиб қўйганмиз?..

Ёшлар Дуйшэннинг ўз даврида қандай муаллим бўлганини билишмайди. Катта авлод вакилларида кўпчилиги эса энди йўқ. Дуйшэннинг шогирдларидан кўпчилиги урушда ҳалок бўлган, улар чинакам жангчилар бўлганлар. Муаллимимиз тўғрисида ёшларга сўзлаб беришга бурчли эдим. Менинг ўрнимда бошқа одам ҳам шундай қилган бўларди. Лекин узок муддат овулда бўлолмаганлигим ва Дуйшэн ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаганлигим сабабли унинг сиймоси, вақти келиб, мен учун сокин музей-хоналарда сақланадиган қимматбаҳо ёдгорликдай бўлиб қолган эди.

Мен ҳали муаллимим ҳузурига бориб, ҳаммасига жавоб бериб, ундан кечирим сўрайман.

Москвадан қайтиб келгач, Гуркуровга бориш ниятим бор. Овулдошлардан янги интернат-мактабни "Дуйшэннинг мактаби" деб аташларини сўрамоқчиман. Ҳа, худди ана шу оддий ҳўжалик аъзоси, ҳозирги почтачининг номига қўйишларини таклиф қилмоқчиман. Ишонаманки, таклифимни қўллаб-қувватлайсизлар. Сизларга шуни айтмоқчи эдим.

Ҳозир ярим тун, соат икки.

Меҳмонхонанинг балконига туриб, азим шаҳарнинг чарақлаб турган сонсиз-саноксиз чироқларига назар ташлар эканман, ўзимча овулга келган заҳотиёқ, муаллим билан учрашиб, унинг оппоқ соқолларидан ўпаман, дея хаёл сурардим...

* * *

Деразани ланг очиб қўяман, хонага мусаффо ҳаво оқими ёпирилиб киради. Тонг ёришиши билан бошлаб қўйган суратларимнинг хомаки нухсаларини диққат билан кўздан кечираман. Мен бу суратларни ҳар сафар қайта-қайта кўриб, неча бор қайта ишлаганман. Бироқ ҳали улар ҳақида бирон фикр айтиш эрта. Ҳали бош ғояни тўла-тўқис гавдалантира олганимча йўқ. Субҳидам сокинлигида у ёқдан бу ёққа юриб, ўйлаганим ўйлаган, унинг интиҳосига етолмасдим ва ҳамиша шу тақрорланарди. Ҳар гал ҳам чизган суратим ҳали тугалланмаганига ва ҳар гал ҳам у кўнглимга туғиб қўйган бир ният эканлигига ўзимни ишонтирмоқчи бўлардим. Шундай бўлса-да, барибир, сизлар билан маслаҳатлашиб олмоқчиман. Менинг бу юмушим овулимизнинг биринчи муаллими Дуйшэн оқсоқолга бағишланишини ўзингиз ҳам пайқаб тургандирсиз, албатта.


Бироқ мен курашларга тўла, хилма-хил тақдирлару инсоний эҳтиросларга тўла мураккаб ҳаётни бўёқлар воситасида ифода қила олишимни ҳамон тасаввур эта олмасдим.

Ниятим – ушбу лиммо-лим қадахни чайқатиб, тўкиб юбормаслик. Бошқача айтганда, уни нафақат сиз замондошларимизга етказиш, балки ҳаммамизнинг ҳақиқий ижод намунамиз сифатида эл-улусга тортиқ қилишим учун нима қилишим керак, деган савол на турганимда, на ўтирганимда менга ҳаловат беради. Уни чизмасликка ҳақим йўқ! Гоҳида ўзимни бу ишнинг уddасидан чиқа олмаётгандай сезиб, қаёқдан ҳам тақдир қўлимга мўйқалам тутқазиб, бунчалик азоб-уқубатларга қўймаса, деб ўйга толаман. Гоҳида эса ўзимни тоғни урса, талқон қила оладиган паҳлавонлардек ҳис этаман. Шундай пайтларда кўриш, ўрганиш ва сарасини танлаб олиш учун ўйга қўмардим. Болалик чоғларингда, гарчи уларни эсдан чиқарган бўлсанг-да, сенга олам-олам қувонч бағишлаган ўша Дуйшэн билан Олтиной экан қўш теракларнинг суратини чиз. Офтобда қорайиб кетган ялангоёқ болакайларнинг расмини чиз. Уларнинг азамат теракларнинг шохларига чиқиб олиб, юксақликдан бепоён далаларга ҳайратомуз боқишларини чиз.

Ёки Дуйшэннинг суратини чизиб, остига "Биринчи муаллим" деб ёзиб қўй. Унда Дуйшэннинг болаларни қўлда кўтариб, сув кечиб, сойдан ўтказаяётган пайтию бошларига қизғиш тулки теплак кийиб олган ўша бешафқат зўравонларнинг, "бизни кўриб қўйинглар", дегандай масҳара қилиб, семиз асов отларини ўйноқлатганча ёнимиздан ўтиб кетаётганлари акс этсин... Ёки бўлмаса, муаллимнинг Олтинойни шаҳарга кузатаётган пайтини чиз. Унинг ғам-алам ўтида ёниб, сўнги бор қичқиргани ёдингдами? Шундай бир сурат чизгинки, у худди Дуйшэннинг тубсиз нидоси Олтиной кулоғи остида ҳануз янграб тургандек, ҳар бир кишининг юрагига акс-садо бериб турсин.

Мен бу гапларни ўзимга айтаяпман. Алланималар ҳақида ўзимга-ўзим кўп гапираман-у, ҳамма вақт ҳам уларнинг уddасидан чиқавермайман. Мана, ҳозир ҳам чизган суратим қанақа чиқиси менга даргумон. Аммо бир нарсага ишончим комилки, у ҳам бўлса – муттасил изланиш...

Асил Рашидов таржимаси



НАЗМ

Мунаввара ҚУРБОНБОЕВА

1971 йилда туғилган. Тошкент Давлат университетининг рус филологияси факультетини тамомлаган. “Келдингми, баҳор”, “Жайхун чечаги”, “Зангори шамоллар” шеърӣ китоблари чоп этилган.



ВАҒО ҶУЛИ

Ришта

Сен учун соғурдим бойлигим – вақтни,
Йўлингга кунларим тўшадим бир-бир.
Қурбонлик атадим лаҳзамни – нақдни,
Умримдан бир бора сўрамай узр.

Кунларга кўрсатдим турфа нағмалар,
Унинг дийдорисиз кетмайсиз, дедим.
Куздан талаб қилдим инжа гунчалар,
Баҳорда сокин куз ҳажрини едим.

Фироқ қозонига йиллар масаллик,
Мул қилиб қовурдим аямай-нетмай.
Ҳижрон капгирининг бандин, ақалли
Қўймадим қўлларим қавариб кетмай.

Юрагим селини доғладим ёгдек,
Тановул қилсанг, деб, жигар “жиз”ини.
Зиравор – кўнглимнинг заҳми – камроқдек,
Ростладим кўзёшим билан тузини.

Кўнглим кўчасини айлаб саришта,
Вафо гули билан қўйдим сунуриб.
Қалбим уйин сақлар мисли фаришта:
Садоқат ва согинч соқчидек туриб.

Қунларни шу тарзда айладим қатл,
Йилларга ҳам раҳм қилмадим шундай.
Фидолик илмига толиб бўлди дил,
Ишқдан ўзга оят учди тутундай.

Лек бугун ҳайронман: сенгами ёки
Ўзимга, умримга қилдимми жабр?
Аммо ишончим чўнг – бахтлиман, токи,
Менга ҳамроз экан шу буюк сабр.

Мумкин сенга қиё боқмаслигим ҳам,
Исминг ўғирсам-да тасбеҳлар мисол.
Ҳижронлар сен томон қўйилган қадам,
Сенга боғлиқ экан: фироқ ҳам висол!

Билсам

Ҳаёлимга торлик қилмоқда кунлар,
Лаҳзага қувончим бўлганидек тор,
Фасллар зарбидан қиличим синар,
Йиллар босқинидан қалқоним абгор.

Рухимнинг ғилофи – вужудим ўнгиб
Бормоқда соатнинг "чиқ-чиқ"и билан.
Ранг бераялман хотир упадониди
Қолган ёшлигимнинг гул юқи билан.

Асбоб-анжомимни итқитдим охир –
Ҳаёт қонуни бу тўзимок, йитмоқ.
Гулгун ранглар менсиз қолдилар сағир,
Гал келди кузларнинг чангини ютмоқ.

Рангдонимни олди соҳир мусаввир,
Баҳорнинг суратин чизаркан фақат.
Юрагимга ўйди мангу ёш тасвир,
Билсам, унинг исми экан муҳаббат...

Дарс

Айрилиқ илмининг қоидалари
Менга жуда-жуда келади малол.
Айрилиқ машқини қилганим сари,
Сўнгаларим синиб, қурийди мажол.

Бу фанни ўқитиб моҳир устозим,
Қулфи дилинг борар кун-кун очилиб.
Саводсиз толибдан бўлиб норози,
Бехос дил дафтаринг кетар сочилиб.

Сочилган саҳфалар қилишиб исён,
Сенга хоинона кўтарарлар бош.
Азиз сирларингни олиб мен томон
Учарлар, юрагинг бўлади одош.

Ҳа, энди забунсан, соҳир устозим,
Илму амалинг ҳам кетиб борар дарс.
Гўзал битик экан учган қозонинг –
Муҳаббат фанидан бераётир дарс.

Кўзги боғда

Мунгли бог, турибсан нечун мунгайиб,
Дарахтларинг маъюс, юпун ва гариб.
Баргларинг борарлар сўлиб, саргариб,
Келмаётир қушинг сени ахтариб –
Шу учунми, боғим, қолдинг мунгайиб?

Боғим, сен саргардинг, кўзим қорайди,
Қорайиб-қорайиб йўлга қарайди.
Кўнглимдан не араз, кўзимдан не арз –
Дунё мени қисди, олам торайди –
Ичимда бир ёмон ғам тентирайди.

Сен – бир бог, мен – тақир, кимсасиз ёбон,
Гулларинг – чаманзор, гулзорим – армон,
Сенга баҳор бордир, меники – ғумон,
Сенга нажот бордир, мен унга зорман,
Менинг ҳолим ёмон, кулфатим омон.

Боғим, мунгаймағил, тургил чайқалиб,
Қузларнинг устидан бўллогин золиб.
Ичимда бир ҳасрат ётар узалиб,
Бўғзимда дардларим кўксимни чалиб,
Қовурғам чанқовуз қилар андалиб.

Чанқовузни чалиб сенга қўнади,
Баргларинг ям-яшил куйга дўнади,
Ана шунда баҳор...
Баҳор унади!

Қорақалпоғистон



НАЪМ

ШАҲРИБОНУ

1974 йилда туғилган. Тошкент Давлат Миллий университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Шоиранинг “Таниш сўқмоқлар”, “Лаҳзадаги мангулик”, “Хислар камалаги” шеърый тўпламлари chop этилган. Айни пайтда, “Дийдор азиз” газетаси муҳарририясида фаолият юритмоқда.



СЕН БИР КҮН КЕЛАСАН

Юракнинг ҳар битта зарби сония,
Согинч дақиқаси асрларга тенг.
Қуёш мўралаган нурли ойина,
Сенинг қалбинг уйи қасрларга тенг.

Сен бир кун келасан қушлар ортидан,
Шамоллар қўлингдан етаклаганча.
Мен беркинган томон Ғирот отида,
Ўшанда қор ёғар элаклаганча.

Худди ой мисоли кўкда тобландим,
Таскинлар излайман, дилм қовжирар.
Ишқ қушин овлашига чиққан овчиман,
Муҳаббатсиз, сенсиз асли йўқман, мен.

Кўксимда гул очди ҳижрон уруғи,
Сен буйчан тоғлардан азим ва улкан.
Мен қайга иргитай ғурур қурғурни,
Сездирмай минг бора сени йўқладим.

Тўлқинлар ўйноқлаб, денгиз тошганда,
Сен учун очилса очун аро рах.
Ўшанда тоғ ошиб, келгай шошганча,
Деразамни чертиб, сочи оппоқ бахт.

Талпиниш

Ортимга боқмайман, ортимда хаёл,
Сочлари ўрилган толлар рақс этар.
Майсалар япроги ёшланар хиёл,
Кўйлагимни ўйнаб еллар қасд этар.

Ортимга боқмайман, сувлар қоқилар,
Сербарг дарахтларнинг титрар сояси.
Юрак тилигига олов ёқилар,
Эрий бошлар секин муз тоғ қояси.

Ортимга боқмайман, хаёл паришон,
Ўткир нигоҳларинг сирғалар, кулар.
Саслар дунёсидан қолмагай нишон,
Ортимдан кетади ошиқ булбуллар.

Йўлим кесиб чиқар гуллар ифори,
Ортаг боқмам: ёғса тош, музли дўллар.
Сирғалар лабимдан севги изҳори,
Мендан ўзиб, олдга югурар йўллар.

Оддий арифметика

Ҳаёт ўзи оддий арифметика,
Ҳисоб-китоб, қўшиш, бўлув, айирув.
Содир бўлаверар неча қарралар,
Синиқ чизиқ ўртасида кескин қайилув.

Диллар қовушмаса, қўшувдан не наф,
Чигаллашиб борар гўё ечим йўқ.
Синус, косинуслар ўнгимда саф-саф,
Битта чизиқ бўйлаб айланмайди ўқ.

Бўлув титратади, вужудим тилка,
Оғир масалани ечолмай ҳалак.
Гўё ҳаммасини олдиндан билган,
Жой-эжойига тахлаб қўйгандай фалак.

Оралиқ масофа бунча узундир,
Ахир, мен эмасман унга баробар.
Ҳаётингдан кетмоқ менга лозимми,
Формулалар бунча бошим оғритар?!

Тушунмайман менга ёт бу "пи" сонни,
Тенглама тенглашмас, тоқ териб қўйдим.
Чамалаб кўрмабман оддий ҳисобни
Билмаганим менга панд бериб қўйди.

Баҳор

Баҳор бўй таратди атиргул атри,
Мастона кулади шамол жилвагар.
Сени кўрганмидим айтгин илгари,
Димогимга кирди бўйи настарин?

Шивирлади осмон ёмғир тилида,
Юрак қат-қатига сингдими ишқ?
Айт, ахир мен унинг тенгимдими ишқ,
Қақраган чўллимга ёмон билинди?

Майсалар бўйидан маст-аласт шамол,
Муҳаббат деб куйган ёрга ўхшайди.
Сен ҳам сездингми дил, ахир ўшайди –
Нигоҳлари ўт ул, лабларида бол?


Худди сой мисоли тугёнда юрак,
Кўнглимга мўралар шуғаллар заррин.
Шунда мен англадим сония қадрин,
Баҳор билан бирга уйғонди юрак.

* * *

Бугун ҳам сен учун катта тантана,
Сўнги дам синади олмос қиличим.
Тил учиди алқаб ношуд илинжени,
Мен мағлуб бўламан яна ва яна.

Оловга бурканди ҳар бир қаричим,
Икки ўт измида ишқим жонталаш.
Оғирдир барини бошидан бошлаш,
Ер – парчин, дил – парчин, юрагим – парчин.

Тўлқинлар мисоли мангу эврилиш
Дилни тилкаловчи согинч туйғуси.
Ёр васлин умиди, ҳижрон қайғуси,
Севши – мағлуб бўлмоқ, енгилмоқ – севиши.



Файзулла САЛАЕВ

1950 йилда туғилган. Тошкент Давлат университети журналистика факультетини тамомлаган.

“Қайтинг, булбуллар” ҳикоя ва қиссалар тўплами ҳамда “Адабиётшунослик атамалари изоҳли сўзлиги” китоблари чоп этилган.



ТҮЛОВ

Ҳикоя

Ўсар муаллим ишдан димоғи чоғ қайтди. Кийимларини алмаштираркан қайсидир мумтоз кўшиқ оҳангида мингирлар, ашуланинг бир-икки мисрасини хиргойи ҳам қилиб кўярди.

– Тинчликми, буваси, кайфиятлари зўр-ку? – ошхонадан хотини овоз берди.

– Чойингни дамлайвер, гап кўп, кампир. Юрагинг ёрилади!.. – мингирлаётган куйини келган жойидан давом эттирди муаллим.

– Эшитайлик янгилигингизни, юрагимиз ёрилмасидан бурун! – эркаланди Норжон дамлаган чойини қайтараётиб.

– Таътилга чиқдим. Буғолтир, кассир билан ҳисоблашдим. Бўстонликқа – “Булоқли”га икки йўлланма! Қалай?

– Вой, буваси, яхши-ку, бироқ уйда шунча машқала¹ туриб...

– Яна қанақа машқала? Уллларингни уяларига, қизларингни қияларига қўндриган бўлсанг, оғилинг, қўра-катагинг бўш бўлмаса!.. Сенга айтдим-ку, болалар учун елиб-югуриб бўлдик.

– Оғил олдидаги бостирма ўн боғ сомонингизни қўтаролмай қийшайи-иб турибди. Ёз кирса, янгилда бераман девдингиз...

– Шунча вақт турган нарса йигирма кунга қўлаб тушмас. Ундак қўра у ёқ-бу ёгингни йиғиштириб, кийим-пийим тайёрла!.. Ўқитувчи деган отинг бор, отингга яраша кийин. Чойингни ичибоқ бозорга жўна. Келинингни опкет, шаҳарлик қиз, кўп нарсани тушунади. Ана, чўнтак тўла пул. Истаганча ол!.. – Ийиб кетди муаллим.

– Бор бўлинг-е, буваси, сизга нима бўлди ўзи?!

– Ҳукуматингга ҳам беш кетдим, касаба уюшмангга ҳам, – деди Ўсар муаллим жил-майғанича. – Йўлланманинг атиги ўттиз фоизини биз тўларканмиз. Тўлагину марҳамат, ўн саккиз кун яйраб дам ол! Юраверган эканмиз-да, а, кампир?

– Буваси, ёш боладайсиз-а?..

Поезд марказга эрта келаркан, шу куниеқ санаторийга етиб боришди. Ўсар муаллимни жўшқин кайфият ва йигитларга хос ғайрат тарк этмаган, пошнасидан учкун сач-

¹ Машқала – (шева) муаммо.

раб, кампири атрофида парвонадек чарх урарди. Жойлашишди, бўлмада бир пиёла чой ичишгач, санаторий боғини айланишди. Аслида, бу ернинг ўзи бир улкан боғ эди. Катта йўлдан бир қақиримча пастда – тоғ этагида жойлашган бу масканининг бир томони ёш ниҳоллар гуркираб ўсаётган ўрқач-ўрқач қир, икки томони тоғ, яна бир тарафи шарақлаб оқадиган сой эди.

– Эсингдами, кампир, лола сайлига чиққанимиз? Ўшанда автобусимиз ҳув анави йўлдан ўтган...

– Сайл эсимда-ю, лекин йўл ёдимда йўқ... Эй, буваси, энди менга кампир дейишни, бас қилинг. Уятдир. Зиёли одамлар бўлсак... Ҳали тушлик пайти кўрдингизми, кўпчилик бизга ҳавас билан қарашди.

– Бу қайси қишлоқилар бўлди экан, деб қарашгандир...

– “Кампир”лаганингизни эшитган одам шу фикрга борса, ажабмас!

Ўсар муаллимнинг муаллимлиги тутиб, кампирини саволга кўмди:

– Биринчидан, қишлоқлигимизни яширганда ёки яширмаганда нима ютиб, нима ютқазамиз? Иккинчидан, сени қандай қақирай? Хоним дебми, бекам дебми? Учинчидан, сени менинг оғзимизни пойлаб, булар бир-бирларини қандай қақирешаркан дейдиган банданинг ўзи йўқ, бўлмайди ҳам!

– Биринчидан, сиз бу ерда фақат Ўсар муаллим эмас, Гурлан деган юрт вақилисиз. Одамлар юртингиз ҳақида сизга қараб ҳулоса чиқаришади. Иккинчидан, хониму бекам эмас, илгаригидек, мен “онаси”, сиз “отаси” бўласиз. Учинчи саволингизга – ким билади, ҳали кимлар билан танишиб, кимлар билан ошна тутинамиз?

– Раҳмат сенга-ей, кампир, эй, кечирасан, онаси. Оқилона саволларга мантиқли жавоб бердинг!

– Шунчаки саволларга мантиқли жавоблар бўлди денг! – нозланди Норжон эрига бир қошини кўтариб қараб.

Ўсар муаллим яхши билади. Кампирининг бирор нарсадан кўнгли тўлиб, меҳри мавжланса, аввало юзида ифода топади: қош-кўзи ҳаракати тезлашади; сариқдан кўра оққа мойилроқ юзига қизил энади; боши хиёл кўтарилиб, янги ҳиллодай бақбақаси сезилмай қолади – яшаргандай туюлади; нигоҳлари у ердан-бу ерга кўчиб, маъно ахтаргандай кезинади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Муаллим бунинг сабабини тушунолмади. Хотини томон бурилиб қараб, ҳали ҳам хусини йўқотмаганига иқроор бўлди, кўнглини ризоликми, мамнуниятгами ўхшаган туйғу эгаллади...

– Майли, сен айтгандай бўлақолсин! – деди.

Икки-уч кун ўтгач, санаторий мижозлари кўпайишиб, боғдаги йўлақлар, ичкаридаги катта-кичик даҳлизлар гавжумлашди. Ошхонада бўш ўрин қолмади. Муолажахоналар олдида узун-қисқа навбатлар ҳосил бўлди. Мижозлар аксарияти ёшлари бир жойга бориб қолган кишилар бўлишига қарамай, бу ер мухитини осуда деб бўлмасди. Бу ҳол мактабда болалар шовқинидан чарчаган Ўсар муаллимга ёқмади. Бирон-бир безовта қилаётган касали бўлмагач, турли хил ҳўлу қуруқ эмлардан ҳам совиди. Вақтни сой бўйида айланиб ёки хонасида телевизор кўриб ўтказадиган бўлди. Телевизор ҳам чарчатар экан. Кўнгли атрофдаги шаҳар-қишлоқлар, манзарали жойларни тусади. Хотинига маслаҳат солди. У кишига муолажалар ёқаётганмиш, бормаслигини айтди. Нонуш-тадан сўнг ўзи кетди. Туман марказидаги бозорни айланди, тоғ бағридаги қишлоққа олиб борадиган уловга тушиб, табиат кўйида бўлиб қайтди...

Муаллим хоналари эшигини очиқ ҳолда кўриб, қадамини тезлатди. Норжон эшикни доимо ичкаридан занжирлаб ўтирарди. Аёл кишининг шарақлаган кулгиси эшитилди – кимдир меҳмонга келган. Ўсар эшикни бир қоқиб кўйиб, ичкарига қадам босди. Икки аёл бирданга ўринларидан туришди. Меҳмон кўлини кўксига кўйганича енгил таъзим қилиб, сўрашган бўлди. Кўнғир ранга бўялган ва кесилган сочлари елкасига эркин ташлаб кўйилган, қошу киприклари қуюқ, тўладан келган бу хотин муаллимнинг талабалик таниши эди. Лекин аниқ эслай олмади, бирор сония жим қолди. Аёл жилмайди.

– Танимадингиз-а, фамилиянгиз Шариповмиди? Шунақасиз-да, ҳеч бўлмаса, берган нон-тузим ҳурмати хотирангизнинг бир бурчидан жой бермабсиз-да менга... – дея икки кўлини паҳса қилди аёл.

– Бўлди-бўлди, сиз – Раъносиз! – Беихтиёр кўлларини ёзди муаллим хохолаб кулганича, – кечирасиз, эсим қурсин!.. Онаси, бу киши билан қурилишда бирга бўлганмиз. Ошпаз эдилар...

– Ҳа-ҳа, айтдилар! – Хотини самимий жилмайди. – Ошиқлари бўлган экансиз, буни ҳам айтдилар!

– Мен-а, менми? – Сирли кулди муаллим.

...Ўшанда тўртинчи ва бешинчи босқичлар орасидаги таътилда университет кўнгиллиларидан иборат талабалар отряди Сирғалида уй қуришганди. Мавсум

ўрталарида Ўсарнинг тўпиғи лат еб, ўн кунча ошхонада ишлашига тўғри келганди. Унга бир жойда ўтириб қилинадиган ишлар – сабзавот тозалаш ва ўтёқарлик топширилганди. Қайсида корхона маданият уйига жойлашган эллик кишилик отряднинг емак-ичмаги мана шу Раъно билан иккисининг зиммасида эди. Уша йиллари Ўсар бўш қолгудек бўлса, қўшиқ айтарди. Негадир ҳазин ашулалар хуш ёқарди унга. Айниқса, Ботир Зокиров кўшиқларини берилиб куйларди.

Бир кун ошпаз завҳўзга эргашиб бозорга кетди. Картошкани тозалаб бўлиб, қарам келишини кутаётган Ўсар хиргойи қила бошлади. Қараса, емакхонага айлантирилган концерт зали акс-садо бериб, овози бинойидай аштиляпти. У ювиниб уст-бошини тартибга солди-да, саҳнага кўтарилди. Хаёлида зал тўла томошабин. Оркестр хизматига шай турбди. Ҳозир “Қайдасан, азизим” чалинади, керакли пайтда Ўсар Шарипов мусиқага жўр бўлади. Йўқ, хонанда саҳнага парда орқасидан кириб келади ва енгил таъзимдан кейин куйлашни бошлайди. Мана бу бошқа гап!

Ўсар ўша кун умрида биринчи марта овозини баралла кўйиб кўшиқ айтди. “Қайдасан, азизим”дан бошлаб, “Газли гўзали”, то Расул Ҳамзатнинг “Қочоқ Ҳабиба”сигача куйлади. Ўсар “концерт”ни “Раъно” билан тугалларкан, залдагиларга таъзим ҳадя қилди. Ажабо, залда чинакам қарсақ янгради. Бошини кўтарса, талабаларга ҳормасинга келган университет ва факультет раҳбарлари, ёшлар кўмитаси вакиллари, завҳўз ва ошпаз Раъно ҳам шу ерда. Хонандамиз қизарганча парда ортига яширинди...

Ўсар муаллим чой устида барини гапириб берди.

– Биз “Раъно” бошланганда келган эдик. Сезмадингиз. Ўшанда деканнинг менга тегишганини айтинг. “Юрагидан урибсан-ку, болақақирнинг”, дейди. (Ҳаммалари куйлишди). Аслида, шу кун менинг юрагимдан урганди бу киши. Сезмади ёки сезмаганга олдилар! – деди Раъно негадир овози ҳаяжонли калтираб.

– Чунки юрагим банд эди... Мана бу биолог билан... Олдинроқ эгаллаган эдилар... – муаллим қизарганча Норжонга ишора қилди.

– Биламан, шу йил куздаёқ аниқлаганман рақибамнинг кимлигини. Хоразмликлар йигитларини кўчада қолдиришмайди... – чулдиради Раъно.

Эски танишлар гапидан самимият кўтарилди. Орага ёлгон суқилиб кириб, уларни ўнғайсиз вазиятдан олиб чиқди. Норжон ҳеч нарса сезмади. Аслида, “хонанда” ва ошпаз қиз орқасидаги асов, тийқиқсиз ва тушуниқсиз туйғулар бошқачароқ яқун топганди. Қизиги шундаки, бу можарода бош ролни Раъно ўйнаганди. Узун, қора сочини икки ўрим қилиб кўкраги устига ташлаб юрадиган Раъно энди ҳадеб йигитни суҳбатга тортар, қарашима тўла ҳаракату сўзлари билан атрофида парвона эди. Кечқурунлари шаҳарча боғида бўладиган рақс кечаларига бирга боришар, замонавий рақс ўргатиш баҳонасида бу ерда ҳам Ўсарни ёлғиз қолдирмасди. Қисқаса, саҳна воқеасидан кейинги икки-уч кун ичида қизиқишлари ота-она, қариндош-уруғлар ҳақида тўла маълумот алмашилди.

Бора-бора қиз кайфиятига монанд тез-тез пирпирайдиган киприклари, қоралиқда қошлари билан баҳс бойлашгудек сим-сиёҳ кўзлари, нақш олмадек ёноқларига мос бежирим бурниқоқ лаблари йигит қарогидан ўтиб шуурига муҳрланди. Лабларидан учган бири-бирдан тотли, нозу эркаланишларга йўғрилган сўзлар ёш юракда акс-садо берди. Ҳозир эсполмайди. Ўшанда кўшиқ ёки шеър биланми, ўз сўзлари орқалими, Раънога яхши кўришини билдиргандек бўлди...

Бир кун кундузи ҳам ярим қоронғи бўлиб турадиган сабзавот сақланадиган кичкина хона шипидаги лампочкани алмаштиришга тўғри келди. “Сизнинг оёгингиз оғрийди...” деб, стол устига курси қўйиб, Раънонинг ўзи урлади юқорига. Лекин қўли лампочкага етмасданок кутилмаган ҳодиса рўй берди – нимадир бўлиб, қиз мувозанатини йўқотди, бир қайчалиб, тўппа-тўғри Ўсарнинг қўлига йиқилди. У кўзлари юмилган, кокиллари ерга солланган ҳолда янада чиройли кўринарди. Қизнинг бир қўли йигит елкасида эди. Умрида қиз бола вужудига бунчалик яқинлашиб кўрмаган йигит ўзини йўқотиб қўйди, бардоши барбод бўлиб, лабини лабларига босди. Бўса тафтидан ўзига келган Раъно сўзсиз типирчилади. Йигитнинг қўйворгиси йўқ эди...

Эртаси кунёқ Ўсар Шарипов оёғини даволатиш баҳонасида ишни ҳам, Тошкентни ҳам тарк эди...

Гап мавзуси айланиб бугунга кўчди. Раъно савдо соҳасида ишлайдиган маҳалладошига тегиб, қаторасига уч қиз кўрибди. Эри автоҳалокатда ҳалок бўлибди. Учала қизи ҳам яхши жойларга тушибди. Ўзи кенжаси билан бирга эмиш. Замон ўзгарган йиллардаёқ, ўқитувчиликни ташлаган, савдога ўтиб кетган экан.

– Худога шукур, қизларимнинг ҳаммасини ўқитдим. Куёвларим еру кўкка ишонилмайди. Ҳаммасидан невараларим бор! Лекин барибир, бошингда бир соянг, орқангда суянадиган қоянг бўлмаса қийин экан... – оҳиста ух тортди Раъно.

Шу кун кечки овқатга бирга чиқишди, оқшомги сайрда ҳам бирга айланишди. Асо-сан, ёшлик хотираларидан иборат суҳбатларга гоҳ-гоҳ аралашиб, мийиғида кулиб юр-

ган Норжоннинг авзойи хоналарига келгач, бирдан ўзгарди. Ўсар муаллим телевизор олдидаги оромкурсига ўтираркан:

- Бир чойнак чой бўлгандами! – деганди, Норжон очкичасига хужумга ўтди:
- Ошпазингизга кўнғироқ қилақолинг!
- Ҳў, кампир, нима бўлди? Тинчликми ўзи?!

– Нима бўлдиммиш, дард бўлди! Ундан кўра кўлтиқлашиб, кучоқлашиб юрақолинглар! Не бало, ғунажиндай кўзини сузиб, ўлиб бораётир... Ё худое тавба, олтмишни қоралаган одамлар!

– Нима қилади энди, ўттиз йилдан бери эр кўрмаса, – гапни ҳазилга бурмоқчи бўлди муаллим.

– Эр кўрмаса, бировга ёпишадими? Яна айтиб қўяй – шу ўлгурингиз ҳар балони кўрган!

– Тавба қилдим, де! Тўғри аёлни эгриликда айблаш, биласанми, гуноҳи азим!

– Чойни ўша тўғри аёлингиз билан ичақолинг! – Норжон каравотига чиқиб терс қараб, ётиб олди, пиқ-пиқ йиғлагани эшитилди...

Ўсар муаллим ҳаётида биринчи мартадир хотини ёнида бўлатуриб ўзи чой кайнатиб ичди.

Норжоннинг қош-қовоғидаги булут эрталаб ҳам тарқамади. У одатдаги “Яхши ётиб-турдингизми”нинг ишорасини ҳам қилмай, сочиқни елкасига ташлаганича фоз юриб ювиниш хонасига кириб кетди. Ўсар муаллим тахтадай қотди. Жаҳлдан бўғриқди. Тутақиб бақирди:

– Норжон!..

Ювиниш хонасидан жавоб бўлмагач, ўзига ўзи гапиргандай:

– Жинни-пинни бўлгандир бу хотин, – дея гудранди.

– Ҳа, энди биз жинни... Ушанингиз оқила, гўзал!

– Норжон, ўчир овозингни! Бўмаса!..

Муаллим ваннахонага бостириб борди. Ичкаридан занжирланган эшикни бир тепди. Илкисдан бу ерда мусофир-мехмонлиги эсига келиб, хижолат тортиб бирдан жимиди.

Барига хотини айбдор! Қўшнилари наздиқа ким бўлишди энди? Баттар тутатди. Тор хонада қафасдаги арслондай у ёқдан-бу ёққа ташланди. Бироз ўтиб, эшикни қоқди.

Хонадан Норжоннинг кинояли товуши эшитилди:

– Овора бўлманг, шайтон кўшилган жанг аравангиздан тушиб, узр сўрамаганингизча эшик очилмайди!

Муаллим чидаб туролмади. Андишани унутиб, яна бақирди:

– Ётар! Бўлди қил, Норжон! Жонимга тегдинг! Узинг шайтонга малайлик қиляпсан!..

Худодан кўрк!

– Ҳа, энди жонингизга тегадиган бўп қолдикми?

– Учи-ир!.. – Муаллим бу сафар эшикка бир мушт туширди.

Норжон эрининг бирданги тинчиб қолганидан шубҳаланиб, чала-чулпа чайиниб, дам олиш хонасига қайтди. Хонада ҳеч ким йўқ эди. Жавонни очиб билдики, кўча кийимида чиқиб кетибди. Кўнғироқ қилди. Телефон эрининг ёстиги тагидан овоз берди. Хотин вужудини қалтироқ босди.

“Шармандалик! Мегажин билан режаллашиб улгурибди-да! Кечадан бери унга ён босиб гапиргани боиси шу экан-да! Аҳду паймон қилишиб, қолиб кетса-я? Болаларига нима дейди энди? Эл-юрт кўзига қандай қарайди? Шармандалик!”

Норжон ўрнида юзтубан ётиб, роса йиғлади. Болишу сочиғи хўл бўлди.

Бир маҳал эшик тақиллади. “Бор эканлар-ку!” Юраги ҳаққирди Норжоннинг. Елиб бориб, занжирни туширди. Уша мегажин – Раъно!

– Ассалому алайкум, тинчликми, нонуштага ҳам чиқмадингизлар?

Норжоннинг қулоғига ҳеч нарса кирмади.

– Сиз шу ердасиз?..

– Бошқа қаерда бўлай, ўзи кечадан аввалги кун келдим-ку! – деди аёл елка қисганича. У Норжоннинг йиғидан бўғриққан юзига нигоҳ ташлаб бир зум турди-да, ниманидир англади шекилли, ғирра бурилиб, қайтиб кетди.

“Раъно шу ерда!.. Нималар бўляпти ўзи? Э, Худо, нима қилсанг ҳам ақлимдан айирма! Кекса бошим билан одамларга масхара бўлмай! Ҳамма айб ўзимда. Тавба қилдим, Худойим! Ўсаримни қайтар!..” Бу гаплар Норжоннинг хаёлидан кечяптими, йиғи аралаш айтиляптими, ўзи ҳам билмасди...

Норжон кун бўйи на овқатга чиқди ва на муолажага борди, мотамсаро бир кайфиятда хонанишин ётиб олди.

У гўё жонсиз лош, каравотида чўзилиб ётар, хаёлига биронта жўяли фикр келмас эди.

Авал кенжаси Рўздат, икки соатлар ўтиб тўнгичи Саида кўнғироқ қилди. Ажабо,

ҳар иккиси ҳам дадасининг соғлиги билан қизиқди. Алдашга тўғри келди – “курсдош дўстиникига кетди”, деди.

Кечкурун эшик оҳиста тақиллади. Эри эмас. У бунақа имилламайди.

Раъно экан. Бир қўлида палов тўла коса, иккинчисида мева-чева солинган елим-халта. У эшик олдида жилмайганича турарди. Норжоннинг кўзларига бир қараб олгач, ёқимли овозда салом берди.

Норжон ҳам жилмайишга уринди, алик олиб, аёлни уйга таклиф этди.

– Келинг, Раъноҳон, ичкариланг!

Раъно дегани бало экан. Бўлмага киргач:

– Тобингиз йўқми дейман, дугона. Сиз уринманг, ҳаммасини ўзим қиламан, – дея чойнак-пиёлани ўзи тозалаб, электрага чой қўйиб юборди. – Тушлиқдан сўнг келай дедим-у, навбатдан бошим чиқмади. Қарасам, ужинда ҳам йўқсизлар. Кейин ошхонадан улушларингизни олиб келавердим... Чой қайнагунча мевалардан олиб ўтиринг!

Норжон оромкурсида ўтирганича ўз уйида меҳмонлигидан изза чекар, уззу кунги очлик ва йиғи уни батамом ҳолдан тойдирганлиги энди сезилаётгандек эди. Юзига ўрнашиб олган гам соясини ҳайдашнинг ҳам иложи йўқдек эди. Раъно энди унга рақиба эмас, самимий дугона, сирдош дўстдек туюла бошлади.

Раъно ўзини бепарво кўрсатишга уринар, лекин кув кўзларида ўйнаётган мубҳам бир нур эр-хотин орасидаги ҳожаро ҳақда тусмоллаётганини фош этиб турарди.

Чой дамланди. Бола-чақа, куда-анда, рўзгордан гап кетди. Барибир, суҳбат қовушмади. Тарозининг ҳақиқат палласи босиб бўлди, ёлғон-яшиқ, ясама муома-ла лўлкадай қалқийверди. Вақт зувиллаб ўтиб борар, қоронғи тушиб, хонада чиқроқ ёқилишга қарамай, муаллимдан дарак йўқ эди. Бундан ҳар икки аёл ўзича эзилар, хона ҳавоси борган сари оғирлашаётгандек эди...

Ниҳоят, Раънонинг сабри тугади:

– Ростини айтинг, нима бўлди сизларга? – деб сўради.

Норжон сочиқни юзига босганича пиқиллаб йиғлаб юборди. Йиғи аралаш деди:

– Барига ўзим, мен жинни сабаб! Зарра ақлим бўлганида келиб-келиб сиздай аёлдан қизганармидим. Ўшанга аччиғи чиқиб, сахарлаб кетиб қолди...

Раъно хандон отди. Сўнгра тегишмачоқлиги тутиб деди:

– Йиғингизни ҳозироқ йиғиштирмасангиз, чиндан ҳам чолингизни айлантириб олам. Хоразмга ёлғиз кетасиз! Чин Раъно сўзим!

Раъно яна чах-чаҳ урди. Норжон “рақиба”си самимиятини эътироф этди: аввал чиройли жилмайди; кейин энгил қаҳ-қаҳи билан кулгига қўшилди.

– Шугинага шунча мотамми? Роса оққўнгилик экансиз-ей, чиқонжон!² Юргандир-да, бирорта курсдоши ёки элдошиникида...

– Ишқилиб, омон юрса бўлди...

Шу пайт ёстиқ устида ётган қўл телефони жиринглади.

– Ана айтдим-ку! – дея Раъно телефонга қўл чўзди.

Норжон ўрнидан кўзгалди-ю, интилмади, қош-кўзи ҳаракати билан “ўзингиз тинглаб кўринг-чи” ишорасини қилди.

– Валайкум ассалом! Ҳа, ўша кишининг телефонига тушдингиз!.. Дугонасиман... (Норжон қўл ишораси билан “мен йўқман” деди). У киши иш билан чиқувдилар. Раъно! Усар домла биладилар... Бўпти-бўпти... Майли, саломат бўлинг!..

Раъно телефонни жойига ташлади.

– Айтдим-ку, сизга!.. Музаффар деган дўсти борми, асли мангитлик? Ўшаникида экан! Ҳўжайкаси салом айтди... Биргалашиб келинглр, деяпти... Вой, чиқонжон-ей, одамни роса ззиб юбордингиз-да... – деди Раъно “чиқонжон”га ургу бериб.

У пиёласидаги совиб қолган чойдан ҳўплаб, ўрнидан кўзгалди.

– Мен ҳозир...

Эридан хабар топган Норжон анча энгил тортди. Меҳмони эшиқдан чиқиси биланок кўзгу олдига борди. Кўзгу ичидан сочи, қошу кўзи паришон, ғамзада аёл хижолатомуз боқиб турарди. У чайиниш бўлмасига ўтиб, юзини ювди, сочларини тартибга келтирди.

Дастурхон бошига қайтганида Раъно аллақачон шр ерда эди. У хонасидан бир елим халта ул-бул емиш кўтариб чиққанди. Қазми, мева-чева ва салқин ичимликларни бир-бир халтачадан олиб, ҳафсала билан стол устига терарди.

– Тўғрисини айтсам, бугун куни бўйи сизлар ҳақда уйладим. Юрагимни ғалати бир ғашлик эгаллаб олди. Шукурки, мана, тинчлик экан...

Ғоят самимий кечган икки аёл суҳбати ярим тунга қадар давом этди. Раъно болалиги, мактаб муҳаббати, талабалик давридаги ошиқлари, марҳум эри, қизу куёвлари ҳақида тўлқинланиб сўзлай бошлади. У усталик билан бир мавзудан иккинчисига

² Чиқон – дугона.

кўчар, аксари воқеадан қувноқ бир хулоса чиқарарди. Норжон ул-бул нарсадан тотинган бўлиб “рақиба” си оғзига тикилар, унинг ўзига хос “ижро маҳорати”дан ҳайратланиб, завқ олаётгани сезилиб турарди. Раънонинг сўзига яраша ўзи ҳам чиройли эди. Тўлатўқ юзига ярашиқли шаҳло кўзи, қуюқ киприклари... Норжоннинг хаёлида “Ё тавба, наҳотки, шу аёл менинг тенгдошим бўлса?” деган фикр чақнади.

Нихоят, Раъно: “Сизам бундоқ гапиринг-да!” деб, Норжонни суҳбатга тортди.

– Раъно, сиз гўзалсиз! Бахтсиз ҳам эмассиз! Ҳадемай, невараларингиз каттаришиб, одам бўлишади... Айтмоқчи, шунча хусну латофат билан нега эр қилишни ўйламаганиз?..

Раъно қаҳ-қаҳ отди. Бирданига кулгидан тўхтади.

– Яна ўша ошиқларимни эсга соляпсиз-да, чиқон!.. Ростига кўчсам... улар ҳозир ҳам топилади. Аммо-лекин уяламан... қизларим, куёвларимдан уяламан! Эллашиб кетсам, не хўп!.. Бирон-бир ваз бўлиб, келишмай қолсам, ким деган одам бўламан? Қандай бош кўтариб юраман маҳалла-кўйда?

– Бир ҳисобдан сиз ҳақсиз!.. – дугонаси фикрини қувватлади Норжон.

Раъно:

– Мендан бўлак ҳеч кимни кўз очиб кўрганидан айирмасин! – дея яна бир қадах кўтариб, хонани тарк этди...

Ўсар муаллим эртасига ҳам қайтмади, индинига ҳам. Бу кунлари Раъно Норжоннинг ёнида бўлди. Қайтмасидан аввалги кун кечқурун хонадаги телефон жиринглаганида ҳам Раъно шу ерда эди. Гўшақни у кўтарди.

– Алло, ассалому алайкум! Э-эй... Ўсар ака, ўзингизми? Саломат бўлинг-ей, қаёқларда қолдингиз, бормисиз ўзи? Ҳа-да, бошқа қаерда бўлардилар? Мана, гўшақни бераман.

Ўсар муаллим ғирт маст эди. Тўйтепадамиш. Курсдошлари билан биргамиш... Норжон лом-мим демади, тилига сўз келмади. Базўр “Қачон келасиз?” деёлди бурнини тортганича. Гўшақни яна Раъно олди-да:

– Майли, ўзингиз билин! Келмасангиз ҳам бўлаверади... Биз ҳам бир кунимизни кўряпмиз! – дея алоқани тўхтатди. – Эртага келармиш!.. Мана, эркакларнинг феъли-хўйи. Яна бу кишим зиёли, муаллим...

Раъно ўрнидан туриб, балкон эшигини очди, девордаги митти радионинг тугмачаларидан бирини босди. Хонада ўйноқи мусиқа жўрлигида хонанда овози янгради:

Сизнинг юрак юраг-у, бизники юракмасму?

Сизга висол кераг-у, бизларга керакмасму?

Раъно яна кулди:

– Буни қаранг-а, чиқон, қўшиқни қаранг. Худди сиз учун тўқилгандай...

Норжон индамади. У эрининг жўяли бир гап айтмаганидан хафа эди. Тагин йўқлаб қолмасмикан, дегандек мўлтираб, ёшли кўзлари билан телефон томон қараб-қараб кўярди.

– Норжоной, бўлди қилинг йиғини. Мана, эшитдингиз-ку, соғ-омон экан ўша супрақулоқ эржонингиз.

Норжон жилмайди. Дугонасининг топқирлигига беш кетди. Тавба, шунча йил бирга яшаб, эрининг қулоғига қарамабди...

Раъно радиода аллақандай мухлис билан телефон орқали бидирлаб гаплашаётган бошловчининг овозини ўчириб, ўзи хиргойи қила бошлади:

Сизнинг юрак юраг-у, бизники юракмасму?

Сизга висол кераг-у, бизларга керакмасму?

Хиёл хотиржам тортганиданми, шу туни Норжон қотиб ухлади. Эртасига уни эшик қоқиб Раъно уйғотди. Эрталабки нонушта вақти ўтиб кетибди. Чайиниб олгунича Раъно дастурхон ёзиб, чой дамлади.

– Қалай, енгил тортдингизми? – сўради Раъно салом-алиқдан кейин.

– Раҳмат, тузукман.

– Энди бундай қиламиз, – деди Раъно жиддий гап бошлаб. – Турсин, бари турсин, тарихчи-археолог Ўсар Шариповга сюрприз ҳозирлаймиз. Уч кунлик “самоволка”³ учун жарима! Кўрамиз, не кечар экан ҳоли?

Норжон ҳали унинг гапини уқар-уқмас ўрнидан турди.

– Шошманг, мен ҳозир келаман... – Раъно чиқиб кетди. Зум ўтмай, кўлида пахта ма-

³ Самоволка – қисми руҳсатсиз равишда вақтинча ташлаб кетишни ифодалайдиган ҳарбий атама.

тодан тикилган ҳаворанг ёзлик кепка ва яна тагида бир-икки қадаҳча ичишлиги қолган шиша билан пайдо бўлди.

– Вой, нима бу? – деди Норжон ҳовлиқиб.

– “Қоралайлик”... Зўр коньяк кўшниларимдан сўраб олдим. Бунча қўрқиб кетдингиз, чиқанжон, – кулди Раъно шишани стол устига қўяркан. Кейин қўлидаги кепкани жавоннинг бош кийим қўйиладиган тоқчасига ташлади: – Барака топишсин, аввалги мижозлар унутиб қолдиришибди. – Кейин бамайлихотир халати чўнтагидан яримлаган “Pull-Mall” қутисини чиқариб, стол чеккасига қўйди-да, столга чўқди. – Ана бўлди!..

– Нималар қиляяписиз, опа. У мени соғ қўймайди! Тинч ўтирайлик, опа, қўйинг.

– Ваҳима қилманг, ёнингизда мен борман!.. Йўғимда келса, бир гудок ташланг. Учиб келаман-у, ўзим давом эттираман спектаклни!.. Шунчақаям бўладими, уч кун ташлаб кетиб... Дам олишниман бурундан чиқарди... Гап шу! Келса, салом бермайсиз, ўзи бошла-лаас, алик олмайсиз!.. Буларга кўзи тушиб, савол назари билан қарайди. Ўзингизни бепарвогина тутиб, Гиёснинг ўша “Сизнинг юрак юраг-у...” сини хиргойилайсиз! Юрагини бир сиққон кемирсин! Яхшиси-чи, келиши биланоқ ҳалиги... гудок ташланг! Эшик ортида тураман. Зарил бўлса, шартта кираману...

Норжон “тоғ” деса, Раъно “боғ” деса, “боғ” деса, “чорбоғ” деди. Мунозара роса чўзилди. Охир-оқибат, Норжон сўзини ўтказди – унинг қатъий қаршилиги билан бўлғуси “спектакль” сценарийсидаги зиддият бироз юмшатилди: Усар муаллим кимсасиз хонага кириб келадиган, бўлмадаги манзарани кўриб, “жазосини тортадиган” бўлди.

Маслаҳат маҳсига қамалгач, хона калити эшикбонга топширилди. Икки аёл Раънонинг деразасидан санаторийнинг кириш дарвозасини бемалол кузатса бўладиган иккинчи қаватда жойлашган бўлмасига ўтишди. Деразага пашша-чивиндан химояланиш учун кўкмитир тўр тортилган, бу эса, ичкаридаги кишига ўзи кўринмаган ҳолда ташқарини кузатиш имконини берарди.

Норжоннинг юраги гуп-гуп урар, унинг учун гўё вақт тўхтаб қолган эди. У ўзини чалғитиш учун телевизор қаршисидаги оромкурсига чўқди. Раъно дераза қаршисида ўтирволиб, аллақандай журнални varaқлади, диққат-эътибори дарвоза томонда эди. У ҳам анча жиддий тортган, чамаси, қутилаётган драма финалини кўз олдига келтиришга уринарди...

Домла кўп куттирмади. Телеэкранда беллашаётган икки хонанда биттадан ашула айтиб улгурмаёқ Раъно ўрнидан дик турди.

– Келдилар! Ана, бало ҳам урмаган эржонингизга!

Норжон бир қадамда Раъно ёнида пайдо бўлиб, тўрпардага пешонасини тиради. Кишилар орасида бир қўлида камзули, иккинчисиди икки-уч китоб билан келаётган эрини таниди. Ёз қувшидан қўзлари қисилган Усар муаллим бир қарашда ҳоргин ва озгин кўринди. Норжон эрини аяб кетди. Раънони унутиб, пойгакка шошилди.

– Ҳа, чиқанжон, сизга не бўлди? Ҳали домла хонага борадилар, кейин калит учун эшикбонга...

– Тога уни танийди. Калитни эшикдан кирганиданоқ қўлига тутқазади...

– Вой-вуй, роса соғинибсиз-да, ўшанингизни! Тушунсангиз-чи, дарҳол кириб борсак, қизиги бўмайди. Беш-ўн дақиқа ўтсин!..

Норжон ҳеч нарса эшитмагандек, шиппагини оёғига илди, ўзини даҳлизга урди. Ноилож қолган Раъно унга эргашди.

Икки аёл ҳансираганларича эшик олдида тўхташди.

– Кириңг, Раъно! – эшикка ишора қилди Норжон.

– Ўзиз бошланг, чиқон, ўзингиз!

Ҳеч ким журъат этмади. Эшикка қулоқ тутганларича жим қолишди.

Ичкаридан йўталми, ихрашми, хўрсиниқ ва инграшга монанд товуш эшитилди. Телевизорми, жавонга ўхшаш оғир бир нарса полга гурсиллаб йиқилди.

Хотинлар бўлмага киришганида Усар муаллим икки китоб орасидаги тўшамга устида ёнбошлаб ётганича ихрар, оғзидан кўпик аралаш сўлак оқарди. Муаллим қўлида ўша ёзлик кепкани чангаллаганича ётарди.

Норжон уввос солди.

Раъно навбатчи шифокорга чопди.

Йигирма дақиқача кейин бу икки дугона туман шошилишч тиббий ёрдам марказининг реанимация бўлими даҳлиздаги ёғоч ўриндиқда бир-бирдан беҳабардек қошқовоги осилганича ўтиришарди.

Бир пайт бўлим эшиги қия очилиб, ҳамшира овоз берди:

– Бемор Шариповнинг яқинларидан ким бор?

Икки аёл бирданига оёққа қалқди. Шундагина Норжон Раънонинг кўзларига қаради. Раъно “чиқанжон” нигоҳида ажиб бир маъни илғади-да, кўзларини олиб қочиб, ўриндиққа ҳолсизгина ўтирди.

Норжонни кираверишдаги бурчақда ўтирган кўзойнакли кишига рўбарў қилишди.

Уни эрига тегишли баъзи маълумотлар олиш учун чақиртиришган экан. Охирги савол хасталик билан боғлиқ бўлди:

– Эрингизнинг одатий қон босими неча эди? – деган саволга:

– У киши қон босимини ўлчатмасдилар, – деб жавоб берди. Жавоб берди-ю, эри ҳақида ўтган замонда гапираётганидан кўрқиб кетди, – соғликлари яхшими ишқилиб, – дея пиқиллади.

– Ваҳимага ўрин йўқ, опа, ҳаммаси ўтиб кетади, Худо хоҳласа... Демак, аввал инфаркт ё инсулт ҳолатлари кузатилмаган?

– Йуқ!

Доктор жуздонини ёпиб, ичкари хонага кириб кетди.

Кўнгли анча таскин топган Норжон шу ерда юрган оқ халатли келинчакка юзланди:

– Синглим, амакингизни бирров кўриб чиқиш учун кимдан рухсат сўрашим керак?

– Вой, холажон-ей, аввал амаким ўзларига келсинлар! Ҳалиям вақтида опкепсизлар, омадингиз бор экан, жараён яхши кетяпти. Кечқурунга қараб ўзлари сўраб қолса ажаб-мас, “атрофимда ким бор?” деб... – деди жувон ёқимли табассум билан. – Диққинафас бўлиб, қаридорда ўтирманг! Бемалол айланиб келаверинг! Санаторийда экансизлар, муолажалардан қолманг. Яхшиси, менга телефон рақамигизни қолдилинг. Кўзларини очиси билан кўнгироқ қиламан!..

– Барака топинг, сингилжон, шундай қилинг!..

Ҳамширами, кичикроқ врачми, ширинсухан бу жувоннинг исми жисмига мос экан – Гулчиroy. Узаро телефон рақамларини олишгач, Гулчиroy Норжонни эшиккача кузатиб қўйди.

Норжон даҳлизга чиққач, тўғри ташқарига йўналди. Раъно ўтирган муқолишга қайрилиб ҳам қарамади.

Раъно Норжонни шифохона олдидаги боғчада қувиб етди.

– Тўхта, Норжон! Илтимос, бир дақиқа!

Норжон тўхтаб, ортига қайрилганида Раъно йўлак чеккасига ўрнатилган скамейкага ўзини ташлаганича ростакамига хўнгарди.

– Мени кечиринг, чиқон! Мен аҳмоқни кечиринг! – деди у йиғи аралаш. – Қайдан ҳам билибман бунақа бўлишини, охири зил бўлишини!..

Норжон ҳам ўриндиққа оҳиста ўтирди. Сочлари тўзғиб, юзлари йиғидан бўғриққан бу аёлни ҳам тушуниш керак, чап қўли билан Раънони кучди. Ўзи ҳам сўзсиз йиғлади.

Дугонаси меҳрини тўзган Раъно:

– Дўхтирлар нима дейишди, яхши эканмилар? – дея сўради.

– Шукур, бери қараётганмиш. Вақтида опкепсизлар, дейишди. Ўзига келса, чакирамит дейишди...

Аёллар чойхонада тамадди қилишди, боғча ўртасидаги ҳовузча бўйида юриб салқинланишди. Вақт тошбақадек имиллар, қуёш яшил қирлар сари оғиб борар, бироқ Гулчиroyдан бирор нумжда йўқ эди.

Ёз қуёшининг сўнги нурлари билан бирга аёлларнинг сабри ҳам тугаб битди. Бўлимга боришиб, эшикни қия очишга журъат қилишди.

– Келинг, келинлар! Амаким туппа-тузуклар, ухляптилар. Мен ҳозир... – Гулчиroy эшиклардан бирига кириб кетди. Тезда қайтиб: – биттангиз кўриб чиқшингиз мумкин, – деди.

Норжон палатага қалдирғочдай учиб кирди. Эри ёнига қўнди. Юзини юзига босди.

Ўсар муаллим хонанинг ўнг томонидаги турли асбоблар қуршовидаги каравотда юпқа чойшаб остида чалқанча ётар, бир текис нафас оларди. Норжон ҳайратланди: авваллари эри ухлаганида ҳавони бурнидан олиб, бурнидан қўйворарди, ҳозир бошқача – бурнидан дам олиб, оғзидан чиқарар, оғир хўрсиниққа менгзаган пуфф-пуфф деган сас хонада акс-садо бераётгандек эди...

Норжон бунинг сабабини қайтар чоғи Гулчиroyдан сўради.

– Амаким роса чарчаганлар! Ёзининг иссиғида ҳам шунча ичадими одам? Авайла-сангиз бўлади-ку, холажон! Эркак киши қарилликка яқинлашган сари эътиборга эҳтиёж сезади. Ҳалиям юраклари маҳкам экан. Омон қолдилар!

Норжон ҳеч нарса дёлмади.

– Энди сизлар қайтаверинглар! Амаким бугун ухлаб, дам олсинлар! Хавотир олманг, ёнида куну тун одам бўлади. Худо хоҳласа, эртага эрталаб ҳеч нарса кўрмагандек уйғонади.

– Ярим тунда уйғонсалар-чи?

– Йўқ, ухлайдилар. У кишига ҳозир тинчлик керак. Шу учун ҳам ухлатиб қўйибмиз! – Гулчиroy “гап тамом” дегандек эшикларнинг бири сари йўналди.

Норжон туни бўйи тиканда ағанагандек мижага қоқмади. Юрагини даҳшатли фикрлар оқими гармселдек қуйдирадди: “эри эрталаб зўраки уйқудан уйғонади, ўзини қасалхонада кўриб ҳайратга тушади, соғлом ақл оқибатга сабаб излайди, хонадаги ман-

зарани эслаб, яна эзилади, касал хуружи яна қайталайди, шунинг учун кўз очган пайтида тепасида туриши керак, ҳазилинг бошингни егур Раъно ҳам шу ерда бўлиши лозим, бошқа йўли йўқ, йўқса, эрини бой беради!" Ола саҳар кўзи илинганича тошдай қотибди. Телефонининг будильнигига ҳам уйғонмабди...

Уни ошхонадан нонушта қилиб қайтаётган Раъно уйғотди. Норжон уйғондию кечаги фикрлар гирдобига қулади. Эшик олдида Раънони кўриб, ялинди:

– Барака топинг, тез чиқинг! Бўмаса, Ўсар акангиздан айриламиз!..

– Нима гап ўзи, кўнғироқ қилишдими ё? Уйғонибдими?

– Кейин билиб оласиз, тезроқ бўлинг! Илоё, умрингиз узок бўлсин, тез чиқинг!

Дарвоза олдидан таксига ўтириб, зумда етиб боришди.

Вестибюлда турган ходиманинг айтишича, Гулчиройнинг сменаси тугаб уйига кетибди. Янги навбатчилар ҳали ишга киришмабдилар. Соат тўққиз яримларда бошлашармиш ишни...

Норжон ғала-ғовурдан четроқ чиқиб, Гулчиройнинг рақамини тера бошлаганида кепинчакнинг ўзи кўнғироқ қилиб қолди:

– Эшитаман! Ҳа, мен. Шу ерданман. Асосий корпусга кириладиган жойда. Қаранг-е, сизни уйига кетган, дейишувди. Бўпти, мана, ҳозир етиб борамиз!

– Кетдик. Гулчирой ҳали шу ерда экан! – Норжон Раънонинг қўлини оҳиста ушлаб ичкарига ишора қилди.

Норжонга соядек эргашиб юрган Раъно бирор нарса дейишга ботинолмай сукут сақлар, афтидан дугонаси хавотирини тушуниб етганди.

Кўп ўтмай, кўнғиртоб сочлари елкасига ташланган, ҳаворанг кўйлаги ярашиб тушган сарвақомат Гулчирой уларни бўлим даҳлзидда кутиб олди. Аёллар билан илиқ сўрашгач, Норжонга синиқ табассум ҳадя қила туриб:

– Опа, сизда икки оғиз гапим бор, – деди.

– Бу кишидан яширадиган сиримиз қолмади, гапираверинг, синглим!

Гулчиройнинг хонасига киришди. Аёллар кушеткага, Гулчирой стол ёнидаги суяниқсиз курсига жойлашишди.

– Аваъл танишиб олайлик, – дея гап бошлади Гулчирой, – мен реанимация бўлими шифокориман. Кечаги қороз тўлдирган киши Фозил Хусанович – бўлим бошлиғи. Янгилишмасам сиз – Норжон опа, Ўсар Шариповнинг рафиқасисиз. – Кейин Гулчирой Раъно томон бурилди, – сиз ким бўласиз беморга?..

– Исмиим Раъно. Университетда бирга... нима десамикин, бир даврда ўқиганмиз. Санаторийда тасодифан учрашиб қолдик...

– Яхши, бўмасам, мақсадга кўчақолай! Домланинг соғлиғи яхши. Яхшигина эмас, зўр дейиш мумкин. Бироқ қайфияти ноль! Олдимга ҳеч кимни киритманг, бу атрофда мени танийдиган одам йўқ, дейди. Норжон опа, сиз ҳақда эслатишга ҳаракат қилсам, санаторийдаги аёллардан биридри, дейди. Даволанишга бир ўзлари келганмиш...

Норжон юзига рўмолчасини босганича "пиқ-пиқ" йиғлади. Раъно нигоҳини шахмат-нуска тўшамали полга қадаб, тумтайганича қотди.

– Бу инсулт туфайли ҳосил бўлган хотира заифлиғи эмас. Менимча, ораларингдан нимадир ўтган... Тезда домланинг кўнглига йўл топмасак бўлмайди. Рухиятидаги парокандалик қилинган муолажани чиппака чиқариши мумкин. Бу жиддий масала. Фозил Хусанович ҳозир беш дақиқалик тақсимотдан чиқиб келадилар. Аёл кишисиз, оилавий муаммоларни яхши тушунасиз, деб сизлар билан илк суҳбатни менга топширдилар...

Аёллар бири олиб-бири қўйиб, бўлиб ўтган воқеани бор тафсилотлари билан баён қилиб беришди.

– Оббо, опажонларим-ей! Мана буни таги зил ҳазил деса бўлади, – деди Гулчирой кулганича ва дарров жиддий тортди. – Хўш, бунга домлани қандай ишонтирамиз? Менимча, ҳар иккинчи кириб бориб, бўлган воқеани шовмасдан, тартибли тарзда сўзлаб берасиз...

Шу пайт эшик қия очилиб, ёшгина қизнинг боши кўринди.

– Гулчирой Салимовна, иккинчи палатадаги бемор безовта бўлаяпти.

Гулчирой хотинларга бир нима демоқчидек оғиз жуфтлади-ю, ҳеч нарса айтмай шовганича хонани тарк этди. Норжоннинг юзи оқарди.

– Ўсар акам нечанчида эди? – сўради Раъно.

– Иккинчида!

У шивирладими ёки мадорсизликдан овози чиқмадими, Раъно дафъатан англай олмади... Юзига кўзи тушгач, кўрқиб кетди. Норжонни кушеткага ётқизиб, "мен ҳозир" деганича ташқари отилди.

Норжонни ҳам эмладилар. Бироқ қанчалик уринишмасин, ётиб даволанишга кўндирилмадилар.

Ярим соатлардан сўнг хонада Гулчирой пайдо бўлди.

– Ким айтади сизни беш фарзандни катта қилган, юзлаб шогирдларни учирма қилган

аёл деб. Ўзингизни мундоқ қўлга олинг, хола! Ҳали амакимнинг олдига кириб, қилмаган айбимиз учун узрхоҳлик қилишимиз керак!.. Вэ-эй, холажоним-ей, ростини айтсам, сиздан ўпқаладим. Шугинага шунчами? Бўлди қилинг энди, туринг ўрнингиздан! Бирга чой ичамиз! Мен ҳам қолдим бугун шу ерда! Врачлик, Гулчиroy сўзим – сизларни оёққа турғазмай уйга қайтиш йўқ!..

Норжон вужудига қон югурди, қон билан бирга оқибат ёмғиридан сўнг кўкарадиган аллақандай номсиз, хуш туйғулар рангу таровати билан кириб келди. У Раъно ёрдамида юз-қўлини ювди.

Столлардан бири кушеткалар орасига олинди, кичкина дастурхон ёзилди. Насибадошлар Гулчиroy қистови билан еб-ичишар, хаёлларида эса бир муаммо – Ўсар муаллим соғлиғи эди. Аммо бу ҳақда сўз очишга ҳеч кимнинг юраги дов бермас, афтидан ҳар ким ўзича вазиятдан чиқиш йўлини изларди.

– Амакимиз бугун ҳам ғайриихтиёрий уйқудалар, – деди Гулчиroy чойдан сўнг, – кечкурун олти-еттиларда ўйғонсалар керак. Шунгача нимадир ўйлаб топишимиз шарт. Силлиққина бир тадбир...

– Бўлди, бас, уйғонган захоти олдига бирга кирайлик! Йиғлайман-сиктайман, ҳаммасини тушунтираман. Айбимни бўйнимга оламан! – деди Раъно яна кўзёшлариға эрк бериб, – ҳазиллашмай мен ўлайин, ўзимнинг шўрпешаналигим етмаганидай буларнинг ҳам толеига соя солиб ўтирибман мен қора қарға!

– Опа, шошманг-чи, гапингизда жон борга ўхшайди. Тўғри, бор гапни фақат сиз айта оласиз. Уша кўнгилсиз драманинг муаллифи сифатида... Лекин оғзак тарада эмас. Ўзингизни йўқотиб қўйишингиз мумкин. Менимча, диққатингизни жамлаб, энг асосий воқеаларни қоғозга туширишингиз керак. Энг қисқа, лўнда шаклда, бир бетчалик хатга сифирасиз. Маъқулми? Сиз нима дейсиз, Норжон опа? – сўзини савол билан тугаллади Гулчиroy.

Гулчиroyнинг таклифи Фозил Ҳусановичга ҳам маъқул тушди. Бошлиқ иштирокидаги кичкина маслаҳатда келишиб олинди: Раъно ўша мухтасар узрномани кечкурунги бешларга қадар тайёрлаб келадиган бўлди, Норжон шу хонада ҳақимлар назоратида бўла тургани мақсадга мувофиқ деб топилди.

Раъно кечкурун гача куттириб қўймади, соат ўн бирлардаёқ қўлида узрнома билан пайдо бўлди. У келган чоғ Гулчиroy бўш палаталардан биттасида дам оларди. Шу сабаб узрнома матни билан илк бор Фозил Ҳусанович танишди.

– Қойил-ей, опа! Бу гапларга тош ҳам эрийди. Шоир-поир эмасмисиз, мабодо? Аммо-лекин ҳазилингиз жуда оғир экан... – деди у қоғоздан бош кўтариб, кейин қўшиб қўйди, – Норжон опага ҳам ўқитиб кўрин! Гулчиroyга ҳам...

Узрномадан хабар топган бўлса керак, Норжон ётган хонага Раъно билан олдинма-кетин Гулчиroy ҳам кириб келди. Мақтубнинг, айниқса, хотима қисми бағоят самимий чиққанди:

“...Гувоҳи бўлаётганингиздек, барчасига мен сабабчи, бош айбдор – мен! Норжоннинг фариштадай тоза. Етти йил сизсиз ухласа ҳам, отинг ўчгур бу гуноҳи азим унинг тушига ҳам кирмайди. Умринг қўёши шом сари оққанида бунақа ҳазилни ким қўйибди сенга, дейдиган инсон қани менга? Мени кечиринг, Норжоннинг эса кечиргудек зиғирча ҳам гуноҳи йўқ! Талабалик йилларимизда орамизда бўлган ўша покиза хурмат, меҳр-оқибат, баҳам кўрган ош-тузимиз ҳақи бугунги гуноҳимдан ўтинг! Мени афв этинг!..

Сизга узок умр, жуфти ҳалолингиз билан тотув ҳаёт тилаб, Раъно”.

– Яхши, жуда яхши ёзилибди. Силлиққина қаламингиз бор экан, опа! – деди Гулчиroy.

– Уринли гаплар. Жуда чиройли ифодалабсиз. Катта раҳмат, сизга, – маъқуллади Норжон ҳам.

– Энди менга рухсат берасизлар. Мени кўргани болаларим келишаётган экан, – деди Раъно назарини ерга қадаганича.

Албатта, унга ҳеч ким монелик қилмади. Норжон уни тиббий марказ дарвозасига чакатиб қўйди. Йўл-йўлакай қайта-қайта узр-маъзур қилишди.

Норжонни ўз хонасида Гулчиroy кутаётган экан.

– Холажон, биласизми, марказга янги бемор келтирилди. Операцияга мен ҳам таклиф қилинганман, – деди у хижолатпазлик билан, – домлани ҳозиргина кўриб чиқдим. Аҳволи яхши. Вақтлуроқ уйғониши ҳам мумкин. Сиз ташвиш тортманг, Фозил Ҳусанович ўша ерда. Хатни у кишида қолдирдим. Уйғонгач, мавридини топиб, ўзлари беради. Зарил топса, сизни ҳам қақришлари мумкин. Ҳозирча шу ерда бўла туринг. Айтмоқчи, менинг ўрнимга ўзингиздай ажойиб бир опамиз, менинг устозим келадилар, сиз ҳақда айтдим у кишига. Яъни соғлигингизга қараб турадилар... Мазли, хола, насиб қилса операциядан сўнг поччамиз олдига бирга чиқиб, чойхўрлик қиламиз!

– Илоё, айтганингиз келсин! Қўлингиз энгил бўлиб, беморингиз тезда оёққа турсин! – беихтиёр юзига фотиҳа тортиб Норжон.

Кўп ўтмай, хонага Гулчиroyнинг “устоз опаси” кириб келди. Ўзини Карима Жали-

ловна деб таништирган бу аёл келишган қад-қомати, юз тузилиши, илиққина истараси, қошу кўз ҳаракатлари билан Раънони эслатарди. Норжон "узоқроқ қариндошидир, балки", деган тусмолда аслини суриштирди. Водийлик экан. Бўстонлиққа келин экан.

Карима Жалиловна танишиш асносида Норжоннинг юрак уришини тинглади, қон босимини ўлчади. Ҳамширани чақириб, ҳақдори олдириб ичирди. Кейин Ўсар муаллим билан қизиқди. Карима ҳам худди Раънодек суҳбатчон экан. Чорак соатчалик гурунда Норжоннинг юрак-бағрига кириб, Ўсар домланинг "касаллик тарихи"ни ипидан игнасиғача билиб олди.

– Мушкул бир вазиятда қолибсизлар. Аммо узрномани яхши ўйлаб топибсизлар! Эгачи, бир нарсага ҳайронман. Наҳотки, эрингиз шу даражада гумондор бўлса? Шунча йиллар синашган жуфти ҳалолини... Ичи қоралик-ку, бу!

– Тўғри айтдингиз, синглим. Аммо унинг ичини қора қилган ичкилик, ароқ! Уч кун тинимсиз ичилган шайтоннинг суви каллани бузади-да, – деди Норжон йиғламсираб. – Курсдошлари ҳам ўлсин!..

– Гап бу ёқда денг! Йиғламанг, эгачи, Худо хоҳласа, домла икки-уч кунда оёққа туриб кетади. Ушанда курсдошларига кўнғироқ қилдингиз. Келиб бир кўриб кетишин курсдошини қай аҳволга солганларини!

Карима беморлардан хабар олгани чиқиб кетди. Ҳақдори таъсирими, чарқоқданми, Норжоннинг қовоқлари оғирлашди. Кушеткага чўзилиб, устига чойшаб тортди...

Норжон эшикнинг очиб-ёпилиши ва энгил қадамлар товушидан уйғонди. Гулчиroy экан. У бироз ҳорғин кўринар, аммо руҳияти тетик эди.

– Табриқлайман, хола! Поччамиз уйғонганлар, салом хатни ўқиганлар! Жилмайи-иб ётибдилар! Бир пиёла шарбат ичдилар!..

Норжон илкис нима деярини билмай қолди. Кўзига ёш келди, ёш томоғига ҳам тикилди. Ниҳоят:

– Операциянгиз яхши ўтдими? – деб сўради.

– Ҳа, бошлаб юборишди. Маслаҳатга чақирилган экан. Арзимас нарса...

Бироз жимликдан кейин яна сўрашга журъат топди:

– Бориб кўрсак бўладими отасини?

– Ҳа, албатта, ҳозироқ юринг!..

Улар олдинма-кетин палатага киришганида Ўсар муаллим ҳали ҳам пинақда, Карима Жалиловна курсида қалин жилдли каттақон дафтарни тиззасига кўйганича алланималарни ёзиб ўтирарди. Норжоннинг хўрлиги келиб, пойгақда туриб қолди. Карима қоғоздан бошини кўтарди, Норжонга қараб:

– Ийгини кўйинг! Ҳозиргина кўзи илинди, – деди.

– Ҳа-ҳа, уйғонсалар хафа бўлади, йиғламанг, – гапга аралашди Гулчиroy.

Карима Жалиловна ўрнидан туриб, дафтарни Гулчиroyга узатди. Узи бемор устида энгашди, билагидан ушлаб, пульсини "тинглади". Муаллимнинг юзи оҳиста тўлқинланди, кейин кўзларини очди. Жилмайди, лаб-лунжи қимирлаб-қимирлаб, охири портлади:

– Бир бўсага шунчами, Раъно?!

Карима Жалиловна тош қотди. Гулчиroy Норжонга ёпишиб:

– Алаҳсираяпти, холажон, алаҳсираяптилар! Юринг-юринг, кейин кирамиз... – шивирлади ва аёлни ташқарига етаклади. – Хола, кўзёшини йиғиштиринг! Энг асосийси – кризис орқада қолди. Энди кўрқадиган жойимиз йўқ! – деди даҳлизга чиққач, – сиз дам олатуринг, мен чой ташкиллаштираман!

Гулчиroy Норжонни хонаси эшигиғача кузатиб, палатага қайтди. Эшик олдида устозини учратди.

– Тушунмадим? – елка қисди Карима Жалиловна кўзойнаги устидан кулиб боқиб.

– Сиз-ку, майли-я, Норжон хола тушунмаганлари яхши бўлди. Тушунганларида бу кишим ҳам кулардилар. – Хандон отди Гулчиroy устозининг елкасидан кучиб. Кейин кўшиб кўйди, – у сизни бир аёлга ўхшатди, менимча... Кейин бафуржа айтиб бераман!..


– Гап қовлашни ёқтирмайман-у, аммо буниси қизиққа ўхшайди...

Гулчиroy сўзида турди. Шу куну кечқурун Ўсар муаллим оёққа туриб, оддий палатага кўчирилгачина уйига қайтди.

Кечки чойни эри билан бирга ичган Норжон еру кўкка сигмай санаторийга келди. Қувончини баҳам кўриш учун иккинчи қаватга – Раънониқига ошиқди. Эшигини аввал оҳиста, жавоб бўлавермагач қаттиқроқ қочди...

Қават навбатчисидан сўраб билди – Раъно тушлиқдан ҳам аввалроқ маъмурият билан ҳисоблашиб, санаторийдан бутунлай чиқиб кетган экан...

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ТАҒАЛЛУДИНИҢ 120 ЙИЛЛИГИГА



Наим КАРИМОВ

1932 йилда туғилган. Тошкент Давлат университетини тамомгандан бери Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида хизмат қилиб келмоқда. Олим ўнлаб китоблар, юзлаб мақолалар муаллифи. Беруний мукофоти лауреати, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби. Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш йўлидаги хизмати учун “Эл-юрт хўрмати” орденига сазовор бўлган.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ҚОЗОН САФАРИ

Халқлар ва адабиётлар ўртасида дўстлик алоқаларининг ўрнатилиши ва камол топишида ёзув маданияти, хусусан араб ёзуви яқин-яқингача гоёат катта роль ўйнаб келган. Бу ёзувнинг асосан ундош товушларни ифодаловчи ҳарфларга асосланганлиги шу ёзувда битилган китобларнинг Ўрта Осиё, Кавказ ва Волга буйларида яшаган барча туркий халқлар томонидан ўқилишига имкон берган. Шу бахтли имконият туфайли ўзбек зиёлилари И.Гаспринский, Ш.Маржоний, Ҳоди Тоқтош, Хусайн Жовид сингари машҳур маърифатпарварлар, шоир ва ёзувчилар ижоди билан танишган бўлсалар, улар вакиллари бўлган халқлар XX асрнинг 20-30-йилларида буюк ўзбек адабининг “Ўткан кунлар” романини ўқиш саодатига муяссар бўлишган.

Нақл қилишларича, Абдулла Қодирий бир гуруҳ қаламкаш биродарлари билан бирга 1936 йилнинг ёз ойларида Қозонга ижодий сафар билан борганида, “Ўткан кунлар”нинг татар китобхонлари ўртасида ҳам машҳур бўлганини ўз кўзи билан кўриб, ҳайратга тушган.

Энди гапнинг “бисмилло”сига қайтсак.

XX асрдаги ўзбек адабий алоқалари тарихидан шу нарса маълумки, 1928 йилнинг ёз ойларида Зиё Саид, Ғафур Ғулум, Ҳамид Олимжон каби ўзбек ёзувчилари Қозонга бориб, татар ҳамкасблари ва китобхонлари билан илк бор учрашишган, ижодий мулоқотда бўлишган. Шу ижодий сафар қардош ёзувчилар ва китобхонларда яхши таассурот қолдиргани боис мезбонлар 1936 йил ёзида яна ўзбек биродарларини Қозонга таклиф қилишган.

“Красная Татария” газетасининг 1936 йил 16 июнь сонисидаги маълумотга қараганда, 14 июлда Қозонга Шокир Сулаймон (делегация раҳбари), Ғафур Ғулум, Абдулҳамид Мажидий, Амин Умарий ва Матёқуб Абдуллаевдан иборат ўзбек ёзувчилари поездда етиб келишган. Уларни Татаристон Ёзувчилар уюшмаси раиси Ярмий, ёзувчилардан

Усмонов, Тўфон, Хонжамил, шунингдек, татар опера студияси артистлари тантанали вазиятда кутиб олишган. Татаристон Республикаси Миллий архивдаги Татаристон Ёзувчилар уюшмаси фондида сақланаётган маълумотномадан аён бўлишича, Қодирий 8 августда Қозонга етиб келиб, делегацияга қўшилган ва 6 сентябрга қадар татар ёзувчиларининг меҳмони бўлган. Меҳмонлар, “Красная Татария” газетасида ёзилишича, “Ўзбекистон билан Татаристон адабиётчилари ўртасидаги қардошлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсади”да Қозонга ташриф буюришган.

Ўзбек ёзувчилари 6 сентябрда ижодий сафардан қайтиб келганларидан сўнг, “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 24 октябрдаги шанба сонида Ш.Сулаймоннинг “Татар совет адабиёти” мақоласи, Қодирийнинг “Качида икки ҳафта” очерки, Фафур Ғулумнинг “Шеър ҳам совун”, Амин Умарийнинг “Овул кечаси” шеърлари эълон қилинган. Шу саҳифадан ўрин олган “Биродарона ҳамкорлик” деган хабарда қайд этилишича, ватандошларимиз “татар меҳнаткашларини ўзбек адабиётининг ривожланиши билан, Ўзбекистон меҳнаткашларининг турмуши билан таништириб келганлар, (Татаристондаги) газеталарда махсус саҳифалар чиқарганлар”.

Ш.Сулаймон ўз мақоласида ўзбек-татар адабий алоқалари тарихига назар ташлаб, татар адабиёти ва матбуотининг “октябргача Ўрта Осиёда жуда кенг тарқалгани”, Қозон, Оренбург ва Москвада чиқарилган “Қуёш”, “Вақт”, “Юлдуз”, “Эл” газеталари ҳамда татар ёзувчилари асарларининг Ўрта Осиёда, айниқса, Ўзбекистонда алоҳида эътибор қозонганлиги тўғрисида сўзлаб, ғаройиб бир фикрни ўртага ташлаган: “Маълум бир қора мақсад билан бошланган бу алоқанинг сири, сабаби, — деб ёзган у, — табиий, маълум эди. Февраль кунларида биз бунини очиқ кўрдик. Татар буржуазияси, унинг малайи бўлган миллатчи зиёлилар “Булоқбоши жумҳурияти”(ни) куриш биланоқ ўз тилагини очиб қўйди...”

Ш.Сулаймоннинг фикрига кўра, ўзбек-татар адабий алоқаларини ўрнатиш ва мустаҳкамлашдан мақсад — келажакда чор ҳокимияти мустамлакачилигига қарши ўзбек ва татар халқларининг бирлашган ҳолда курашиши экан. “Бироқ бу қора тилак, — деб ёзган у яна, — бўшга чиқди. Октябрь довули уларнинг кулини кўкка учирди. “Қўқон мухторияти” сингари Қозонда тузилган “Булоқбоши жумҳурияти” ҳам ерга кўмилди”.

Ш.Сулаймоннинг бу сўзлари, шубҳасиз, мустамлака шароитида яшаган халқларнинг ўзаро яқинлашишидан кўрққан унсурлар “қўшиғи”ни тақдорлашдан ўзга нарса эмас эди. Ҳолбуки, биз Туркистон Россия кўшинлари томонидан забт этилгандан кейин татар савдогарларининг Туркистонга самовар, гугурт, чўян-темир асбобларини, татар ёзувчиларининг Қозон босмахоналарида босилган асарларини олиб келганларини, сўнгроқ эса турли сабаблар билан Волга бўйларидан кўчиб келган татар зиёлиларининг Туркистонда янги усул мактабларини ташкил этишда фаоллик кўрсатганларини яхши биламиз.

Фафур Ғулум ўз мақолаларидан бирида шу масалага доир бундай қимматли маълумотни берган: “Татар маърифатпарварларидан Маржоний, Қажум Носирий ва татар зиёлиларининг бошқа бир қанча намоёндалари Бухоро мадрасаларида таҳсил кўргани сингари, ўзбек зиёлиларининг ҳам бир қанча вакиллари Оренбургнинг “Хўсайния” мадрасаси, Қозоннинг “Мухаммадия” ва Уфанин “Олия” мадрасаларида ўқиганлар. Бухоро амири бадарга қилган ўзбек зиёлилари Қозонда бошпана топган. Ўзбекларнинг биринчи босма китоблари Қозон университети босмахонасида босилган. Хива ва Тошкентга “мих босма” деб аталган замонавий матбаа ва литографияни дастлаб Шохимардон обзийлари олиб келган ва шу босмахоналардаги биринчи ишчилар авлоди татарлардан бўлиб, уларнинг набиралари ҳозир ҳам Ўзбекистон босмахоналарида ишламоқда”.¹

Кўрамизки, ўзбек-татар адабий алоқалари тарихи фақат XX асрнинг 20-йилларида бошланган эмас.

Шундай қилиб, Татаристон Ёзувчилар уюшмаси таклифи билан Волга бўйларига борган ўзбек ёзувчилари, жумладан, Абдулла Қодирий татар ёзувчилари билан бўлиб ўтган учрашувлардан сўнг, татар овулларига бориб, икки ҳафта давомида қардош халқнинг ҳаёти билан таниша бошлашган. Биз Қодирийнинг “Качида икки ҳафта” очеркини ўзбек ёзувчиларининг Қозон яқинидаги овулларга, Ғ.Ғулумнинг “Шеър ҳам совун” шеърини ўқиб, ўзбек ёзувчиларининг Мулланур Воҳидов номидаги совун заводига борганлари, татар деҳқонлари ва ишчилари ҳаёти билан яқиндан танишганларини яққол тасаввур этамиз.

Ш.Сулаймон мақоласидан аён бўлишича, Қодирий ҳам, бошқа ўзбек ёзувчилари ҳам сафар чоғида Карим Тинчурин, Қави Нажмий, Тулумбайский, Мирсой Амир,

¹ Фафур Ғулум. Адабий-танқидий мақолалар. Икки жилдлик. 1-жилд. — Т.: 1971. — Б.245

С.Баттол, Олимжон Иброҳимов, Ҳоди Тоқтош, Ҳасар Тўфон, Фотиҳ Карим, Аҳмад Файзий, Ноқий Исонбат, Муҳаммедшин каби татар шоир ва ёзувчилари билан учрашиб, дўстона мулоқотда бўлишган. Ишонч билан айтиш мумкинки, улар К.Тинчуриннинг ўзбек халқи ҳаётидан олинган "Мукаррам", "Бухоро", О.Иброҳимовнинг ўзбек тилига таржима қилинган "Теран томирлар" сингари асарлари билан яхши таниш бўлишган ва шу ҳол улар суҳбатига муайян йўналиш берган.

"Ўзбек ёзувчилар бригадаси, — деб якунлаган мақоласини Ш.Сулаймон, — Қозонга бориб, бир мунча катта ва ёш ёзувчиларнинг ижодлари билан яқиндан танишди. Бу ҳақда айрим маърузалар эшитди. Булар очиқ кўрсатдики, биз сўнгги йилларда қардош республикаларнинг адабиётидан, уларнинг сўнгги ўсишларидан четда қолганмиз. Шунга ўшаган татар ёзувчилари ҳам ўзбек, тожик, туркман, қозоқ ёзувчиларининг асарлари билан унча таниш эмаслар.

Татар ёзувчилари қардош республикаларнинг адабиётдаги ўсишлари билан танишиб боришни биринчи ва асосий вазифа қилиб олдилар".

Қодирий айрим татар ёзувчилари билан аввал ҳам таниш бўлган. Таниқли адабиётшунос Шерали Турдиевнинг маълумот беришича, Қодирий 1924-1925 йилларда В.Я.Брюсов номидаги Олий адабий-бадиий институт (Москва)да таҳсил олган кезларида О.Иброҳимов, К.Тинчурин, Ф.Амирхонлар билан учрашиб, уларнинг Москва кутубхоналаридаги асарларини топиб ўқиган. Хусусан, О.Иброҳимовнинг "Ёш юраклар", Туркистондаги мадраса талабалари ҳаётини ёдга туширувчи "Бизнинг кунлар" романи унга, айниқса, манзур бўлган. Олимнинг эътирофи этишича, у шу маълумотни кекса таржимон М.Булатовдан олган, унга эса шу воқеанинг шоҳиди журналист ва таржимон Саховат Шафигуллин сўзлаб берган экан.

Афсуски, Ш.Сулаймон ҳам, Қозон сафарига қатнашган бошқа ўзбек ёзувчилари ҳам ўзбек адабиёти намуналари, хусусан, "Ўткан кунлар"нинг татар тилига таржима қилиниши ва татар китобхонлари ўртасида тарқалишига оид бирор сўзни ёзиб қолдиришмаган. З.Фатхуллиннинг адиб ҳақидаги хотираларида эса "Абдулла аканинг "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён" романларини, "Калвак маҳзум...", "Тошпўлат тажанг..." каби ҳажвий асарларини ўқимаган татар зиёлилари, китобхонларининг камданкам экан"лиги, шунинг учун уни, "айниқса, ҳурмат қилишгани", "Абдулла обий" деб қариялар маҳаллама-махалла зиёфатга чақришгани" айтилган, холос.

"Абдулла ака, — деб ёзган хотиранавис, — Волга бўйидаги Верхний Слон (Татаристон Ёзувчилар союзининг боғи)да бир неча кун дам олдилар, ёзувчилар билан улфатлашдилар, кейин татар овуллари айланиб, танишишга хоҳиш билдирдилар.

Ёзувчилар союзи махсус извош ажратди: ўзи Бухоро мадрасаларида ўқиган, ўзбек тилини яхши билувчи, шу чоқларда Татар академик театри кутубхонасида мудирлик қилувчи ёши улғурроқ бир кишини кучер қилиб тайинлади ва ҳозир Татаристон Ёзувчилар союзининг раиси, таниқли романчи Иброй Ҳозийни Абдулла акага ҳамроҳ қилиб, татар овуллари бўйлаб саёҳатга жўнатди".²

З.Фатхуллиннинг хотирасидан маълум бўлишича, Қодирий татар овулларида ўн беш кундан зиёдроқ бўлган ва Тошкентга қайтганидан сўнг Ёзувчилар уюшмасидаги ҳисобот мажлисида қўлидаги ёзув дафтарларига қараб овуллардаги ободонлик, колхоз-совхоз қурилишлари, ёшлар ва қарилар билан бўлган суҳбатлар ҳақида сўзлаб берган. Хотиранависнинг шу сўзларини адибнинг "Қачида икки ҳафта" очерки тасдиқлаши мумкин.

Очерк куйидаги изоҳнамо сўзлар билан бошланади: "Менга Татаристоннинг Арча районига қарашли Качи овулида икки ҳафталаб қолишга тўғри келди. Овулни, ундаги колхозни ва халқ аҳволини ўрганиш учун келган бир кишига икки ҳафтали бир муддат жуда қисқа бўлса-да, кўп нарсалар ўргана олдим. Татар овули деҳқони қандай ишлайди, нечук яшайди, унинг молдорлиги, колхозга уюшгандан сўнгги ҳоли каби жиҳатларни кўздан кечириб қайтган, ўз таассуротим билан газета ўқувчиларини ҳам таништиргим келди".³

Қодирий Качига етиб келган чоғда аксарият аҳоли далада бўлганлиги учун овул кимсасиз, ҳатто бирор ҳаёт белгисидан маҳрум бўлиб кўринган. Аммо кеч соат 6-7 лардан бошлаб қишлоққа жонли ҳаёт нафаси шиддат билан кириб келган. Адиб овулнинг ана шу ҳаётбахш манзарасини бундай тасвирлаган:

"Овулнинг жонлануви кеч соат 6-7 миёнасида бўлади: қир ишларидан қайтаётган

² Абдулла Қодирий замондошлари хотирасида. — Т.: 1986. — Б. 81.

³ Абдулла Қ о д и р и й. Кичик асарлар. — Т.: 1969. — Б. 99.

ёш йигитлар овулни бошга кўтариб кўшиқ айтадилар, унда-мунда гармон товушлари эшитилиб, бир-бириси билан ўйнашиб, сайрашиб қайтган татар қизларини кумуш танга тўкилган сингари жаранглаб кулишлари юракка тўкинадир. Шу вақтда овулнинг подасида (кутувида) яйловдан қайтиб, сигирлар бузовларини соғиниб маърайдилар, сариқлар⁴ кўзиларини кўмсаб, “бааа-буу” қиладилар. Овул жуда ҳам кўнгилли ҳол олади...⁵

Ушбу манзара Амин Умарийнинг “Овул кечаси” шеърисида бундай тасвирини топган:

*...Булутларга санчилди қош қораяр чоғ
Куннинг қиличи.
Кўнгил паришон эмас, шому ғарибон эмас
Шодликлар кечи.*

*Кечада руҳсизлик йўқ, зулмат ҳам эмас,
Ит увлаши йўқ.
Фараҳбахш замоннинг қувноқ кечисида
Ой нури куюк...*

*Овулнинг кўчасидан дарёдек оқар
Ёшлар шовқини.
Кўнгилларнинг шодлиги тортиб олади
Кўздан уйқуну...*

Шеърни ўқишда давом этар эканмиз, Качи овулига қилинган сафар чоғида Қодирий билан бирга А.Умарийнинг ҳам иштирок қилганига амин бўламиз.

Афсуски, татар биродарлари ҳузурига меҳмонга борган ёзувчиларимиз ўртасида айрим келишмовчиликлар ҳам рўй бериб, уларнинг бир қисми ҳатто мuddатидан аввал ўз юртига кетиб қолган. Низога асос бўлган сабаблардан бири, ижодий масалага оид эди. Бир томондан, А.Умарий сингари шоирларнинг сафар кунларида турли оурашувлар таъсирида шеърлар ёзаётганини, иккинчи томондан, ўзининг татар ёзувчилари ва китобхонлари ўртасидаги катта ҳурмат-эътиборини кўрган Қодирий: “Ҳозир фақат кўриш, татар халқининг ҳаётини ўрганиш лозим. Тошкентга борганимиздан кейингина тиниқланган сафар таассуротлари асосида асар ёзсак, ўринли бўлади”, деб ёш дўстларига танбەҳ берган ва улар истеъдодига шубҳа билан қараган. Бундай муносабатдан ранжиган шоирлар Қозонда адиб билан бирга ортиқ қолишни истамаган.

Айтиб ўтилганидек, “Ўткан кунлар” довруғи Қозонга ҳам етиб борган, араб ёзувида чоп этилган бу асарни ўқиган татар зиёлиларида ҳам, оддий китобхонларда ҳам Қодирийга нисбатан катта ҳурмат туйғулари уйғонган экан.

⁴ Қўйлар.

⁵ Уша манба. – Б. 90-100.

Улуғбек ХАМДАМОВ

ШЕЪРИЯТИМИЗДА ҚОДИРИЙ АНЪАНАЛАРИ

Абдулла Қодирий ва Эркин Воҳидов

Э.Воҳидов ижодининг А.Қодирий меросига алоқадорлиги бир қарашда кўзга яққол ташланмаслиги мумкин, лекин синчиклаб кўздан кечирилганда устоз-шогирд маъносидаги ижодий таъсирланишни кўрмаслик мумкин эмас. Умуман олганда эса, Қодирийдан кейин ўзбек адабиёти майдонида кирган жиддий ижодкорларнинг деярли ҳаммаси бу улуғ ёзувчи сиймоси ва меросидан бевосита ёки билвосита таъсирланган, деб айтиш тўғри бўлади. Чунки Қодирий истеъдодининг кучи шу даражада кўламли эдики, у нафақат ўзбек романчилигига асос солди, нафақат Беҳбудий, Фитрат, Ҳамза ва Чўлпонлар билан биргаликда янги ўзбек адабиёти тамал тошини қўйди, айна дамда, қардош туркий халқлар насрига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бу фикрларни замонамизнинг забардаст ижодкори, Ўзбекистон қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов ҳам тасдиқлайди. Унинг Қодирий билан боғлиқ фикр-мулоҳазалари "Изтироб"¹ ва "Шоир у шеър у шуур" номли адабий-танқидий мақолалари, суҳбатлари жамланган китобларида ўз аксини топган. "Изтироб" тўпламидан жой олган "Қадримиз, қадриятимиз" номли мўъжаз мақоласида Э.Воҳидов Қодирийю Чўлпонлар қисмати билан, дастлаб, асосан, устозларнинг ҳикоятлари воситасида танишганини айтади: "Отанинг, узтознинг муқаддас вазифаси фарзанд, шогирд қалбига ҳақиқат уругини экмoқдир. Домла Ғайратий ана шундай ота ва устоз эди. У эллигинчи йилларнинг бошида, Чўлпон, Қодирийлар тўғрисида сўзлашиш ҳам қатағон бир замонда биз – еттинчи, саккизинчи синф ўқувчилари бўлган "дилдошлари"га уларнинг ҳаётини, ижодини сўзлаб беради. "Утган кунлар"нинг боблари устоз овози билан қулоғимда қолган".²

Фитрат, Қодирий, Чўлпон каби талай Истиқлол фидойиларининг асарлари миллатимизнинг чинакам мард зиёлилари, китобхонлари томонидан узоқ вақт мобайнида уйланинган ертўласи, томбошиси ва оғилхоналарининг кўздан пана кунжларига беркитилган, баъзан эса хотиралар қаърида сақланган десак, муболаға бўлмайди. Чунки менинг ўзим ҳам тахминан 1988-89 йилларда худди шунга яқин бир ҳолнинг гувоҳи бўлганман. Аввалги ТошДУ, ҳозирги ЎзМУ филология факультетидаги дарслардан бирида профессор А.Алиев А.Чўлпоннинг улуғ рус шоири А.С.Пушкиндан ўгирган "Гул ва булбул" номли шеърини ёддан ўқиб, сўнг бу шеърни у болалик чоғида ёд олгани, шеърнинг қуйма оҳангдор ва мазмундор бўлгани учун сираям ёдидан чиқармаганини айтиб берган эди. Чунки адабиёт тарихидан яхши биламизки, Чўлпоннинг илмий-бадиий ва таржима асарлари чоп этилмас, қачондир чоп этилганларининг мутолаасига ҳам мутлақо рухсат йўқ эди. Худди шундай, А.Қодирийнинг асарлари ҳам неча ўн йилликлар мобайнида халқдан олисда тутилди. Шунга қарамасдан, одамлар қайси бир йўллар билан улуғ адибдан қолган меросга талпиниб, ўз бадиий-эстетик завқини қондиришга уриниб келди. Эркин Воҳидов ёзади: "Эски қоронғи қазноқ шифтидан толиб олганим (белбоққа тугиб ўралган) "Меҳробдан чаён" мени бир ҳафта бурчак жинниси қилиб қўйган эди. Кўзлардан йироқ жойни толиб олиб мук тушганча ўқиганим ўқиган эди.

¹ Изтироб. Тошкент. Ўзбекистон. 1992.

² Ўша асар.

Агар Фарҳоднинг Ширин, бўлса Мажнунларнинг
Лайлоси,
Насиб этмиш менга гулшан аро гулларнинг
Раъноси.

Хозир шу сатрларни ўқисам, ўша қазноқнинг нимёруғ бурчаги ёдимга тушади, сарғайган варақлар кўзимга кўринади, чанг хиди димоғимга урилади³. Бу сатрлар шоирга бир умр ёд бўлиб келгани, уни илҳомлантиргани, Навоийю Фузулийларнинг ижодидаги шоҳбайтлар янглиғ аруз вазиға меҳр боғлашига туртки бўлгани, умуман, унинг ижодий қредосини кўп жиҳатдан белгилеганини Э.Воҳидовнинг ўзи эътироф этади: “Киши умрида ўқиган китоблар ичида шундоқ китоблар бўладики, улар умрининг бир қисмига, инсон ўзлигининг таркибига айланиб қолади. “Ўтган кунлар” ва “Меҳробдан чаён” мен учун ана шундай китоблардан. Улар мени одам қилиб шакллантирган. Дунёқарашимни, юрагим ҳолатини белгиланган, умрим бойлиги бўлган китоблар сирасига қиради”.⁴ Кўринадики, Қодирийнинг юқорида исмлари зикр этилган икки романи Ўзбекистон Халқ шоири ижодининг шаклланишида жуда катта ўрин тутган. Аслида, ушбу фикрни ривожлантириб, янада каттароқ миқёсларда айтиш мумкин ва керак. Чунки бир қарашда, Қодирий ва Воҳидов ижодларида ҳеч қандай зоҳирий муштараклик йўқдек. Аммо масалага ичкаридан, ижодкорнинг бадийий-эстетик дидининг тадриҳи нуқтаи назардан қаралса-чи? Бунда вазият бутунлай ўзгача манзара касб этади. Э.Воҳидовнинг ўз эътирофи бўйича, “Ўтган кунлар” ва “Меҳробдан чаён” асарлари шоир умрининг бир қисмига, унинг ўзлиги таркибига айланиб кетган. Бу дегани шуки, ташқаридан бу икки ижодкор асарлари ҳар қанча тафовут қилса-да (бири XX аср аввалида, насрда, бошқаси XX асрнинг олтинчи йилларидан кейин, назмда ижод қилган), ботинан узвийлик касб этиб, ворисийлик халқларини пайдо қилади. Шу томондан боқилганда, Қодирий, Чўлпон ва Ҳамза каби асосчи санъаткорларнинг асарлари бутун бошли XX аср ўзбек адабиётининг равишига Янги ўзбек адабиёти тонги отандан бери залворли таъсир кўрсатиб келаётир, дея баралла айтиш мумкин ва зарур. Бу таъсир Қодирий ва Чўлпон асарлари ўқилиши ман этилган чоғларда ҳам тўхтаган эмас, тўхташи мумкин ҳам эмасди. Чунки улар Навоий асос солган ёзма ўзбек адабиётида яна бир янги йўлни бошлаб берган йўлбошчилар эди. Бу таъсир, аввало, дунёни бадийий-эстетик идрок этишда, адабий методда, қолаверса, образлар тизимю бадийий приёмларда, услубда сезилди. Мана, Э. Воҳидовнинг ўзи бу ҳақда нима дейди: “Абдулла Қодирий руҳи бизни уйғоқликка чақиради. Қўйдек ювош тарқоқ ва бечораҳол бўлмасликка ундайди. Ўз ҳақи, ҳуқуқини таниган инсон – бутун инсон. Ўз қадр қиймати, шону шарафини асраётган халқ – бутун халқдир”.⁴ Кўринадики, Қодирий ўз ҳаёти ва асарлари билан келгуси авлодга уйғоқликка чақиради, уни ўз ҳақини билиб яшашга ундар экан. Шундан келиб чиққан ҳолда, Э.Воҳидов қаламига мансуб “Рухлар исёни”⁵ достони қатларидики исён мотивини эсласангиз, ҳаммаси янада тушунарли бўлади. Дунёқарашининг шаклланишида Қодирийнинг ўрни ва таъсирини шоир икки жабҳада кўради. Бир тақдир, бошқаси ижоди мисолида. “Исёнкор шеърларим зимнида ана шу таъсир бор. Шу маънода мен – мен кўрган, яқин мулоқотда бўлган одамлардан, асарларини ўқиган ижодкорлардан иборат бўлсам керак, деб ўйлайман”, дейди у каминанинг саволларига жавоб бераркан.

Э.Воҳидов шеърларида Қодирий асарлари (романлар)дан бевосита таъсирланган ўринларни топиб кўрсатиш, албаттаки, мушкул. Аммо XX асрнинг иккинчи ярмида ғазал жанрига янги замон тўнини кийдира олган (“Ёшлик” девони билан) шоирнинг ўзи айтадики, “менинг мумтоз шеърятимизга қизиқшимда Навоийю Фузулийлардан кейин Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романида келтирилган ғазаллар бениҳоя катта таъсир қилган. Шу маънода, Қодирий асарлари руҳи ижодимда сезилиб туради, дея бемалол айта оламан”, дейди. Бунинг исботини яна шу далилда кўрса бўладики, шоир Қодирий романларини ислоҳ қилинган алифболарнинг барчасида (араб, лотин ва кирилл имлоларида) ўқиб чиққанлигини таъкидлаб айтади. “Қодирий асарлари, назаримда, проза эмас, поэзиядир. Улар шеърдек ўқилади. Қодирий ва Чўлпонларга тузумнинг муносабати, аслида, менинг ва тенгдошларимнинг тузумга бўлган муносабатларимизни маълум маънода белгиланган эди”, дейди шоир сўхбат чоғида.

“Қодирийни Европа унчалик яхши қабул қилмайди. Чунки Шарқ ва Фарб дунёқарашини ва фалсафасини ўртасида катта фарқлар мавжуд. Масалан, Европа ва ҳатто рус кишиси “Ўтган кунлар” романи бош қахрамони Отабекни муҳокама қилган бўларди, “Нима учун у ўз эркини ота-онасига топшириб қўйди, ўз бахти ва муҳаббати учун курашмади?” деган бўларди. Албатта, бу эътирозлар Фарб дунёқарашини ва фалсафасини нуқтаи назаридан тўғридир, лекин Қодирий асарларини, унинг ранго ранг қахрамонлари руҳиятини тўғри тушуниш учун ўқувчи Шарқ инсонини бўлиши шарт. Европа куч-қудратни яхши кўради.

³ Изтироб. Тошкент. Ўзбекистон. 1992.

⁴ Ўша асар.

⁵ Э.Воҳидов. Сайланма. Иккинчи жилд. Тошкент. “ШАРҚ” НМАК.2001.

Мажнун табиатида ожизлик бор, бўйсунушга мойиллик бор. Аммо бу шунчаки ожизлик эмас, балки Оллоҳ олдидаги ожизлик билан боғлиқ фалсафага бориб тақалади. Бундай ожизликни Фарб қабул қилмайди, тушунмайди. Шунинг учун Қодирийни Европалик тўғри баҳолай олмайди,⁶ дейди шоир. Яъни, бошқача айтганда, Қодирий асарлари шоирнинг Фарбу Шарқ ҳақидаги ўй-мулоҳазаларига, умуман, ижодининг камол топишига улкан таъсир қилган.

Асрнинг илк чорагида Абдулла Қодирий, Эркин Воҳидов таъбири билан айтганда, "бутун инсон" сифатида яшаб, ижод этган кўйи халқининг бутунлигига муносиб ҳисса қўшган эса, асрнинг сўнгги чорагига келганда, Воҳидовнинг ўзи улуг салаф адиб йўлидан бориб, миллат дарди акс этган ёниқ шеърлар, дилрабо ғазаллар, қалбу онгларга мухрланадиган дostonлар битди, натижада, бу икки ижодкор "ҳамкорлиги" мисолида авлодлар ўртасидаги ворисийлик анъанасининг давом этиб келаётганини кузатишимиз мумкин бўлди.

Абдулла Қодирий ва Муҳаммад Юсуф

Ўзбек адабиётида жуда кўплаб шоирлар Қодирийга, унинг ўлмас романлари қаҳрамонлари – Отабек, Кумуш, Анвар, Раъноларга шеърлар бағишлаганлар. Лекин бу борада М.Юсуфнинг хирмони узоқ-узоқлардан ҳам кўзга яққол ташланиб туради: шоирнинг бир неча ўнлаб ғўзал ва ҳароратли шеърлари айна мавзуда битилган. Муҳаммад Юсуфнинг Қодирий сиймосига, унинг асарларига, хусусан, "Уткан кунлар" романига, унинг қаҳрамонлари – Отабек, Кумуш ва Зайнабга мурожат тарзида ёзган шеърлари, айниқса, кўпчиликини ташкил этади. "Ватаним", "Тушимга киради Қодирий бобо", "Муҳаббат", "Қундошли уй", "Лаганбардорлар", "Юртим, адо бўлмас армонларинг бор", "Содда Муҳаммадман", "Кинога кирмайман", "Зайнаб кўшиги", "Биби", "Отабек кўшиги", "Тушимга киради Қодирий бобо" (шоир бир хил ном остида иккита шеър битган), "Тошкент", "Она тилим" каби шеърларида бевосита ёки билвосита Қодирийнинг ўзига ва асарларига, уларнинг қаҳрамонларига мурожат бор бўлиб, бунинг маъноси гоёат теранларда эканлиги, яъни икки ижодкор руҳининг халқ руҳиятига яқинлиги билан изоҳланади. Хусусан, Истиқлолга эришган миллатнинг эстетик, ижтимоий, сиёсий, маданий ва руҳий жиҳатдан қаддини тиклаши палласида Қодирийдек юрт озодлиги ва миллат равнақи йўлида жонини фидо қилган қаҳрамонлар номини эсланиши, уларнинг ёди ва ишларига суюнилиши алалоқибатда мақсаду интилишлар муштараклигидан далолат бўлиб, М.Юсуфнинг айна мавзудаги шеърлари сўзимизнинг яққол мисолидир. Шу маънода, **шоир шеърларини мазмун-мундарижасига кўра бир неча гуруҳга ажратишимиз мумкин.** Чунончи, бевосита "Отабек кўшиги", "Кумуш", "Зайнаб кўшиги" каби шеърлар **"Уткан кунлар" романи қаҳрамонлари тилидан ёки уларга мурожат тарзида битилган.** Шуниси эътиборга лойиқки, шоир ҳар бир шеър қаҳрамони кўзи билан дунёга қарайди, уларнинг дардини (ўз назарида давом эттирган ҳолда) шеър тили билан изҳор айлайди:

Сен Ширину мен ҳам Фарҳод эмасман,
Сен аччиғу мен ҳам новвот эмасман.
Зайнаб, Зайнаб, менга айтма зорингни,
Сен дилхуну мен ҳам дилшод эмасман...

Бошга неки тушса, кўқдан атомиш,
Биз бир кафас аро гирён бир жуфт қуш.
Бир ғўшада сен хомушсан, мен хомуш
Сен вайрону мен ҳам обод эмасман...⁷

Шу тарзда шоир Отабек тилидан романда баён этилгандан ўзгачароқ манзараларни чизадик, натижада ўқувчи Отабекнинг чорасизликда қолган ҳолатини, дардини теранроқ, кўламлироқ англайди, айна дамда, Зайнаб тушиб қолган вазиятга, унинг фожиасига ҳам бошқа нуқтаи назардан разм солади, унга салбий қаҳрамонга қарагандек қарашни бир зумга қўйиб, шўрлик аёлни "кўқдан ато" тақдирга бўйин сунган бир бечора ўлароқ таний бошлайди. Бошқача айтганда, М.Юсуфнинг юқоридаги шеърлари мисолида роман воқелиги ва қаҳрамонлар хатти-ҳаракатлари ўзига хос йўсинда талқин қилинади.

Тенгим бошқа, деди ёр,
Топдим десам тенгимни.

⁶ Сухбатдан.

⁷ М.Юсуф. Сайланма. Тошкент, "Шарқ" 2007. Б.180.

Марғилонлик бир дилдор
Тортиб олди бегимни...

Нима бўлди бек йигит,
Бекангизга қараш йўқ?
Кумушдан минг ўргилиб,
Зайнабдан ҳол сўраш йўқ...⁸

“Ўткан кунлар” романини ўзини зиёлиман деган ўзбек ўқувчиси борки, ўқиган, уққан, мағзини чаққан. Одатда, асарни ўқиб бўлиши билан ўқувчи қалбини Кумушга нисбатан муҳаббат ва ачиниш ҳиссию Зайнабга нисбатан нафрат туйғуси қамраб олади. М.Юсуф шеърлари эса ўқувчининг ана ўша илк муносабатига таҳрир киритади, ҳаммасини бошқатдан ўйлаб кўришга, Зайнабни ҳам бир инсон ўлароқ тушунишга ундайди. Бунинг учун эса воқеликка айнан Зайнаб кўзидан қараш талаб этилади. Бу, Зайнабнинг мудҳиш қилмишини оқлашга интилиш эмас, балки у тушиб қолган вазият чигаллигини ва кундошли аёл бошига ёғилган шўриш залворини юрак-юракдан ҳис қилишга даъват этиш деганидир.

Марғилонда Кумушни кўрдим,
Кўзига ёш олиб турибди,
Сочларини майдалаб ўриб,
Отабекни излаб юрибди...⁹

“Кумуш” деб номланган шеърда шоир ана шундай манзарани чизади. Бу билан эса ўқувчи хаёлини яна ўша буюк севги қиссасига, бағоят гўзал ва садоқатли Кумуш образига – сочини майда ўриб, кўзи тўла ёш билан Марғилонда Отабекни излаб юрган Кумушга қаратади. Натижада, ўқувчи кўз ўнгида яна “Ўткан кунлар” романи воқеалари, қаҳрамонлари жонланади-да, беихтиёр, асарнинг бадий олами чашмасидан эстетик дида чанқоқлигини қондириб олади.

Шеърларнинг бошқа бир гуруҳи эса Қодирийнинг номи билан боғлиқ. “Тушимга киради Қодирий бобом”, “Ватан”, “Юртим, адо бўлмас армонларинг бор”, “Тошкент”, “Она тилим” деб номланган шеърлар ижтимоий мавзуларда бўлиб, ўқувчи эътибори ўрни-ўрни билан Қодирий сиймосига йўналтирилади:

Ўткан кунинг ўткан кундир,
Ўз бошинга етган кун.
Қодирийни берган замин,
Қодирийни сотган кун.
Қўлин боғлаб,
Дилин доғлаб,
Етаклашиб кетган кун,
Воҳ болам! деб айтолмаган
Дудугимсан, Ватаним.¹⁰

Қодирий қўлини боғлаб, дилини доғлаб кетган ўткан кунни эслаш бу Ватанимиз тарихини, кечаги қора кунини хотирлаш ва тарихдан тўғри сабоқ чиқаришга юзланишдир. Ўша вақтларда Ватан ва миллат душманлари бағоят кучли бўлиб, Қодирий каби миллатнинг маънавий гуллари пайини қирққани, қолганларни эса дудуқ бўлишга мажбур қилгани яқин кечмишимиздан маълум. Демак, шеър тарихни кинотасма янглиғ ўқувчи кўз ўнгида қайта кечириб, хаёлида жонлантирган қўйи бадий идрок этишга чорляпти.

Учинчи гуруҳ шеърлар эса у ёки бу мавзу ҳақида бўлиб, йўл-йўлақай Қодирий асарлари ва асарлари қаҳрамонларининг номлари ёдга олинади, бундан керакли хулосалар чиқарилади. “Юртим, адо бўлмас армонларинг бор, Тошларни йиғлатган дostonларинг бор, Ўтмишингни ўйлаб оғрийди жоним, Кўксинг тўла шаҳид ўғлонларинг бор”.¹¹ Тарихий ҳаракатда маълум босқичга етган миллат шоири ортага ўгирилиб, ўтмишни ёдга олади, уни англамоқчи, англаганларига кўра хулосалар чиқармоқчи бўлади. Чунки бу миллат янги тарихий бурилиш олдида турибди, бу тарихни яратиш учун эса кечаги кун сарҳисоб этилиши шарт: “Алҳазар, алҳазар, минг бор алҳазар, Ана, юришибди кийганлари зар. Қодирийни сотиб шоир бўлганлар Мехробингдан чиққан чаёнларинг бор...” Бу билан шоир кечаги даврнинг фожиаларига эътиборни қаратиб, ундан керакли, бугунги ва эртанги кун учун зарурий ўғитлар чиқаришга ундаётгандек бўлади. Яъни Қодирийга, унинг

⁸ М.Юсуф. Сайланма. Тошкент, “Шарқ” 2007. Б 144.

⁹ Ўша асар, Б.249.

¹⁰ Ўша асар, Б 11.

¹¹ Ўша асар, Б 64.

аччиқ қисматиға ва асарларига мурожаат орқали шоир келажак авлод маънавиятиға хизмат қилади. Шеър "Қодирийни сотиб шоир бўлганлар – Меҳробингдан чиққан чаёнларинг бор..."¹² деган аламангиз мисралар билан яқунланади. Бу мисраларнинг биринчисиде, Қодирийнинг аччиқ қисматиға ва уни сотганларға, ўша мураккаб даврга ишора бўлса, иккинчисиде, буюк адибнинг "Меҳробдан чаён" номли иккинчи романи назарда тutilади. Айна дамда, яна бир маъноки, роман номи Қодирийни сотганларға эпитет тарихида хизмат қилдирилади. Қўринадики, тарих китобини варақлаш, тарихни идрок этишнинг ягона йўли эмас экан. Тарих китобларини ўқиб- ўқиш ёнида бадий адабиёт қахрамонлари қисматлари ва дардларини англаш ҳам миллат ўтмишини ҳис қилиб англашға олиб бораркан. Айтилгандан шундай хулоса қилиш мумкин: бадий адабиёт тарихиға олиб борувчи яна битта йўл – ҳис ва тафаккур билан йўғрилган муқаддас йўл.

Шоирнинг яна шундай шеърлари борки, уларни *тўртинчи гуруҳға* оид, деб аташ мумкин. Чунки уларда шоир Қодирий қахрамонларига мурожаат воситасида ўз ахволиға назар ташлайди, уни ўқувчи кўз ўнгида бор бўйича гавдалантирмоқчи бўлади. Чунончи, "Биби" номли шеърдан ўқиймиз:

Марғилон ҳавоси элитди андақ,
Маъюс кўчаларда юрдим довдираб.
Ҳозир Кумуш чиқиб қоладигандек
Ҳар эшикка боқдим кўзим жовдираб.

Чиқса, Биби дердим,
Шеърға ёр бўлдим,
У бир юхо янглиғ домига тортар,
Шухрат йўлиққанда дўстга зор бўлдим,
Қалбимни ёлғизлик азоби ўртар.

Яъни Кумушшибига дардини изҳор айларкан, эл аро машхур шоирнинг оддий инсон сифатида бир дўстга зорлиги, устиға устак, ёвларининг кўп ва улканлиги куйироқда баён этиладики, натижада шоир қисмати "Ўткан кунлар" романи қахрамони Кумуш образи билан қиёс этилади:

Аслида-ку, шаҳарға йўлим чап эди,
Нетай, пойтахтдаман, насибам экан.
Сенинг-ку, душманинг бир Зайнаб эди,
Менинг кундошим кўп, ёвларим улкан.

Булардан кўрқулик. Булар доғули,
Зайнаб нима? Зайнаб бир рашк бандаси.
Булар душманларнинг энг номард хили,
Булар кундошларнинг энг шармандаси...¹³

Аламли ва аччиқ айблов шоир билан замондош айрим олчоқ, ичиқора ва тубан кимсаларнинг асл башарасини, ёвуз сийратини очиб ташлайди, айна дамда, М.Юсуфдек улкан шоир дардини, армон ва изтиробларини элга ошкор айлайди.

Қўринадики, Муҳаммад Юсуфдек халқға, унинг руҳиятиға энг яқин шоирлардан бири бутун ижоди давомида улуг ёзувчи Абдулла Қодирий ва унинг асарларига мурожаат қилганлиги сира бежиз бўлмай, бу авваламбор, адиб ва шоир дунёқарашида, оламни бадий-эстетик қабул қилишида муайян муштарак жиҳатлар борлигини кўрсатади. Қолаверса, Қодирий ижоди М.Юсуф шеърляти сув ичган кўллаб зиллол чашмалардан бири эканлигини билдиради.

¹² Ўша асар, Б.63

¹³ Ўша асар, Б.169.

Саюбар ТҶЛАГАНОВА

1970 йилда туғилган. Низомий номидаги ТДПУнинг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Ўзбек романчилигида ёрдамчи қахрамон муаммоси” мавзuida номзодлик ишини ҳимоя қилган. Ҳозирги кунда ЎзРФА Тил ва адабиёт институтида ишлайди.



АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ҚОМУСИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Абдулла Қодирийнинг адабий-танқидий ва эстетик қарашлари акс этган мақолалари адиб ижодий меросининг талайгина қисмини ташкил этади. Ёзувчи ўзбек адабиётига янги роман жанрини олиб кириши билан кичик асарлари адабиётшунослиқда танқидий тафаккурнинг янги босқичини бошлаб берди. Қодирийнинг адабий-эстетик қарашлари ҳануз чуқур ўрганилган, ўзининг чинакам илмий баҳосини олган эмас. Мазкур изла-нишлар бугунги кунда яратилиши мўлжалланган “Абдулла Қодирий қомуси” иштирок-чиларининг ҳам асл ниятларидан биридир. Қодирий ҳажвий асарларининг семанти-каси ҳалигача кўпгина адабиётшуносларимизнинг ўзаро баҳсларига сабаб бўлиши баробарида, янги талқинлари борлигини кўрсатмоқда. Зеро, ҳар бир давр бадий асарга ўзгача муносабатда бўлишга интилади ва бу табиий ҳамдир. Кимдир ундан юк-сак пафос қидирса, яна кимдир ундан диний мотивларни излайди, бошқа биров эса уни эстетик идеалнинг энг юксак намунаси сифатида кўргиси келади. Қисқаси, ҳар ким ўз тасаввурдаги Қодирийни талқин қилади. Аслида, Қодирийни биз яхши таний ол-дикми?

Қомусга материал йиғиш мобайнида шунга амин бўлдикки, ҳали ёзувчининг ил-мий биографияси тўлиқ яратилмаган. Адиб биографиясидаги баъзи мавҳум нуқталар, очиқ қолаётган саволлар бизни шундай хулосага келишимизга сабаб бўлди. Қодирий ўсган оилавий ва адабий муҳит, унинг дунёқараши шаклланишидаги муҳим омиллар, адибнинг адабий-эстетик қарашлари, илк ўзбек романларининг юзага келиши, унинг ёзилиш вақти билан боғлиқ муаммолар ҳозирги кунгача мутахассисларни ўйлатиб келмоқда. Ёзувчи таржимаи ҳолига келсак, биринчидан, бу ўринда биз ёзувчининг 1926 йилда судга тақдим қилинган таржимаи ҳолига таяниб келамиз. Аммо бу маълумотнинг совет мафқураси андозаларига асосланиб ёзилганлиги, унинг неча бор таҳрир қилинганлигини ҳам эътибордан соқит қилмаслигимиз лозим. Биргина адибнинг “бой ёки камбағал оилада” туғилганлигини билмаслиги, отасининг савдогар ёки боғбон, сар-боз бўлганлиги каби масалалардаги атай тушириб қолдирилган нуқталар фикримиз исботи. Иккинчидан эса ёзувчи биографиясидаги асосий манба Ҳ.Қодирийнинг “Отам-дан хотира” китобидир. Аммо бу китобнинг қачон, қайси даврда ёзилганлиги масалага ёндашувда бир оз сергакликни талаб этади. Китоб нашр этилган йилларда ҳали совет мафқурасининг шабадалари буткул йўқолмаган эди. Ҳатто “Ёшлик” (1989) журналидаги Эълон қилинган маълумотлар китоб билан жиддий фарқланганининг ўзиёқ фикримизга далил. Ҳ.Қодирийнинг ёзувчи ҳақидаги маълумотларни йиғиб, тўплаб, тартибга келти-риб китобни нашр эттириши бу катта меҳнат ва адабиётга юксак садоқат белгисидир. Лекин беайб парвардигор деганларидек, бугунги кунда баъзи маълумотларда чалқаш-ликлар кўзга ташланмоқда. Бунинг ўз навбатида объектив ва субъектив сабаблари

бор. Фарзанд ўз отасини идеал деб билиши, унинг камчиликларини ҳам фазилат саношини исломий оилада тарбия кўрган ҳар бир одам билади. Қолаверса, бу ҳолнинг руҳий асосларига эътибор қаратсак, ноҳақ қатагон этилган ота ва унинг фарзанди бўлганлиги учун йиллаб қамалиб чиққан инсон кўнглидаги аламзадалик билан ҳам изоҳланиши мумкин. Ҳ.Қодирий ҳам отаси, ҳам ўзи учун совет ҳукуматидан аламзада бўлишга маънан ҳаққи бор эди. Бу каби ички омиллар "Отамдан хотира" китобида ўз изларини қолдирган. Қомусни яратувчилар эса бу каби жиҳатларга ортиқча ургу бермасдан, балки китоб муаллифини ва ёзувчи шахсини тўғри англаб, тушуниб холисона баҳо беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлигини айтиб ўтиш жоиз.

Теранроқ назар солинса, Абдулла Қодирийнинг кичик ҳажвий асарлари ва романларидаги услубий фарқланишни сезиш қийин эмас. Адиб кичик асарлари тили ўқувчини сергаклантирса, роман тили эса ўзига оҳанрабодай тортади. Бу эса, аввало, ёзувчи маҳоратидан далолат бўлса, ўз навбатида, адиб дунёқарашидagi ўзгаришдан, ички зиддиятлардан дарак. Услубий ифоданинг бундай ўрин алмашинув сабабини қай ўриндан қидирмоқ керак? Нима учун ёзувчи услуб ва усулларини янгилаб турди? Эҳтиёжми, заруратми, мажбуриятми? Бу саволларга жавоб топиш ниятида адибнинг адабий меросини яхлит ўрганиб чиқдик. Ёзувчи ижодий услубининг айнан кесишадиган ва бир-биридан айро тушадиган нуқталарининг кесишуви нуқтаси ижодкор шахсиятида жо бўлади.

Қодирийнинг адабиёт майдонига кириб келиши дастлаб у 1912 йилда ўз даврининг йирик савдогар, фуқаропарвар кишиси Расулмуҳаммадбой кўлида иш юритувчи бўлиб хизмат қилган йилларга тўғри келади. Ишлаш жараёнида Қодирий бу хонадондаги газета ва журналлар билан танишуви имконига эга бўлади. Бу, ўз навбатида, уни бутунлай янги олам билан боғлади. Бу вақтда Қодирмуҳаммадбобо анча кексайиб, рўзгор юки болаларга қолиб, айнан тирикчилик ташвиши ёзувчини бу хонадонга етаклаган эди. Расулмуҳаммадбой анча эътиборли, очикқўнғил, камбағалдан чиққан диёнатли бойлардан бўлиб, ўз даври зиёлилари билан яқин алоқада бўлган. Абдулланинг зехни, фаросати миллатпарвар бойнинг назарига тушиб, кейинчалик ўзига куёв қилади. Абдулланинг сўз айтишга эҳтиёжи айна шу паллага тўғри келади. Бой хонадонидagi савдогарлар, маҳаллий тадбиркорлар ўртасидаги қизгин суҳбатлар Қодирий учун бевосита ахборот оқими бўлиб хизмат қилган. Бу ҳақда у ёзади: "Шу миёнларда бозор воситаси билан татарларда чиқадиргон газеталарни ўқуб, дунёда газет деган гап борлигига иймон келтирдим. 1913 йилда ўзбекча "Садоий Туркистон", "Самарқанд", "Ойна" газеталари чиқа бошлағач, менда шуларга гап ёзиб юбориш фикри уйғонди". Бу даврда адиб ҳали ўз йўлини аниқ белгилаб олмаган, адабиётга ҳавас иши деб қарагандек кўринса-да, даврнинг адабиёт олдига кўяётган талабларини ҳам ҳисобга олган эди. Адибнинг биринчи мақоласи 1914 йил 1 апрелдаги "Садоий Туркистон" газетасида, "Тошкент хабарлари" рункида "Янги масжид ва мактаб" номи билан чоп бўлган.

Абдулла Қодирий матбуотда "Тўй", "Аҳволимиз", "Миллатимга бир қарор", "Фикр айлагил" каби шеърлари ва "Бахтсиз куёв", "Жувонбоз" (1915) каби асарларини "татарларда чиқиб турган ҳикоя ва рўмонларга тақлидан" "рўмон" деб эълон қилади. Ёзувчининг бу даврда ёзган асарларида қуруқ ахборот руҳи устувор бўлиб, услубий жиҳатдан тажрибасизлик сезилиб турса-да, аммо уларда ўз қарашларида собит бўлган эътиқод эгасини, иймони бут улкан *Рухни* ҳис қилиш қийин эмас. Кейинчалик, ёзганларидан таоман мазмун ва моҳиятда фарқланувчи "Улоқда" (1916) ҳикоясини яратади. Бу ўзбек адабиётида эстетик ҳодиса саналиб, ёзувчининг услубан янги босқичга кўтарилиши баробарида, бадиий пишиқлиги жиҳатидан аввалги асарлари билан тенглаштириб бўлмайдиган даражада юқори бўлиб, Ойбек "воизнинг ўрнини санъаткор эгаллашини" ўз вақтида қайд этган эди. Ёзувчи рус-тузем мактабидан сўнг анъанавий таълим тизимига кўра мадрасада ўқишни маъқул кўради. Бизга маълумки, мадрасада мантиқ, фикр, наҳв каби илмлардан дарс берилган. Адибнинг мадрасага ўқишга эҳтиёж сезиши ҳам бизни мулоҳазага қорлайди. Қодирий ўша даврнинг таомилга кўра мадрасада ўқидими ёки ислом илмини чуқурроқ ўрганиш учунми ёки ёзилажак романи учун тайёргарликми... Чунки ёзувчи романларида бу сабоқ таъсирини, муаллифнинг етук илм эгаси эканлигини ҳис қилиш қийин эмас. 1916-1917 йилларда ёзувчи Абулқосим мадрасасида Усмонқори домладан араб ва форс тилларини ўрганиб, ўз даврининг етук билимдони Аижон домла раҳбарлиги остида Қуръондан таълим олган. Бу каби

жиҳатлар ҳам, ўз навбатида, унинг шахс бўлиб ўзини англаши, таниши учун маълум сабоқ ўрнини бажаради. Йиллар давомида Қодирий шахси шаклланди, тақомилга етди ва ниҳоят ўзлигини топди. Адабиёт майдонига Қодирий ўзини таниган, иймон-этиқоди бут, айтар сўзи бор, нияти Ҳаққа боғланган руҳи бутун ижодкор сифатида қираиб келади.

Бу улуг руҳ соҳиби йиллар, даврлар давомида баъзида чархланди, баъзан зговланди, гоҳида эса эгилди, лекин синмади. Ҳаётнинг, тақдирнинг синовларидан, бурилишларидан ўзи айтганидек, “иймон тазйиқи остида” ўтишни мақбул йўл деб билди. Ёзувчи “зиёли” ва “зиёнли” сўзларини жуда эҳтиёткорлик билан қўллаган. Хурриятнинг дастлабки йилларида Эски шаҳар озуқа қўмитасининг саркотиби (1918), “Озиқ ишлари” газетасининг муҳаррири (1919), Касабалар шўросининг саркотиби (1920) бўлиб, худди шу даврда таниқли журналист ва ёзувчи сифатида эътироф этилади. Бевосита бу даврда *хурриятга ишонган Қодирийни* кўрамыз. Дастлаб большевикларнинг ёлгон ваъдаларига ишонган ёзувчи кейинчалик вақт ўтиши билан зулм салтанатининг найраңглари гувоҳи бўлгач, ёвуз мустахлака сиёсати моҳияти эътибори билан ўзгармай қолаётганини, мунофиқлик, сўз бошқа, амал бошқа эканлигини аста-секин англаб етди. Ҳукуматга ишонган адиб икки йўл ўртасида қолади. Аналитик психологиянинг асосчиларидан бири К.Г. Юнг “инсонга жамиятдаги таназзул, бошбошдоқлик, тугуруқсизлик, охир оқибат, оммавий онгсизлик психологик эпидемия каби зарарлидир”¹, деб ёзган. Туркистон халқларига тиқштирилаётган оммавий онгсизлик миллат эртасини йўққа чиқарар, жавобгарлик ҳисси йўқолиб итоат, мутелик халқ орасида эпидемияга айланиб улгурган эди. Айниқса, Қўқон мухториятининг тор-мор этилиши кўлгина хур фикрли зиёлилар қаторида ёзувчини ҳам бефарқ қолдирмади, қалбини ларзага солди. Нима учун Қодирий Чўлпон, Фитратлар сингари намоёшликкорона кураш йўлини танламади? Бизнинг англашимизча, Қодирий бундай кураш йўлини маъқул кўрмаган. “Манзил узоқ, роҳила оз” лигини билган. Адиб “ҳар кимга ўхшаб кучана бергим келмайди”, деб ёзган. “Ёмоннинг яхшиси бўлиб юргандан яхшининг ёмони бўлиб” юришни афзал билади. Қолаверса, адиб “фардлик”ни яхши кўриб, табиатан вазмин, камгап бўлиши билан биргаликда, ниҳоятда эҳтиёткор бўлган. Ўзининг ҳар бир сўзини, ҳаракатини жиддий мулоҳаза қилиб доимо ўзини назорат қилган. Қодирий инқилобни дастлаб ўзида, қалбида ўтказди. Бу ниҳоятда оғир психологик жараён бўлиб, борган сари ёзувчига ичида ёнган аланга тафти азоб берарди. Ёзувчи ҳақиқатга етишувнинг ўзига хос йўлини танлади. Ташқаридан муросага ўхшаса-да, барча норозилик ва нафрат алангасини ўз вужудига қамаб ижод қилишни маъқул билди. Давр шiorларига муносабат билдиришда Қодирий бошқа ёзувчиларга нисбатан эҳтиёткорлик билан ёндашган. Бу йилларда ўзида *ички инқилоб* ясаган ёзувчи “мен”ини кўришимиз мумкин.

Адибнинг “Уткан кунлар” романини яратиши ижодий фаолиятининг энг юқорида кўтарилган палласи бўлиб, бу даврда ёзувчи ўз “мен”и билан топишди.

Яна бир мулоҳаза. Қодирий динни ниқоб қилиб олган “нимча уламолар”ни ўзига хос равишда фош этди. Нима учундир ёзувчи асарларидаги диний уламолар, домлалар, ҳатто Бухоро мадрасаларидаги аҳвол тасвирида Қодирий фақатгина қора ранглардан фойдаланган. Бунга сабаб муносабатми, аҳволми, даражами? Ўша даврда Туркистон уламолари халқни ўз ортидан эргаштириш кучига эга ягона маънавий куч ҳисобланиб, улар билан маълум маънода ҳокимият ҳам ҳисоблашган. Қолаверса, “Худоёрхоннинг биринчи истинодгоҳи бўлган уламода инсоний ҳис битганлиги”ни ёзувчи миллат ва юрт таназулининг бош сабаби, деб ҳисоблаган. Ҳам алам, ҳам нафрат диннинг асл моҳиятини тирикчилик воситасига айлантирган уламоларни аёвсиз танқид қилиш адибнинг асосий дастурига айланди, десак мулоҳаза бўлмас. Худди шу ўринларда “аламзада” ёзувчи “мен”ини кўриш мумкин. Умуман, аламзадалик ёзувчи ҳаётида муҳим қийматга эга. Аввал уни ўзи ишонган ҳукумат, сиёсат уни алпади. Кейинчалик алданган ёзувчи ноҳақ туҳматнинг (1926) жабрини тортди. Мунофиқ ҳукумат ёзувчини ёлгончиликда айблади. Хўрлик, ишончсизлик, маломат Қодирийдаги аламзадаликни улканлаштириб юборди. Юқорида айтганимиздек, Ҳ.Қодирийга аламзадалик отасидан мерос бўлиши ҳам мумкиндр.

1926 йилда ёзувчи маълум сабабларга кўра судланади. Масъум суд воқеалари уни бутунлай ўзи истаган маслақдан қайтишга ундаса, бўғизда қолган армонлар ёзув-

¹ Юнг.К.Г. Аналитическая психология. – М.: 1987. С. 153.

чини азоблар эди. Алам ўртаган ёзувчи, маълум маънода, ҳукумат талаблари билан ҳисоблашишга ўзини кўндиришга уринган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Мана шу нутқи унинг бироз бўлса-да, совет ҳокимияти талабларига бўйсунуш мажбуриятини олиб, замона зайлига кўра ўзини зўрлаб бўлса-да, *ён бериб ҳукуматга қайишганини* сезиш қийин эмас. Бу йилларда Қодирийни иложсиз боши берк кўчага кириб қолиб, йўлини йўқотиб қўйишдан ҳадиқ олган имконсиз инсон сифатида адиб "мен"ини кўрамиз. У бу йўлдан қандай чиқишни биларди. Фақат иймонига ишонарди. Ҳар қандай ўткинчи куйлар оҳангини ажрата билиш салоҳияти ёзувчига куч бериб турарди. Суддаги нутқида "жазойингиздан кўрқиб эмас, балки виждоним, иймоним тазийқи остида сўзлайман", дейиши фикримизга далил.

Давр сиёсий изғиринларидан беэзиб, ўзини ҳимоялашга интилган адиб кучини адабиётга бериб, ўзини овутиш ва совутиш йўлида йиғилиб қолган фактларни тўплаб янги роман ёзишга бел боғлайди. Бу унинг даврга ўзига хос исёни эди. Қолаверса, роман ёзиб машҳур бўлган ёзувчини янаям янги гап айтиш истаги тинч қўймасди. 1928 йилда эса адибнинг иккинчи тарихий романи "Меҳробдан чаён" дунё юзини кўради. Кейинги романи "Меҳробдан чаён"да *ўзини кўндирган* ва шу билан бирга, ниятини сўз ортига яшира олган ёзувчи руҳини ҳис қилиш қийин эмас. Ёзувчи бу ўринда ўз "мен"ига бир қадар яқинлашади.

Инсон шахсининг эврилиши, давр билан муросага бориши ниҳоятда мураккаб жараён. Аммо шуни қатъий равишда айта олиш мумкинки, Қодирий бу жараёндан ўз "мен"ини омон сақлай олди. Катта маънодаги Ҳақиқатга содиқ, маслагиди собит қолиш ёзувчининг ҳаётдаги муҳим жавҳари бўлиб қолди. Ўз даврига сиғмаган, ҳаммабоб бўлишдан чекинган, иймони бут исёнкор шахс руҳияти ижодкорнинг жамики асарларида бош белги – ўзақ ядрони ташкил қилган. "Бойлар, уламолар, чўнтакчи хоин ва ўғриллар, умуман, Ўзбекистон тескаричилирига", "ўчоқбошини холи топган олақарғаларга" нисбатан матбуотда "жиҳоди акбар" қилган. Тергов (1926,1937) жараёнидаги ёзувчининг ўзини тутиши, жон талвасаси умидида ўзгаларнинг панасига бекинмаган, "хўрликдан ўлим тансиқлигини" баралла айта олиши унинг иймон-этиқод кўрғони мустаҳкамлигидан далолат. Ёзувчининг мазкур фикри уни янаям яқиндан билишимизга кўмак беради: "Ўз бутунлигини сақлай олмаган бошқага енг бўла олмайди. Шахсий бутунлик, мустақил шахсият куллик билан зиддир. Шахсий бутунлиги бўлмаган, яъни ўзида ҳақиқатни ихтиёр қила билиш кучи тополмаган ожиз, ихтиёрсиз одамлар жамият учун фойдалиқ ва чин ағзо бўла олмаслар".²

Ижодкор руҳидаги кечинмаларни, изтиробларни англай олсак, унинг асари туб моҳиятига шу қадар чуқур кира оламиз. Зеро, ҳар бир асар ортида ижодкор руҳияти мужассам. Бу жараённи нафақат адабиётшунослик, балки психология, тарих, фалсафа билан боғлиқ ҳолда ўрганиш баробарида Қодирий ижодини тарихий жараён билан чамбарчас боғлаш адабиётшуносликда ҳали очилмаган назарий илмий муаммолар ечимига кўмак беради.

² Ўша асар. 368-бет.

Марҳабо ҚҶЧҚОРОВА

1976 йилда тугилган. 2005 йилда “Ҳозирги ўзбек адабиётида эссе жанри” мавзuida номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. “Бадий сўз ва руҳият манзаралари” номли илмий монография муаллифи. Бир неча йилдан бери “Ҳозирги ўзбек насрида бадий шартлилик” номли докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда.



ХОЛИД САИД ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ: “ЎТГАН КУНЛАР” ОЗАР ТИЛИДА

Ўзбек адабиётшунослигида Холид Саид Хўжаев ҳақида устоз Н.Каримовнинг “Абдулла Қодирий ва Холид Саид” мақоласи бу соҳадаги илк мақолалардан бўлди.¹ Мақолада олим Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романини озар тилига Холид Саид томонидан илк бор таржима этилиши, уларнинг ўзаро муносабатлари, Ҳаёли ва Ҳаё тахаллуслари билан шеър ёзган ижодкорнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига тўхталади.

Холид Саид XX аср туркий халқлар адабий ҳаётида улкан ишлар қилган бўлишига қарамасдан, унинг илмий-ижодий мероси ҳамон ўзбек олимларининг назаридан четда қолиб келмоқда. Биз мазкур маълумотларни тўлдириш, унинг аслида қандай шахс эканлиги ҳақидаги маълумотларни бойитиш мақсадида туркиялик, озарбайжонлик олимларнинг ишларига суяндик. Туркиялик олимлар Мустафо Токер ва Уфук Денгиз Ашчи ҳамкорликда Анқарада 2006 йилда Холид Саид Хўжаевнинг “Янги алифбо йўлларида эски хотира ва туйғуларим” китобини қайта нашр қилишди.² Мазкур китоб нашрига “Холид Хўжаевнинг ҳаёти ва асарлари” мақоласи илова этилган, унда шундай дейилади: “Аҳамиятли олим бўлишига қарамасдан, Туркияда, ҳатто бир умр яшаган юрти Озарбайжонда ҳам шу кунга қадар ҳеч танилмаган, тадқиқотчиларнинг назаридан четда қолган, ёзилган бўлса-да, жуда оз, батафсил ёритилмаган Холид Саид Хўжаев, асли Ўзбек турқидир”.³

“Холид Саид Хўжаев 1888 йил Тошкент вилояти Байтқўрғонда тугилган. Мактаб таълимини шу қишлоқда олгач, Тошкент мадрасасида олти йил таҳсил олади. Мадрасада араб ва форс тилларини ўрганади. 1914-1918 йиллари Истанбулда Адабиёт факультетини тугаллайди. 1918 йилда таҳсилни тугатиб, она юртига қайтиб келади. Бу пайтда Туркистонда октябрь тўнтариши воқеалари бўлаётган давр эди. Шунинг учун Холид Саид Озарбайжонга қайтиб келади, мактабда ўқитувчилик қилади. Аммо бу ерда ҳам ички ихтилофлар туфайли яна Тошкентга қайтиб келади. 1920-22 йиллар орасида Тошкентда ўқитувчилик ва мудирлик лавозимларида ишлайди. Соғлиғи тўғри келмаганлиги учун, 1922 йил октябрда Боқуга қайтиб келади. У 1922-1926 йиллар орасида Балахани муҳандислик факультетида ва Гусар техник таълим мактабида ўқитувчилик қилади; Боқудаги самарқандлик ҳарбий аскарлар ётоқли мактабида ва Ўзбекистон Консуль меҳмонхонасида мудир лавозимида ишлайди.

1926-1934 йиллар орасида Озарбайжон Етуқ ўқитувчилар тайёрлаш институтида, Озарбайжон Давлат университетида ва бошқа ўқув ташкилотларида; Озарбайжон

¹ Каримов Н. Абдулла Қодирий ва Холид Саид // Поэтик тафаккур ва талқин муаммолари. Тошкент: ТДПУ Ризограф, 2014. – Б. 35-45.

² Halid Said Hocaev. Yeni alifba yollarında eski hatıra ve duygularım. Ankara: Türk dili kurumu, 2006. 131 s.

³ Ўша асар. S. 7.

Тил ва адабиёт факультетида араб, форс тили ўқитувчиси бўлиб ишлайди. 1934 йил сентябрь ойидан профессор Вали Хулуфлуниги йўлланмаси билан Озарбайжон Фанлар Академиясининг тилшунослик бўлимига ишга қабул қилинади ва 3 июль 1937 йилда ҳибс этилгунга қадар шу ерда ишлайди.

Холид Саидга куйидаги сиёсий айблар қўйилади: 1916 йилдан бери пантуркизм фаолияти билан шугулланган, 1925 йилда Озарбайжонга келгач, Азиз Губайдуллиннинг пантуркист ташкилотига кирган; айниқса, ёш ўқувчилар орасида зарарли фоялар таркатган; Вали Хулуфлу, Гулом Багиров, Зифелд, Жаббар Маммадзода, Ҳанифи Зейналлilar билан пантуркистик алоқада бўлган; 1918 йилда Истанбул университетидан бир гуруҳ талабалар билан Нури Пошонинг кўмондонлиги остида фаолият олиб борган, “жосуслиги”ни бўйнига олишга мажбур этилади.

Хўжаев 1937 йил 13 октябрда Бокуда қатл этилди.

Холид Саиднинг турмуш ўртоғи Сора Ризо қизи ҳам “сиёсий маҳбус”нинг рафиқаси сифатида 14 йилга Сибирга сургун қилинади. Сора хоним Сургундан сўнг, 1955 йил 16 апрелда турмуш ўртоғининг оқланишини талаб қилади. 1956 йил 16 майда Холид Саид Хўжаев иши қайтадан кўрилиб, унинг вафотидан роппа-росса 20 йил ўтиб оқланади.⁴

Холид Саид 1926 йилда Бокуда ташкил этилган “I. Туркологлар қурултойи”да катта роль ўйнайди. Олим бу қурултойда алифбо, адабий тил масалалари ҳақида дадил фикрлар билдиради. Холид Саиднинг манбаларда кўрсатилган китоблари: “Усмонли, ўзбек, қозоқ тилларининг қиёсий синтаксиси” (Боку, 1926), “Янги алифбо йўлларида эски хотира ва туйғуларим” (Боку, 1929), “Мухтасар услубиёт” (А.Тағизода билан ҳаммуаллифликда, Боку, 1933, 1934), “Озарбайжон мактаблари учун рус тили” (Боку, 1934), “Ўтган кунлар” (Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романининг озарбайжон туркчасига таржимаси, Боку, 1928, 1929), “Услубиёт назарияси” (йўқолган), “Турк тилларининг тарихий грамматикаси” (йўқолган), “Девони лугатит турк” (таржима, йўқолган), “Чигатой адабиётидан муҳозиралар” (номаълум), “Туркистон тарихининг қисқа тарихи” (номаълум), “Турк адабиёти назарияси” (номаълум), “Эрон тилларининг грамматикаси” (номаълум), “Ўрхун обидаларининг таржимаси” (номаълум).

Туркия-Озарбайжон-Татаристонда машҳур бўлиб кетган дастлаб 1929 йилда нашр этилган Холид Саиднинг “Янги алифбо йўлларида эски хотира ва туйғуларим” китобига Боку университети Шарқ факультети профессори Азиз Губайдуллин қисқа кириш сўзи ёзган: “Холид Саиднинг китобхонларга тақдим этаётган бу асари кўп жиҳатдан аҳамиятлидир. Бу саёхатнома икки жиҳатдан аҳамиятга молик. Биринчиси, янги алифбо йўлидаги буюк маданий ва инқилобий ҳаракатнинг илк даврини кўрсатиши билан турк-татар халқи тарихининг муҳим саҳифасидир. Иккинчиси, бу асар адабиётимизда давримиз турк-татар зиёлиларининг руҳияти ва аҳолини кўрсатишга ҳаракат қилган илк асардир.

“Озарбайжон Турк адабиётида саёхатнома жанрида ёзилган асар йўқ эди” – десак янглишмаймиз. Шу боис, асарни Озар-Турк адабиётининг илк саёхатнома асари, дея қабул этиш мумкин. Асар, бадиий жиҳатдан ҳам аҳамиятли. Янги алифбо асосчиларидан бўлган Холид Саид, бу маданий ҳаракатдан илҳомланиб асарда гўзал манзаралар, бадиий тасвирлар ва тарихий маълумотлар ёзган. Бу тасвирларнинг ичиде, янги алифбонинг асосий ташкилотчиси Самад оғанинг руҳияти, фаолиятини тасвирлаган қисмлар айниқса, муҳим”.⁵

Худди шунга ўхшаш таърифни озар адабиётшуноси Али Шомил Ҳусайн ўғли ҳам билдиради: “Ҳарф инқилоби ҳақида қимматли маълумот берувчи асарлардан бири Холид Саид Хўжаевнинг 1929 йилда Бокуда нашр этилган “Янги алифбо йўлларида эски хотираларим ва туйғуларим” номли китобидир. Бу асарни, ҳарф инқилобининг илк тарихи, деб атасак тўғри бўлади. Кундалик шаклида ёзилган бу китоб, муҳим гапларни бугунги кун ўқувчисига етказди. Китобда ҳарф инқилобининг амалга ошишини қўллаганлар Озарбайжон, Қрим, Татаристон, Оренбург, Ўзбекистон ва бошқа жойларга қилинган саёхатлардан ва шу мавзуга алоқадор инсонлар билан ўзаро мулоқотлардан баҳс этади”.⁶ Олим Холид Саид Хўжаевнинг 1934 йил 26 апрельда ўз қўли билан рус тилида ёзган таржимаи ҳолини Озарбайжон Фанлар академияси архивиде №39 инвентар рақам билан сақланаётгани ҳақида хабар беради ва ўз мақоласига илова

⁴ Halid Said Hocayev. Yeni elifba yollarında eski hatıra ve duyularım. Ankara: Türk dili kurumu. 2006. S. VII -VIII.

⁵ Aziz Gubaydullin takdimi / Halid Said Hocayev. Yeni elifb yollarında eski hatıra ve duyularım . Ankara: Türk dili kurumu. 2006. S. 2.

⁶ Ali Şamil Hüseyinoğlu. Harf inkılabının salnamesi – Halid Said Hocayev // I. Uluslararası Kitle İletişim Araştırmaları Türkçenini kullanımı bilgi şöleninin bildirileri: 2011. S. 675-686.

этган⁷. Али Шомил Холид Саидни "Ҳарф инқилобининг солномачиси", деб таърифлайди.

Хуллас, ўзбек адабиётшунослари Холид Саидни Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романининг озарбайжондаги илк таржимони сифатидагина билишар эди. Ваҳоланки, унинг туркий халқлар ҳаётида "ҳарф инқилобчиси" сифатида ном қозонгандан беҳабар эдик. Буни кунда Озарбайжон Фанлар академияси Миллий кутубхонасида сақланаётган Холид Саид таржимасидаги Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романи нодир китоблар фондида сақланмоқда.

1928 йилда Озарбайжонда нашр бўлган "Ўтган кунлар" романига таржимон Холид Саид кириш сўзи ёзди: "Янги Ўзбекистон жумҳурияти Туркистон ўлкасининг энг бой қисмида ташкил этилган. Бу ердаги халқ инқилобгача Чор Россияси, Россия капиталистлари зулми остида эзилган, ўз ҳуқуқларидан маҳрум этилган ҳолда яшашар эди. Одий меҳнатқашлар, маҳаллий аҳоли эски хонлиқлар даврида илмдан, маданиятдан қай ҳолда маҳрум этилган бўлсалар, Чорлик даврида ҳам худди шу аҳволда яшади. Инқилобгача Туркистон халқининг (том маънода) матбуоти йўқ эди. Бори ҳам чор ҳукуматининг ташвиқотчиси эди. Ўзбек адабиёти тарихида биринчи бўлиб ҳаётий, тарихий роман – ўзбек ижтимоий ҳаётини, ўзбек халқининг маиший ҳаётини ўзида акс эттирган бир асар ёзилди ва бу билан ўзбек адабиётида янги давр бошланди. Асарнинг муаллифи Ўзбекистоннинг маҳоратли ёзувчиларидан бўлган Абдулла Қодирий (Жулқунбой) замонасининг одамлариданми, олдинроқ пролетар мафқрасини хушламагани, пролетар ҳаётига иштирок этмаган зиёлилардан эди. У мадрасада ўқиган, бир неча вақт приказчик вазифасида савдо ишлари билан шуғулланган, инқилобдан сўнг "Муштум" журналида "Тошўлат тажанг", "Қалвак маҳзум" тахаллуслари билан танилган. Янги миллий руҳдаги зиёлилар қаторида туради. "Ўтган кунлар"нинг қиймати хонлар давридаги қонли фожиялар, хунрезликлар, ички ихтилофларни акс эттиради. Муаллиф бу асарда ўтган унутилган кунларни кўз олдимизда жонлантиради. Асар нафис ўзбек адабиётининг биринчи романларидан саналади: асарда бир тарафдан ўзбек ҳаёти, хотин-қизларнинг ҳаёти, уларнинг нозик табиати, садоқати, гўзал одатлари тасвир этиларкан, иккинчи тарафдан кишиларнинг зулм остида кул каби умр кечириши, оилавий можаролар нафис тарзда кўрсатилади. Романнинг заиф жиҳатлари ҳам бор. Озарбайжончага ўгириш жараёнида шундай ўринлар қисқартирилди, ўткир қалам билан ёзилган роман ҳолига келтириш учун ҳаракат қилинди. ...Асарнинг услуби ўзбекларнинг бутун сажиясини ўзида акс эттирган. Услуб чиройли, ...қаҳрамон энг оғир дақиқаларда ҳам ўзини йўқотмайди, қонли тўқнашувлардан сўнг ҳам ўзини совуққон тутуди. Қаҳрамон ўзбек халқининг бутун сажиясини ўзида мужассам этган бир ўзбекдир. Асар реалист, баъзи жойларда натуралистчасига ёзилган. Шунга асосан, "реализм унсурлари ўзбек адабиётига шу асар орқали кириб келди", дейиш мумкин. Абдулла Қодирий ўзбекларнинг Мирза Фаталисидир. Бу роман Ўзбекистонда ҳар бир хат-саводли ватандош томонидан севила-севила ўқилмоқда. Ўзбекистон нашриётларида уч марта чоп этилди. Ўзбекистон ва Озарбайжон халқларига бир-бирларининг яшаш тарзлари билан таништириш учун бу асар наشري лозим кўринди. Ўзбекистон шўролар байроғи остида маданий тараққиётда илгарилаб кетган.

"Ўтган кунлар" романи татар тилига Мустафо Нуъмон таржимасида 1959 йилда, турк тилига Аҳсан Ботур таржимасида 1993 йилда, немис тилига 1968 йилда Арнольд Шпехт томонидан ўгирилди. Кузатаётганимиздек, озар тилига "Ўтган кунлар"нинг Холид Саид томонидан таржима этилиши бошқа туркий тиллар ва немис тилига ўгирмадан 30-60 йил олдин содир бўлди. "Ўтган кунлар"нинг роман ёзилганидан икки йил ўтиб, 1928 йилда озар тилига зудлик билан таржима этилиши, нима бўлганда ҳам, ўта тезлашган жараён эди. Бунинг сабабларидан бири эса тақдир тақозоси билан Озарбайжонга бориб, яшаб қолган Холид Саиднинг "ўзбек" эканлиги билан изоҳланса, иккинчи тарафдан, Абдулла Қодирий ижодига мутаржимининг улкан муҳаббати деб тушуниш мумкин. Холид Саиддан сўнг, "Ўтган кунлар" романи озар ёзувчиси Исҳоқ Иброҳимов томонидан қайтадан таржима этилиб, Боқуда уч марта нашр этилди.

Туркияда Холид Саид ҳаёти ва ижоди бўйича Аталай Бесим, Темур Кўжа ўғли, Мустафо Токер, Уфук Денгиз Ашчи, Фатих Эрбай, Айча Эргунларнинг илмий мақола ва тақризлари эълон этилган.⁸ Ўзбек адабиётшунослигида эса Холид Саид адабий шахсияти ҳамон етарлича ўрганилмай турибди. Ваҳоланки, Қодирий ва Холид Саид муносабатларини, хусусан, Озарбайжондаги Қодирий ижодининг илк тарғиботчиси сифатида Боқуда икки марта нашр этилган "Ўтган кунлар" романининг озарча ва аспият

⁷ Ali Şamil Hüseyinoğlu. Harf inkılabının salnamesi – Halid Said Hocayev // I. Uluslararası Kitle İletişim Araştırmaları Türkçenini kullanımı bilgi şöleninin bildirileri: 2011. S. 675-686.

⁸ Atalay Besim. Divanü Lüğatit Türk Tercümesi. Ankara.

вариантларини қиёсий планда ўрганиш, қолаверса, олимнинг тилшунослик соҳасидаги тадқиқот ва эссе-хотира китобларини ўзбекчалаштириш галда турган вазифалардан биридир.


Ўзбек адабиётининг озарбайжондаги фаол тарғиботчиларидан яна бири Алмаз Улви Қосим қизи Биннатовадир. Алмаз хоним 1960 йил Озарбайжонда Гўйча маҳалласининг Касаман кентида зиёли-муаллим оиласида туғилади. У илк таълимни кентда олади, олий таълим таҳсилни эса 1978-1984 йилларда Боку Давлат университетида давом эттиради, айни пайтда икки йиллик форс тили шўъбасини ҳам тугаллайди. 1990 йили шахид шоир Улви Бунёдзоданинг хотира музейига асос солган. Ҳозирги кунда музейнинг фахрий директори. 1995 йилда "Демократия ва миллий мустақиллик даврида кураш мотивининг шеъриятда акс этиши" мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган. 2010 йилда "XX аср озарбайжон адабиётшунослигида ўзбек классикларининг маҳорати" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Бундан ташқари, Озарбайжон Фанлар академияси Миллий муносабатлар институтининг етакчи илмий ходими. Алмаз Улви 20 га яқин илмий, публицистик китоблар муаллифи. Унинг "Озарбайжон-ўзбек (чиғатой) адабий алоқалари" илмий монографияси даврлар, сиймолар, жанрлар ва тамойиллар масалаларини ўрганишга бағишланган.⁹ Мазкур китобнинг 3-боби "Реалист чиғатой ўзбек насри" фаслида олима Абдулла Қодирий биографияси, роман ва ҳикоялари, ҳажвий шеърлари ҳақида қисқача маълумот бериб, "Ўтган кунлар" ва "Меҳробдан чаён" романларининг озар тилига таржима этилиш тарихига ҳам тўхталиб ўтади. Шунингдек, тадқиқотчи А.Қодирийнинг "Обид кетмон", "Гирвонли Маллабой" асарларига ҳам алоҳида тўхталади. Аммо чуқур таҳлилларга киришмайди. Алмаз Улвининг Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди бўйича "Гўзал реалист ўзбек шоири (Абдулла Қодирий)", "Гўзал реалист ўзбек носери (Абдулла Қодирий)", "Абдулла Қодирий ижоди замондош ўзбек адабиётшунослар талқинида" (Баҳодир Каримнинг қодирийшунослик соҳасидаги тадқиқот ва китобларига тақриз) мақолалари нашр этилган.

Олима "Ўтган кунлар" романини шундай баҳолайди: "Абдулла Қодирий тарихий мавзуга мурожаат этаркан, унинг маҳорати шундаки, у ўз халқи тузумини, меҳнаткашлигини, қаҳрамонлик тарихини, халқининг ўз озодлиги ва мустақиллиги йўлида курашини очиқ кўрсатишга эришган, мавжуд даврда муаммоларни ҳал этиш ўта мушкул бўлганлигини китобхонга гўзал тарзда етказган"¹⁰.

Озарбайжон-ўзбек адабий алоқаларининг минг йиллик тарихи бор. Бу тарих ичида олимлар, таржимонлар, ёзувчи-шоирлар ҳар бири алоҳида ўринга эга. Хусусан, озарбайжонлик ўзбекшунослар Ҳамид Арасли, Халил Ризо, Аббосзода Хусайн, Азиза Жафарзода, Ёқут Дилбози, Ойдин Абилов, Ғулмуҳусайн Алиев, Паноҳ Халилов, Мирза Иброҳимов, Яшар Қосимов, Мирзаоға Қулизода, Ғулум Маммадали, Аҳад Мухтор, Жаннат Нағиева, Озод Набиев каби йигирмага яқин олимларни санаш мумкин. Аммо сунгги йилларда бу соҳада энг "кўп" ва "хўп" ёзган, Озарбайжонда ўзбек адабиётини фаол тарғиб этаётган олима Алмаз Улвидир. Хусусан, Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодининг озарбайжонлик олимлар ишларида ўрганилишини тадрижий, мавзуй тадқиқ этиш навбатда турган ишларимиздан.

⁹ Almaz Ūlvi. Azorbajcan – ōzbek (ciġatay) adōbi ālaqalōri. Baki – Qartal. 2008. 328 s.

¹⁰ Ūsha asar. 193.



НАСР

Маъруф МЕНГЛИ

1990 йилда туғилган. Урганч Санъат коллежининг актёрлик бўлимини тамомлаган. “Келажак овози-2011” кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиби. “Зериктирмас ёлғизлик” номли китоби нашр қилинган.



КИМ

Ҳикоя

Онгимдаги поёнсиз зулумот, даҳшатли ҳайқиреқлар ва оний лаҳзалардаги ҳаракатларни ҳам сезаётган – мен! Илдамлашга иккиланаман... Миямга бир зумда ин қурган ўйга эътибор қилмай ўзим учун мақбул йўл излайман. Агар бу чек-чегарасиз зулмат ўз домига тортиб мени маҳф қилса-чи? Қўрқувга таслим бўлмаслигим, ўзлимга ишониб “МЕН”имни намоён қилишим, унинг ғолиблигини ошқора нишонламоғим керак! Йўл қадамларим остида сирғала бошлади. Ғайришуурий равишда олдинга илдамлаяпман. Аммо қаёққа? Бу йўл, бу чексизлик мени қаерга олиб кетяпти? Балки мавжудлик сари одимлаётгандирман... Уша мавжудликда қайси мақомдаман-у аслида кимман? Аини дамдаги олам, рўёю туғилиш масканим бўлган қурраи замин ҳақиқийми?

Миям қотган. Фикрларим тобора сушлашяпти. Бу зулмат аро кўраётганларим абадийликка муҳрланган яралишими?.. Тубсиз уммонга фарқ бўлаётгандайман. Энг ёмони – сарсон-саргардон бўлиб аросат азобини тортаяпман. Бошқа имкон йўқ, мен маҳкум қилинганман!

Қўлим, оёғим, бошим... Танам худди бегонадай. Йўл давомида ўзимга разм соламан: тўрт оёқли баҳайбат, тажовузкор тана, тирноқлари-тишлари ўткир, туклари узун қандайдир номаълум махлуқ! Қиррали қулоқ. Гагира олармиканман? Нимадир димоқчи бўлдим. Қандайдир овоз чиқардим. Бу қанақа сас? Мен шунақа сўзлайманми? Узи гапиришими?

Борган сари танамдаги қудратни сезаман. Бунча куч нега керак? Ё ҳимояланиш учунми? Балки ўлдиришгандир? Мен шундай даҳшатлиманми? Нима ҳисобига қорним тўяди?.. Демак, шунча кучга, ҳайбатли танага эга эканман, албатта, озуқам ҳам гавдамга мос бўлиши керак. Нахотки онгимда шаклланаётган даҳшатли ўйларим рост бўлиб чиқса?.. Узимдан кўрқяпман.

Асабим ўзимни ўзимга қарши гиж-гижлай бошлайди. “Наҳот кўрқоқсан?” Индамайман. Индамаганим сари таъналар оғригини сезаман. Аммо жимман. Амин эдимки, мен бу ҳолатда бир қарорга бош эгишим анчайин қийин. Вазиятни тарозиди тортмоқчи бўламан. Бир палласига соқинликни, иккинчи палласига эса менда

ҳукморлигини бошлаб қўйган даҳшатлар-у жумбоқларни жойлайман. Қаранги, аҳволим қанчалар ёмон эканлиги яна тасдиғини топди. Бу ҳолат бор “лашкар”ларини менга томон ҳужумга жўнатади. Ором таслим бўлгани замон ичимда беаёв “жанг” бошланганини англайман.

Йўлим давом этмоқда, олға борар эканман, оёғим остидаги қум аралаш майда шағал тошлардан сакраб-сакраб ўтиб, шамолдан-да кучлироқ қудрат билан олға бораман. Қоронғилик бу заминни тобора ўз домига ютиб боради.

Атрофдаги олам гўёки ҳалоқатга юз тутиб бораётгандай эди. Сабабни ахтармайман. Чунки унинг қиёфаси ошкоралиқдан йироқ. Албатта, йўқликдаги бу эвришлиш эртанги туғилишга замин яратади. Бунга неча замон ошиш кераклиги ҳақидаги фикр мени тагин жумбоқларга кўмиб ташлайди.

Ваҳимали қичқириқлар ҳамон ҳар томондан акс-садо беради. Англаётганга ўхшайман: ҳали яралмадим. Шунчаки йўқман. Бу вужуд эса онг меваси, холос. Демак, онгим туғилган экан. Ўзимга тегишли тана ҳам туғилиши шарт. Шунда мавжуд оламга ҳақиқий танам билан одим босаман. Ушанда ҳақли равишда яшаш гаштини ҳис этаман. Мен унда ё ҳукмдор бўлиб борлиқни бошқараман, ёки ўша олам эгалари мени измига олади ва уларга тобе бўламан. Ҳар иккиси ҳам менда мужассам, тақдир ҳукмини кутаман. Негадир тахминим тўғрилиғига ишоняпман. Ишончим муқаррар бир қарорга кела бошляпти. Ажабланишим оз муддат четроқ йўналди. Фикрим давомийлиги занжирлар кетма-кетлиғига тахминлар улай бошлайди. Онгимнинг мавжудлигидан фойдаланиб тевароғим ҳақида ўз қарашларимни англамоқ истаб қоламан. Ҳа деганда урдасидан чиқолмайман. Атрофимда пайдо бўла бошлаган ўзимга ўхшаганлар ўз қарашларини англаймоқчи бўла бошляпти. Улар кўзлаган манзил мен шошаётган томон эканлигини сездим. Биз тобора кўпая бошладик. Шунчалар сон-саноксиз эканлигимиздан даҳшатга тушардим.

Бирдан кучли оғриқ сездим. Оғриқ зўридан инграб юбордим. Оёғим ости, бутун номаълум борлиқ титрай бошлади. Қандайдир вақт бошланганини англаб-англамай сезардим. Ҳолдан тояётган бўлишимга қарамай, ҳаракатдан тўхташни истамасдим. Мендаги бу фикр атрофимдаги менга ўхшашларга ҳам сингиб бораётганди. Биз бу вақтни неча минг йиллар давомида интиқ кутганмиз гўё. Дарбадарлигимнинг поёнини истардим. Ушал вақт эса ҳамма-ҳаммасига ором бағишлар аросатдан қўтарарди. Бу ўйларим миямдан анчадан мавжуд-у гўё мен айна дам англаётгандайман.

Жуда қаттиқ силкинишдан сеза бошладимки, нимадир юз бериш арафасида турибди. Қай томондандир жўрликда заҳарханда кулги овозини эшитдим. Гўё ҳамма нарса мен томон ёпирилиб келаётгандай эди. Атрофга аланглайман. Оёғим остидаги қум борган сари кучли титрай бошляпти. Устимдан қанотлари ёзилган қандайдир мавжудот учиб ўта бошляпти. Бу махлуқ мени сезмаётгандай мен илдамлаётган манзил томон парвоз қиляпти. Сон-саноксиз учувчилар... Мавжудотлардан бири учиб келаётиб менга қаттиқ урилиб кетди. Зарб кучидан иккаламиз икки томонга қум аралаш учиб, анча масофагача сирғалиб бордик. Оғриқ бутун танамга ёйилди. Ён-веримга алангладим, қаршимда қад кўтарган маҳобатли, теласидан қуш учиб ўтолмас баланд бинони кўра бошладим. Оҳанрабодай ўзига тортувчи, бағрига бутун олам сиқувчи қаср бунёдкорига ҳақиқатда тасанно айтса арзирди. Мавжудлик сари титроқ одимларимни илдамлатдим. Бино ҳам қалтирашдан мосуво эмасди. Бир нималар тўкилиб сина бошляпти. Ниҳоятда даҳшатли: ҳали ўзимнинг кимлигимни билмай туриб шунча мавҳумликка ичкарида кетдим. Бу поёнсиз тунда нимани англашимни билмай қоляпман. Фақат кўрқув... яна кўрқув!

Қаср ичкарисига секин кириб борар эканман, қийқириш-у ёқимсиз товушлар анча кучсизланиб мени тополмаётгандай сарсон эди. Гўзаллик дебочасига гувоҳ бўляпман. Бу ошён ором маскани... Оламнинг бурчак-бурчагида фикрлар уммони қайнаётганини, яралишни, вужуднинг тугашини тиниқ кўра бошляпман. Шунда гўзал бир қиёфа менга юз кўрсатди. Уша мавжудот томон йўл олганимни билдим. Яна кўп нарсаларни кўряпман... Негадир бир вақтнинг ўзида ҳам ўйляпман, ҳам фикрлаб, ҳам бир жойда туриб бир неча жойни кўряпман. Ваҳоланки, ўша кўрганларим ҳали бўлиб ўтмаган воқеалар эканлигини сезаман. Олдиндан бир неча йиллик масофани ҳеч қийналмасдан бемалол кўра оляпман. Вожаб! Бу қандай тортиқ бўлдики, асрлар менга юз оча бошляпти. Қайси воқеани кўрмай унда юқоридаги гўзаллик эгаси намоевн бўляпти. Унга ҳақиқатдан-да маҳлиё бўла бошладим. Жуда гўзал... У ким? Мен фақат кўряпман... У ким?

Фикр-у хаёлимдан замонимга қайтдим. Ўзимнинг даҳшатли қиёфам кўринаётган шиша устидо кимнингдир ҳаловатини бузишдан чўчигандай секин боряпман. Қани бир милт этган нигоҳ эгаси юзини кўрсатса... Мен хаёлимда туғилган ўшал бетакрор қиёфани кўришни истаяпман-у, аммо нега бунча хоҳишим баландлигини англай олма-

япман. Бу ичкари олам менга нотаниш-у, лекин жуда танишдай. Наҳот аввал бу жойларни кўрган бўлсам... ўзимга шубҳам ортди. Бирдан тўхтадим. Теварак энди ухлай бошлаганди. Атрофим менга тикилганча жим. Қийқириқлар-у ваҳимали овозларни қулоғим эшитмай қўйди. Дадиллашдим. Энди ўзимни бемалол сўроқ қила оламан. Вужуддан ажралиб ҳаракатсиз турган, айна дамда мен учун ошён бўлиб турган танага тикиламан. Кимман? Ё ўзимни танимаяпман ёки мен ўзимга бегона қилиндим. Қўрқувдан ошёнимга қайтгим келмай қолди. Бу ҳолатдан қутулиш йўлларини излай бошладим. Нима қилиб бўлса ҳам аслимни топишим керак. Агар тополмасам шу алфозда мавҳумликда қолиб кетишим тайин. Жонимга қасд қилмоқчи бўламан. Гўёки мени “асир” қилган танадан қутулмоқчиман-у аммо қасд қилиш учун жон қани? Йўқликни қандай ўлдириш мумкин? Бу оламнинг “Мени” мени қандай вазифа учун яратган? Тажовузкорманми? Ваҳшийманми?... Жумбоқлар, аёнки, ечилмай қолаверади. Мен бор эканман, албатта қандайдир вазифа учун мавжудман. Шунчаки пайдо бўлмоқ – фалокатдир! Менга аёни шуки, бу танада йўловчиман!

Тагин илдамлай бошладим. Манзилим яқин келгандай туюла бошлади. Жуда-жуда оз қолди. Уни кўраман... Орзиқиб кутганимга яқинлашяпман. Унинг олами, вужуди билан юзма-юз бўламан. Унинг нигоҳи наҳот менга қадалади?... Асрлар аро саргардон бўлиб излаганимни топдим! Бутун борлигим билан У томон шошяпман. Энтикиш, интиқлик билан интиламан...

Ва ниҳоят, қутилган жойдаман. Кўряпман: менга ўхшашлар... Ёлғиз эмаслигимни сездим. Тумонат қиёфадошларим ҳаммаси бир нуқтага тикилиб, ўзига сукутни абадий ҳамроҳ қилиб олганча туришибди. Улар эътиборини тортган тарафга мен ҳам йўналдим. Қиёфадошларим орасидан ўтиб-ўтиб олдинга одимлай бошладим. Ичкаридаги бу оламнинг чегараси йўқдай туюлади. Фақат нурафшонлик, ором-у ҳаловат ҳукм сурмоқда. Нурлар ошёни...

Биздаги қотиб қолган сукунат аро оромбахш наво эшитила бошлади. Бу оҳанрабо мусиқа ҳаммани асир қилди. У шундайин эшитимли эдики, гўё бу заминда янги олам яралиб жамики жонзотни эзуликка чорларди.


Қидирган нуқтамни топдим. Кўзларим ҳайрон ҳолда гўзаллик соҳибини томоша қила бошлади. Ўзимни йўқотяпман. Бу мавжудот қиёфаси мўъжиза, юзларидан нур ёғилади. Бошида, эғнида оппоқ либос. У биздан анча баланд жойлашиб олган кўйи нигоҳларимизни тутиб турибди. Тумонат қиёфадошларим унинг атрофини зич ўраб олишган. Энг олис нуқтадан туриб бу ғафлат аро уйғоқ қалб ҳукмдори томон яқинроқ боришни истайман.

Соҳиби олам ҳаракатга кирди. Аввал эгилиб, сўнг чўккалади-да, бошини оёғи остидаги похолга теккизди. Бу ҳаракат сал ўзгарди-да, тагин давом этди. Бир нималар деб шивирларди... У қандай амал бажаряпти? Унинг бу ҳаракатини англамоқ истардим. Ҳамма унга тобелик ихтиёр қиларди. Маҳлиёман, мен унда яшамоқни беихтиёр хоҳлаб қоламан. Мен каби қиёфадошларим ҳам шу ўйда эканлигини сезаман. Лекин бунинг иложи йўқ... Ҳар ким ўз вазифасига эга қилинган. Шунда ўйлаб қоламан: бу қиёфа нақадар яхши амаллар учун яралган... аминманки, ҳамма борлиқ У учун... У Яратгувчининг энг гўзал яралгувчиси эканлиги яққол намоён эди. Шуниям идроким англай бошладики, айтмоқни ихтиёр қиламан: гўзал амаллари учун гўзаллик ҳамиша уларнинг ёнида бўлади.

Ким улар?..

Хаёлим қотиб қолди. Мен ҳам бошқалар қатори унга бош эгдим. Яратгувчига ҳамду-санолар айтдим...

У кўзи юмук кўйи аввал ўнг, сўнгра чап елкасига салом берди.



Абдурахмон МУХАММАДЖОНОВ

1957 йилда туғилган. Тошкент қишлоқ хўжалик институтини тамомлаган. "Сойкелди" шеърий китоби чоп этилган.

ЎПМОҚДА БИР-БИРИН ОРЎНДАН ЙИЛЛАР

Сойкелди – ота маконим

*Қошингда виқор-ла қир-адирларинг,
Хуснингга боққанда диллар жўшарди.
Хар баҳор чўғланиб қизгалдоқларинг
Чирошингга чексиз чирой кўшарди.*

*Азим чинорларинг бошингда туриб,
Аллалар айтарди безовта бўлсанг.
Меҳрибон онадек қулочин ёйиб,
Соябон бўларди қуёшида куйсанг.*

*Мисли йўқ меҳрингнинг шарбати бўлиб,
Кўксингда оқарди Сойкелди сойинг.
Яратган неъматини – зилол сувларинг
Сулув келинчакдек очар чироийннг.*

*Қалбингнинг тўрида сада қайрағоч
Қад ростлаб турарди, чексиз меҳрингдай.
Ёзинг чилласида ёйиб кенг қулоч,
Авайлаб-асрарди, барчани бирдай.*

*Йўлнинг четларида бўйчан тераклар
Дил розларин айтиб соғинчин ютар.
Хусни-жамолингга шайдо ошиқлар
Офату балога кўксини тутар.*

Мевали боғларинг таърифиди йўқдай,
Бир томчи шарбати эсонларга малҳам.
Авайлаб сақланар дуру гавҳардай
Кўкламойнинг умри адо бўлса ҳам...

...Сойкелди – катта сой эдинг бир пайтлар,
Сувингда чўмилган безубор эди.
Асалдан ҳам тотли сувинг ичсанлар,
Танида қуввати устувор эди...

...Сойкелди, янада тикланар шонинг,
Кўркинга қадрининг нигоҳи балқар.
Доно ўғил-қизлар сени имконинг,
Юрт аро Сойкелди номингни алқар.

Даста гуллар

Қаршимда бир даста анвойи гуллар
Уйимнинг кўркига беради чирой.
Гулзор оралаб терилган гуллар
Рухимга қувватдир – мисли тўлин ой.

Кўзларим чақнайди ҳар қараганда,
Ўйу хаёлларга беради имкон.
Ёлғизлик дамлари қийноқ берганда,
Кўнгул кўргониди қолар ёнма-ён.

Даста гуллар гуё синфдошларим,
Турли чаманлардан танлаб олинган.
Эҳ, қандай безубор у тенгдошларим,
Дур-гавҳар мулкидан излаб топилган.

Кўзларда ҳайрату кўп қувонч ила
Мақтаб остонасига қадам кўйдик биз.
Шодланиб, қизиқиб, ниятлар тилаб,
Қараб тўймак эди нигоҳларимиз.

Шундайин учрашиб, топшиган эдик,
Синфдош дўстлиги яралган боғда,
Ёрдамга чорласак, хўпам шошардик,
Қанчалар меҳрибон эдик у чоғда.

Ўтмоқда бир-бирин ортидан йиллар,
Кечаги болалик лаҳзаси ботди.
Асло, қайтиш бўлмай қолди армонлар,
Гуллар орасидан бир гул йўқотдик...

...Қаршимда бир даста анвойи гуллар,
Ҳориган руҳимга мададин очар.
Гоҳо зим кўнгулнинг қасрига улар
Турфа ҳид таратиб, ёғдулар сочар...

Шоҳ ва япроқ

Кўк либосга бурканиб,
Ялт-юлт айлаб, товланиб,
Майин эсан елларда
Қувнаб, шўх-шўх тебраниб,

Гоҳо шилдираб, қулиб,
Ўз ҳуснига маҳлиё,
Япроқ шоҳга термулиб
Кўз сузади бепарво.

Лаб буради: “Шунчалар,
Хунук бўлиш мумкинми?
Ғадир-будир рухсоринг
Келтиради кулгимни.

Яқин турма, нари бор,
Қўйма кўпам уятга.
Қўйвор мени, етайин
Парвоз деган ниятга”.

Шоҳ ҳам маънос тебранар:
“Ростдир, – дейди, – сўзларинг,
Сен гўзалсан чиндан ҳам,
Бироқ очгин кўзларинг.

Сени кўйиб юборсам,
Учолмасдан қуларсан,
Сўнг тупроққа қоришиб
Несту нобуд бўларсан.

Мендан айро қолмагин,
Гўзал дамлар олдинда.
Ширин-шакар мевалар
Бўйга етар олдингда.

Сен уларнинг роҳатин
Наҳот, кўргинг келмайди?
Ерга тушганинг билан
Толе сенга кулмайди...”

...Оқибатин ўйламай
Банддан узилди япроқ.
Бироз ўйнаб ҳавода,
Сўнг манзил бўлди тупроқ...

Биллур томчи бўлиб келдиму
Биллур томчи бўлиб кетаман.
Бунинг ҳеч бир борми имкони –
“Йўқ” дейишдан кўрқиб ўтаман!

Оқар сувга айтгум ўй-хаёлларим,
фақат сувлар тинглар
унсиз – сукутда.



Бахриддин САДРИДДИНОВ

1956 йилда туғилган. Самарқанд Давлат университетининг география факультетини, Навоий Давлат педагогика институтининг филология факультетини тамомлаган. “Истиффор мамлакати”, “Хайрат гулхани” шеърий тўпламлари чоп этилган.

ЛАҲЗАЛАР БИР ЛАҲЗА ТЎҲТАМАС

Бўзлов тупроқ, сеҳр кўрдим,
Сен деб гурур тўйгайдирман.
Сен – меҳрсан, ишқсан, юртим,
Заррани ҳам суйгайдирман.

Ўтмишимдир қай бир харсанг,
Келажагим – унган майсанг,
Гуллар экан сойдаги санг,
Ҳидлаб-ҳидлаб тўйгайдирман.

Фофилларким англасинлар,
Бахтинг порлар тонлар – саҳар,
Чумчуқларинг чанқаса гар,
Кафтимдан сув куйгайдирман.

Дарс ўқийман ҳар боғингда,
Қулоқ тутиб сабогига,
Ҳар дарахтинг япрогига,
Мен қалбимни қўйгайдирман.

Осмондан тўкилар инжулар,
Лаҳзалар бир лаҳза тўхтамас.
Қайгулар кўксимдан ундилар –
Сабаблар сабабга ўхшамас.

Тонгларнинг ёзуви кўм-кўкдир,
Тоглар тонгга түтди сиёҳдон.
Севинчимнинг адоғи йўқдир,
Етаклаб бораяпман сиз томон.

Бораяпман, қорачиқда чўғ,
Умидларим – камалак түсда.
Чорлар, чорлар ул қадим андуҳ,
Ёлгонлар беркинар афсусга.

Инон, соғинч – оятдир, қадим.
У ростгўйдир – мангу муҳаббат.
Ниятни юракка қададим –
Елкамдан тўкилди қабоҳат.

Олам гўзал. Асло тенгги йўк,
Ҳар йил гуллар отамнинг юрти.
Дарахтида сайрагай чумчуқ –
Ҳақгўй сойда юзимни кўрдим.

Мен англадим ўзимни ўзим –
Кўксимга қадалар хотирлар.
Тошларни бир кун уйғотар тўзим,
Қуш каби, қуш каби потирлаб.

Йилларни йил каби ўтқарсам –
Қўшиқ ўргатарман булбулга.
Шамол эсса, қайта кўқарсам –
Айланарман ёввойи гулга.

Шеър – бу руҳнинг ўтинчидир:
Ё гул бўлар, ё мушт бўлади.
Шоир аҳли ўткинчидир –
Учиб кетар қуш бўлади.

Кўзларида йиғлар ҳавас,
Юлдузлар маст, ойлар ҳам маст,
Девонадир, телба эмас –
Кўкни суйган куч бўлади.

Шеър – ўкинчидир, тордир кўкрак,
Шеърга сигмас битта юрак,
Шивирлаш, дер, майса, чечак –
Гаплашмаса кеч бўлади.

Шеър – Эгамнинг ҳимматидир,
Филмонларнинг сумбатидир,
Зарлардан ҳам қимматидир,
Телбаларга эс бўлади.

Шеър қушларга яқин қилгай,
Бир ошиқни оқин қилгай,
Кесакдан ҳам чақин қилгай,
Шеър айтмаса, ҳеч бўлади.

Кимларда – зар, шоирда – гам зиёда,
Шоир шеър деб оворада,
Қайтиш қилса, у дунёда –
Париларга дуч бўлади.

Осмон узилмайди. Ерга тушмайди.
Осмон босиб турар. Кўтаради ер.
Тошбақа осмонга ҳечам учмайди –
Икки карра икки – тўртдир, барибир.


Осмон олис. Ер қаттиқ. Билдирма.
Сабрга беркинган аталмишидир дур.
Умринг ўтаёттир, чалиб чилдирма –
Ғафлатлар ақлингни горат қилмишидир.

Осмон узилмайди. Ерга тушмайди.
Саволлар ким эрур? Жавоб ҳам кимдир?
Осмонни суяган тоғлар кўчмайди.
Шамоллар жумбоқдир, менинг сиримдир.

Муҳаббат аталгай менинг осмоним.
Осмонга термулиб, кўмсаб яшайман.
Ер кўтарар менинг товоним –
Вақтга эргашиб, чотишга шайман.

Тоглардаги қорлар бежиз кўчмайди,
Шайтоннинг шогирди оқни қора, дер.
Осмонлар узилиб ерга тушмайди,
Икки карра икки – тўртдир, барибир.

Навоий



МУЛОҲАЗА. МУҲОКАМА. МУНОЗАРА



Фуад КҮПРУЛУ

XX асрнинг атоқли маърифатпарварларидан. 1890 йил Истанбулда туғилган. Адабиётшунос, турколог олим. Туркия фанлар академияси академиги. Адабиётшунослик муаммоларига доир 1500 дан зиёд тадқиқотлари эълон қилинган. Олимнинг “Туркий адабиётда илк мутасаввифлар”, “Алишер Навоий”, “Бугунги адабиёт”, “Фузулийнинг ҳаёти ва ижоди” асарлари соҳа вакиллари орасида машҳур. Кўпрулу 1966 йилда вафот этган.

БУГУНГИ АДАБИЁТ

Қадим девон адабиётининг асрлар бўйи давом этган шиддатли оқимига танқидий кўз билан қараб юрадиган бир эски танишим бунинг сабабини изоҳлаш учун бир кун менга қуйидаги мулоҳазаларини билдирганди:

– Ота-боболаримиз қанчалар содда, қанчалар маҳдуд дид эгалари бўлганлар. Барчалари юзлаб йиллар давомида бир гўзални севганлар, севганда ҳам, айна ҳис, айна тарзда севганлар! У дилбар Ҳизр чашмасидан бир қатра тотган чоғи, замонлар ўтса ҳамки, ҳуснига ҳеч зиён етмаган; сарви қомати, камон қошлари, оху кўзлари билан бутун харобот аҳлининг ақлини бошидан учирган. Ҳанузгача ҳатто қайси жинсдан эканлигини тузукроқ англаб етмаганлари ушбу ақл олгучуни ҳусн ниқоби остида етти авлод бурунги ота-боболарини зор йиғлатган қуруқ суяқдан иборат малъун ўзларини мазах қилаётганини ҳеч бирлари пайқамаганлар... Ниҳоят, Франция тарафлардан асл гўзалликнинг нима эканлигини англаб қайтган бир гуруҳ жасоратли ёшлар бу ниқобни кўтардилар. Ортидан кўрқинчли, қари жодугар мўмиёси чиқиб келди! Шунда бу мўмиёланган хаёлий сиймо учун кўз ёш тўкканларнинг дийдаларидаги ёшлар қуриди. Қай бирлари ҳайрат ва ҳайронликдан ёқа ушладилар, қай бирлари ачиндилар, яна қай

ТАРИХИЙ ЭВРИЛИШ ВА БАДИИЙ ТАФАККУР

Замондош инсон бирон жиддий масала борасида фикрларини жамлаб олишида қийиналса, тарихга назар солсин экан, чуқки жуда ҳаммаси бўлмаса-да, ҳақиқатга элтадиган асосий белгилар ўтмишнинг саргайган саҳифаларида чанг босиб ётаркан. Мўҳими, биз тарихни тўғри ўқиб, уқа билсак, бас экан. Назаримда, туркиялик олим Фуад Кўпрулунинг “Бугунги адабиёт” мақоласи ана шундай белгилар яширин бебаҳо битиклардан саналади.

80-йиллар ўрталаридан мамлакатимизда юз берган азим сиёсий-тарихий ўзгаришлар секин-аста бадий тафаккурдаги чуңг эврилишларга олиб келгани яқин ўтган йиллардан барчамизга яхши маълум. Натийжада, мулоҳазакор ўқувчидан тортиб соҳанинг манаман деган мутахассисигача, ҳамма-ҳамма гўё бир овоздан ўша вақтга қадар ибуро даврида яратилган адабий-бадий меросни қайта кўриб чиқишига мойиллик сезган эди. Ўша кайфиятнинг инерцияси ҳали-ҳануз айрим

бирлари ҳатто тўккан ёшларига кулдилар!..

Танзимот¹ деб аталувчи катта бир даврдан кейин Шиносий, Камол ва Ҳамидлар томонидан Истанбулнинг киши қадами етмас бир овлоғига кўмиб юборилган бу қари жодугар авваллари сираям хунук эмасди... Моддани эритиб эсирга² айлан-тирувчи олис жазирама чўлларда туғилгач, ҳали мурғак бола экан, Эронга келиб мағрур деҳқоннинг ҳовузли боғларида катта бўлганди.

Хали-ҳануз Жамшид базмини хаёл қилиб юрувчи деҳқон унга Зардушт анъаналарини ўргатди; қулоқларини Хусрав мажлислари аҳлини йиғлаб-сикатган оҳори тўқилган нағмалар билан тўлдирди; уст-бошини Сосоний саройлари таъбига кўра бичди. Энди у аввалги бадавий фарзанди эмас, балки сирли ва мағрур Кисро³ қизига айланганди...

Борса келмас олис, бош-охири йўқ даштлардан олтин ёлли қизғиш отига маҳкам ўрнашиб олиб келган кескир, ўткир нигоҳли ёш хоқон Персаполис харобалари устида бебаҳо тунларини тонгга улаб, кекса деҳқоннинг адоси йўқ ҳикояларини тинглаган Кисро қизини кўрар-кўрмай, жунбишга тушди ва ўзини унутди. Кисро қизини ёш, эҳтиросга тўла, аммо маданиятдан йироқ кўрс кимсага топширишни истамаган рашкчи деҳқон уни яширди. Йўлларини ҳеч ким билмас қадим, тилсимли тўсиқ билан тўсди. Паҳлавий булбулининг олов маъбудига сифинувчилар тилидан чиқувчи қўшиқларнинг тагига етмаганлар энди уни умр бўйи кўра олмасдилар...

Чинда, Бизансда сабоқ олган соқоли кўксига тушган моҳир табиблар жонжаҳдлари билан қаттиқ уриндилар, кўлларидан нимаики келса, барини қилдилар. Ниҳоят, хоқон ҳушига келди. Бироқ ўзига келган ёш, кўрс хоқоннинг кўнгли харобалар устида кўзи тушиб қолган Кисро қизига тийқисиз майл этарди. Улуғ хоқоннинг тошиб қутурган ғазабидан Эрон буюклари ҳайиқдилар ва бошқа чора

¹ Султон Абдулмажид замонида, 1839 йилда "Гулҳона Хаттихумоюнӣ" номи билан бир фармон эълон қилинган. Бошқарувни мустақамлаш лойиҳаси бўлмиш ушбу фармоннинг амалдаги ижроси даври – тарж.

² Атомлар орасидаги бўшлиқни, шунингдек, бутун оламни тўлдирувчи деб тахмин этилган, оғирлиги бўлмаган, иссиқлик ва нурни элтувчи асос – гувор, ҳаво, жавҳар. Турк тили изоҳли луғатидан – тарж.

³ Сосоний ҳукмдорлардан бири. Алишер Навоӣ "Фарҳод ва Ширин" дostonида келтиришича, Хусрав Парвезнинг бобоси – тарж.

олимларимизнинг ёзганларида сезилиб туради. Турк олими Фуад Кўпрулунинг "Бугунги адабиёт" мақоласи ўтган асрнинг 19-йилларида ёзилган, ундан сая кейин 1925 йилда 27 ёши ўзбек шоири Чўлпон мавжуд адабиёт савиясидан қониқмай "Улуғ ҳиндий"да "бир хил, бир хил, бир хил..." дея зорланган эдики, ҳар икки мақола ҳам юқоридаси мулоҳазаларимизга озиқа беради. (Устоз адабиётшунос О.Шарафиддинов Чўлпоннинг "Адабиёт надир?" деб номланган китобига ёзган сўзбошичисида ушбу "дъво"ни қойилмақом қилиб шарҳлаган). Қаранг, уларнинг кайфиятлари, илгари сураётган фикрлари нақадар бир-бирига ўхшаш! Нега? Чунки замон, у қўндаланг қўяётган муаммолар муштарак эди! Чунки туркий халқлар мислий уйғонни нағласини бошидан кечираётган эди! Шунга яқин ҳол XX аср адоғида ҳам такрорланди: совет империяси парчаланди, мамлакатимиз оламга юз тўтди. Натиссада, бадиий тафаккурдаги тушовлар синиб, теваракатрофда авангард адабиёт кайфияти кезиб қолдию адабиётимизнинг талай вакиллари ўзигача урф бўлиб келган реализмдан олисроқ туриб, янгича оҳангларда ёзишга ҳаракат қила бошладилар. Ўша ўзгаришларнинг акс садоси ҳозиргача қулоқларимизга чалиниб турган бўлса ҳам, унинг ажб дамлари бир қадар насайганлиги рост. Ўйлайманки, мутахассис олимлар "ўтилганлардан" муайян ҳулосалар чиқариб улғурдилар. Каминанинг ўша жасаратлардан ҳўрмаган ўзгаришлардан бири шу бўлдики, инсон, ҳатто у қилни қирқ ёрадиган олимга олиму таа нозиктаб шогир бўлса ҳам, кўнглича, ўз даври кайфияти таъсиридан чиқиб кетолмай, шу давр равишида фикр юритишига мойил келар ҳамда бу бағоят табиий экан. Масалан, турк олими Кўпрулу ва ўзбек шоири Чўлпонни олайлик. Ахир, улар дунёқараш бобида рўбарў келган улғувор ўзгаришлар Шарқ халқлари тарихида минг йиллар давомида биринчи марта юз бераётган, хусусан, туркийлар илк бор дунёга тамомила янгича назар солиб турган эди-да!.. Шунинг учун ҳам Кўпрулу "Турк шоирлари, шундай қилиб, ўзлари кўрмаган соҳибжамолга бағишлаб кети узилмас ошикона ашвор – газаллар, қасидалар битдилар ва айни ҳол ротта рока 900 йил давом этиб, муқаддас анъана ўлароқ яшаб ўтди", дея ёди. Аммо, шунга қарамай, мақолада Ф.Кўпрулу "бир таниланинг номи"дан Шарқ муомтос адабиётини асрлар мобайнида қўйлаиб келинган ёрни "қари жодугар" деб атайдик, назаримда, бу янги мулоҳазаларида олим танқид меъёрини анчагина ошириб юборган. Чунки истаимизми-йўқми, Эрон адабиётини таъсирланган дейишган (Араб адабиёти таъсири ҳақида ҳам гапирса

қолмаганлигини билгач, ўша "тартиб-тузумчи" деҳқонни зўрлик билан ҳукмдор қошига келтириб дедилар:

– Кисро қизини фақат мана шу одам топа олади!

"Тузумчи" деҳқон олтин товуслар устига қурилган тахти равон узра ғазаб ва хавотирдан лов-лов ёнганча ўтирган ўткир нигоҳли хоқон қаршисида тўққиз бор эгилиб, ерга тўшалган ипак гиламни ўпди:

– Ҳурмуз қулингиз бўлсин, хоқоним! Сиз амр этаркансиз, амрингизни адо этмаганни амрингизнинг юз минг шаъри урсин! Фақат шуни билиб олишингиз керакки, Кисро қизи тилсимли, юзидан ниқобини кўтариши билан ўлади...

Бироздан сўнг кекса деҳқон юзига ниқоб тутилган қизни келтирди. Ажабо, чинданам кириб келган қиз Кисро қизимиди? Ёки рашкчи деҳқон бошқа аёлни олиб келганмиди? Билиб бўлмасди. Ишқдан боши айланган девона хоқон атрофидаги бахшиларга бундан буён ўлкаларида бияларини соған дашт аёлларини эмас, фақат ва фақат ниқобли Кисро қизининг гўзаллигини тараннум этишларини буюрди. Турк шоирлари, шундай қилиб, ўзлари кўрмаган соҳибжамолга бағишлаб кети узилмас ошиқона ашъор – ғазаллар, қасидалар битдилар ва айни ҳол роппа-роса тўққиз юз йил давом этиб, муқаддас анъана ўлароқ яшаб ўтди...

Энди, қани менга айт-чи, агар ота-боболаримиз ҳақиқатан ҳам севган бўлсалар, бошқа-бошқа дилбарлар ишқига ёниб "оҳ" чекмасмидилар? Туйғуларида талайгина фарқ, ўзгачалик бўлмасмиди?

Кунлар хоҳ хушнуд, хоҳ кўнгилисиз дамлар билан тўлсин, йиллар қанчалар тез, шошқин шиддат билан ўтиб бораверади!.. Ўтган куни олти йиллик узоқ вақтдан кейин яна эски танишимни учратиб қолдим. Ўтмишни ширин тушдай хотирладик, соатлаб суҳбатлашдик. Бечора, адабиётга бўлган қизиқишини ҳалиям қўймабди. Менга узундан-узун бугунги адабиётга доир танқидларини, ўз таъбири билан айтганда, шикоятларини, юрагини қийнаган оғриқларини тўкиб солди:

– Ёш шоирларнинг 5-6 йилдирки ёза бошлаган бир ёқлама "ошиқона" шеърларини ўқиб, ўзимизни эски ғазалнависларни танқид қилмайдиган бўлдим. Доим бир хурлиқо ҳажрида кўз ёш тўқкан носамимий девонлар ҳақида қандай уйлашимни яхши биласан. Энди эса... Ҳар янги ўқиган шеърим билан мутлақо таниш чиқяпман.

бўлади) Шарқ муштовз шеърляти туркий адабиёт тарихида улкан бир даврни ташкил этади. Француз ёки умуман, Фарб (бизда кўпроқ рус) адабиётидан илҳомланган Янги адабиёт ҳам яна бир даврдир. Умуман, бир-биридан сира таъсирланмаган соф миллий адабиётлар бормикин ўзи?.. Бу кўпроқ риторик сўроққа ўхшайди. Ўйлашимча, олимнинг ушбу мақоласи муайян даврда маълум кайфият таъсирида битилган бўлиши керак. Адабиётшуносликнинг бугунги имкониятидан келиб чиқиб, у ёки бу давр адабиётга бўлган симпатия ва антипатия ҳисларидан узоқроқ туриб, совиқ мулоҳаза билан КАТТА ВАҚТ ДОИРАСИДА уларнинг мазмун-мунодарижасини баҳолаганда, адабиётимизнинг ҳамма давлари салмоғиго аҳамияти кафтимишга сирғалиб тушадигандек туюлади менга. Тасаввур қилингики, инсоният ўз олдига осмонўпар тоғ чўққисини забт этиши мақсадини қўйгану адабиёт шу мақсад йўлида унга руҳий кўмак бериб келаётган йўлдош бўлсин. Ниҳоят, инсон орзусига эришиди ҳам дейлик. У ўша тоғ чўққисидан туриб ортга қарасагина, қайси даврда кўпроқ ва бахтлироқ йўл босганини билиб олади. Ҳозирда, йўлда юриб кетаётган вақтида эса киши (ҳатто у олим бўлса ҳам!) юқоридаги саволага аниқ жавоб қилолмаслиги мумкин. Бас, шундай экан, бир даврингизга қўйишда ва унингизга интилишлари таъсири майдонига туриб бошқа даврлар ва уларнинг маҳсуллари ҳақида тўғри хулоса чиқариши гоят мушкул иш. Эҳтимол, айрим ҳолларда мутлақо мумкин ҳам эмасдир. Мабодо, киши мутахассис сифатида бунга мажбур бўлиб қолса, у ўша тоғ чўққисига қўтарилмоғи шарт. Ҳеч курс, ҳаёлан... Чунки Шарқ муштовз адабиёти ўша "бир хил" шакл ичига турфа хилликка интилиб келган ва бу ҳаракат чинакам истеъдодлар ижодида доимо ўз самарасини берганлиги адабиёт тарихидан яхши маълум. Яъни анъана доирасида янгилик яратилиши асосий мезон ҳисобланган. Лекин XIX аср охири ва XX аср аввалига келиб Шарқ оламнинг юз йиллар нари турсин, минг йиллар мобайнида бошидан сира кечирмаган эжаҳониймул эвриллилар қаршисидан чиқиб қолгани асрий анъаналарни чок-чокидан сўкиб ташлади. Турк олимнинг отақин фикрлари айни шу эвриллилар булогдан сув ичмоқда. Шундай қилиб, анъанавий Шарқ бадийи тафаккурида азим ўзгаришлар содир бўлди. Қатъи назар, аввалиги шакл (аруз) ҳам бошқа янги шакллар қаторида яшашига ҳақли эканини тан олиши керак эди, албатта.

Остидаги имзо ва устидаги номдан бўлак ўрталарида ҳеч қандай тафовут йўқ! Барчалари айна оҳанг билан, айна аёлнинг муҳаббатини қуйлаяптилар. Кўрган осмонлари, сузган денгизлари, ҳатто маҳбубаларининг хобхонаси ҳам бир-биридан ажралиб турмайди... У шеърлардаги табиат лавҳаларини ўқирканман, негадир театр декорациясини эслайман. Чунки шу қадар маҳдуд, жонсизки, буюртма учун ёзилгандай! Санъат ибодатхонасида бугунгача етишиб чиққан пирлар ҳар нени табиатдан излаш кераклигини илоҳий нақоратдек такорладилар. Бу овоз ёш шоирларнинг қулоқларига бормаган чоғи, Фажри Оти авлодининг⁴ Рағнер, Самаин ва Роденбач⁵дан чиқарган хира нухалари тақлиддан қутилолмаёптилар. Худди эски ғазалнавислардек: улар ҳам табиатдан олаяпмиз, деб ўйлардилар, аммо Фирдавсий, Низомийнинг китоблари срасидан ёриб чиқолмасдилар! Ичларидан ҳеч ким олдларни тўсиб ташлаган ўша китобларни бир чеккага суриб қўйишга журъат этолмасди. Хуллас, илҳом манбаимизни Шероздан, Париждан оқиб келиши руҳимизни ҳалоқат ёқасига элтиб қўйган қадим, доимий иллатдан бизни қутқаролмайди.

– Шуни ҳам эътибордан қочирмаки, бу сўнги авлод бутунлай янги, соф тилда ҳали ишлов берилмаган янги вазнда ёзиш жасоратини намойиш этди. Ундан ташқари, уларнинг энг "отахонининг" ёши ҳам ҳали 25 га етмаганини унутма. Ичларидан тил ва вазни жуда катта маҳорат билан чирпирак қилганлар бор!

Дўстим умидсиз бир лоқайдлик билан елкаларини силкиб кулимсиради:

– Бурунги ғазалнавислар орасида ҳам, масалан, Ноилий Қадим каби шакл мукамаллигини энг биладн нуктасига чиқарганлар бўлган, аммо асл, юксак санъатнинг табиатдан, руҳдан қуйилиб бир жавҳардек ярқираган илоҳий намуналари шакл ўйинлари билан канчалик алоқадор, билолмади. Бошқалар нима деса десин, мен Ошиқ Юнуснинг соф, жўшқин руҳдан оқиб келган шакл ва тили содда ашъорларию Нафийнинг муқайяд қофияли муболағага бой самимий шеърларини минг карра афзал, деб биламан. Бунинг аксига рағбати бўлганлар, демакки, даҳо билан ҳунармандни бир-биридан ажратолмабдилар... Бу сўнги авлоднинг шаклан "бақувват" оҳанглари эшитарканман, муқайяд қофияларнинг тингирлаган шовқини ортида қуруқ, бўш руҳиятнинг ожизлиги инграб туришидан сесканиб ту-

⁴ Фажри Оти авлоди – Туркияда ташкил топган жаҳид адабиёти вакиллари – тарж.

⁵ Европада шеърятни шаклан ва мазмунан янгиллаган ижодкорлар – тарж.

Энди кунимизга қайтиб айтадиган бўлсак, бугун биз ҳам бадий тафаккур йўлимизда яна бир шундай янгиланишни яшаб турибмиз. Демак, тарихни ёдламоқ, ундан сабоқ чиқармоқнинг айна палласи. Бас, янгилик ҳавоси таъсирга асир тушиб, муимтоз ёки кунни кеча яратилган адабиётимизнинг бадий жиҳатдан сара намуналарига, юмшоқ қилиб айтганда, меҳрсиз қарашдан сақланишимиз зарур бўлади. Бошқача айтганда, янги адабиёт намуналарини яратар эканмиз, ушбу янгиликнинг ўзигагина бино этилган адабиёт бааридо қуртак сифатида яшаганлигини унутмаслигимиз лозим. Назаримда, "Бугунги адабиёт" каби мақолаларнинг аҳамияти, айна пайтда, ундаги айрим мулоҳазаларга танқидий ёндашиш бу ўринда бизга гоят қўл келади. Мақоланинг яна бир фойдали жиҳати шундаки, унда XIX юзйиллик Турк адабиётида янгиланган бадий тафаккур салмоғи ва табиатини, умуман олганда эса, замонлар ўтиши билан тарихий-ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги эвричишларга ҳамоҳанг равишда адабиётнинг ҳам ўзгариб боришига маҳкумлиги айтилади. Янада муҳимроғи улуг куюнчак олимнинг куйидаги мулоҳазаларида мужжасам: "...санъат дунё яратилибдики, қайноқ руҳлардан ўз-ўзи томон отилган мўъжизадир... Мисоли ишқдек, иймондек... Менимча, салафлар ва сўнги авлоднинг асл оғриқли нуктаси шу ерга келиб тақалади. Халқнинг тили, вазнини тиклаш билан "миллий адабиёт" ёки французлар таъбири билан айтганда, "мукамал адабиёт" яратиб бўлмайди. Бунинг учун, аввало, унинг руҳига қулоқ тутуши, диди, интилишларини англаш керакки, токи руҳларимиз юзлаб йиллар давом этган Эрон ва Француз таъсиридан қутилишига қодир бўлсин..." Яъни олим ҳеч бир бошқа юрт адабиёти "дунёқараш"дан андоза олмай, халқнинг ўз руҳи, ўз тили ва ўз дарди билан барпо этилажак ўз адабиёти бўлишини ёқлаб чиқмоқдаки, мазкур мақола, ўйлашимча, аввало, ушбу фикр учун ёзилган. Унинг таржумасига ҳам Раъно Ҳакимжоновна шу каби муҳим сабаблар боис қўл урган ва тўғри қилган. Ҳар ҳолда, мен шундай ўйладим.

Улғубек ҲАМДАМ

шаман. Ваҳоланки, санъат дунё яратилибдики, қайноқ руҳлардан ўз-ўзи томон отилган мўъжизадир... Мисоли ишқдек, иймондек... Менимча, салафлар ва сўнгги авлоднинг асл оғриқли нуқтаси шу ерга келиб тақалади. Халқнинг фақат тили, вазнини тиклаш билан "миллий адабиёт" ёки французлар таъбири билан айтганда, "мукамал адабиёт" яратиш бўлмайди. Бунинг учун, аввало, унинг руҳига қулоқ тутиш, диди, интилишларини англаш кераки, токи руҳларимиз юзлаб йиллар давом этган Эрон ва Француз таъсиридан қутилишга қодир бўлсин... Акс ҳолда, бугун содда тил ва миллий вазнда ёзилган асарлар эски ғазаллардан кўра янаям халққа бегона ва турконаликдан йироқ тушади. Чунки улар шаклдан, сўздан иборат! Чунки руҳ йўқ, санъат йўқ! Ёзилган нарсаларнинг юздан беши буюртма учун ёзилган сохта қаҳрамонлик дostonларидир, қолгани ҳам – севги, севги, севги...

– Бундан чиқди ёш ижодкорларнинг севгини тараннум этишларини ҳам хушламайсан?

– Илтимос, мулоҳазаларимни бунчалик янглиш тушунма... Доимо бир хил оҳанг, бир хил илҳом билан бир аёлнинг гўзаллигини куйлаган шоирларнинг муҳаббатини қабул қилолмайман! Қайсидир файласуф "ишқ – санъатнинг отаси", деган. Фақат бу ишқ букилмас оташин руҳларнинг илоҳий ҳамласи ўлароқ тажалли этган яратувчи кучдир. Мутасаввифлар бутун коинотнинг йўқдан бор бўлишини жуда ҳақли равишда ишққа боғлайдилар. Ҳақиқатан ҳам, еру кўк орасида шундай ошиқона ривоятлар борки, қаҳрамонларининг фарёдлари инсоният руҳида абадул-абад акс этажак! Ҳолбуки, бизнинг шоирларимизнинг кўтариб юрган "ишқ"лари, ҳеч қурса, 3-4 кун ёдда сақланадиган бир мисра ҳам қолдирмайди... Сабабини сўрасанг, жавоби маълум: бизнинг шоирлар ошиқ бўла олгулик букилмас ва самимий руҳият эгалари эмаслар! Фақат ишққа қараб чиранадилар. Барча жинсий, шахвоний истакларини ишқ пардаси ортга яширмоқчи бўладилар. Лекин, афсус! Қани, айт-чи, жуда ҳадди аълосига етиб қолган завқпарастликнинг оний, эътирофга арзимас, густоҳ, сохта ифодаларини ишқнинг самовий ҳаримига мансуб этишлик жиноятини қайси санъатсевар ўз зиммасига олади?! Шундай қилиб, мана энди газаб, кин, хирс билан тўлган мажруҳ руҳларимиз, инсониятнинг кўплаб муқаддас қадриятлари қаторида севиш қобилиятини ҳам йўқотди!..

*Турк тилидан
Раъно Ҳакимжонова таржимаси*



НАСР

Суннатулла АНОРБОЕВ

1922 йилда туғилган. Ёзувчи, публицист. “Оқсой”, “Сайли”, “Сузиб борар архарлар”, “Сайри боғ” асарлари муаллифи. “Эл-юрт хурмати” ордени соҳиби. 2003 йилда вафот этган.



АССАЛОМ*

Бадиа

Раҳматли Аяқизбиби онамнинг гапларига қараганда мен айна қовун пишигида Дўдаган қиридаги қовун полизимизда туғилган эканман. Балки шунгадир муаттар ҳидлар ичида мен учун энг муаттари тонг шудринги аримаган полиздан тараладиган, ям-яшил палакларга бурканиб ётган ҳандалак, босволди, обиновот, шакарпалаклар ҳиди.

Падари бузрукворим Анорбой Хидир ўглининг айтганларига қараганда менинг му-чалим ит экан. Бинобарин, 1922 йилда Туркистоннинг Қарноқ қишлоғида таваллуд топ-ган эканман.

Болалигимдан қолган ёрқин хотираларимдан бири, беш-олти ёшда бўлсам керак, Дўдаган қиридаги полизимиздан қишлоққа ёлғиз ўзим қайтганим. Олдинда Тўрткўз итим йўл бошлаб бораётибди. Мен кўк зшақдаман. Тепалиқдан пастга қараб аста тушаяпмиз. Қоронғилик қуюқлашган сари мени ваҳима боса бошлади. Жилға ичидаги чақиртиконли буталар тагида бирор йиртқич писиб ётгандай туюлади. Сўқмоқдан кесиб ўтган юмронқозикдан ҳам чўчиб тушаман. Остимдаги эшагим эса бепарво, кулоқларини дингайт-тирганича эринчоқлик билан тап-тул имиллайди. Халачўпни ишга соламан-да, Тўрткўз, дея бақираман. Итим лаҳзада оёқларим остида пайдо бўлиб қолади. Шу заҳоти мендан кўрқув чекинади ва теварагимга юрак бетлаб боқаман. Болалиқдаги ўша ҳамроҳим, кўриқчимга “Тўрткўзнинг бошидан кечирганлари” деган қиссамда гўё ҳайкал кўйдим. Тўғри, асардаги Тўрткўз образи умумлашма, Паркент, Фориш, Нурота, Боботоғ яйловларини кезганларим-да кўрган-билганларим, чўпонларнинг бўрибосар итлари тўғрисидаги афсоналар асарга асос бўлган.

Менинг яна бир “буюк” саёҳатим, болалик хотирамда ўчмас из қолдирган воқеа Ҳазрати Султон (Хожа Аҳмад Яссавий) зиёратига қилган сафаримиздир.

* Ушбу асар ёзувчи вафотидан кейин унинг кўлёмалари орасидан топилган бўлиб, адабнинг қизи, журналист Холида Анорбоева томонидан оққа кўчирилиб, тахририятимизга тақдим этилган.

Ҳали-ҳали ёдимда: ҳовлимизда байрам кайфияти: ойм бошқик опаларим, акаларимнинг қўли-қўлига тегмайди, югур-югур. Пиширишаяпти, қовуришаяпти, хуржунга жойлашаяпти, қоплашаяпти. Дадам бўлса боғ этагидаги ғуж ўсган қайрағочлардан бирини кесиб, бутаб-шилиб, тўрт ғилдиракли аравага ўқ ясаш билан банд. Ниҳоят, қоронғи тушганда сафар ҳозирлиги тахт бўлди: аравага юклар ортилган, қўш от қўшилган. Мен билан укам Тожиддинни қоллар устига кўрпача солиб ўтқазишади. Ойим негадир кўзига ёш олиб, опаларим эса кулишиб бизларни ўпиб хайрлашишади. Отларнинг тизгини Асадулло акамнинг кўлларида, ёнларида дадам, жўнаб кетдик. Қишлоқдан чиқмасимизданоқ ухлаб қолибман. Кўзимни очиб, бошимни кўтарганимда кўкдаги юлдузлардай йилтираган чироқларга назарим тушади. Бу узоқдаги шаҳар чироқлари эди. Уша томонда кўкка тиралгудек баланд гумбаз ҳам кўзга ташланади. Мени ҳайратга солган бу гумбаз Ҳазрати Султон зоти муборак Хожа Аҳмад Яссавийнинг мақбараси экан. Ниҳоят кирдан иниб, тошлоқ сойдан кечиб, Қорачик қишлоғидан ўтиб, тонг отганда қутилган манзилга етиб ҳам келдик. Дадам билан акам олиб келинган назр-ниёзларни зиёратгоҳ мутасаддиларига топшириш билан овора, биз Тожиддин икковимиз эса маҳобатли мақбара кошнларини томоша қилиш билан бандмиз. Кўзим шифта, анқайиб турганимда кўлимдан кимдир тутганча қаёққадир етаклайди. Яна кимдир, эс-хушимни йиққунимча, бирпасда кокилимни қириб ҳам ташлабди. Тожиддин укам кокилсиз бўлиб қолган бошини силаб, лабини бурганча менга қарайди. Мен ҳам ўз бошимни силаб туриб кулиб юбораман. У ҳам кулади.

Кокилларимизни олган уста, шу дамда ҳозир бўлган шайх, дадам, акам ҳаммамиз фотиҳага қўл очамиз. Шайх бизга Худодан ҳидоят, узоқ умр, омад тилаб дуо қилади. Бу менинг тахминим, албатта, фотиҳанинг маъносига тушунмаган бўлишим мумкин, лекин бутун диққатимни жалб этган нарса шайхнинг қироати – унинг оғзидан чиққан ҳар бир сўз нафис илоҳий бир куйдай эшитиларди.

Мақтаб ёшига етганимда қишлоғимиздаги мактабга бориб ўқиш насиб этмади. Сабоби, қишлоқдаги ўн еттига бадавлатроқ хонадон бошлиқлари каби уй-жойлари, мол-мулки мусодара қилиниб Сибирга сургун қилинган, бошқиксиз қолган оиламиз бировларга муте бўлиб кўчиб-кўниб юрган кезларда кичик гўдакларни мактабга бериш кимнинг ҳам кўнглига сизарди дейсиз.

Ўттизинчи йилнинг бошларида бўлса керак, жар кўчадан қий-чув, тўс-тўполон кўтариб оломон ўта бошлади. Бу пайт Асадулло акам мени тиззалари орасига олганча кўча эшик олдида Мамадали езна билан чўнқайиб ўтиришиб нима ҳақдадир сўзлашаётганди. Биз бу вақтда аммамизнинг эри ўша Мамадали езнанинг ҳовлисига яшаётган эдик.

Жар кўчада оломон кетидан чопиб бораётган бир киши қўлидаги таёғини силтаганча: “Ҳей Асат, юрмайсани!” – деб чақиргани ҳали эсимда. Мамадали езнам: “Бу тўполонга сен аралашма. Бошинга бало орттирасан, борма,” – деганларига қарамай акам кетди.

Биз турган жойдан уч юз метрча нарида колхоз омборхонасига айлантирилган Халпа буванинг ҳовлиси томонидан бақир-чақир эшитилиб турар эди. Кейинча, ақлимни танганимдан сўнг ўша тўполоннинг сабабини англадим: еб-ичиб турган дон-дуни, соғиб сутини ичадиган сиғири, ҳатто товугигача умумлаштириш баҳонасида тортиб олинган қишлоқ аҳли бу зўравонликка қарши бош кўтарган экан. Халқ ғазабининг жунбишга келишига шўролар ҳокимиятининг қишлоқдаги ҳақиқий вассали – большевиклар фирқа ячейкасининг котиби бўлмиш Отобой деган, бурк ол деса, бош оладиган ҳовлиқма кимсанинг халқ урф-одатларини, одамларнинг иззат-нафсини поймол қилиши сабаб бўлган. Оқибатда у ўлдирилади. Омбордаги дон ташиб кетилади, мол-бузоқ, от-улов олиб кетилади.

Тўполоннинг эртаси куни уйғониб ташқарига чиққанимда майдалаб қор ёғаётган эди. Кеча оломон тошқиндай тошиб ўтган жар кўчадан энди аллақандай суворийлар ўтмоқда эди. Улар ҳозиргача мен кўрмаган ғалаги қиёфада – найзадай учлик бош кийим, эгниларида оёқларини узангигача ёлган узун кигиздай кийим. Белларида қилич, елкаларида милтиқ. Юракка ваҳима солувчи туки совуқ отлиқлар. Улар кўзголonda қатнашганларни, Мамадали езнага ўхшаган қатнашмаганларни ҳам йиғиб олиб, олдиларига солиб яёв ҳайдаб кетишди. Уша ҳайдалганлардан кўплари, Асадулло акам ҳам, Мамадали езна ҳам қайтмади... Уларга кўшиб Қарноқ номини ўчириб ташлаш ниятида қишлоққа Отобойнинг номини бердилар.

Қарноқ номи билан бирга кейинча қишлоқни обихаёт билан таъминлаб, обод этиб турган Қорасув ва Шўрғам булоқлари ҳам сўнди, йўқ бўлиб кетди.

Нурота, Навқаота ёки Балиқчимозор булоқларини кўриш, шифобахш сувидан бир ҳовуч ичиш насиб этганми сизга? Қорасув, Шўрғам булоқлари ҳам ўшалар каби тиниқ, серсув, роҳатбахш булоқлар эди. Қоратўғ этагидаги минг уйли Қарноқ яна Жуй-

нак (Югнак) қишлоқлари аҳолисининг чанқоғини қондирар, боғ-роғ, экинзорларини суғориб, қут-барака ва хушчақчақлик бахш этар эди. Минг афсуски, табиат эҳсонига қаноат қилмаган ношуқур бандалар Қоратоғ бағрини ўйиб, инсон қонини тўкишга мўлжалланган ўқ-дори яшаш учун кўрғошин қазиб олиб, табиий муҳит мувозанатини шавқатсизларча буздилар. Оқибатда Қорасув, Шўрғам ва бошқа неча-неча зилол сувли булоқларнинг кўзи бекилди. Қоратоғ бағридан сизадиган сув томирлари қирқилди. Ариқларда тўлиб оққан, кўш-кўш тегирмонларни юргизган, теварак-атрофни яшнатган, чирой бахш этган у буюқ эхсон булоқ сувлар энди йўқ. Ана қаноатсизлик, очофатлик, зўравонликнинг оқибати!

Дадам Сибирь сурғунида бўлган даврида давлат идораларига ўтин ташиб аравакашлик қилиб юрганида бир яхши одамга дуч келиб қолибди. Соч-соқоли оппоқ кекса одамнинг хизмати унга ёқиб қолган бўлса керак, "Московдаги каттакон" номига ариза ёзиб берибди. Ариза, менинг гуноҳим қашшоқларга нисбатан бойроқ бўлганим бўлса, бойлик, уй-жой барини ҳукуматга топширдим. Агар менинг бошқа айбим бўлмаса, тентираб қолган бола-чақам олдига борай, рухсат беринг, деган маънода ёзилибди.

Қаранг, ариза ижобий ҳал қилинган бўлса кераки, дадамни озод қилишибди. Туркистонга етиб келиб, бисмиллоҳир раҳмонур роҳим, деб вагондан тушишлари ҳамон милицияга дуч келибди. Улар ҳа – йўқ, бе – йўқ, тўғри милиция бошқармасига бошлаб боришибди. Бошлик, бир вақтлар сурғунга жўнатган эски таниш, дадамнинг оқлангани тўғрисидаги ҳужжатни текшириб кўриб: "Онаке, овулинга борсанг у ердагилар сени тутиб, яна менинг олдима олиб келишади. Бошимма бало бўлма. Тезроқ кури бу ердан!" – дебди. Дадам, бошлиқнинг сўзига кириб, қишлоққа бормай, бизларни таниш одам орқали Туркистонга қақртириб олиб, Наманган томонга "қуриган" экан.

Ўттиз биринчи йилнинг баҳорида бўлса керак, биз ҳозирги Наманган вилоятининг Уйчи туманидаги "Қизил равот" совхозида кўниш топганмиз. Янгиариқ каналнинг пастида Норин дарёси бўйида Қирғиз маҳалласида яшовчи Хўжабек деган мусулмонқобил, раҳмдил бир киши бизга бўш ётган сомонхонасини бошпана қилиб берган эди.

Совхоз маркази Янгиариқ каналининг ўнг томонида жойлашган бўлиб, экин ерлари кун чиқшдан кун ботишга томон чўзилган адиргачча борарди. Шимол томондан каналга пахса девор билан чала-ярим ўралган кўрғончада бешта оқ том бўлиб, улардан биттасида директор, бош агроном, бухгалтер оилалари билан яшар, биттиси идора, бошқаси ошхона ва мутахассисларга мўлжалланган ётоқхона эди. Яна узун-узун ичирти лойсувоқ тахта уй – бараклар ҳам бўларди. Уларда СССР деб номланган бепоеён мамлакатнинг ҳар томонидан бизга ўхшаб "ҳақсиз" қилинганлар, очликдан ўлмаслик чорасини қидирганлар жойлашардилар.

Совхоз кўрасининг ўртағида бир қоровултепа бўларди. Унга дор текилиб, темир қувур осиб кўйилган эди. Ўша қувур эрта тонгда каттакон болға-босқон билан уриб чалинар эди. "Да-анг-да-анг" этган овоз неча қақирим нарида ҳам бемалол эшитилади. Бу уйқуда ётганларни уйғотиш, "чой"га қақриш "избанаги". Уйқудан уйғонган ишчилар қўлларида чойнакми, кўмгон, мўрча бикинида қайнаётган кубдан доғ сув олишга шошилади. Топганлар доғ сувга вайзон чой ёки олма чой дамлаб нонушта қилади. Топмаганлар доғ сув ичиб қаноат қилади. Иккинчи бор "избанақ" чалинганда ҳамма одамлар ҳам, от-уловлар ҳам ишга жўнайди. Совхоз деб аталган давлат хўжалиғида бари иш қўманда бўйича бажарилади. Дадамнинг айтганларига қараганда, тушликка чорлаб "избанақ" чалинганда у кишининг аравага кўшилган отлари ҳам қулоқлари динг бўлиб, отхонага олиб қочишга ҳаракат қилиб қолар экан. Кечқурун иш тугаганини билдириб занг урилгандан кейингина нафас ростлашга рухсат берилади.

Мен тушликка етиб бориш илинжида ота-онам, акам, янгам, опаларим ишлаётган пахта даласи томон йўл оламан.

Совхоз кўрасидаги ошхонада пишириладиган балиқ шўрва (қилтаноқлари қошиққа илинса илинадики, эти кўринмайди) ёки ачиган карам шўрва катта термосларда келтирилиб, далада ишлаётганларга бир чўмич-бир чўмичдан тарқатилади. Оч-наҳор эграт-отизда судрала-судрала гўза чопиқ қилган онам ўша шўрвадан ўзидан орттириб, менинг оғзимга тутлади. Дадам эса ўзи емай асраб орттириб қолдирган бир бурда нонини белидаги белбоғи қатидан чиқариб менга беради. Ҳимматингизга тасанно, эй меҳр-оқибати тоғдай мурувватли инсонлар! Қанийди сизларнинг менга қилган яхшиликларингизнинг мингдан бирини қайтара олган бўлсам!

Совхоздагиларнинг деярли бари бизнинг оиламизга ўхшаб, замона зайли билан бор-бурдидан айрилиб қувғинга учраган, тирикчилик умидида ҳар қанча заҳмат чекишга тайёр, ҳақ-хуқуқсиз келгинди бандалар эди.

Ўттиз иккинчи-ўттиз учинчи йиллар энг оғир, очарчилик ва унинг оқибати ўлароқ юзага келган безгак, терлама, сил ва бошқа сон-саноқсиз касалликлар бечорахол бандаларнинг халқумидан олган, кулбалардан майит чиқмаган кун бўлмаган. Одамлар

яқин кишиси ўлганда ҳам йиғламас, кўзига ёш келмас, гўё йиғлашни унутиб қўйгандай эди.

Янгиариқ каналининг баланд қирғоғида озиқ-овқат дўқони бўларди. Ўша ерда кечки пайт ишлаганларга бир қадоқдан, ишга яроқсиз оила аъзоларига ярим қадоқдан нон берилади. Нонки, қоп-қора, сиқсанг суви чиқади. Ўшайам талон-карточкага берилади. Мен мактабдан қайтганимдан кейин дарҳол нон дўқонига шошиламан. “Учирид” оламан. Нон келганда қиёмат кўпади. Мен сиёқли болалар оёғи остида қолиб кетишимиз ҳеч гап эмас. Ҳаммининг кўзи дўкон дарчасида бўлади. Аяш ҳеч кимнинг эсигама келмайди. Кечки “избанақ”дан кейин ишдан қайтган Неъматулло акам келиб, менинг ўрнимга навбатга туради. Ана шундай ур-сур билан нон-насибага эришишдай “бахт”га муяссар бўламан. Баъзи ҳолларда нон етмай қуруқ қайтган зулматли кунлар ҳам бўлган.

Менинг болалик қалбимда аламли, чуқур из қолдирган йигирманчи йилларнинг охири, ўттинчи йилларнинг бошларида Иосиф Сталин бошлиқ большевиклар партияси қишлоқларда зулм ва зўрлик билан амалга оширган ер ислоҳоти, коллективлаштириш сиёсати туфайли юзага келган қаҳатчилик ва қиргин – халқ фожиасини “Мехр”, “Умр” қиссалари ва “Сайли” романимда имкон борича кўрсатишга ҳаракат қилганман.

Ибрат сифатида шу нарсани таъкидлардимки, ўша энг оғир йилларда ҳам мен мактабни тарк этмаганман. Дадам бунга йўл қўймасди. Мактабимиз ҳозир сиз билан биз билган ҳашаматли қасрлар қиёфасида эмас, йўқ, “босмачилик ҳаракати” номи остида лаънатланган халқ озодлик ҳаракатида қатнашган, ёки бой-муштумзўр саналиб, синф сифатида йўқ қилинишга маҳкум этилганлардан бирортасининг уйи – ўртасида айвон, икки четида икки хонали бир иморатда ўқир эдик.

Ўттиз тўртинчи йил файзли келди. Ёгин кўп бўлди. Совхознинг адир бағрига сепган бугдойи бизга ўхшаган болаларни кўмиб кетадиган даражада битиб берди. Кимки ер таталаб экин эккан бўлса, барака топди. Дадам томорқа ёнидаги қадимдан қолган қоровултепани гир айлана ўйиб эккан ошқовоқ, тарвузи чунонам битдики, ташиб адо қилолмай қийналдик.

Яратувчининг сендан ҳаракат, мендан баракат, дегани шудир-да. Лекин иш ёқмас ҳасадгўйлар кўриб ич-этларини ейишди чоғи. “Илгариги бойлар яна бой бўлиб кетишди”, деб ғулу кўтаришибди. Қаранг, ёт унсурлар, қулоқлар дейишиб, Оқсоқол амаким, Йўлдошхўжа почча оилалари ва бизни совхоздан ҳайдашди. Учқўрғонга рўбарў Нормин дараёсининг бу бетиде қапа тикиб ўтирдик. У ерда ҳам тинч қўйишмади. Қишлоқ шўросининг раиси от суриб келиб, у ердан ҳам ҳайдади. Чортоққа кўчдик. Бир яхши одамнинг четроқда ҳайъати – боғи бор экан, ўша ерда кишладик.

Хилват жой. Қўни-қўшнилари йўқ. Қўрғончадан баланд жарлик кўриниб туради. Ўша жар тағидан оқиб ўтадиган ариқдан сув ташиб ичамиз. Катталар бу ерда ҳам ўзларига иш топишади, бекор ўтиришмайди. Ойим жар тағида усган қуруқ хашакларни юлиб йиғиб келишни буюради. Биз Ободхон опам иккимиз айтганларини қиламиз. Ойим кигиз-шолча тағига кўтариб келган хашағимизни ёйиб солади. Шундай қилинса ернинг захи ўтмас эмиш, ҳам уй ичи ҳарна иссиқ бўлар эмиш. Акам қуриган дарахт шохларини бутаб, арралаб, ёриб, ўтин тайёрлайди. Келиноийим уй ичидаги мўрига ўт ёқади. Қўрға чойиш қўяди. Ҳаммининг ўзига яраша юмуши бор. Дадам нонуштадан кейиноқ жума намозни маҳитда ўқишга ҳозирлик кўра бошлайди.

Шундай кунлардан бирида дадам бир даста китоб кўтариб келди. Бўш вақтларида сандал тўридаги ўз жойларида ўтириб, китоб ўқишга тушади. Мен оёғимни сандалга тикқанча кўрпага ўраниб ётиб қулоқ соламан. Ҳазрати Алининг дини ислом йўлида кўрсатган қаҳрамонликлари, шаҳзода Муҳаммад Ханафиянинг ишқий саргузаштларини эшитиб завқим тошади; “Иброҳим Адҳам” дostonи қаҳрамонларининг ҳидоят йўлида тортган азиятлари қалбимни ларзага солади. Бошимни кўрпага ўраб сим-сим эзилиб йиғлайман.

Дадамдан “эскича ўқишни” тез ўргатасиз, деб туриб олдим. Болалигимнинг беғубор даврида дадам тахтада алифбени, ҳарқалай, танитган – “алифқисин-а, остин-би, ўтира-ту-у” кабиларни ҳижжалаб ётардим. Шу қўл келди. Энг аввал Қозон босмасида чоп этилган “Гурўғли” дostonини ўқишни ўргандим. Бир ёмонлиқнинг бир яхши томони ҳам бор, дегувчи эди дадам. Бир қараганда, бизни совхоздан, бойлар яна бойиб кетди, дейишиб қувгин қилишгани мен учун фойдали бўлдимики, бир қишда араб алифбосидаги китобларни тузуккина ўқийдиган бўлдим. Юқорида тилга олинган асарлардан ташқари “Девони Машраб”, “Минг бир кеча” араб эртакларини ҳам қўлдан қўймай ўқиб чиққандим. Бир мавсум мактабга боришдан маҳрум бўлган эсам-да, ўзимча ўқиш, мутолаа қилишдан қолмадим.

Ердан қор кетиб, баҳор нафаси эса бошлаганда “Қизил равот” совхозидан “элчи” келди. Дирекция ишга қаҳирибди. Ишчи кучи керак бўлиб қолган шекилли уларга. Ноз қиладиган замон эмас. Бориш керак, деди дадам.

“Қизил равот” совхозига қайтишдан ҳаммадан ҳам кўпроқ мен қувондим. Мактабимни, синфдошларимни, ўқиш пайти муаллим, синфдан ташқарида бўладиган ўйинларимизда “отабоши” Содиқжон ака Парпиевни қайта топдим.

Ўттиз бешинчи йили ўқиш мавсуми олдида акам мени Уйчи туманида, ўша пайтда ягона Жийдақападаги интернат тилидаги тўлиқсиз ўрта мактабга олиб бориб топширди. Бу ерда ўз хулқ-атвори, билими, муомаласи билан мени ўзига ром этган тил-адабиёт ўқитувчиси, илмий мудар Тожи Ҳасаний домлани учратдим. У киши ўзбек тили ва адабиётдан дарс берадиган, билим берадиган устозгина бўлиб қолмай, мактаб болаларини ўз фарзандларидай кўрадиган ота, меҳрибон инсон эди. Баъзан кечалари уйғониб қолганимда Ҳасаний домланинг ётоғимизда аста айланиб юрганларини, усти очилиб қолган болаларнинг кўрпасини тўғрилаб ёпиб қўяётганларини кўриб қолардим.

Жийдақапа мактабида Тожи Ҳасаний домланинг ташаббуслари билан биринчи бор, “тирик” ёзувчиларни кўришга муяссар бўлганман. У вақтга қадар хрестоматия китобларидан суратларинигина кўрганман ва ўша хрестоматияга киритилган Садриддин Айнийнинг “Одина”, Ойбекнинг “Темирчи Жўра”, Фафур Гуломнинг “Кўкан батрак”, Ҳамид Олимжоннинг “Кўклам” каби асарларини ўқиган эдим.

Мактабимизга чинакам ёзувчилар келишларини эшитганимизда байрам кайфияти чулғаб олганди бизни. Қоғозлардан уч бурчак-уч бурчак қиёқлар қирқиб кук, қизил, сарик, ҳар хил бўёқларга бўяб, каноп ипларга тизиб, югуриб тайёргарлик қиришлар... Эҳ-ҳа, қанчалик ҳаяжонли дамлар! Шунча югур-югурдан кейин биз олтинчи синф ўқувчилари Норин буйига ювенишга кетсак, меҳмонлар келиб еттинчи синфдагилар билан учрашгани кириб кетишибди. Эшик ёпилган. Бостириб кириб бориш ноқулай. Деразалар олдидаги дарактларга тармашиб чиқиб, шохларга қушдай кўнгандик. Очiq деразадан тўрда ўтирганларга анграйиб қарайман. Анови баланд бўйли, сочлари кундуздай, қиррабурун одам, китобидаги расмидан танидим. Уйғун. Тўладан келган, кулча юзли бошқасини, йўқ, танимадим. Кейинча Ҳасаний домладан сўраб билсам, Отажон Ҳошим экан.

– Тонг фанори ўчмасдан,
Бизнинг Жонтемир...

Шоирнинг оғзидан ҳар бир сўз, ҳар бир мисра гўё ёғду сочиб чиқар, мен сеҳрлангандай дарахт шохига ёпишганча қотиб қолган эдим. Уша куни ҳамма ухлаганда ётоқхонадаги лампа чироқни кўтарганча ошхонага чиқиб, менга тинчлик бермаётган ҳаяжонимни қофияга солиб, қоғозга туширганман. Балки ўша “шеър”имда “ош”ни “бош”га ёки “тош”га қофия қилгандирман... Жийдақапа интернат-мактабида менинг бошимни силаб, сўзни ҳис этиш ва бадииятга ҳавас руҳини сингдирган устоз Тожи Ҳасанийни ҳам замон зўрлари халқ душманлари сафига тиркаб боришиганини кейинча алам ва изтироб билан эшитдим. Надиев деган физика ва математика ўқитувчимизни ҳам. Билимдон, яхши одамлар эди. “Кўз теккан” бўлса керак уларга. Э, Худо! Ёмон кўздан асрасин экан!

Болалиқдан бошланган китобга муҳаббат мени ҳеч қачон тарк этмаган. Ўттиз олтинчи йили, биринчи бор ўз пулимга китоб сотиб олганман. Бундай “жасорат” Андижон вокзалида айланиб юрганимда юз берган. Пул аслида музқаймоқ ёки бирорта қандолатгами, пашмакка мўлжалланган эди-да.

Неъматулло акамга “Қизил равот” совхози касабга ташкилотидан теккан путёвка билан Водил қишлоғида очилган пионерлар лагерига кетаётган эдим. Поезд келишига ҳали вақт бор. Вокзал олдидаги майдон теварагидаги магазинларга кириб-чиқиб юрганимда бир қора муқовали китобга назарим тушиб қолди. Р.Э.Распе, “Барон Мюнхгаузеннинг саргузаштлари” деб ёзилган. Ҳалати расмлар билан безатилган. Яна дөнг, ўзбек тилида экан. Нарҳиям арзон, бор-йўғи бир стаканча музқаймоқнинг пули. Дарҳол сотиб олдим. Очиб биринчи саргузаштни ўқий бошлашим билан... Йўқ, ўқинмадим. Бутун ёзги таътил давомида бу китоб менинг энг яқин ҳамроҳим, ҳамсуҳбатим бўлди.

Ўша йиллари Пушкин ўлимининг юз йиллиги муносабати билан унинг “Руслан ва Людмила”, “Сув париси” каби бошқа эртаклари болалар ва ёшлар газеталарида катта шоирлар таржимасида чиқиб турарди. Иложим борича ҳар бир сонини сотиб олиб, кўпроқ “қизил бурчак”, кутубхоналарга қатнаб топиб ўқирдим. Вильям Шекспирнинг Чўлпон таржимасидаги “Ҳамлет” трагедиясини, Пушкиннинг Ойбек таржимасидаги “Евгений Онегин” шеърӣ романини, Гоголнинг ҳикоя ва қиссаларини, Лермонтов, Иван Тургенев, Лев Толстой, Даниэль Дефо, Жонатан Свифт, Чехов, Тарас Шевченко асарлари билан ана шундай кутубхонама-кутубхона кезишларда танишганман. Ва ана шундай кезишлардан бирида Ойбек билан танишдим. Ҳа, гоийбона, албатта.

Совет Иттифоқи даврида ҳар бир шаҳарнинг Карл Маркс номида марказий кўчаси

бўларди. Наманганда ҳам бор эди. Шу марказий кўча билан большевистик партиянинг биронта атоқли намояндаларидан бири номига қўйилган номарказий кўча ташган муюлишда марказий кутубхона бўларди. Шаҳарда бошқа кичик кутубхоналар, чойхоналарда эса маданий оқартув "қизил бурчак"лар анча эди. Масалан, Чорсудаги "Дом дехқон"да шундай кутубхона бор эди. Муюлишдаги ўша марказий кутубхонанинг кўргазмалар тоқчасида "Ўзбек адабиёти ва санъати" журнаlining нашрдан чиққан янги сониди менга тўлиқсиз ўрта мактаб хрестоматиясидан "Темирчи Жўра" дostonи орқали таниш Ойбекнинг номини ва унинг янги асари — "Кутлуғ қон" романини қўриб қолдим. Асар биринчи саҳифаданоқ мени ўзига ром этган эди. Кутубхоначи опа тепамга келиб, кеч бўлди, эшикни ёпаман, дея ҳайдамагунча бош кўтармай ўқиганман.

"Кутлуғ қон" ўзбек адабиётдаги мен биринчи бор ўқиган йирик насрий асар. Тўғри, Садриддин Айнийнинг "Одина", "Доҳунда"сини олдинроқ ўқиган бўлишим мумкин. Анча бурун ёзилиб, шов-шувга сабаб бўлган Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён" романларини ўқиш менга фақат II Жаҳон урушидан қайтганимдан кейингина насиб этди. Яширинча кўлдан қўлга ўтиб ўқилиб юрилган бу муборак китобларни менга армия сафига кетгунимча Тошкент Давлат педагогика институтида бирга ўқиган курсдошим, кейинча ҳаёт йўлдошим Ҳожинисо толиб берган эди. Умуман, мендайн урушдан жараҳатланиб, эгнида солдат шинели, оёғида кирза этик билан қайтган, бирор жували хизматнинг этагидан тутиш учун қўлида касб-кори бўлмаган одам учун Ҳожинисонинг тасодифан трамвайда учраб қолгани келажак ҳаётимнинг тубдан ўзгаришига сабаб бўлди. Натijaда оёғимдан тортаётган қора ер, жигилдон жилловининг тортиш кучини энгиб орзулар қучоғида ҳаволаниб яшай бошладим. "Қизил равогта", ота-онам ёнига қайтмадим. Мудофаа министрлиги ихтиёридаги гишт заводида ишлаётган Неъматулло қори акам оиласига юк бўлиб Тошкентда қолиб, кечки педагогика институтига ўқишга кирдим. У ерда илгари педагогика институтида гарб адабиётидан дарс берган домлазим Ҳамид Сулаймонов илмий ишлар бўйича ректор ўринбосари экан. Қирқ бешинчи йилнинг ноябрь ойи эди шекилли, кеч бўлса-да, қабул қилишди. Мен шошилардим. Кунларни тунларга улаб мутолаа қилар, фанлардан экстерн равишда имтиҳон топширардим. Бунга олийжаноб инсон Ҳамид Сулаймон кенг имконият яратиб берган эди. Бу ердаги ўқитувчиларнинг деярли бари таниш, ўша илгариги домлалар Абдурахмон Алимӯхамедов, Аюб Фулом, Мурод Шамс, Долимов... Шундай қилиб, кечки педагогика институтини қирқ олтинчи йили ёзда тамомлаб, шу йили ўзбек адабиёти бўйича Ўрта Осие Давлат университети (САГУ) аспирантурасига ҳам киришга улгурдим.

Мени ўқишни давом эттиришга руҳлантирган, ижодий изланишларимда кўмакдош бўлган, биринчи ўқувчим, биринчи муҳарририм рафиқам Ҳожинисо бўлган. "Меҳр" қиссамга мавзу бўлган воқеа ва одамларни бевосита у кишидан эшитганман ва танишганман. Шунингдек, "Сайли" романининг бош қаҳрамони прототипини ҳам рафиқам ёрдамида учратганман. Ҳатто оғир аҳволда кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолган пайтида ҳам у менга кўмак беришдан ўзини тия олмаган.

Тўқсон тўққизинчи йилнинг баҳор чоғи эди. Мен кутубхонамда нима биландир машгул эдим. Ҳожинисонинг "Дадаси", деб чақиргани кулоғимга чалинди. Чиқсам, пасайтириб қўйиб радио тинглаётган экан. "Эшитинг-а", деди. Оёқ томонига ўтирдим. Бемор одам, кўнглини қайтарсанг бўлмайди. Эшита бошладим. Радиодаги гапга кулоқ солиб ўтириб, шунчалик ҳам содда бўладими одам, деб, ҳам кулгим қистайди, ҳам аччигим чиққанидан ўтиролмайд туриб кетаман. Бироз айланиб юриб жажлдан тушганимда:

— Ўзинг-чи? — дейман ўзимга ўзим. Ва хотираларим қаърида кўмилиб ётган айрим воқеалар кўз ўнгимда жонланиб, кўнглим алам, истеҳзо ва нафратдан жунбишга келади. "Анқов" деган ҳикоям ана шундай қалб изтироблари маҳсулидир. Бу ижодимда раҳматли билан сўнги ҳамкорлигимиз эди. У ҳаётининг сўнги дамларигача болаларим деб, оилам деб ўтди. Мен Ҳожинисонинг руҳи поки олдидаги ўз қарзимни қандай узсам экан деб ҳар дам, ҳар соат ўйлайман.

1949 йилдан бошлаб танқидий, публицистик, насрий асарларим республика ва иттифоқ газета, журнал ва нашриётларида чоп этила бошлади.

Нафақага чиққунимча газета, журнал ("Правда Востока", "Қизил Ўзбекистон", "Шарқ юлдузи", "Гулистон") таҳририятларида, Ғафур Фулом номидаги нашриётда, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ишладим. Хизмат жараёнида катта устозлар, тенгдош ёзувчилар билан мулоқотда бўлдим. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Мирзакалон Исмоилий, Асқад Мухтор, Раҳмат Файзий, Шухрат, Ҳаким Назир, Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Ҳамид Фулом ва бошқалар. Уларнинг асарларини ўқиш, қўлёзмалари муҳокамасида қатнашининг ўзи менга катта мактаб бўлган. Ойбек аканинг: "У — ўқидим, яхши! Яхши!", деб қўйишларининг ўзи менинг кўнглимни балқитиб юборар; Абдулла Қаҳҳорнинг: "Анорбоев... чақиртикон боглаб танқид қилади" зайлида гапни кулига буриб юбориш-

лари, ёки Ҳаким аканинг асарим муҳокамасида суяб, ўз мулоҳазалари якунида: "... ҳозирча асар етмиш беш фоизга тайёр. Яна Суннатулла бир зўр берса асар қиёмига етиши аниқ", – дея қамолот сари даъват этишлари, албатта, фойдадан холи эмас эди.

Бу катта ижодкорларнинг менга нима биландир нафи теккани шубҳасиз. Масалан, нозик таъб, ширинсухан инсон, катта таржимон, ёзувчи Мирзақалон Исмоилий билан бирлашган шариёт кассаси олдида тасодифан учрашиб қолгандик. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" журналида 1949 йилда илк бор чиққан асарим гонорарини олишга борганим. У киши ҳам гонорар олишга келган эканлар. Бирга қайтаётганимизда: "Сизни бир жойга таклиф қилсам борасизми?" – дедилар. Шундай улуг одам таклиф қилади-ю, йўқ дермидим. Қуруқ бориш уят. Гастрономга кириб у-бу нарса олишга тараддудланганим, Мирзақалон ака қўлимни қайтардилар. "Ҳамма нарса бор, – дедилар. Олой бозори биқинидаги чойхонага бордик. Уша ерда журнал ходимлари, яна анча-мунча ёзувчилар жам бўлишиб, ош қилишаётган экан. Мирзақалон ака мени ўзларига тенг қўриб, ўшандай мўътабар даврага – гапга қўшган одамохун инсон эдилар. Эллик биринчи йили "Қизил Ўзбекистон" газетаси редакциясида адабий ходим бўлиб ишлаб юрганимда бир айб (навбатчи эдим, "сигнал" саҳифасига ювгани чиқиб кецикиброқ қўл қўйганим) учун ҳайдалганимда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" журналида сарқотиб бўлиб ишлаган Асқад Мухтор менадин кўвинди, гуноҳдор бандани тап тортмай, журналга бўлим бошлиғи қилиб ишга олган, бу билан аслида, менинг бутун келажагим белгиланишига сабабчи бўлган олийжаноб инсон эди. Қиртемир ака "Оқсой" романим чоп этилганда биринчилардан бўлиб ўқиб чиққан ва ўз қимматли фикрларини билдирган эдилар. Жумладан:

– Суннатулла, сенинг қаҳрамонинг Бобоқул ўзини қамчилаган хўжайини Махсумни милтиқ билан отиб қўяди. Ахир Бобоқул чўпон, чўпоннинг қуроли кўпинча таёқ бўлади. Қамчи зарби жонидан ўтган чўпон таёгини серлаб юбориб, азобловчисини уриб йиқитган бўлиши ҳам мумкин эди-ку? – деган эдилар.

Бу, шубҳасиз, чўпон-чўлиқлар ҳаётидан ҳам хабардор нозик таъб санъаткорнинг маслаҳати эди. Бошқа бир мўътабар, оз ёзса ҳам саз ёзган адиб Мирқарим Осим менинг етмишинчи йилларда ёзган "Умр" қиссамни Ғафур Ғулум номидаги наشريётда ишлаган чоғларида ўқиб чиқиб, муҳаррирликка қабул қилар эканлар:

– Менга асар ёқди, лекин бошқаларга ёқмаслиги, нашрдан чиққанидан кейин қаттиқ танқидга учрашингиз ҳам мумкин, – деб огоҳлантирган эди.


Чиндан ҳам айтганларидай бўлди. Матбуотда илжобий фикрлар ҳам бўлди. Яхши гап кимга ҳам ёқмасди. Аччиқ суз чаён чаққандай дилингни оғритиши мумкин. Муҳими, ёзган асаринг адабий жамоатчиликни безътибор, лоқайд қолдирмаганида.

Менинг бошқа асарларим "Оқсой шалолалари" (қайта ишланган "Оқсой"), "Сайли", "Сайри боғ", "Сузиб борар архарлар" ва бошқа қисса, ҳикоя, ҳатто очеркларим ҳам мунозараларга сабаб бўлган, бировлар яхши деса, бошқалар ёмон деган. Буни табиий ҳол деб биламан. Бундан хафа эмасман. Аксинча, сокин қўл бети шабадада жимирлаб тўлқинлангани каби сўзларим қалбларга етиб, чертиб ўтган, тебратган экан, мен бекорга яшамаган эканман бу дунёда, демак ҳаётимдан рози бўлишга ҳақим бор экан.

Икки қиз, икки ўғлим бор. Катта қизим Холида журналист. Кўп йил турли газета ва журналларда ишлади. Русий забон ўқувчиларни қишлоқдаги жонқуяр тенгдошлари, атоқли ўзбек фан арбоблари ва ёзувчи, санъаткорлар билан таништирди. Менинг баъзи асарларимни таржима қилди. Бошқа қизим Барноҳон меъмор. Тошкентда унинг тархи асосида тикланган иморатлар бор. Ўғлим Улугбек ўқитувчи. Кенжа ўғлим Шербек Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг зоотехника факультетини битириб, Сурхондарёда паррандачилик фабрикасида, Тўйтепа паррандачилик комбинатида хизмат қилди. Ҳозир тadbиркор. Набиралар, эваралар, умри билан берган бўлсин, ўсиб улғайишяпти. Улар ўзларининг айрим "янги" қилиқлари билан мени ранжитишса, баъзи ишлари билан мени қувонтиришади. Ўзим, шуқур, қимирлаб турибман. Ёзаяпман. Ҳали битмаган нарсаларим бор. Зора ўша нарсаларимни кўнгилларга ўтирадиган қилиб, охирига етказа олсам.

Ҳар тонг уйғониб кўзимни очганимда янги кунни ғанимат билиб:

– Ассалом, ёруғ жаҳон! – дея таъзим қилиб, ҳовлига чиқаман.



АДАБИЁТШУНОСЛИҚ

Нилуфар ДИЛМУРОВОА

ВОРИСИЙЛИК ВА ИЖОДИЙ АНЪАНАЛАР ИЛДИЗИ

Аннотация

Мақолада ворисийлик ва ижодий аънаналар замирида ўтмиш билан бугунги кун учун хос бўлган алоҳида илгор тажрибалар ётганлиги ҳақида сўз юритилади. Хусусан, ўзаро алоқадор ҳар иккала омил назарий ва амалий жиҳатдан бениҳоя муҳим саналган турли хил адабий оқимлар ва бадиий маҳорат мактаблари ҳамда турли сўз санъаткорларининг бадиий-эстетик тараққиёт сари элтувчи сабоқларини пухта ўзлаштириш, тарғиб этиш, ниҳоят, ижодий жиҳатдан такомиллаштирган ҳолда ижодий жараёнда қўллашдек моҳиятан юксак даражали эстетик вазифани тақозо этиши алоҳида таъкидланади.

Аннотация

В статье говорится о том, что под преемственностью и творческими традициями лежат отдельные передовые практики свойственные как для прошлого, так и для сегодняшнего дня. В частности, особо отмечается, что эти взаимосвязанные факторы предусматривают по своей сути наивысшую степень эстетической задачи, выраженной в тщательном усвоении, разъяснении и, наконец, в применении в созидательном процессе, творчески усовершенствованном виде, различных литературных течений и школ художественного мастерства, считающихся важнейшими с теоретической и практической стороны, а также уроков мастеров слова ведущих к художественно-эстетическому развитию.

Annotation

This paper talks about separate advanced practices laying under succession and creative traditions common both for the last and present. In particular, it is noted especially that these interrelated factors envisage in their own essence the highest degree of esthetic objective expressed in proper adoption, explanation and, finally, in creative process application in creatively improved appearance of different literary trends and schools of artistic skills that are considered as the most important on the theoretical and practical parts as well as lessons of word-painters leading to artistic-esthetic development.

Таянч сўзлар: ўзбек миллий адабиёти, ворисийлик, адабий аънаналар, бадиий-эстетик тамойиллар, бадиий-эстетик тафаккур, аънавий реализм, реал-мистик воқелик, реал-мистик ва мажозий образлар, романтизм, танқидий-аънавий реализм усуллари, бадиий концепция, рамзийлик, фалсафий-эстетик ва ҳажвий кулги, фалсафий-эстетик психологизм.

Ўзбек миллий адабиёти, дунё адабиётининг ажралмас таркибий қисми сифатида, ворисийлик ва адабий аънаналар намоён этган бадиий-эстетик тамойилларга суяниб ривожланиди. Узоқ йиллар мобайнида миллий сўз санъати заминиде ворисийлик ва ижодий дўстлик алоқалари моҳиятини теран ифода этувчи қонуният чуқур томир отди. Агар ижодий жараёнда шундай муҳим ҳамкорлик амал қилмаса, хусусан, шоир ва

ёзувчиларимиз рус ва жаҳон адабиётининг энг яхши анъаналаридан, Шекспир, Гёте, Бальзак, Пушкин, Тагор сингари мумтоз адибларнинг бой тажрибаларидан бахраманд бўлмаганларидан ўзбек адабиёти ҳозирги тараққиёт даражасига, шак-шубҳасиз, эришмаган бўларди.¹

Дарҳақиқат, истеъдод соҳиблари жаҳон миқёсида муваффақиятли синовдан ўтган ва муҳим қадрият сифатида баҳоланган ворисийлик ҳамда адабий-ижодий анъаналарни қадрлаб қалам тебратишаётгани туфайли адабиётимизда ҳақиқий юксалиш йўли босиб ўтилди, шунингдек, бетакрор миллий хусусиятларини сақлаб қолди.

Ворисийлик ва ижодий анъаналар замирида ўтмиш билан бугунги кун учун хос бўлган алоҳида илғор тажрибалар ётади, хусусан, ўзаро алоқадор ҳар иккала омил назарий ва амалий жиҳатдан бениҳоя муҳим саналган адабий тажрибалар, яъни турли хил адабий оқимлар ва бадий маҳорат мактаблари ҳамда турли сўз санъаткорларининг бадий-эстетик тараққиёт сари элвурчи сабоқларини пухта ўзлаштириш, тарғиб этиш, ниҳоят, ижодий жиҳатдан такомиллаштирган ҳолда ижодий жараёнда қўллашдек моҳиятан юксак даражали эстетик вазифани тақозо этади.

Ворисийлик ва ижодий анъаналарга суяниб изчил қалам тебратётган Аҳмад Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул, Улугбек Ҳамдам, Саломат Вафо ва Исажон Султон ана шу эҳтиёж моҳиятини ижодий концепциялари мағзига сингдириб боришаётгани кузатилади. Миллий адабиёт ва жаҳон адабиётда шаклланган бадий маҳорат мактаблари билан яқин ҳамкорликнинг диққатга сазовор самараси Хуршид Дўстмуҳаммад ижодида яққолроқ кўзга ташланади. Бугунги кун талаблари асосида, адиб ворисийлик қамровини тобора кенгроқ олгани, ижодий анъаналарга изчил суяниш орқали тафаккурий янгиланиш тамойилларини ўзлаштиргани, янгича адабий йўналишлар ва оригинал бадий-эстетик услуб жозибасига эҳтиёж сезгани табиий ҳолдир.

Хуршид Дўстмуҳаммад дастлаб ёзган “Киова кўеши”, “Алам” ва “Кўчиш” каби ҳикоялар шакли ва мазмундаёқ катта ва ўрта авлод орасидан чиққан новатор адиблар янгиланган бадий-эстетик тафаккур тарзининг айрим жозибадор белгилари нишона берган эди. Адиб қўллаган анъанавий реализм ана шу бадий-эстетик белгилар замирида ўзини ўзи ислоҳ қилиш жараёнини бошдан кечирди. Ички ва ташқи бадий-эстетик омиллар асосида амалга оширилган замонавий ислоҳ натижасида “Жажман”, “Васий”, “Ибн Муғанний”, “Кўз қорачиғидаги уй”, “Жим ўтирган одам” каби мажозий руҳдаги ҳикоялари туғилди.

Хуршид Дўстмуҳаммад янгиланган эҳтиёжманд поэтиканинг кенг миқёсли иқлимида фақат ўз услубига тегишли турли адабий тажрибалар ўтказар экан, реаллик ва хаёлотни, мураккаб ҳаётини ва психологик тўқнашувларни асосан ҳиссий шаклда ифодалашга кўпроқ қизиқади, бадий тасаввур, онг ва онг ости жараёнлари билан муттасил ўзаро ҳамкорликда ишлайди, тасаввурида пайдо бўлган ҳолатни макон ва замонда тўхтатиб қўйиб, уни ҳар томондан чуқур ўрганиш ва ифодалаш² учун мунотазам интилади, натижада ботиний ва зоҳирий мантиқнинг жозибавий қўламини белгилаш, моддий ва руҳоний дунё чигалликлари ва ўзлигини тушуниш ҳаракати ягона шуурий призмада йиғилади. Мана шундай бадий-эстетик жараён “Жажман”, “Ибн Муғанний”, “Кўз қорачиғидаги уй”, “Жим ўтирган одам”, “Васий” ҳикояларида, айниқса, яққол сезилади. Адабий танқидчилик томонидан юқори баҳоланган бу ҳикоялар шаклан ва мазмунан оригиналлик касб этгани, ворисийликнинг ибратли сабоқлари, илғор адабий анъаналар ва йўналишлардан озиқланиш самараси ўлароқ туғилгани қувонарлидир.

Фақат Хуршид Дўстмуҳаммад ижоди эмас, миллий ҳикоячилик тарихида салмоқли ўрин тутадиган “Жажман”, реал-мистик воқеалари, реал-мистик ва мажозий образлари тизимига кўра, худди шундай бадий-эстетик критерийларни жамлаган “Афанди ўлмайдиган бўлди”, “Ҳасан Кайфий”, “Мулла Насриддин Афанди ва Шайтон алайҳ улаъна” ҳикоялари билан қавмдошдир.

Аниқроғи, “Жажман”даги доно ва покдомон, куйинчак ва бедор афсонавий Зардушт бобо Ғафур Фулом бадий маҳорати самараси саналган, дониш ва мистик-хаёлий Насриддин Афанди ва Ҳасан Кайфий образлари қиёфадoshiга ўхшайди, муҳими, тўрттала ҳикоя образлари учун тегишли бўлган бадий-эстетик уйғунлик моҳияти жаҳолат, худбинлик, разолат ва хиёнатдан нафратланиш туйғуси билан йўғрилган ҳолда очилади.

Чиндан ҳам Хуршид Дўстмуҳаммад Ғафур Фуломнинг ҳикоячиликда эришган бадий

¹ Наим Каримов. Халқ дилининг таржимони. Абдулла Қаҳҳор “Танланган асарлар”ига ёзилган сўзбоши. – Т.: Ғафур Фулом нашриёти 2007, 8-бет.

² Шухрат Ризаев. Яхши “ёмон” одам ёхуд янгиланган реализм. “Шарқ толдузи” журнали, 2011 йил 3-сон, 163-бет.

маҳорати, яъни эстетик идеални халқона ҳикматларни сингдирган эртақнамо воқелик ва афсонавий образлар воситасида тақдим этиш санъатидан маънавий-маърифий озиқ, бадиий-эстетик сабоқ олди ва ижодий руҳланди.

Айни пайтда адиб, соцреализмнинг ҳақиқатдан маҳрум ақидалари ҳукмрон бўлиб турганига қарамай, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Шукур Холмирзаев каби устоз адиблар ижодидида нишона бера бошлаган янгилиниш мезонларидан ҳам илҳомланди. Адиб шу устозлар ижоди сирларини пухта ўзлаштириш орқали жаҳон адабиёти сарнаҳмаларига ишонч билан юзлангани сир эмас.

Абдулла Қаҳҳор романтизм, танқидий-анъанавий реализм усулларини туташтириш натижасида яратган услуб ҳамда маҳорат мактаби адиб кўз ўнгида ижтимоий воқелик ва бадиий сўз санъати критерийларига янгича муносабат билдириш тимсоли бўлиб гавдаланди. Устознинг сўзни исроф қилмаслик, матни ортиқча пардоз-андозга кўмиб юбормаслик, мантиқ ва фикр ўлчовини оғишмай аниқ белгилаш принципи адиб дунёқарashi ва услуби шаклланишида етакчи омиллардан бири бўлди, пировард натижада, услуби ва шу услуб асоси ҳисобланган бадиий-эстетик қарашлари билан устознинг бадиий-эстетик ва ғоявий қарашлари ўртасида муштараклик белгилари кўринади.

Масалан, агар "Адабиёт муаллими" матни замирида пинҳон киноявий тасвир йўсини билан "Жим ўтирган одам" сюжетига акс этган таги чуқур кесатиқ ва истиораларни мазмунан қиёсласак, адиб устоздан хаёлан оқ фотиҳа олиб қалам тебратгани ва унинг фалсафий-эстетик-ҳажвий кулгига мойил драматик поэтика кўламини теран ҳис этадиган шогирдига айлангани сезилади. Абдулла Қаҳҳор катта маҳорат билан яратган "Даҳшат", "Ўғри", "Бемор" ҳикояларидаги ҳаёт ҳақида образли мушоҳада юритиш, воқеликни рамзийлаштириш хислати ҳам адиб эътиборини тортади, бу хислатни ижодидида жорий этади, натижада ҳар учала ҳикоядаги инсон ёлғизлик жабрини тортиши, табиат, жамият ва ҳаёт оралигида мавжуд диалектик таҳлика оғушида турмуш гаштини суриши даргумон экани, аксинча, ўша ораликда ваҳима босиб зўрга тирикчилик қилиши ва алақабат бемаврий таназул ва ҳалокатга юз тутишини ифода этувчи бадиий концепция "Ибн Муғанний", "Васий" каби ҳикоялари шакли ва мазмуни мағзига сингиб кетади.

Адибнинг устоз ижодидан илҳомланиш даражаси бадиий образлар табиатидаги мутаносибликда ҳам акс этади, масалан, "Оқ либос"даги бетоб она билан "Бемор"даги оғир дардга чалинган аёл тақдирдаги ўхшашлик муҳим бадиий рамзийлик ифодасидир. Таъкидлаш жоизки, "Оқ либос"да тасвирланган, юрт жабру жафо чекаётганини кўриб зиллангана ойназор образи психологияси ижтимоий ноҳақликлар билан алоқадорликда теранроқ таҳлил этилган.

Турли йилларда ёзилган "Қоялардан баландда", "Ибн Муғанний", "Оқимга қарши оққан гул", "Бир томчи симоб", "Қор одам" ҳикоялари таниқли сўз усталари илгари сурган ғоялар, хусусан, табиат ва инсон ҳар тарафлама бирдам эканини ифода этувчи фалсафий-эстетик ва маърифий қарашлардан илҳомланиш самарасидир. Агар "Қоялардан баландда"ни "Турналар" (Саид Аҳмад) ва "Чўлоқ турна" (Шукур Холмирзаев) билан услубий жиҳатдан солиштирсак, бу фикримиз ҳақ эканига тўла ишонч ҳосил қиламиз ҳамда ворисийлик ҳодисаси ижодий анъаналар ва ҳамкорликини кучайтириш, ниҳоят, бадиий-эстетик кашфиётлар қилиш воситаси эканини янада теран туямиз.

Диққатга лойиқ жойи шундаки, агар "Турналар"да эстетик идеал бош қаҳрамоннинг ярадор турнани меҳру муҳаббат билан парваришлаши орқали ёритилса, "Чўлоқ турна"да тухумни бир оёғи ланг ҳолда ёриб чиққан жўжанинг ўз иродаси ва ота-онаси саховатига суяниб улғайиши, турли қийинчиликлар устидан ғалаба қозониши орқали ёритилади, "Қоялардан баландда" ҳикоясида эса нар бургут билан мода бургут орасидаги нозик оилавий муносабатлар, шажарани дахлсиз сақлаб қолиш йўлида улар табиат офатларига қарши кўрсатган жасорат ва матонат тавсифи воситасида тасвирланади. Шунга кўра, "Қоялардан баландда" шаклан ва мазмунан "Чўлоқ турна" билан уйғунлашади, ҳатто қушлар руҳий оламини моддий борлиқдаги турфа манзаралар, масалан, пейзаж ёрдамида ифода этиш борасида ҳам улар ўзаро уйғунлик касб этади.

Эзулик ва гўзаллик, жаҳолат ва хоинлик моҳиятини янгича идрок этиш ҳамда тасвирлаш жаҳон адабиётини юқори поғонага кўтарган модернестик оқим ютуқлари пойдеворидир. Ана шу ижодий тажрибани пухта ўзлаштириш миллий насримизда ўзига хос тенденцияга айланаётгани кувончли ҳолдир. Бугунги кун миллий насрда модернестик йўналиш асосчилари Жеймс Жойс, Альбер Камю ва Франц Кафка қаламига хос фалсафий мушоҳадакорлик ҳамда поэтик жозиба таъсири яққол бўртиб кўринади. Миллий насримиз мана шу жиҳатига биноан, айниқса, жаҳон насри билан

бўйлаша бошлаганини алоҳида эътироф этиш лозим.

Сўз санъатида оригинал мактаб яратган Франц Кафка меросини сеҳрли сўзлардан озиқланган бадиий-эстетик кашфиётлар хазинасига қиёсласа, арзийди. Буюк санъаткор битган ва ҳамон турли мунозаралар туғдираётган ҳикоя-романлар жамият ва ҳаётда мавжуд турли зиддиятлар, ниҳоят, ўзининг мураккаб шахси, дунёқарashi, ақлу идрок ва билими инъикосидир. Мана шундай табиий бирикув моҳияти асарларида бадиий-эстетик кўламнинг эстетик таъсирчанлик қувватини оширувчи, сезимларни исёнкорона тарзда кўзгайдиган фавкулдда психологик ҳолат вужудга келтирувчи восита бўлиб хизмат қилгани, шубҳасиз.

Франц Кафка чуқур фалсафий-эстетик психологизм билан суғорилган “Эврилиш” ҳикоясида миф ва фольклор, ҳаёлот ва мистика омилларидан унумли фойдаланган, ҳатто у эртак каби таассурот уйғотади. Эътиборли томони шундаки, бу асарда санъаткор нуқтаи назари, қолаверса, тасвир объекти бўлган моддий-руҳоний оламни, фақат пухта ишланган мажозий образлар эмас, қайғу-ҳасратлар, армонлар ва изтироблар ифодаси орқали теранроқ англаймиз.

Франц Кафка ижодига хос бундай ижодий тенденциялар Хуршид Дўстмуҳаммад қаламига алоҳида рағбат бағишлагани кузатилади. Чиндан ҳам адиб оғрик ва изтиробни кафкача сеҳрли йўсинда тасвирлаш йўлидан бораётгани учун асарлари тугал бадиий салмоқ касб этмоқда. Масалан, “Кўз қорачигидаги уй” ҳикоясининг яқка шахс маънавий дунёси туғёнларини ифодалаган бадиий услуби ва бадиий концепцияси “Эврилиш”нинг бадиий-эстетик услуби ва бадиий концепцияси билан ўзаро яқинлик доирасида гавдаланади. Бошқача айтганда, “Кўз қорачигидаги уй”да ҳаракат қилувчи номсиз қахрамон ҳолати билан қирқоёққа айланган Грегор Замзанинг жисмоний ва руҳий ҳолатидаги уйғунлик икки адиб дунёқарashi ва бадиий маҳоратига хос муштараклик ифодасидир, қолаверса, кутилмаган вазиятда кўзлари қоронғи уй қиёфасини олган ва шу ҳаёлий уй сарҳадларида адашган номсиз қахрамон Грегор Замза билан тақдирдош экани фикримизни яққол тасдиқлайди.

Хуллас, Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикоя жанрида муваффақият билан амалга ошираётган тажрибалар, миллий адабиёт ва жаҳон адабиётида узоқ йиллар давомида шаклланган ворисийлик ва ижодий-эстетик анъаналар қонуниятларидан озиқланган ҳолда, янгиланиш жараёнини кечираётгани муҳим бадиий-эстетик ҳодисадир. Чиндан ҳам адиб ижодида анъанавий реализм билан модернистик йўналиш поэтик тасвир майдонида доимий равишда бир-бирини тўлдиради, шаклан ва мазмунан ўзаро уйғунлашиб, тафаккурни покловчи ва сезимларни ларзага солувчи халоскор жозибага айланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Наим Каримов. Халқ дилининг таржимони. Абдулла Қаҳҳор “Танланган асарлар”га ёзилган сўзбоши. – Т.: Фафур Фулом нашриёти, 2007, 8-бет.
2. Хуршид Дўстмуҳаммад. Беозор кушнинг қарғиши. – Т.: “Шарқ” нашриёти, 2007.
3. Абдулла Қаҳҳор. “Танланган асарлар”. Т.: Фафур Фулом нашриёти, 2007.
4. Шухрат Ризаев. Яхши “ёмон” одам ёхуд янгиланган реализм. “Шарқ юлдузи” журнали, 2011 йил 3-сон, 163-бет.

Рустам УМУРЗОҚОВ

XX АСР ЎЗБЕК ҚИССАЧИЛИГИДА БОЛА ОБРАЗИ

(Ф.Фулум, Ойбек, Т. Мурод асарлари мисолида)

Аннотация

Ушбу мақолада XX аср ўзбек қиссалари сўз психологияси нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Мақолада психологик тасвир ва сўз психологиясини тадқиқ этиш орқали муаллиф ва қаҳрамон руҳий олами ҳақида умумий хулосалар чиқарилган.

Аннотация

В данной статье анализируются узбекские повести XX столетия своеобразия повестей исследуются с точки зрения психологии слова и делаются обобщающие заключения

Annotation

In this article uzbek stories are analyzed. From the view point of the peculiarities in the stories word psychology learning, and concluded generally.

Таянч сўзлар: қиссачилик аънаналари, психологизм, сўз психологияси, психологик тасвир, руҳий эркинлик, биогенетик омил, социогенетик омил, автобиографик характер, "Мен жамият ичиди" ва "Мен ва жамият" позициялари.

Бугунга қадар адабиётшунослигимизда қиссачилигимизга оид бир қанча тадқиқотлар амалга оширилган.¹ Лекин уларнинг ҳеч бирида, айрим фикр ва бобларни ҳисобга олмаганда, қисса ва психологизм махсус тадқиқ этилмаган.

Биз бадий сўз психологиясини тадқиқ этар эканмиз, қисса жанрига мурожаат қилишимиз табиийдир. Аввало, шуни айтиш лозимки, психологик тасвир жиҳатидан қисса жанри катта аҳамиятга эга. Чунки ушбу жанрнинг бош талаби асар сюжетининг ягона қаҳрамон ҳаётининг драматизмга бой, лирик талқинга мойил лаҳзаларини тасвирлашга асосланган.

Ўзбек қиссачилиги минглаб йиллик тарихга эга. "Халқ китоблари" замонавий қиссачилигимизнинг генезиси ҳисобланади. Қиссаларни бирлаштирувчи умумий хусусият уларда биографик элементларнинг кўпроқ қамраб олинишидир.

Ғафур Фуломнинг "Шум бола" қиссаси юқоридаги каби фикрларга туртки беради. "Шум бола" қаҳратонда қулф уриб гуллаган бодом, Чўлпон ибораси билан айтганда, қор қўйнидаги лола янглиғ кишини ҳайратга солади.² Қисса қаҳрамони асл исми пинҳон тутилган Шум бола, 14-15 ёшли ўсмир йигитдир. У ярим йиллик саргузашти давомида ҳаётнинг барча жабҳаларини, ундаги иқир-чиқирларгача кўздан кечиради.

Агар ерда зулм кўпайса, ижодқор мавзу ва маконни ўша ердан олисга кўчиради, қаҳрамонларини саргузаштга чорлайди ёхуд воқеа-ҳодисаларни арши аълога кўчиради. Ф.Фулум қаҳрамони саргузаштга чиқади. Муаллиф ўз бадий ниятини саргузашт давомида англади боради. Қиссадаги реал воқеликлар ғайришуурий тарзда акс эттирилади. Руҳият биринчи планга олиб чиқилиб, ақл иккинчи даражали қуролга айланади. Агар Шум бола ақл эгаси сифатида гавдалантирилганда бу каби эркинликларга эга бўлмасди ва асар ҳам ҳозиргидек мавқе қозонолмасди. Муаллиф бунинг англаган ҳолда ўз қаҳрамонига катта руҳий эркинлик беради. Бадий асарда руҳий эркинликни таъминлаш эса бадийликнинг муҳим асоси саналади.

Биз тадқиқ этаётган қиссада руҳий кечинма ва туйғу болада ривожланган бўлиб, уни шакллантириш, бутун бошли мафқурага қарши қўйиш, ақл билан тизгинни бошқариш

¹Қаранг: Норматов У., Насримиз уфқлари, Т., 1974, Улуғов А., Замонавийлик ва халқчиллик. Қиссачилигимиз қирралари, Т., 1991, Холмуродов А., Ўзбек қиссачилиги: тараққиёт муаммолари (XX аср сўнги чораги), ф.ф.д. диссертацияси, Т., 2008 ва бошқалар.

² Норматов У., Ижод сеҳри, Т.: "Шарқ", 2007. Б. 146.

ёзувчининг ўзида қолган. Муаллиф ва қаҳрамон ўртасидаги ақлий ва руҳий асослар уйғунлашиб асар бадиий қимматини таъминлаган.

Шум боланинг ўсмир ёшда бўлиши диққатга сазовор. Ёш даврлари психологиясига кўра, у ўтиш даврини бошдан кечириётган, ривожланаётган ўсмирдир. Бу даврда ўсмирнинг "мен"и қайтадан шаклланади. Унинг атрофидагилари, айниқса, ўз-ўзига муносабати, қизиқишлари, қадриятлари йўналиши кескин ўзгаради. Психологлар ўртасида ёшни давраштиришда тафовутлар бор, лекин барча психологларнинг таснифига кўра ҳам Шум бола ўсмирдир. Психолог Д.И.Фельдштейннинг фикрича, шахс шаклланиши жараёнида иккита катта тараққиёт босқичини босиб ўтади. Бу "Мен жамият ичида" ва "Мен ва жамият", деган позициялардир. Бу босқичларни босиб ўтиш учун шахсга камида беш-олти йил керак бўлади. Шум бола эса, олти ой ичида бу босқичлардан ўтиб, ўз-ўзини англашга етиб боради. Бундан англашиладики, Шум бола динамик тарзда ривожланувчи характер, унинг характери динамикасига ижтимоий ҳаёт ҳодисалари туртки беради.

Ижод ахли эркинлик кишилари эканлигига ва ижод маҳсули эркинлик меваси сифатида майдонга келишига шубҳа йўқ. Ғ.Ғулумнинг онг остида ҳаммиша руҳий эркинликка ташналик яшаб келган. Хукмрон мафкура тазйиқи остида бу ташналик яна ҳам ортган. Руҳий ташналикни ифодалаш учун унга рамзий образ, айнан Шум бола керак эди. Муаллиф унга бадиий, рамзий сўз воситасида ўзидаги руҳий ташналик, ўткир юморни юклай олган. Натижада, Шум бола ўсмирликдаёқ ўз-ўзини англаган, етарли даражада мукамалликка эришган бадиий образ сифатида гавдаланган.

Ойбекнинг "Болалик" қиссаси автобиографик характерда бўлиб, унинг бош қаҳрамони – Мусавой, яъни болажак адибнинг ўзидир. Қисса бола тилидан ҳикоя қилинади. Ундаги воқеалар Ойбекнинг болалик хотираларидир, лекин муаллиф фақат хотиралар билан чекланиб қолмасдан, ўша даврнинг йирик воқеаларини ҳам тасвирлайди.

Қисса воқеалари XX асрнинг 10-йилларида кечади. Бу давр адибнинг айни болалик давридир. Адабиётшунос А.Расуловнинг таъкидлашича, "Ойбек даврларни яхши эслайди. Аникроғи, XX асрнинг 10-йиллари воқелиги одамлари Ойбек ижодининг ўқ илдизидан бирини белгилайди. У "Бобом", "Болалик", "Бахтигул ва Соғиндиқ", "Улуғ йўл" асарларида шу даврни тасвирлайди. Демокримизки, Ойбек ижодини ўрганганда биографик методни зинҳор унутмаслик керак".³

Бизнингча, бадиий сўз таҳлилида асар моҳиятини бевосита матн орқали англаган муҳим. Яъни муаллифдан матнга эмас, матндан муаллифга томон борган маъқул. Гарчи, "Болалик" қиссаси воқеалари мемуар тарзда бўлса ҳам, муаллиф унга бир қанча ижтимоий руҳ бағишлайди. Бу нарса асарнинг кейинги бобларида ижтимоий воқеаларнинг ёрқинлашувида кўринади.

"Болалик" қиссасидан бола ривожланишида ижтимоий муҳит ва социогенетик омиллар муҳим эканлигини англаш мумкин. Чунки Мусавойнинг ҳаёти асосан ижтимоий муҳитда: бозорда, кўчада ўтади. Мусавой ҳам Шум бола каби ўсмир йигит. Фақат Ғ. Ғулум Шум боланинг 5-6 ойлик саргузаштини тасвирласа, Мусавойнинг камида ўн йиллик ҳаёти акс эттирилади. Унинг ёши (4-14) муаллиф томонидан аниқ кўрсатилади.

Шум бола қиссага тайёр ўсмир сифатида кириб келади. Унинг ҳаракатлари ва дунёқарashi динамик тарзда ривожланади. "Болалик"да эса ўзгача ҳолат. Мусавой болалиқдан ўсмирликкача бўлган даврни тадрижий тарзда босиб ўтади. Натижада, қиссада тасвир кўлайиб кетади. Бу эса қаҳрамон руҳиятини ички туғёнлари билан тасвирлашни чеклагандай бўлади. "Шум бола"да эса ҳаракат кучли. Ғ. Ғулум қаҳрамони турли вазиятларда ўзини тутиши, қилиқлари, гап-сўзлари билан ўзини тўла намён этади.

Маълумки, қаҳрамон руҳияти монолог ва диалогларда очилади. "Болалик"да диалогларга катта вазифалар юкланмаган. Мусавойнинг диалоглари фақат тенгқурлари ва танишлари доирасида бўлади. Шум болани эса, биз диалоглардан англаймиз, у ҳаётнинг барча табақа вакиллари билан мулоқотга киришади ва уларнинг кўпида ғолиб келади.

Ойбек автобиографик услубни кўллаб ўзини бироз чеклагандай бўлади. Қаҳрамонига Шум бола каби тўла эркинлик бера олмайди. Шундай бўлса-да, кўп ўринда руҳиятидаги эрка ташналикни қаҳрамонига кўчиришга уринади. Масалан, "Мактаб жаҳаннам каби туюлади. Ҳар соат, ҳар дақиқа "озод" сўзига интизоримиз".⁴ Парчадаги "озод" сўзи фақатгина "танаффус, уйга жавоб" маъносидан эмас, унда бир умр тазйиқ остида яшаган муаллифнинг руҳияти ҳам акс этган. Матнда "озод" сўзи кўлланишининг ўзи муаллифнинг руҳий эркинликка ташна бўлганини кўрсатади.

80-йиллар қиссачилигини Т.Муродсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айтиш мумкинки, бу давр қиссачилигини хулосалашда Т.Муроднинг ижодий янгилигини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Т.Мурод икки даврда: якун топаётган ва қарор топаётган даврда ижод

³ А. Расулов. Бадиийлик – безавол янгилик. – Т.: "Шарқ", 2007. – Б. 200-201.

⁴ Ойбек. Болалик. – Т.: "Шарқ", 2008. – Б. 67.

қилди. У қиссачилиқда бир қанча янгиликларни амалга оширди. Буни унинг "От кишнаган оқшом" қиссаси мисолида кўриш мумкин.

Қиссанинг бош гоёси — инсонийлик. Ундаги воқеалар барча қиссаларга хос равишда кетма-кетликда содир бўлади. Қиссадаги воқеалар Зиёдулла кал атрофида бирлашади. Зиёдулланинг жисмоний нуқсони бор. Унинг нега кал бўлиб қолгани маълум эмас. Жамият кулгуси туғайли у "бешинчи синф калла"си билан қолиб кетади. Шу тариқа қисса воқеалари ривожланади. Бир томондан, Зиёдулланинг каллиги жамиятга қарши бўлишга бир баҳона бўлса, иккинчи томондан, унинг характерини шакллантиради, яъни у, ўзи тез-тез таъқидлаб тургандек, араз урушни яхши кўрадиган, ўжар кимсага айланади. Қисса аввалиданоқ унинг характери шаклланади. У от сотиб олиб (от — табиат рамзи) бутун жамиятни фош қилишга киришади. Руҳшунослик манбаларидан маълумки, реал ҳаётда ҳам жисмоний нуқсонли кишилар Зиёдулладаги каби хусусиятларга эга бўладилар, уларда ўзларини жамиятга солиштириш натижасида ўжарлик, тескари оппозицияда туриш етакчи бўлади. Қиссада Зиёдулланинг ҳаракатлари табиий чиққан. Биз унинг жамиятни фош қилувчи кучидан ҳайратланамиз ва унга хайрихоҳлик билдирамиз.

Қиссада табиат ва жамият муаммоси илгари сурилди. Зиёдулла табиат ва жамиятни бирлаштирувчи, бунинг натижасида жаҳрланувчи характердир. У ноҳақликка чидалмайди, ноҳақликни кўрса, қараб туролмайди. "Орачига — олти таёқ"лигини билса-да, бозордаги муштлашишда ноҳақ калтак еганининг ёнини олади, ўзи ҳам калтак ёйди. Адолат қарор топиши учун неча бор районга қатнайди, ҳақиқат учун гувоҳлик беради. Натижа эса бошқача бўлади, безорилар қўтилиб қолади ва Зиёдуллани топиб келиб калтаклайдилар.

Қисса давомида қахрамонимиз етмишга яқин ўринда жамиятга "биродарлар" деб мурожаат этади, ammo жамият биродарлик қилмайди. Қисса сўнггида Зиёдулла жамиятдан юз ўгиради, фақат Тарлоннигина "биродарим", деб атайди. Тарлон психологик тимсолдир. Унда муаллифининг қахрамоннинг руҳияти намоён бўлган. Зиёдулла ва Тарлон ўртасида руҳий яқинлик бор, улар ҳаммиша бирга ҳаракатландилар.

Қиссада "биродарлар, улоқ, кўпқари, тўй, от, Тарлон, катта" каби сўзлар рамзий маънода қўлланган, уларга маълум вазифалар юклатилган бўлиб, Зиёдулла руҳиятини, умуман, ўша давр реал ҳаётини англашимизда бизга калит сўз вазифасини ўтайди.

Бадиий матн нуқсонсиз бўлмайди. Қиссада муаллиф одамлар лоқайдлигини янада бўрттириш учун бозорда кучук эпизодидан фойдаланади. Бу эпизодни адабиётшунос Ҳ. Каримов жуда характерли деб ҳисоблайди ва қилинаётган ваҳшийликка ит чидай олмаган, унинг эгаси балиқпаз эса бепарво, деган хулосага келади.⁵ Умуман олганда, ёзувчининг мақсади ва чиқарилаётган хулоса тўғри, лекин оломон тўла бозорда "майдагина қора бир кучук"нинг бемалол юриши ва одамларга ташланиши реалистик услубга бироз мос тушмаган. Бундан ташқари, Зиёдулланинг самолёт деразасидан булутларни кўриб пахта дейиши ҳам ишонарсиз чиққан, ҳар ҳолда "бешинчи синф калла" билан қолиб кетган бола ҳам булут билан пахтанинг фарқига бориши керак эди. Умуман, Зиёдулланинг Москвага бориши қиссада вазифа бажармаган, фақат у воқеаларга гувоҳ бўлиш учун бориб келади, унда иштирок этмайди.

Яхлит олганда, бу каби жузъий камчиликлар қиссанинг умумий қиммати ва янгилигига раҳна солмайди. Қисса услубининг янгилиги, унда қахрамон руҳияти тасвирининг етакчилиги, ички ритмнинг мавжудлиги билан 80-йиллар ўзбек қиссачилигининг безагидир.

Хуллас, таҳлилга тортилган қиссаларда сўз психологияси ва психологик тасвирларга кенг ўрин берилган. Қолаверса, уларнинг яна бир характерли жиҳати, уларда бола образларининг мавжудлигидир. Чунки муаллиф асарда бола образини яратишдан мўйайн бадиий мақсадни кўзлайди, унинг руҳий эркинликка бўлган ташналиги бола образида мужассамлашади. XX аср ўзбек қиссачилигининг ривожланиши унда инсон руҳий олами кенгроқ тасвирлашга уринишда намоён бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Боймуродов Н. Амалий психология. — Т.: Янги аср авлоди, 2009.
2. Воҳидов М. Болалар психологияси. — Т.: Ўқитувчи, 1982.
3. Выготский Л. Психология искусства. — М.: 1968.
4. Қахрамонов Қ. Адабий танқид ва ўзбек болалар адабиёти. — Т.: 1991.
5. Қосимов А. Адабиётда болалик маънавий-ахлоқий категория сифатида. (фил.ф.н.дисс.) — Т.: 1997.
6. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. — Т.: 2004.
7. Улуғов А. Қиссачилигимиз қирралари. — Т.: 1991.
8. Фрейд З. Введение в психоанализ. — М.: Наука, 1991.

5 Ҳ.Каримов. Наср бахсиси. Т.Муроднинг адабий портрети. — Т.: Янги аср авлоди. 2003. — Б. 41

Гулноза БОБОБЕКОВА

ЛИРИК КЕЧИНМА ВА ПОЭТИК ОБРАЗ МУНОСАБАТИ

Аннотация

Ушбу мақолада лирик кечинма тушунчасига алоҳида ургу берилган. Унинг ифодасида ўз ўрнига эга бўлган поэтик образлар ва уларнинг замонавий қиёфаси кузатишган. Хусусан, бу ҳолат Ҳалима Худойбердиева ижоди мисолида ўз ифодасини топган.

Аннотация

В данной статье особенно выделены понятия о лирических происхождений. В её объяснениях находят своё место поэтические образы и рассматривающая их современные лица. Это положение рассматривающая в работах Худойбердиева.

Annotation

In this article a special stress is given to the concept of lyric event. In aspect of it is observed important poetical characters and their modern expressions. Especially, this state finds its reflection in the creation of H.Xudoyberdiyeva.

Таянч сўзлар: поэзия, лирик кечинма, поэтик образ, лирик қахрамон, ҳиссий ифода тадрижи.

Бугунги истиқлол даври адабиётшунослигида поэзиянинг тадқиқиға эътибор катта. Шеърининг ўзига хос хусусиятлари, мазмун ва шакл бирлиги, унинг инсон рухий ва маънавий дунёси билан узвий муносабати ҳақида адабиётшунослар турлича фикрлар билдирганлар. Илмий изланишлар натижаси ўлароқ шеърға шундай таъриф берилди: “Оҳанг жиҳатидан маълум тартибга солинган, ҳис-туйғу ифодаси сифатида вужудга келган ўлчовли ва ҳаяжонли ритмик нутқ шеър (назм) дейилади”.¹ Демак, шеър инсон ҳиссий ва рухий оламининг маҳсулидир. Бундан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, шеър асосида кечинма ётади. Инсоннинг борлиққа бўлган муносабати, ўй-хаёллари, орзулари – жамки туйғуларининг тартибли тизилиши натижасида шеърнинг мазмуни – лирик кечинма ҳосил бўлади. У “Шахсан ҳис қилинган, кўнгил кўзгусида йўғрилган, тасаввур қилинган ҳамда ўйланган ҳолда гавдаланмоғи лозим”.²

Лирик кечинма атамаси XX асрнинг 30-йилларида жаҳон адабиётшунослигида пайдо бўлган бўлиб, у инсон туйғуси, ўйлари деган маъноларни ифодалаб келган. Унинг ифодасида турли воситалар фаол ва яхлит ҳолда иштирок этади. Хусусан, лирик кечинманинг етакчи образ, кечинма образи, поэтик образ ва поэтик пейзажлар, оҳанг, ритм ва бошқалар ёрдамида ифода этилиши шулар жумласидандир. Бу воситаларнинг барчаси бирдек “имтиёз”га эга бўлиб, шеърда лирик кечинма фақат бир восита орқалигина ифода этилади, дея олмаслигимизни исботлайди.

Лирик кечинма ва поэтик образлар муносабатида яширин рамзийлик, баъзан очиқ мазмуннинг бурттириб ифодаланиши каби қатор муносабатлар кўзга ташланади. Бу алоқадорликни таниқлик шоира Ҳалима Худойбердиева ижоди мисолида таҳлил қилишни мақсад қилдик.

Ҳ.Худойбердиева шеърларида умр тимсолини турли поэтик образлар воситасида яратган. Масалан: фасллар, от, қайиқ образлари умрнинг гоҳ “тезобин”, гоҳ “дарё тошқинларидай тошар баҳорга”, гоҳ “қишда милдираб” ўтиши хусусидаги лирик қахрамон кечинмаларини ўзида акс эттиради:

Кўклам-ку, бепарво ўтаверади
Қайта келаверар яна бир замон.
Менинг умр кемам елиб боради,
Ўша қиш аталмиш қирғоққа томон.³

¹ Бобоев Т. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: 1979. – Б. 152.

² Гегель Ф.В. Эстетика. Том 3. – 1971. – Б. 504.

³ Ҳалима Худойбердиева. Буюк кўшлар. – Т.: Ўзбекистон. 2012. – Б. 42.

Бу мисраларда кўклам – ёшлик, навқирон умрнинг тимсолида, қиш эса кексалик рамзи мисолида гавдаланган. Умр эса аънавий йўсинда елиб бораётган кемага ўхшатилади:

Умр оти чопагон жуда,
У йўлдадир, йўлдадир ҳар чоқ.
Биз ҳам доим унинг устида –
Тутолмаймиз жиловни бироқ.

Навбатдаги шеърда эса умр чопагон отга ўхшатилади. Биз унинг устидамиз-у, унинг жиловини тортолмаймиз, яъни умримиз – ўтаётган фурсатларни тўхтата олмаймиз. Мисралар давомида отга минг ёлборманг ҳаракатланишдан бир зум ҳам тўхтамаслиги, умр – от инсоннинг аҳволига беларволиги тасвирланган:

Манзилга ё мевадек пишиб –
Ё гўр ҳолда етиб борамиз.
Билолмаймиз йироқ ё яқин –
Қанча қолди манзилга ҳали.⁴

Шоиранинг “Болакай” номли шеърида умр қайиққа қиёс этилган. Қайиққа ўтирган болакайнинг атрофга жовдираб боқиши лирик қахрамонни ўйлар гирдобига ташлайди. У болакайга ҳаёт ҳақиқатидан сўзлайди:

Болакай ўлтирар қайиққа,
Гоҳ боқар атрофга жовдираб.
Ҳайдагил қайиқни ҳайиқмай,
Болакай, қолмагил довдираб.

Лирик қахрамон болакайни “қайиқ ястанган бекайғу” инсонлардан йироқ бўлишга ундайди. Уларни шундай таърифлайди:

Юкларин бировга ортган у,
Ўзи ҳам бировга юкланиб.

Бундай инсонларнинг тақдири аянчли бўлишини уқтиради:

Умрбод эмасдир бу айши,
Кўраркан оқимнинг тезобин,
Қачондир беллари қайишиб
Тортар у эшкакчи азобин.

Шеър якунида қахрамон болакайни олдинга дадил қадам ташлашга ундайди, унга тасалли, далда беради:

Эшкак торт, қулочни кенгроқ ёз,
Эшкакчим, мардим, биз йўлдамиз.
Қўрма, гоҳ қийналиб қолса жон
Шамол мадорни кетказиб.⁵

Юқорида келтирилган мисраларда ҳам лирик қахрамоннинг ҳаёт, умр ҳақидаги қарашлари, ҳиссий эмоционал кайфияти, кўнгил кечинмалари поэтик образларнинг иштирокида янада таъсирчан ифодага эга бўлган. Бу тасвирларда ўхшатиш (ташбеҳ) санъатининг қўлланиши шеър поэтикасида муҳим ўрин эгаллаган. Поэтик образлар лирик қахрамоннинг ҳиссиёти ва фикрини умумлаштиришга хизмат қилган. Бу воситалар ҳақиқий поэзия яратилишида ўз ўрнига эга. Бунинг натижасида инсон қалбининг нозик томонлари тадқиқ этилади. Зеро, “Чинакам лирика бошқа ҳар қандай поэзия каби инсон юрагининг чинакам мазмунини ифода қилиб бериши керак”.⁶

Ҳалима Худойбердиеванинг навбатдаги шеърида “қарға”, “қалдирғоч” поэтик образлари ҳам асл маъносиди, ҳам рамзий маъноларда қўлланган:

Эмишки, бир хонадонга ўт кетса бутун,
Қарға бир чўп ташлаганмиш, ёнсин деб такрор,
Қалдирғоч бир томчи ёшин тўккан эмиш хун –
Қиёқ тилли бу оловда қилмаса ҳамкор.⁷

⁴ Ўша китоб. – Б.44.

⁵ Ҳалима Худойбердиева. Буюк қушлар. – Т.: Ўзбекистон. 2012. – Б.46.

⁶ Турдимов Ж.Б. Лирик кечинма табиати. (Фил.фан.ном.дисс...автореф). – Т.: 1991. – Б.8.

⁷ Ҳалима Худойбердиева. Буюк қушлар. – Т.: Ўзбекистон. 2012. – Б.84.

Бу бандда поэтик образларнинг асл маънолари сақланган ҳолда қушларнинг характерлари очиб берилади. Кейинги бандда илгари суриладиган мазмун, фалсафий қараш учун замин ҳозирланади. Лирик қаҳрамоннинг Ватан ҳақидаги фалсафаси илгари сурилиб, Ватан нелигини англамайдиган, унга қарши ҳаракат қиладиган хоинлар ватан учун арзимас бўлган жонини ҳам фидо қиладиган унинг равнақи учун ўз ҳиссасини қўшадиган инсонларни қалдирғоч поэтик образида жамлаб тасвирлайди. Бу мисраларда қуш тимсоллари ифодалаган рамзий маънолар орқали лирик қаҳрамоннинг ватанпарварлик туйғулари талқин этилади.

Шоиранинг “Менга айт” номли шеърида лирик қаҳрамон сирдошга муҳтож инсонларга мурожаат қилган. Уларнинг ойга, қуёшга, тоғга, чўққига, жилғага, тошга сир айтишини маслаҳат бермайди.

Жилғага сир айтсанг, тоқатинг битиб
Чулдираб, шўх қаҳ-қаҳ отиб кетади.
Тош, харсанг оралаб, паналаб ўтиб
Кимгадир сирингни сотиб кетади.

Мисралар сўнггида лирик қаҳрамон инсонга мурожаат қилади. Бутун сирларингни “Менга айт...” дейди. Бунинг сабабини шундай изоҳлайди:

Менга айт, менинг бир қалъам бор тинч, кенг,
Бу – юрак, мен уни чуқур ўяман.

Ушбу шеърларда лирик қаҳрамоннинг ўй-фикрлари турли поэтик образлар воситасида аниқроқ баён этилади. Ҳар бир образ лирик қаҳрамон кечинмаларининг изҳори учун хизмат қилади. Бундан кўринадики, лирик кечинма ва поэтик образлар ўзаро инсоннинг ҳиссиёт ифодаси учун ҳам муносабатга киришар экан. “Кўпинча шоир қалбидаги орзу-истаклар билан реал ҳаёт воқелиги орасидаги зиддият ёхуд уйғунлик ҳам турли мазмундаги кечинма – ҳислар ифодаланган шеърлар тугилишига сабаб бўлиши мумкин”.⁸

Ҳ.Худойбердиева “Дарахт фарёдидан беҳабар” номли шеърида дарахт поэтик образи орқали аёл тимсолини яратади. Дарахт ва аёл бардоши бир-бирига ўхшатилади. Лирик қаҳрамон дарахтларнинг қиш келиши билан барглари тўкишини боласидан айрилган аёлга ўхшатади. Барглар тимсолида фарзанд сиймоси яратилади:

Дарахт бардошидан қилса бўлар тож,
Қўрғошин уйларга чўмиб келган пайт.
Қишнинг эшигида ўзи яланғоч,
Барглар, болаларин кўмиб келган пайт.

Лирик қаҳрамон дарахт бардошига лол қолади. У фарзанд доғининг сўнги ҳолатини шундай изоҳлайди:

Дарахт кўз ёшини кўз-кўз қилмайди,
Дарахт ўз ёшини ичга оқизар...

Мисра охирида лирик қаҳрамон аёлга мурожаат қилади. Унга ўз тилаklarини билдиради:

Куз олмасин бирор болангни,
Дарахт фарёдидан беҳабар ўтгин!⁹

Ёки “Билмаган дарахт” номли шеърда эса дарахт поэтик образи лирик қаҳрамоннинг афсус-надоматларини, армонларини ифодаловчи восита сифатида иштирок этади. Лирик қаҳрамон ўзининг метиндек кучи, бардоши бўла туриб уни билмаганидан, ундан фойдалана олмаганлигидан афсусда:

Ўз кучи, ўз бардошини билмаган дарахтман мен...
Битта жойдан жилмаган дарахтман мен.

Ундан кимлар фойдаланади, унга зиён ҳам етказишади. Лекин лирик қаҳрамон-чи? Мен-чи,
Бировлардан бир барг юлмаган дарахтман мен.¹⁰

⁸ Турдимов Ж.Б. Лирик кечинма табиати. (Фил.фан.ном.дисс...автореф). – Т.: 1991. – Б.8.

⁹ Ҳалима Худойбердиева. Буюк қушлар. – Т.: Ўзбекистон. 2012. – Б.483.

¹⁰ Ўша китоб. – Б.594.

Бу тарзда ифодаланган ҳиссий ифодалар тадрижи лирик қаҳрамон туйғуларидан ташкил топади.

Шоиранинг “Дарахт сезади” номли шеърида ҳам дарахт образи воситасида инсоний қусурлар, камчиликлар баён этилган. Лирик қаҳрамон дарахтлар ва инсонларни ўзаро қийёслайди. Уларда бўлган аҳилликни инсонларда йўқлигидан ўқинади:

Дарахтларам сезади кузни,
Кирарлар бир-бирин пинжига.
Бизлар кира олмаймиз дўстнинг
Сумбуладай ишқ соғинчига.

Лирик қаҳрамон фикрича, улар ҳам худди инсонлар каби оғир кунларни, оғир дамларни босиб ўтаркан. Лекин улар инсонлардан фарқли равишда бир-бирига ҳамдард бўлиб суяна олади. Инсонлар-чи?

Дарахтларам қийналар оғир,
Улар бир-бирини суяйди.
Одам... бир-бирига бермас сир,
Фақат одам ёлғиз куяди.¹¹


Юқоридаги таҳлиллардан кўринадики, кўчма маънода қўлланган поэтик образлар ҳам лирик қаҳрамон руҳияти ифодасида ўз ўрнига эга.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, лирик кечинма ва поэтик образлар муносабати юқорида кўриб ўтилганидек, лирик кечинманинг бўрттириб ифодаланишига, таъсир доирасини оширишга, ҳиссиёт узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ҳиссиёт ва фикрни умумлаштиришда, фикрни аниқроқ баён этишга, ҳиссий ифодалар тадрижиги ҳам имконият яратади. Поэтик образлар кўчма маънода ҳам қўлланиб, лирик қаҳрамон руҳиятини ифода этиши мумкин. Бундан кўринадики, бу муносабат турли қирраларда намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бобоев Т. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1979.
2. Норматов У. Ижод сеҳри. – Т.: Шарқ, 2007.
3. Гегель. Эстетика. Том-3. – М.: 1971.
4. Турдимов Ж.Б. Лирик кечинма табиати. (Фил.фан.ном.дисс.авторeref). – Т.: 1991.
5. Ҳалима Худойбердиева. Буюк қўшлар. – Т.: Ўзбекистон, 2012.

¹¹ Ўша китоб. – Б.621.



НАЪМ

Собир ҲАКИМОВ

1963 йилда тугилган. Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг ўзбек ва қozoқ филологияси факультетини тамомлаган. Ҳозир Марҳамат туманидаги 3-сон мактаб-интернатда ишлайди.



ОЛИСЛАРДА ҚОЛГАН МАЛАИМ

Иқро

Менга нима бўлди,
Нима қилдинг, вақт?
Шабнамдай соф эдим
Айнигандайман.
Кунларим шаробин узатади: талх
Шаклим мусулмону гайридиндайман.

Инсофу диёнат чегарасини
Билмадим. Билмадим, қачон ҳатладим.
Хайронман. Дўстларнинг энг сарасини
Кўзимни лўқ қилиб бугун алдадим.

Ишонди у менинг ёлгонларимга
Гўё тинлагандай тирдан ақида.
Юзларим қизармай туққанларимга
Фалсафа ўқидим иймон ҳақида.

Оёққа тин бермай топилган ризқим
Ҳалол ва макруҳнинг оралигида.
Ютилган луқмамдан келмайди қусгим,
Бу ҳам манглайимнинг қоралиги-да...

Қошинга бордимми бел бойлаб қойим,
Онажсон, кунинга қачон ярайман?
О, кўзлари мунчоқ ойдин болалик,
Энди кўзларинга қандоқ қарайман?..

Менга нима бўлди,
Нима қилдинг, вақт?..

* * *

Сочларимга оралабди оқ,
Ёшлик, сендан кетгим йўқ менинг.
Юрагимга инди бир титроқ,
Ёшлик, сендан кетгим йўқ менинг.

Сунбулларга сўйлаб шеър – ғазал.
Умр ўтди – ўтган кун гўзал,
Сен ҳам энди топдингми ўсал,
Ёшлик, сендан кетгим йўқ менинг.

Олисларда қолган малагим,
Гарчи йўқдир сенга керагим,
Қирқимда ҳам куяр юрагим,
Ёшлик, сендан кетгим йўқ менинг.

Кексаликни бўйнимга ортар,
Йиллар мени йўқликка элтар,
Бир кунгина ортимга қайтар,
Ёшлик, сендан кетгим йўқ менинг.

Водийларда яйраган кўзим,
Ўзинг нолам, ўзингсан бўзим,
Оҳанглarga айланган сўзим,
Ёшлик, сендан кетгим йўқ менинг.

* * *

Мен бир кун ишқ богин султони бўлдим,
Энг нозик пардасин чертдим торимнинг.
Рақсини қузатиб капалакларнинг,
Сочларин ўйнадим дилоромимни.

Тақдир ҳам қумсоат – тўнқарилди тез,
Айрилик ошимга намагин солди.
Юрагим тубида бир тумор каби
Ўшал гулрухсорнинг ҳижрони қолди.

Капалаклар менга парвона бўлди,
Кўнглим юм ишлади – девона бўлди,
Сўнг уйлар тикладим қошона бўлди,
Мусофир элига ҳамхона бўлдим.

Ровийлар тилидан бир мужда кутиб,
Йиллар ўтди. Қисмат қилмади шафқат.
Хабарин тингладим олти иқлимнинг
Еттинчи мусофир келмади фақат.

Бобомнинг кўргони

Бостирма тагида занглади кетмон,
Олмурти қуриди. Кесилди тўти.
Боғи Эрам бўлиб кўринган кўрган
Бобомнинг ортидан ўчмоқда қути.

Лабида жамбиллар қулган ариқча,
Уни ҳам хазонлар тўлдириб қўйди.
Мевасин бир юзи битта қийиқча –
Олмалар ўтинга айланди-қўйди.

Ҳовлининг саҳнида кўмилди излар,
Биргина қалдирғоч бундан кетмади.
Тушган жойларида тош бўлди қизлар,
Ўғиллар қўлига кетмон тутмади.

Дувуллаб тўкилар уйнинг шувоғи,
Кўринмас бир пичоқ тиглаётгандай.
Бу кўрган ҳеч кимга дардини айтмай
Етим бола каби ишглаётгандай...


Қизил олма

Сув бўйида ўтиргандим
Оқиб ўтди қизил олма.
Рўпарамга келганда бир
Қалқиб ўтди қизил олма.

Кўнги деди: “Кўлни узат,
Шундан қолма, иундан қолма!”
Ўз-ўзини кўз-кўз қилиб
Оқиб ўтди қизил олма.

Кўнглимнинг гул кўчалари
Кенг дунёдан кенг экан-да.
Бу дунёда авваламбор
Тенгингизни денг экан-да.

Кўл узатиб қолавердим,
Оқиб кетди қизил олма.
Рўпарамга келганда бир
Қалқиб кетди қизил олма.



НАЗМ

Ҳабибулла ҲОТАМҚУЛОВ

1947 йилда туғилган. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетида таҳсил олган. Марҳамат туманидаги "Оқ олтин", Жиззах вилоятининг "Жиззах овози" газеталарида фаолият кўрсатган. Шеърин асарлари билан матбуотда тез-тез чиқиш қилиб турган. 2003 йилда вофот этган.



ҲАЁЛИМГА МАНГУ ЧИЗИЛГАН

Йўлим

Хайр, қишлоқ...
 Тупроқ қизиган
 Йўлларингни мен тарк этаман.
 Ҳаёлимга мангу чизилган
 Одамларинг олиб кетаман.
 Ўйин-кулгу кўнглимга урди,
 Қалбда эса орзуларим мўл.
 Мен юзимни уфққа бурдим,
 Унда кутар из тушмаган йўл.
 Бу йўл мени элтар қуёшга...
 Уни бир-бир севаман, ўтиб.
 Олиб юриб, бораркан бошқа
 Дунёларга кетаман ўтиб...

Тошкентга

Ассалом, ўзбекнинг бош шаҳри, салом,
 Ўзи кекса, қалби ёш шаҳри, салом.
 Иссиқ меҳрин олиб келдик Жиззахнинг
 Меҳринга қўшилсин Шош шаҳри салом.
 Кўксидан нур сочган офтоб Жиззах бу,
 Одамлари мағрур, шитоб Жиззах бу,

Бироз гинаси бор тарихчилардан
 Ўтмиши ёпиқлик китоб Жиззах бу.
 Бағри хазинали чўлимиз кенгдур,
 Жиззахдан Тошкентга йўлимиз кенгдур.
 Қабул эт юракдан саломимизни,
 Нур билан йўғрилган каломимизни.
 Ассалом, ўзбекининг бош шаҳри, салом,
 Бош шаҳри, қадимий Шош шаҳри, салом.

Бобур

Шоир ва ҳукмдор – олов билан сув,
 Бир томирда оқмас иккисин қони.
 Ажабким, қолдинг шеър юртида мангу
 Ва улкан давлатнинг бўлдинг хоқони.
 Бир қўлда қилчу бир қўлда қалам
 Жанг қилдинг, юракда газал вулқони.
 Қиличинга эғди бош ярим олам,
 Қаламинг забт этди бутун дунёни.
 Сени фотиҳликка ундаган чоғда
 Томирингда оққан аجدодлар қони.
 Қалам ҳам тутқазди юртдан йироқда
 Согинча қоврилган юрагинг сени.
 Менинг Бобур бобом, сен чеккан алам
 Қийнаб келмоқдасиз ҳануз дунёни.
 Бугун қилч эрур ҳар битта қалам
 Ва аскар аталгай шоирнинг номи.
 Ярми оқ ва ярми қора замонда
 Қалам аҳли йўқдир ўзга имкони.
 Кимдир қон тўкишга шайланган онда
 Шоир жим турарми бўлса иймони?
 Шеърпарастлик балки сендандир мерос,
 Ахир, мен ҳам сендай барлос ўғлони.
 Кимнинг қалби дардли дер шоир булар,
 Бироқ қийноқларнинг бор шараф-шони:
 Не бахт, бизники дер бугун кўп эллар
 Юртига сизмаган сендай даҳони.

“Қуриган чинор қўшиғи”¹

Бир вақтлар гавжум эди
 Шохларим қушлар билан
 Ва остимга тўшаларди
 Соям мисоли гилам.
 Шамолларни қаришлардим
 Қўшиқ айтиб суронли.
 Оқ либосга йўрғакланди
 Тўзганда қор бўрони.
 Шамоллару ёмғир билан
 Дўстлашгандим у маҳал,
 Ой устимга ёпар эди
 Ёғдусидан қумуш ҳал.
 Садоқатли бека каби
 Ваъдаларга учмадим.
 Паноҳимга олдим ҳар бир
 Келиб қўнган қушчани.
 Довулларга илдизларим,
 Буталарим дош берди.
 Ўтмас эди нўлат арра
 Танам гўё тош эди.
 Энди эса яқин қолди
 Бу дунёдан айрилиқ.
 Шамол уdda қилолмаган
 Ишини қилди қарилик.
 Майли, ёмғир баргсиз шохда
 Тўхтамай ерга тўшини.
 Қушчалар ҳам бошиқа яшил,
 Дарахтлар томон учсин.

Раиш

Хиёнатнинг рақибидир раиш,
 Муҳаббатнинг содиқ посбони.
 Бехуда бош кўтармайди у
 Тиниқ бўлса севги осмони.

То оламда ишқ китобидан
 Ўчмас экан хиёнат номи.
 Отеллонинг безовта руҳи
 Тарк этмайди ушбу дунёни.

¹ Қайсин Қулиев сатри.



Муҳайё РУСТАМ қизи

1973 йилда туғилган. Навоий Давлат педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетини битирган. Шеърлари республика матбуотларида чоп этилган.



ВАСЛИНҒИНИ ИСПАРМАН МУҶТЌАСИМ

*Эй ёри меҳрибон, дилсултон,
Қирмизи қирларга кетайлик.
Лолалар қатлида уздим жон,
Ул алвон сирларга етайлик.*

*Боқ, хануз дарёлар солланар,
Мовий тус осмон-ку, изҳорим.
Кўксимда турналар жонланар,
Келсанг-чи, ишқ – ташина, баҳорим.*

*Эй ёри меҳрибон – нуржаҳон,
Кўкда ой – бинафша, уволим.
Намозишом гулига тўқдим қон,
Капалак руҳида хаёлим.*

*Мен каби ёнмагай хуришид ҳам,
Шом маҳал ишқилар ул аста.
Тун бўйи дардимга баҳам шам,
Ёстиқлар ингранар ишкаста.*

*Эй ёри меҳрибон, мен – хазон,
Оввора япроқлар чиртирак.
Ям-яшил исмида заъфарон,
Мезондай тентийди соф журак.*

Ялангоч дарахтлар – меҳмоним,
Куз каби саргарган етимман.
Ёмғирлар бостирад исёним,
Келмасанг, айт, кимман, мен, кимман?

Эй ёри меҳрибон, ишқ ёмон,
Қаргалар тилида қисматим.
Қовоғинг захмида қаҳратон,
Довулми, изгирин исматим?

Сочимда қировлар илдизи,
Чучмома ҳидидан гуллайман.
Мен – сенинг қишингда қор қизи,
Ёзигим на бўлғай... билмайман?!

Эй ёри меҳрибон, қадрдон,
Васлингни истарман муттасил.
Ҳисларим тўлқини нопармон,
Кўзларинг измида тўрт фасл.

Тақдирми, иккимиз туташимиз,
Севгим: мен – тупроқ, сен – осмон!
Не ошиқ-маъшуққа ўхшашимиз,
Бу дунё кўрмаган ҳеч... ҳамон?!

Эй ёри меҳрибон!..

Гўшангада йиғлар ёр,
Ғужгон айланар ари.
(Гулга томади азоб...)

Оҳ, бунчаям тун узоқ,
Узилади бармоқлар?
(Қурт босар гулгунчани...)

Ерга сизмас баҳодир
Қиличдан ўтказади
Бир-бир гулнинг ҳидини.

Узун кокил хуррам қиз,
Талашар чумолилар
Ари тишлаган гулни.

Қулади сойга ҳилол,
Қон туфлайди баҳодир.
Эски чориқ кийди тонг...


Бахт қасридан каптарларимни
Бир кечада қўйдим учириб.
Умрим битган дафтарларимни
Қайта ёздим, ишқни ўчириб.

Менга маҳтал кўнглингда соям,
Киприklarим – ёмғирга пана.
Аламингда эзилган қоя
Тўқияпти гамгин афсона.

Совуқ урган кузги гулларни
Тақдим этдинг севгимга атаб.
Мен муз қотган мунгли уиларни
Яшар бўлдим бўғзимга қадаб.

Туртиб ўтса бемаврид шамол,
Чайқаланса кўҳна хотира.
Сенга қайтсам – ўзимга завол,
Ажабланма, шунда ҳам сира.

Ҳар гал мени
унутиб қўяверар вақт.
Кераксиз матоҳдай қоламан четда.
Ўксиниб-ўксиниб йиғлайман кейин.
Ҳолимга бош чайқанган каби
чиқиллаб жимликни бузади соат.



ЖАҲОН АДАБИЁТИ ТАҲЛИЛ КЎЗГҮСИДА

Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ

1950 йилда туғилган. Самарқанд Давлат университетининг роман-герман филологияси факультетини тамомлаган. Филология фанлари доктори, профессор. Унинг “Ўзбек адабиёти Францияда”, “Амир Темурнинг Европа қироллари билан ёзнималари”, “Уильям Шекспир”, “XX аср модерн адабиёти манзаралари” каби рисоалари илм аҳлига маълум.



КОРТАСАРНИНГ РОМАНАВИСЛИК МАҲОРАТИ

Мунаққидлар, одатда, Хулио Кортасарнинг “Сополак ўйини” романини Жеймс Жойснинг “Улисс” ва Герман Гессеннинг “Маржонлар ўйини” романлари билан бир қаторга қўйишади. Ва бу бежиз эмас, албатта. Негаки, бу роман Лотин Америкаси “сехрли реализм”нинг ўзига хос намунаси тарзида майдонга чиқди.

Тан олиш керак, Кортасарнинг “Сополак ўйини” романи хусусида ёзиш анча қийин. Романни ўқиб, кўп нарса ҳақида гапиришга тайёр турасан-у, лекин нимадан бошлашни билмай гангиб қоласан. Романнинг гоҳида тугалланмаган фикр, чала қолиб кетган жумла, гоҳида маъвҳум ва пала-партиш чизилган лавҳалар шаклида намоен бўлувчи эпизодлари ноанъанавий тарзда воқеалар изчил алмашинувидаги умумий оқимда гўзал сўзанага тикилган олтин илдек сержило рангларда уйғунлашиб кетади. Китобхон яна андак сабр қилса, навбатдаги боб ўз сирини очиб бераётгандек туюлади. Фасоҳатли жумлаларнинг оҳанграбо, сержило парда ортида яширилган, қадрли меҳмондек қўтилган жавоб, аниқроғи, асарнинг асосий гоёсини, бош тугунининг ўта аниқ ҳал этилишини кўрсатиб бераётгандек бўлади. Лекин охиригача англалмаган, қўққисдан пайдо бўлувчи мажозий маъноларнинг лабиринти ўқувчини бошқа эпизодларга эргаштириб кетади. Устига устак, адибнинг ўша донғи чиққан “фикр толалари”нинг тугуни янада чиғаллашиб боради ва шу йўсинда давом этаверади. Демак, биз худди романнинг бош қаҳрамони – Орасио Оливейра каби мубҳам, шакл-шамойили йўқ нарсанинг алоҳида қисмларини ўзаро боғлашга, тартибга солишга, таснифлашга ҳаракат қиларканмиз, марказга, бошланғич нуқтага интиламиз, бироқ биз матн парчалари билан ўйнаймиз, Орасио Оливейранинг ўйини эса – унинг ҲАЁТИ, ўртага унинг БАҲТИ тикилган. Шу тариқа шакл максимал даражада мазмунга мос келади. Ҳар бир эпизод – ажралмас қисм, ерда чизилган катакчалардан биридир: ўқувчи катакчалардан катакчаларга “сакрайди”. Адиб услуби романнинг асосий гоёсини, яъни объектив воқеликнинг тартибсизлигию паллартишлигини, инсоннинг ҳаёт маъносини абадий ахтаришга маҳкум этилганлигини, одатга айланган ҳаёт, кўникиб кетилган яшаш тарзининг абсурдлигини алоҳида таъкидлайди. Мубҳамлик, аниқ ифодаланмаганлик ва ихтиёрый талқин яна бир муҳим фикрни рамзий маънода бизгача етказиши. Бу фикр асосида мураккаб сюжет қурилади, яъни воқелик субъектив тарзда идрок қилинади. Романнинг яқуний қисми – хотимаси очик, натижада

ўқувчи конфликт ҳал этилишининг аниқ формуласини тополмайди. Охириги сўзни айтиш, охириги нуқтани қўйиш китобхон зиммасига юкланган.

Кортасар ижоди ҳуусида умумий манзарани тўлдириш мақсадида бевосита роман проблематикасига тааллуқли жиҳатларга эътибор қаратайлик. Ишончимиз комилки, ҳаёт парчаланиб, вайронага айланиб, барбод бўлиб бораётган бир пайтда ваҳима ва саросимага тушиш, ўзини йўқотиб қўйиш ва овоз чиқармай йиғлаш, ички норозилик билдириш барчага баробар даражада танишдир. Шубҳасиз, реалликда эмас, балки вақтинчалик ранж-алам, ғазаб ва шунга ўхшаш салбий ҳис-туйғулар чулғаб олган онгимизда қиёматқойим бошланади. Аммо биз бор кучимизни жамлаб, секин-аста ёки шу заҳотиёқ ўзимизнинг табиий ҳолатимизга, ақли расо, эс-хуши жойида одам қиёфасига қайтамыз. "Сопалак ўйини" романи бош қаҳрамони эса, табиий ҳолатини аллақачон йўқотган, ҳаёт ва табиатни мувозанатда сақлагувчи ҳар қандай меъёр, мезон, тамойилларни инкор этувчи шахс сифатида гавдаланади. У дунё ва кишилик жамиятини бошқариб турувчи қонуниятларни мутлақо қабул қилмайди. Орасио Оливейра машўм хатога қачон йўл қўйган? Уни муқаррар ҳалокат жари ёқасига олиб келган саҳв-хатосини энди тўғрилаб бўладими? Уни қайта-қайта хато қилишга ким ёки нима мажбур этди?

Орасио Оливейра жамият тартиб-қоидаларини назар-писанд қилмайди. У атрофдаги кишиларнинг эс-хушини, фаҳму фаросатини, бир сўз билан айтганда, бутун қалбини эгаллаган (эзгу ёки ёвуз) интилишларида иллюзия, азалий ва абадий сароб, алдаш ва алданишларни кўради. У ҳар қандай фаолиятдан қочади, ҳаттоки элементар юмушларни бажаришдан ҳам бош тортади. Унинг фикрича, бундай тугилган йўл, яъни "ортиқча" нарсаларни миядан чиқариб юбориб, беҳуда уринишларни унутиб, асл моҳият, орзу қилинган "марказ", "ибтидо нуқтаси" гача етиб бориш мумкин. Бу – Оливейранинг "ҳаёт кемасидан иргитиб ташланиши", "тўхтовсиз оқаётган ҳаёт дарёсининг қирғоғида қолиши"нинг асосий сабабидир. У маҳбубаси Магани қўйиб юборади, биргаликда тинч-тотув яшаш ташаббусини кўлдан бой беради. Мага муҳаббатини сезмайди. Ҳаётини тўғрилаш учун аниқ бахтга элтувчи тўғри йўлдан юролмаи, Маганинг најот-бахш маслаҳатларини, қийинчиликлардан халос этувчи интилишлар тизгинини кўлдан чиқариб юборади. Умуман олганда, тақдир унга кулиб боққанда ва одамлар унга меҳр кўзи билан қараган бир пайтда кулай фурсатдан фойдалана олмайди. У гурқираб яшанётган гўзаллиқни, тўлиб-тошиб оқаётган ранг-баранг ва хилма-хил ҳаётни, реаллик ва юксак орзунни, бир сўз билан айтганда, ҳар бир ҳодисада ва ҳар бир лаҳзада яширинган воқелик сирини кўлдан бой беради. Шунинг учун ҳам у астойдил ахтарган, орзуманд бўлган жавоб, қанчалик "товлашиб турган нақшкор" катакчалардан сакраб ўтмасин, етишиб бўлмас мақсадга айланиб қолаверади.

Орасио Оливейра – ёлғиз. Бу ёлғизлик фожиали вазият ҳисобига эмас, ҳалокат жари ёқасида тургани учун эмас, уни севиқли аёли, яқин дўстлари, содиқ ўртоқларидан жудо қилган сабаблар ҳисобига ҳам эмас. Ҳамма гап – унинг ўзида. Меҳрибон ва ширинсўз Мага билан Парижда яшаганида ҳам, бегона бўлиб кўринган, носоглом тасавурида адоватли бўлиб туюлган, совуқ шамоллар эсаётган бу дунёда у ўзига жой тополмайди. Ҳаттоки, дўсти Травеллернинг бегараз кўмагини, ҳар қандай вазиятда ёрдам кўлини чўзишга тайёр эканлигини, самимий хайрихоҳлигини сеза туриб ҳам, руҳан эзилиб, азоб-уқубат чекади. У бутун борлиқдан ўзини олиб қочади. Романнинг охириги бобида муаллиф худди шахмат тاختасида доналарни териб чиққандек, позицияларни аниқ қўйиб чиқади – Орасио Оливейра энг яқин дўсти ва севгилисига ишонмай кўяди, кичкина хонасининг эшигини ичкаридан занжирлаб олади, бузиб бўлмас гов-тўсиқ ўрнатади. Энг даҳшатлиси, хонасида турли қалинликда, турли рангларда, ҳар хил узунликдаги ипларни осиб ташлайди, худди ипак курти пилла ўрагандек, ўзига қобиқ ясайди ва унда яшириниб олади. Рамзий маънода иплар бу – ечилмас даражада чигаллашиб кетган кўркувлари, даҳшатли тасавури, шубҳа ва гумонларидан ҳосил бўлган "фикрлардан тўкилган тўрлар"дир. Унинг "худуди" ва ўзга одамлар "худуди" ёки "қора шарпа худуди" ўртасида алоқа ҳам, БИРЛИК ҳам, ҳамжиҳатлик ҳам йўқ.

Бунинг ўрнига қатъиятли норизолик, воқеликни узил-кесил қабул қилолмаслик, "назокатли" эркпарварликка интилиш, тақдирга бўйсунушдан кўра, охиригача курашишга тайёр туриш каби фазилатларни кучли ирода ва букилмас руҳ соҳибининг олижаноб исёнкорлиги деб бўладими? Бизнингча, йўқ. Адолатсиз бўлиб кўринган воқеликка қарши чиқмоқчимисан – ҳаракат қил, фидойи бўл.

Орасио Оливейра эса, кўриниб турганидек, ўзини ўзи "қуриш", мукамалликка интилиш, ўзининг феъл-атворида мустаҳкам ирода, ягона мақсадга эришишни, эркинликка талпиниш, энг муҳими, севиш ва севишга ҳиссиётини сабот ҳамда матонат билан тарбиялаш ўрнига ўзини телбаликка солишни афзал кўради. Орасио Оливейра атрофдагиларга иззат-иқром кўрсатишга шошилмайди, яқин кишиларининг раъйини қайтармаслик, уларнинг фикрига қулоқ солиш, уларнинг хурматини жойига қўйиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Қолаверса, инсоният минг йиллар давомида тўплаб келган тажрибани ҳам у хато, янглиш деб ҳисоблайди, бошқа одамларнинг ҳаётий тажрибасини ҳисобга олиш,

ўзига ўрнак деб билишни хоҳламайди. Ваҳоланки, одам жамиятда яшайди, фақат жамиятда шаклланади, такомиллашади. Узининг субъектив баҳосига эмас, балки ҳамма учун ягона бўлган мустақкам пойдеворга таяниб ижод қилади ва янгиликларни кашф этади.

Тан олиш керак, Орасио Оливейра ўқимишли, айниқса, санъат соҳасида унинг билими юқори даражада. Аммо шу билан бирга, у ўзининг кенг билимларини мос келувчи оқимга йўналтира олмайди. Эғаллаган билимлари унга ҳалал бераётгандек, ортиқча юк бўлиб уни толиқтириб қўяётгандек туюлади. Орасио Оливейранинг армонлари, эзгу истак-хоҳишлари, орзу-умидлари ноаниқ, худди тумандек тўрт томонга ёйилиб кетганга ўхшайди. Шундай бўлса ҳам, у ушбу тартибсизлик, палапартишликдан ва қаердангир сиртдан, ташқаридан янги, мукамал, бенеўқсон система туғилади, деб ишонади. Гарчанд узоқ кутилган ва қимматга тушган мутлақ ҳақиқат, бутун мавжудотнинг азалий ва абдий ўзгармас бирламчи асоси бўлмиш руҳ, юксак гоё объектив воқелиқда муайян меъёр ёки мезон эмас, балки бизларнинг садоимиз, шаффоф биллурдек тоза кўзгудаги аксимиздир. Таъбир жоиз бўлса, ҳиссий, ақлий ва маънавий-ахлоқий тажрибамизнинг мағзи, аждодларимиз ва замондошларимиз кўлга киритган юксак муваффақиятлар ҳосиласидир.

Чунончи, кунлардан бир кун Оливейра йўл-йўлақай Мага билан "метафизика дарёлари" хусусида баҳслашиб қолади. Маганинг иқдор бўлишича, у бу дарёларда бемалол сузади, Оливейра эса беҳуда уринади, нималарнидир бенатижа қидиради. Муаллиф, бир қарашда, таажуб ва мужмал бўлиб куринган иборанинг маъносини батафсил изоҳлаб бермайди. Бу образли иборада романнинг асосий метафораси мужассам бўлган, деб ўйлаймиз. Тахминимизча, "метафизика дарёлари" – бу бахтга олиб келувчи ёки ҳаминқадар, ўз-ўзи ва одамлар билан сулҳ тузиш, муроса йўлини кўрсатувчи нажотбахш дарёлардир. "Метафизика дарёлари" – бу онг оқими, ҳаёт маъносини билишга етакловчи оқим. Бу оқим ҳар бир инсон ҳаётига маъно-мазмун бағишлайди, сержило ранглар билан уни ярқиратиб юборди. Бу дарёлар Жаннат денгизига, уйғунликдаги ҳаёт уммониға қуйилиб кетгувчидир.

Теран фикрлаб кўрайлик. Орасио Оливейра қайси "метафизика дарё" сига тушиб қолган? Умуман, тушиб қоладими, йўқми? Жавобни биз беришимиз керак. Муаллиф ўз қахрамонига бундай имкониятни беради. Романда сурбетларча муносабат, беадабона хатти-ҳаракат, қўпол савол ва жавоблар тўлиб тошганлигига қарамасдан, яқунловчи сўз кутилмаганда инсонпарварлик, одамохунлик руҳи билан суғорилган бўлиб чиқади. "Қора шарпа" худуди эзгулик, меҳрибонлик, саховат, бир-бирини сўзсиз тушуниш, яқин дўстларнинг беғарз ёрдами ва муҳаббати орқали Оливейра худуди билан яқинлашиб бораверади.

Тасаввур қилинг, асфальтда сополак ўйини учун чизилган катакчаларга кўзингиз тушиб қолганида миянгиға катта роман ёзиш ҳақида фикр туғилган бўлармиди? Албатта, йўқ. Хулио Кортасарга эса шундай фикр келган. Эҳтимол, ушбу болалар ўйинини кузатганда, унинг миясида "Сополак ўйини" романининг гоёси туғилгандир. Устига устак, зинҳор "Болалар романи" эмас, балки "интеллектуал роман" гоёси келгандир. Бир қарашда, роман классицизм тамойиллари асосида яратилгандек, бир вақтнинг ўзида унда новаторлик хусусиятлари ҳам мужассам. Новаторлик дейилганда, энг аввало, унинг структурасини назарда тутмоқ лозим. Роман номи нафақат "катакдан катакка сакраб ўтиш" структурасини, балки муаллифнинг тасаввуридаги ўйинга ўхшаш "ҳаёт образи"ни ҳам ифодалайди. Муаллиф яратган ушбу "ҳаёт образи"ни қабул қиларканми, "Ер"дан орзу қилинган "Осмон"гача "сакрашга" ҳаракат қиламиз. Роман, шаклидан қатьи назар, ҲАЁТ ҳақида бошқа яна қайси шаҳар бундан гўзал, илҳомбахш маконга айланганлигини фаҳмлаш қийин эмас, назаримизда.

Романнинг биринчи қисми исёнкорлик руҳи билан суғорилган, лекин Орасионинг исёни реал исёнға қараганда, таъбир жоиз бўлса, эстетик ва бадиий тафаккур исёнидир. Руҳан, фикран бир-бирига яқин ижодкорлар гуруҳи, аксарият томонидан итоат қилинадиган меъёрларга, яшаш тарзини "ғайриинсоний меъёр"ларга қиёслаб яшашдан кўра, аникроғи, катакчадан катакчага сакрашдан бош тортаркан, атрофида ўз қонуниятлари асосида яшовчи кичкина бир дунёни яратади. Аслида, биринчи қисм – бу бошқа матнларга ҳавола қилувчи, бошқа матнлардан тап тортмай олинган парча, ошкор ва яширин иқтибос, реминисценциялардан иборат кўламдор интеллектуал диалогдир. Уларни ҳаттоки энг ақли, доно, билими беқиёс одам ҳам пайқаб олиши амримаҳол. Романининг биринчи қисмида бош қаҳрамонлар, ўзларининг ёшларига умуман мос келмовчи ҳислат, яъни ўзига ва атрофдагиларга максимал талаблар қўювчи ёшлар қиёфасида гавдаланади. Табиийки, улар қуюшқондан чиқиб кетишади, эс-хушини қамраб олган ҳис-туйғулар охириги меъёргача боради. Ҳаётнинг бошқа томонида эса – Буэнос-Айрес. Орасио Оливейра – юраги яшаган макон – ватанига қайтади. Аргентинада эса вазият жиддий, ҳамма учун ягона тартиб-қоида ўрнатилган. Тартиб-интизомға риоя қилмаган ҳар бир фуқаро бешафақат жазоланиши муқаррар. Орасио бунга кўниқолмасдан жамоат тартиб-интизомини бузади ва жазоланади. Шу тариқа у, ўзи сезмаган ҳолда, сополак ўйини иштирокчисидан "сопол тошча"га айланади. Аргентинада собиқ дўсти ва унинг хотинини тасодифан учратиб қоларкан, уларни "эгизак", деб атади. Тревеллер ва Талита, ўзига хос тарзда, Орасио ва Маганинг сеҳрли аксидир.

"Сополак үйини" романини бир кунда, умуман, белгили бир муддатда ўқиб чиқиш мумкин эмас. Бу, Томас Манн таъбири билан айтанда, интеллектуал романдир. Уни худди Марсель Прустининг "Иуқотилган вақтни ахтариб" туркуми, Жеймс Жойснинг "Улисс", Томас Манннинг "Сехрли тоғ", Герман Гессенинг "Чўл бўриси", Франц Кафканинг "Жараён" ва "Кўрғон", Жан-Поль Сартрнинг "Беҳузурлик", Жон Фаулзнинг "Француз лейтенантининг аёли", Уильям Фолкнернинг "Йокнапатофа ҳақида сага", Натали Сарротнинг "Олтин аввалар", Михаил Булгаковнинг "Уста ва Маргарита", Паоло Коэлонинг "Алкимёгар", Умберто Эконинг "Атиргул номи" романларидек мутлоаа қилиш, "мағзини чақиш" лозим. Бу романлар осонликча тутқич бермайди. Сабаби, уларни тушуниш, аниқроғи, нима билан тугалланишини олдиндан башорат қилиб бўлмайди. Улар сермулоҳазали, бамайлихотир ўқишни тақозо этади. Энг муҳими, роман чуқур ва кенг билим соҳиби бўлган ўқувчига бахтли, ҳузур-ҳаловатга тўла онларни ҳада этади.

Аслида, Орасио Оливейра ўз онгининг имкониятларидан ташқари, ўзга нарсаларга ишонишдан махрум этилган. Ватани Аргентинадан фалак гардиши билан Парижга бориб қолган ажнабий Орасио Оливейра, Буэнос-Айресни сира унутолмайди. Бироқ ватанига қайтгандан кейин ҳам, ҳамма нарсага Европа ўлчови билан қарайди. Аргентинадаги ҳаётни Франциядаги ҳаётга таққослайди, гўё бутун умри Парижда ўтгандек.


XX аср адабиёти тарихига назар ташласак, нафақат Лотин Америкаси, балки АҚШ (Хемингуэй, Дос Пассос, Фицджеральд, Паунд, Стайн), Англия (Вульф, Олдингтон), Ирландия (Жойс, Беккет), Россия (Набоков, Шмелёв, Мережковский)даги шарт-шароитга мослаша олмаган ижодкорлар айнан Парижда кўним топганини кузатамиз.

Бироқ гўзал ва бағрикенг Париж Орасио Оливейра ишончини оқламайди, орзуларини саробга айлантиради. Гўё амалга ошгандек бўлиб кўринган орзу, аслида зерикарли ва мазмунсиз яқун толган бўлиб чиқди. Аммо у орзусиз, мақсадсиз яшай олмайди. Хаёлида шафқатсиз бўлиб кўринган воқелик, ғам-ҳасратга тўла ҳаёт чангалидан Оливейра қочишга, олдинги ҳаётига нукта қўйиб, янгича яшашга ҳаракат қилади. У ва унинг кам сонли содиқ дўстлари ҳаётни бир аллозда кечишига кўникаман одамларнинг яшаш тарзидан ўзларига ҳимоя кўрғонини қуришади, адоватли ва ваҳший дунё таъсиридан, ҳаётнинг бемаънилигидан сақлагувчи девор кўтаришади. Аргентинага қайтиш ҳеч нарсаи ўзгартирмаса-да, бинобарин Оливейра ва унинг янги дўстлари олиб борган ўйин қоидалари ўзгаради, холос.

Кортасар, сополак ўйини қоидаларини ўзгартирмасдан, китобхонни ўйинга қўшилишга ундайди. Аниқроғи, муаллиф ва унинг нозиктаъб ҳамда инжиқ фикрининг айнаи пайтда қай тарафга бурилишини, эгри-бугри йўлда юришини аниқлашга, олдиндан башорат қилишга "чақиради".

Хорижий адабиётшуносларнинг яқдил фикрича, Кортасарнинг "Сополак ўйини" – постмодернизм руҳида ёзилган матннинг ажойиб намунаси тарзда тан олинган. Матннинг куйидаги хусусиятлари бу фикрни тўлиқ исботлайди: а) роман ёпиқ доирани ҳосил этмай, "очиқ" структурага эга, яъни матннинг чек-чегараси йўқ, унга сон-саноксиз мазмун ва маънолар синдириб юборилган, уни талқин қилишнинг жуда кўп йўллари мавжуд; б) роман матни "иккиламчи"дир, яъни у кўплаб иқтибос, реминисценция, ҳавола, бошқа матнлардан олинган бутун бошли парчалардан яратилган, бу эса, ўз ўрнида, матн ичидан "ёриб ўтиб", ҳақиқий полифония (кўп овозлилиқ)ни ҳосил этади; в) матн "ўзгарувчан" хусусиятга эга, яъни сюжет замирида ётган воқеалар динамик тарзда бир-бирини алмаштиради; бунга ўқувчи билан доимий диалог олиб бориш ва узлуксиз тарзда маъно ҳамда мазмунни яратиш орқали эришилади; г) матн (анъанага зид равишда) муаллифга эга эмас, матн устидан "ҳокимлик" ўқувчи қўлида, айнан у матнни "бошқаради", унинг роли бевосита фаоллашади; д) матн, таъбир жоиз бўлса, "эҳтиёж ёки зарурат", "истеъмом ёки шахсий манфаат" объекти эмас, балки ҳузур-ҳаловат, завқу шавқ объектига айланади, ўйин биринчи планга чиқади, ўқувчи ўйинга "жалб этилади"; е) ёзув (бадий тасвир усули) ва ўқиш (бадий идрок қилиш) ўртасидаги масофа борган сайин қисқараркан ёки ушбу масофа бутунлай йўқ қилинар экан, "тежамланади", яъни ёзув ва ўқиш яхлит белгиларнинг семантик тизимига бирлаштирилади.

Кортасар, романида анъанавий бадий асар доирасидан чиқиб кетишга ҳаракат қилар экан, ўз олдига нафақат бадиият ёки эстетика нуктаи назаридан нодир асар яратиш мақсадини қўяди, балки янги ўқувчи, маслақдош, ҳамфикр ўқувчи вужудга келиши учун замин ҳозирлайди. Қолаверса, пассив эмас, шунчалик ҳаваскор ўқувчини эмас, балки фаол, ижодкор, "яқунловчи қисм"ни, "энг сўнгги маъно"ни қатъиян рад этувчи, ўзаро тенг маданий тилларнинг беҳад кенг майдонига "кириша оладиган" интеллектуал ўқувчи учун астойдил меҳнат қилади. Кортасар ўз ўқувчисига "буюртма адабиёт", онг ва тафаккурнинг бир ёқлама, бир чизиқ бўйлаб ривожланиш ҳамда "бир қолип"га солинган санъат асаридан "енгиб ўтиш" йўлини курсатади. Хуллас, ёзувчининг асосий дастуриламали – серқирра мазмун ва маънога тўла дунёга кенг қараш, ўзининг бадий оламини яратишдир.



БОЛАЛАР ДУНЁСИ

Дилшод РАЖАБ



1964 йилда тугилган. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлаган.

Унинг болаларга аталган “Қорқиз совга келтирди” (ҳаммуаллифликда), “Ҳазилкашлар даврасида” (ҳаммуаллифликда), “Отамнинг боғи”, “Дарё кўнгил”, “Жилвон ўғлони”, “Алифбо”, “Таниш товушлар”, “Суқут сарҳади”, “Ўн ўртоқ”, “Ҳамро полвон” каби китоблари чоп этилган.

БОҒ ТЕБРАНИБ ГУВРАНАДИ

Шамол

Дарахтларни силкитиб,
Тегмаганга тегиб хит,
Кезар шамол гув-гув.

Бандин узган япроқлар –
Учқур-чопқир тойчоқлар
Ўйнаб юрар қув-қув.

Юм-юмалоқ соққадай
Дум-думалоқ олмалар
Қулаб тушар дув-дув.

Кўрқиб кетган қушчалар
Сапчиб кўкка учарлар,
Кўтаришиб қий-чув.

Ғазабланган дев каби,
Каттакон боғ тебраниб
Гувранади гув-гув.

Қараиш

Кунгабоқар чинданам
 Менга жуда ёқади,
 У доим ёруғликка,
 Юксакликка боқади.

Лекин ҳамма ҳам унга
 Шу кўз билан қарамас,
 Баъзилар бор ҳаётда
 Фикри-зикри қорин, нафе.

Фарқи йўқдир уларга
 Қай томонга боқишини,
 Улар учун муҳими
 Пистасини чақишидир.

Саёҳатчилар

Эҳ, сўраманг қандай, деб,
 Тунов кунги саёҳат?!
 Чиқди оёқ остимас,
 Бош устидан фалокат.

Босиб келиб, бир пасда
 Қора булут галаси,
 Устимиздан пақирлаб
 Куйди роса жаласи.

Тўрт томон яйдоқ кенглик,
 Соябон йўқ аксига.
 (Қоларкансан ноилож,
 Дуч келсанг кўк қаҳрига.)

Қайтдик уй-уйимизга
 Шалаббо бўлиб, гап шу.
 Саёҳат бурнимиздан
 Чиқяпти... апишу, апишу!

Кун ботгач

“Келаётир қора ваҳма!”
 Бу хабарни олиб шартта
 Хабарчи ел гириллайди.

Қушлар қотар, уни ўчиб,
 Шохларга ётишиб, чўчиб,
 Япроқчалар дириллайди.

Борлиқ ичга ютар дамин,
 Яширолмай кўрққанини
 Чигирткалар чириллайди.

Кўрқоқларнинг устидан хўб:
 “Ваҳ-ваҳ-ҳа”лаб, кулишиб шўх –
 Қурбақалар қуриллайди.

От қочган

Арқон узаниб ётар,
 Чирт узилиб белидан.
 Жаврар, туролмай эгар,
 Қулаб тушган еридан.
 Парво қилмай, тик қозик
 Мақол айтар қаққайиб:
 “Ўз қозигин топади
 От айланиб-айланиб!”

Тандирга ҳазил

Сен борки, нон – ҳаёт бор,
 Жон тандиржон, ўлма сан.
 Лекин-лекин бунчалар
 Оғзи очиқ бўлмасанг.


Куйиб-тишиб қоласан,
 Қийнаб ширин жонингни.
 Узиб, олиб кетарлар
 Оғзингдаги нонингни.

Кетмон

Ишлар саҳардан то кеч,
 Ором нима билмайди.
 Тун чоғи ухласа ҳам,
 Тикка туриб ухлайди.

Менинг таърифимча

Бобом – сайёҳ кемаси,
 Бувим – эртақ китоби.
 Аям – қанд фабрикаси,
 Дадам – “Ўқи!” хитоби.
 Акам – кўрсаткич бармоқ,
 Ўзим – муштлайман, бироқ
 “Хунар”ларим бир қулоқ.
 Сиз, кўнелингиз бўлсин тўқ,
 Жимсиз-ку, сизга гап йўқ.



МЕРОСИМИЗНИ ЎРҒАНМИЗ

Ойбек ҚҰЧҚАРОВ

1988 йилда туғилган. Андижон Давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. АДУ Адабиётшунослик йўналиши 2-босқич магистранти. Ҳозирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоят бўлимида адабий маслаҳатчи.



НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА ҚОШ ТАСВИРИ

Адабиётшунос Валижон Қодиров газал поэтикасига бағишланган номзодлик диссертациясида Шарқ мумтоз шеърияти поэтикасининг барча қирралари (вазн, қофия, образлар тизими ва улар ўртасидаги муносабатлар, образларнинг тавсифи ва тасвири) қатъий қолипларга солинганлиги, ана шу қолиплар доирасида қилинган янгиллик, кашфиётлар муаллифнинг ўзига хослиги, маҳорат даражасини белгилаб беришини қайд этган эди.¹ Шарқ дунёсида, хусусан, ўзбек адабиётида жуда кўплаб шоирлар қалам тебратиб ўтганлар. Лекин улар ичида санокли шоирлар мумтоз (сараланган) лар мақомида эътироф этиладилар. Чунки зикр этилган қолиплар доирасида қайта-қайта ишланган, қайта-қайта мурожаат қилинган ва кўплаб кашфиётларга муваффақ бўлинган бадий воқеликлар орқали кўрсатиш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. Ҳақиқатан ҳам бу давра ичра кирмоқ осон эмас. Навоийнинг шеъриятдаги даҳоси ҳам лирик асарларида мавжуд аънаналарни давом эттирган ҳолда туркий халқларнинг яшаш тарзи, эътиқоди, дунёқаршидан келиб чиқиб бу адабий турдаги ифодалар, бадий деталь ҳамда тасвир йўсинини янгилашга эришганида номоён бўлади. Фикри-мизни биргина деталь – қош билан боғлиқ тасвир ва ифодаларнинг берилишидаги айрим чизгиларни келтириш билан далиллашга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, Шарқ шеъриятида, Шарқ адабиёти аънаналаридан таъсирланган халқлар назмида ёр қоши эгик, ёйсимон тасвирланиб, ҳилолга қиёс қилинади. Навоий ҳам бу тасвир қолипида қатъий амал қилади. “Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин” тарзидаги аънавий ифода қолипларини шоир девонларидан истаганча топиш мумкин. Улар бир қарашда аънавий қайтариқларга ўхшаса-да, бошқа бадий деталь, унсурларнинг янги қирраларини очишга хизмат қилаётган бўлади. Лекин бу алоҳида мавзу. Мазкур фикр исботи учун биргина байтни келтириш билан қиёяланамиз.

¹ Қодиров В. Ҳозирги замон ўзбек газаллари поэтикасининг айрим хусусиятлари. НДҚ. – Т.: 1993. 97-бет.

*Кўёшни бўлмас, эй гардун, ул ойга айламак ташбёх,
Оғиз гар зарра, чўлпон – кўз, янги ой анга қош бўлсун.*

Оғизни зарра, кўзни чўлпон, қошни янги ой дейиш Навоий даври учун ҳам эски, яъни кўп айтилган ифодадир. Аммо бу аъъанавий тасвирлар оригинал фикр – “ул ой” (маъшуқа)га кўёшни ташбёх қилиб бўлмаслигининг сабаби сифатида айтилмоқда. Чунки кўёш бор экан, бошқа зарра ҳам, чўлпон юлдузи ҳам, янги ой ҳам бўлиши мантиққа зид.

Биз куйида Навоийнинг қош тасвиридаги ўзига хослиги намоён бўлган айрим жиҳатларга эътибор қаратамиз.

Маълумки, ҳозирги замонавий чироқлар бўлмаган ўтмишда пиликли чироқлар ишлатилган бўлиб, уларнинг ёниб бўлган қисмини махсус қайчи – минқош билан қийиб, тозалаб турилган. Навоий ана шу маиший ҳолатдан ҳам поэтик янгилик учун асос топади:

*Оразин ҳуснин фузун қилгон ҳилоли қош эрур,
Ёхуд ул ой шамини ёрутғали минқош эрур.*

Бир қарашда Навоий аъъанавий тасвирни такрорлаётгандай туюлади: ёрнинг қоши ҳилол, гўзаллиги боис уни ой деб атайди, юзи оқлиги ва ҳусни сабабли атрофини шам каби ёритади. Лекин шоир кутилмаганда бу кўринишга янги қиёс топади: Шамнинг ёруғлигини минқош (шам пилигини тозалаб туриш учун ишлатиладиган қайчи²) ёрдамида янада ёритилганидек, ёр ҳуснини орттирган бу унинг минқошга монанд ҳилол қошларидир. Навоийгача минқошнинг қошга нисбатланганини билмаймиз. Бу – табиий. Чунки шам пилиги қайчи билан тозалаб турилса, ҳақиқатан ҳам ёруғлиги ортади, лекин қош билан минқошнинг шаклий томондан (эгиқлиги жиҳатдан) ўхшашлиги йўқ. Лекин мутафаккир шоир бошқалар нигоҳидан четда қолган умумийликни топади. Шоирона талқинга кўра уларнинг бажарадиган вазифаси бир хил: манзар (тасвирланаётган объект) ёруғлигини (гўзаллигини) орттиришга хизмат қилади. Иккинчи томондан, минқош (қайчи) пичоқларининг пайвасталлигини ёр қошларининг туташлигига ҳам ишора қилади. Қолаверса, лафзий жиҳатдан *қош* ва *минқош* сўзларининг оҳангдошлиги, қофиядошлиги ҳам муаллифнинг эътиборини тортган бўлса, ажаб эмас.

Куйидаги байтда ҳам Навоийнинг доимий тасвир ва ифодага ўзгачароқ ёндашганига гувоҳ бўламиз:

*Кўкда ҳар ой бир ҳилол ул машқдирким, килки сунъ
Айламиш чизгонда ул муқаввас қошни.*

Бутун ислом аҳли, хусусан, бошқа туркий халқлар каби ўзбекларда ҳам янги чиққан ойга ўзгача эътиمود билан қаралади. Янги ой чиққанда, эл қувонади ва “кейинги ойга ҳам эсон-омон етайлик”, дея дуо қилади. Мазкур байтдаги фикр барчага таниш кўкда ҳар ой янгилаб турадиган ҳилолнинг эгик қошни эслатишига асосланади. Лекин бу бошқа барча шоирлар ўйлаганидек, қош ҳилолнинг мазҳари эмас. Балки, аксинча, яъни ҳар ой бошида кўринадиган янгиланган ойнинг суратлари ёрнинг муқаввас (қавсга ўхшаш, эгик) қошини чизишга бўлган машқлар эди.

*Эл янги ой кўрди-ю, мен кўрмадим қоши хамин,
Элга байрам бўлди, аммо бизга байрам бўлмади.*

Ушбу байтдаги поэтик фикр халқнинг эътиқоди, удумлари билан боғлиқ. *Янги ой* ва *байрам* ифодалари мусулмон халқларнинг икки асосий байрами – рамазон ва ҳайит байрамларига ишора. Бу байрамларнинг кириши, яъни нишонланадиган куни янги ой кўриниши билан боғлиқлигини биламиз. Навоий шунга шама қилаяпти. Янги ой кўринганда, байрам кирганлигини билиб эл қувонади. Лекин лирик қаҳрамон ёр қошларини кўргани йўқ, ундан айрилиқда, шу боис ҳамма шод юрса-да, у қувонолмайди. Аини пайтда, “қоши хамин” бирикмасидаги *хам* сўзи қошнинг эгиклигини ифодалаш билан бирга, бу сўз билан аксар ҳолда кўлланадиган қад (ошиқнинг қади)нинг ҳамлигини-да таъкидлаб келади.

Куйидаги икки байтда ҳам шоир қош билан боғлиқ бадийи топилмада миллатнинг эътиқоди билан боғлиқ исломий тушунчалардан унумли фойдаланган.

*Қалб эрур кўнглимга боғлатур сочинг зуннорини,
Турфа буким, бир нафас қочмас қошинг меҳробидин.*

Кўнглимга сочинг зуннорини боғлаган қалбдир. Бу шундай ажабтовурким, бир нафас ҳам у (кўнглим) қошинг меҳробидан қочмайди. Зуннор – бутпарастлик аломати. Зуннор боғлаган киши меҳробдан (мусулмонлар масжидидан) кетади. Шуниси қизиқки,

² Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт жилдлик, 2-жилд. – Т.: “Фан”, 1983. 307-бет.

менинг зуннор (бу ишқ зуннори) боғлаган кўнглим ислом рамзи бўлган меҳробдек эгик қошинг олдидан кета олмай қолди, дейди ошиқ.

*Қут бир бодому ерим гўшаи меҳроб эди,
Форати дин этти ногаҳ бир балолиғ кўзу қош.*

Бу байтда лирик қаҳрамоннинг озуқаси, емак-ичмаги бир бодом ва унинг тутган маскани, меҳроб бўлганлиги ифодаланган. Демак, у узлатга чекинган дарвеш. Бу зоҳид ўз нафси билан мужодалага бориб, кунлик озуқаси учун фақатгина битта бодом билан кифояланади ва масжидда куну тунини тоат-ибодат билан ўтказди. Ногаҳон ўта гўзал маъшуқа: кўз-қабоғи бодомдай, қоши меҳроб янглиғ балолиғ ёр риёзат чекаётган зоҳиднинг динини ғорат қилиб юборади. Тасвир беихтиёр "Лисон ут-тайр"даги шайх Санъон қиссасини ёдга салади.

Айни пайтда, Навоий ушбу жузв тасвирида аёлларимизнинг миллий оройиш ашёларига ҳам эътибор қаратади. Улардан бири бўлмиш ўсма қўйилганда, қош маълум бир муддат шу ўсма рангида бўлади.

*Ложувардий ўсма бирлан зеб берган қошларинг
Жилвагаар бўлгон икки товус эрур гулзор аро.*

Маъшуқа қошларига ўсма қўйиб зеб берган ва шу туфайли у кўк тусга кирган. Кейинги мисрада бу тасвир шарқона бир кўриниш билан қийёсланади: зеб берган қошлар гулзорда юрган икки товусга ўхшайди. Бизга маълумки, аждодларимиз боғ яратиб, гулзор барпо этаркан, шу гулзорга чирой бағишласин учун товус асраганлар. Демак, ёрнинг беқиёс хуснага эга юзи гулзор бўлса, қошлари шу гулзорга янада оро бераётган товусдир.

*Ложувардий қошинг узра зарварақ тобонмудир?
Ё магар кўк тоқи узра анжуми рахшонмудир?*

Байтда пешонасига тиллақош таққан маъшуқа тасвири чизилган. Лирик қаҳрамон унга қарата "Сенинг ложувардий қошинг устидаги порлаган тиллақошми ёки осмон тоқи узра порлаган юлдузми?" дея мурожаат қилади. Бу ерда ўсма қўйиш ҳақида сўз кетмаса-да, "ложувардий" сўзи бунини ифодалаб келмоқда.

Шарққа кўра ошиқлик ўзини фидо қилиш, севгили олдида бош эгиш, чексиз садоқат демакдир. Ана шу жиҳатни ҳам шоир қош орқали ғоят таъсирли тарзда тасвирлай олган.

*Гўйиё бир-бирига ошиқ эрур ул икки қош
Ким, кўяр бир-бириси бир-бирининг олдида бош.*

Байтда икки қошга бир-бирига кўнгли қўйган ошиқлар сифатида қаралади. Уларнинг ҳеч бири ўзини маъшуқ деб билмайди: ўзини ошиқ, жуфтини маъшуқ санайди. Шунинг учун ҳам қайси бири бош эгиб тургани номаълум, тўғрироғи, бир-бирининг олдида бош қўядилар. Иккисининг ҳам боши эгик, кўринишлари ёйсимон, гўё ишқ туфайли қадлари шу ҳолатга келган.


Мана бу байтда эса Навоийнинг ташбеҳда ҳаётий вазиятларга нақадар усталик билан мурожаат қилишига ғувоҳ бўламиз.

*Гар кабутардек эмас тутмоқ учун кўнглим қушин
Невчун очмиш қулочин ҳар тараф ул икки қош.*

Кўнглим қушини кабутардек тутиб бўлмайди. Шунини била туриб нима учун ёрнинг қоши уни тутаман, йўлини тўсаман деб икки тарафга қулочини ёзади? Байтда қошлар кўриниши қушин тутаман деб қулочини беҳуда ёйган одамнинг ҳолатига ўхшатилади.

Навоийшунос Ёкубжон Исҳоқов Навоийнинг васф характеридаги ғазаллари ҳақида ёзар экан, "...уларнинг тасвир объекти ҳам, тасвир йўли ҳам шундай ранг-барангки, улар орасида бирор янги фикр, янги талқин ёхуд оригинал деталдан ҳоли бўлган такрор шеърни учратиш қийин",³ деб таъкидлаган эди. Қош тасвири билан боғлиқ кузатишлардан кўринадики, бу фикрни шоир шеърлятидаги образлар билан боғлиқ ҳар бир тасвир, деталь ҳамда кечинма ифодасига нисбатан айтиш мумкин.

³ Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Т.: "Фан", 1983 й. 57 б.



БҲЛОҚ ҚҲЗ ОҲДИ



Азмиддин ШАРИПОВ

1992 йилда туғилган.
Хатирчи иқтисодиёт
касб-хунар коллежида
таҳсил олган.

НАВОИИ ЁШЛАРИ ИЖОДИДАН

Азмиддин ШАРИПОВ

Сен яхшисан жуда, жуда ҳам,
Нур киритдинг зим-зиё дилга,
Муҳаббатга қўйдирдинг қадам,
Бошлаб кетдинг энг ёруғ йўлга.

Сен яхшисан жуда, жуда ҳам,
Ҳижрон нима ўргатиб қўйдинг.
Мен тутқининг, сен бўлиб эркам,
Шунча ишқни ёлгонга йўйдинг.

Сен яхшисан, сен яхши одам,
Вафо қадрин сени деб билдим.
Турфа тақдир, турфа бахт, мен ҳам
Синалмоқ-чун дунёга келдим.

Сен яхшисан жуда, жуда ҳам,
Хар зардангдан ўртаниб олдим.
Инсон лафзи – кўникмоқ экан,
Мен жабрингга ўрганиб қолдим.

Сен яхшисан жуда, жуда ҳам,
Қўлим бердинг сабр қўлига.
Мен шукрона келтириб бу дам
Шўнғиянман ҳижрон қўлига.

Сен яхшисан жуда, жуда ҳам...

Не тонгки, райҳонлар таратибди буй,
Тонг эшигин очиб берибди хабар.
Ўрик гулбарглари бунчалар хушбўй
Онам тандирига оловин ёқар.

Кўз очиб ўйлайди, не бўлди далам,
Юлдузларнинг юзи сўнмасдан туриб,
Далага шошади азондан отам
Хузур-ҳаловатни, дамни унутиб.

Онам кузатади майиз, нон билан,
 Ҳар битта сўзига меҳрини сочиб.
 Отам дер: – Ўғлингни уйғотма бугун,
 Кеча чарчагандир тоқларни очиб.

Кетади кетмонин елкага ташлаб,
 Кун бўйи отамни овулар дала.
 Онам ҳам толмоқни билмайди ишлаб,
 Дейди: – Пиёз ўтоқ қолмасин чала.

Қуёшни кузатиб қайтишиар ҳоргин,
 Ҳалол ризқ дастурхон безатиб ташилар.
 Ва унинг гирдида суҳбатлар қизгин,
 Синглим ёд олган ўз шеърини бошлар.

Ҳамма шод. Уйкуга тутунар борлиқ,
 Майин сабо руҳга ором қўйгандай.
 Кетмон яғир қилган елкадан гўё
 Кетмонмас, бутун бир дунё тушгандай.

Яна тонг отади, онам гирёна,
 Кўрина бошлайди адирлар, пастқам.
 Далага шошилиб кетади яна,
 Елкасига олиб дунёни отам...

Зулфия БОБОЕВА

Мангу хайрлашдик, дилларда қайгу,
 Айрилиқ наҳрига кўмилдик бутун.
 На сен: “Хуш қол”, дединг, на менда кулги,
 Сени сўнг бор шодон кузатмоқ учун.

Энди юракларнинг ўша овози
 Бир-бирини излаб бўларкан сарсон.
 Чалиниб тургандай висолнинг сози
 Деразадан боқиб, йўлимга бир он.

Кўз тутма, ўзгандан топмаганинг ҳеч,
 Сендан-да, интизор ошигинг унут.
 Ишонма, умидга бошлаб саҳар, кеч,
 Юлдузлар десалар: “Келади у, кут!”

Сароб хаёлларга алданма, кўйгин,
 Зинҳор ёшламагин кўзларинг мен-чун.
 Ёруғ кунлар келар, сен уни суйгин,
 Мен йўқ ҳаётда ҳам яшагин мамнун.

О, нима бу? Тақдирми, тухфа?
 Қаршимдаги сендирсан, наҳот?
 Омонлигин тилаб минг дафъа,
 Менинг келишимни минг йил кутган зот.

Ниҳоят, сен кўриндинг мана,
 Ўша чехра, ўша ўт нигоҳ.
 Вужудимда қилди тантанана:
 Бахт, орзу, қувонч ва титроқ.



**Зулфия
БОБОЕВА**

1990 йилда туғилган.
 “Дўстлик байроғи”
 газетасида хизмат
 қилади.

Дадахон МУҲАММАДИЕВ

Темир йўл вокзалида

Читтага термулиб ўтирибман жим,
Вокзал ютиб борар, хаёллар – дайди.
Қанийди, озгина кечикса поезд,
Мени кузатгани келсанг, қанийди?!.

Навбатчи қиз эълон қилади бирдан
Поезд яқинлашиб келаётганин.
Бечора темирлар қаердан билсин
Менга нима алам қилаётганин.

Яқинлашиб келар темир излардан,
Журъатимни янчиб тўхтайдди поезд.
Умид сўниб борар сония сайин,
Келиши керакдек кимдир ўша кез.

Одамлар орасидан сени излайман,
Уларнинг юзига қарайман бир-бир.
Ахир, кузатгани келсанг-чи тезроқ,
Поезд бизни кутиб турмайди, ахир.

Шартта буриламан вагонга томон,
Борган сари ортга тортади юрак.
Сени кўрмай кетмоқ... Йўқ! Бу мумкинмас,
Фақат тезроқ келгин, кетишим керак!

Поезд – тақдиримни ҳал қилди шу пайт:
“У келмайди”, деди умидни узиб.
“Бас, энди кетамиз”, деган шахт билан
Узун сигнал чалди юракни эзиб.

Ҳаммаси тугади. Билдим – келмайсан,
Кетиш кўрқитади сония қадар.
Читтамни йиртаман ва келар бирдан:
“Поезд жўнаяпти!” деган хушхабар.

Юрак номли хона

Манов уй эшиги, манови калит,
(Калит шарт ҳам эмас, эшик соб бўлган.)
Киринг, кираверинг бу ўша хона,
Сизга айтгандим-ку, ҳувуллаб қолган.

Туфлингизни ечманг, пальтонгизни ҳам,
Армон тўзгиган. Қуз, хазон бошланган.
Девордан сал нари бўлсангиз яхши,
Ҳижроннинг ранглари чаплаб ташланган.

Саргайган суратлар бари хушчақчақ –
Ғаним шод, дўстларнинг кўзи уйилган.
Ҳасратларим эса дастурхон қилиб
Хонтахта устига тўшаб қўйилган.



Дадахон
МУҲАММАДИЕВ

1989 йилда тугилган.
Навоий Давлат педаго-
гика институтининг учинчи
босқич талабаси.

Чойнакда совиган чой бўлса керак,
Олинг, агар музлаб қолмаган бўлса.
Бир нас ўтирсангиз, ҳаммасидан ҳам
Дераза чиройли кўринар кўзга.

Деразадан нари хотира, армон,
Деразадан нари – жавобсиз изҳор.
Фақат деразадан қараман пастга,
Деразадан пастда улкан жарлик бор.

Мадина БАХШИЛЛАЕВА

Сенинг юрагингда яшаи бахт, ахир,
Гулларнинг ҳидлари келади ундан.
Сочилиб кетган у изтиробларинг –
Мени орзуларга етаклар шундан.

Сенинг юрагингда яшаи бахт, ахир,
Баҳорни танийман,
Бахтни танийман.
Чексиз дарёингда юлдуздек чорлаб,
Ял-ял ёнаётган муҳаббатингман!

Сенинг юрагингда яшаи бахт, ахир,
Кўнглингда яширган энг хуш садоман,
Эй, шиқнинг сарвари,
Бил, менинг учун –
Сен – Одам Атосан, Одам Атосан!

Сенинг юрагингда яшаи бахт, ахир...

О!
Кўксимни тирнама фалак,
Булутлардан ясаб менга кун.
Сен ўзингни асрайвер юрак,
Ёмғирларга бўлмагин тутқун.

Қоп-қора из,
Борма у ёққа,
Етаклама эгангни, малак.
Юр, кетамиз қип-қизил тоққа,
Бизни қутар лола жонсарақ.

Боқ!
Уларнинг орзулари кўп,
Ўз бахтини асрар юзида.
У ерларда бирорта гард йўқ,
Покиза шиқ – лола қизида.

Унда қиттай губор йўқ асли,
Лабидаги томчилар янги.
Хавотирга салади мени,
Ёшилимнинг беташивиш ранги...

Катта синов учун берилар,
Хув, тоғларнинг бошидаги қор.
Мана аста кўтариляпман,
Ҳаёт,
Сендан кўп умидим бор...



**Мадина
БАХШИЛЛАЕВА**

1991 йилда туғилган.
Навий Давлат педагогика институтида
таҳсил олган.

Шоҳжаҳон ОДИЛ

* * *

Юраккинам сиқилган,
Дардлар сизмас бағирга.
Лой кўчада йиқилган
Меҳр берсам меҳрга.

Бағримга бир босгандим,
Ботиб кетдим хўп терга.
Сўниб борар, йиглаб жим
Меҳр берсам меҳрга.

Сирлашгандек ўтириб,
Тўлиб кетсам кўп сирга.
Кипригидан дард териб
Меҳр берсам меҳрга.

Осмонлардан қувилган,
Сизмагайдир у ерга.
Ўзин ожиз деб билган
Меҳр бердим меҳрга.

Бошин эгган буюк ғам,
Сизгинади сеҳрга.
Дардлар мени эзса ҳам
Меҳр бергум меҳрга.

* * *

Хаёлларим сойда оқиб,
Телбалардек селларда толдим.
Юрагимнинг тўрига боқиб,
Муҳаббатни учратиб қолдим.

Фариштадай титрай бошлади,
Бир бурчакда ўтирарди жим.
Нигоҳлари дилим гашлади,
Муҳаббатни учратиб қолдим.

Тушимни ҳам тошларга уриб,
Тургазолмай йиғладим, толдим.
Кўнглим ичра айланиб юриб,
Муҳаббатни учратиб қолдим.

Мени роса созинган экан,
Аста уни бағримга олдим.
Армон яна қаддимни буккан,
Муҳаббатни учратиб қолдим.


Озод МУСТАФОЕВ

Бўшлиқ

Кимдир уни устига ёпинган.
Кимдир тепасига чиқиб ўтирибди.
Яна кимлар бошига кийган.
Кимнинг... кимнинг чўнтагида у.
Бўшлиқ...

Шоҳжаҳон
ОДИЛ

1995 йилда туғилган.
Навоий шаҳридаги
техника-саноат
касб-хунар коллежи
ўқувчиси. Машиқлари
вақтли матбуотда
чоп этилмоқда.

Озод
МУСТАФОЕВ

1990 йилда туғилган.
Навоий Давлат педа-
гогика институти
ўзбек филологияси
факультетини та-
момлаган. Шеърлари
“Ёшлик”, “Гулхан”
журналларида чоп
этилган.

Кун ва тун

Кунларимни бир-бир санайман,
 тунларим ҳам шунга баробар.
 Қаричлайман кейин эринмай:
 қисқасида уйғоқман мудом,
 узунда мудроқ босади.
 Бўлди!
 Бўлди!
 Зерикдим, энди.
 Тунларимга кўзим юмаман.
 Фақат куним,
 куним ўтади.

Маҳбуба ИСЛОМОВА

Майли, кўринмасдан яшагин менга,
 Майли, йўлларимда бўлмагин пайдо.
 Не учун билмайман ўзим ҳам бунга,
 Сенга менинг телба юрагим шайдо?

Майли, кўринмасдан яшагин менга,
 Майли, юрагимнинг озорин билма.
 Дунё иккимизни ўхшатимай тенгга
 Кулганда, юрагинг азоблаб тилма.

Майли, кўринмасдан яшагин менга,
 Майли, кунларимда қулмасин куёи.
 Сенсиз тунларимни улайман тонгга,
 Амаллаб юракка жойлайман бардош.

Майли, кўринмасдан яшагин менга,
 Майли, керак эмас менга муҳаббат.
 Бир куни қулмаса тақдир ҳам сенга,
 Ўшанда ахтариб келмагин фақат.

Майли, кўринмасдан яшагин менга...

Ният қилиб қададим бугун,
 Ҳамроҳига айлансин ҳар чоқ.
 Мен ёнида бўлолмаган кун –
 Эслатиб тур мени, кўзmunчоқ.

Армонларни йўлатма унга,
 Ўз бахтини кўролсин шундоқ.
 Мен бахтимни ишондим сенга,
 Қувончимни асра кўзmunчоқ.



**Маҳбуба
 ИСЛОМОВА**

1993 йилда туғилган.
 Навоий Давлат пе-
 дагогика институти
 талабаси.

Хусан АБДУНАЗАРОВ

* * *

Хабарчи кабутар етказ онамга,
Менинг ёлгонларга тўлган хатимни.
Фақат айтмакўрма олис шаҳарда
Топганим – ишқ деган жароҳатимни.

Хатимда ёзганман ёлгон-яшиқлар,
Дунё бахти гўё медалигини.
Бир куни ўқиса, не кўйга тушар,
Онам хаста ўзелин кундалигини?

Фақат айтиб кўйма кабутар ростин,
Муз хонам чақишин тунлар чаёндай.
Боланг бахтли дегин, боланг соғ дегин,
Лекин қанотингда гуссам аёндай.

Онажон, қанийди хатимда ёзиб,
Ҳасратга лим тўла қалбим ёролсам.
Шишадай ялтироқ асфальт йўл қолиб,
Тупроқ кўчаларга қайтиб боролсам.

Сенинг пар кўрпачанг ўрнида гиштлар
Яна қобиргамга ботиб ётади.
Тор даричамдан мўраламас кун,
Болангнинг ҳар тонгги шундай отади.

Ёлгончи қизларга топдим фурсатлар,
Чорласа учибман қушдай ёнига.
Ўшандай бахтиёр кунларда она
Тушмабсан болангнинг бир зум ёдига.

Хабарчи кабутар етказ онамга,
Онамдан буюкроқ бахтим йўқлигин.

* * *

Вақт нечун шошмоқда айтинг, одамлар,
Не учун қолмади йилларнинг қадри?
Кўзимиз ўнгида кундан-кун ўтиб,
Қаранг, чўкиб борар ўтганлар қабри.

Биздан кетиб борар ҳафталар илдам,
Ойлар тутқич бермас энг учқур қушдай.
Тупроқ йўллардаги болалик қани,
Умримиз ўтмоқда гўёки тушдай?

Кеча гўдак эдик, бола эдик биз,
Тонгдан тунга қадар ўйнаб тўймасдик.
Кўксимиз куйдирган отаи нигоҳни
Тундан тонгга қадар ўйлаб тўймасдик.

Бугун вақт шошмоқда, вақт югурмоқда,
Эртакка айланди севиш-муҳаббат.
Кечаги бегубор кўнгида бугун
Кимгадир ҳасаду кимгадир нафрат.

Вақт нечун шошмоқда айтинг, одамлар?



**Хусан
АБДУНАЗАРОВ**

1990 йилда туғилган.
Навоий Давлат педагогика институтини тарих факультетини тамомлаган.

Зилола ҒАЙБУЛЛАЕВА

Уйғониш

Сув куйгандек жимжит бу ҳаёт,
Ой нурига чўмилган кеча.
Ой – олманинг шоҳида қолган,
Ой қулча, оптоқ қулча....

Чигиртканинг ҳазин куйидан
Завққа тўлиб жилдирайди сой,
Тинчлик қалбин тилмаслик учун
Шўхлигига тополмайди жой.

Туннинг расмин чизмоқчи бўлиб
Қитирлайди кичкина қалам.
Сурат каби жойида қотган,
Тириклиги уйқуда далам.

Буқилганча таслим мажнунтол,
Фақат бир у суради хаёл.
Сигир соғиб, нон ёпиш керак,
Уйғонади қишлоқлик аёл.

Уйғонади ярим кечада
Жужуқлари учун ҳам она,
Хамир қорар меҳнат завқи-ла,
Тандирига бўлиб парвона.

Юрак ўти билан қизитиб,
Ёпаётир меҳри билан нон.
Бу пайт уфқ аста қизариб,
Қуёш намли нон туширди осмон.


Яхшилик

У қуёшда олди ҳарорат,
Шабнамлар-чи, сеп бўлди унга.
Тош қалбларга сололган ҳайрат,
Зулматдан нур, қоронгу тунга.

Баҳор йўлини гулга беллади,
Яшнаб кетди ёзнинг тафтидан.
Осмон заррин қорлар элади,
Олтин олди кузнинг кафтидан.

Қизгалдоқдан олди қизиллик,
Инсонийлик берди чумоли.
Сарв дарахтдан бўлди қадди тик,
Қулни хира этди жамоли.


Осмондаги сахий қуёшнинг
Юракдаги олтин нақшидек,
Тоғ-тошдаги метин бардошнинг
Саботидан қулди яхшилик.



**Зилола
ҒАЙБУЛЛАЕВА**

1997 йилда туғилган.
Навоий вилояти Ха-
тирчи туманидаги
тиббиёт касб-хунара
коллежи ўқувчиси.

Алишер МУРОД



Алишер МУРОД

1993 йилда туғилган.
Тошкент тўқимачилик
ва енгил саноат инс-
титутида таҳсил
олмоқда.

* * *

Ёлғизликдан аримоқ учун
Муҳаббатга эргашиб олдим.
Кўнглим билан жим кетаёттиб,
Юрагимни учратиб қолдим.

У шивирлар эди кимгадир,
Қулогини тутарди у ҳам.
Севги экан танимаганим,
Оймомадан сўнг сўраб билсам.

Бирозгина кузатдим сокин,
Уяларди сеvgи сўёки.
Қасам ичди магрур юрагим,
Икки дунё севмоққа токи.


Гўзал сеvgи юраккинамга
Лабларини тутганда бирров,
Ялт этдию осмону фалак,
Кўзим очиб, уйғондим дарров.

* * *

Яширининг қалбимга келиб,
Ҳижрон сизни топа олмасин.
Кўнглингизни очинг ўзимга,
Армон бизни топа олмасин.


Макон этинг қалбимнинг тўрин,
Кипригингиз асрасин кўзим.
Қаҳратонда иситинг мени,
Саратонда соябон ўзим.

Қафтингизда бежавотирдир,
Кўксимдаги чимдимгина эсон.
Яширининг қалбимга келиб,
Шунда бизни тополмас армон.



МУТОЛАА

Бахтиёр НАЗАРОВ



1945 йилда туғилган. Тошкент Давлат университетининг филология факультетини تامомлаган. Филология фанлари доктори, академик. Олим “Ўзбек адабий танқидчилиги”, “Ҳаётийлик безавол меъзон” каби монографиялар ҳамда “Ўзбек адабиёти танқидчилиги тарихи” каби бир қатор дарсликлар муаллифи. Шунингдек, 400 га яқин илмий-танқидий мақолалари Республика матбуоти ҳамда хорижда эълон қилинган.

КЎНГИЛҚИ БОР, ЎЗИ БИР “ЧЎЛИ ИРОҚ”

*Қуёш Ҳақ олдида кулгич – шамчироқ,
Ҳаёт: ранг, оҳанг, сўз матоли куроқ,
Ер чексиз нотада ажиб бир нуқта,
Кўнгилки бор, ўзи бир “Чўли ироқ...”*

Дунёда “Чўли ироқ” битта. Лекин ҳаётда ўз “Чўли ироғ”и бўлмаган кимса йўқ. Куй хаёлотдаги тасаввурни тасвирга айлантиради, идрокда – аччиқмиди-ширинмиди қатъи назар, тоза тушунчалар, тоза хотираларни уйғотади. Хотиярот эса соғинч хужайраларига умр улашади, умидга тараҳхум ва такаллумни эш қилади.

Турсуной Содиқованинг ҳам ўз “Чўли ироғи” бор. Бу “Чўли ироқ” дунёсида унинг кемтик тишли, жамалак сочли болалиги, кўзи ва юрагига суратланиб қолган ота-онаси; кўли игна тутишга ўрганаётган чоғларда тикмоқчи бўлган дўппи ва дастрўмолчаларнинг чала қолган ранго-ранг тагдўзлари; толпопуқлар билан безанган ҳалинчаклар; бўй етар-етмас аяжониси олиб беришга улгурган, олиб беришга имкони бўлмаган атласларнинг товланишини ҳеч қачон йўқотмайдиган жилолари бор. Ўрта ва олий мактабдаги дугоналари, дўстлари, ўқитувчи ва устозларининг жонли қиёфалари бор.

Севимли шоирамиз Зулфия опа: “Яна ёдга солиб қўясан, Ўзи ёддан чиқмас бировни”, деганларидек, хотиралари уйғонганда Турсуной ўша яқинлари билан худди аввалгидек ёнма-ён ўтириб сўхбатлашаётгандек, бир ҳаводан нафас олаётгандек сезаверди ўзини. Охиратлари обод бўлмай, деб эслаётганларининг суратлари кўзида баъзан ёш бўлиб жонланади. Ва энг асосийси, хотиралар руҳда тушқунлик эмас, юракдаги қудратга дўнади, улар эса, ўз навбатида, Турсунойники каби китоблар яратилишига туртки бўлади.

Ўтганларни қанчалик ўртаниб соғинса, борларидан ҳам ажралиб қолаётгандек, уларни янада кўпроқ суйди, бағрига маҳкамроқ босгиси, биров тортиб олаётгандек, кўзига яширгиси келади. Лекин кўнгил қурмагур, таскин топарми, дейсиз? Кўнгил эса, таскин истайди.

Шундай ҳолларда унинг учун таскин берувчи бирдан-бир олам қалам билан қоғоз

бўлади. Ўзини қўйгани жой тополмаган кезларда тонгдай оппоқ саҳифалар унинг саҳий дунёсига айланади. Бу тоза дунёларга у ўз сўзини айтиб кетишни истаydi.

Турсуной куй ёзадимми-йўқми, билмайман, лекин унинг эсселари куйга – “Чўли ироқ”нинг айрим қирраларига ўхшаб кетади. Яхлит қараганда, “Чўли ироқ”дек таъсир этгиси келади.

Турсуной Содиқова Андижон аёлларига хос ҳиссиётлар оғушида ороланиб, зебланиб, эркаланиб (она томондан бобоси мулла Абдужаббор темирчи ўтганлиги боис бўлса керак) ўйларини айни вақтда пўлатдан қуйиб ёзади, сўзларини темирдек қизигида босади.

Она шон-шухратига жаҳон адабиётида айтилмаган гап қолмаган, гўё. Лекин ундай эмас экан. Ўткир Ҳошимовнинг биргина “Дунёнинг ишлари” қиссаси буни тасдиқламади? Америкадек олис мамлакатдан Тошкентга келган ўзбексунуолима Мейон хоним тилимизни янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида ёзувчининг шу асарини туни билан ўқиб, онамни шу қадар соғиндимки, чидолмаяпман деб, эртасигаёқ учоққа чипта олиб Ватанига қанот қоққани уйдирма эмас, ҳақиқат.

Т.Содиқованинг “Жаннатим онам” рисоласини, ундаги сутдек покиза, бетакрор икромомаларни ўқиб, шу вақтгача Она ҳақида қанчадан-қанча бадий асарлар – бир-биридан ўткир шеърлар ўқиган бўлманг, бу табарруқ Зот хусусидаги идрок ва тушунчаларингизни қайтадан кашф этаётгандек бўласиз. Ёнида эканингизга қарамай, бутун умр меҳрингиз унга поёндоз эканидан қатъи назар, онангизга керагича эътибор бермаётгандек кўринасиз ўзингизга ўзингиз. Онаизорга нисбатан руҳингизда, қалбингизда янги-янги булоқлар кўз очади. Лекин... лекин... шу вақтгача онангизга баъзан бемехрлик қилган бўлсангиз-чи, у кишига етказган айрим озорларингиз ёдингизга тушса-чи, ундан айрилиб, ҳатто бир оғиз ширин сўз айтишга энди абадий мосуво эканингизни ҳис этиб турсангиз-чи? Ундай бўлса, ишонинг, Турсуной Содиқованинг она ҳақидаги эсселари сизни... йиғлатади. Кўксингизда лоақал андаккина меҳр унқунлари қолган бўлса, ҳатто бўзлатади. Бу ҳолатлар, энг асосийси, сизни андуҳ сари етакламайди, қалбингизни то-зарттиради, кўзингиз осмонини тиниклаштиради, ҳеч бўлмаганда, булутлардан қутиласиз. Қилишга улгурмаганингиз яхшиликларга чорлайди. Дилдаги тугунларингиз ечилади, фарзандларга, атрофдагиларга бошқачароқ – янгича муносабатлар уйғотади. Бенаф ва бесамар ҳолатлардан тегишли хулосалар чиқаришга ундайди.

Таъкидлаш жоизки, “Жаннатим онам” рисоласида сиз, умуман она меҳри, умуман онага меҳрингиз изтиробли, гўзал ҳолат ва жараёнлари талқинига эмас, асосан, аниқ бир она – адиба Ониси Эргашон аянинг тиниқ қиёфаси, жонли образига дуч келасиз. Бу она образида давр, замон, муҳит, миллий руҳият, анъана ва урф-одатлар силсиласи чизилишидан ташқари, унинг фарзандлар тарбиясига таъсиридаги ўзига хосликларни; кўни-кўшиллар, қариндош-уруғлар билан муносабат орқали юқоридаги масалаларда муайян маънода жамиятга курсатилаётган таъсирни ва шуларнинг жами натижасида яшаш тарзи ва тарбия муаммосида миллий урф-одат ҳамда удумларимизнинг ҳаётда янада мустаҳкамланиб, давом этишида ўйнаган ролини кузатиш имкониятига эга бўласиз.

Адибанинг “Мен кимни севдим?” рисоласи ҳам том маънодаги бадий асар эмас, у ҳам бадий руҳий таҳлилларга эга асосини реал қаҳрамонлар ва ҳужжатли воқеа-ҳодисалар ташкил этувчи эсселардан иборат. Бу эсселарда сиз адибанинг болалиги, ёшлиги, талабалик йиллари ҳамда ҳаётдан мустақил ва мустаҳкам ўрнини топиб, жамиятда фаол меҳнат қилаётган дамлардаги изланишлари, маънавий кадрятларни тарғиб ва ташвиқ этишдаги фидокорликлари билан танишасиз.

Очигини айтганда, ҳозир ўз ҳаёт йўли, кўрган билганлари ва бошдан ўтказганларини ёзиб, рисола ҳолида нашр этиш русумга айланиб қолди. Эркин ва хур замонда шундай имкониятлар пайдо бўлди. Лекин чоп этилаётган бу рисоаларнинг кўпи айрим маълумот ва ҳодисаларни фақат эътироф этишдан нарига ўтолмайди. Бинобарин, уларнинг асосий ўқувчилари ҳам муаллиф (ёки китоб “қаҳрамон”нинг) қариндош-уруғлари, ёр-биродарлари, таниш билиш ва қишлоқдошларидангина иборат бўлиб қолади.

Бу китоб улардан кескин фарқ қилади. Бу ерда муаммо, қаҳрамон, мақсад, кадрят талқини бор, назари бор, нанки алоҳида китобхон, балки авлод(лар)га ўрнак бўла оладиган мушоҳада, мулоҳаза, тасвир, хулоса ва сўздаги чечанлик, ибрат бор. Инсон руҳияти замон ва маърифий муаммолар, маънавият ва тарбия масалаларининг нозик ва чуқур таҳлили бор. Ҳар бир эссенинг ўзига хос композицияси ҳамда фикрлаш йўсинида теран ҳиссиёт бор. Буларнинг барчасини муаллиф қиёфаси ва дунёси бирлаштириб туради. Ўқувчи диди, тарбияси, билими, ахлоқи даражасига монанд ўқиганларидан сабоқ ола билади.

Турсуной Содиқованинг ижодидан хабардор кишилар унинг аксар эсселари билан аввалдан танишлар. Улар “Нозик савол”, “Бугунги эркалар”, “Қуёшларим, ойларим” каби рисоалар тарзида ҳам чоп этилган. Демокчиманки, ойнаи жаҳонда чиқиш бўладими,

газета-журнал ёки китоб саҳифаларидаги суҳбат қабилида инъом этиладими, Турсуной тақдиротлари доимо матлуб, бу нашрларни ҳатто қидириб юрувчилар ва янгиларини интизорлик билан кутувчилар оз эмас. Унинг эл-юртагга узатилган деярли бирор-бир янги суҳбати, эссеси йўқки, матбуотдан ташқари, каттадан-кичи ўқувчи талабалар ўртасида турли давра, оила ва ҳатто автобус-трамвай бекатларида, тўй-маърака, йиғин, гап-гаштак ва издиҳомларда муҳокама, музокарага тиришмасин. Мен бу билан Турсуной ёзганлари доимо ва муттасил шу тахлитда демокчи эмасман. Ўқувчилар унинг ёзганларига сира лоқайд бўлмасликларини эътироф этмоқчиман, холос.

Кўплар унинг фикрларини эъзозлайди, бироқ айни вақтда, унинг айрим мулоҳазаларига қўшилмовчилар йўқ эмас, балки оз ҳам эмас. Бу нимани билдиради? Бу – адабнинг ҳаммага маълум, сийқаси чиққан гапларни эмас, кўпларни тўлқинлангандир, ҳеч кимни лоқайд қолдирмайдиган, турлича назарга сабаб бўладиган ўткир ва долзарб ахлоқий-маънавий муаммоларни кўтариб чиқишини, уларга мустақил муносабат билдиришга ҳаракат қилишини кўрсатади.

"Болангга ҳимоя учун кераксан, шогирдингга илминг учун, мухлисингга ижодинг, жуфтингга маҳрамлигинг учун, дўстингнинг қорига яраганинг учун, қўшингга ҳамсоя бўлганинг учун кераксан. Фақат ота-онанг учун сен тирик бўлсанг, бас экан! Уларга на мартабанг, на орден-медалларинг ва на машхурлигингнинг қизиги бор. Бу дунёда бор бўлсанг бўлди".

Ҳаяжонланмай, тўлқинланмай, атрофингга ҳатто ҳеч ким бўлишини хоҳламай, бирор-бир нозик товушни эшитишни ҳам истамай ўйга толиб ва эҳтимолки, кўзда ёш қалқмай ўқиб бўладими бундай сатрларни: "Укам Олимжон дадам ўзи эккан, қора-қизил очилмайдиган атиргулдан бир тупини қабристонга олиб бориб, дадамнинг оёқ томонига экиб қўйди. Ишонаверинг, синоат юз берди: на атрофиди сув бор, на бирор одамга қараб туринг, деб тайинламаганмиз. Фақат борганларимизда сугориб қўямиз, холос. Мана йигирма беш йилдирки, баҳордан кузгача қучоқ етмас гулдастадай очилиб туради, бўйи одам баравар. Ҳиди эса атрофни туди ётади. Мен дейманки, бу гул эмас, ҳовлимиздан бу ерга кўчиб келган, атиргулга айланиб олган дадам бу! Димоқларимга урилиб турган гулнинг ифори эмас, дадамнинг иси бу, дадамнинг бўйи!.."

Бундай сатрларни ўқиб, мутлақо танимаган ва балки ҳеч қачон кўрмайдиган Олимжон отага сизда сўз билан ифодаланиши қийин бўлган бир меҳр уйғонмайдими?

Отаси ўлмаган борми, қабрига гул эрмаган борми деганларидек, юқоридаги мулоҳазалар кимларгадир оддий бир гап, шунчаки бир эътиқод эътирофи бўлиб туюлар, балки. Турсуной Содиқованинг маҳорати эса юракдаги нафосатни, кўнглидаги ҳароратни, наинки ота, умуман, инсонга қарашлардаги кўркам ва кўтаринки маҳобат ҳамда ана шундай оддий ҳодисаларни ҳаётга бўлган чексиз соғинч, меҳр ва муҳаббатга айлантира олади.

Т.Содиқова "Умр йўлдошим" эссесидида сизни ўзининг руҳий дунёларига, ботиний ва зоҳирий ҳайратларини яширин ва ошкор садоқатли онлардаги кечинмаларига ошно қилади. Сиз бу эссе орқали ҳозирда набираларини уйлаш-узатиш тараддудида куймаланиб юрган Турсуной аянинг ёшликдаги ҳавас қилса арзигулик муҳаббат таманнолари ҳамда ана шу муҳаббатга нўш бўлган, ҳозирда деярли ярим асрдан буён бирга бахтли умргузаронлик қилиб келаётган, ҳақиқий ўзбек йигити дейилгувчи таърифнинг деярли барча қирраларини ўзида тажассум этган, мардлик, ҳалоллик, оилапарварлик ва тантлиқда кўпларга ўрнак бўла олувчи Турдиали ака қиёфаси билан танишасиз.

Ҳурматли китобхон, бу киши феъл-атворлари баҳосини жуда... ошириб юбормадингизми, деган истиҳолога борманг. Мулоҳаза юритаётганим эссени мутлола қилиб кўринг-а, айтганларинг беасос эмаслигига гувоҳ бўласиз. Бундан ташқари, аёл зоти ўз жуфти ҳалолида шунчалар хислат борлигини идрок ва ҳис этиши учун камида Турсунойдек қалб – иқбол ва ирода эгаси бўлиши кераклигини ҳам унутмаслик талаб этилади. Шу маънода бундай эсселарга Турсунойнинг ўз ҳаёт йўлини ўз умр йўлдоши ҳақидаги кузатувлар, ҳулосалар сифатидагина эмас, жуда кўплар, айниқса ёшлар ўрнат ва сабоқ олса арзигулик ҳужжатли асар сифатида қараш ҳам ўринли бўлади. "Умр йўлдошим"нинг худди "Жаннати онам" каби насрий дostonдек ўқилиш сабаби шундан.

Турғун Алиматов ижро этган куйларни тинглаганда Турсуной ўзига ҳам, дунёга ҳам сизга қолади. Ҳолатини, туйғулларини шёрга айлантирибгина энгил тортаддек бўлади. Бу улуг бастакорнинг сеҳрли санъатидан туғилган куйлар, шоира талқинчи, шунчаки куй эмас, улар оламни бамисоли қайта бошдан битаётган, янгилаётган сеҳр кабиدير. Бу куйларнинг кучи ҳонадаги тўрт деворни эритиб юборади. Уларни тинглаган кўнгли ҳузурга бутун дунё оқиб келади. Шоира деймизми, шёرنинг лирик қаҳрамони деймизми, бундай ҳолатда буткул оламни куча оладигандай ҳис этади ўзини.

Муסיқашунослар Т.Алиматов созини, маҳоратини ўз шеваларида, муסיқий илм тилида шарҳлайдилар, таҳлил этадилар. Т.Содиқова эса бу мақсадни кўнгил тилида

поэтик санъат тилида амалга оширади ва куй шинавандаларига, бастакор ихлосмандларига унинг маҳоратидаги назокатларни, оҳанг туфайли содир бўлгувчи мохиятлар мохиятини бадий образлар орқали аниқ бир таъсирчанликка етказилади.

Шоира талқинчи, Т.Алиматов маҳорати боис унинг ижросидаги куйлар одамларни одамларга янада яқинроқ қилади. Бу куйларни тинлаганимизда, ҳатто ноқобил дўстга сақлаб юрган гиналаридан тамом воз кечиш даражасида кўнгил юмшади. Олисидаги қадрдон дўстларини шу қадар соғинадики, хаёлан уларнинг остонасини ўнгиси келади.

Мана, кимларгадир оддийгина туюлувчи куйларнинг кучи, хосияти қай даражада. Т.Содиқовнинг бундай поэтик мушоҳадаларини ўқиб, созанда санъатидаги гўзаллик кудратини янада чуқурроқ тушуниш ва ҳис этиш тадориғи уйғонганини сезмай қоламиз.

Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад қиёфаси ҳақида қанчадан-қанча мақолалар, эсселар ёзилган. Лекин Т.Содиқовнинг "Қуёшларим, ойларим" деб аталган туркумидан ўрин олган Саид Аҳмад ҳақидаги эсселар ўзининг жозибаси билан сизни безътибор қолдирмайди. Турсуной адиб қиёфасини чизишда унинг табиатига муносиб услубни топа олади. Саид Аҳмад ака билан учрашув жуда қизиқарли бўлди, дейиши мумкин завқланиб. Т.Содиқова бундай демайди. У: "Саид Аҳмад ака суҳбатга ўтин қалаб қиздирадилар", деб ёзади. Бошқаларга оддийдек туюлган маълумотдан муаллиф гўзал манзаралар чизади. Хусусан, буй етар-етмаган Турсунойнинг адиб қўлига сув қуйиб туриши ҳолатидан хабар берувчи уч-тўртгина сўздаги уйғунлик менда ана шундай таассурот қолдиради.

Адиб ҳақидаги хотираларида Т.Содиқова инсон руҳиятини нозик илғай билиш, илғаганини туйғулар орқали ифодалай олиш маҳоратини яна бир қарра намойиш этади. Хоссатан, Саида опа "кўзларидан овозим деворга урилиб кетмасин, нигоҳим ҳам бировга вазмин тушмасин", деган ишораларни туйгандек бўлади. Кўплар шоир, ёзувчи, олимларни бадавлатгина, тўкин-тўқис, бекаму кўст яшайди, деб уйласса, ажаб эмас. Тўғри, улар ичида шундайлари йўқ эмас. Лекин оддийгина ва ҳатто келтикчина умргузаронлик қиладиганлари ҳам йўқ эмас.

Эсселарида Турсуной шундай ҳаётий ҳақиқатларни яширмай, рўй-рост ёзади. Наинки ўзгалар ҳақида, кези келганда, ўзи ҳақида ҳам. "Маърифат ва маънавият" марказида ишлаган кезлари Юнусободда кимнингдир уйда омонат тургани, уй жиҳозлари "битта палос, тўртта тўшак, бир хонтахтадан иборат" бўлганини эслайди. Нолиш сифатида эмас, йўқ, узини бечораҳол қилиб кўрсатиш учун ҳам эмас. Турмуш чинликларини айтиш учун, ҳаётий ҳақиқатларнинг айрим тафсилот (деталь)ларини муҳрлаш учун. Бу ростгўйлик, бир тарафдан, ёзаётганидаги реаллиқни мустаҳкамлаб, ўқувчининг уларга ихлосини кучайтиради, иккинчи бир томондан, шу нарсаларни ёзаётган муаллиф қиёфасидаги ҳаётийлиқни, жонлилиқни таъминлашда муҳим ўрин тутаяди.

Муаллифнинг айрим таниқли ижодкорлар билан суҳбатлари ҳам қизиқиш билан ўқилади. Хусусан, Муҳаммад Юсуф билан кечган суҳбатлар бамисоли Турсуной юрагида кўз очган янги-янги булоқлардир. Бу суҳбатларни ўқирканмиз, масалан, Муҳаммад Юсуфнинг ўзи айтишича, талабалик йиллари Турсуной Содиқовнинг илқ шёрий тўпламини доимо қўлга олиб юрганидан воқиф бўламиз.

Биринчи суҳбатда муаллиф Муҳаммад Юсуфнинг ўзи билан мулоқотни ёзса, иккинчи эссени "Юракка қадалган байроқ ёки шоир билан юрагининг суҳбати", деб атайди. Бу эсседа Т.Содиқова М.Юсуф шёърлари ҳақида ўз юрагини сўзлатади, шоир шёърларини, интуитив-ҳиссий таҳлил этади. Аиниқса, шоирнинг Ватан ҳақидаги шёърларини, оҳорли поэтик образлардаги тароватни юрак тили билан талқин қилади.

Муаллиф яна назмга мурожаат этибгина истагига қаноат топгандек бўлади:

Куйларидан битар жоним яраси,
Уланлари унинг куйлар сараси,
Анджоннинг қорамайиз боласи,
Қўшда пишганим эди Муҳаммад.

Оҳ урса, юлдузни уйғота билган,
Бўзласа, булбулни йиғлата билган,
Кесак юракни ҳам чўғлата билган,
Сўзоним, хушхоним эди Муҳаммад.

Муҳаммад Юсуфга бағишланган бу мисраларни энди ўртамиёна ёки альбомгагина муносиб, дея олмайсиз, у ҳақиқий шёърят намунасиدير. Муҳаммад Юсуфнинг ўзгача ижодига муносиб асардир.

Китобда кўндан-кўп маънавий-ахлоқий, тарбиявий масалалар, муаммолар ҳақида гап боради. Уларга муносабатда муаллифнинг мустақил қарашлари намойён бўлади.

Лекин китобнинг умумий руҳини бирлаштириб турувчи масалалар борки, улар ватан ва миллат деган тушунча меҳваридида жо бўладилар. Муаллиф нима ҳақда мулоҳаза юритмасин, фикрининг моҳияти, ҳужайралари алалоқибат шуларга бориб боғланади: "Пул чўнтакни тўлдирди, омад – уйингизни, дўст – атрофингизни", дейди адиба. "Аммо юракларнинг қатларигача сингиб, томирларингача тўлиб, сим-сим жон узатиб турадиган ёлғиз шу – Ватан! У – неъмат! Таърифи йўқ мавжудлик. У – илоҳий тухфа. Ватаннинг катта-кичиги, хунук-чиройлиги бўлмайди. Шунинг учун кимдир саксовул ва қумга пешона қўйиб, ким шўр тупроқни ўпиб, ким музларга тиз чўкиб "Ватаним", дея бўзлайди!" Ўзбекистонни, Ватанини севишнинг ўзигина озлик қилар, унинг учун умрингни бағишла, шундай қилмаслик гуноҳи азимдир, деяётгандек бўлади адиба.

Қўлингиздаги китоб ота-онага, улуғларга эҳтиром бажо келтириш; дўсту биродарлар, ҳаммаслақлар, оддийгина қўшниларни қадрлашга сидқидилдан даъват этиш билан бир қаторда, юқоридаги каби ижтимоий-маънавий масалалар хусусидаги теран мулоҳаза, кузатув, таҳлил ва хулосалар билан, айниқса, ёш авлодни тарбиялаш борасида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Т.Содиқова руҳий портретлар устаси. Бунга Рауф Парфи ҳақидаги мўъжазгина портрети далил бўла олади: "Рауф табиатан оғир-босиқ бўлиб, олаговур суҳбатларга қўшилавермасди. Лекин унинг бир четгинада туриб, кутилмаганда айтадиган, жуда жойига тушадиган, қисқа, лўнда, шоирона луқмалари қочиримлари бўларди. Ўзи бешарпагина эса-да, суҳбатларга руҳ бағишлай оларди. У доим юмшоқ кулиб турар, кулганида кўзларини тополмай қолардингиз. Ҳеч кимга малол келмайдиган беозор инсон эди". Бу сурат ичидаги сийрат чизгилари Рауф Парфи қиёфаси билан бир қаторда, унинг ички дунёси ҳақида ҳам мўъжазгина тасаввур бера олади.

Рауф ҳақидаги эсседа Турсуной шоирнинг:

Бўғизланган гулдаста каби

Сенинг оёғинга йиқилдим...

– деган мисраларини шу қадар эҳтирос билан, шу қадар назокат ва малохат билан таҳлил этадики, бу икки мисрадан олам-олам таассурот олиш мумкинлигини кўриб, ҳис этиб, "қойил" деб юборганингизни ўзингиз сезмай қоласиз. Ҳақиқий шеърни баён қилиш, қайта сўзлаб бериш мумкин бўлмаганидек, юқоридаги байт таъсирида Турсуной бағридан отилиб чиққан поэтик нолаларни ҳам баён қилиб бериш мумкин эмас. Уларни айнан ўқибгина кўнгилдан чуқур ҳис этиш мумкин. Азиз китобхон, ана шу икки мисра ҳақидаги Турсуной таассуротларини ўзингиз ўқиб кўринг, шунда айтганларим муболага эмаслигига ишонасиз, деб уйлайман.

Мазкур сўзбоши аввалидаги мулоҳазани "Чўли ироқ" куйининг хосияти ҳақидаги ўйлар билан бошлаган эдик. Хулоса арафасида яна "Чўли ироқ" ёдга тушмоқда.

Ҳар бир кўнгилнинг ўз чўли ироғи бўлиши, табиий. Бу ўқиётганларингиз, эҳтимол, сизнинг ҳам чўли ироғингизни уйғотиб юборар ёки уни янада бойитар, янада маънолироқ, гўзалроқ, завқлироқ қилар.

Барчамизнинг чўли ироғимиз бир бўлсин. Оҳанглари ҳаётимизнинг файзига файз, кўркига кўрк, қадрига қадр қўшсин...

Хилола БОЛТАБОЕВА



1983 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида тахсил олган. Мақола ва хабарлари Республика матбуотида ва Озарбайжонда chop қилинган. ЎЗМУ тадқиқотчиси сифатида “Замонавий ўзбек публицистикасида эсамият ва ижодкор шахс талқини” мавзусида илмий тадқиқот олиб бормоқда.

ЮЛДУЗЛИ ЛАҲЗАЛАР ҚАДРИ

Инсон хотиралар билан яшайди. Кун, ой, йил ўтган сари унинг болалиқда, ёшлиқда дил тубига чўккан хотиралари янада ёрқинроқ “кўриниш” бериб, тез-тез ўзини эслатиб туради. Олмон шоири И.Р.Бехер ёзганидек, “Сизнинг беғам яшашингизга ҳалал бермайдими хотирот?” Дил тубига чўккан мана шу лаҳзаларни эслаш баробарида инсон улардан хулоса ва сабоқлар чиқариб, қолган кунларини янада хайрлироқ ўтказишга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовнинг “Дил тубига чўккан лаҳзалар” номли китоби¹ мутолаасига чоғланар экансиз, инсонни асл инсонийлик сари юксалишига кўмак берувчи ёрқин хотиралар унинг келажак йўлини ёритиб, яхши ишларга ундаб турувчи тамал тоши эканига ишончингиз ҳосил бўлади.

Дастлабки лавҳа “Мен айтиб турай, сен ёз!” да бир қария шоирнинг олдида келиб, унинг хотиралари шунчалик мўлки, уни бир шоир ёзиб бермасе, сира бўлмаслигини айтади. Муаллиф вақтлар ўтиб, ўзида ҳам бир дунё гўзал хотиралар борлиги, “аммо мен қалбдан кечирган туйғуларни ким ўзимдек баён қилолади?” деган андиша билан қўлга қалам олганини эслатади:

“Инсон умрида кўрган-кечирганларини ёзиб чиқса, яна битта умр керак бўлади. Ўйласам, ўтган фурсат сув билан оқиб кетган қум экан. Ботмонлаб қумдан мисқоллаб олтин олинганидек, ҳаётинг мазмуни бўлган, сени инсон қилиб шакллантирган, дил тубига чўккан олтин лаҳзалар бўлар экан. Бундоқ олтинларни фарзандларга мерос қилиб қолдирса, арзийди. Шу ният билан қўлга қалам олдим”.

Ушбу ўзига хос бошланмадан кейин “Бу дунёга саволим кўпдир”, дея амакисига савол беришдан чарчамаган ва аксинча, жавобида катталарни чарчатган жумбоқлар, муаммолар ҳақида сўз боради. Ҳар бир боланинг, инсоннинг дунё олдида берилажак саволлари, кўпинча, адиллар воситасида юзага чиқади. “Шоир – миллатнинг тили” деганларидек, “дил тубига чўккан” саволлар ижодкорлар қалами билан рўёбга чиқади. Шоир ёзганидек, “Энди билсам, ёзганларим бари бу дунёга берган саволларим экан”. Кўринганидек, ҳар бир кичик лавҳадан улкан бир хулоса чиқарилади, бу “қиссадан ҳисса” нафақат ижодкорнинг дахлсиз дунёсига тегишли, балки барча инсонлар баҳраманд бўлиб, уларни яхшиликка ундовчи дил саволлари эканини ҳис қиласиз. Ўша йиллари айтилган бир сўз, бир жумланинг маъносини англашга йиллар сарф бўлганидек, “лекин ўша кунги ҳолатнинг моҳиятини англаш учун умр керак бўлади”.

“Одобли нодон”, “Болалигим боғлари” лавҳаларида болалиқнинг безавол кунлари, боғлар, полизлар, кузги ҳашарлар аро бола кўнглидаги нозик кечинмалар баёни давомида биз ҳақиқатан ҳам “кекса тут шохлари 40-йиллар болалари учун даврнинг “топ-аттракцион”, “люкс рестороанлар” вазифасини ўтаганига ишонч ҳосил қиламиз. Бу ва кейинги лавҳалардан барча кишилар бирдек сабоқ оларли хулосалар чиқариладики, бу ҳақиқатан ҳам шоирнинг бағрикенглиги, ўзига ёмонлик қилган ёки ноўрин азоб берганларни ҳам эслаб, уларга нисбатан кин-адоват эмас, балки ҳаётга татирлик сабоқ

¹ Воҳидов Э. Дил тубига чўккан лаҳзалар. Тошкент: “SHARQ” НМАК Бош таҳририяти, 2013.

олганини самимий баён қилади: “Узоқ йиллар ўтиб бу воқеани эслар эканман, уйласам, мулла аканинг дуолари ҳам, қарғишлари ҳам ижобат бўлибди... Қори ака умрингда ҳаловат кўрма, бошинг ғамдан чиқмасин, деб қаргаган эди. Умрим ҳаловатсиз кечди. На уйқуда, на уйқоқликда ҳаловат кўрдим. Ижодий меҳнатнинг табиати шундай экан, мен уни бахт деб қабул қилдим. Бошимга кўп ғамлар тушди... То тирик эканман мени бу хил ғамлар тарк этмасин, деб ният қиламан. Жойингиз жаннатда бўлсин, мулла ака! Мен одобли нодонни кечиринг. Уша куни менда гуноҳ йўқ эди. Балки, шунинг учун қарғишларингиз ҳам дуойи хайр бўлди. Қабрингиз нурга тўлсин”. Улуғ бир инсонийликни ўзига жам қилган бу сатрлар қатида “қасос қиёматга қолмасин” деб ўч олишга киришиб, ўзига ҳам, яқинларига ҳам бехаловатлик улашаётган ғафлат бандаларига сабоқ бўларли катта бир ҳикмат ётибди.

“Ҳаётнинг биринчи зарбаси”, “Бир хатонинг изтироблари” лавҳаларини ўқиганда, муаллифнинг самимияти, “изтиробли, аламли, ички исён билан тошган кунлар”да ҳам “Ҳар балонинг дафъи бор, ҳар зарарнинг нафъи бор”, дея улардан ҳаётий сабоқ чиқариб, ҳар мушкулни тафаккур кучи билан, юксак инсонийлик қадри билан ҳал этаётган доно адибнинг ҳикматлари сифатида қабул қиламас. Бу йўлда шоир Ойбек домладай беназир, ўзига тухмат тошини ёғдирганларга ёрдам қўлини чўзган доно устознинг йўриқларидан сабоқ олганини яширмайди: “Бу воқеа мен гувоҳ бўлган бир тақдир ҳикоясидир. Ойбекнинг ўзи кечирган инсонни Оллоҳ ҳам раҳматига олган бўлсин. Улуғ адиб ва улуғ инсон бўлган устозга эса ўзи гўзал шеърларида таърифланган боғу чаманлар бақо салтанатида насиб этсин... Яна бир тилагим, жамият баркамол, ҳаёт маъноли ва ёруғ бўлмоғи учун инсонлар ичида Ойбек каби олийжаноб, кечиримли қалб эгалари кўпроқ бўлсин!”


Новелла каби ўткир сюжетли, хулосада эса сабоқ бўларли ҳикматни ўзида жойлаган бу ҳаётий лавҳалар бадиий жиҳатдан баркамол, уларда теша тегмаган ташбихлар (“Шафтоли гуллаганда”), нозик қочиримлар (“Полиглотлар”), енгил юмор (“Соф ўзбекча сўз”), бадиҳона айтилган (“Билмаганининг билагонлиги”) сўзнинг қувватини ифодаловчи талай воситалар борки, бу улуғ шоирнинг ҳаётдаги ҳар бир кичик воқеадан олган улкан маъноли топилдиқларидир. Ф. Достоевский ўз шогирдларига ёзган хатларидан бирда: “Агар кўзингиз ўтса ва кучингиз етса, ҳаётнинг ҳар бир кичик заррасида ҳам Шекспир кўрмаган, Толстой топмаган улуғворликни топишингиз мумкин. Лекин ҳамма гап кимнинг кўзи ўтишида ва кимнинг кучи етишида”, деб ёзган экан.

Китобга кирган лавҳалар инсонга ҳам ҳаётий сабоқлар беради, ҳам бадиийликнинг бетимсол сиймолари билан учраштиради. Шу жиҳатдан “Шифокор сўзининг қудрати”, “Одам таниш илми” характерлидир. Уларда нафақат қиссадан ҳисса чиқариш, балки инсониятнинг улуғ ҳақимлари тажрибаларидан озиқланиш, уларнинг панду ҳикматларини гўзал ва шоирона ифодалаш қудрати кўзга ташланади: “Ҳаёлимда буюк ҳақимнинг сатрлари айланарди:

*Жаҳонда қолмади мен билмаган фан,
Не мушкул бўлса енгдим дониш илан.
Ва лекин бу ўлим отлик тугунни
Ечолмасдан ўтар бўлдим жаҳондан.
Алеидо, азизим, қадрдоним...”*

“Тўёна”, “Тугатилган мушоира”, “Берлиндан хушхабар” лавҳаларида биз ўзбек адабиётининг Жуманиёз Жабборов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Худойберди Тўхтабоев каби сиймолари билан учрашамиз. Шоирнинг улар билан ўтган завқли, бетакор кечинмалари таъсирида ўша асарларга қаҳрамон бўлган адиб ва шоирлар ҳаётининг, феълу характерининг янги бир жиҳатлари билан танишамиз. Улар ўртасидаги меҳр-оқибат, самимий ҳурмат ва ижодий ҳамкорликни ҳозирги адибларимизга ҳам илинамиз. Бу ҳикматлар замирида нафақат биз каби оддий китобхонлар, балки ўзининг амалини “дунё турғунича туради”, деб биладиган вазифалар, истеъдодли адиб ва “қилни қирқ ёрадиган” ёш мунаққидлар ҳам ибрат олса арзили донишмандона панд ва адабий маъвизалар борлиги китобхонларни хушнуд қилади.

Мўъжазгина китобча улкан маъно ва бадиияти билан бирга, юксак ноширлик тажрибалари асосида чоп қилингани, ҳам кирилл, ҳам лотин ёзуви орқали берилиб, бу икки ёзув ўқувчиларига ҳам мўлжаллангани унинг яна ҳам кўпроқ китобхонларга етиб боришини таъминлайди. Каттаю кичикнинг дил қулфини очадиган, ҳаётнинг ҳар бир кичик ҳодисасидан улкан маъно чиқаришга ёрдам берадиган бундай гўзал панднома учун улуғ шоиримизга ҳар доим миннатдорчиликда бўламиз.



БУ БҶУСТИОН САҲНИДА



ХАЁЛА

1962 йилда тугилган. Наманган маданият техникумининг кутубхонашунослик бўлимида таҳсил олиб, радио ва турли матбуот нашрларида ишлаган. Айни пайтда, Наманган вилоят Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи бўлиб хизмат қилмоқда. Унинг “Кўзларимдан соғинчлар ёғар”, “Нигоҳимга яширай” номли шеърый ҳамда “Ёлгон юпанч” насрий китоблари нашр этилган.

ЛУПФИНИҶИЗДАН ДАРАК ИҶҚ

Ишқ

*Кўнгил қафасин бир кун йиртиб кетар ишқ,
Вужудимга дардини битиб кетар ишқ.*

*Далли девона дилни найлашни билмай,
Турсам йўлида туртиб-туртиб кетар ишқ.*

*Гардуни оташига солмоққа жоним,
Тутиб яқоларимдан ютиб кетар ишқ.*

*Кўриб абгора ҳолим парволари йўқ,
Бугун аҳволи зорим кутиб кетар ишқ.*

*Тополмайму иложин мандин қутулмак
Беҳад жавру жафолар тутиб кетар ишқ.*

*Ситамларин оширмоқ қасдидаму ё
Қўл бермайин Хаёлга ўтиб кетар ишқ.*

Согинмайсан

Согиндим ўт-олов янглиғ нечун
сен ҳам согинмайсан,
Ўзингдан йўқ менга ортиқ,
не бўлди кам согинмайсан?

Йироқсан, тош мисол ёстиқ,
азобинг бунчалар қаттиқ,
Висолингни қилиб тортиқ,
тутиб маҳкам согинмайсан.

Наҳот, бўлса қутиши бекор,
аламлардан дилим абгор,
Ўзим бемор, ўзим бедор,
кўзимда нам согинмайсан.

Ёниб кетдим, фироқ жоҳил,
солар дилга жафо ҳар хил,
Куйиб охир яро кўнгил
тутар мотам согинмайсан.

Сочим – жаллод, ясайди дор,
осар ҳар кун ҳажр маккор,
Мени асраб Хаёл бир бор,
ўзинг бу дам согинмайсан.

Қоши қаройим

Қоши қаройим бунчалар бай-бай баҳона айлади,
Дилимни гам-аламларга боқмай равона айлади.

Сўз келмагай забонима, нигоҳи ўқ бу жонима,
Ёқиб икки жаҳонима, ҳай, нотаваона айлади.

Келмаса борини нетай, бошим олиб қаён кетай,
Бу ҳолни қандоқ унутай, ўшал девона айлади?!

Фигонларим олар уйиб, ўзим гариб суйиб-суйиб,
Не қилса, воҳ, балки куйиб, гунча даҳона айлади.

Ишқида йўқму омадим, дуто бўлибдур қоматим,
Бошимда кўп маломатим, бунча бегона айлади.

Хаёла мубтало экан, васли ани даво экан,
Рафторлари бало экан, ҳажрида ёна айлади.

Зор ўзим

Отма тоши ҳар маломат ҳажр
 аро ҳам зор ўзим,
 Онча хаста, онча дилхун,
 икки ўтда бор ўзим.
 Бу ситамлар жаврини кўп
 тортарим боз етмаса,
 Майли, отқил юз аламдин хор
 ўзим, воҳ, хор ўзим.

Минг жавр бисёре кўрдим,
 тарки ишқдур менга ёт,
 Ул жафолар ўқларидин
 чеккуси озор ўзим.

Дуди оҳимдин фалакда
 ҳосил ўлди абри ишқ,
 Абри ишқим ичра ҳамки
 воласи бекор ўзим.

Не бўлур бир шафқатингдин,
 баҳра топса бу кўнгил,
 Боши осмон менча бўлмас,
 сенга бўлсам ёр ўзим.

Ёки қасдму, айт, Хаёлга
 ё дилинг сангму, ажаб,
 Кунда сарсон тунларимда
 беҳушу бедор ўзим.

Ҳай-ҳай ўлан

Ҳай-ҳай ўлан, ҳай ўлан, ўланчимаан ёр-ёр,
 Кўйингизда девона, тиланчимаан ёр-ёр.

Тонг чоғида волалар айлаб фалакни кучдим,
 Фигон этгувчи минг ё бирламчимаан ёр-ёр.


Бағримни тилиб оташи, ишқ қонига бўялдим,
 Жон тигдаю ноламни куйловчимаан ёр-ёр.

Майли, бу ҳолатимдан кулса кулар ганимлар,
 Осмоққа ҳар аламни аргамчимаан ёр-ёр.

Кутмоқдаман-ку, аммо лутфингиздан дарак йўқ,
 Ёинки сиз, ёки мен алдамчимаан ёр-ёр.

Узолмадим кўнгилни кечиб Хаёлингиздан,
 Куйиблар оҳингизда аламчимаан ёр-ёр.


Наманган



ЁДНОМА

Асад АСИЛ

1941 йилда тугилган. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти филология факультетини тамомлаган. “Лочин”, “Қувонч”, “Меҳр”, “Тогликлар” сингари ўнлаб қисса ва ҳикоялари, “Чирогим, мен – Сидқийман, Хондайлиқийман” номли романи чоп этилган.



ЧАҚМОҚДЕК ЧАҚНАГАН ҲАЁТ

(Сидқий Хондайлиқий таваллудининг 130 йиллигига)

Кесакқўрғон мадрасасини аъло даражада имтиёзли тугаллаб, шу билим даргоҳида мударрис домланинг ёрдамчиси вазифасида олиб қолинган мулла Имомали қишлоғига ташриф буюрган эди. Устози йўқлаётганини эшитиб, Мирзоҳид ота хонадонига кириб келганда Ҳазрат домла ташқи ҳовлидаги ўриндиқда хаёлчан ва ташвишли қиёфада уни кутмоқда эди. Мулла Имомалини бағрига босиб кўришар экан, дардчил оҳангда дарҳол мақсадга ўтди Мирзоҳид ота:

– Кўпларнинг ишончу ҳурматларини қозонибман-у, болаларимга яхши ота бўлолмабман, чирогим. Онаси билан акаси вафотидан кейин Исмоил инингизни сал бўш қўйиб юборибман шекилли, кейинги она фарзандларини, айниқса Сирожиддинни унчалик чиқиштирмаётган кўринади. Бундай гапларни бировларга айтиб бўлмайди. Сиз фарзандларим қаторидасиз, тўнғич ўғлим ўрнидасиз!.. – ҳазрат домланинг овозлари титраб тинди. Мулла Имомали бир сўз дея олмай, қаттиқ изтироб ва сукут оғушида ўтирарди. Мирзоҳид ота ўзини қўлга олгач, сўзида давом этди. – Биласиз, Сирожиддин ўжар, сиздан ўзгага кўнмайди, чамамда ҳозир “Қирғизқулоқ”қа етди-ёв! Майли, борсин, фақат яхши тайёргарлик кўриб, дуои фотиҳамизни олиб ҳамда биродаримиз Шоҳмуҳйиддин Охунд домлага мактубимизни олиб борсалар дегандим...

Мулла Имомали шу заҳоти Сирожиддиннинг изига тушди. Тезлаб юриб кўрдики, Сирожиддин “Қирғизқулоқ”дан ҳам ўтиб кетиб, нақ Тўрайсага етиб қолган экан. Бу ўспирин жуссаси кичик ва нозик кўринса-да, ўзига пишиқ-пухта, чақмоқдек чақнаганлардан эди. Ҳаяжонли шу воқеалар Сирожиддин – Сидқий Хондайлиқий Тошкентдаги Кесакқўрғон мадрасасига билим олиш учун жўнаш жараёнида содир бўлганди...

Сирожиддин ибн Мирзоҳид Охунд – Сидқий Хондайлиқий Кесакқўрғон мадрасасида олган билими билан кифояланиб қолмади. У Тошкентдаги Қўқалдош ва Бекларбеги мадрасаларида ҳам таҳсил олди. Шу фурсат давомидида бир йўла Шоҳмурод котибга қатнаб, хуснихатини такомилига етказди. Илмга чанқоқ қалб, барибир, тинчий олмасди.

Мадрасалар бераётган билим доираси қаноатлантирмагач, мустақил мутолаага берилди. Довруғи дoston, номи машхур хаттот Мирзахошим Хўжандийдан хуснихатнинг барча мураккаб усулларини, муҳр ясашни, китобларга зарварақлар ва тилла ҳал ишлашни кунт билан ўрганган пайтларида Сидқий Хондайлиқий шоирлар даврасида танилиб, ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб қолган эди. Мадрасаларнинг тор доираларини ёриб чиқиб кетган Сирожиддиннинг ихлоси Ҳазрат Навоий, Жомий каби намояндлар ижодларига ғоят баланглигидан уларнинг жуда кўп ғазалларини ёд биларди.

Хондайлиқ отлиғ қишлоқнинг боғу тоғларида сайр этиб, ёшлигида ўз билгичи доирасида ғазаллар битган, шеърлар ёзган Сирожиддин Тошкентда таълим олгач, айниқса етух шоирлар даврасига қўшилгач, ўзининг назм бобидаги ожиз томонларини тезда илғаб олади ва бадийий ижодга қизгич киришиб кетади. Шоир ўзининг бу ҳақдаги самимий дил изҳориди: "Қачонки, илм ўқиш учун Тошкентга бордим, олим ва шоирларга улфат бўлиб, алардан маърифат йўлларини ва шеър ёзиш сирларини ҳам ўргандим", деб ёзган эди.

Сирожиддин чин шеърят майдонига киргунга қадар анча адашиб юргани каби ўзига тахаллус танлашда ҳам бир неча номларни қўллагани маълум. 1913 йилга қадар шоир асосан Шавкат, Шеван тахаллуслари билан ижод қилди. Ушбу имзолар билан ёзган шеър ва ғазалларини жамлаб, "Тухфаи Шавкат" (1913), "Савғоти Шавкат" (1914) китобларини нашр эттирди.

Шеърят майдонида жавлон ураётган, истеъдоди ғоят тез камол топиб, давradoшларидан ҳар томонлама ўзиб кетаётган Сирожиддиннинг бора-бора дунёқарашини ҳам кескин ўзгара бошлади. Унинг ижодида ҳажвиёт алоҳида бир йўл бўлиб ажралиб чиқди. Давр тенгсизлиги, тузумнинг адолатсизликлари аввал юмшоқроқ юморларда, сўнг кескин масалу маталлар, шеърини қиссаларда, ниҳоят, ўткир сатираларда намоён бўла бошлади. Умр инсон учун берилган ноёб имконият эканлигини тушуниб етган салоҳиятли шоир араб ва форс тилларидаги дурдона асарларни ўз она тилига таржима қилиш йўлида шиддат билан ишлайди. Тошкентдай азим шаҳарда хужрама-хужра кўчиб, сарсону саргардон бўлиб юрган шоир қалби шу оғир ўн олти йил (1903-1919) умр давомида ҳижронга, алам-ситамларга лиммо-лим тўлди, ноҳақликлар, жабру зулмларни кўра-кўра тоқати тоқ бўлди. Аммо у эркин-эмин юрган қишлоғига қайтиб кетолмасди. 1913 йилдан сўнг танлаган тахаллуси шу тариқа тўғилди. Асарларига "Сидқий Хондайлиқий" деб имзо чека бошлади. Бу ноёб топилма шоирнинг ҳижрон дардида бироз малҳам қўйгандек бўлди. Шундан сўнг шоир мазкур тахаллусда умри сўнгигача ёниб ижод қилди. Илҳоми жўшиб, она қишлоғига бағишлаб, алоҳида шеър битгани ҳам маълум. Унда куйидаги сингари ҳаяжонли сатрлар мавжуд эди:

Ватан надир туққон ерим, тургон ерим,
 Ўсиб-униб ўйнаб кулиб юргон ерим...
 Жоним Ватан, таним Ватан, кўзим Ватан,
 Эсдан чиқар они кўргоч кўргон ерим...

Сидқий Хондайлиқий, бор-йўғи эллик йил (1884-1934) умр кўрди. Шоир қисқа умр кўришини гўё аввалдан билгандек, адабиётнинг деярли барча қиррасида шиддат билан қалам тебратарди. Ёзган шеърлари, дostonлари, ҳажвий асарларини жамлаб 1913-1917 йиллар давомида тўққизта китоб нашр қилдиришга муваффақ бўлди. Араб ва форс тилларидан ўнга яқин асарни ўзбекчалаштирди. Таржимачилик бобида Сидқий бағоят улкан заҳматлар чекарди-ю, чекинмасди. Араб ва форс тилларини ўз она тилидек ўзлаштирган истеъдодли адиб, бу имконият жуда ноёб, ўзининг зўр бериб ишлаши керак эканлигини қалб-қалбидан ҳис этиб, таржима устида узлуксиз қалам тебратарди. Аммо Сидқий Хондайлиқий томонидан ўзбекчалаштирилган дурдона асарларнинг қайта нашр қилинмай, шарқшунослик институтида ҳамон қолиб келаётгани жуда ташвишли ҳолдир...

Сидқий Хондайлиқий моҳир хаттот сифатида адабиётимиз намояндларининг ўнлаб асарларини қайта-қайта кўчирган, уларни зарҳаллар, чиройли безаклар билан безаган, устозларга бўлган чин ихлос ва садоқатини амалда исботлаганди. Зеро, ҳар бир ижодкор, адабиётшунос, бу соҳа мутахассислари ўз зиммасида катта бир масъулият – устозлар меҳнатлари мевасини юзага чиқариш, халққа етказиш вазифаси борлигини унутмаслиги керак. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, араб имлоси билан ёзилган таржима асарларни ҳозирги имлода қайта нашр қилиш аҳволини ҳам қониқарли, деб бўлмайди.

Сидқий Хондайлиқий ўз имкониятини юқори даражада ишга солганлиги унинг серқирра ижодида аниқ кўринади. Сидқий – шоир, таржимон, ношир, хаттот. Унинг бу жиҳатлари

кўпчиликка маълум; босилган ёки босилмаган ва нотамам асарлари, таржималари ва қайта-қайта кўчириб нашр эттирган китоблари ҳақида кўплаб маълумотлар берилган. Аммо Сидқий Хондайлиқийнинг ҳамон кўпчиликка номаълум қолиб келаётган ва намуналари Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган ижод маҳсуллари борки, уларни ҳам китобхонлар оммасига етказиш бу соҳа мутахассисларининг муҳим бурчидир. Хусусан, Сидқий томонидан тўпланган халқ мақоллари, қадимий ўзбек сўзлари луғати, шоирлар, хаттотлар, турли кишилар билан ёзишмаларини ҳали-ҳануз қўл теккизилмаган ҳазиналар, дейиш мумкин...

Сидқий Хондайлиқий Тошкентга келишининг дастлабки йилларидаёқ уни элга танитган, оддий халқ ҳурматига сазовор этган, шунинг баробарида, ўз бошига катта ситам ва кулфатлар солган ҳақгўйлик ва ҳажвгўйлиги шоир ижодида алоҳида бўртиб туради. Бу йўл ғоят машаққатли эди, образли қилиб айтганда, бирон одимни ҳам ситам чекмай босиб бўлмасди. На илож, қалб даъвати шу бўлгандан кейин шоир бу соҳада қалам тебратмай туrolмасди.

Шоирнинг ўзи ҳам "Ҳолати Сидқий" деб номланган таржимаи ҳолида: "Ошиқона ғазалларим кўп бўлса ҳам, аксар таъбим ҳажвийётга мойил эди", деб очиқ-ойдин ёзган эди. Сидқий ҳажвий асарларини тўплаб, китоб ҳолида ҳам нашр эттиради.



Сидқий Хондайлиқий

Тўғри сўзни айтишда ҳатто отангдан тортинма, деган ақидага амал қилувчи ҳамқишлоғи, қолаверса жигаргўшаси Сирожиддиннинг Тошкентга келганига кўп ўтмасданоқ, қалам "найзаси"ни қозию мингбоши аралаш катта-катта амалдорларга аёвсиз санча бошлаганлиги мулла Имомалини қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Сирожиддиннинг шамширдек ўткир сатираси бесаранжом қилиб қўйган қозию мингбошилар Тошкент амалдорлари билан тил бириктиришиб, шоирни "Сибирга сургун, овоқ турма ичра тургун" қилмоқчи бўлдилар. Амалдорлар давраси ичида ҳам шоир ижодига ихлосмандлар борлиги бу балолар олдини олишга имкон яратди. Тошкентнинг Себзор даҳаси қозиси Ғулмохон тайёрланаётган фитнадан шоир ва унинг дўстларини оғоҳ этди. Васлий, Абдулла Авлоний, Ризоий, Хислат, Камий, Мискин, Муродхўжа, Асирий каби кўнгиляқин қадрдонлар маслаҳатлашиб, Сирожиддинни

Тошкентдан вақтинча бош олиб кетишга кўндирдилар. Шоир таржима учун мўлжаллаган "Алиф лайло", "Ҳикояи латифа" каби китобларни кўлтиқлаб, 1910 йилда андижонлик дўсти Мирзакарим паноҳига йўл олди. Фарғона водийсида юрган кезларида "Ҳикояи латифа"ни тўлиқ таржима қилиб Тошкентга жўнатди. "Алиф лайло" ("Минг бир кеча") нинг эса ярмини ўзбекчалаштиришга улгурди...

Бундан буён ҳам индамай юриверишга мулла Имомалида илож ва тоқат йўқ эди. Мирзоҳид ота юз берган ва бўлаётган воқеаларни сукут сақлаб тинглади, чуқур хаёлга толди. Ниҳоят, қаршисида бош эгиб, фаромуш ҳолда ўтирган мулла Имомалига юзланиб, шу баҳонада ўзига ҳам тасалли бера бошлади:

– Бу – Қодир Оллоҳнинг иродаси, бўтам. Кўп ташвиш чекаверманг, сизда ҳам, бизда ҳам айб йўқ. Сирожиддиннинг зуваласи ўзи шундоқ яратилган экан. Ўғлимиз кўлимиздан чиқиб, халқ фарзандига айланиб кетди. Энди тақдирида борини кўраверади. Аммо биз ҳам қараб ўтирмай, кўлимиздан келган чора-тадбирларни кўрмоғимиз даркор. Оғирлик яна сизнинг зиммангизга тушади, бўтам. Бир илож айлаб, Фарғона сари бормоққа ва Сирожиддинни қайтариб олиб келмоққа жазм этасиз. Сўнгги чора сифатида биз унинг бошини икки қилиб қўйиш тадоригини кўрамиз. Шояд, шундан сўнг ўғлимиз теварагимизда айланишиб қолса.

Ҳам қайнота, ҳам устозинг бу илтимосини мулла Имомали сира оғринмай қабул этди ва зудлик билан "вагон"да Фарғона сари отланди. Сирожиддин яшаб турган хужрага азонда кириб борган мулла Имомали бошини хонтахтага қўйганча ухлаб қолган жафокаш шоирни ва янгигина ёзилган шеърий дуои саломни кўриб, беихтиёр кўзлари ёшга тўлди. Мулла Имомали оҳиста чўкка тушиб, бежирим сатрларга кўз югуртирди:

Гурбат ичра, сиздин эй, мағмурдурмен айрилиб,
 Суҳбатингиздан ажаб маҳрумдурмен айрилиб.
 Васлингиз гулзорида чу булбул эрдим нағмасанж,
 Ушбу кун вайронларда бумдурмен айрилиб.
 Кўп замонлардан бери бир қадрдоним сан эдинг,
 Шарбати ҳажринг тотиб масмурдурмен айрилиб.
 Ҳамдамим ҳам мунисим, жону жаҳоним сан эдинг,
 Бир кишим йўқ сўргудек, мазлумдурмен айрилиб.
 Борлиғимни истамангиз ким нишонимнинг мани
 Сафҳаи маълумдин маъдумдурмен айрилиб.
 Ҳазратингда эрканимда эрди кўп қадрим баланд,
 Эмди сориг ранг ила марсумдурмен айрилиб...

"Аддои фақир Сирожиддин маҳдум соҳиби Шеван. Таҳрир ўлинди, фурсат зиқ эрди, яъни кечаси соат ўн иккида эрди. Рўзи одина учинчи сафарда. Ушбунинг жавобига мутассардирмен".

Шеърни ўқиб, кўнгли бузилиб турган бир пайтда Сирожиддиннинг кўзлари очилди ва энг яқин қадрдонини қошида кўрди. Улар сўзсиз-садосиз кучоқлашдилар. Мулла Имомали мақсадини эшитган шоир чехрасида яна хомушлик пардаси пайдо бўлди.

– Боришим ҳамоно ул қози далолати бирла мени ҳибсга олурлар ва Сибирга сургун қилурлар, – деди Сирожиддин ғамга ботиб.

– Гарчи ўлимни гапирмоқ қувонч бўлмаса ҳам, ул золимнинг яқинда тобутга тортилганини сизга айтишим керак! – деди мулла Имомали Сирожиддинни юпатиб.

– Ундай бўлса, ҳозирок йўлга чиқамиз! Ёру биродарларни, падари бузрукворимизни яна кўрар кун бор экан-да! – деди шодланиб шоир.

Сирожиддин уйланди. Аммо аввалгилари етмагандек, буёқда ҳам кулфатлар қаторлашиб турган экан: аввал дадаси, кейин умр йўлдоши, Омонулла ва Фатҳулкарим исмли ўғлонлари бирин-кетин вафот этдилар. Юрак-бағри ҳижрон азобида ўртаниб кетган Сидқий Хондайлиқий ўзини ижод билан овутирди, мадрасаларнинг хужраларида, Хислатнинг меҳмонхонасида, Чорсуда, Шайхонтовурда ижарага олинган уйларда кечаю кундуз тинимсиз ижод қилди. Лекин барибир, охир-оқибат катта Тошкент ҳам унга торлик қилиб қолди... 1919 йил туғилган қишлоғи яқинидаги Паргиз деган жойда уй-жой тиклаб ҳаёт кечира бошлади.


Беев ўлим Сидқий Хондайлиқийни 1934 йилнинг кеч кузида олиб кетди. Таваллудига юз ўттиз йил тўлаётган шоир хотираси Мустақиллигимиз шарофати туфайли йил сайин юксак эъзоз топиб бормоқда.



ЖСАҲОН ШЕЪРИЯТИ МАНЗАРАСИ

Сальваторе КВАЗИМОДО

1901 йилда тугилган. Атоқли италян шоири. Нобель мукофоти соҳиби. Унинг “Сувлар ва заминлар”, “Туннинг лаҳза нури”, “Кун ортидаги кун”, “Беқиёс замин” сингари китоблари чоп қилинган. Сальваторе Квазимодо 1968 йилда вафот этган.



БҲИ ҚҲРСАШЛАР ВАҚТИ ҚҲЗ ҲНҲИМДА

Тиндари шамоллари

Тиндари, сен ажиб бир маъвосан,
илоҳий ороллар узра қад тиккан.
Бугун, яна мени маҳлиё этдинг,
юрагимда аксланиб бутун.

Қайинзор ифори ила мустағриқ
мен юксаламан пучмоқлар узра,
сингиб кетар экин бағрига изсиз
беғам юрагимнинг хуш эрмаклари –
мавжлар ва севгининг эзгу саслари.
Сен буткул забт этасан мени,
ўзим қочган тахайюлга қилиб рўбарў.
Сукунат ва ҳадик коми –
яланғоч ҳам оч вужудлар танда қурган
маконларга чулғаб.

Сенга таниш у ер –
мен қадамим секинлатиб,
сирли мисралар кашф этар манзил.
Ўзга шуълалар ёғилгай энди
сенинг тунги деразангдан,
менинг фароғатим ором олмас
энди огушингда.

Қувғинликнинг қайғуси оғир,
ки, мен ором истаб, сенга
умидларим итин боғладим,
лекин ўлим ёлғиз нажот энди мен учун.

Қайғулар йўлин тўса олур
фақат севги
ва зулматлар қўйнидаги қурч ирода;
мен бахт излаб сенинг билан
кездим саргардон.

Тиндари суқунатга йўғрилар.
Мушифиқ дўстим уйғотар мени –
қояларга чиқиб,
осмонлардан ерга боқ, дейди.
Юзимга қалқийди ясама кўрқув –
шамол мени топиб олишига
ишонмаслар учун.

Ер

Тун – исёнсиз шарпалар,
ҳаво беланчаги –
мен томон етиб келар;
мен сенинг ҳаёлинг билан
саргардон кезганимда;
шамол билан келар менга
денгиз ҳиди, ер исси
ҳамда менинг сицилияликларимнинг
елканларга, тўрларга,
тонг отмасдан уйғонган гўдакларга
айтган қўшиқлари.

Яланғоч адирлар,
подаларни ва уюрларни қутиб
илк ўтлар-ла қопланган қирлар,
сизнинг дилни сирқиратувчи
изтиробингиз менда.

Одиссей ороли

Мозийнинг садоси – жасур, журъатли.
Тинглайман уларни
хотиралар қаъри –
юлдузли тунда.

Само яллигидан тугилар
Одиссей ороли.
Сокин дарё узра сузар осмон,
дарахтлар
ойдин соҳилларга сир айтиб теран.

Севгилим, олтин олиб келар
асаларилар –
бу, айнан, эврилиш сониялари.

Қабр тошига битилган сатрлар

Бизлар – бунда ҳаммадан йироқмиз,
яна қуёш чиқар, сенинг сочларингда
учқунланар унинг нурлари,
ёзнинг сўнги чирилдоқлари
ҳамда гаровхона,
осмон остидаги фигон
бизнинг тириклигимизни эслатар.

О, шамолларда куйган саслар,
нимани истайсиз?
Мудом, бетаскин
анқиб турар ернинг қаъридан ғусса...

Мен ҳеч нарса йўқотмадим

Мен ҳамон шу ердаман.
Қуёш қарчигайдек
теграмда чарх урар ва замин
нидомни сенинг овозингда такрорлар.
Яна буй кўрсатар вақт кўз ўнгимда,
саҳифаларини очиб қайтадан.
Мен ҳеч нарса йўқотмадим.
Йўқотиши – осмон мувозанатидан
чиқиб кетмакдир;
айро кетмакдир – тушлар оқимидан,
яшиллик кўпирган дарё соҳилларидан.


Тонг олди

Тун тугади,
ой ложувард осмонда
эриб кетар
дарёлар ортига сингиб.
Сентябрь бу кенгликларни тарк этмас
ҳали,
бунда ўтлоқлар ҳамон яшнар,
Жанубнинг яшил водийлари янглиг.

Мен дўстларимни тарк этиб келдим,
кулбам деворига дафн этдим
юрагимни,
сени эсламоқлик учун ёлғиз.

О, сен ойдан-да, йироқдасан ҳозир,
ҳадемай тонг оқарар, жаранглайди
тошкўчаларда туёқлар саси.

Рус тилидан
Мирнўлат МИРЗО
таржимаси



АДАБИЙ ПОРТРЕТ

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ

1925 йилда тугилган. Ўрта Осий Давлат (Ҳозирги ЎзМУ) университетининг филология факультетини тамомлаган. Филология фанлари доктори, профессор. Олимнинг “Драма назарияси” ўқув-қўлланмаси ҳамда “Театр – танқид кўзгусида”, “Танқидми, тош отиш?” номли 20 дан зиёд монография, рисола, 500 дан ортиқ мақолалари эълон қилинган.



ЯНГИ АСРИМИЗ ТОНГИНИ ОЛҚИШЛАГАН ШОИР

Инсондай яшадим, иймонга содик,
Ойдинга интилдим, фақат ойдинга!

Раъм Бобожоннинг бутун ижоди ва ҳаётини кўздан кечирсак, унинг юқорида айтган байтининг нақадар тўғрилигига тўла ишонч ҳосил қиламиз.

Раъм Бобожон атоқли шoir, истеъдодли драматург, таржимон, машҳур маданият арбоби бўлиб етишди.

У ўз ижодий фаолиятини жуда эрта бошлади. 15 ёшга тўлар-тўлмас, шеърлари билан матбуотга қадам ташлайди. Натижада, унинг ижод намуналари тўплам ҳолида ўқувчиларга етиб боради. “Шеърлар”, “Ҳадя”, “Олтин камалак”, “Танланган асарлар”, “Севги сирлари”, “Сенга севгилим”, “Биринчи парвоз”, “Муҳаббатга таъзим”, “Сенинг меҳрингдан”, “Сурайё юлдузидан шуълалар” каби бир неча шеърлар тўплами, “Янги рубойлар”, “Сайланма”ларининг ўз вақтида нашр этилиши унинг поэтик олами қанчалик кенг ва ранг-баранглигидан далолат беради.

Раъм Бобожон поэмалар яратишда ҳам бўш келмади. Китобхонлар унинг кетма-кет нашр этилган поэмаларини завқ-шавқ билан ўқиганликларининг ҳам шохиди бўлганмиз. Жумладан, “Қадрдон дўстлар” достони, “Бобом билан суҳбат”, “Баҳс” ҳамда “Ҳиндистон онаси”, “Ҳайёмнома” ва “Минг бир турна” трилогияси, шунингдек, “Юсуф ва Зулайҳо” достони мазмунининг кенглиги, қўйилган муаммонинг долзарблиги билан китобхон диққат-эътиборини ўзига тортиди. Маълумки, унинг “Оби ҳаёт” поэмаси жамоатчилик орасида жиддий шов-шувга сабаб бўлди.

Шу муносабат билан машҳур “Оби ҳаёт”нинг ёзилиш тарихини қисқача эслаб ўтай: икки дўст Москва атрофидаги “Переделкино” ижод уйида дам олардик. Раъм Бобожон кунларнинг бирида сув ҳақида катта поэтик асар ёзаётганини айтди. Мен эса унинг ижодий ниятига ишонмасдан, шубҳаланиб қараганимни яширолмадим. Бироз вақт ўтгандан кейин баъзи мисраларни ўқиганда менда шубҳалар чекина борди. Бақувват асар тўғилаётганига ишонч ҳосил қилдим. Кунлардан бир кун у машҳур тожик адиби Улуғзода билан иккимизга “Оби ҳаёт”ни тўла-тўқис ўқиб берди. Ажойиб бир поэма яратилганлигини мен ҳам, меҳмон ҳам тан олдик.

Ҳа, Рамз Бобожон "Оби ҳаёт" поэмасида ўз гоёсини янгича, чиройли шакл ва тасвирий воситалар ёрдамида ифодалайди. Мен эса унинг туғилишида гўё "доя" бўлганимдан ҳамон ғурурланаман. "Оби ҳаёт"нинг 1972 йил Давлат мукофоти билан тақдирланиши эса нафақат Рамз Бобожон иходида, умуман миллий шеърятимизда катта воқеа бўлди. Поэма ўзбек поэзияси баркамол йўлдан бораётганлигидан, устозлар анъанаси ишончли қўлда эканлигидан далолат берди. "Оби ҳаёт" фақат ўзбек миллий поэзиясининггина эмас, жаҳон поэтик оламининг бакуват асарларидан бири бўлиб танилди.

Шеърлар, қўшиқлар бадиий пухта, ҳис-туйғуга бой бўлса, халқнинг дилига йўл топиб бораверар экан. Рамз Бобожон ўзи айтганидек: "Ҳар қандай шеър, мабодо, бас-такор дилига, хонанда тилига йўл топса, қўшиқ бўла олади". Жумладан, унинг лирик шеърларидан бири "Гилос", менга маълум бўлишича, 1940 йилда ёзилганига қарамай, илк марта машхур чолғучи Набижон Ҳасанов басталаган мусиқа билан хушовоз хонанда Карим Мўминов ижросида 1947 йил 14 ноябрь никоҳ тўйи оқшомида Рамз Бобожоннинг севгилиси Сурайё хонимга айтган муҳаббат қўшиғи бўлиб янгради ва тез орада эл оғзига тушди, радио карнайларидан баралла эшитилди.

Ҳа, шундай, сир эмас, Рамз Бобожон ҳамиша ҳаёт билан бирга қадам ташлади, халқнинг дарди билан бирга яшади ва нафас олди, унинг қувончини баҳам кўрди, қайғу-ташвишларига шерик бўлди. Дарҳақиқат, ўзи айтганидек: "Шоир ўз халқининг кўнглини тополса, минг кўзли чашмадай қайнаб кетади". Унинг поэмалари ҳам, шеър ва рубоийлари ҳам давр садолари сифатида замонамизнинг долзарб, муҳим масалаларини ёритиши билан характерланади. Уларнинг қиммати ҳам халқнинг талабларига тўла жавоб беришида, эҳтиёжларига ҳамоҳанг бўлишида, улардан жўшқин ҳаётнинг қайноқ нафаси уфуриб туришидадир.

Рамз Бобожон шундай ҳикоя қилади: "Шеърятда шох либосига сигмас бир кулгили ҳодисанинг бадиий умумлашмасини қаламга олгим келди". Бу 1959 йили Ҳамза номидаги академик драма театрида (ҳозирги Миллий академик театри) ўйналган "Тоға – жиянлар" эди.

"Тоға-жиянлар" комедиясидаги муҳим фазилат асарнинг ҳақиқий кулги билан сўғорилганлигидир. Бу кулги қаҳрамонларнинг ташқи кўриниши, хатти-ҳаракатлари орқали келиб чиқмасдан, асар мазмуни, характерларнинг моҳияти заминида пайдо бўлади ва кучаяди. Муаллиф кулгили ҳолатларни топа олган ва характерларнинг ёрқин қиёфасини бера олган. Комедиянинг энг муҳим томони шундаки, у нуқсонларни қоралаш билан бирга, уларга чек қўйиш ва уларни йўқотиш йўллари бадиий воситалар орқали асослаб беради. Асарнинг оптимистик руҳи ва фазилати ҳам ана шунда!

"Тоға-жиянлар" узоқ вақт академик театримиз саҳнасини безаган бўлса, санъаткорнинг кейинги "Зухранинг мактублари" асари эса ўзбек театрларидан ўтиб, Москвадаги "Ромэн" – лўлилар театри репертуаридан мустаҳкам ўрин олди. Бу пьесада Инсон учун, унинг тақдири ва келажаги, онгидаги сарқитларга қарши кураш, илғор урф-одатларни ҳаётга олиб кириш каби масалаларнинг ифода этилиши, уларнинг янгича ҳал қилиниши томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Муаллиф бу гоёни очиб унун Ўзбекистондаги лўлилар ҳаётини ўрганади. Асарда уларнинг аста-секин кўчманчиликдан, дарбадар кезишлардан ўтроқ турмушга, ижтимоий меҳнатга ўтиш жараёни кўрсатилади. Инсон учун, унинг юксак онги учун курашда Дарья, Ёвқоч каби лўлиларнинг характери очиб берилди, уларнинг ҳаётдаги фаолияти яққол намоён бўлади.

Мен Рамз Бобожоннинг иходини, айниқса, драматургия соҳасидаги меҳнати самарасини синчковлик билан кузатиб борганман. Унинг қайси бир асари саҳна юзини кўрадиган бўлса, мен ўша ерда ҳамиша ҳозир бўлганман. Муқимий номидаги мусикали театр жамоаси Рамз Бобожоннинг янги, учинчи асари "Юсуф ва Зулайхо"ни қўлга олибди, деган хушxabарни эшитишим билан уни кузатдим. Мазкур асар асосида бунёда келган "Юсуф ва Зулайхо" спектаклининг муҳокамаси ўтказиладиган бўлди. Муҳокамада атоқли драматург Комил Яшин ва қатор театршунослар ҳозир бўлишди. Спектаклнинг савияси, ундаги севги муаммосининг ифодаси, актёрларнинг ижроси, мусиқаси, ҳатто рассомнинг безаги, қўйингчи, барча элементлари асосан бизга маъқул тушди. Спектаклни таҳлил қилиб берган К.Яшин ва бошқа театршунослар асарни янада такомиллаштирадиган зарур маслаҳатлар беришди. Бундан каминга ҳам четда қолмадим. Хуллас, "Юсуф ва Зулайхо"нинг фаол тарғиботчисига айланиб, матбуотда, турли ижодий йиғинларда чиқишлар қилиб бордим. Ишоти сифатида матбуотда эълон қилинган бир тақризмининг тўла матнини келтираман.

Муҳаббат ҳақида кимлар ёзмаган. "Юсуф ва Зулайхо" афсонаси қайси бир шоирни, ижодкорни илҳомлантормади, дейсиз. У Фирдавсий дostonиyo Равғузийнинг қиссасига, яҳудий шоири Шерозийнинг "Ардашер ва Эстар" дostonига, айниқса Дурбекнинг асарига кенг кириб борди. Ундан кейин ҳам кўп қуйланди. Ҳаттоки, бу ривоят "Таврот" ва "Қуръон"га ҳам киритилган. Лекин, шуниси характерлики, ҳар бир қаламқаш ўзига хос услуб билан ривоятга ёндашиб, унга янгича жило ва ранг бериб борди.

Рамз Бобожоннинг ижодий хизмати шундаки, у ўзига хос замонавий, тўла равишда янги бир мусикали драма асосини, яъни пьеса яратишга муваффақ бўлди. Айниқса, спектаклнинг катта фалсафаси унинг лирикасида, икки ёш қалбнинг улкан, жўшқин, ўчмас муҳаббатига ўз аксини топган. Бу бош сюжет линияси Дурбекнинг 1409 йилда яратган "Юсуф ва Зулайхо" дostonига ҳамоҳанг. Лекин Рамз Бобожон унга янгича жило берган. Замонавий руҳ киритган. Уни ўзига хос услубда ифодаллаган. Дурбекда ошиқ ва маъшуқа қариб қолган чоғларида муродларига етадилар, муҳаббат катта қаршиликлардан сунг тантана қилади. Рамз Бобожонда эса севишганлар фожиага учрайди ва ҳеч қачон бирга бўла олмайдилар. Ҳар икки қалб ишқининг ривожини ва тақдири ўзгачадир.

Рамз Бобожон етук ва истеъдодли драматург сифатида адабиёт майдонига чиқди ва драматургиямизнинг ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди.

Қатор-қатор шеърини тўпламлар, бир неча пухта драмалар ёзиб, элга танилган адиб ўзининг қаламини катта жанр – романда синаб кўрди. Унинг "Муҳаббат мезони" романида поэзия ва драматургия соҳасидаги ижодий тажрибалари қўл келди. Оқибатда, асарнинг тили ширани ва сержило бўлди, воқеалари эса лўнда ва қисқа шаклда изҳор этилди. Адиб асарда муҳаббатни янгича кўламда ўзига хос, қўтилмаган воқеа-ҳодисалар асосида ёритиб берган. Ҳар кўнгили севгини ўзига хос кашф этади деганларидек, Рамз Бобожон қаҳрамонлари ҳам ўзларининг ҳос-туйғулари билан севгига сайқал бериб, уни кашф этадилар.

Рамз Бобожоннинг катта хизматларидан яна бири – адабиёт ва санъатимиздаги муҳим воқеаларни ҳозирги замонамизга, ҳаётимизга олиб ўтишдир.

Рамз Бобожоннинг чет эл маданияти арбоблари билан дўстона, самимий муносабатлари миллий адабиётимиз учун муҳим аҳамият касб этди. Айниқса, Николай Тихонов, Александр Твардовский, Николай Грибачёв, Сергей Михалков, Михаил Дудин, Чингиз Айтматов, Али Тўқомбаев, Расул Ҳамзатов, Мирзо Турсунзода, Берди Кербобоев, Қайсин Қўлиев, шунингдек, покстонлик машҳур шоир ва аллома Файз Аҳмад Файз, турк ёзувчиси Азиз Несинлар билан бўлган ижодий ҳамкорлиги эътиборли. Жаҳон адабиётида алоҳида ўрин эгаллаган бу адиблар Рамз Бобожон орқали ҳам ўзбек халқининг ҳаёти ва санъати билан кенгроқ танишиш имкониятига эга бўлишган.

"Рамз Бобожоннинг шухрати, – деб ёзган эди Озарбайжон халқ шоири Наби Ҳазрий, – она Ўзбекистондан жуда-жуда узоқларга ҳам ёйилган. Унинг асарлари бир сира Европа ва Шарқ тилларига таржима қилинган ва севилиб ўқилмоқда.

Бундай шухрат ва эҳтиромга Рамз Бобожон қандай эришди? Бунга жавобни Менинг ижодим – менинг ҳаётим" китобидан тўла-тўқис топа оласиз.

Бу ҳақиқат китобда жуда кўп далиллар билан исбот қилинади ва шу сабабдан ҳам ўқувчиларда ишонч уйғотади. Шоирнинг ижодига бўлган ижобий муносабатларни муаллифнинг ўзидан эмас, балки унинг ҳамкасблари, чет эл маданият арбоблари томонидан берилган баҳолардан билиб олиш осон.

Мана, устоз Ғафур Ғулумдан эшитайлик: "Рамз Бобожон Шарқ адабиётининг анъанавий ихчам шеърини шакли бўлган рубоийда янгича фойдаланади. У ўз рубоийларида давримиз ҳолатларини зўр руҳий кўтаринкилик билан тараннум этади, замонамизга хос янги образлар ишлатади".

"Оби ҳаёт" – ўзбек адабиётини янги ҳодисадир", дейди улғур рус шоири Николай Тихонов.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Рамз Бобожон танқидчилик соҳасида самарали ижод этган. Таниқли адабиётшунос олим Н.Каримов Рамз Бобожонни "зукко олим" деб таърифлагани бежиз эмас.

Рамз Бобожон бу улкан ижодий ва ижтимоий фаоллиги учун муносиб тақдирланиб, унга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби", "Ўзбекистон халқ шоири" каби юксак унвонлар берилган, "Эл-юрт хурмати" ордени билан тақдирланган.

Рамз Бобожон ўзининг эзгу ниятига чиройли бадий либос бичиб, баралла куйлайди:

"Шеърим,
Дарё бўлиб оқ!
Гўзал Ватан боғларига боқ,
Янги асримизнинг тонги отар пайт
Янги авлодларга саломимни айт!
Каломимни айт!"



УНУТМАС МЕНИ БОФИМ



Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ

1934 йилда туғилган. Самарқанд Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини тамомлаган. Шоирнинг “Суюнчи”, “Зарафшон зарлари”, “Уфқларда кўзларим”, “Лаҳза ва ларза”, “Ёғду”, “Нигоҳлар”, “Оқ саманим”, “Аниқ вақт”, “Қалбим қатлари” каби тўпламлари нашр қилинган. Ўзбекистон халқ шоири. 2006 йилда вафот этган.

МЕХР БЎЛИБ ТЎЖИЛАР ҲИСЛАР

Виқор


Азалдан умиду ишонч, муҳаббат
Бир умр ҳамроҳдир ҳар тирик жонга.
Ҳалол меҳнат билан яралар ҳаёт
Борлиги кўрк берар яшил оламга.

Кимки қудуқ қазиб, гар чиқарса сув,
Равон йўллар қуриб, ўрнатса кўприк.
Меҳр қуёшидан таратса ёғду,
Кўзларга азиздир бамисли киприк.

Ер билан, эл билан гар олса нафас,
Юрт дуосин олиб, тепса юраги.
Яхшилар орзиқиб, қилсалар ҳавас,
Ушалгай юракда орзу-тилагги.

Кўнгли бўлса унинг яйлов каби кенг,
Кўриб чехрасини очилса баҳринг,
Сиз бундай одамни асл инсон денг,
Оламни сиздирар нигоҳинг, бағринг.

Одамийлик – олий мартаба, виқор,
Биродар, ҳаётда инсон бўлиб қол.
Ердан узилмасин оёгинг зинҳор,
Сен элнинг қалбида жаҳон бўлиб қол.



МАҚТУБ



Умберто ЭКО

1932 йилда туғилган.

Италиялик жаҳонга машҳур адиб, нафосатиунослик, семиотика, адабиётиунослик соҳаларида йирик тадқиқотлар олиб борган олим. “Атиргул исми” роман, модернизм ва постмодернизм адабиёти бўйича салмоқли китоблар ва ўнлаб ҳикоялар муаллифи.

ҚАДРДОН НАБИРАМ, ЎҚИБ ЁД ОЛ!

(Италиянинг “L’Espresso” газетаси интернет сайтидан олинди)

Қадрдон набирам!

Мен, рождество муносабати билан ёзилган ушбу мактубимни Де Амичис¹ кайфиятидаги сингари ўта насиҳатомуз тарзда яқинларимизга ҳамда шу каби яна бошқа нарсаларга зўраки муҳаббат уйғотсин деб йўллаётганим йўқ. Сен бунни эшитиб ҳам ўтирмас эдинг (сен энди катта бўлдинг, мен эса анча қариб қолдим). Чунки эндиликда қадриятлар тизими шу қадар ўзгардики, ўғитларим ўринсиз туюлиши мумкин.

Алқисса, ҳозир планшетингдан фойдаланаётган кезларинг сенга амалда асқотиб қоладиган биттагина маслаҳат бермоқчиман. Мен сенга мияси айниган қарияга ўхшаб кўринишдан чўчиётганим учун бу маслаҳатни бераётганим йўқ. Мен, ахир, ўзим ҳам ундан фойдаланаман. Ҳар ҳолда, сенга инсонлар билан инсонлар, одамлар билан ҳайвонлар ўртасидаги шахвоний ўйинларни намойиш этувчи юзлаб порнографик сайтларга эътиборингни қаратмасликни маслаҳат бера оламан. Ишқий муносабатлар бунақанги хийла бир зайлдаги ҳаракатлардан иборатлигига ишонма! Бундай сахналар сени ҳаётдаги мавжуд қизлар олдига бориб танишишдан кўра, атайлаб уйда тутиб туриш учун ўйлаб чиқарилган. Тахминимча, сен ҳақиқий йигит бўлиб улғайдинг, аксинча бўлса, менинг тавсияларимни ўз ҳолатингга илова сифатида қабул қил, лекин мактаб ёки ўйин майдончаларидаги қизларга назар сол, негаки улар телеперсонажлардан яхшироқ ва пайти келиб сенга “online” қизлардан кўра кўпроқ кувонч бахш эта оладилар. Сўзларимга ишон, чунки менинг тажрибам катта (агарда мен компьютердаги бу шахвоний ўйинларни кузатиб вақт ўтказганимда эди, отанг ҳеч қачон туғилмас ва сен ҳам ҳозир ёруғ дунёда бўлмас эдинг).

Бироқ мен сен билан бу ҳақда эмас, балки тенгқурларинг ва ҳозир университетларда таҳсил олаётган сендан аввалги авлодни шикастлашга улгурган бир касаллик ҳақида

¹ Эдмондо де Амичис (1846-1908) – италиялик ёзувчи, шоир ва журналист. 1886 йилда унинг “Юрак” номи билан мавжуд бўлмаган кинесаси нашрдан чиқди. Бу ерда айнан шу кинесасага шама қилинмоқда. Гап шундаки, иккинчи номи “Ўқувчининг қундалиғи” бўлган бу кинесаса ўта насиҳатомуз руҳда битилган эди. Қисса дунёнинг ўндан ортқ тилларига таржима қилинган.

гаплашмоқчиман. Мен хотирани йўқотиш ҳақида гапиряпман.

Чиндан ҳам, агар сен Буюк Карл кимлигини ёки Куала-Лумпур қаерда жойлашганлигини билмоқчи бўлсанг, шу заҳоти тугмачани босишинг ва барчасини интернетдан аниқлашинг мумкин. Зарурати бўлса, шундай қил, аммо керакли маълумотни олгач, қачонки, масалан, мактабда шу билимлар сенга зарур бўлганда, қайта қидириб ўтирмаслик учун, унинг маъносини ёдда сақла! Энг ёмони шуки, хоҳлаган пайтнингда саволингга компьютер орқали жавоб олишга бўлган ишонч сенда ахборотни эсда сақлаш истагини сўндиради. Бунга қуйидагича муқояса келтирса бўлади: шошилганда бир кўчадан бошқасига автобус ёки метрода етиб олиш мумкинлигини англаган киши эндиликда яёв юрмасам ҳам бўлаверади, деган қарорга келади. Аммо пиёда юрмас экансан, сен ногиронлар аравачасида юрадиган одамга айланасан. Эй, айтганча, сен спорт билан шугулланасан ва танангни бошқара оласан-а, бироқ, кел, сенинг мияннга қайтаман.

Хотира худди оёқларинг мушакларига ўхшайди. Машқ қилмай кўйсанг, улар шалвираб қолади ва сен (дангал гаплашайлик) овсарга айланасан. Бундан ташқари, биз барчамиз кексарганимизда Альцгеймер² касаллиги билан оғриш хавфидан холи эмасмиз ва бундай гүнигизликнинг олдини олишнинг йўлларида бири ҳамisha хотирамизни машқ қилдиришдир.

Мана, менинг йўсиним. Ҳар куни эрталаб, худди болалиқда бизни мажбурлашганидек, бирорта қисқагина шеърни ёд ол. Ўртоқларинг билан кимнинг хотираси кучли эканлиги бўйича мусобақа уюштиришларинг мумкин. Агар шеърятга майлинг йўқ эса, унда футбол жамоаларининг таркибини эсда сақлашга уриниб кўр, лекин сен нафақат Рим клубининг ҳозирги ўйинчиларини, балки жамоанинг аввалги таркибини ҳам билишинг шарт (ўйлаб кўрин-а, мен Суперга тепалигида ҳалокатга учраган самолёт бортидаги Турин жамоаси ўйинчиларининг исмларини ёд биламан: Бачигалупо, Балларин, Марозо ва бошқалар). Ўқилган китобларнинг мазмунини ким яхши эслай олиши бўйича беллашинглар (ҳазиналар оролини қидиришга отланган "Испаньол" кемаси бортида кимлар бўлган? Лорд Трелони, капитан Смоллетт, доктор Ливси, Жон Силвер, Жим...). Ўртоқларинг уч мушкетёрлар ва д'Артаньян хизматкорларининг исмларини (Гримо, Базен, Мушкетон ва Планше) эслай оладиларми-йўқми, ойдинлаштир... Мабодо, "Уч мушкетёрлар"ни ўқисинг хоҳламансиз (гарчи бу билан нимани бой бераётганингни билмасанг-да), унда ўзинг ўқиган бирорта китобдан баҳс оч.

Бу сенга ўйиндек туюлади, аслида ҳам бу бир ўйин холос, аммо кўрасан, миянг персонажлар, афсоналар ва турли эсдалиқларга тўлади. Нимага қачонлардир компьютерни электрон мия деб аташганлигини сўрайсан. Шунинг учунки, у миязининг ноҳаси сифатида уйланган, бироқ инсон миясининг алоқалари компьютерниқидан чандон ортиқ. Мия – бу шундай компьютер-ки, у ҳамisha сен билан, унинг имкониятлари машқлар натижасида кенгая боради, столнинг устидаги компьютернинг эса давомли фойдаланишдан сўнг тезлиги пасаяди ва бир неча йилдан сўнг бошқасига алмаштиришни талаб этади. Миянг эса сенга 90 ёшгача хизмат қилиши ва машқ қилдириб турсанг, тўқсондан кейин ҳам ҳозиргидан кўп нарсани эслай олишинг мумкин. Устига-устак, у текин ҳам.

Бундан ташқари ҳаётингдаги воқеа-ҳодисалар ёки сен ўқиган нарсалар билан боғлиқ бўлмаган тарихий хотира ҳам бор. У сен туғилгунга қадар юз берган воқеаларни ўзида сақлайди.

Бугунги кунда, агар сен кинотеатрга бормоқчи бўлсанг, фильм бошланишига келишинг шарт. Кино бошлангач эса, худди нима юз бераётганини сенга изоҳлаб беришаётгандек бўлишади. Бизнинг замонларда кинотеатрга хоҳлаган пайтда, ҳатто фильм ўртасида ҳам кириш мумкин эди. Кўпгина воқеалар сен келгунча бўлиб ўтар ва нималар рўй берганини тусомлашга тўғри келарди. Фильм янгидан бошланганда эса, хаёлингга тиклаган воқеаларинг қанчалик тўғри эканлигини кўрсанг бўларди.

² Альцгеймер касаллиги мия функциясининг сўниши аломатларидан биридир. Бу касаллик қариллик маразми, деб ҳам аталади, одам худди ёш боладек бўлиб қолади. Бемор бўлиб ўтган воқеаларни эслаб қололмайди, қайси кунлигини, ҳафталигини, ўзининг ёшини, турар жойини билмайди. Энг ёмони, бемор яқинларини, ҳатто, хотини, ўғил-қизларини танмай қолади. Одамлар билан мулоқот қилиш қобилиятини йўқотади. Альцгеймер касаллиги кекса ва жуда қариб қолган одамларда пайдо бўлади ва эси пастликкача олиб келади. 65-70 ёшларда 5,7%ни, 85 ёшдан кейин 43%ни ташкил қилади. Ҳозирги кунда 55 ёшдан ошганларда, ҳатто ёшроқларда бошланиши мумкин бўлиб қолди. «Lancet» журналининг маълумотларига кўра, ҳозир дунё бўйича эси паст қариялар сони 24,1 миллион. 2040 йилга бориб, улар сони 81,1 миллионга етади. Ўзбек халқи ота-онасига меҳрибон бўлгани учун кексаларни ниҳоятда иззат-ҳурмат қилади, ардоқлайди. Шунинг учун бўлса керак, қарияларимизда бу касаллик кам учрайди.

Агар фильм ёққан бўлса, кинотеатрда қолиш ва уни яна бир маротаба томоша қилиш мумкин эди.

Ҳаёт ҳам фильмни бизнинг замонлардагидай томоша қилишни эслатади. Биз юз минглаб йиллар давомида кўплаб воқеалар юз берган пайтга келиб туғиламиз ва таваллудимизга қадар нималар содир бўлганини билиш жуда муҳимдир. Шунинг учун ҳам муҳимки, бугун нимага бунча кўп воқеалар юз бераётганини англашимизга керак бўлади.

Бугун мактабда (сен ўқийдиган китоблар доирасидан ташқари) сенга сен туғилгунга қадар бўлган нарсаларни эслаб қолишни ўргатишлари лозим, аммо ҳозир бунинг улдасидан чиқолмаяптилар. Кўплаб сўровларнинг кўрсатишича, бугунги ёшлар, ҳатто 1990 йилда туғилган университет талабалари ҳам, 50 йил аввалги воқеаларни кўя турайлик, бор-йўғи 1980 йилда нималар рўй берганини билмайдилар, балки билишни истамаслар.

Аттанг, бундан бор-йўғи ўттиз йил аввал сиёсат саҳнасида бўлган “Қизил бригадалар”нинг фаолияти бугун кўпчилик учун сир бўлиб қолмоқда. Мен фашистлар ҳокимият тепасига келганидан ўн йил ўтиб, 1932 йилда туғилганман, аммо Римга қилинган юриш чоғида ким бош вазир бўлганлигини билардим. Эҳтимол, ҳокимиятдан четлатилган бу вазирнинг қанчалик аҳмоқ ва ёмон одам бўлганлигини англайтиш учун фашистлар мактабида менга у ҳақда гапиришгандир. Шундай бўла қолсин, аммо мен бу ҳақда билардим. Лекин мактабни бир четга кўя турайлик. Бугунги ёшлар йигирма йил аввалги кинода ўйнаган аёл артистларни билмайди, мен эса дунёга келишимдан йигирма йил аввал овозсиз кинода суратга тушган Франческа Бертини ким эканлигини билардим. Балки, бунга уйимиз омбулчасидаги эски журналларни бирма-бир варақлаганим сабабдир. Мен сенга ҳам эски журналларни варақлашни таклиф қиламан, чунки бу сен дунёга келмасингдан аввал бўлиб ўтган нарсаларни ўрганишга ёрдам беради.

Уш, узоқ ўтмишдаги воқеаларни билишнинг нимаси бунча муҳим? Чунки кўпинча шунга ўхшаш билимлар бугунги воқеаларнинг кечишини тушунишга кўмаклашади ва ҳар қандай вазиятда, футбол жамоаларининг таркибини билганинг сингари, хотирамизни бойитишга хизмат қилади.


Эътиборга олиб кўй, сен ўз хотирангни нафақат китоб ва журналлар кўмагида, балки интернет ёрдамида ҳам чиқиштиришинг мумкин. Интернет фақатгина дўстларинг билан суҳбатлашишда эмас, балки жаҳон тарихини ўрганишда ҳам қўл келади. Хетлар ва камизарлар кимлар? Колумбнинг учта кемаси қандай номланарди? Динозаврлар қачон қирилиб битган? Афсонавий тўфонда Нуҳ алайҳиссалом, унинг оиласи ва ҳайвонлар жон сақлаб қолган кеманинг штурвали бўлганми? Буқанинг аجدодлари нима деб аталган? Юз йил аввал йўлбарслар ҳозиргидан кўпроқ бўлганми? Мали империяси ҳақида сен нималарни биласан? У ҳақда кимдан эшитгансан? Тарихда иккинчи Папа ким эди? Микки Маус қачон яратилган?

Мен бундай саволларни поёнисиз бера олишим мумкин ва улар тадқиқотлар олиб бориш учун ажойиб мавзулар бера оладилар. Буларнинг барчасини ёдда тутиш керак. Кун келиб қартайганингда, сен ўзингни худди Ватерлоо жангида қатнашгандек, Юлий Цезарга қотиллик уюштирилганини кўргандек, Бертольд Шварц олтин оламан деб ҳовончада турли моддаларни аралаштира туриб, тасодифан порох кашф этган ва портлаб парча-парча бўлиб кетган (унга ўзи шу керак эди!) жойда бўлгандек ҳис қиласан. Хотираларини бойитишга интилмайдиган сенинг айрим дўстларинг эса, ўзларининг бир зайддаги зерикарли ва ёрқин хиссиётлардан мосуво биргина умрларини яшаб ўтадилар.

Шундай экан, хотирангни бойит ва эртагаёқ “La Vispa Teresa”³ни ёд ол.

Русчадан **Мавлон Бобохонов** таржимаси

³ “La Vispa Teresa” – италиялик хонанда Ка Бизарронинг “Ўйноқи Тереза” кўшиғи. Бу ерда унинг матнини ёдлашга (умуман шеър ёдлашга) ишора қилинган.




Шура Сулаймон
1934 – 2005

*... Кўҳна ота юртим, қадим Туроним,
Ўз бешик, ўз тилим, шавкатим, шоним.
Етти иқлим аро тенги топилмас –
Тупроқлари олтин – Ўзбекистоним!..*

*... Сен – тошқин Жайхуним, теран Сайхуним,
Сен – менинг ўтмишим, сен – ёруғ куним.
Елкадош диёрлар билан ҳамнафас
Шонли Туркистоним – Ўзбекистоним!*

45 1002



Дилором Мамедова. Куз.